

633
T 39

TEMSPHOMA



امیر نیمور کو رکان جنگل نامه

САЛОХИДДИН ТОШКАНДИЙ
ТЕМУРНОМА




84
T-39

ТЕМУРНОМА



امیر تمور کورخان جنگنامасى


Aмир Темур Күрагон жангномаси



ТОШКЕНТ
«ЧҮЛПОН»
1991

*Нашрға тайёрловчи, сұзбоши ва лугат мұаллифи филология
ғанлары номзоди ПОЕН РАВІШАНОВ*

МУҲАРРИР ЧОРИ АВАЗ



T 4903620101—29
360 (04) 91

ISBN 5-8250-0285-5

© С. Томкандий, 1991.

«ТЕМУРНОМА» ҲАҚИДА СҰЗ

Мұлда Салоқиддин ибн мұлда Алоқиддин хожа әшөп (Салоқиддин Тошқандий) қаламыға мансуб бұлған «Темурнома» поёб асарларданыр. Бұз китоб Тошкентде, Ильин босмахонасида 1327 ҳижерійда, милодий ҳисеб билан 1908 йылда чөп этилған. Төш босма нашарларнине нұсқалари нұхоятда жам бұлғаныши мәттүм. Шунға қарамай, бұз асар соңылары үни не-не үкүбагалар билан сақлағ қолданылар. Үқинларғача Гиглер, Наполеон билан тенгелаштырылған, Чингизхонға қиёс этилған (Чаковскийнин «Қамал» романы) Амир Темур ҳақидағы китобни 30-шіллардан омон сақлағ қолиши үзи бұладыған иш засас-жұ, ахир?! «Темурнома»нинг фарғани Қалқама төгмиридеги овузлардан, ажъендә әса, Шахрисабз ва Китоб фұзалолардан әшитиб қоладык. Нұхоят, 1989 үйлесінде охиріда, аниқрөгө, өктябрь ойы бошларыда Салоқиддин Тошқандийнинг «Темурнома»сын құлға олишга мүяссар бұлдык. Мамнуният билан айттың жоғыз бұладык, шаҳрисабзлар зиёлілар, айниқса, партия ва шірко ҳодимлары китобнинг юзаса қиқишида жұда жатта сағын-жаралат үйрекатдилар.

Китоб нәхиясі фирқә құмитасынін бириңи қотиби Абдурахман Ашурев, Шахрисабз нәхиясі ижерқүйнешіне раиси Ғузор Маматов, шу нәхиядагы «Хзкомпартия XX съезді» совхозинінге директори Жалил Рұзғев, Қашқадарё вилоят майданынан бошқармасынинг бошлиғи Зиёдұлаға Бегимқұловларға осори атиқаларни иззаб топиш үйлідеги фидойликтерін үчүн сидқидилден миннатдорчылар иззор этамиз. «Темурнома»ның кіз қорачигидағы асраган, үни фарзандларыға комил шионч билан қолдиріб кетген Шахрисабз нәхиясінін Әски Чоршанба қашшоги фұқароси, мардым Каттахон әшөп рұхини хүшнұдлар билан ёд этамиз. Асарни еру құққа шионмай, авайлаб сақлаган, бүгүн әса авлодлар баҳраманд бұлсın деб, кеңеғ феъзлік билан үни бизға тақдым этган мұхтарам Гуломхон Каттахон үглиға самимій ташаққұримизниң баён этишідан баҳтиәрмиз.

Амир Темур тарихан жұда қалтас вазиятда сиёсат майдонига кирди. XIII асрнінг бириңи қорагида босиб олғынған (Үрта Осие салжам үч ғыл ашыда, яғни 1219—1221 үйларда истило қилинған жы), асоратға солинған Мовароуннар ғаражынан, қолаверса, рус, хұллас, мұғул босқинчларынінг оёғи етган ұамма мінтақаларда әзіш, талаш, хұрлаш сиёсати давом этаётған әди. Мовароуннар Темүчиннің үгілларыдан бири Чигатойнің сүюргөл мұлкігі айлантирилған, қарийб бир ярим асрдан бүён үнине үргүй-аймоқлары бу ғұлапнің қонини зулукдек сұрмоқда әди.

Мұғул босқинчларынінг ёвузлігі ҳақида шундай бир нақл тұжылған: Чингизхоннің асосий рақибы бұлған Жамухадан бир киши сұрабди: «Кейін подасини құйхона әшійсігача құвіб келәётған бүрилардек бизнінг одамларни құвіб келәётғанлар кимлар?». Шунда Жамуха: «Бұлар Темүчиннің одам әшіти беріб болған тұртта ити; у, бұларни темир кишинға солиб құйған әди; бұларнің пешоналари місдан, тишилары қайраған, тиілары бісегіз синегарі

ұтқар, юраклари темирдан ясалған. Бұларда қамчи үрнеге қайраған қылым бор. Ұлар шудрине ишади, шамолда үчади, жаңеларда одам гүштіни ейди. Ҳозир ұлар занжирдан бұшатиб юборилған, ұларнинг оғзидан сұлаклари оқмоқда. Ұлар шод, хурсанд. Бу тұртта ит: Жабба, Құбала, Жалма ва Сүбугтойдір», деб живоб берған әжан.

Ұрта аср мұаррихларидан бири мұғул лашкарини «құмдан ғам күп» деб таъриф қылған әди. «Занжирдан бұшатылаған», «құмдан ғам күп» бұлған одамхұрларни тасавур қылашыл. Шу юришларниң шоқиди бұлған араб тарихчиси Ибн ал-Асир (1160—1233) бу ҳақда: «күнү түнлірда мисли құримаган ва ғамма ёқни, хусусан, мусулмонлар яратған бойлайларни қамраб олған ғоят кетта бир фалокат бұлды. Агар бирос ғамма нарасаға қодир Оллоқ одамни яратғандан бүнде дүнәй бүндай нарасаны құрмаган, деса әз ғапни айтған бұларди. Дархақиқат, ғылномаларда бунга ұшаша үнгә тене келедиган бүндай зұр фалокат бұлмаган. Ұларда тасвирланған воқеалар ишида Навходоносорнинг иероилюларни қалтаклаши ва Қуодусни вайрон қылыши бобидаги қылыши энде дағшатлышидир. Бироқ бу лаънатилар (мұғуллар — П. Р.) вайрон қылған мамлакаттар олдіда Қуодус нима бұлшти? Бу мамлакаттардаги жаңа бир шахар Қуодусса иккі баробар келади! Мұғуллар қириб ташлаган одамларға қарағанда иероилюлар нима бұлшти? Ахир, битта шағарда мұғуллар қалтаклаган ахоли барча иероилюлардан күп бұлған. Ұлар ғеч кимни аяшмади: аёлларни, әрқажаларни, ғұданжаларни шағыннесиз дүппослаши, ғомиладорларнинг қорнини ёриб, болаларни ұлдиришиди», деб ёзған әди.

Мұғул босқинчилари дағшати шу тарықа ғад-ғудудсиз бұлған. Орадан аср кечесі ғам кишилар ұларға қарши бош күтаришга ботина олмаган. Бу ғонни Чигатой үлеси мисолида ғам құрша мүмкін. Чигатой үлеси Или водийсідан то Хоразмга қадар چүзилған, үлкен сарғадларға Ѽйлған әди. 1318 ылдан әттиборан бир қанча вақт бу үлес пойтахты Қарши бұлыб түрган әди.

XIV асрнинг 60-ғылларига келиб, аввал Ҳуросонда күчайған озодлик ҳаракати Мовароңнахрда ғам күртак әзә бояшлаганда келгенінде ұжымдорлар — мұғуллар салтанатидан пүтүр кетаётганди. Бу ғонни, әтто, мұғул хонларнинг исломга бұлған мұносабати бобида ғам күзатыш мүмкін. Қаршида 1318 ылдан то 1326 ғылгача ұжым сурған Кепакхон ислом динини қабул құлмаган, мажусей әди. Ҳокимият Тармаширин құйыла ұтғач (1326), у мусулмончылек ақидасини қабул қылади. Мұғул хонларнинг ислом диниге киришини әттиқод, юшиоқ құнғыллук оқибати әди, деб бұлмайды албатта. Бу замонасозлик, сиёсий таңгалиқдан чиқаш чораси әди, холос. Агар Тармаширин исломни қабул қылаб, «Алоуддин» — дин үлуги үйөнини олған бұлса, үндап кейин тақтта чиққан Бұзан исломға киришга чек құйыған. Құрнадиқи, бу масалада ғам ұжымдорлар тоғфаси ишида ұжур ихтилофлар ұжым сурған.

Чингизхон вағиғи (1227)дан кейин ғам жуда иноқ, босиб олинған мамлакатларни мұвофиқлик билан идора қылаб қелаётгандынде авлодлари XIV асрнинде иккінчи чорасидан әттиборан бир-

били билан жиекка мүшт бўла бошлайди. Ҳожимият учун талашини авж олди. Ҳожимиятни Бўзандан тортиб олган Қозонхон иби Ясавир ўғлон яна қароргоҳни Қаршига кўчириб келди. Қозонхон ҳам ўзаро тожу таҳт қурашларига тоб беролмайди. Унинг кушандаси амир Қозагон бўлди. Қозагон таҳтга Дошманидчи ўғлонни (у Үгедей насашибдан эди) чиқаради. Кўп ўтмай Дошманидчи ўғлонни ҳам фитнанинг қурбони бўлди. Қозагон бу сафар Мовароунинаҳр таҳтига Баёнқулини хотини кўтаради.

Амир Қозагон анча кучни қўйшинга эга эди. Унинг ўғли Абдуллоҳ ҳам вақти-вақти билан ёндоши ўлжаларга юриш қилар, муъжини кенгайтиришига интилар эди. Жумладан, у 1353 йилда Ҳоразмни босқин қилади ва у ерда ўз ҳукмини жорий этади. 1357 йилга келиб, инкинчи бир мўгул амири Қутлуғ Темур Бўлдай амир Қозагонни ясоққа етказади. Отаси ўрнига таҳтга чиққан амир Абдуллоҳ саройида фисқу фужур зўраяди. Энди мўгул ҳожимлари фақат таҳт талашигина қолмай, ширатпарастсанк бобида ҳам юзтубан кета бошлайдилар. Абдуллоҳ, масалан, хотини билан ишқий можароларда айблаб, Баёнқулихонни қатл этдиради. Мўгул аслзодаларининг жирканч ҳаёт тарзи ҳожимият учун бўлган тубан қурашларга ўйғун бўлиб кетган эди.

Мўгул феодалларининг ўзаро низолари норозилигини кўпдан буён ичига ютиб келётган туркий аҳолининг нуфузли вакилларига таъсир қилмаслиги мумкин эмасди. Бунинг устига, гарчи пинҳона бўлса-да, Ҳурносон билан алоқа ўрнатилган, сарбадорларининг озодлик қураши алансаси уларнинг зулмат оғушида қолиб келётган ватанинга ҳам учқун сачратга бошлаган эди. Туркий аҳолининг етакчилари мўгул тўраларининг ўзаро тўполонларида гоҳ у томонда, гоҳ бу томонда туриб бўлса-да, аста-секин сиёсий қурашларга аралаша бошладилар.

XV аср муаррихи Фосиҳ Аҳмад Ҳавофиининг «Мужмал-и Фосиҳий» асарида қайд этилишича, 1358 йилда амир Абдуллоҳ иби Қозагонга қарши қураш бошлаган мўгул амири Баён Сулдуз ёнида туркий аҳолининг етакчиларидан бири амир Ҳожи Барлос ҳам бўлган. Бу, ўша, Кеш (Шаҳрисабз) вилоятининг ҳожими, Амир Темурининг амакиси Ҳожи Барлосдир. Айрим тарихий манбаларда, хусусан, ақадемик В. В. Бартольд шиларида ҳам ўша пайтларда мўгуллар билан барлос амирларининг муносабати маълум эмас деб кўрсатилади. Шунингдек, илмий асарлар, дарсликларда XIV асрнинг 50-йилларига келиб, Ҳурносонда сарбадорлар мўгуллардан Сабзавор шаҳрини тортиб олганликлари, ўзларининг мустақил давлатини вужудга келтирганиларни айтиласди-ю, Шаҳрисабз ва Қаршида туркий аҳолининг ҳам айнаи шундай қилганиларни ҳақида лом-лим дейилмайди.

Фосиҳ Ҳавофий келтирган ғалилдан маълум бўладики, амир Ҳожи Барлос мўгулларга қарши қураши учун қуляй имкониятларни қўлдан бермаган. Унинг Баён Сулдуз билан биргалишиб қилган жангиди Абдуллоҳ енгилиб, Мовароунинаҳрни ташлаб, Андараф томонга қочади ва шу ёқларда ўлади. Мовароунинаҳр ҳожимияти Баён Сулдуз ва Ҳожи Барлос қўлига ўтади. Афтидан,

Хожи Барлос худди шу йили — 1358 йилда Шаҳрисабз ва Қарши ҳокимиятини қўлга киритган.

Мўгуллар ҳокимияти анча мустаҳкам бўлган Шарқий Туркистонда 1348 йилда ҳонлик маснадига кўтарилиган Тўқлуғ Темур Чигатой улусида юз бераётган воқеаларга бефарқ қараб туролмайди. Айниқса, уни маҳаллий аҳоли — доимо итоатда бўлишига маҳкум этилган ҳалқ вакилларининг ҳокимият ишларига аралашаётганлиги қаттиқ ташвишга солиб қўяди. У 1359 йилда мустақиллик даъво қилаётган барлосларнинг танобини тортиб қўйиш учун катта қўшин билан йўлга чиқади. Кешни ён-верига қараб, қўрқа-писа идора қилиб турган Хожи Барлос мўғул ҳонининг йўл-йўлакай эришиб келаётган ғалабалари хабаридан гангид қолади. Чунки ҳеч кимдан нажот кутиб бўлмас, ён-атрофдаги мулкларнинг ҳаммаси мўгуллар қўлида, тинч пайтларда бир-бирининг гўштини ейишга тайёр турган нўёнлар қалтис дамларда бирлашиб ҳаракат қилиши тайин эди.

Тўқлуғ Темурнинг асосий зарбаси ўзига қаратилганини, саноқли йигитлари катта қўшинга бас кела олмаслигини амир Хожи Барлос яхши биларди. Шу боисдан у жангсиз Ҳурсонга қочиб қолиш йўлини танлайди. Хожи Барлоснинг оғир дамда элини ташлаб кетишга қарор берганини ақлли кишилар маъқулламаган. Унинг обрўси мўғулларга қарши кайфиятда бўлган ёшлар ўртасида ниҳоятда катта эди. Ахир у нима бўлганда ҳам узоқ истибоддан кейин ҳокимиятни мўғуллардан биринчи бор қўлга олган киши эди-да. Мўғулларга қарши кайфиятдаги ватанпарвар йигитлар Хожи Барлосга бўлган ҳурмат-эҳтироми зўридан уни юрт этакларига қадар кузатиб келадилар. Улар орасида Амир Темур ҳам бўлган. Аммо у билан бирга кетишини ор биладилар. Ҳар ҳолда, Амударё бўйидан орқага, Шаҳрисабзга қайтганлар ёлғиз бир киши — Амир Темур эмасди. Бир нарса аниқки, уларга энди Амир Темур бош бўлиб қолган эди.

Темур ибн Турагай баҳодур номи биринчи бор шу қалтис вазиятда тилга тушади. Унинг довюраклиги, шижоаткорлиги болаликдан маълум эди.

Темурнинг ўз амакисига бўлган хайриҳоҳлигини тушуниш қийин эмас. Чунки Хожи Барлос илоҳий (нурдан бино бўлган) деб қаралган, метин деб ҳисобланган мўғуллардан ўз вилоятини тортиб олиб, уларга қарши курашиш мумкинлигини амалда кўрсатди. Зеро Маҳмуд Торобийдан кейин бу ўлкада ҳеч ким бош кўтара олмаган эди.

Хожи Барлос Ҳурсонга кетган, юрт эгасиз қолган пайтда Амир Темур, ўзини нима кутаётганини билмас-да, ҳеч бир иккичанмасдан Шаҳрисабзда ҳокимиятни қўлга олади.

Болаликдан кураш, ов ҳадисини олган Амир Темур, академик В. В. Бартольд айтганидек, валломатлик — жанговарлик руҳида тарбияланган эди. Ориятини қўлдан бериш унинг учун ўлим билан баравар эди. У кейинчалик ҳайратомуз шону шавкатга эришигач, ўтқазган қурилтойларида мудом бир нақлни тақрорлар экан. Эмишки, икки сайёҳ, бири араб, бири эрони, беҳудуд саҳрова

адашиб қолишибди. Эрони сувини ичиб тамомлабди. Арабинг кўзачасида бир қултум оби ҳаёт қолибди. Оғигоб тигида эрони сулайиб, тамомила мадордан қолибди. Ўлими мүқаррар бўлибди. Сўнгги кучини ўтиғиб ҳамроҳига дебди: «Сен арабсан, ҳалқингни олижаноб, деб эштганман. Агар шу рост бўлса, сувини менга бер, ҳалқингни олижаноблигини кўрсат». Араб бир зум ўйлаб қолибди-да, ҳуржуңдан кўзачани чиқариб, уни ўлим билан олишаётган шеригига узатиб: «Ҳалқимнинг олижаноблиги олдидা менинг ўлимим ҳеч нарса эмас, мен бу удумга шак келтирмайман, мана сув, ичақол», дебди.

Амир Темур бу нақлини бежиз тикрорламаган. Ҳалқининг озодлиги кўндаланг турган маҳалда у Ҳожи Барлос сингари ўйлутута олмасди. Үнда ҳамият ниҳоят даражада кучли бўлган. Келинг, шу ўринда Амир Темурни майдонга чиқазган сиёсий ва тарихий вазият ҳақида сўз юритайлик.

Тарихий асарларда Амир Темурнинг Шаҳрисабзда ҳокимииятни қандай ўйлуб билан сақлаб қолганилиги сабаблари номаълум деб кўрсатилиди. Тарихнинг қизиқ бир тугуни шундаки, Моваро-уннаҳрда осойишталик қарор топиб, Тўқлуғ Темур қайтиб кетгандан сўнг, орадан бир йил ўтар-ўтмас амир Ҳожи Барлос яна Шаҳрисабзга қайтиб келади. Фосиҳ Ҳавоғий очиқдан-очиқ эътироф қилганидек, у яна ҳокимииятни бошиқаришдан умидвор бўлиб келган эди. Амир Темур ўз ҳалқига хос жўмардешк кўрсатади: юзи шувит амакиси Ҳожи Барлосни дарвозадан киритмаслик ўрнига, Кеш ҳукуматини унга беради.

Амир Темур айрим илмий минбаларда 1360 йил таҳтга чиққан, деб кўрсатилади. XV асрга оид тарихий асарларда бундай таъкидларга дуч келиш маҳол. Тарихий китобларда Амир Темурнинг Мовароуннаҳр таҳтини расман қўлга олиш ўили сифатида 1370 йил қайд этилади ва бу музаббариат Балхда юз берганлиги айтилади. Ҳақиқатда амир Ҳусайн ибн Мусаллабни енгигиб, қўли биланд келган Амир Темур жами ақобирлар, қўшин бошлиқлари томонидан Мовароуннаҳр ҳукмдори деб тан олинган эди. Бинобарин, Амир Темур ҳозирга қадар айтиб келинганидек. Йигирма турт-йигирма беш ёшида эмас, ўттиз турт-ўттиз беш ёшида таҳтга чиқшишга эришган.

Амир Темур ибн Турагай Мұхаммад баҳодур ҳижрий 736 сичқон ишида, шаъбон ойининг 25 кунидаги (1336 йил, 8 апрель) Шаҳрисабздан ўн уч чақиримча келадиган Ҳўжа Илгор қишлоғида түғилиди. Унинг отаси амир Турагай баҳодур давлатманд киши бўлиб, Баёнқулихон салтанатида катта мавқе тутган.

Амир Темурнинг онаси Тегуна хотун (Тегина Вегим Мөҳ) бўлган. Фосиҳ Ҳавоғий Амир Соҳибқироннинг шажарасини шундай кўрсатади: Амир Темур кўрагон ибн амир Турагай ибн Барқал ибн Илангири Ижил ибн Қоражор нўён ибн Суқу Сижон ибн Ишимхи ибн Қожулай нўён ибн Туманайхон ибн Бойсунгур хон ибн Қайдухон ибн Дутам ибн Маннон ибн Бўка ибн Буданжир ибн Алан Тава хотун. Бўлак минбаларда айрим исмларди озгиниа фарқ бўлмаса (масалан, Ишимхи – Ишимчи, Қорачор сингари), шажара

айнан шүндәй тақрорланады. Шоғмар, сұлтоңлар шажарасини олесдан бошлап. Одам Атога олиб бориб тақаш ҳоллари Шарқ тарзхависелари учун үдүм бұлғанлигини үпүтмаслик лозим. Бу ҳолни, ұтто, XVI асрда яшаган Абдуллахон авлоди мисолида ҳам күриш мүмкін. Амир Темурнинг шажарасини битган тарихнавис уни Чингиз билан бир сұлолага тақаб құяётір. Чунки Алан Тава ёки Алан Құва «Шарафнома шохий» («Абдулланома») асарида қайд этилганидек, Темурчининг улуг момоси. Ү нурдан ҳомила пайдо қилиб, фарзандлар күрган. Зуваласига илохийлик хамиртурушидан қішшилган бүндай шажаранине ғақиқатең қанчалик тұғри көлишини бу үринде бағе қилишіга әжтие ж үйк. Нурдан ҳомила пайдо бұлмаслығы ҳәк бұлғанидек, Алан Құванынг суюқ оёқ бұлғанлиғы ҳам әжтимолдан үнчалик узоқ бұлмаса керак.

Мұхими шүндәкі, Чингизхоннинг шажараси ғақидаги асли қозиги бұша бұлған ағсанага Амир Темурнинг ург-аймогини ҳам келтириб бөгләш ақлаға тұғри келмайды. Амир Темур юрттарни, ҳокимияттарни мұғуллардан тозалаған бұлса ҳам, улар дағшати таңсиридан онғын тозалаға батамом мұваффақ бұлмаган күрінады. 1219 йилдан то 1370 йылғача давом этгандың мұғула истибдоди онғын ҳам, қонни ҳам күп асрларға етадиган даражада заһарлаған әди. Шу бопедан кейинги діврларда ёзилған тарихий асарларда ҳам Чингизийларни илохийліштириш, ұтто, уларни исломлаштириш каби үршисшарға дүч келамыз. Ұша, Алан Құванынг ғотовига туынудан кириб келған нур араб сиғаттың киши деб талқин қилинишини бүндән бояқа қандай изохлаш мүмкін?!

Бироқ Амир Темурнинг болалик шылдары, ғасырларынан, аниқроқ айтгана, 1360 йылғача бұлған ғаєти манбамырда зикр этилмайды. Бүндай ҳолат кейинчалық түрли тасиғларнинг рүёбга чиқшишига түрткі берған бұлса ажаб әмас. Ұтмиш Туркестонда салтанатлар тарихи битилғанда Амир Темурға алоқида әжтиром күрсатылған. Үнинг үлтүсарлығы, қароқчылар қылғаны, саводсиз, жоқыл әкапалығы фақат бизнине замонимизге келиб «қашіф этилди». Амир Темур девонида үтириб, түркігүй шоурларнинг шетрларини тұплатыб, «Манзумоти түркій» мажмусини тұздырғаныда, үзининг ёшлиғы билан бөглиқ воқеа-ходисаларни «одамлар бу шыларға ишонмайды», деб атайлад киритдірмеган әкан. Бұнға ағсус қымаслық мүмкін әмас. Алишер Навоий «Мажолис үн нафоис» тақирипасыда дүсті Шайхим Сұхайлійни таъриф қылған келиб, бүндән ортиқ мақтасам үзимни улуглагандек бұламан, деб дүсті ғақидаги сұзни мұхтасар қылған әди. Амир Темурнинг шу шишидан қамтарлық бүйін күрінмайдыми? Еки Амир Темурнинг Ғиёсіддин Али Яздыйнинг «Китоби рұғзномағазовоти Ҳиндустон» асари хусусида тутған үйлини әсга олайлик. Даиллардан құра мақтовларға тұла бұлған бу асарни Амир Темур пучға чиқарған әди. Хұш, әнді Амир Темурнинг ёшлигіда қылған, «одамлар ишонмайдыған шылары» нималардан иборат бұлған, шу вақтта қадар бу ҳақда ҳар ким үзича жаромат қылған келди. Шарафиәддин

Али Яздийининг машҳур «Зафарнома» сида ҳам Соҳибқироннинг бу умр фасли қаламга олинмаган. Тарихга адолат кўзи билан қарайдиган олим В. В. Бартольд ҳам охирни «Темур ҳам ҳудди Чингизхон каби фаолиятини қароқчиликдан бошлаган», дегин холосага келган эди.

Бу ерда ортиқча тағсилотбозликдан қочиб, бир нарсани айтиш ўринли бўладики, Салоҳиддин Тошкандийининг қўлингиздаги мазкур «Темурнома»си ана шу саволга биринчи марта очиқ-оидин жавоб беради. Албатта, «Темурнома» илмий манба ёниги тарихий асар эмас. «Темурнома» энг аввало — бадиий асар. Бадиий асар бўлганда ҳам бир неча форсий манбалар асосида (қайси манбалар асосида эканлигини аниқлаш — бу келажакнинг иши!) битилган. дейши мумкин. Шу боис асарни таржима, дейши бир ёқлама бўлиб чиқади. Чунки у мутлақо эркин, ижодий ёзилган. Шу билан бирга воқеа-ҳодисаларни давиллашиб тарихий манбаларга мурожаат этилган ўриналар кўп. Бу ҳол асарда бошдан-ёк давом этиади. Ана шуларга асосланиб, «Темурнома»ни бир неча тарихий-бадиий китоблар умумлаштирилган янги асар дейши тўғри бўлади. Ҳали қўйироқда бу масалага яна қайтамиз.

Биз юқорида Амир Темур шахси ҳақида сўз юритиб, уни ўйлётсарлиқда, қароқчиликда, жоҳулликда айбловчи олимлар, адаблар, арбоблар билан мунозара қилдик. Ҳозирга қадар бу олимлару арбобларнинг фикрлари аниқ мисоллар билан давилланган эмас. Салоҳиддин Тошкандийининг «Темурнома»си бу даъволарни инкор этиши учун атайлаб ёзилгандек. Ваҳоланки, китоб бундан роса саксон иккى йил мукаддам. Октябрь инқилобидан тўқиқиз йил олдин нашр этилган. «Темурнома» кўп жижитдан, айниқса, қамрави эътибори билан «Бобурнома»га, «Қиссас-ул-анбиё»га анча яқин туради. «Бобурнома» учун ҳам тарихийлик, ҳам бадиийлик нечоғли хос бўлса, унда ҳам шу фазилат бўртиб туради. «Қиссас-ул-анбиё»да пайғамбарлик ва оддий инсонлик нечоғли қўшилиб уйғунлашиб талқин этилган бўлса, «Темурнома»да ҳам шу ҳолни кўрамиз.

«Темур тузуклари», «Бухоро ёхуд Мовароунинаҳр тарихи» (Г. Вамиери), Гиёсиддин Али Яздийининг юқорида номи зикр этилган асарининг рус тилида, Шарафиддин Али Яздийининг «Зафарнома»сининг форсий тилда нашр этилиши («Фан», 1972), Иброҳим Мўминов рисомаси Амир Темурни билиш ўйлидаги дастлабки қадамлар бўлди. Айниқса, Фосиҳ Ҳавоғийининг «Мужмали-и Фосиҳий» асарининг рус тилида бўлса-да, чоп этилганлиги Амир Темурни билиш, таниш ўйлидаги мувабфақиятдир. «Мужмали-и Фосиҳий» на бадиий, на тарихий асар, унинг жанрини хроника ёки жанғнома деб белгилаш тўғрироқ бўлади. Муаллиф ҳар бир йил воқеа-ҳодисаларни ҳеч бир шарҳсиз кунма-кун, ойма-ой, ийламил ўзиди ёзив борган.

Ўқувчидаги тўғри тасаввур ҳосил қилиш учун Фосиҳ Ҳавоғийининг «Мужмали»дан Амир Темур ўйлномасининг асосий ўринларини айнан келтиришини лозим топдик, тоғи китобхоннинг ўзи воқеаларга ҳакам бўлсин, ўзи бир холосага келсин.

ФОСИХ, ХАВОФИЙ. «МУЖМАЛ-И ФОСИХИЙ».

АМИР ТЕМУР ЙИЛНОМАСИ:

1335—1336 ЙИЛ. Амир Соҳибқирон Амир Темурнинг шаъбонинг ўигирма бешида тугилиши.

1357—1358 ЙИЛ. Амир Абдуллоҳ иби амир Қозагон томонидан Баёнқулихоннинг қатл этилиши.

1358—1359 ЙИЛ. Баён Сулдуз ва амир Ҳожи Барлоснинг амир Абдуллоҳ иби амир Қозагонга хужум қилиши. Абдуллоҳнинг Андараф томонга қочиши ва ўлими. Мовароуннаҳрни Баён Сулдуз ва амир Ҳожи Барлосларнинг эгаллаши.

1359—1360 ЙИЛ. Мовароуннаҳрга жатта (мӯғул) подшоҳи, Чигатой ургудан бўлган Тўқлуғ Темурхон иби Ўғул хўжа иби Дувахоннинг келиши. Бу хабарни эшитиб амир Ҳожи Барлоснинг Тўқлуғ Темур билан учрашмасдан, Мовароуннаҳрни тарқ этиши ва Ҳурсонга йўл олиши.

1360—1361 ЙИЛ. Тўқлуғ Темурхон фармонига биноан Кешхукуматининг Амир Темурга ўтиши. Тўқлуғ Темурнинг Мовароуннаҳрдан ўз пойтактига қайтиши. Амир Ҳожи Барлоснинг ўз мамлакатини бошқариш учун Мовароуннаҳрга қайтиб келиши. Амир Турагай Мұҳаммад Амир Соҳибқирон Амир Темурнинг отаси вафот этиши.

1361—1362 ЙИЛ. Амир Соҳибқирон Амир Темурнинг Ҳусир Ясурий сарига амир Ҳусайн иби амир Мусаллаб иби амир Қозагонга Баён Сулдуз билан бўладиган курашида ёрдам бериш учун келиши. Баён Сулдузнинг қочиши.

1362—1363 ЙИЛ. Амир Соҳибқирон Амир Темур амир Ҳусайн иби Мусаллаб билан Сейистон юришига отланиши. Амир Соҳибқироннинг қўли ёй ўқидан яраланиши. Тузалиб, тагин амир Ҳусайнга қўшилиши, сўнгра иккаласининг Мовароуннаҳрга қайтиши. Амир Ҳусайннинг Амир Темур билан иттифоқ бўлиб жатта қўшини билан жанг қилиши. Самарқанд ва Кешнинг қўлга киритилиши.

1365—1366 ЙИЛ. Жатта қўшини билан Ҳусайннинг машҳур Лой жангиги. Амир Соҳибқирон Амир Темурнинг бу жангда жатта жасорат кўрсатишни, бироқ, амир Ҳусайн лашкарининг бўшанглиги туғайлиж жатта қўшинининг ғалаба қозониши. Амир Темур Ҳусайнни қанча қувватламасин, унинг лоқайдлиги. Шу сабабга кура Амир Соҳибқироннинг үнае нисбатан гина, кек сақлаганилиги. Иккаласи ўртасида нифоқнинг пайдо бўлиши.

1366—1367 ЙИЛ. Бадахшон подшоҳининг амир Ҳусайнга душманлик қайфиятида бўлиши. Амир Ҳусайн билан Амир Соҳибқирон Амир Темурнинг ярашиши ва уларнинг Бадахшонга биргаликда юриш қилиши. Амир Соҳибқироннинг амир Ҳусайндан

оидинроқ Бадахшонни забт этиши ва уларнинг биргаликда қайтиши.

1368—1369 ЙИЛ. Амир Соҳибқирон Амир Темур билан амир Ҳусайн иби Мусаллаб ўртасида низо чиқиши.

1369—1370 ЙИЛ. Амир Соҳибқирон Амир Темурнинг амир Ҳусайн иби Мусаллаб иби амир Қозағонга қарши чиқиши. Балхда Амир Соҳибқирон томонидан амир Ҳусайннинг үлдирилиши. Амир Соҳибқироннинг таҳтга чиқиши.

1370—1371 ЙИЛ. Амир Соҳибқирон жатталар билан жанг қилишага отланади. Амир Соҳибқироннинг жатта устига иккинчи қатла қўшин тортиши. Кепак Темурнинг қочиши ва Амир Темурнинг Самарқандга қайтиши. Зинда Чашмнинг фитнада айбланиб ҳисбга олинши. Амир Соҳибқиронга қарши ўюштирилган бўй фитнада амир Мусо, Абу Исҳоқ Ҳизир Ясурий ва шайх Абул Лайс Самарқандийлар қатнашганилиги. Зинда Чашм ҳоким бўлган Шибирғон ҳукуматининг Баён Темур иби амир Оқбўгага берилиши.

1371—1372 ЙИЛ. Амир Соҳибқироннинг Хоразмга отланishi. Хоразм ёнида Ҳусайн Сўфи билан бўлган жанг. Ҳусайн Сўфининг қочиши. Хоразмнинг камал қилиниши. Ҳусайн Сўфининг вафот этиши (1372 йил 5 январь). Юсуф Сўфининг Хоразм шоҳи бўлиши. Кайхусрав Хатлонийнинг Ҳусайн Сўфи билан воситачилик қилгани учун қатла этилиши.

1372—1373 ЙИЛ. Амир Соҳибқироннинг Хоразмга иккинчи қатла юриш қилиши. У Юсуф Сўфи аҳдни бузганидан газабга келган эди. Юсуф Сўфи битим йўлини излаб, кечирим сўраши ва Амир Соҳибқироннинг ярим йўлда ишга қайтиб кетиши.

1373—1374 ЙИЛ. Малика Ҳонзоданинг Хоразмдан олиб келиниши ва унинг амирзода Муҳаммад Жаҳонғир иби Амир Темур кўрагонга ақд қилиниши. Амир Соҳибқироннинг Конигилда мисли кўрилмаган катта тўй қилишага амр этиши.

1374—1375 ЙИЛ. Амир Соҳибқирон Амир Темурнинг жатта томонга учинчи бор юриш қилиши. Амир Соҳибқироннинг Дишод отога ўйланishi.

1375—1376 ЙИЛ. Амир Соҳибқироннинг жатта сарига тўртинчи марга қўшин тортиши ва йўлдан қайтиши. Кўп ўтмай унинг мўгуллар устига бешинчи марта отланishi. Амирзода Жаҳонғир баҳодурнинг ўлими. Тўхтамишхоннинг Ўрусхондин юз ўғириб. Амир Соҳибқирон ҳузурига паноҳ истаб келиши. Бу пайтда Амир Темур жатталар билан бўлган жангдан қайтганилиги. Амир Соҳибқирон Тўхтамишхонга Ўтрор ва Сабранни инъом қилиб, илтифот кўрсатиши. Амирзода Жаҳонғирнинг ўғаси Муҳаммад Султоннинг туғилиши.

1376—1377 ЙИЛ. Амир Соҳибқирон Амир Темур фармонига кўра Тўхтамишонинг Ҳашти Қипчоқ ҳокимиятини қўлга олиши.

1377—1378 ЙИЛ. Шоҳруҳ баҳодурхоннинг ўн тўртинчи раби ассоий, пайшаниба кунида (1377 йил 20 август) тугилиши. Амир Соҳибқироннинг аслодалар зотидан бўлган Тўмон оғога уйланishi. Амир Темур кўрагоннинг Занжир Сарада қишилаши.

1378—1379 ЙИЛ. Амир Соҳибқироннинг Хоразмга тўртинчи бор қўшин тортиши. Хоразм ёнида Юсуф Сўфи билан жанс қилиши. Сўфининг қочиши ва ичкарида мустаҳкамланиши.

1379—1380 ЙИЛ. Амир Соҳибқирон Хоразм қамалидан қайтганида Юсуф Сўфининг вафот топиши. Хоразмнинг фатҳ этилиши. Кешда Оқсаройнинг қурилиши. Кеш қўргонини вужудеа келтириши.

1380—1381 ЙИЛ. Амирзода Амирондоғининг кўп қишилиж қўшин билан Ҳуросонга отланиши. Амир Соҳибқироннинг Эронни фатҳ этиши учун келиши. Мұхаммад иби малик Мутъизиддин Кўртнинг Сарахсадан Амир Соҳибқирон ҳузурига келиши. Унинг иззат-обрўға поил этилиши. Амир Соҳибқироннинг Қусуйяга келиши. Пәҳлавон Махди Қусуйянинг Амир ҳузурига келиши ва сийланishi. Амир Соҳибқироннинг улуг шайх ул ислом, Мавлоно Зайниддин Абу Бакр ат-Тайободий билан учрашуви. Шайхнинг Ҳирот аҳолисини таламаслик, қирмаслик ҳақидаги илтимосига Амирнинг аллақачон шу қарорга келганилиги ҳақидаги жавоби.

1381—1382 ЙИЛ. Ҳиротнинг Амир Соҳибқирон томонидан фатҳ этилиши. Ҳудоют Ҷўйин аҳолисининг Ҳожи Барлос хуни учун қатлаға ҳуқм қилиниши.

1382—1383 ЙИЛ. Ишопурнинг олиниши. Малик Гиёсиддин Кўрт ҳонадонининг Самарқандга кўчирилиши. Фанокат мавзиъидаги Шоҳруҳия шаҳрининг тикланиши. Бу шаҳар Чингишон ҳукм сурсан ўзларда вайронага айланган эди. Шаҳар тикланиб, Амир Соҳибқирон фармонига кўра ўғли Шоҳруҳ номи билан аталади.

1383—1384 ЙИЛ. Амир Соҳибқироннинг жаттага Қамариддинни маҳв этиши учун ҳўйшин юбориши. Қамариддинни излаб тополмаслик ва қайтиш. Амир Соҳибқироннинг Мозандаронга юриши. Амир Соҳибқироннинг Сейистонни фатҳ этиши, малик Қутбиддинни ҳисбга солиш. Малика Дилдош оғо вафоти.

1384—1385 ЙИЛ. Амир Темурнинг Астрободга юриши. Шерозда Шоҳ Шужоённинг вафот этиши. Ироқда бўлиш, Райда қишилаши. Баҳорга келиб Султонияга қадамжо қилиши. Сарик Одилнинг Шоҳ Шужоёндан элчи бўлиб келиши, унга ҳурмат кўрсатилиши.

1386 ЙИЛ. Амир Соҳибқироннинг Табризга келиши, моли омон пешкаш этилиши. Гуржистон ҳукмдори Бүкротнинг асир қилиниши, унинг ислом динини қабул этиши. Амир шайх Иброҳим Дарбандийга эҳтиром кўрсатилиши. Гилон маликларининг Амирни кутуб олиши.

1387 ЙИЛ. Амир Соҳибқироннинг Қорабог қишлоғидан Гуржистон сарига жўнаши. Тўхтамишининг тузқўрлик қилгани ва итоатдан чиққани хабарининг келиши. Амирзода Амирлоҳоннинг Тўхтамишхон билан жанг қилиши. Тўхтамишининг қочиши. Амир Темурнинг Кўкча Тенгизга отланиши. Самарқанддан Сарой Мулж хонимнинг Шоҳруҳ султон билан Халил Султонни олиб келиши. Олатогдла Қора Муҳаммад қишилари билан жанг. Шерозни олиш.

1388 ЙИЛ. Амир Соҳибқироннинг Форсдан қайтиши. Бешинчи марта Ҳоразмга юриш. Абул Фатҳ — Амир Соҳибқирон қуёвининг қочиши ва охир-оқибатда қатла этилиши. Амир Темурнинг Ҳоразмга келиши, Тўхтамишхон қўйшинининг қочиши. Ҳоразмни вайрон этиши. Дасти Қипчоққа, Тўхтамишхон билан жанг қилиши учун отланиши. Жангдан сўнг Тўхтамишининг қочиши, Айди Берди баҳшининг асир тушиши ва кечирилиши.

1388—1389 ЙИЛ. Тўхтамишхон билан бўлган жангдан сўнг Самарқандга қайтиши. Кўп ўтмай яна Тўхтамишхон устига юриши. Тўғмоқ қўйшинининг маҳв этилиши. Тўхтамишининг енгилиб қочиши. Султонибат бергим — Амир Темурнинг қизи билан амир Сулаймониоҳ баҳодирнинг тўйи.

1389—1390 ЙИЛ. Раў атрофидаги Оқйар деган жойда Қурултой ўтказши. Амирзода Умаршайхнинг Севинч Қутлуғ оғога уйланиши. Амир Соҳибқироннинг Дасти Қипчоққа юриши. Унинг касалланиши. Амир Темурнинг тузалиши.

1390—1391 ЙИЛ. Амир Темур буйргу билан амир Мусиқанинг вайрон этилган Ҳоразмни обод қилишига киришиуви. Мусиқанинг бу шини үддалаши. Баҳорда Амир Темурнинг Тошкентдан Дасти Қипчоққа, Тўхтамишхон устига отланиши. Тўхтамишининг енгилиши, кatta ўлжа билан қайтиши. Амирзода Амирлоҳоннинг Ҳуросонга жўнаши.

1391—1392 ЙИЛ. Амир Темурнинг Тошкентдан Самарқандга келиши. Унинг Табаристонга юриш қилиши.

1392—1393 ЙИЛ. Шоҳруҳнинг Самарқанддан Шасфанга чақирилуви. Шерознинг иккинчи қатла фатҳ этилиши. Амир Темурнинг Бағдодда қишлоғи. Султон Аҳмаднинг қочиши.

1393—1394 ЙИЛ. Муҳаммад Тарагай Улугбек кўрагоннинг тутғилиши. Бағдод ёнидаги Хармату қалъаси учун бўлган жангда амирзода Умаршайхнинг ҳалок бўлгани ҳақидаги хабарнинг келиши.

1394 – 1395 ЙИЛ. Тұхтамишиң билан жаңғ қилиш үчүн Дасти Қипчоққа құйашы тортиши. Дасти Қипчоқнинг, Черкас, Үруснинг калта қисми фатж этилиши.

1395 – 1396 ЙИЛ. Амир Темурнинг Сарой ва Ҳожи Тархондан қайтиши. Мардин ұқымдори Исонинг ҳибесдан озод қилиниши ва Мардинни идора қилишиң үнгә топшириш.

1396 – 1397 ЙИЛ. Самарқандда Боги Шамол қасрининг қурилиши. Малика Ҳонзоданиң Озарбайжондан келиши ва эри Амироншоғдан шикоят қилиши. Конигилда Боги Дилкүші қасри ва богининг барпо этилиши.

1397 – 1398 ЙИЛ. Амир Темурнинг Хизир хожанинг қизи Тұқал хонимға үйланыши мұносабати билан Конигилда байрам. Султон Мұхаммадни Мұғулистон чегарасыға жұнатыш. Астрободдан Шоқруғзининг Кешга, отаси билан учрашувға келиши.

1398 – 1399 ЙИЛ. Амир Соғибқироннинг Ҳиндистонға құшин тортиши. Деңли ёнида султон Мағмуд ва Маллу ҳон билан бұлған жаңғ. Ұмарнинг Деңлидан чекиниши. Ҳиндистондан қайтиш. 1399 йилнинг 10 майида Самарқандда Масжиди жомеънинг Ҳиндистондан келтирілген бойлиқтар ғисобиға құрдірилиши. Ҳиротда Боги Шаҳр қасрининг қурилиши.

1399 – 1400 ЙИЛ. Амир Соғибқироннинг Озарбайжон сарига юриш қилиши. Гуржистонни фатж этиши, гуржилар құлида асир бұлыб ётған мусулмонларни озод қилиш.

1400 – 1401 ЙИЛ. Амир Соғибқироннинг Шомни забт этиши үчүн құшин тортиши. Сивасға келиш ва уни әгаллаш. Мардинға келиш. Қора Ұсмонға әхтиром құрсағыш.

1401 – 1402 ЙИЛ. Қорабогда қишлоша. Дорулафатж қасрининг тұғалланиши. Амир Темурнинг Рұмға отланиши. Тартум, Кемах, Ҳарук, Қайсария, Ангурия, Қорашақар қалъяларини олиш. Елдирим Боязиð билан жаңғ. Елдирим Боязиðнинг Султон Мағмудхон томонидан асирға олининиши.

1402 – 1403 ЙИЛ. 1403 йил 9 марта Рұм подшоқи, ҳибесда бұлған Елдирим Боязиðнинг вафот этиши. 1403 йил 13 марта Султон Мұхаммаднинг вафот этиши.

1403 – 1404 ЙИЛ. Гуржистоннинг Қартин қалъасы олининиши ва үнинг Бұрон подшоқта топширилиши. Арманистон ва Гуржистонға юриш. Асир түшгап мусулмонларни қутқазыши. Байлакан шаҳри-нинг қурилиши. Барлос нахрининг қазилиши. Шероз ұқымдори, халққа зұлм ұтқазған Қутбидинни жазолаш. Шерозға жаһус қишилар юбориб. Қутбиддин етказған зарапни тиқлаш, халққа оғият берішни ташқыл этишини топшириш.

1404 – 1405 ЙИЛ. Амир Темурнинг Озарбайжондан қайтатуриб, Нишопурға тушиши. Үни Шоқруғзининг күтиб олиши. 1404 йилнинг

19 июлида Амир Соҳибқироннинг Рўм ва Шом юришидан қайтиб, Самарқандга келиши. Шаҳзодаларнинг уйланиши муносабати билан Конигилда тўй тантаналари. Масжиди жомеъ қурилишини бориб кўриш. Қурилишда ортиқча сарфга йўл қўйган мезморларни жазолаш. 1404 йилнинг 27 ноябринда Хитой сафарига отланishi. Амирнинг Ўтрорга яқин Оқсулот деган ерга тушиши, бу жойда 28 кун яшави. Шайх Нуриддин ва амир Шоҳ Маликдан ва амир Ҳожа Юсуфдан бошқа жами қўшин бошлиқларини қишилаш учун Тошкентга жўнатиши. 1404 йилнинг 25 декабрида Ўтрорга жўнаш ва 1405 йилнинг 9 январида шаҳарга келиш. Бу ерда қирқ кун сог-саломат туриш, нард ва шахмат ўйнаш билан машғул бўлиш.

Амир Соҳибқироннинг касалланиши ва 1405 йилнинг 18 февралида вафот этиши.

Фосиҳ Ҳавофий тилга олган тарихнинг бу саналарида бемисл ҳаёт, қурашларда, суронларда кечган умр мужассам. Амир Темурнинг ўз душманларига нисбатан тутган сиёсатини бир ёқлама баҳолаш нотўғри. У хоинликни кечирмаган, ҳалқа зулм қулиувчи ҳукмдорларни аёвсиз жазолаган. Шу билан бирга тинчлик, омонлик истаган юрт әгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган, уларни сийлаган. 1370 йилдан то 1404 йилга қадар қарийб 30 марта қўшин тортган Амир Темурнинг ҳамма вақт қўли баланд келди. Фосиҳ Ҳавофий асаридаги қисқа сатрлар ортида мингминглаб тақдирлар туради. Масалан, Нишопур учун бўлган жангни эслга олайлик. Тарихчи олим бу ҳақда бир оғиз сўз айтган, голос. «Темурнома» муаллифи эса Нишопурни қўлга киритиш Амир Темур учун қанчалик мashaққатли бўлганлигини, ҳатто ўзининг ҳалокат ёқасига келиб қолганлигини ишончли чизгилар орқали тасвир этади.

Авлодлар йиллар, асрлар ўтгани сари ўз юртига озодлик баҳшида этган, Ўрта Осиёда қудратли марказлашган давлатни қарор топдирган, биргина номининг ўзи жаҳоннинг қўпгина ҳукмдорларини зирқиратган Амир Темурга қизиқиши билан қараганлар. Ўнинг ҳақида қанчадан-қанча ривоятлар тўқилган, асарлар битилган. Замонанинг зайлни билан осори атиқаларнинг фақатгина Амир Темурни мазах қиласидиган нуқталаригина танлаб олинган. Амир Темурнинг ҳаёти, сиёсий ва жанговар фаолияти ҳақида ҳикоя қулиувчи китоблар «унутилган». Шулардадар бири Мулло Салоҳиддин эшон ибн Мулло Алоиддин хожа эшон қаламига мансуб «Темурнома» («Жангномаи Амир Темур кўрагон») асаридир. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи шундай дейди:

«Тарихнинг бир минг уч юз йигирма еттисида (1908 йил), товук йилида Тошканд мамлакатлик аҳқарулабад Мулло Салоҳиддин хожа ибн Мулло Алоиддин хожа эшон айттурким, бу «Темурнома»-ни бир неча қардошларни илтимоси бирла туркӣ тилида тартиб бермоқга кўшиш қилдик».

Мулло Салоҳиддин узоқ вақтлар давомида номаълум муаллиф бўлиб келди. Ўнинг қаламига мансуб асарни мутахассислар билан деба олмаймиз. Турли сабабларга кўра билиб-билимсликка олиш бу хилдаги асарларга бўлган мифосидан кимга бир йўл

Шу бөисдан асар ва үнинг муаллифи ҳақида шу вақтга қадар бирон бир манбада фикр юритилмади. Ҳолбуки, муаллиф XIX асрининг охирларида вояга етган. Тошкентнинг яшаб, ижод қилган эди. Бу вақтда Тошкентнинг асосий маданий марказ бўлиб қолганлигини таъкидлаш ортиқча. Афсуски, Салоҳиддин Тошкандий ҳақида етарлича маълумотлар мавжуд эмас. Үнинг ҳақида «Темурнома» орқалигина фикр юритиш имкони бор. «Темурнома»нинг бадиий савиясига қараб баҳо бериладиган бўлса, муаллифнинг ўз даврининг пешқадам зиёлиси, теран билим соҳиби бўлганлини қайд этиши лозим бўлади. Салоҳиддин Ҳожанинг диний илмлар бобида стүклиги аспридан яққол кўзга ташланиб туради. Үнине яхшиенга шоир эканлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Қайд этилганидек, «Темурнома» уч йўналишдаги асарларнинг, охир-оқибатда, бадиий мажмуаси сифатида майдонга келган. Китобни яратишда энг аввало тарихий асарлардан («Китоб ул ахбор», «Тарихи Табарий», «Зафарнома» сингари), бадиий асарлардан («Искандарнома», А. Хотиғий асари ва б.) ва диний асарлардан (масалан, «Або Мұслим», «Қисасул анбиё» каби) ижодий фоййиданилган. Муаллифнинг XIV – XX асрларда вужудга келган тарихий-бадиий китоблар билан танишлиги ҳам сезилиб туради. «Темурнома» нуҳоясида Салоҳиддин Ҳожа: «фақир муаллиф ҳазрат Амир Темур раҳматулоҳ алайҳа достонларини кўб мўjtабар нусхалардан неча меҳнат ва машак-қатлар чекиб, форсий тилидан турк тилига таржима қилдим. Илоҳи, ҳаммага маҳбуб ва марғуб қилгил они», дейди. «Кўб мўjtабар нусхалар» (албатта, форсий тилдаги) назмий асарлар бўлганлигини муаллиф шиора қилаётir, бироқ уларнинг қайси шоирлар ёки адабиilar қаламига мансуб эканлигини айтиши қийин. Салоҳиддин Ҳожа кўт ўринларда А. Хотиғий номини, үнинг Амир Темур ҳақидаги асарини эсга олади. Аммо айнан Хотиғийдан таржима қилди, дейшишга ҳали асослар етарли эмас. Яна бир ўринда муаллиф «эмди бу боғни атрок алғозин гулларидан тартиб бергилким, турклар кўруб, шод бўлсун. Илоҳи, бу боғ атрок иро абадул-абад обод ўлсун», дейди. Чамаси, муаллиф форсий «Темурнома»ларга туркни жавоб айтишини зижмага олган қўринади. Чунки, асарда берилган 1030 мисра шеърнинг асосий қисми Салоҳиддин Тошкандий қаламига мансубга ўхшайди. Бундай дейшишга маълум асослар бор. Муаллиф кимдан шеър келтирмоқчи бўлса, албатта шоир номини тилга олади. Масалан, Камол Ҳўжандий, Шайх Саъдий, Сайид Аҳмад, И мом Ҳофизиддин Бухорий, Ҳўжа Абдулла Хотиғий, Шароғиддин Яздий, Ҳожа Исматуло Бухорий шеърлари турли муносабатлар билан келтирилган. Амир Темур, үнинг ўғиллари Мирзо Шоҳруҳ, Амирониоҳ, Шоҳ Шуҳжоъ, Шайх ул аъзам ва бошқа тарихий шахсларнинг номидан келтирилган шеърлар, шубҳасиз, Салоҳиддин Тошкандийнинг ўз ижоди. Асар мана шу жиҳати билан ҳам «Бобурнома»ни эсга туширади. Салоҳиддин Тошкандийнинг билим доираси, қамрови жуда кене эканлигини эттироғ этиши керак.

Салоҳиддин Тошкандий тарихни мукаммал билади. Ҳалқимиз

жәётининг эң нозик, эң қалтис, эң мұраккаб даври бұлған XIV — XV асрларни шу давр үчүн бош мавқени үйнаган шахс җаёти мисолида ёритиш, табишики, осон иш әмас. Бунинг устига Мовароуннаұрда ұқым сурған мұғул хонлари образларини ишилаш ҳам мұаллифдан кatta күч, үлкан билім талаб қилиши тайин әди. Биз, хусусан, «Темурнома»нинг айнан бир асардан таржима қилингандеган фикрни сира ёқтай олмаймыз. Гарчанд, мұаллифнинг үзи уни форсий тилдан таржима қылғанлығини айтаётгандар бұлса-да, бунда у үзиге қадар Амир Темур ҳақида форсий тилде әзилған асарлардан бағраманд бұлғанлығини, баъзи тарихий воқеаларни, шеърий парчаларни үлардан олғанлығини күзде тутаётгандар бұлса, ажаб әмас. Асар шу ғолида таржима әмас, аслиятдір.

Салохиддин Тошқандий «Темурнома»ни «бир неча қардошларни илтимоси бирла түркій тилида тартыб бермоққа күшиш қылғанлығини» таъқидалайды. Буни қуйидаги мисраларда янада очиқроқ ифода этиб, ёзади:

Назм ила бұлсун дедимким илтимос этғанлара,
Коғия, вазн ила тартыб айласак бу дафтара.
Назмнинг қадрига етмас даҳр аҳли, дедилар.
Кошки назм ила бұлса ҳар китоб ұлғай сарара.

Құрінадики, мұаллиф «Темурнома»ни дастлаб бошдан-оёқ шеърий үйліда яратмоқчи бұлған. Чамаси, дүстларининг истак-хөшиши билан асарни насыр үзанга бурган. Назмий асарларни тушиуныш мұраккаблиги, әхтимол, шу үйлни тақозо қылғандыр. «Темурнома»нинг асл бадиий асар эканлығини далолат этадиган яна бир жиҳат мана бу сатрларда ҳам очиқ-ойдін құріниб туради дейиш мүмкін:

Жаҳд айла бу достона хома,
Түркі тилде айтиб «Темурнома».
Боглаб белинг, эй бу дам, қалам, сан,
Құтқор мени меғнату аламдан.

Салохиддин Хожа мұғул ұқымдорларининг кам маълум бұлған, аммо асл қиёғасини очиб берадиган жиҳатларини топиб, қаламга олади. Масалан, «Тарих етти юз үйигирмада (1320) Қозонхонким, Малик шоғ машұрдұр, Бухоро таҳтига ұлтурғон әрди.. Қозонхон андор золим әрдікі, ҳар кишини талаб қылса, аввал хотун ва болаларига васият қилиб, андин кейин Қозонхонни олдига борур әрди», дейилади бир үринде.

«Темурнома»да иккі үйналиши чизиги мувозий давом этади. Булар бири — тадриж, бири — таназзул чизиги. Тадриж — болашақи Ғемурнинг җаётини тавсифласа, таназзул — мұғул ұқымдорларининг жиркәнч түрмушини тасвирлайды. Асарда яна бир, ислом ва үннинг вакиллари ҳақида ҳикоя қыладыған үзан борки, у ҳамиша бир меъерда оқади. Айтиши үринлики, ислом Мовароуннаұрда мұғуллар истибдоди құттурған үйларда ҳам пүтүрдан кетмаган.

аксинча, сиёсатга, босқинчалар феъл атворига таъсир ўтказиб турған. Юқорида мұғул феодалларинің ислом динінде киришіни айтиб ўтдик. «Темурнома»да ана шу жиҳаттар анча мүкаммал талқын этилған. Бу амир Турагай Мұхаммаднинг Бухоро Садр аш шарытатининг қизи Тегина Бегим Моҳга үйланиши, Баёнқулиниң хон күтарилиши. Дашиб Қипчоқнинг исломни қабул қилиши, хуласе, бирон бир воқеа үйкеки, унда дин вакиллары шитирок этмаса. Бу исломнинг мавжесін ошириб күресатиш әмасми, деган ишешшілер түгилши мүмкін. Пүк, аслида ҳаётда шундай бұлған. Масалан, тарихий манбалар Ҳиротинің фатх этилишини шайх Таировбодийға бөглайды. Амир Темур ұжым олдидан Шайхнинг мадаидига үмід бөглаб, унинг ұззүрига келади. Әрта аср мусулмон Шарқда бундан боиқача бұлиши мүмкін ҳам әмасди. Мұғулдар үзілесі, бу әқиқаттаға үз салтанатларине сүнгеда ишонч қосыла этеп, шу сабабда, мусулмонлардың қабул қылғанлар.

«Темурнома» антикавий ҳамддан бошланади. Сүнерә Моваронунаңда ұжым сурған сұлолалар тиңда олинади. Аесой қисмет достонлар (муаллиф бобларни шундай атаиди) сөзи 47 та. Моваронунаңда ұжым сурған шоқшар ҳақида үйл-үйлакай сүз юритилға, «Әмди келдүк достони Амир Соғибқиронға, яғни Амир Темур күргөзген Искандары сөнийға» деб илк боб бошланади. Бу қисмет Амир Темурнинг шажараси берилади. Бу шажара Фосих Ҳавоғийдегидан фарқылы ұлароқ, охир-оқыбатда Алан Құва хотунға олиб бориб тақалмайды: Амир Темур иби амир Турагай баҳодур иби Барқул баҳодур иби Илонғиз баҳодур иби Ынжайл баҳодур иби Қоражор иўён иби амир Сүгичин иби Вердиқұхон иби Иримчи Залосхон иби Қожували баҳодур иби Тарбонхон. Бұ боб қолған қирғолтығының аяғынан шағыннан шашаған.

Салоҳиддин Тошкандий «Темурнома»ни битар әкап, үзи тасвирламоқчи бұлған шахсега бемисел ұрмат билан ёндошаади. Бу бежиз әмасди. муаллиф Амир Темурнинг ҳалқы олдидағы хизметтінен босқинчи хонларни «Самарқанддин шароғе қилишіда» деб түшүнади. Ана шу ғоя кейинги достонларда Амир Соғибқироннинг ўттыз-ўттыз беш ишлік кураши орқалы бағий жонлантирилади.

«Аввали дестон: ҳазрат Амир Темур Соғибқиронни оналаридын түгулмоқтарини баёни» да Бухоро Садр аш шарытатининг қизи Тегина Бегим Моҳ билан шағрисабзлик амирзода Турагай Мұхаммад никоҳи, бу ишда үламолар, ислом пешволарининг бопшоқиши бұлиши ұжыра қилинади. Қадым замонлардан Бухоро ва Шағрисабзда яшөвчи түркій ахоли қуда-анды бұлғын келған. Турагай Мұхаммад билан Тегина Бегим Моҳнинг топишуви ҳам одатдағы ақдлардан бири бұлғын қолиши мүмкін әди. Бирок, бу никоҳдан кейинчамык жағонни титратын үгил түгелди. Шайх үл атълам Сайғұддин шундай бұлишини олдиндан билған. Амир Темур түгілмасдан бурын үнга «Соғибқирон» лақабини ҳам ү берған. Диший қаромат билап бөглиқ талқинни түшүнши мүмкін, албатта Лекин шу бобда яна бир әқиқат үрин олғанки, бунға жиіддий ахамият бермаслик мүмкін әмас. Тегина Бегим Моҳ амир Турагай

Мұхаммадға никоғ қиынғақ, амирүніос Қозагон (мұғул) орага сүкінади. Достонда Тегина Бегим Мөхә талабгор бұлған амир Қозагон тақдри Шайх үл ағъламнинг аралашуви билан осонгина ҳам қиынған деб күрсатилади. Хүшфақм ұқувчи мұғуллар билан туркий аҳолининг низолари фақатгина сиёсий кураш доирасыда цекланыб қолмай, Үрта Осиё ҳалқы учун ниҳоятда мұқаддас бұлған ойлавий масалаларга ҳам бориб тақала бошлаганлыгыни сезади. Амир Қозагон билан Турагай Мұхаммад — қайнота ва күёв. Амир Қозагоннинг қизи Йұқун Бегим Турагайнинг биринчи хотини. Амир Қозагоннинг Тегина Бегим Мөхә илиниши қалб амри әмас, балки мұғул амирлари билан җисоблашилмай, бу иш амалға оширилғанлыгы учун, унинг иззат-нағсига тегеди. Йұқун Бегим ҳам ұз наебатида Тегина Мөхә құлдан келган барча ёмонликни қилади. Тегина Бегим Мөх бошиға түшгән, афсонага ұхшаб кетадиган жиркәнч ишлар күндоши аёлнинг қилемшигина әмас, отасининг үчи деб ёңған қасоскор фарзанднинг ёвуз ниятидир. Бинобарин, XIV асрға келиб ҳүкмдор мұғуллар билан тобеъ ахоли (шунда ҳам әр иккى томоннинг аслзодалари) үртасыда яқинлашыв — қуда-андачылық, исломға кириш расмият үчүнгина бұлған. Үнгай келган ҳар бир ишда милләй адсоват бүй күрсатиб түрган. Йұқун Бегим амир Турагайнинг Кошгарға ҳарб иши билан кетганидан фойдаланыб, Тегина Бегим Мөхни ұлдириш пайыға түшади. Бунга сабаб, унинг тушида Тегина Бегим Мөхдан түғилажак ұғыл соҳибқирон бўлиши, күннинг кўзини, ернинг юзини олиши аён бўлади. Тегина Бегим Мөхға отаси номидан қиабаки хат қулдириб, уни Бухорога жўнатади. Амир Қозагондан қолған қули Мойдуга Тегина Бегим Мөхни йўлда ұлдириш топширигини беради. Қорнида олти ойлик ҳомиласи бұлған Тегина Бегим Мөх ұлмай қолади. Унинг үғли амир Чокуга қарашли элда (амир Чоку амир Турагайга қариндоши, Қарши ҳокими бұлған. Баёнқули томонидан бу ишдан бўшатилган). Занжир Сара мавзитъда түғилади. Занжир Сара (баъзи манбаларда Занжир Сарой) үрни аниқланған әмас. Ақад. В. В. Бартольд Занжир Саройнинг Қаршидан иккى күнлик йўлда эканлигини айтади. Тахмин қишиш мумкини, Бухорога, касал ётган отасини кўриши учун (Йұқун Бегим шу ҳийланы йўлаб топған әди) йўлга чиққан Тегина Бегим Мөх қайси йўлни танлаши мумкин әди? Бу үринда тахминлар бор. Шаҳрисабз — Бухоро йўли Қарши орқали ҳам, шунингдек, Миёнкөл орқали ҳам ўтган. Шаҳрисабзликлар кўпинча иккинчи йўлни танлаганлар. Занжир Сара үрни ҳам Каттақұрғон — Чироқчи (Үмакай) оралигида бұлған, деб йўлаш мумкин. Буни, албатта, изчил тадқиқ үйли билан аниқлаш тарихшуносларимиз бурчи. Амир Темурнинг Хўжа Илгор қишлоғида түғилғанлыгы расмий тан олинған. Бу, шубҳасиз, унинг ота авлоди яшаб қелған жой. Салоҳиддин Хожа Занжир Сара ҳақидаги ривоятини нимага асосланыб қелтирған, айтиш қийин. Амир Соҳибқироннинг түғилши билан бөглиқ афсонға ва ривоятларға қанчалик ҳақиқат бор, бунга жавоб бериш учун вакт талаб қишинади. Ләкин бир парсаны ишонч билан ийтшиш неракки, Шарқ

тарихнавислигида, бадиий ижодиёттада набилар, пайғамбирлар, сүлтонлар у ёқда түрсун, тұқима шоғлар образы яратылғанда ёки үлір ғақида гап борғанда, албатта, уларнинг тақдиди азалдан белгилаб құйылғанлиги, илоғий құдрат ёрлақаганлиги тавсиғ этилади. Бу анъанани «Темурнома» ҳам четлаб ұтмаган.

Темур — отасининг ёлғиз үғли. Ота-үғил үн иккى йилдан сүнг топишадилар. Шу үринде отасининг исми Тарагайми ёйнки Турагайми, бир мулоҳаза қылсақ. «Темурнома»да «т» ғарғи билан «р» ғарғи оралигида «вов» ғарғи келади. Демек, Турагай деб үқилади. Одатда ұзбекларда баъзи оиласларда ёлғиз бола күриш солув бўлади. Бундай хонадонларда болаларга Темур, Пұлат, Ҷёён, Тошиболта ва бошқа исмлар улаширилиб қўйилаверади. Баёнқули амир Турагайдан «яна бошқа үғлинг борми?» — деб сўрайди. Амир үнга «йўқ» деб жавоб беради. Амир Турагайнинг үзи ҳам ёлғиз үғил эмасмикан? Турагай — турақол, яшайқол маъносида эмасмикан? Масалан, Тўхтамиш, Тўхтасин сингари исмлар ҳам аслида шу мантиқдан келиб чиқиб қўйилади-ку?! Салоҳиддин Ҳожа, «Шаҳрисабзни ҳозир ҳам (XIX аср охиirlари XX аср бошлари) Турагайя» деб атайдилар, дейди. Буни инкор қилиб бўлмайди, Китоб, Шаҳрисабз, Чироқчига яқин тоглик маъво ҳозирда ҳам Тарагай, Тарагай қишилоги деб юритилади. Занжир Сара қудуги (Салоҳиддин ҳожа бу қишилоқда қудуқ қовғасига занжир боғланғанлиги учун шу ном берилган дейди) шу жойда бўлмаганмикан? Ақад. В. В. Бартольд буни Занжир Сарой деб таъкидлайди. Сувлоқ жойларда бинолар бўлиши эҳтимолдан холи эмис. Хуллас, мушиоҳада қилишга үрин бор.

Темурнинг пешонасига соҳибқиронлик битилган эди. Буни етти иқлим мунажжимлари ҳам олдиндан қаромат қиладилар. Иккى саёранинг — Зуҳал билан Муштарийнинг яқинлашуви даврида (Оллоҳ таоло шу соатда оламни яратган экан) түгилган үғил соҳибқирон бўлар экан. Юлдузлар ҳаракатидаги бу ҳолат ҳар саккиз юз йилда тақрорланар экан. Шундай пешонаси ёрқираган зотлар Амир Темурга қадар иккита ўтган экан. Булар — Искандар Зулқарнайн ва Муҳаммад пайғамбар. Амир Темур Муҳаммад пайғамбардан сүнг саккиз юз йил ўтиб, учинчи соҳибқирон бўлиб түгилган экан. Тўгри, айрим тарихий асарларда, масалан, «Абдулланома» («Шарафнома шоҳий») асарида Ҳафиз Таниш Бухорий бу мундарижага Абдуллаҳон номини ҳам киритади.

«Шоҳнома»даги аксар шоғлар болаликда азоб-үқубатларни, айниқса, бир неча бор үлим ҳавфини бошдан кечирадилар. Бўлажак соҳибқирон эса түгилмасдан бурунроқ етти иқлим сүлтонлари томонидан үлимга ҳукм этилади. Етти иқлимдан Бухорога элчи келиб, Баёнқулихон ижозати билан яқин орада түгилган болаларни кўриждан ўтказадилар. Мақсад — жаҳонни олувлчи (Бухорога элчи жўнатган етти мамлакат ғақиқатан ҳам кейинчалик Амир Темур томонидан олинади) чақалоқ Темурни топиш ва ўлдириш эди. Лекин булар ниятига эршишолмайди. Афсоналар, ривоятлар исосида ёзилган бу боб жуда қизиқарли. айни вақтда ишонтиарлар йўриқда ёзилган. Айрим саҳифаларда

афсонавийлик босум бўлса, қўргина ўринларда ҳақиқат уруги ҳам гуркираб қўқариб туради. Темур болаликдан кучли, жўрабоши бўлиб ўсади. Ҳали амир Чокунинг уйда эканлигига Занжир Сара қудуғидан қирқ қул сув тортадиган қовгани ёлғиз ўзи тортади, одамларга сув улашиди. Қассобининг зил-замбил қанорасини бир бармоги билан отиб юборади. Буни у ўз тенгқурлари билан баҳслашиб қиласди. Болалар Або Муслим кучли эканлигини китобдан ўқиб билганимиз дейишади. Темур ўз кучини намойиш қилишади Або Муслимни йўлда қолдиради. У қудуғидан қирқ марта бу сув тортиб, чарчаб ухлаб ётганида бир илон қўксига чиқиб, кулча бўлиб ётади. Шу дақиқада отаси уни излаб келиб, шу қудуғ ёнида тўхтаган эди. Одамлар ёрдам беришдан ожиз, салгина қалтиқ ҳаракат бўлса, илон болани нобуд қилиши мумкин. Одамлар саросимада турганида Темур уйғониб қолиб, қўрқмасдан, пайт пойлаб илоннинг бошини тишлаб узуб ташлайди. Майли, буларда озми-кўпми муболага бўлсин дейлик. Темур болалигига етти ўйл қўтириб бўлиб, сира қашинмаган экан. Бунинг учун темир ирода керак бўлган, албатта. Мол боқувчи болаларда бу хасталик учраб турган.

Бобдан бобга ўтган сари асар мураккаблашиб, кейинчалик тақдирни у ёки бу даражада Амир Темур билан тўқнашадиган, учрашидиган кишилар кўз ўнгимииздан ўтаверади. Шулардан бирни Баёнқулихоннинг ўғли Бароқхондир. Бароқхон Темурнинг акси. У тажовуз қилишига, зулмга уста. «Темурнома» XIV асрдаги сарбадорлик ҳаракатини четлаб ўтиши мумкин эмасди. Бу масала асарда бошқачароқ йўсингда берилади. Бир томондан пайғамбарлик даъво қилувчи Носир Хисрав (бу номнинг шоир Носир Хисравга дахли ўйқ) сингари кишиларнинг ҳокимият учун кураши талқин этилса, иккинчи томондан оқ қийимлилар — сарбадорлар ҳаракати тасвир мавзуи қилиб олинади. Бунда ғайри табиийлик ўйқ: ўша йилларда мўғулларга қарши курашнинг шакллари ҳам курашувчиларнинг гуруҳ ва тоифалари ҳам кўп бўлган. Чамаси, бу курашларга сиёсий руҳ бериш учун муаллифда маҳорат етишмайди, ҳатто, сарбадорлик ҳаракати тасвири ҳам изчил ва ёрқин эмас. Носир Хисрав исломда ўзгариш ясашга интигувчи шахс сифатида тор мақсад доирасида қолдирилади. У ҳалқни орқадан эргаштириши учун ўзини пайғамбар деб эълон қиласди. Бир вақтлар Муқанна ҳам арабларга қарши курашда шу йўлни танлаган эди. «Бухоро тарихи»да муаллиф уни шу қилемши учун роса қоралаган эди. Носир Хисрав ҳақиқатда шу йўлни тутганми-йўқми бундан қатъий назар, айтиш мумкинки, ислом сиёсий курашдан четда турмаган.

Шу жиҳатдан Шайх Шамс Кулол ҳақида фикр юритиш лозим бўлади. Темур болалигидан бу шайхга ихлос қўйған. Ҳаётининг энг оғир дақиқаларида унга мурожаат қилган, маслаҳат олган. Биз «Темурнома»даги илоҳий қудрат билан ботлиқ саҳифалардаги парданни аста кўтариб, асл мозииятга боқайлик. Шайх Шамс Кулол ёш Темурни мўғулларга қарши кураш руҳида тарбияламадимикин? Амир Темур улуг мавжега эга бўлганида ҳам уни асло ёдидан чиқармаган-ку?! Асарда талқин этилган яна бир шайх самар-

қандык Бүрғониiddин Соғиб ҳидоят ҳам кураш майдонига түшгөн Амир Темурга рағномалик қиласади. Үнинг олдига түшиб, мухолифлар билан гоявий жаңға киришади. Ватанпарвар дин арабблари кураш бошида түрганлигини асар мұаллифи ҳамиша ҳам очиқ тасвиrlамайды. Шундай бұлса-да, бу рүз бутун асар мазмұнидан англашилиб, бұртиб күриниб туради.

Темур ҳаёт қозонида жуда әртә қайнай бошлайды. Отаси амир Турагайнинг эттиқоди сүст кетган әріллар бұллади. Аммо ёш Темур метин иродали, айтганидан сира қайтмайдыған үйгит. Маглубият аламлари, тазиик ҳам уны йұлдан қайтара олмайды. Аксинча отасини ҳам мухолифларға бүйін әгмасликка дағытади. Асарда тирада-шира бұлса-да, үсмир Темурнинг кураш үйліда гоҳ Қаршиға, гоҳ Самарқандға қатнаш түрганлиги, җайрихоҳлар излаганлиғи берилади. Афтидан ота-боланинг мұносабати бузилишиға ҳам аслида Темурнинг тутған үйли сабаб бұлса керак. Чунки амир Турагай «күб ғани, бой қиши әрди. Ҳар ижнос моллари бор әрди». Ү. үглини ҳалокатли йұлдан қайтармоқчи, мухолифлар билан тил топмоқчи, ҳатто, үлар томонига ұтмоқчи бұллади. Ота-боланинг арази сиёсий келишмөвчилікка әмас, майший масалага олиб келиб болғанади. Юқорида айтталғаныдек. Салоқиiddин Ҳожа вөкеаларға сиёсий нұқтаи назардан баҳо беришада баланд нұқтага құтарила олмаган.

Амир Турагай бир күни үглига құп құй беріб. Сamarқанд болорига жұннатади. Ү, «құйларни ұаммасини мине олтунға сотиб, пуларини белігін болғаб, болорларни саир қилиб юрур әрди, бир ерда қаландар маңрака қилиб сұзлаюр. Құлуда қоғоз, шеър әзилғон». Одамларни үйгіб, шеър үқиб, маңрака қылған шоир Камол Ҳұжандий әди. Үнинг құлудаги рубоиіні Темур мине танғага — құйлар пулға сотиб олади. Үйга бир парча қоғоз билан қайтған үглиға амир Турагай «сени бир банги фириб беріб, алдаб кетібдүр. Үгүл бұлсанғ түзүк бұл, бұлмаса үйл», деб құп дашином беради.

Камол Ҳұжандий рубоиісінің мазмұни яхшиликка дағытадан иборат: зулм билан дүнеда ном қолдириб бұлмайды. Жамашід, Сулаймон, Искандарлар үтиб кетди, нағват сенға ҳам етиши тайин, яхшилик қил. Шеърдаги җикматни англаған Темур отасининг «бұлмаса үйл» деган ғапидан ачық қилиб, Бухорога чиқиб кетади. Энди үнинг саргузаштлари мұғул хонларининг қароргоҳыда давом этади.

Бухорога келған Темур биринчи күндан оқ адолатсизликни үз бошида синааб құради. Бароқхоннинг мужиби ичіб, бозорда түпополон қиласади, үнинг дастидан одамлар зирттрайды. Темурнинг сүнеги үмиди — құлудаги лаътни ҳам тортиб олиб кетади. Бобо порадұз образы ғоят ибратли. Бу құжнадұз өзінің хон олдидің обрүсі катта. Ү адолат тимсоли, ифолат олдидің нұёнлар ҳам, қози, минғебоши, юзбошилар, ҳатто подио ҳам құрқиб-қалтираб туради. Баёнқұліхон Бобо порадұзға ихлос құйған, үнинг ғапини тиңелар әди. Аммо Баёнқұлішине арзандаси Бароқхон ва үнинг ҳамтөвөқлары құнглиға келған номатқұлчилікден қайтмайдылар. Темур лаътни олдиріб (бегона шағарда яшашининг үзи бұлмайды).

саройнинг бижигиган мұхитини яқиндан билиш имконига эга бўлади. Шу баҳонада Баёнқулиниң кенжә қизи (хоннинг түқкиз қизи бор эди) Сарой Мулк Хоним билан танишади. Сарой Мулк Хоним — Биби Хоним «Темурнома»да Баёнқулихонниң қизи сифатида берилади. Тарихий манбалар унинг Қаршида ҳукм сурған амир Қозонхонниң қизи бўлганлигини, 1341 йилда Қаршида түғилганлигини далолат этади. Бадиий асарларда қузатилганидек, Салоҳиддин Ҳожа ҳам тарихий далилларга эркин ёndoшади. Масалан, Ўлжоий Турқон (Камол ой) Хонимни Ҳоразм шоҳининг қизи деб тақдим этади. Биламизки, у Ҳусайн ибн Мусаллабине сингелиси. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Баёнқулихон ўлгандан сўнг, таҳтга унинг ўғли Бароқхон қиқади. Бароқхоннинг золимлигини Темур синаған эди. Таҳтга қиққанининг учинчи куни у отасининг донишманд вазири Сирож Қамарийни қатла буюради.

Ўн иккинчи достонга келиб яна бир ўзан очилади. Бу бобда шайх Сайид Отанинг Қадмоқ юртларида олиб борган тарғиботлари нақлидир. Сайид Ота — шоир Сайид Аҳмад эмасми деган фикр қўнгилдан кечади. Маълумки, насл-насади жиҳатдан Сайид Аҳмад Темурийларга яқин туради. У ўз замонасининг ўтирик шоири бўлган, «Ташашуқнома» асарининг муаллифи. Асарда шоир Сайид Аҳмаднинг шоирлик салоҳиятидан кўра дини ислом ўйлидаги кураши қўпроқ ёритилади. Сайид Отани шоир Сайид Аҳмад билан айнан бир киши дейиш тўғри бўлмас. XIV — XV асрларда ислом динини тарғиб этиш, уни Ўрта Осиё бўйлаб кенг ёйиш ҳаракати кучли бўлган. Сайид Ота исломнинг ана шундай фидоий тарғиботчилари вакили сифатида талқин этилган.

Мўғул хонларининг ўзбошимчалиги борган сари ҳаддидан ошади. Амир Темур Қаршида бўлганнида буни яна ўз бошида синаб кўради. Оқтемурхон зўрлик билан унинг севимли хотини Сарой Мулк Хонимни тортиб олади. Сарой Мулк Хоним қанча бедодлик бўлмасин эрига содик қолади. Хонимчани (асарда у шундай аталади) қутқазишда қаршилик жўмард қиморбоз Иноқ Қиморий ёрдамини аямайди. Оддий сўфининг ўғли бўлган чапани, мард Иноқ умрининг охирига қадар Амир Темур ёнидан бир қадам жилмайди. Амир Темур Иноқ ёрдамида Оқтемурни ўлдиради. Бу унинг мўғуллардан шахсий ўч олиши эди. Шахсий адовот астасекин ижтимоий мазмун қасб эта боради. Чунки Бухорода у минглаб билимли кишиларнинг аёвсиз қурбон бўлганлигини ўз кўзи билан кўради. Тўқтемур отасининг норасмий хотини бўлган қанизакни олмоқчи бўлади. Ислом рӯҳонийлари бу аҳлоқ доирисиди эмаслигини айтадилар. Ҳалиги фоҳшиша қанизак истаги билан муллолар қатли ом этилади. Бу қаттолликни асарда Сайид Ота «алар қони билан бօғ қўқартмиссан», деб лаънатлайди.

Ўн учинчи достондаги бир ибратли, нақл шундаки, Қаршига акаси Оқтемурхон ўлгандан сўнг ҳокум бўлган Қизил Темур тун олиши учун тиши қайрайди. У Оқтемурниң қотилини топиш учун Қарши ҳалқини қиличдан ўтказа бошлайди. Муаллиф Амир Темур

сүёсий фиолияти бошланган давринг бошдан-оёқ синов ўшлари бўлганилигини шу воқеа тасвирида жонли кўрсата олган. Қаршида доңцишманд Шайх Умар деган киши яшайди. Унинг илми Жаъфардан хабари бор. Қасд қилса, Оқтемурхонни ким ўлдирганилигини айтуб бера олади. Лекин Шайх Умар сотқинлик йўлни рад этади. Унинг ўғли отасига, элига хоинлик қилади, сеҳр илми кигобини ўғирлаб. Қизил Темурга олиб бориб беради. Яна бир аёл ҳам Амир Темурнинг рашик эквазига Оқтемурни ўлдирганилигини айтуб беради. Бу билан «Темурнома» мусабифи халқ ичидагимиятсиз, рўдапо сотқинлар бўлганилигини таъниволамоқчи бўлган.

Амир Темур хуни учун Қарши халқи қатли ом қилинаётганилигини эшишиб. Қизил Темур ўрдасига мардонавор кириб қелади ва дейди: «— Эй Қизил Темур, оғангни қотили мен — Турагай баҳодур ўғли бўлурман, бу фаҳирларда нимане бор?!».

Яна бир этуборга молик мисол. Амир Темур Балхда эканлигида содир бўлган воқеа шундай. «Бир кун Амир саройдан чиқуб, ўрамаларда юрур эрди, бир киши, соқоли мош биринч каби бўлғон, нола бирла йиглаб борур, айтадурки, эй яратган тангрим, бизларни бу коғир золимдан ўироқ қилгил. Амир анинг елкасидин ушлаб кўрди, танудиким, отаси қўлидин бир замонда мунни озод қилғон эрди»: Амир Темур қулликдан озод қилгани чолнинг ўғлини ҳам жонини гаровга қўйиб бўлса-да озод қилади.

Амир Темур ўлғайгани сари ҳамфирлари сони ортиб боради. Бунга у ўзининг ақл-идроқи, мардлиги, шижоати, қўрқаслиги билан эришади.

Ўн тўққизинчи бобда Сейистонда бўлган воқеалар тасвир этилади. Бароқхон неча бор номардлик қилади, аммо Темур барибир уни қўллаб-қувватлайверади. Чунки Бароқхон бу ўлжалардаги мўғулларни қувиб чиқаришда восита мавқеини ўйнаши керак эди. Шунинг учун ҳам Амир Темур унинг нодонликларига, бемаврид ҳукмларига тишини тишига қўйиб чидайди. Қўшин бошлиқлари бир сафар Амир Темурни Бароқхон ўрнига хон кўтарни талабини ҳам қўядилар. Амир Темур рад этади. Амир Темурнинг ҳарбий ишдаги билогонлиги ақл билан жасурликнинг ўйғулигига кўринади. У ѡеч ким бўйнига олмаган ишларга қўл уради: жосус бўлиб, муҳолифлар ўрдасига боради, қўшиналар ичига киради. Ўзини гунг, карга солади. Пухта тадбирлар ана шундай қалтис ўйлар билан пишитилади.

Амир Темур маълум нуфузга эга бўлгач, Тўқтемурхонга қарши кураш тадорикини кўради. Йигирма тўртинчи достонда жатта сипоҳининг тор-мор этилиши ёрқин тасвир этилади. Шу жангда қўрқоқлик қилган Бароқхонни Амир Темурнинг ўғли Жаҳонгир Мирзо қутқазади. Асарда тасвирланнишича, Бароқхон Сарой Мулк Хонимнинг акаси, бинобариг, ~~Миронир~~ Мирзонинг тоғаси. Мирзо Жаҳонгир тоғасини ўлим чангалидан қутқарганида, орадан вақт кечиб, ана шу тоғаси ўзининг қотили бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Барибир, Сейистон жангидан кейин Бароқхоннинг обрўсиг тушиб кетади, унинг гапи ўтмайдиган бўлиб қолади. Ҳатто, у Амир Темурни ҳам қатла га буюрган пайтлари

бұлған. Бұ ұқынни ижро әтадиган киши бұлмайди. Хулоса шулки, 60-йиларнинг охирларига келиб, Амир Темур мавқеи бенихоя даражада ошиб кетген әди. Бұ эса унинг төз орада җокимиятни расмий равишда құлға олишига имкон беради. Амир Темур үттиз тұрт-үттиз беш ёшида жами амир ва беклар томонидан Моваро-уннар ұқымдори деб тан олинади. Ҳамма унга хизмат қилишга қасамәд қиласы. Асардаги қүйидеги сатрларни ғаяжонланмасдан үқиб бұлмайди:

«Тамоми мұлк! Мовароуннар, Тошканд ва Ҳұжанд әле Марғинон ва Айнайон ва Кошғар ва Туркестон жатта зұлмидан омон топтилар.

Амир Темур халққа бемаврид солиқ солишлиарға қатыяң қарши бұлған. Үнинг үзи кейинчалик халқини неча бор солиқдан озод қилған. Ҳали Бароқхон күч устида әканлыгыда «әлдин солуқ өлурмиз, деди. Соқибқирон манъ құлдилар, бу йил барча әллар қашашоқдурлар, әлни тархон құлурмиз, деди». Бароқхон құнмайды. Амир Темурнинг үзи әлга туыған солиқни тұлаб юборади, ғатто, ғотинининг тилла-кумуш зийнатларини ҳам құшуб топширади. Бароқхон синглесининг зийнатларини таниса ҳам, қайтариб бермай, хазинаға олдиради.

Йигирма олтинчи достонда Амир Темурнинг иккі үгли қисмати ҳикоя қилинади. Іллар кечиб, миразолар үлгайған әди. Миразо Жағонгир билан миразо Үмаршайх самарқандлық Ҳұжа Абдулла-нинг дилбар қызы, оқыма Сокина Бонуга бирварақайыга құнғыл берадилар. Ақа-үка низоси ёмон тус олади. Миразо Жағонгир ишқ үйүнде құлшыны қонға бұйяды. Сокина Бону нохосдан ұлдирилади. Газабланған Амир Темур уни зиндонға солади. Миразо Жағонгир қочиб Балхға, тогаси Бароқхон әнінде кетади. Уни бу ерда ҳам ажал күтәтгән әди. Бароқхон жиянини ҳийла билан ғавоқлатиб ұлдиради. Салоғиiddин Тошкандий кимки жиноятға құл үрса, ү жазосиз қолмаслиги керак, дейди: «ровий айттурким. Бароқхон биле Миразо Жағонгир тұра иккөві беодобилиқидин иккі ойга етмийин ҳалок бұлдылар». Ҳа, ҹакки босилған қадам ҳалокат билан яқун топшиши жуда тиңиқ қизилған.

Кейинги достонларда Амир Темурнине Ұрта Осиёни мұғуллардан тозалаши, Даши Қипчоқ, рус мұлклари, Урал сары қилинганды үришлар, Эрон ва Ироққа, Түркияға құшын тортишлар үз навбати билан талқин мавзуи қилиб олинади. Ҳиндистон үриши ва ү билан бөглиқ саргузаштлар қызықарлы баён этилади. Асарнинг марказыда Тұхтамиш билан бұлған тұқынашувлар асосий үринни ишғол қиласы. Вақтида Амир Темур ұзызурига паноқ излаб келиб, сийлов ва ғарбатға ноил бұлған Тұхтамиш охир-оқибатда құрнамажлик қиласы. Тұхтамиш билан бұлған можаролар илдизини асар муаллифи ишқий мезонда талқин этади. Миразо Амироншоқ Тұхтамишине гүзәл хотини Севин Бекани ёқтириб қолади. Ақд қилингач, Амироншоқ бу ҳүсн маликасининг Тұхтамиш хотини әканлыгини билиб, қаттық пүшаймонлик ҳис қиласы әле жүннатади. Тұхтамиш Севин Бекани унинг изидан Самарқандга жүннатади. Амироншоқ унга яқинлашмайды. Фалакнинг гардииши

билин Тұхтамиш Самарқандегі көлиб. Оңсарой қурилишида мәднаг қиласади. Амир Темур уни тапиб, алоқида ғамхұрлық құрсаатади. Севин Беке билан үлар яна топишадылар. Амир Темур Тұхтамишини Дасти Қипчоққа валий қилиб тайинлады. Шу орада Амир Темурнинг беш ийлilik, етти ийлilik үшін сафарлари юз беради. Амир Темурнинг Самарқандда үйқилигидан фойдаланған Тұхтамиш унинг мұлкларини бирин-кетин босқын қила бошлилады. Амир Темурнинг хотини Сарой Мұлқ Хонимға құз ола қилиш даражасына қадар боради. Гарчи бу бұзук жирдинкөр амалға ошынған бұлсада, кейинчалик Сарой Мұлқ Хоним билан Амир Темур мұносабатларыда матълум ұзарышлар юз бершишеге олиб келади. Буни тарихий асарлар ҳам дағолат этади.

Тұхтамиш Бұхорони қирқ күн қамал қиласади. Амир Чоку у билан оғын ой қурашади. Бу шида Сарой Мұлқ Хоним табдири иш беради. Тұхтамиш орқага қайтади. Бироқ у кatta ұлжә вә күп асирлар билан қайтади. Тұхтамишининг номардларча қилған босқынини сафарда әшитған Амир Темур Хоразм бүйілаб үнине үйлени қирқиб чиқади. Тұхтамиш Амир Темурнинг босиб көлиб қолишидан құрқиб, қаерда құнған бұлса, мансият атроғига асирға олиб келаётганды хотингларни, бола қаңаларни құйыб, сұнгра ором олишини одат қилған. Бу худди иккисиңи жаҳон үрүшида өзекинаётганды немис құшинининг қилған безбетлигига ұхшайды. Демек, мақр вә өзүвлік ҳамма асрларда ҳам бир ҳыл қиёғінде әдә бұлар әкан. Немис фашистлары ҳам аёлларни, болаларни пана қилиб ұжумға ұтар, өзекинар әди. Буни вақтида Тұхтамиш ҳам құллаған әкан. Жаңе тағсилотларини тасвирилаша «Темурнома» ақынызға кatta озиқ беради.

Тұхтамиш турған мансияда келеган Амир Темур «сипоғлар айди, холо, шабихун, үраймын. Амир Соғибқирон айдилар, үйк. Чүнки асиралар бор, алар оёқ остида қолурлар». Түн білдіншігидан фойдаланыб. Тұхтамиш қароргоғында ұжым қолай-лиқ, деген тәклифға Амир Темур шу жавобни беради. Ұз әлидиң олиб кетилаётганды асиралар оёқ ости бұлышини истемайды.

Тұхтамиш, бинобарин, мұғулларни қувшида давом этган Амир Темур құшыни «иккі ярим ийлідә үрүс вилоятігача бордилар. Ҳар бир кишида иккі саноч бирла иккі киши бир төвеге миниб, ара, тене, кетмен, бел, чопқу, болталар олиб» сафар тадориқини құрадылар.

Тұхтамиш қатта этилади. Үрүсмар мамлакатининг пойтахты Москов ҳам забт этилади. Бунгача князь Золотоус ҳам жанды мағлуб бўлған әди. Московнинг фатж этилиши осонлижка қўчмаган.

Султон Мұхаммад (Амир Темурнинг набираси) Москва оғоналарига етиб келади: «Московнинг дарвозасында етиб келди. Аммо құргонларини тошдин ясогон әрди. Ҳар бурчидан байроқ қўйғон, ҳар қунгирасида занбурак, милтиқ, ҳар занбурак бошида иккі қоравул жече-күндүз била турур. Шаҳарни қирқ дарвозаси бор әрди».

Түрк қўшинини замбаражлар бир пастда қийратаб, сийрак қилиб қўяды. Сүнг ақл-тадбир билан иш қўрадилар. Емғир

әғишини күтәдилар (асарда бу ҳам жаромат түфайли юз беради), чунки замбарақлар пылтаси ивиб, ёмғирда алапта олмайды. Шағар фатж әтилади. Жанғар жуда қаттық кечади, яна неча бор улуг мұхораба тақрорлаади. Оқ маликаниң яқин кишилари сотқинлик шүлигі кирадилар. Амир Темурға хизмат қилишга үтадилар. Нүдий образи шу жиҳатдан әсда қоларлы. Үнинг күнгіліда үзиншің ғоним бұйиши палак отиб ётарди. Рес мұлқарини фатж әтилада Амир Темурни зағарлашға үринши үз беради. Бу үнга қилинған иккінчи фитна әди. Амир Мұсо Жалойирнинг үғли Ақмадбек тиши тозалагич — мисвокқа зағар сүртади. Қасд фюш әтилади. Ақмадбек шу үсүл билән үз отасини ҳам зағарлаб үлдирған әди.

Москва құлға олинаади, рес ерларыда Амир Темурнинг юриши әдәвом әтади. У зулмот қизигиге қадар боради. Асарда зикр қилиншиша, Москва князлиги то Шохрух өзбектерге қадар Темурнің арға бож тұлаб түрган. Даирде, Ҳусайн Бойқора тағтега чиққан дастлабки шилларыда Москваға әлчилар жүннатғанлиғы маълум. Бу қандай мағсадни күзде түтгән, айтиш қийин. Москвага жүннатылған әлчиларнине тақбыри номаълум, манбаларда бу ҳақда бошқа маълумот учрамайды.

Амир Темурнинг Шом, Ироқ юришлари бир неча достонға мавзу бұлған. Бордод амири Султон Ақмад ҳисобесіз құшынға әга әди. Шұй боледан ҳам у Амир Темурға нописандык билан, масхараомуз мактуб үйләлади: «Әй Амир Темур оқсоқ, билгіл ва хабардор бұлғылжым, мени султон Ақмад Рустами соний атарлар, етти юз мине құшын бирла бу ерга келиб түштүм».

«Темурнома»нинг бир ибратли томонини алоғыда таъқидлаш лозим. Қирғын барот жанглари курашаётган иккі томон учун ҳам бирдек қоң тұқиши деган гап. Айниқса, жанг бир диндаги кишилар үртасыда бұлса, бу кечирилмас хатодыр. Амир Темур билан Султон Ақмад якнама-якка олишаётганда ғойибдан пайдо бұлған бир құл үларни ҳавога күтариб: «Әй густоғлар, иккі мусулмон на учун низо құлурсыз», деб дашином беради. Дин ахлиниң аралашуви билан низо сұлға тортади, Султон Ақмад Багдоддеге амир қилиб қолдирілади. Ұмуман, Амир Темурнинг юришларыда бир хусусият нұзағ яққол ташланиб түрады, у мүмкін қадар ишни жангача олиб бормасақтап пайдан бұлади. Үни яшилиң билан қарши олған мамлакат әскерлерини үз үрнида қолдиради, үларға муруват жүрсатади. Аксинча, гапида түрмаган, сотқинлик шүлигі кирган, рақиблар билан тиіл бириктірган юрт әзгеларини у аёвсиз жазолаган, бадарға қылған. Әнг сүнгігіда охирғи чорани құллаган. Буни Хоразм әскерлері билан бұлған бир қанча тұқнашувлар миссолида күзатыши мүмкін. Хоразмни ер билан яқсон қылған, ахолисини құчишга мажбур әтеган (улар Тұхтамиш билан тиіл бириктірганлиғи учун жазога мустаҳиқ әтилған әди) Амир Темур орадан бир неча ыш үтиб, үзи буздирған шағарни тиклаш вазифасини құяды.

Охирғи достонларда Елдірим Боязид билан бұлған жанг тасвар әтилади. Елдірим үғли Султон Шаблинин Амир Темур олдига әлчи қилиб жүннатади. Үрушмаслик ҳақида ақднома етилиб келаётганды.

Елдирим сабрсизлик қилиб, жангни бошлаб юборади: «Қайсар то ўғли боргунча бўлмай, бир юз етмиши кишини бошлиқ қилиб, аларга вазири аъзам Темуртошни амири аскар қилиб юбордилар. Тўргт сон киши денгиз ҳаби ошиб-тошиб йигирма кунда Олатоғ бағрига етдилар. Бу гавтоларни дангқини Миср аҳли эшиттилар».

Елдирим билан бўлган жангеда Амир Темурнинг лашкарбошлиари катта жасорат кўрсатади. Бағдод ва Шом жангларида ҳориган қўшинга Қайсар лашкари билан курашии жуда қимматга тушади.

Таҳтга чиққанидан то сўнгги нафасига қадар ҳарбу зарбга умрини боғишлаган Амир Соҳибқирон Ўтрорда касалланиб вафот этади. Кун совуқ, ҳукмдор соч олдиради. Иккى бор заҳарланганида ҳам омон қолган Амир Темур қаруви етган ёди, ўлим бу сафар уни омон қўймайди.

«Темурнома» мазмунига кўра жангнома асар. Бироқ Салоҳиддин Xожа таъкид қилганидек, «бу ўзга жанг китоблари идеқ эмис, чунки мунда ақлга далолат қиласиган ҳикмат сўзлари кўбдур». Бу ҳикматлардан келиб чиқадиган хулоса битта: «Темурнома»ни мутолаш қилган ўқувчи жанг жадалларнинг инсоният учун мутлақо кераги йўқлигига ишонч ҳосил қиласди. Амир Темур ўз муҳолифларини қанча мағлуб этмасин, барибир, унинг қўшини ҳам кўп талофат кўради.

Асарнинг қамрави кенг эканлиги ҳақида юқорида сўзланди. Буни яна шундан ҳам билса бўлидикси, «Темурнома»да беш юз дан ошиқ киши номи тилга олинади. Буларнинг кўпчилиги тарихий шахслар, Шарқ мифологияси орқали бизга таниши сулолалар вакиллари. Муаллиф айрим тарихий шахсларни яшаган даври нуқтаи назаридан янглиши талқин этади, айримларининг исмлари ни ўзгартиб қўллади.

«Темурнома»нинг тили бир қарашда анча мураккабдек туюлади. Бу ҳол дастлабки бобларда айниқса сезилиб туради. Аймо, умуман олганда, асарнинг тили, ҳикоя қилиши усули оддий ва мароқли. Афсоналардан ижодий фойдаланиш, руҳий олам ҳақидағи талқин кишини ўзига жалб этади. Айниқса, бугунги кунда инсон ақл-заковатининг янгидан-янги қирралари қўйти бошдан кашф этилаётган бир даврда биоток ёрдамида касалларни даволаш (Тегина Бегим Мөҳ, Носир Хисрав, Ҳаким Низорий), руҳларнинг мавжудлиги (рижол ул гойиб), тилсимот ва жаҳонномалар ҳақидағи нақллар қизиқиб ӯқиласди.

«Темурнома» жаҳонга таниқли улуғвор тарихий шахснинг ҳаёти мисолида кишиларни бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишига ундаиди, ўтмишда юз берган қирғинлардан сақланишига, тинчликнинг, оғиятнинг қадрига етишга даъват этади. Ҳолбуки, биз тарихимизни жуда-жуда саёз биламиз, ўтмиш — эрганги куннинг дарслиги. Даурс эса ҳамиша ибрат йўлига бошлайди.

ПОЁН РАВШАНОВ.
филология фанлари номзоди

TEM YPHOMA

Амир Темур Күрагон жангномаси

Ҳамд багоят ва ситойши бениҳоят ул ҳаллоқ қадимул вужуд парвардигори оламга, вужуд жамъи музоҳир ва муботин баҳр жудин бир қатра шуғуд нур зуғури — зуғур нур шуғудидин бир ламға ўлуб. байн ул каф ва ан-нун анвоғи мавжудот ибтидоғи асрор макнумот буюруб, вужуди инсоний қалимайи жамъя ва сағифаи комила қилиб, нусхайи кубаросини са сойир ашёдин имтиёз ва интиҳоб бирла сувар жамъи маоний ва қалимайи сабт ул масоний дарж ва мағз истиғо ва ихтиёр или мажмуъайи Одамдин иктиносор жаридайи сулола акроми-ла Лой бинни Одам сойае андоғ мафориқи олам бўлуб, ҳамул хилъати иззат ва манишур түгройи хилоғот бўлганроқ.

Арсаи габродин восил мало аъло ўлмишдур. Саломот, салом ул раҳномайи шоҳроҳи худо ва пешвойи жодайи худо, сардафтари сағифайи анбиё ва феҳрасти жаридайи авлиё, оғтоби фалак истиғо, мөҳтоби буржи асфиё, яъни ҳазрат Муҳаммад мустағо саллалло алайҳи вассаломни ўзларига бўлсунким, жумла авлиёға раҳнома ва барча умматларга муҳтадий ўлмишдур, ризвон таоло алайҳим ажмайн.

Аммо баъд, тарихиуносон, арбоби ирфонга маҳфий эмасдурким, жаноб ҳазрат Одам сафийалло замонларидин бизни вақти замонимизгача жамъи одамлар икки қисм бўлуб: аввалги қисм тӯфони ҳазрат Нуҳдин илгаридур, иккинчи қисм кейиндур. Аммо қисми аввалини ҳақиқати ҳоллари ва ниҳояти ахволлари ва асомий ансoblари камоҳий маълум эмасдур. Агарчи баъзи ахли таворих бу мақолада нирояи саҳойиф этмиш, аммо индалақлан мусаллам ўлмаганилиги ошкорадур ва лекин батъи ҳодиса вуқуъига илмимиз фақат Қуръони шарифнинг нотиқ ўйдиги Қисасдин ва анбиё-у атъзам ва расул киром афандиларимиз ҳазратларининг ахбор муъжиза осоридин лоҳиқ ўлмишидур. Ҳатто, «Китоб ул ахбор»дан мангулдурким, тӯфондин илгари олам зери ҳукумати жабобирда бўлуб, кўб олим, фозил ва файласуф, оқил кимарсалар кўб-кўб бўлуб, аинвой илмлар ижод, гуногуни санъатлар иҳдос этиб, илми тилсим ва илми афсун каби ва мунга ҳашаш эшитилган ва эшитилмаган неча ҳунарлар ижод қилимислар эрди. Ҳатто Идрис алайҳиссаломни июғирди Исқилинус отлиг гоятда ахли ҳунарманд кини эрди.

Аммо ахли таворихларга маълумдурким, замони Одамдин ҳазрати фахри оламининг арсаи шуҳуд бўладиклари овонигача ахли ажамлар айтур: олти минг ўн уч йилдур ва баъзилар айтур: беш минг тўққуз юз йилдур. Асҳоби ҳисобнинг аксари иттифоқлари абиزاد ҳуруфининг жамъи адади миқдоричадурким, беш минг тўққиз юз түқсон беш санадур. Аммо, тоифаи Яхуд Тавротдин пакллари узра Ҳабут Одам алайҳис салом ила ҳижрати Хотамул анбиё-у алайҳа вассалом вуқуъи мобанини беш минг қирқ уч йилдур ва миллати насоронинг Инжилдин ривоятлари замони мазкурдин Саййиди ҳашрда зоҳири олам ҳазратларининг нури захуригача беш юз минг етмиш йилдур. Аммо, Саййидиниос ибни Аббос розалло шина ҳазратларини қавли шарифлари узра Ҳазрат Одам софийдин жаноб Нуҳ набийини тӯfonигача икки минг икки юз эллик олти йилдур. Аидин ҳазрат руббуликалил Иброҳим алайҳиссаломгача минг етмини йилдур.

Андин ҳазрат Сулаймон алайҳиссаломгача беш юз уттиз олти

йилдур. Андин ҳазрат Мусо алайхиссаломгача беш юз беш йилдур. Андин ҳазрат Искандарни садд Яъжуҗигача етти юз ўн етти йилдур. Андин ҳазрат Исо алайхиссаломгача уч юз олтмиш түқкүз йилдур. Андин Сайид ал кавнайн расул ас сайқалини зуҳурларигача тўрт юз ўттуз тўрт йилдур. Бу тақдиргача жаноб ҳазрат Одамдин ҳазрат Сайид уз оламгача беш минг түқкүз юз эллик оати санага болиг эрур. Аммо ҳисоб қамарийян арабиймудур, бўлмаса шамсиян рўмийямудур, матълум эмас. На учун, шамсияни қамарийядин ўн бир кунга яқин тафовути бордур. Яна ҳазрат Одам замонидин бизларни замонимизга келгучиша садр ишини салтанати жаҳон бўлган беклар, подиоҳони аслоф икки синф узрадур. Аввалги синф ҳазрат Сайид ас-сайқалини илгари. Алар тўрт табоқотдур. Табақаи аввал — Нешоддиён, табақаи иккинчи — Каёниён, табақаи учунчи — Ашканиён, табақаи тўртинчи — Сосониёндур. Лекин аксар ақволда диёри Арабга анбие ва диёри Ажамга салотин келдиги машҳур ва мутавотирдур.

Аммо синфи иккинчи замони ҳазрат Сайид ас сайқалини алайхиссаловот вассалом сўнграги афрод иқбол бўлғонлар ўн табоқотга восил бўлмишдур: аввалги табақа — бани Умийядурким, чаҳорёр гузин ризвонулло таоло алайҳим ажмайин; иккинчи табақа — Аббосиёндур; учунчи табақа — Сомониёндур; тўртунчи табақа — Ол Пўйаҳдур; бешинчи табақа — Сабук Тегиндур; олтинчи табақа — Хоразмиёндур; еттинчи табақа — Салоҳидат ул мавтдур; саккизинчи табақа — Салжуқиёндур; тўқкузунчи табақа — Чингизхониёндур; ўнунчи табақа — Усмониёндур.

Аҳли таворих қавлида ибтидои дунёга султон бўлғон Каюмаредур дерлар, қирқ йил салтанат сурди, етти юз йил умр кўрди. /тафсилин истогон «Тарихи Табарий»га борсун/, анинг ўғли Сиёминг, анинг ўғли Ҳушанг, анинг ўғли Тахмурас, анинг ўғли Жамшид етти юз йил салтанат сурди. Охирида Заҳдокин танаасига арра солиб ўлдурди. Булар барчаси тўфондин илгари муқаддимдур. Аммо Афросиёб, Рустам иби Зол, Кайковус булар Жамшидин авлодидур. Афросиёб Пушангни ўғли эрди, туркларга малик эрди. Жамъи Туркистон ва Мовароуннаҳр ва Машриқ ҳалқи они ҳукмida эрдилар. Ҳисобсиз аскар ва қўшуналари бор эрди. Аскарини тортиб Манучехриинг устига келди. Етти йил мухосара этиб, охир ярашилар. Бир баҳодури бор эрди, оти Арш эрди, Замованд тогини устига чиқиб бир ўқ отти, ул бир каркасни қанотига тегиб, учуб Замованд ва Табаристондин ўтуб Жайхун ёқасига тушти. Ул юртни барчасини Афросиёб забт айлади. Ҳазрат Мусо алайхис салом замонида оламга вужуд тобдилар. Мусо алайхис саломдин ҳазрат Искандарни саддигача етти юз ўн етти йилдур. Ҳазрат Искандар Зулқарнийн Ёфас авлодидиндур. Файлокус қизидин, Дороб ўглидур. Файлокус ёнида юрмак ила анга Файлокус ўғли дерлар. Шарқға ва Ғарбға ҳукм этиб, Яъжуҷ ва Маъжужга садд торти. Зулмат ичра ҳайвон суйига борди, андин қайтиб Ироқға борурда шаҳри Заворда вафот тобти, ўттуз олти йил баъзи қавлда султон бўлди, баъзиким, дерлар бидъят ўғлига таклиф қилдилар, қабул этмай ибодатга машгул бўлди. Тафсилин истасалар «Искандарнома»ни мутолаа қилсуилар.

Эмди келдук табақаи Чингизхонийларга. Ҳазрат расул акром саллалло алайҳи вассаломдин сўнгра тарихнинг беш юз тўқсон тўққуз (1203) ҳижрати нубуввий эрдиким, давлати Чингизхон воқеъ ўлмишидир. Чингизхон иби Бийнукахон иби Хонфил иби Бойсункурхон иби Нумийъахон иби Қайдухон, насли мўгул-тотор авлоди Ёфас Нуҳ алайҳисе саломга борур. Аммо, Чингизхон ўн уч ёшида эрди, отаси ўлуб йигирма етти йил паришонҳол бўлуб юрур эрди, мундин ҳеч кимса воқиф бўлмади.

Иттифоқо, хақ таоло анга давлат бериб, бора-бора Хитой ва Хўттии иклимида таҳтия жулус айлади ва ул навоҳини мусаххара этиб, йигирма беш йил салтанат сурди ва Ироқ иконибига таваққуҳ этиб, тамоми мулкни фатҳ айлади, отини Чингизхон лақаб қўйдилар, яъни беклар беги ва подшоҳларни подшоҳи демакдур. Андин Бухорои шарифга борди. Бухоро аскари юз йигирма минг эрди, урушлар қилиб Чингизхон гўлиб бўлди. Андин кейин Самарқанд борди. Султон Муҳаммад Текиши Хоразмга бек эрди. Анда Мовароуниҳар подшоҳи беадад ва беҳисоб аскар бирла стиб келди, юз минг одам бирла муқобил бўлуб, муниҳазим бўлди, Арзинжонга қочти. Чингизхон вилояти Хурасонни забт этиб, аксар вилоятни қатли ом айлади. Чингизхондин тўққуз ўгул бўлди, бирини оти Тулойхондур, анинг ўғли Ҳулогуҳондур, анинг ўғли Газон Махмудхондур, исломга мұшарраф бўлуб, подшоҳи ислом эрди. Маккага ва Мадинаи мунавварага ҳайрати қўб воқеъ бўлмиш.

Фирог денгизидин бир ариғ чикориб, отини Наҳри Мавсум қўйди.

ЭМДИ КЕЙДУК ДОСТОНИ АМИР СОХИБҚИРОНГА ЯЪНИ АМИР ТЕМУР ҚЎРАГОН ИСКАНДАРИ СОНИЙГА

Байт:

*Дабдибаи салтанати қўб баланд,
Зилзиласи олам орадур начанд.*

Аммо қавли саҳихда булар авлоди Ёфас бин Нуҳ алайҳисе салом аммо ахборларда мундог келтурубдуларларким, Амир Соҳибқирони Искандари соний беклар беги, хонларни хони, султони рубъи маскун хону ҳоқон ибни Ҳоқон, яъни исми обо ва аждодлари Амир Темур иби амир Турагай баҳодур иби Баркул баҳодур иби Илонгиз баҳодур иби Ишқил иби Қорақор Нуён иби Амир Сугучин иби Ишимчи Залосхон иби Қожувли баҳодурхон иби Тарбонхон.

Чингизхон Бартоихонга набира бўлур, Иби Қобулхон иби Тумгахон иби Бойсунгурхон иби Қайдунхон Дутманихон иби Буқахон иби Аиқу иби Дапун Ноён султон иби Чўбинахон иби Менгихон иби Ойхон иби Офтобхон иби Темуртошхон иби Қаёнихон иби Эдҳон иби Юлдузхон иби Мўгулхон иби Элчихон. Тоторхон Элчихонни ўғлидур. Иби Илёсхон иби Қораҳон иби Шамархон иби Турхон иби Ғомур иби Ёфас иби Нуҳ алайҳиссалом иби Малик иби Идрис алайҳиссалом иби Бурда иби Махлойил иби Манион иби

Нуш иби Шишо иби Одам Ато алайхис салом. Ушбу мазкур оталар бирла бальзы қавлда мундин ҳам зиёда Ҳазрат одам Абул Башарга борурлар. Дерларким, тарихнинг етти юз ўттиз бешинчисида /1335 й/ сичқон йилида вужудга келиб, сана саккиз юз саккизда /1405 й/ олами фонийдин олами бақога интиқол қилдилар.

Назм:

*Ушбу жаҳон ики эшик уй ҳаби бўлур,
Виридин неча чиқор эса биридин неча келур.*

Садр аш шариатни қизлари Тегина бегим моҳдин тугулуб, Тегина бегим моҳ бу ўгул сабабидин кўб машоққатлар тортиб, андин кейин амир Чокунинг уйида бўлуб, Амир Темур ўн ёшиқа келгонда Амир Турагай баҳодур ўғлини тошиб, андин кейин Байнқулихонни хизматида бўлуб, андин кейин қиҷоқ элидин Тўқтемурхон хуруж қилиб отасини ўрнига Бароқхон салтанат таҳтига миниб, андин кейин Тўқтемурхон Самарқандга пойтаҳт қилиб, Бароқхонга голиб келиб, андин кейин Бароқхон Чигатой беклари бирла Шахри Балх сарига қочиб, андин кейин Амир Темур Ҳожам Баҳовуддин ёрдамлари бирла бориб, Бароқхонни шоҳ Мансур қўлидии тошиб келтуруб, андин кейин Қинчоқ ҳонларини Самарқанддин ихрој қилиб, андин кейин Амир Темур Соҳибқирон Самарқанд таҳтига ўлтуруб, аммо Бароқхон Балх шаҳрига бориб пойтаҳт қилиб, Мирзо Їҳаҳонгир тўра Бароқхон тогасини қошига бориб Мирзо Їҳаҳонгир турани Бароқхон қатл қилиб, анинг сабабидин Амир Темур бориб Бароқхонни ҳалокатга текуруб, андин кейин Хоразмга бориб, Ҳасан сүфини ўзига тобеъ қилиб, андин кейин Хуросонга бориб Шерозгача мусаххара қилиб, Ол Музаффарни олиб, андин қайтиб Дошти Қинчоққа бориб, ўзбекларни ўзига тобеъ қилиб, андин Қорақурумгача бориб, андин кейин Мирзо Шоҳруҳ тўра Тўхтамишхонни қатл айлаб, андин кейин Ўрус мамлакатларини мусаххара қилиб, андин келиб яна Ҳиндустон ва Хуросон, Ироқга бориб, Мирошоҳ тўрани Багдоди шариғға ҳоким қилиб, ул султон Аҳмад жалойирни қўлида ўлуб, андин кейин тамом Мозандарон, /Гур/ Жистонгача олиб, Шом. Ҳалаб. Ҷамашкини ўзига тобеъ қилиб, Кайсари Рўмға бориб, султон Боязид Елдиримдин Рўмни тобеъ қилиб, Улугбек Мирзо Шоҳруҳ тўра ўғлини Магрибга юбориб, Хутбани Амирини отига ўқуб, андин тарихни саккиз юз еттисида /1404 й/ Самарқандга келиб, Мирзо Шоҳруҳ тўрани Ҳиротга юбориб, султон Мухаммад тўра набираси ни Қандахорга юбориб, валиаҳд қилиб, ўзга авлодларини Самарқандга қўйуб, ўзлари Ўтрорга бориб пойтаҳт қилиб, умри шариғлари етмиш икки йил ва бир ойу ўн саккиз кунда тамом бўлур, мавзиъ Ўтрорда ҳукми Кирдикор ила шаъбони ўн еттиси сешанба /1405 йил 18 февраль/ куни оқпом вақтида дорулфандони дорулбақога риҳлат қилиб, раҳмати парвардигорга уландилар. Андин кейин Сарой мулк ойим ҳазрат Амир Соҳибқирон жасади муборакларини Самарқандга олиб бориб даҳма ичра дағи қилдилар. Андин кейин султон Мирзо Ҳалил Самарқандда таҳт

узра ўлтурди. Аидин кейин султон Абдул Қосимхон бўлди. Ўн икки йилдин кейин Хўжа Аҳрори ёрдамлари бирла Султон Сайд Мирао, Жаҳонгир турани набираси, салтанат тахтига ўлтурди. Йигирма уч йилдин кейин рофизийлар ўлдурди. Аидин султон Ҳусайн тахтга ўлтурди. Ўттиз саккиз йилдин кейин аниг ўринига Бобурлоҳ, салтанатга ўлтурди.

Тарих тўқуз юзга келгонда /1495 й./ шоҳ Исмоил қизилбош хурум қилиб Бобурлоҳ Ҳиндистонга қочиб. Шайбонийхон Марвда қизилбош кўлида узуб, аидин кейин ўтуз йилгача мулк безобита бўлди. Ани амакбасаси Убайдуллахон Мир Араб ёрдами бирла тахт узро ўлтуруб, яна ушибу мамлакатларни мусаххара қилиб, етти йил салтанат сурди. Яна ўтуз йил безобталик бўлуб, ўзбеклар ичра ҳар тура сиккасини ўзини отига қилиб, аидин кейин хожа Саъдулдин Имодий ёрдами бирла Убайдуллахон Карманадин хуруж қилиб, ўтуз тўрт йил салтанат сурди, чўаларни обод қилди. Эронийларни подиҳои Аббосхон била жанг қилди; вақти бўлуб Абдулмуминхон ўз ўғлини салтанат тахтига ўтқуди. Муҳаммадқулихон жўши мунинг улуг бобоси, они Зоминда қатл айлади. Аидин кейин Жонихон салтанатга ўлтурди. Аидин кейин Боқи Муҳаммадхон беш иш тахт узро чиқти. Аидин кейин И момкулихон ўтуз саккиз йил салтанат тахтига ўлтурди. Тарихнинг бир минг эслик учидаги (1643 й.) Нодир Муҳаммадхон қардошига бериб, ўзи ҳажга кетти. Иккى йилдин кейин Абдулазизхонни Боқи Бешқанд мавзийида тура кутариб ўтуз беш иш салтанат суруб, аидин кейин сана минг туксона (1679 й.) етганда ҳаж знёратига кетти. Аидин кейин Субҳонқулихон Балхдин келиб, онинг ўринига ўлтуриб ўн саккиз йил салтанат суруб, вафот тобти. Аидин кейин Убайдуллахон аниг ўғли салтанат тахтига ўлтуруб, тўқуз йилдин сўнг ўз мулошимлари шаҳид қилдилар.

Тарихнинг бир минг бир юз йигирмасида (1708 й.) Абул Файз Муҳаммад баҳодурхон Бухорои шарифга тахтини қарор бериб, ўтуз саккиз йиа салтанат сурди. Әл ва улус, фуқаролар барчаси тинчликда бўладилар. Ул зотни Раҳим оталиқ шаҳодат дарајасига еткурди. Аидин кейин Абдулмуминхон отасини ўзлурди, ани кудуқга ташлаб барҳам бердилар. Ани қардонни салтанат тахтига миди. Ани ҳам ўлдурдилар. Аидин кейин Абдуллахон тахт узра ўлтурди. Тўқуз йил салтанат сурди. Ул замонда Сўфи Оллоёр ҳам асир эрдилар, онда тарих бир минг бир юз ўтуз учда (1721 й.) эрди, муҳозифлар шаҳид қилди. Аидин кейин Раҳим оталиқ ўзи тахтига чиқти, анига ҳам дунё вафо қўлмади. Аидин кейин Ҷониёл бий оталик, Раҳимхонни амакисидур, лакаби Абул Ғозийхондур, ани салтанат тахтига ўтқудилар. Аммо вилоятаар ани амирида бўлуб, аидин кейин Шоҳмуородхон салтанат суруб тамом юртни ёмонларини барҳам бериб, масжид ва мадрасаларни обод қилди. Аида тарих бир минг икки юз еттида (1792 й.) эрди, аидин кейин аниг ўғли салтанат тахтига ўлтирди. Ул зот Олтун бешик хонни авлоди амир Ҳарархонга замондош эрдилар. Аида тарих бир минг икки юз ўтуда (1815 й.) эрди. Аидин кейин амир Насронаю баҳодурхон иби Ҳайдархон салтанат тахтига қарор олдилар. Аидин кейин султон

Музаффархон амирлиг маснадига ўлтурдилар. Ул зоти бобаракот хам оламдин ўтиб, раҳмати нарвардигорга уландилар. Оталарини ўрнига амир Абдулаҳадхон салтанат таҳтига жулус қилғон замонларида тарихининг бир минг уч юз йигирма еттисида (1908 й) товук йилида Ташканд мамлакатлик аҳқар ул абад мулло Салоҳиддин хожа иби мулло Алоиддин хожа эшон айтурким, бу «Темурнома»ни бир неча қардошларни илтимоси бирла турки тилида тартиб бермоқга кунин қилдик.

Назм:

*Назм ила бўлсун дедимким илтимос этганлара,
Қоғия, вазн ила тартиб айласак бу дафтара.
Назмининг қадрига етмас даҳр иҳли, дедилар.
Кошики назм ила бўлса ҳар китоб, ўлгай сарара.*

Оило таолонинг инояти бўлуб, бу достон бўстони ичра кўнгул сандуочлари сўзласа.

Назм:

*Кўнглумни гайри лаби қилгай ажаб фано,
Чунки ҳазор достон заррасидин баёна.
Борди хаёл элчиси ҳар соридин ахториб,
Келтурубон лисона, зоҳир этар жаҳона.*

Эмди муинга назар қилгувчи ва ўқигувчи қардошларга албатта баъзи сўзимда хатоси бўлса, илтимосимиз шулки, ақл кўзи била кўруб, ислоҳ қалами бирла тузатиб, таъни тилини сақлаб, афв этаги бирла ёнсуилар.

Назм:

*Қорилар қилманг манга қаҳру итоб,
Чун хато бирла бўлуб деб бу китоб.
Ҳар хатосини билиб тасҳиҳ этинг
Ким, билур валлоҳи олам биссанов.*

Эй дустлар, в-эй қардошлар, унбу китобга назар қилгонларингда ман фақир, гуноҳ домига асирии дуода ёд этгайсиз. Илоҳи, ўтган ота-оналарингизни раҳмат қилиб, тирикларингизга тавфиқ ато қилгай. Омин.

Бул ерда муз лифт оёғчи бирла дўмбурачига хитоб қилгани.

Назм:

*Оёғчи, на эрди бу гулранг май,
Ўлуклар агар исса бўлгуси хай.
Муганий, таронанг қўшуқму лафар,
Қулогина тегса киши жон топар.
Оёғчи, надандур бу берган сувинг,
Мани сархуш этин, қўй, аччиғ үвинг.
Муганий, на эрди бу боиғ товуш.*

Аннег таъсириға жетиб ақлу ҳүш.
Оёгчи, на эрди бу ўтлуг шароб,
Шарорига бағрим бұлубдур хабоб.
Мұғанний, на эрди бу деган улан,
Уланнұ ұландин ұлан жон-тан.

Бу ерда қаламға хитоб қилиб, мuaллиф бу газалии айтгони.

Назм:

Жағд айла бу достона хома,
Түрки тила айтуб «Темурнома».
Боғлаб белинг, эй бу дам, қалам, сан
Қутқор мани мағнати аламдан.
Саъиі айлаки, сұзла килк рафтор,
Вақт ұлдикі, бұласан манга ёр.
Денгиз довотиға үр үзүнгни.
Майдони суханға сол сұзунгни.
Эй килк гаввоси оғзине очғыл,
Бу сағхага турлу лұғылұ сочғыл.
Сан бизки Темур иұлыға түшсак,
Воқиғ бұлакұр бу ишақа андак.
Гүё иұлы бұлса хор, оқин,
Яңни бориси Темур Тегіндін.
Мекнант тегинидур, этма шуйун.
Кел, бу тегинни айла гулшан.
Гулзор сиғатту достон эт,
Хар достонини бұстон эт.
Бұстонида турға гүл очилсун,
Хар яғрорида қуқу сочилсун.
Қылғилки бу богни андог обод,
Вұлсун киши күзи хұраму шод.

Әмди бу богни атрок алғозин гулларидин тартиб бергилким, түркклар күрүб, шод бұлсун. Илохи, бу бог атрок аро абад ул обод бұлсун. Әмди, эй қариндошлар, валиларга беодобона сұз демаңглар, иечун мuaллиф дерким, физзамонина уламолардин бири Амир Темур қазратларига андак күтохлиқ ила бир сұз деб эрди, андин яна бир сұз дини куфрга оид бұлуб, үз қавми ичра күб шарманда булди. Бу ҳам қаттың жазо. Әмди, агар андог иоинсоғ бұлса, дуо қилинглар, олло таоло тавғиқ берсун. Валиларни ҳамма ишлари ҳикматдин ташқари әмасдур. Үзини билған кишиларни ҳақига бехуда сұз демас.

Назм:

Худо җар кишини сарафroz этар,
Беріб анга иқбол оғоз этар.
Кишиким сазовор шоҳи бұлур,
Дей манзури лутфы илоҳи бұлур.

Хануз сурати замирга муртасим эмас эрди. Жангу жүй мухолифлари хабе тадбир била мутобъят тузокига асир бўлдилар ва тундхўй душманлари инқиёд домига мутис бўлдилар. Ҳар киши итоатидин бўйун товласа изд иқобатига гирифтор бўлур эрди. Бир инорати хуеравона бирла дарёларни ҳомун қилиб, саҳроларни жайхун қилур эрди. Қайсари Рўм ила анга ҳоқони Чин бўлуб тобебеъни Эрон, Турун Замин қилиб, ибтидоси Булғордин интиҳоси Чин Мочингача анииг қаҳридин тарсида бўлуб. Жоблиқодин Жоблисегача анииг салобатидин ларзада эрдилар.

Назм:

Асоси Мусулмонлиг обод ўлуб,
Ривожи топиб фин, эли шод ўлуб,
На ерда иморатдин най тузуб,
Яна бўлса фассоқ аҳлини бузуб,
Бўлуб барҳам авсону асномлар.
Етиб финни тонги, кетиб шомлар,
Кетиб қуфр бирла жаҳолат туни,
Чиқиб динни ҳақни қуёшдек куни,
Адолатлигин донг овозаси—
Етиб элу юртга чу афрозаси.

Шуҳрати адолатидин Кайқубод, Нўширавон иомаълум бўлди, шои-шавкатидин Фаридун ила Кайхисрав гум бўлди. Рустам Достон хикояси мансух бўлди. Ва анииг шизъоатидин мухолифларни юрак багри мажрух бўлди.

Назм:

Ҳеч сув қилмади шамолдин дод,
Ҳеч гул багрин пора қилмади бод.
Қўю қўзига тегмади қашқир,
Бирга юрдилар шер ила нахчир.
Эгнидин ўзга йўқ бараҳна киши,
Ғайр мутрағни йўқ ўғурлуқ иши.
Ерла қалош барчаси хандон,
Тул хотун сабзаси ўлуб маржон,
Эшишиб барча бўйла шуҳрату донг,
Кетти Жофон ила Хитою фаранг.

Вақтики, Чингизхон Эронни қатли ом қилиб, пойтахти Мўгулистонга карор айлаб, Қорақурумга келди. Ўзига дўстроқ ўглидин Чигатойхонни Фарғона ва Мовароунихаҳрга ҳоким қилди. Қорачор нўёни анга рафиқ этиб, Чигатойхон Қошгарга пойтахт қилди. Фарғонани Қорачор нўёнга берди. Мовароунихаҳр ва Фарғона шаҳрларида батиан баъд батин беклиқ қилдилар. Токи навбат Баёнқулихон иби Довонхонким, Малик шоҳ машҳурдур. Бухоро тахтига ўлтурғон эрди, ўшал вақт авлиёи бани одам Шайх ул азъам, яъни шайх Сайфиддин Бухорога келиб эрдилар. Бухоро одамлари барчаси мурид, мухлис бўлдилар. Худо таоло ул кишига

куб-куб дүйнекции берган эрдиким, етти юз от огулда бойлиқ туар эрди. Қозонхон андог золим эрдик, ҳар кишини талаб қылса, аввал хотун ва болаларига васият қилиб, андин кейин, Қозонхонни олдига борур эрди. Мунинг ҳолини баъзи одамлар шайхга арз қилдилар. Бул киши сабр эттилар. Хон бир кун айди: «Шайхни келтуришлар, дарвиш кишига мунча давлатни нима кераги бордур» деб. Ҳодимларидин бирини шайхни олдиларига юборди. Ҳодим бориб шайхга воқеани баён қилди. Шайх бу сўзни ҳодимдин эшитиб, раңжиб, газаб ила рубоийни дедилар.

Байт:

Эй ситамгар, бу кўнгул озоридин сан ҳавф қил.
Элга кўб қаҳр айлама, қаҳдордин сан ҳавф қил.
Бир кўнгул озоридин бўлгай жаҳон зеру забар,
Мунча зулм этма, бу кирдордин сан ҳавф қил.

Ул киши келтурууб хонга рубоийни берди, мутолаа қилиб ўқуб, яна аччиги ва қаҳри зиёда бўлуб айди: қандог иш буюрма, ҳур бу ерга келиб, манга мундог рубоий битиб юборур деб. Буюрдиким, отни эгарлаб келинглар, бориб шайхни ўздуурман. Умаролар манъ қилдилар, бўлмади. Охир от узра минди. Ҳабарчи келиб шайхга айдилар, андин кейин, шайх қўлларига бир олмани олиб ҳавога оттилар, келгунча ҳикмат худо таолодин деб, сўнгра муроқабага бордилар. Муддати мадиддин сўнг «одлохи акбар» деб боши кўтардилар. Аммо бул сўзни эшитмак кераким, иттифоқо, Қозонхон ариғ ёқасига келиб эрди, анда бир дехқон киши сабад ичра тўла олмани кўтариб Қозонхонга кўрсатти, хонни оти бирдан ҳуркуб кетиб, отдин йиқилиб бўйни синди. Барча ҳалқ билди-ларким қаромати шайхдур. Умаро ва фуқаролар барчаси келиб шайхни оёқларига йиқилдилар. Шайх анда бу рубоийни ўқудилар.

Байт:

Соф тийнатжим, ҳисори оғият озодалиғ,
Кимки қаж юрди, ўзини ҳолига афгодалиғ.
Ушибу дунё давлатидин кимсага беҳбуд йўғ.
Бу ўтар дунёга мағрур ўлмоқ ҳўб соффалиғ.

Олон одамлар ҳайрон бўлуб айдиларким, қайси киши хон булур? Баъзилар айдилар: «султонга шайхни қилурмиз, нечунким, бу киши дунё ва диннинг султонидурлар». Анда шайх айдилар: «биз лойики хонақоҳмиз, тахтимиз бурё, тоҳимиз эски такя, бас, мани дунё ва охиратда шарманда қилманглар». Аммо бир йилгача дол-адани шайх сўраб турур эрдилар. Бир йилгача ҳеч киши бир-бирига таъядди қилмадилар. Аммо бир кун одамлар ҳужум бўлауб, шайхга арз қилдилар: юртимиз подшоҳсиз бўлмасун, олти жихатни подшоҳ ва беклари эшитибдурларким. Бухорон шариф подшоҳсиздур деб. Бухорога қасд қилибдурлар, фикри кима бўлур? Шайх айдилар бу асони ушланглар, кимнинг бўйига мувофиқ келса, агарчи фодачи бўлса ҳам, хон қилинглар. Ҳалқ куб жидди

жакда киңиллар хеч кимарсаннинг бўйини асога мувофиқ тобмадилар. Мардуми Бухоро яна келиб арз қилилар, анда шайх Сайфиддин овозларици чиқариб айдилар: «Баёнкулихон деб, тозларга боринглар, ҳар кимни кўрсанглар, бу асони мувофиқ килинглар». Андин кейин одамлар шайхни асосини олиб чиқтилар, ҳар ким олдиларидан ўтса бўйига ўлчаб кўрдишар, мувофиқ келмади. Андин кейин Баёнкулихонни сўрдишар, хеч кимдин хабар эшийтмадилар. Аммо ул вақт Баёнкулихон ўн саккиз яшар эрди. Амир Қозоихон ани катага буюриб эрди гаразини бўлуб. Йалладга олтун бериб, беклар пайранг бирла қочуруб эрди, нечунким, Давонхонни мундин ўзга ўғли йўқ эрди. Ул тўра бечора тозларда саргардои бўлуб, айланниб юруб. Орлот деган элга келди. Бу йигитни кўзи ногоҳ ҳавода бир қалхатга тушиб, учуб юур, тумшугида бир ҳамён тўла олтун, ул қалхат Орлот элига келиб тушиб, бу йигит анда ҳамёни таниб, олиб амир Муаййидин олдига келди. Ул олтун амир Муаййидини эрди. Амир айди, «Май булогка тушиб, гуса қилиб чўмулдим, кўрдимким, ҳамён йўқдур, сан ўгурабсан». Бу қалхатни воқеасини айди, қабул қиласади. Амир Муаййид мунин бойлаб қўйди, бу бола «май тўразодаман» деб ўз воқеасини айтмади, кўб замон утти, бир кечча ҳазрати Шайх ул аъзмани тушида кўруб ўйгонди. Кўрдики, бойлуклари енилибдур. Андин кейин қочиб Газом деган ерга келди. Бир девор остида гарилардек бўлуб йиглаб ўлтурди. Анда бир қари камнир куруб, анинг бир қари эри бор эрдики, подачи эрди, алар мунин кўрууб ўгул болса қиласи. Андин кейин ул қари подачи ўлди, ўзга боласи йўқ эрди, ўринига неча кунлар бу пода бокиб юрди, токи Бухоро одамлари келиб Баёнкулихон деб суроклаб, иттифоқо мундин сўрдиларки, «эй йигит, Баёнкулихонни кўрдингму?» Буад айди, «нима ишларинг бордур?» Воқеани байи қиласи, асони қўлига бердилар, курсалар мувофиқ келибдур. Барчалари таажжуб қилуб айдилар; бекликга подачи қандай лойиқ бўладур? Аммо Баёнкулихонни Бухоро шаҳрита келтуруб, шайхга олиб келдилар. Анда тўраин боғлагои Қозоихонни мудозимлари ошиқиб келиб, оёғига йиқиадилар. Ул куни шаҳрға ойин боғлаб зийнат бердилар, кўб садоқат, хайрот бериб тўраин бошидии олтуналар иисор қилиб Бухори шарифда ул куни тўраин салтанат тахтига ўтказдилар.

Байт:

Хоннинг ўрнига бўлди янги хон,
Фитнау фисқини қилиб вайрон.
Ҳиммати бўлди они дарёдек,
Адли бирла шижоати чандон.

Ўтуз йил беклик масиадида ўлтурди. Баёнкулихон адолатла шундиг эрдиким, бирор ов қизмоқ учун сайдига отланиб боролмас эрди, қушлар озор тонар деб, манъ қилур эрди. Аммо анинг замонида шароб ва чогир ичмак мутлақо ѹўқ эрди. Лекин ўтси отасидин шаробни отини эшиитиб сўрдики, шароб ва чогир не нимарсадур? Бир куни иттифоқо хонни қошига бир мойчи келди.

Сүрдики бир дона күнжуддин на миқдор мой олурсан деб. Мойчи айди: «тиргөн юзида мой олурман». Аидин кейин яна памоз ва рұзадин сүрди, мойчи дармонда бұлды. Филхол, үлдурмоқта буюрди.. Үғли мулло эрди, бориб хонга арз қылдиким. «Эй хоним афандим, амакинг Қозохон азулмидан отам мактабхона юзини күргани йүқтүр, нечунким, Қозохон амр қилиб эрдики, мактаб үқуманглар деб, ман сани адлингдин мулло бұлдум, чунки сан үқумоқта амр қилиб эрдинг».

Аидин кейин отаси боласини сабаби бирла озод бұлды. Вой батъзи одамларни жонигаким, үглонларини мактабга бермабдур?

АВВАЛГИ ДОСТОН. ҲАЗРАТ АМИР ТЕМУР СОХИБҚИРОННИ ОНАЛАРИДИН ТҰГУЛМОҚЛАРИНИ БАӘНИ

Алқисса, Турагай баҳодур насли Қорачор шүёндидин эрди. Күнлардан бир күн Нұён хонадонидин чиқиб кетиб эрди. Аммо давлати зұр эрди. Одамлар ани иззат қылур эрдилар. Шахрисабзки, ходо уз мавзияни Турагайя дерлар, үшал ерга бориб эрди. Етмиш олтун қалодалиг ити бор эрди. Күб қүй рамаларини атрофида юрур эрди. Аммо үзи қавий жүніша ва майгуилаб эрди. Аммо үшал заменда Бухорой шарифда Садр аш шаърият сохиби шархы вүкөйи үшүл асрининг муллюси эрдилар. Бир күн дарс айтиб үлтуруб эрдилар бир қаландар келди. Айди: «Тегина бегим моң деган қизини қүёвіга беринг, аидин бир үтуг тұгуладур, ани жаҳонғир ва сохибқирон дерлар». «Эй девонаи телба, қайдин булурсан», дедилар. Қаландар айди: «Асрори гойибни билурман». Садр аш шаърият буюрдилар. «бу девонани үйга қаманглар» деб. Филхол вөкөани хонга келиб арз қылдилар. Баёнқулихон буюрдиди, «олиб келинглар» деб. Даражол келиб қаландар турған үйни очиб күрсәларки, қаландарни үрнига бир қызы бойлапибдур. Қаландар йүк. Күрган кишилар ҳайрон бўлдилар, қызы телба бўлуб қолибдур. Ҳарчанд дуолар ўқидилар, бўлмади. Оқибат қизини Шайх ул азъамни қопиларига олиб келдилар. Шайх кўруб, табассум қилиб айдилар: «Ул руҳи Қуде эрди, қаландар суратида бўлуб келиб эрди. Ақиун, бу покиза қиздин бир яхни муборак үтуг вужудга келадур».

Лекин шайхнинг шарофатидин қиз үзига келиб, хүшёр бўлди. Аидин кейин шайх айдилар, «бу қизини қүёвга берайлук». Садр аш шаърият айдилар: «Ихтиёр Сизга». Одамлар эшиитиб, билдиларки, ул қиз шайхга назр бўлғандур. Ҳар тарафдии уламо ва умароларни хостакорликга йўқладилар. Шайх айдилар: «куёв бўлгувчи Бухорога келгони йўқтурс». Одамлар айдилар: «Шайхни үзи олур».

Эмди икки калима сўзини Турагай баҳодурдин эшиитилсун. Шахрисабзда ов қилиб юрур эрди. Бир кийик келиб қўйлар рамасига ўтти. Ногоҳ қўйларни кўрса, ҳар тарафга қочиб, хуркуб юрур. Қўйларни ичиди бир қашқир туур. Фиаҳол, бўрини ўқ бирла урди. Қўйчини үйқудин тургузуб, зајр қиласди. Қўйчи айди: «мендин коҳимагил, сенинг сабабингни тушумда кўруб эрдим». Турагай баҳодур айди: «Нима кўрдунг?» Чўион айди: «янил

күйимлик киши келиб нидо қилдики, Турагайа айтгил. Шайх ул аълам кошларига борсун, Садр аш шаъриатнинг қизларини олсун, мундин бир соҳибқирон ўгул пайдо бўлур». Бу айди: «қўрқа-нингдан алдаурсан». Қўйчи айди: «эй баҳодур, ман хеч Садр аш шаъриат ила Шайх ул аъламининг отларини эшитганим йўқ, тангри хақи, ёлғон демайман». Амир Турагай қабул қилмади, қамчи бирла урас бўлди. Чўпоннинг ити овоз қилиб, акиллай берди. Амир Турагай баҳодир билдики, ит-да бул сўз чинлигина ишорат берур. Турагай баҳодир айди: «ит нима деюр? Чўпон айди: «Ит мани сўзумни чин деб айттур». Баҳодир тасдик қилдики, шул чўпон рост деюр. Андин Бухорои шарифга етғач, тўғри Шайх ул аълами олдилариға кириб келди. Шайх ул аълами кўрди, сўфилар халқасида муроқбада ултуурлар, андин кейин Шайх ул аълам бошларини кўтариб, айдилар: «Марҳабо, сафо келдинг, эй соҳибқирон отаси».

Аммо Амир Темурға Соҳибқирон лақабини Сайфиддин Шайх ул аълам қўйгонлар. Ҳануз туғулмасдин Соҳибқирон мазкур бўлди. Амир Турагай баҳодур чўпон воқеасин баён қилди. Шайх ул аълам айдилар: «чин сўздур». Биз Тегина бекамни Сизга саклаб қўйубдурмиз, аммо аҳд қилгандурман, ҳар ким бир кечада масжид, хонақоҳ бино қиласа анга берурмиз». Амир Турагай баҳодур айди: «Нима дессангиз, Сизга қул бўлурман». Шайх ул аълам айдилар: «эй баҳодур, гам емагил, ҳар киши ушбу дуони ўқуса ҳар ишни уҳдасидин чиқар». Анда Турагай баҳодур шайхни оёқларига ўзин ташлади. Шайх ул аълам тамоми муридларига рухсат бердилар. Амир Турагай баҳодурдин ўзга киши қолмади. Буюрдилар, «тургул, таҳорат қилигил». Баҳодур туруб, таҳорат қилиб, икки ракаат намоз ўқуди. Шайх бир хат анга бериб, айдилар, «борғил, шаҳрдин ташқари мозори Файз Осор ҳазрат Айуб бордур, яна хонақоҳ бор. Анинг олдида булог бор (ул мозорни Абдулазизхон иби Абдуллахов шаҳр қўргони ичра олиб эрди). Аммо хонақоҳ эшиги берк бўлса, зинҳор очмагил, булог ёқасида ўлтиргил, нима эшилсанг сукут қил. Андин кейин сўфилардин бири сани олдинга оёғ илтида, уроглиг бир пимарса келтуур. Ул таом мубоҳот жумласидин бўлса, санга худои таоло бир ўгул берур, шариати Нукувийда мустақим бўлур, агар маҳрамот жумласидин булуб, бола тугулса, фисқ фужурдин ўзга иш қилмагай. Таомни об бўлгач, хатни сўфиға бергил. Сўфини орқасидин бормагил, гунбаз ичра асло кирмагил, аларға назар солмагил, ҳар ким санга нечуқ назар қилмадинг деса, ани сўзин қабул қилмагил, мани олдимга келгунча». Амир Турагай баҳодур таъзим ва такрим қилиб, хатни олиб мозори Файз Осорга йўниб кеттилар. Андин кейин бориб ҳазрат Айуб мозорига еттилар. Назар қилдиким, бир гунбаз нури қуббаси афлокға етар. Садои ва нолай най ва барбат ва арганун ва дунбира ва рубоб овози қулогига етти. Баҳодур айди: «Субхонолло, бу воқеани сирри нимадур?»

Алқисса. Шайх ул аълам нима амр қилиб эрдилар, амал қилди. Қудуқ ёқасида ўлтурци. Ногоҳ хонақоҳ эшиги очилиб, яшил кийумлик сўфи дастурхон ила оёғ илтида келтуруб амир Турагай

баҳодур олдига қўйди. Баҳодур таваҳхұмда бұлуб. «бу таом маҳрамотдину ё мубоҳтдину, қандай булгай» деб ёпукки очиб күрдиким, тұла сут турур.

Ұшақ сутни ҳаммасин тановвул қиласы. Хатни сүфина құлиға берди. Ұзи бир тарағға жұнаб кетти. Орқасидин «оллохи ақбар» деб овоз келди. Турагай баҳодурни тамоми аъзосига ларза туши. Айдин Шамс ул малик чорбогига етиб әрди — холо Намозгоҳ дерлар — шул ерда бир оқсоқоллиқ кипи қелиб айди: «На учун олдингга ва кейнингта қарамайсан, ажаб тамошаларға назар қилмайсан, Шайх ул аълам сұзига амал қилиб, маҳрум қайтурсан», деб васваса қиласын берди. Турагай баҳодур анда назар қымыңға майлон бұлды. Ногох Айюбдин сели яғни бир шағалоқ қелиб, амир Турагай баҳодурни юзиға тегди. Құрқуб Шайх ул аълам саройига юзланды. Ул қари одам гойиб бұлды. Баҳодур тавба ва истигфор этиб, хонақоға қелиб шайхни тоңди. Айдилар, «ул қари одам Иблис алайхил лаънадур. Ул гойиб сели биздин әрди. Агар мундоғ қымасам, кейин бориб назар қылсанғ, амалинг зоең буулар әрди. Эмди келгил мани бармоқларим орасынға назар қылғыл!». Фильт, қелиб назар қилди, күрдиким, барча яшил түнлүк ва оқ түнлүк кипилар, ҳар бирларин орқаларыда кирнич ва карж, келтуурлар. Ҳазрат шайх Сайғиддин таъйин қылурлар, дерларким, бұлар рижол ул гойибдур, яғни гойиб әрлардур. Баҳодур сұрдиким «Күтб қайсиудур?»

Шайх ул аълам айдилар, «Күтб фавт бұлубдур. Бұлар бизга Құтб Сиз булуң дерлар». Аммо Турагай баҳодур айтүр: «аскарларим тапудимким, зохирда ҳар бири бир ишға машгулдурлар. Аммо ботинда рижол ул гойиб экансылар». Шайх ул аълам айдилар, «әй Турагай баҳодур, агарчу, оз офиятимиз, бұлмаса буларни күрмөкға тоқат қылолмассан». Аммо рижол ул гойиб барчалари қелиб шайхға таъзим қилиб айдилар; «аввал мартаба Сизге келдүк маснади Құтаботға үлтурсаңғыз деб, қабул қымадыңғыз, яна мулоғимингиз китобатни бизни олдимизға олиб борди, бизлар хурсанд бұлуб Сизни хизматингизге келдүк». Шайх айдиларким, «аввал биз ул давадға най тутмаб әрдүк, әмдиким, шул маснадға үлтургумиздур, илтижо қилибдүрсиз, баҳодур хотири учун қабул қылдук, аммо шул шарт бирлаким, уишу әртагача бир хонақоғ тартиб беринглар». Рижол ул гойиб барчалари хурсанд бұлуб, мотам кийимин солиб, шодмон лиbos кийидилар. Хонақоғ таъмирига мағнұл бұлдишлар. Тонг отқынча казо ва қадр меъморлари құқ рапглиқ, фалак қуббасынға еткууруб, карикі сұбх ила қүёш гириҳидин таъмир қылдилар. Қуандузи бұлтас, Бухоро одамлари күрдиларким, гүнбази олий фалакта етар, Шайх ул аълам устиларыда бино бұлубдур, барча одамлар таажқықуб қилиб, айдиларким, каромати ғана ул аъламдур. Анда шайх айдилар, «бу хонақоғ таъмирин Турагай баҳодур тартиб бергандур». Айдин кейин Тегина бетим мөхни амир Турагай баҳодурға ақд қылдилар. Қүёш жадій даражасыда әрди. Ұшақ пүтфаи нок соати зұхалда ота силабидин она ботинига боғланди. Аммо бу воқеадин илгари Амир Қозагон, мансаби амир ун исес, бор әрди — холо оталиқ дерлар, туви құпғирот әлидин эрүр — аңдог әрдиким, хутба ва сикка мүнинг

хүкмидин ўзга амир, бекларга йўқ эрди. Барча оталиқ қўлида эрди. Бу Тегина бегимга талабгор бўлуб келиб, хонга маъқул қилдиким, манга берилган қизни ҳоло Қарачор нўён авлоди Турагай баҳодурга берилбурлар, ман бориб Шайх ул аълам бирла жанг қилурмаи. Ҳарчанд хон манъ қилдиким, асло қабул қилмади. Бир одам бориб шайхга хабар берди. Анда Шайх ул аълам айдилар, «агар анга берилган бўлса, на учун қиз телва бўлмасдин илгари қадам қўймади, ҳоло биз муни никоҳи мусулмоний бирла Турагай баҳодурга бердук. Нима қўлидин келса, они қилсун». Аммо амир Қозагон қўшун тортиб келди.

Шайх ул аълам бу рубоийни айтиб, юбордилар:

Байт:

*Чун сайди қазойи қадрдин келди қулға,
Сен қўйма қадам хонки юрган йўлға.
Аҳволи Малик шоҳни кўрубсан охир,
Кўрқ тангридин, берма изза қўнгулға.*

Амир Қозагон рубоийни ўқуб қўрқуб қайтар бўлди. Шайтон вассваса қилдиким, «Малик шоҳни ажалини каромати Шайх ул аъламга ҳамул қилмагил». Яна шайтон йўлиға кириб, шайх сарига йўл олди. Хонақоҳларига етти. Баҳодур кўруб қайгурдиким, «Мани оталаримда амир ун ноисдин ўтуб келди, менинг орзум Амир Қозагон жангидур, анинг ўқ отмоқига бадали йўқтур». Шайх манъ қилдилар. Турагай баҳодур кўб тавалло қилди. Ноилож жавоб бердилар, анга тўрт юз мурид кўшулуб, жангга муқобил бўлуб чиқтилар. Амир Қозагон саф тортти. Ўшал кун қўёш чиқар вақтига етиб эрди, амир Турагай баҳодур тўғрисига келиб ташвишида бўлди. Шайх хонақоҳда намоз ўқуб турур эрдилар, ҳавода булат пайдо бўлуб, осмон юзин олди. Амир Қозагон лапшари баҳодурга қараб тамасхур ила кулди. Шайх ул аъламнинг байроқларин баҳодур бошида ушлаб турур эрдилар. Барчалари яўв, баҳодур узи отлиг эрди. Амир Қозагон байроқи оқ, кийуми қизил, оти қора эрди. Шайх баҳодурга айтиб эрдиларким, майдонда Амир Қозагонни ёлгуз талаб қилгил. Шайхни сўзларига амал қилиб, ўзи борди. Қозагон ҳам ёлгуз келди.

Алқисса, жангда Қозагон ўқи баҳодурни ўнг кўзин ёнидин ўтуб отига тегиб йиқилди, хоҳласаким, бошин кесиб олса сўфилар шайхга хабар бердилар. Шайх ул аълам бурёдин бир тора олиб, ёй каби қилиб, Қозагон сарига оттилар. Бу байтни дедиларким:

*Кишиға берсаким ноҳақ иззойи,
Топар бул қилғондин бад жазойи.
Бирор ноҳақ бирорвга қаҳр этарму—
Анга қаҳр ийлагай қодир худойи.*

Шайх ул аъламни ёйлари хонақоҳ деворидин ўтуб Қозагон шоҳни кўксига андог тегдиким, орқасидин ўтуб кетди. Филҳол ўлуб, йиқилди. Барчалари онда мушоҳада қилдилар. Баёнқулихон

подиох келиб, Шайх ул аъламга уэр айтди. Шайх айдилар, «санга гунох, йўқ». Аммо Амир Турагай баҳодур Тегина бегимни олиб, Шахрисабзага борди. Ушбу йил ҳазрат Сайфиддин Шайх ул аълам дорулғанодин дорулбақоға риҳлат қилдилар. Рухи поклари тан қафасидин учмоқ ёғочларин бутоқина тайрон қилди. Анда Тегина бегимни олти ойлиқ ҳомиласи бор эрди. Ўлмасидин илгари ушбу рубоийни ўқудилар:

*Дунё мисоли уйдур, икки эшик анга бор,
Ул биридин нечалар кирмак эса сазовор.
Хоҳ катта ё кичикдур келса қерак борига,
Бу бирисидин они чиқмоги лозим, эй ёр.*

Юз ўн беш йил умр кўрубдурлар. Аммо Турагай баҳодур Шахрисабзда мунтазир эрдиким, қуёш каби бир ўғул буржи раҳим Тегина бегим моҳдин қачон тулуъ қилгай деб. Шул вақтларда Баёнқулихондин нома Шахрисабз сари амир Турагай баҳодурга келди. Ўқуб кўрди, айтибдурким, лашкари Ўғлон Кошгарни мусаххара қилибдурлар. Ангиз тўғён қилибдур, албатта амир Турагай баҳодур Каркондин қўшун олиб, барвақт Ўғлон лашкарига борсун. Анда хон фармонига ҳаракат қилиб, катта хотуни Қозагон шоҳ қизи эрди, анинг оти Йўқун хоним эрди, Тегина бегим моҳни анга тобшуруб, Кошгар сарига кеттилар.

ЭМДИ АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОННИ ОНАДИН ТУҒУЛМОҚИ ВОҚЕАСИНИ ЭШИТУНГ

Тегина бегим моҳни туғори яқин келган вақтда, Йўқун хоним бир кечаси туш кўрдиким. Тегина бегим моҳ этакидин қуёш тулуъ қилиб, машриқдин Магрибга боруб тамом оламни олди. Андин Ҳиндистон сарига майл қилди. Филҳол уйқудин турди, ақл била тофтиким, Тегина бегим моҳга давлат юз қуйубдур. Аввалдин Йўқун хонимни ўзини кўнглида сақлаб юрган кина ва кудурати бор эрдиким, нечук, анинг отаси Қазогон шоҳ мунинг сабаби ила ўлуб эрди, яна муни рашиқидин бир гинаси юз ҳисса бўлди. Ўрниддин турууб отасидин қолғон бир гуломи, яъни қули бор эрди, оти Мойдун эди, они чақириб аиди: «Эй гулом, мани бир сиррим бордур, сан манга маҳрами роздурсан. Аммо мани сирримни пардасин сен йиртгайсан». Қул аиди: «Ман отангдан қолғон қулман, сани сиррингни фош қилмоқга хоҳишм им». Йўқун хоним аиди: «Тегина бегимни тушумда андог кўрдим, бир таъбирға етук киши бўлса, ушбу тушни сўргил», деб воқеани баён қилди. Қул аиди: «бу юртларда таъбирға етук киши йўқтур, аммо эшитурманким, Самарқанд вилоятида бир мағорода оти Сабулак ота деган киши ҳар қандай мушкул сўз бўлса ҳал қилур эрмиш», дегач, Мойдунни Сабулак ота сарига юборди. Қул Самарқандга келиб анда мағорани тобти, Сабулак ота ўлтуурур,

одамлар атрофларида күбдур. Бир күнү бир түп туруб, воқеани маҳфий баёни қилди. Сабулак ота айди: «Тарихининг ети юз ўтуз бенини бир ўгули сохибқирон вужудга келадур. Гумон қилурман, тулуъни Кавкабининг вақтига қарагонда яқиндуруким, ул ўгулонадин ер юзига түгүлур сохибқирон бүлуб, етти иқлимини олғай, аниң авлоиди саккиз юз йил салтанат сургай». Мойдун Сабулак отадин бул сүзни эшитиб Йүкүн хонимга келиб баёни воқеа таъбирини айди. Анга рашк ўти шуъла урди. Қулига айдиким, «бир ин қилиб, Тегина бегим моҳни ўлдурайлук». Құл Турагай баҳодурдин құрқуб, анда күб маиъ қилди, бүлмади. Охир күрдиким, Йүкүн хонимни газаби келиб, хафа бўлди. Ноилож ўлдумракга ихтиёр қилди. Андин кейин ёғон сўз била бир нома Садр аш шаризъат тилларидан ёздуриб. Тегина бегимга бердурди. Андин кейин Тегина бегим моҳ номанин ўқуб кўрдиким, мазмуни булдурким: «Ман отанг Садр аш шаризъат касал ва бетоб бўлуб ётурман. Сани кўрмоқга иштиёқим кўб ва ҳолатим заифдор. Келсанг кўреам, келмасанг, дийдор қиёматга қолур.» Тегина бегим моҳ муни эшитиб багри кабоб, ҳоли ҳароб бўлуб, югуруб Йўкүн хоним олдига келди. «Маңга Садр аш шаризъат отамдин нома келди», деб шарҳи воқеани баёни қилди. Амир Турагай баҳодур Тегина бегим моҳни анга тобишуруб кетган эрди. Андин рухсат талаб қилди. Тегина бегим моҳни икки чўриси бор эди, иккенин анга йўлдош қилиб. Мойдунни аларга бош қилиб йўлга солиб юборди. Шахрдин алар чиқиб бир күдуқ бошига келдилар. Анда Мойдун құл аввал иккала чурини ўлдуруди. Андин кейин Тегина бегим моҳни ўлдумроқга ҳаракат қилди. Тегина бегим моҳ кўб зори қилиб айди: «Эй бобо, мани ўлдумроқни қандай ҳоҳлаурсан, манда гуноҳ бўлеа, қоримдаги боланинг нима гунохи бор?» Анда Мойдун айди: «Сани шу бола сабабидин ўлдурурман», деб қилични кўтариб солгач, жон ваҳмидин Тегина бегим моҳ ўзини қудуқга ташлади. Иқболи амир Темур ногоҳ ҳавода барқ пайдо бўлуб, яшин келиб қулини кўкракидин уриб, икки бўлак қилди. Тегина бегим моҳни тангри таоло они шарридин омон сақлади. Лекин қудуқни тубидин чиқарга қуввати бўлмади. Андин кейин бир қўйчи келиб, сув олмоқ бўлуб, қудуқга челак бирла арқонин ташлади. Қудук ичра бир маликани кўрди. Ҳайрону саросима бўлуб, Тегина бегим моҳни қудуқдин тортиб олди. Назар қилдиким, бир маликаи даврон, жамоли мисоли хуршиди тобон, қомати сарви хиромон, юзи тўлган ойдек, кўзи чўлиондек, бир нодираи хўбондуруким, андин чўпон сўрди: «Қай элдин бўлурсан?» Тегина бегим моҳ айди: Аймоқийя бўлурман, бизлар шул қудуқ ёқасига келиб эрдук, ман билмасман бўл тарафда эзатларини. Яна ҳийла бирла айди: «бу ўлаган киши эрим бўлур, мунга яшин тегиб ўлубдур, ман қўрқанимдин қудуқга тушуб кеттим». Аммо чўпон нағсиша ҳаҳват тақозосин қилди. Анда Тегина бегим моҳ тангри таоло даргоҳига иона қила берди. Ногоҳ араб янглиг бир киши келиб, воқеаларни эшитиб билди. Қўйчига ваҳшит қилди, айди: «Ой малика, мани амир Чоку дерлар, буя одам мани қўйчимдур. Әмди мани уйимга боргил, мани қизимдек бўл, ман сани болаларим каби тарбият қиласай. Андин кейин,

ўз элларингга борурсан» деб уйига бирла олиб бориб, хотунига тобшурди. Үшал вақт Тегина бегим моҳни вазиъи ҳамали етиб, чаҳоршашба кечаси, шаъбонининг йигирма бешида, сичқон йилида, тариххинги етти юз ўтуз бешида толеъи саратони шамсда жадийни аввал дараҷасида, далвни йигирма тўққуз дараҷасида эрди, иккала қирон. Үзгалар бу воқеани шарҳи шул бўлур дерким, қай вақт ҳар етти кавкаб толеъи саратонда жадий буржинда маъитда бўлса қирон бўлурлар. Шундай вақтга ўгул вужудга келса, толеъи масъуд ўлур. Шул соатда тангри таборак ва таоло оламни яратибдур. Ҳар фарзанд шул соатда таваллуд бўлса, онинг толеъи охир умригача доимо иқболи масъуддур.

Айтибдурларким, уч ўғил шу соатда туғилди. Аввал Искандар Зулқарнайн ҳазратлари афаидимиз, иккинчи Мұхаммад расул акром саллоллоҳу алайҳи васаллам саййидимиз, учинчи Амир Темур Қўрагон хонимиз ва бегимиздур, дерларким, таваллуди Искандардин таваллуди расул алайхис саломгача саккиз юз йил, таваллуди Мұхаммад алайхис саломдин таваллуди Амир Темургача саккиз юз йил. Ҳар саккиз юз йилда кавокиб жадий дараҷасида бўлгантурлар. Аммо Соҳибқирон Амир Темурии оналари Тегина бегим моҳ дерларким, таваллуд маҳаллида заҳмат ва машакқат сира кўрмадим ўзга хотунлардек.

Б айт

*Фариудун, Қайхисрав номлиғ,
Манучеҳр, Искандар комлиғ
Чу мавлуди Искандару ҳам расул,
Жаҳонга келиб топти анжомлиғ.*

ДОСТОН:ЕТТИ ҲАКИМ ЕТТИ ИҚЛИМДИН ЭЛЧИ БЎЛУБ
КЕЛУР АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН ҚАТЛИ УЧУН.
АНИНГ БЛЕНИДА

Эмди ҳазрат Жалол ул ҳидоят камоли самадийят ила ҳоҳлабдурким, камоли қудрат бирла, мабдаи фитрат бирла кавкаб толеъ соҳибқиронни авжи ирважи афлокка иқбол ва комронлигини жилвагар қиласай. Аввал тангнойи музояқа паришонлигда. Ҳобут бесомонлигда қолиб, куб-куб меҳнат ва кулфатдин сўнгра камолот баройи бўлуб, бора-бора давлат иқболига юз қўйгай: «Яфъалулоҳу мояшава ва яахкуму мо йўр ид»¹. Үшбу маколани маъниси: ахволи Соҳибқирон неча кунлар умри паришонлиқ ила ўтуб, қачон ихтиёр жиловини иқтидор тутамига олгай. Аммо Амир Темур таваллуд бўлгандин кейин Амир Чоку анинг тарбиятига муқаййид бўлди. Үшал йил Соҳибқиронни умри олти ойга етар-етмас иқболини қўёши рабъул маскунига таъсир қилиб, ҳар гўшада овозан ва ҳар шаҳрда ҳангомаи беадада бўлаберди. Үшал вақт Рўм мамлакатида

¹ Оллоҳ шимани ҳоҳласа ўз продаси билан шунни ҳукм қиласди.— Үшбу ва бундан кейинги барча оявларни Ашвар Турсын ўғиреан.

Усмонхон Гозийнинг набираси Елдирим султони Боязид Рўм халифаси эди. Улар насли ёғосдиндур.

Алқисса, күнлардан бир кун султони санжари мозий Рўм мамлакатларин Ол Салжуқийдин олиб эрди, ул мамлакат бекларига хитоб айлаб шархи Нубуввийни ошкора қилиб эрди. «Сабҳат ул ахбор» китобида дерларким, шаҳри Рўм салтанати Усмон Гозий наслидиндур. Рўм беклари Турон бекларига наасабда яқин бўлур. Иккаласи Ёғас иби Нуҳ алайҳис салом авлодидиндур. Аммо султони Рўм етмини шаҳрни Фарангистондин тасаххира қилиб олиб эрди. Оталаридин зиёда ишларни кўрсатур эрдиким, етти иқлим салотинлари аниг қиличи зарбидин қўрқуб ларзада эрдилар. Айтур эрдиким, «халифат ул муслиҳиндорман». Нечунким, Макка ва Мадина манбаъи исломдур, филҳақиқат, султони Рўм султони исломдур. Бир кун Қайсари Рўм овга чиқиб эрди, кўрдиким, бир төг багрида гори бордур. Сўрдиким, бу қандай гор? Айдилар. «Искандар туғилган ердурким, амир, султонлар бу мақомни зиёрат қилурлар». Қайсари Рўм кириб заёрат қилгоч, бир лавҳани кўрди. Ҳукамои Рўм лавҳани ўқидилар, мазмуни шул эрдиким, Искандар Зулқарнайн таваллудидин саккиз юз йил ўтгаидин кейин расул акрам саллалоҳу алайҳи вассалом таваллуд бўлурларидин саккиз юз йиандин кейин шахсе таваллуд бўлгайким, ер юзини ва кун кўзини олтгай, салотинларни забуни қилгай, бу ёзилган Аристотолис деган ҳакимни хатидур. Қайсари Рўм аиди: «ушбу соҳибқирон мандурман, чунки кўб-кўб юртлар ва мамлакатлар мани қўлумда мусаххира бўлубдур. Анда Абулмуғоҳир отлиг ҳаким Қайсарни хизматида эрди, султони Рўм анга қараб аиди: Эй ҳакими замон, сан бу сўзга нима дейурсан?» Абулмуғоҳир аиди: «ман ҳикмат китобларида кўрдимким, шу бу йил Мовароунахрда бир ўгул тугулминидур, они Искандари сопиј дерлар, Вилояти Рўм онинг таҳти ихтиёрида бўлур. Қайсари Рўм анга асир бўлгай». Султони Рўм бу сўзни ўшитиб, Баёнқулихонга нома ёздури. Абулмуғоҳирни элчи қилиб юборди, айдиким, албатта, албатта, ўшал бачани ҳалок қилгай. Андин кўб-кўб тухфаларни хизмати хонга келтуруб, элчи арз қилди.

Аммо айтибдурларким, етти ўлка яъни барча ақолимда уч мусулмон, тўрт коғир подиҳоҳлардин бор эрди. Иккинчи Дишишод хотун Багдод шарифда малика эрди, вақтиким, Абу Сайдхон Ҳолоку наслидин эрдиким, барҳам тониб, ҳеч киши Ҳолоку наслидин қолмаб эрди. Аммо Дишишод хотун салтанат таҳтида ўзи ўлтуруб эри бирла ўғли онинг фармонида эрдилар. Ҷақимний ҳакимга андин бир ҳикмат китоби қолғондур, ҳоло машҳурдур. Ўз еридин интиқол қилиб, Багдод юртина келди. Аммо Дишишод хотун қасре бино қилғон эрдиким, ҳеч кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган эрди. Ҷақимнийни ул қасрида ўлтуруб талаб қилди, ҳаким бормади. Айдиким, «бориб маликага деңгким, тезлик била қасридин ўзин олсун, йигилиб кетадур». Малика қабул қилмади, айдиким, бу кўр ҳафт жўшидин, яъни филиззотдин буйёд бўлғондур. Вақти ярим кемчада уз қаср йиқилиб, Дишишод хотунига тушуб, минг машаққат ила чиқиб, Ҷақимнийдин сўрди. Бу

айдиким, Мовароуннахрда бу кечада бир ўгул тугилмишдур, ул соҳибқирон бўлур, қасри толеъимиз анда бунёд бўлгандур. Мезон уйи шамолдур, анинг иқболидин бу қаср йиқилибдур. Дилипод хотуни бу сирни кайфиятидин сўрди. Ҳаким айди: «Эй малика, ул ўгул санга мусаллат бўлгай, юртингни қўлингдин олгай». Анда Дилипод хотун ҳакимни элчи қилиб Бухорога, Баёнқулихон олдига юборди, албатта, ул бачани ҳалок қилгайлар. Учунчи шоҳ Шужоъ отасин кўзига мил тортиб, подшоҳ бўлди. Бир кечаси туши кўрдиким, кўқдин қуёш Мовароуннахрга тушиб. Ҳукамолардин сўрди. Бир ҳаким айди: Мовароуннахрда соҳибқирон тугулуб, хуруж қилгай. Шоҳ Шужоъ ўшал ҳакимни элчи қилиб Бухори шарифга юборди. Тўртичи Ҳиндистон беги ва подпоҳи Малик Раъио Баалхон Ҳиндистон мамлакатларин барчасига султон эрди. Амир Соҳибқирон таваллуд бўлғонин эшитиб ҳакимлардин бирини элчи қилиб юборди. Ўшал болани ҳалок қилмоқ учун. Бешинчи Фаранг подшоҳидин элчи келди. Олтичи Хитой подшоҳидин элчи келди. Еттинчи Тотару Ўрусдин ҳам элчилар келиб барчаси аҳли ҳукамодин эрдилар. Лекин мусулмон элчилар товариҳ китобларда ёзилгандурлар, валло коғир элчилар ёзилмагандур.

Аммо Баёнқулихонга хабар еткуздиларким, етти қирондин ети элчи келибдур. Ҳон буюрдиким, «Бухорога зийнат беринглар, элчиларга яхши жойдин ўрин кўрсатинглар». Анда элчилар айдилар: «бизларга руҳсат берсунлар, бизларда таваққуф қилмоқ йўқ». Анда Баёнқулихон элчиларга айди: «фалон кун», деб бир ерга кўриниш мұқаррар қилди. Жаноб Мавлоно Бурхониддин соҳиб ҳидоятни Самарқанддин чақиртуруб олиб келди. Мусулмондин келган уч элчи ўиг тарафида бўлдилар. Коғирдин келган тўрт элчи чаб тарафида бўлдилар.

Соҳиб ҳидоят айдилар: Рўм элчиси мұқаддам ўлтуресун, андин кейин Ироқ элчиси ўлтуресун, андин кейин Ҳурсон элчиси ўлтуресун. Яна коғирлар элчисига ўзига лойиқ ўрунда қарор бердилар. Аввал номасин Рўм элчиси берди. Ўқуб кўрсалар, нома мазмунни буким, «ҳамд ўшандог тангри таборак ва таологадур, ёни мутаббақ, кўкни муаллақ тираксиз ва танобесиз яратибдур. Ою кун ва юлдузлар бирла анга зийнат беридур. Яна дуруд анингдек шафоатхўнимиз расул акром саллаллоҳу алайҳи вассаломта бўлсун, андин кейин дуомиз Мовароуннахр султонига бўлсунким, вилоятнингизда бир ўгул вужудга шу бу йилда келмини. Ҳукамоларимиз Искандари Соний отарлар, тамоми ер юзин ва кун кўзин олиб, салотинлар анга асир ўлмишлар. Албатта ўшул ўгулини барҳам бўлмоқига ҳаракат қилурсиз, зиёда ассалом». Етти элчи барчасин номаси уибу мазмунда эрди. Андин кейин Баёнқулихон Соҳиб ҳидоятга қаради. Соҳиб ҳидоят айдилар: Ҳудой аззи жаллнинг тақдирин зўр бирла табдил қилиб бўлмас. Анда Сироҷ Қамарий отлиг хоннинг вазири бор эди, ҳон анга кенгаш қилди. Ул айди: шариатда қавли ҳукамо манъ қилибдур, аммо арбоб қавлида қиласа бўлур, нечук, ҳукамо сатъ қилибдурлар, дегач ҳон ўлдумоққа ризо берди. Соҳиб ҳидоят айдилар: «тангрим ҳоҳламаса бир мўйинни йўқ қилиб бўлмас», деб Самарқандга

кеттилар. Баёнқулихон ҳукамоларга айди: Сизлар болани қайдин билурсизлар? Элчилар айди: эй хоним, сиз ушбу йил тугулғон үгүл болани бизни назаримиздин ўтқуэурсиз, бизлар они құръа бирла топиб олурмиз. Хон амр қиадиким, ҳукамолар масжиди жомеъга келесуплар, юртга жарчи қўйликим, ушбу йил тугулғон үгүл булса, ота-онаси келтуруб, бир мунча оатуи олиб кетаверсун. Бир ойча ҳар ерда гўдак бола бўлса келтурдилар. Элчилар кўруб, яна ота-онасиға тобшуур эрдилар. Шаҳри Бухорода янги тугилган бола қоамади. Андин кейин хон Сирој Қамарийни элчиларга йўлдош килиб атрофдаги кентларни ахтардилар. Миёнкол, Самарқанд, Ҳўжанд, Ҳисор ва Шахрисабзга келдилар. Турагай баҳодур аларни зиёфат килиди. Андин Қаршига ва Занжир Сара барлоғга келдилар. Анда амир Чоку аларни зиёфат килиди. Аммо Амир Темур оати ойлик, амир Чокуни уйида эрди. Элчилар уз боланинг нишонин амир Чокуга айдилар. Амир айди: эртага болаларимизни назарингизга келтурурман. Амир Чоку келиб воқеани хотунларига айди. Тегина бегим моҳ эшиитиб билди. «Нишони аломат менинг ўғлумдалур», деб ҳайрону саросима бўлуб эрди. Ярим кечада туш курди. Тунида ҳазрат Шайх уз аъламни кўрди. Шайх ул аълам айдилар: «Бухорога келгил, мани қабрим ичиди тургул, тақини ҳудои таолога қилиб, яратганга сигингил. Бу ўғлунга қазои муаллақ юзланибдур». Тегина бегим моҳ иоилож ушал туи ярим кечада туруб, боласини қучогига олиб, Бухоро тарафига йўнадилар. Каромати Шайх уз аълам: тоиг отқуича Бухорога стиб, мозори Файз Осорга кириб, ўглини бир сандуққа ишиҳон қилиб, беркитти. Аммо эрта бирлан ҳукамолар Амир Чокудин сўрсалар Тегина бегим моҳ ўглини олиб қочибдур. Элчилар айди: «Нима учун мундай қилдинг?» Амир Чоку айди: «бу заифа неча кунидин бери меҳмон эрди. Ман билмадим, ўглини қаёни олиб кетибдур». Ҳукамолар құръа солиб, тобтиларким, Бухорога қочиб кетибдур. Орқасидин элчилар тезаизик бирлан Бухорога келиб хонга арз қилдилар. Баёнқулихон юртга жарчи қўйуб ҳар ким ушбу сифатдаги болани сақласа боши ўлумда, моли толонда. Андин кейин Мозори Шайх ул аъламга келиб, болани тонтидар. Гунбазни атрофини олдилар. Тегина бегим моҳ золимлардин қўрқуб, боласин қучоқга олиб йиглар эрди: «Замон-замон,— айтар эрди,— валлалло, бу бачаи бегуноҳни илқидин тутуинг». Баёнқулихон хабар топиб келиб, Мозори Шайх ул аъламни зиёрат қилди. Элчилар айдилар: бу бачани ўзул ерда ўлдурурмиз. Анда Тегина бегимга айдилар: «сандуқни бизаарга келтур. Санга ишимиз йўқ». Бегим моҳ кўб зори қилиб, келтурмади. Аввал Ҳурросон элчиси болани олдига, Мозори шарифга кирди. Тегина бегим моҳ мунин кўруб нола қилиб Қутобуа Қатобдин истиъонот тилаб, олло таолога зори қилиб айди: «Эй яратган танггрим, мазлумларни додига етгил, муножжотимни кабул этгиз!», деб йиглар эрди. Анда элчи сандуқга яқин келиб эрди. Ногоҳ муборак кабр ичкарисидин кўтарған гойибдин бир қўл чиқиб, ҳакимин бўйнига уруб, калласи олма каби беиш қадам нарига юматлануб тушти. Шул сабабдин аввал Ҳурросон мусаххира бўлур. Иккинчи Ироқ элчиси келди, қабрдин ярголу қўл чиқиб, валиасин

қалам қилди. Ул ҳам ҳалок бүлди. Кейин Ирок мусаххира бүлур. Үчүнчи Ҳруе әлчиси келди, ул ҳам үәли. Түртнчи фаранг әлчиси келди, ул ҳам қалласи узуулуб үлди. Бешинчи Ҳиндистон әлчиси фарантни таъна қилиб, ул ҳам үлуб қолди. Озтинчи Рўм әлчиси ишоятда гайратда булюб қадам қўйуб эри, гойибдин яргоду қўл чиқиб андог урдиким, дархоз ҳалок бүлди. Дерларким, ҳар эдчи келди, ҳалок бүлди, бирин-бирин мамлакатлари мусаххира бүлур. Эттинчи Хитой әлчиси айди: ман ҳам кирсам албатта ҳалок бүлурман, эди эй муслимлар, агарчи ман коғир бўлсанм ҳам, билурманким, авалиён оало қабрларида фариншта бүлур. Бу яргоду қўл аларни қўлидур. Мунда ит бирла кирса фариншалар қочар эри. Буюрдиларким, ит келтурунглар, андин кейин ит келтурди лар. Эдчи кучук бирла кириб, қабри шарифдин Тегина Бегим моҳни ўғли бирла олиб чиқти. Анда қўёш амири оғоқ сандуқина беркинди. Мухолиф юлдузлари кўк сафҳасида жилва қила бошлади, яъни кун кеч бўлуб қоронғу бүлди. Ҳаким айди: ҳоло бу болани олиб ўлдуурман. Ҳон айди: «Сабр қил, тонгла бўлсан. барча кўрсунлар. Аммо шу кечча Баёнқулихон Мозори Шайх уз атъламда эри, тушида кўрди, айцилар, «биз сани подачи мартабасидин сultoniga etkurdyuk. Бул бечора бул ерга сигиниб келса, куффорлар сўзига амал қилиб, бегуноҳ болани ўадурмокга ҳаракат қиалурсан. Муни Амир Чоку олдига Занжир Сарага юборгил». Дархоз ўрнидан туруб, Тегина бегим моҳни хон ўғли бирла, либоси инҳоҳона бериб, Занжир Сарага юборди. Бутаъчи ҳам муддаосига етмай ҳалок бүлди. Бу иншар Амир Темур иқболидур.

Байт:

Чирогини ки тангрим ёндуруубдур.
Ани ким пуф деюб риши куъубдур.

Аммо ровийлар андог ривоят қилурларким, Амир Соҳибқирон уп икки ёшга келди. Амир Чоку уйида эри. Амир Чоку ҳалқга айтур эрдиким, бу болса гуломзодамдин, деб. Ҳоз болаларидек яхни куур эри. Аммо ровий дерким, амир Чоку мундин итари Қарнига ҳоким эри. Баёнқулихон мунин бекор қилиб. Амир Мусо Жалойирни ҳоким қилиб эри. Аммо Тегина бегим моҳ уп икки йил Амир Чокуни уйида бўлуб куб куб тоат қилиб, мустажоб уд даъва бўлуб ҳар касал ва нуқсон бўлса келтуур эрдилар, дуо қилса, шафоат берарди. Амир Чоку Тегина бегим моҳга ихлоси зиёда бўлуб, анга жойи хос қилиб берган эри. Анда мангу тоат қилиб улатурур эри Амир Чоку барлоҳса давлатманд эри. Куб-куб моли ва кирк қули бор эди. Инъом, товар ва улоглари қуб эри. Уларга кирк қул бир улуг қовгада қудуқдин сув тортиб берар эрдилар. Йонга занжирга боййлуқ эри. Шул сабабдин: ўшал ерни Занжир Сара атарлар. Аммо Амир Темур Мирзо Сайфиддин Амир Чоку ўғли бирла ов овлаб юрур эри. Ҳануз Амир Чоку билмас эрдиким, бу Амир Турагай баҳодур ўғли эканин. Тегина бегим моҳ ҳам айтгани

йүк эрди. Аммо Амир Чокуга Амир Турагай яқин хенш эрди. Аксар Амир Темур болалар бирла ўйнаб юреа ўзи амир бўлуб, ўзга болаларни вазир навкар қилур эрди. Бирор айди: «Або Муслим қассобни сихлик қанорасин бир бармоги-ла отиб юборибдур, китобда кўрдум», деб. Амир Темур айди: бу саҳал мартабадур, ман ҳам кўтарурман. Анда қассоб қанорасин келтурдилар, бир бармоқ бирла отиб ташлади. Андин кейин яна бир жойда қўанини юклик ароба остига қўйуб кўтариб ташлаган эрди. бу воқсанни Амир Чоку эшитиб ҳайрон бўлди. Айдиким, «бу ўгул магар Жаҳонгирдур».

Амир Темурни тўрт кирдорини китобга ёзғонлар, нечукким, аввал бир қули бирла тўла юклик аробани остиди кўтаргон, иккичи, аждар бошини тишни бирла тишлаб олиб ташлаган. Учунчи, қирқ киши тортадурган қовгаю ёлгиз ўзи тортиб олган. Тўртунчи, кўтур ўйуз бўлуб, етти йилгача сира ўзин қашумаган эрди.

Алқисса, бир кун қирқ қул қудуқдин сув тортиб эрди. Мирзо Сайфиддин айди: «бир киши бўлса, қудуқдин ёлгуз ўзи ушбу қовгада сув олса?!» Амир Темур айди: «Бордур». Анда мирзо кула берди. Амир Темурни гайрати келиб қудук узра бориб, занжирини ушлаб тортиб, ёлгиз ўзи қовгада сув олиб, одамларга берди. Неча бор олиб, охурга қуя берди. Мирзо Сайфиддин айди: «Эй қариндош, мани ўзингга вазир қиласан». Амир Темур айди: «ман подшоҳ эмасман, сани вазир қиласам». Мирзо айди: «ният қилиб эрдим, агар қариндошим қудуқдин қовгани тортиб олса, подшоҳ бўлур деб, нијатим тузук келди». Амир Темур ажд қилдиким, «ман подшоҳ бўлсам, сани вазир қилурман», деб. Ўшал кунда қирқ қовга сув олди. Барча одамлар мамнун бўлди. Бу ишни амир Чоку барча қабиласи бирла эшиттилар.

ЭМДИ СЎЗНИ ТУРАГАЙ БАҲОДУРДИН ЭШИТМАК КЕРАК

Баёнқулихон Конигарга юбориб, анда туруб, кейин Бухорога келиб, Баёнқулихонга кўрунуш қилди. Андин кейин, Тегина бегим моҳ иштиёқида Шахрисабзга борди. Йўқун хотун телва, жинни бўлуб ва ҳам сўқур бўлубдур. Тегина бегим моҳ ани қаргаб эрди. дуои бадга гирифтор бўлуб ўлтурубдур. Тегина бегим моҳдин асар тоимади. Турагай баҳодур сўрди, айдилар: «Тегина бегим моҳ отасин олдига Бухорога кетиб эрди». Баҳодур айди: «Ман Бухородин келдим, Садр аш шаърият ҳарчанд тараддул қилиб, хабарин тобмабдурлар.»

Шул ўртада ўп икки йил ўтти. Баҳодур тоғоямай, йиглар эрди. Бир кечада тушнида Шайх ул аъзамни кўрди. Айдилар, «Эй Турагай баҳодур, хабаринг йўқ, ўглуинг ўп икки ёшга келубдур, сан бу юртда нима иш қиласан?» Анда баҳодур уйқудин турди. Лекин Йўқун хонимни телваличи зиёда булуб эрди. Аммо барлоёда Тегина бегим моҳни валиятлики ва доъиятилики ва ўғлини донг-овоозаси шуҳрат бўлуб, ани амир Турагай баҳодур эшитиб эрди. Андин кейин Йўқун

хоним бирла совгот ва түхфалар олиб Занжир Сара жонибга йүнадилар. Начаң кун йүл йүруб. Занжир Сара мавзиъида қудук ёқасига келдилар. Ҳаво күб иссиг эрди. Анда Амир Темур қирқ қовға сув олиб, ҳориб чарчаб уйқуга бориб эрди. Ногох, бир аждар-илон келиб амир Темурни күкракига чиқиб, хоҳласаким, зарб еткурса. Турагай баҳодур күрдики, илон анга заҳмат уруб, чақгудек, күрган замон оталиқ муҳаббати жүнгі қелип ҳайрон бұлуб, не мадад қыларин билмай туруб эрди. Амир Темур күзин очиб күреа, күксіда бир аждар-илон турур. Филхол илонни калласин гарча тишлаб ташлади. Бу мамынұат жумласидин биридур. Бу ишни киши қылмабдур.

Б айт :

*Тиши бирла тишлаб, илонни күруб,
Ұзуб ташлади бошини сұғуруб.
Отаси күруб үғлани шиларин,
Қилиб меҳр анга бошидин ұргулуб.*

Алқисса. Турагай баҳодур бу жиҳатдии таҳсии ва таажқубда қолиб, атроғидин айланаверди. Айди: «Эй үгул, отанг ким?» Бу айди: «амир Чоку үглидурман». Баҳодур айди: «амир Чокуни манға үйини күрсатғил». Амир Темур Турагай баҳодурни амир Чокуни қөвлисига келтуруб, амир Чокуга айди: «бир меҳмон келибдүр». Анда баҳодурни күруб, иков құчоглашуб күриштилар. Зиёфат қилди, андин кейин баҳодур айди: «бу гулом бачадин бу кун таажжұб ишларни күрдім». Амир Чоку айди: «бу мани қулум эмас, мүни онаси мани синглім хонимдур, мастура ва форсо эрур, мустажоб уд даъва бұлубдур». Амир Турагай баҳодур айди: «ман түшүмдә бир сир күрдім, шул заифадин ушбу сирни сұрсам». Амир Чоку айди: «Хұб бұлур». Андин кейин парда тортиб, Тегина бегим моҳни келтурдилар. Филхол әрини күруб, Тегина бегим моҳтануди, үзини мағфий сақлади.

Амир Турагай түшида күрган воқеасин сұрди. Тегина бегим моҳ айди: «худои аззи жалл Сизға бир үгүл берибдүр, оламни ҳаммасиға султон бұлур». Баҳодур айди: «мани сира үглум йүқдур. Йүқун хотунум бұлса телва яна сұқур, неча йилдин бери мундин үзға хотунум йүқ». Тегина бегим моҳ айди: «Бир яхши үгүл бор, Сизни хабарингиз йүқ». Яна айди: «Йүқун хонимни келтурунғ, ман дуо қилас, иншооппох, таоло шифо бергай». Йүқун хонимни келтурдилар. Тегина бегим моҳ айди: «Эй Йүқун хоним, худои таоло санға шифо бергай, қылган ишларингни чининг бирла айтурсан». Анда Йүқун хоним иойлож қылғон ишларин айта берди: «Ишпим шулки, Тегина бегим моҳни Майдун құлға буюруб үлдүрууб юбордым», деғач, баҳодур құлида шамширииң күтариб Йүқун хонимға солмок бұлди. «Құлингни торт, ман Тегина бегим моҳдурман, бу түргон бола Сизға үгүл бұлур», деди. Амир Турагай туруб үғлани бүйнини қучиб йиғлай берди. Андин кейин, Тегина бегим моҳ дуо қилас, Йүқун хоним шифо топти. Неча кун Амир

Чоқуни ҳовлисіда бұлдилар. Аndin кейин, аларға видоғы қилиб, Шахрисабзға йўл солиб, ҳаммалар шаҳрга доҳил бўлдилар.

БУ ДОСТОНДА РИЖОЛ УЛ ГОЙИБНИ АМИР ТЕМУРГА КЎБ-КЎБ ИЛТИФОТ ҚИЛГОНЛАРИН БАЕНИ

«Қолаллоҳу таоло йухриж ул ҳайя минал майит ва ўххуж
ул майита минал ҳайи.»¹ Ялинмоқ ва ёлбормоқ ва ўқуимоқ худойи
аззи жаллга бўлсунким, қора ерга уланлар бериб, кўкариб ва қуруқ
йигочларга яфроглар бериб, лиbosлар кийдуруб хабототдин
наботот пайдо бўлуб, вақти келиб ранго-ранг гуллар ва чечаклар
очилиб, андин турлу-турлу еминилар ўлубдур. Ҳазрат Шайх Саъдий
раҳматуллоҳ алайҳа форсий тилинда дерларким,

Байт:

*Барги дараҳтон сабз дар назари ҳушёр,
Ҳар варақ дафтариш маърифати кирдиқор.*

ЭМДИ КЕЛДҮК БУ МАҚОЛАҒА: АҲВОЛИ СОҲИБҚИРОНГА

Аммо Турагай баҳодур Амир Темурни Шахрисабзға олиб
келди. Соҳибқирон умри ўн иккидин ошуб, туғилғон ёши атрок
хисобларида сичқон йил доҳил бўлуб, наврӯз, йил боши, кўклам
бўлубдур.

Эмди ҳазрат Амир Темурни давлат анқариби очқуси қўлға
қандай келадур, қандай мамлакатларни уҳда қиласадур. Ровий
айтурким, Амир Соҳибқиронга жаҳонбонлигни осори тез оид
булаберди, доим мақсадин қуши юқори парвоз қиласадур. То
сарҳадига етгунча ушиқ болаларни ўртасида салтанат русумин
қилур эрди. Ҳар бачага бир мансабни муқаррар қилиб, ўзи амир
бўлуб, ўзгаларни вазир, бакавул, яна ҳар ерга қоравул қилиб.
аларга синоҳлиқ илмини ўргатур эрди. Одамлар анга узоқ-яқиндин
тамошо қилур эрдилар, ҳар кун ушибу одатда лаъбат илиа ўйнап эрди.
Бир кун бир оқсан қари киши айди: «агар амир бўлсанг жаҳонни
уҳдасидин чиқармусан?» Амир Соҳибқирон айди: «Эй бобо, шул
қадар химматим қуши баланд парвоз қилғондурким, агар рубъи
маскун тахти тасаррүфимга келса, бир каф туфроқ қаби эмасдур».
Бобо айди.

Назм

*Ҳар нарса талабдадур, топарсан,
Мақсадинг иморатин ёпарсан.*

¹ Оллоҳ таоло айтди: ўликдан тирик чиқарди ва тириқдан ўлик чиқарди.

Эй ўгул, не ҳаваедасан, зинхор маюс бўлмагил. Яқиндурким, мақрунни ижобатда эрурсан. Филҳол, ўшал оқеоқол киши гойиб бўлди. Соҳибқирон мулҳам-болҳам бўлуб, айди: «бул киши аҳлалодин бўлур, умиди қарам ҳудодин. Ҳар нимарса дебдур мани ҳаққимга ижобатдур». Яна болалар ўйнаб бирини гунаҳкор қилиб, Амир Темурни олдиға келтурди. Буюрдиким, бу бола гуноҳкор бўлубдур, подшоҳлар каби ани жазога ижозат берди. Филҳол Соҳибқиронни нафасин таъсири бирла ушоқ болалар они йигочга остилар. Ўшал ҳолда бу бола жон берди. Ушоқ болалар ҳар тарафга қоча бошладилар. Соҳибқирон ўзи ёлғиз ҳайрон бўлуб қолди. Аммо гайрат қочарға ёри бермади. Андишада ўйлаб, амир Турагай ҳисорига борди.

Ўшал вақт шайх Ҳасан Қулоқ ҳаёт әрдилар. Минбарда муридларига ватъз айтур әрдилар, дедиларким, «ер юзин шоҳин муноҳада қилинглар тонгла кун чиқмасдин илгари Турагай йўлига мунтазир бўлунглар». Эртаси барча муридлар йўл узра бориб, кўз тутуб турдилар. Қўрдиларким, бир ўгул бола келур, асари жаҳонбонлиғ манглайида хувайдодур. Мундин ўзга кишини курмадилар. Барчалари анда тавоф қилдилар. Соҳибқирон танудиким, минбар узра ватъз айтиб турган киши вақтики ўйнаб юрган кезида назар қилғон шайх туурлар. Соҳибқирон минбарни қуий поясига келиб ўлтурди. Шайх айдилар, «бу кун бизларни сухбатимизга келған нимарсани дунё ва охирати маъмур: ер юзин анга таңгрим бергандур». Соҳибқирон хотирида айди: «ман шундай кишидурким, қайгу ҳасратда қолгон, гамзода, бекасдурман». Шайх бу сирдин огоҳ бўлуб, ватъз узра ҳазрат Одамдин нақл қилибдурлар: Одам алайхис саломни ҳалиқ қилурида ҳар қайси нимарса «мандин» деб ноз қилдилар. Аммо ер ўзин заиф кўруб сукутда бўлуб, давлати узмо анга муниссан бўлди. Анда Амир Темур шайхга қўл бериб, мурид бўлди. Соҳибқирон Искандари Соний айтур әрдиким, «аввал кунларимда етмиш шири комилга қўл бердим. Етмиш мартаба ўлимдин нажот тоитим, етмиш денгиздин гаввос каби сузуб ўттим. Ҳаргиз шароб-чагир ичканим йўқ ва намоз тарик қилғоним йўқ».

Алқисса, шири комил ой каби хирқаи пурнур билга мано бир хутбасида «Ихри жуҳм миназзалимоти шалнур»¹ ўқуб Соҳибқиронни ўзларига яқин қилди. Муридларига рухсат бериб, айдилар: «келиғил, манга йўлдош ва рафиқ бўлгил», деб андин Соҳибқирон ила бир булоқ ёқасина келдилар. Анда бир гунбази туур, сира кўрмаган. Шайх амирни қўйуб, гунбазга кирдилар. Ногоҳ бир киши пайдо бўлуб — анга бир йигит рафиқ эрди — ани ташқари қўйуб, ўзи гунбаз ичра дохил бўлди. Яна бир киши келди. Ёнида бир ўгул йўлдошдур. Бул ҳам йўлдошни қўйуб, ўзи гунбазга кириб гойиб бўлди. Аммо ул иккала йигит кийум ва либослари ўзгадур, тилларин киши англайтас, алар Соҳибқиронга таажҷуб қилдилар. Лекин учовлари бир бирларин тилларин билолмас. Ногоҳ ҳалиги гунбаз энпикин очиб бир сўфий, яшил кийумли киши чиқиб, бу

¹ Уларни зулматлардан нурга чиқарди.

учовуни ўртасида мухаййир бўлуб туруб, муборак оғизларидин сув олиб, буларни оғзига томуздишар. Аида бир-бирларин тизларин англамоқ осон бўлди. Бири айди, «ман Магриб бекин ўтандурман, сайд узра ов қилиб юрур эрдим, бир қуш олиб қочиб бул ерга келтурди. Отим Султон Мухаммадур». Яна бири айди: «Ман Яман бекбачасидурман, ҳажк тавғига борур эрдим, мани ҳам бир қуш келтуруб бул ерга қўйди. Отим султон Зуннунидур. »

Булар сўфидин сўрдиларким, «бу сирни воқеаси нимадур». Ул кини айди: «бу ер рижол ул гойиб, яъни гойиб эронлар ўрунлари дур. Дунё мадори алар била. Агар хоҳласалар подиоҳлик тахти иззатидин ани маззалат туфроқига тортадурлар ва агар хоҳласалар ерли ва гадони хорлиг туфроғидин олиб, шаҳриёргиг авжига еткуурлар. Барча иш худойи таоло тақдири ила бўлур, ҳар кишига афъолига ярана ёри берилур, хусусан, ушбу йил тақдири азал кетибдур, бир подиоҳи ишлари юзланадурким, тамоми шаҳар, ўлка яъни иқтим ва кинивар анга мусаххира бўлтай. Рижол ул гойиб анииг тарбиятига маъмур бўлубдурларким, анииг ишида тараққий пайдо бўладур, давлати мадорага келиб авлодигача саккиз юз йил амирлик ва беклиқ маснадида ўлтургайлар. Бу суздин хулоса шулки, рижол ул гойиб қайси қул давлатга лойиқ бўлеа, анга тарбият қилурлар. Сизларни икки қуш келтурубдурлар. Рижол ул гойибдин булар. Холо сизлар ҳам ушбу сұхбатга дохил бўлурсизлар. Сизга назари марҳамат айлагайлар. Зинҳор ишларингизни билиб қилурсиз. Савол қиласа, сўзни билиб дерсиз. Имтиҳон қилурлар. Бу уч кини ифтиъол ва атворидин. Кимни хоҳласангиз салтанат либосин кийурсиз. Амирзодаи Яман айди: «бу давлат маникидур, нечунким, илмга етук кини бўлурман, ҳар илмдин хабарим бордур». Бек бачаи Магриб айди: «имвари илмда бўлеа, давлат мани қўлимга теккай, куб-кўб ҳикмат билурман, хоҳини давлат манга юзлангай». Амир Темур сукутда бўлди. Ул сўфий айди, эй турк бача, сан сўзламадинг? Соҳибқирон айди: «ҳарчанд узимга назар қилурман, эй сўфим, манда қобилият йўқтурким, рижол ул гойиб хизматига борсам». Амир Соҳибқиронга айди: «сандин аҳлалло исем ва қуқулари келур».

Алқисса, учовлон тўрани тақлиф қиади. Ичкарига дохил бўлуб, кўрдиларким, ана базм: барча еогари муҳаббат ила саршор бўлубдурлар. Аида иккала амирзодани подиоҳлик узвонига келтурдилар. Яман бекбачаси айди: ман юқори ўлтургайман. Султон Мухаммад айди: ман юқори ўлтурурман. Аммо Соҳибқирон ҳеч нима демади. Охир ходим бирини ўнг тарафга, бирини чаб тарафга ўрин берди. Қутб маликлар дастурида ўлтуруб, рижол ул гойиб умаро каби қарор олиб эрдилар. Аммо Соҳибқирон сафда қўлин қовуштириб, таъзим узра туруб эрди. Ходим айди: «ўлтургил». Соҳибқирон айди: «бу макони оғийда ўлтурмоқ жойи эмас, хизмат жойидур». Бу сўз барчага манзуру мұтабар бўлди Шайх Шамс Қулоқ зохир бўлдилар. Ҳар подиоҳга рижол ул гойиб бирлари тарбиячи бўлуб. Амир Темурга шайх Шаме Қулоқ мураббий бўлдилар. Айдилар, эй угул, бу лойиши амвори

салтанатдур». Мұқарраблар расмігә мүлкіларға мажора құлурлар. Аңда бир киши сұхбат гүнасида бу байтни үқидиким:

Амирлар узуги ақиқдінки, бас,
Узук мамлакатларғадур дасты рас.
Бұлуб шағ Мұхаммад жағон тозаким,
Мұхаммад отига ҳам овозаким.

Соҳибқирон ходимдин сұрди: «бу киши ким?» Айди: «бу шайх жаңиб султон Мұхаммадға тавожжих құлур». Үч шайх үз амироздасига тавожжих қилиб, таъриф құлурлар. Құтб булар ҳар бириң сұзларин әшитурлар. Рижол үл гойиб барчалари сұкутда әрдилар, тамоми арвоқ тойибалар ҳозир бўлуб, руҳи ҳожайи жағон ва ҳожайи ориф чун моҳ тобон Ҳожа Аҳмад Ясавий ва султон Боязид шайх Мансурларни тамомин сұфи таъйин қилди. Құтб бошларини күтариб, Нақшбандий пирлари Мир Кулолға айдилар: «бу мақоми имтиҳондур. Булар ҳар бириң имтиҳон қилмоқ керак». Шул сұзда әрдилар, бир йигитни көлтурдилар, маст, лоаъқл, бир қўлида шиша ва шароб ва бир қўлида ярог. Қийган либоси қора. Ҳар жонибга қараб бози құлур. Құтб айдилар: «бу мани ўглумдур, ҳарчанд тавба бердим. қабул құлмади. Үч мартаба тавбасин синдерди. Сиз учовингиз мунинг борасига ҳукм қилинглар. Яман бекбачаси факих эрди, айди. «Мунга ҳуд ўзингиз». Магриб бекбача ҳаким эрди, айди: «яна тавба берингиз». Соҳибқиронға айдилар: «сан нима дерсан». Аңда Соҳибқирон иргиб туруб андоғ урдиким, рижол ўлди. Үл иккови Соҳибқиронға таъни қилдилар: «бу Қутбни ўғли эрди, на учун поҳақ ўлдурдинг? Шароб ичган жазоси ҳуддур, ўлдурмоқ әмас». Соҳибқирон айди: «Сиз икковингиз үз ҳунарларингизни айдингиз, манга лозим бўлди, үз ҳунарим кўреаттим, мен турк, ҳунарим ўлдурмоқ ва боғламоқдин үзга ишим йўқтур. Бу мақомға маст келмоқ лозим әмасдур». Боз уч тўрани тарбиятчила-ри муноқашада бўлдилар. Бири «султон Мұхаммад тўрани сўзи хуб эрди, агар тавба берсалар, яна қилмасмуди» деди. Яна бири айдилар: «андишағи назарга келса, таъзир лозим». Шайх Кулол айдилар: «салобати амирлиғ шулдурким, гунакорни ўлдургай, хусусан гунакорким, тавба синдерган бўлгай».

Ровий айтур, ўшал мақомиким рижол үл гойиб әрдилар, маълум әмас эрдиким, қайси ердур. Ахир, Құтб айдилар: «бу учовларинг амирлик давосин құлурсиз. Бу хонақоҳ томи узра давлат нақораси бор, яъни борабони бордур, ҳар қайсиларинг чалиб кўрунглар, кимга овоз ва садо берадур». Аңдин кейин уч тўра хонақоҳ томи узра чиқтилар. Аввал Яман бекбачаси чалгач, садо чиқти, аңдин кейин султон Мұхаммад чалди, овоз бермади. Аңдин кейин Амир Темур чалиб эрди, овози дилнавоз ун ва садо чиқа бердиким: «давлат, давлат Амир Темурий» деб. Таворихларда көлтурубдурларким, ўшал кун рубъи маскун овозаи давлати Амир Темурий барча олам қулоқига етиб эрди. Ногоҳ бир тарафдин боги кўрунуб, аңдин бир неча гуломлари азрақ сурат келиб, борабон чоғлучини талаб қилдилар. Үл ики йигит Соҳибқирондин рад

қылди. Амир Темур байбо бораберди Соҳибқиронни қасрига келтүрдилар. Егти дарвоза қуфалик, ҳар қуфлини очиб барчадин ичкари кирсаным, афак этаги тұла қон, мисли дийдаи оғиқон, гулғун тан, янын әркак өдамларни танағы мармар тошидии қоплари куруб, бир күрсі тарошланған, атрофида яна әркак өдамлар қалмалари териңгандар. Аксар ушбу каби тошиларни Соҳибқирон күб күрди. Үлуслари ул вакт қолмабдураар. Бир кизиң парда, үшал үй үртасига торттылар, муваккиллар айдилар: «үшал кишиким подиохлик дағъосин шуд үриндии үткүзилгай, деб, сандалига үлтүрги!» деди. Амир үлтүрди, үзини хонақоңда күрди. Яна Құтб оғлида турар эдилар: «Муборак бүлесун етти икlimгә амираңыз. Агар уз үглүнгі ёзуқду бұлса үәдүрмокқа таваққуф қылмайсан. Бу мисолдур, үшал табали давлатдур. Үшүл үйким, Зөл дүнә әрди, сүрдинг минең минең әрларни бопшарни ебдур. Үшал муваккиллар асбоби подиохлигинде көрәк әрди, буларни барчаси тимсолдур.»

Алқисса. Құтб Соҳибқиронга күб күб насиҳатлари қылди. Ейин Шайх Күлоғта тобиурдилар. Шайх айдилар: «оёқингни мани қадамим устига қўйғил. Амир Соҳибқирон оёқини шайхни муборак оёқларин устига қўйди. Қўзин очиб үзларин Шахри-Сабза, шайхни хонақоңдарида курдилар. Мунда Турагай баҳодур үй ёғоч узра ўлган болани қонига тавон тулад, бериб әрди. Әшиттиким, ўғли шайхниң хонақоңдарида әрмини. Анда хизмати шайхга келди. Турагай баҳодурга шайх айдилар: бу үглүнгни әкшин сақлатағыз. Аиди Амир Темурни баҳодур олиб борди. Соҳибқирон ажойиб күрганларин сұзлар әрди. Өдамлар бовар қылмас ардилар.

Байт:

*Кутбдин топди назар Соҳибқирон,
Анинг учун бүйдиким шоҳи жағон.
Еши үн иккидин үтуб ул писар,
Гойиб әронлар этиб анга назар.
Нече санъатни құруб, бориб келуб,
Нечасини әшитиб, англаб билуб,
Минди давлат марқабига ул сабий,
Шұдрати топтиким Искандар қаби.*

БУ ДОСТОНДА МУКНО РАССУЛЛИҚ ДАЛЬВОСИН ҚИЛМОҚИЙ БАЕНИ

Хамд ушандоқ аззи жаллғаким, шаърият биносин андог мұсылмондар құнгылда мустақкам қилибдурким, малохидаларни сиплаб, түфтүгеси ила бузолмас, иихоли иқбод Калимаи тайибат әкендер бүстөніда бутоқу яфроглар булиб құкарибдурким, мұбтапташалар номубарақ қавли бирла ўролмас, бу сұз шархи Носир Ҳисравдурким, ани мукно дерлар, воеаси шулким, анинг асли. Гадаҳшонда түгулған әрди. Үл латыннинг табын зекни күб етуқ әрди. Нече йил Бухорои шарифда таҳсели илм қылди. Үл амир

Тегин Саликутии уйига күб келар эди. Бир кун айди: агар менге йүлдош бўлсанг, дини Мухаммадни барҳам урарман, деди. Бу койиди. Андин кейин гойиб бўлуб, қирқ йилгача ҳеч киши они кўрмади. Қирқ йилдан кейин узинга Мукно от қўйиб келди. Талли деган жойига бир магора қилди. Ул жой Шахрисабзга яқин эрди. Ҳар илм ва адивияларни билиб, ҳар қайси ерда касал ва иоқис бўлса, келтурсалар шифо топар эрди. Кўзи кўр бўлса, очилур эрди. Бари элат оқ кийумли бўлиб, анга муътаққид бўлдилар. уч кун горга кириб, гойиб бўлуб, кейин чиқиб, айди: «мани бу эрта расул, яъни ялавоч қилдилар». Яна ул лаъян айди: «барчаларингиз айтингиз: Носир Хисрав расули ҳақдур». Одамлар айдилар: «бу даъвони қилсанг, мўъжиза кўргузгил». Бу бадбаҳт айди: «ушбу чинор ёғочи узра Жаброил манга сўзлаюр». Барчалари чинор олдига келдилар, ёғочдин овоз чиқтиким, «ман Номус Акбар, яъни Жаброиалдурман, Носир Хисрав найгамбари худодур». Барчаларини ақллари қусур ўлуб анга имон келтурдилар.

Байт:

*Ул эски дарахтдин чиқибким тавуш,
Дишитти ҳаммадин кетиб ақлу туши.
Мани бул сўзимдин емане сиз малул,
Бу Мукно бўлубдур, худоға расула.*

Наузибилоҳ мин залика¹, барча ҳалқ айдилар: «расули охир замонга нима дейурсан?» Носир айди: «ман шарҳи Қуръондурман, ул нима матъулдур, амал қилурман». Расулдин кейин асҳоби нағсониятлиқ келтируб, йўлни йўқоттилар. Ушибу Жаброийил манга рисолат еткурубдур. Бу шаърият етмиши икки мазхаб бўлубдур». Носир айди: «ман расулманким, етмиши икки мазхабни бир мазхабга мусахира қилурман. Тобеълари айдилар: «сани мазхабинг қайси?» Бу бадбаҳт ботин ва малоҳида ва қароматларга ривож бердиким, ани «чарог куни» дерлар, оятни таъвили қилибдур. Анда бу латъин айди: мани маҳабимда намоз ўқулмоқ ҳожат эмас, нечук, айтилибдур «ётуйкул иққин»,² бизлар худони танурмиз, худони танугандин кейин, мундин узга нима ҳосил? Яна имом найгамбардин зиёда, нечук, Мусо расул эрди. Ҳазрат Мусоға имом эрди, Мусо шогирд эрди. Яна мӯъмин мӯъминига қариндошдур, Ҳаргиз мӯъмин молини мӯъминдин хасият қилмасун, агар сизлар мӯъмин эканеиз, молингизни бир-бирингиздин дариг тутмангиз. Ҳеч мол сизга хотундин яхин эмас. Хотунларингизни бир-бирингиздан аёмангиз, мавтуқабулои тамавтуга андог маънии бердиким, «хотунларингизни бирор зино қилса, қурсангиз, ҳеч нима демангиз, гўё ўз нафсини ўлдургандек бўлгай. Ҳар ким нафсини ўлдурди, вали бўлди». Яна айди: «шаръи зоҳирдур, зоҳирда сўфи бўлунг. Ботинда ҳар суратеким, ӯзингиз билуреиз,

¹ Бу нарсадан оллоҳинг ўзи асрасин.

² Бизга гайб сендан ато бўлади.

Фисқи ботинда ҳалолдур. Агар хотунингизга бирор яқинлик қылса хурсанд бўлуб, севунинг. Майни ичингиз. Алъёзи биллоҳ, Ҳамру майуи одамдур, гусл ҳаргиз қилманг, деб мардумларни ўзига тобеъ қилиб, атроф-жавонибга юбордиким, эй одамлар, гулли шаръини сизларни бўйнингиздин кутарурман, яна қиёмат кунин азобидин најкот берурман. Дунё ҳаргиз охир бўлмас, қиёматдин мурод ўлгандин кейин тирилмоқ йўқ, саккиз учмоқ маънавийдур. Ҳар кимни яхши феъли машшати жаннатдур, томуг дерларким, хуйи батъдур, қибла сизларга даркор эмас. Қиши худони талаб қылса, қибла нима даркор? Олам қадимдур, хотунларингизни ўзгалар зино қылса, зиёни йўқтур, яна шароб, чогир ичинглар, мастилик қилманг, мастилик ҳаром. Ҳоло рамозон ўн еттисини ўзларингизга ийд билинг. Ҳазрат Али ўлган кунларидур. Тарих етти юз қирқ тўққузда (1348 й.) эрди, тарихи ҳижрийни барҳам берди, ул куни тарихин «Чарог күш» деди, ўзига «Абдулқиём» от қўйди. Ул бадбахти иши ўшал кунларда авж қила берди, хабари Мовароунахрга машҳур бўлди. Аммо ҳар жойда касал бўлса, онинг олдига борса сиҳдат топар эрди. Носир Хисрав қавми оқ кийумлиқларни барча бошлиги бирла уламолар кофир деб ҳукм қилдилар. Носир эшиттиким, аларни аиммаи дин, уламолар куфрға ҳукм қилибдур. Анда ул «Фидойи Носир» деб қавмига от қўйиб, начанд мусулмонларни ўлдуруб, хусусан, аиммаи динни куб ўлдурди. Ўшал йил Бухорода ва Самарқандда ва Балхда турт минг муллони мусулмонлардин қатл қилибдур. Буларни хавфидин ер остига уламолар беркиндилар. Носир эшиттиким, Соҳиб ҳидоят Самарқандда ани кофирилигига ҳукм қилибдурлар. Анда фидойидин бир кишини юборди, ул Самарқандга келиб, табиб суратида бўлуб, Соҳиб ҳидоят кўзлари қарилигидин хира бўлуб эрди. Аиди: «мен сизни кўзингизни равшан қилурман», деб бир доруни кўзларига қўйуб, ул ҳароми чиқиб кетти. Дарҳол кўзлари кўрмас бўлди. Кейин шогирдларига дарс айтмоққа машгул бўлдилар.

Бу сўзни Баёнқулихон эшитти, яна Бухорога Носирдин нома келди, мазмуни шулким: «бизга имон келтурсун» деб буюрубдур. Ҳон анда уламоларни талаб қилди. Ул кун барчалари қора кийуб бордилар. Ҳон сўрдиким, на учун қора кийдингиз? Уламолар айдилар, эшиттукким, сиз малоҳидага, яъни Носирга рагбат қилибсиз, деб фироzi шариъати нубиввийга қора кийдук. Ҳон анда қасам ичиб айдиким, малоҳида динига эътиқодим йўқдур, агар буюрсаларингиз фидойини элчисини ўлдуурман. Уламолар айдилар: «фидойининг қулоқ-бурини кесиб юборинг». Носир эшитти. Аммо амир Тегин Салжут Носирга таиш эрди, вақтини топиб, анинг уйига келиб, айдиким, агар икки йўлдошни мусассар қылса, Малик Ол Чигатойни барҳам бериб, балки шариъати Муҳаммадига ҳалал еткуурман. Амир Тегин: «бу жинни бўлубдур, мунинг савдосин тарбиятига шарбат беринг», деб буюруди. Носир шарбатни сабабин сўрди. Амир Тегин аиди: «сенинг касалинга дафъдур». Носир кулди, ўшал кеч гойиб бўлди. Ул вакт бу сўз амир Тегин кўнглида эрди, англадиким, фидойини элчиси қулоқ-бурини кесилиб, Носир олдига келибдур. Носир номани амир

Тегинга юборди. Айдиким, «эй амир Тегин, ман шуд Носирманким, қирқ йилдин илгари айтиб эрдим, агар иккى йўлдош тоисам, шаризъатга халол еткургайман», деди. Наузибилоҳ, Малики Ол Чигатойни олурман, ҳоло бир йўлдош Замонбек оқ кийумлуларға бошилик бўлубдур. Яна бир йўлдошга маъталман. Йўлдошлиқ айлаб, Баёнқулихонни ишини тамом қўлмоқ учун зиёфат қилиб уйунгга чорлагис, ман кўшун қилиб, тайёр қилиб юборай», деди ул они ваеваса ила. Йўлдин чиқиб, фидойиларга қўшулуб, «олдингга еттим», деб хонни ишини фикрига мутаффик бўлуб, Носир олдига бир нома ўз мулозимидин юбориб эрди. Ул нома шаҳар дарвозасига тушуб қолди.

Сирој Қамарийни мулозимларидин бири тониб олиб, Сирој Қамарийга берди. Мазмунни шулким, «Носир Хисрав, ўз ишингни фикрида бўлгайсан, биз олдингга еттук», дебдур. Сирој Қамарий номани амир Чокуга дарҳол етнузди. Нома мазмунидин огоҳ бўлуб, анинг фикрида бўлди. Амир Чоку айди: «талаф қилиб, анинг ишини қилурмиз, валло, ул соҳиб қибладур, зарбани түгри келтурган бўлгай». Ўтуз кинини ўй ичра мукаммал қилиб, қулларида қилич, ул кинига юбордилар. Улар чиқиб келиб, нечани улдурудилар. Охир, аъзолари яра бўлиб, бирини бойладилар. Харчанд қилдилар: «йўлдошларингни айтгил», айтмади. Охир ўлдуруб юбордилар. Хон аида аскарлари бирла Носир олдига бормоқ бўлуб, аскарларига айди: «аввал бориб Балх қофиласин уринглар». Аскарлари бориб ярог-аслаҳа тонтилар. Кўби тўфангчи эрди, сотмоқ учун келтуруб эрдилар, буларни ҳам эътиқоди малоҳидага эрди.

Хон чодири зонгорни Шаҳрисабзга келиб тушди. Турагай баҳодур хон олдига чиқти. Амир Темур ўн тўрт ёнга келиб эрди. Хон аскарларин кўрук кўреатти. Аввал амир Чоку бўз отга миниб қарқарасин дўбулгасин устига қўйиб ўн минг йигит бирла барлоедин чиқиб яргларин тақиниб ўта берди.

Хон чодири зонгорни Шаҳрисабз дарвозасин устига тикиб ўлтуруб эрди. Буларни кўрди. андин кейин Турагай баҳодур саманди белина миниб, наиза санчқу қўлида, ўн минг фўлод кийганилар бирла ўтаберди. Андин кейин, амир Муътайд орлот, амир Ҷоязид Жалойир, яна амир Мусо баҳодур, ҳар қайсилари иккى минг, уч минг кўшун бирла ўта бердилар. Миқдор ўн икки беклар бошилик ўттилар. Ноҳоҳ хонни кўзи икки йигитчага туштиkim, келур аргумоқ отга минган, қалқонларини олиб, бопу юзлари очуқ заррин пўта белларида, наиза қўлларида. Хон сўрдиким, «бу иккovi кимдур?» Айдилар, «улуги Мирзо Сайфиддин амир Чоку ўглидур». Яна хон сўрдиким, «тўруқ отлиг кимдур?» Аида бирор туруб айди: «бу Турагай баҳодур ўглидур. Амир Темур». Хоннинг назарига ён бола курунуб, буюрдиким, «Турагай баҳодурни ўғли жангга бормасун». Аида Амир Темур ўқ ёсни олиб, тоблаб юборди. Отилиб аллик қадам ерга бориб тушти. Мирзо Сайфиддин анга тақлид қилиб, ани ўринга юборолмади. Андин кейин Соҳибқирон дастури Чигатой бирла хонга келиб, тизин букуб, дуо қилди. Айди: «илтимос қилиб сиздин хоҳлаюман, давлати ҳумоюнингизда ушибу кўшун мен бирла талош қиласалар».

Анда уч күн талош қылдилар. Барчалари ақаллы аниңг құлидин иrogini торғиб ололмадилар. Бу жүръетни Соҳибқирондин күрүб, баъзилар ёшурун зүр қылдилар, күчлари етмади, тортуб ололмадилар. Хон айди: «ҳасбингни күргузгүл, қай мансабни талаб қи-лурсан». Амир Темур айди: «қуллик расаны бүйнимда, тақозаи мансаб қылмасман». Аниңг бу қылғони хонға манзур бұлуб үн минг олтун ишем қылди. Үшал күн кечігача Соҳибқирон барчата үл иулии әхсан қылдилар.

Алқисса, хон сепанба күни ражаб ойини үн бешинчисида малохидалар бирла жант қылмоқға бордилар, аяқо малохидалар оқ кийумлу бұлуб бошларига салла үраб. Носир қора от миниб. Мұкно от қүйгон чинорни олдига көлиб, қарор олди. Түрт тарафға түрт ялов қўйди. Сұғилари атрофида жаҳр қылур эрдилар. Бир ёғлигини боши узра солиб айдиким, «манга Жаброил жантини ахволидин хабар берур». Бул тарафдин Баёнқулихон бориб, бир девор яқинида турди. Яшил байроқ бирла тамоми уламо, аимма дин атрофларида хатми Қуръон қилиб, рухи расулилло алайхисса-ломга бағишилар эрдилар.

Атроклар расми Чингизхонийда саф бойладилар. Амир Чоку бир иккдор үқ отимлиқ нарида оқ байроқин ҳавога күтариб келур эрди. Кейин тарафда амир Боязид Жалойир, аниң қутосдин байроқи келур эрди. Хон лашкарида үн саккиз түг байроқ бор эрди. Турагай баҳодур қызил байроқ бирла хонининг жиловида эрди. Минг тұғанғчи олдиларида эрди. Құрхонани Турагай баҳодурға тобишур-дилар. Аммо Амир Темур хонға айди: «Мани Чокарбоши қилинглар», ҳеч ким аниңг сұзини қабул қылмадилар. Ҳаңуз ёш бола деб. Үшал күн Соҳибқирон яния либс кийуб, қора ранг отга роқиб бұлуб лашқар ичра келур эрди. Ҳар ким күзи анга түшеса, құрқар эди. Амир Турагай баҳодур үгли деб хон ситойиши қылур эрди.

Алқисса, майдон ораста бұлди. Носир фидойи қавмлари била икки лашқар түгри келдилар. Аммо Носир аскари ичра икки күзи күр киши бор эрди. Аниңг отин Откин отгувчи дер эрдилар, отса бир тош ерга борур эрди. Үл айди: «ҳар вақт икки құшун мұқобил келса, манга хонининг байроқин түгри қилинглар, ман ҳарғиз ул ердин үтмасман. Аммо ул күр байталиға миниб, күзини луиги ила бөглаб, они хон байроқиға түгрілаб қўйдилар. Үл сұқур андог оттиким, бир мил йўлдин алами хонни қалам қылди. Хон байроқи йиқилди. Құшунлар саросима бўлдилар. Дарҳол Турагай баҳодур үз байроқин хон бошига еткурди. Малохидалар югурдилар. Жалойир лашкаридин юз киши шаҳид бўлди. Амир Боязид жасадига үқ тегиб, аъзолари ярадор бўлди. Яна Жалойир лашкари кувват топиб ул аскарға голиб келдилар. Яна ул сўқури кув үқ отти, балки байроқ күтарған бирла аламни қалам қылди. Хон келтурди, малохидалар яна югурдилар, амир Чоку икки минг отлиг йигит била олдини туттилар. Мирза Сайфиддин отасин күрүб, беш юз отлиг била йўлии олдилар. Яна ишум күр байроқга үқ отти, ҳар дафъа ишбакор күр байроқга үқ отса, байроқ ииқилиб, аскарлар остин-устун бўлур эрди. Малохидалар кўб-кўб одамни улдуруб

юборди. Умаролар кинакаш қилиб, хонни ўринин тағири бердилар. Ул шум сўқурни авсофин барча билдилар. Ўшал вақт Соҳибқирон қўлда қилич, қизил қонга бўёлғон эрди. Аммо Носир Хисравни Маҳмуд деган ўғли бор эрди. Ул ҳам баҳодур эрди. Ногоҳ Амир Соҳибқиронга тўғри келди. Малоҳидалар гавур қилдилар, бўлмади. Ани уруб калласин танасидин жудо қилиб тамуқга юборди. Соҳибқирон ўз қўшунларига келди, кўрса умаролар аламни ўз ерига тикмакга кенгаш қилурлар. Амир Темур Соҳибқирон айди: бу иш галатдур, байроқни қайси ерга қўйсалар ангиз сўқурни ҳам ўшал ерга тўғри қилурлар. Мунинг фикри шулким, бир йигит бориб сўқурни бошини келтурсун. Анда Жудин баҳодур отишиг йигит фотиҳа олиб, иложин қилолмай қайтиб келди. Айдиким, ики минг киши атрофида туурларким, анга қасд қилса хабар берур. Хон айди: ким бориб ўшал сўқур бошини олиб келур? Анда амир Ёдгор шоҳи орлот икки юз кишини ўзиға ҳамроҳ қилиб борди. Малоҳидалар сўқурга хабар бердилар. Ул айди: манга эллик киши ўқ еткузуб туриш. Дарҳол ўқ келтурдилар. Ёдгор шоҳ кўрдиким, ҳар ким анга тўғри келса, ҳалок бўлур. Ҳеч кишини кўрмас ва билмас, ўқин отиб туур. Яна Жудин отиға миниб ёсин қулига олиб, ўқ ота бошлади. Ул кун миқдор уч юз киши аниг ўқи тегиб шаҳид бўлдилар. Барча бу ишга ҳайрон бўлуб эрдилар. Амир Соҳибқиронни гайрати жўшга келиб, хондин фотиҳа талаб қилди. Хон сўрди: Турагай баҳодур, мундин бошиқа ўглинг борму? Айдилар: ўйқ. Хон айди: санга нечук фотиҳа бергайман, отанг додингга қолмасун. Турагай баҳодур айди: ўглимга ризолиг йўқ. Яна Соҳибқирон айди: тақсир хоним ва бегим, отамни рози қилиб, манга фотиҳа беринг. Хон отасидан сўраб, ноилож фотиҳа берди. Амир Темур Соҳибқирон чодирга кириб, малоҳида суратида кийум кийуб, қўшундин чиқиб, малоҳида лашкарига кирди. Муни кўруб Турагай баҳодур хондин рухсат олмай, бул ҳам жўнади. Соҳибқирон сўқурни кўрдиким, байталга минган, қўлига ёсин олган, эллик киши анга ўқ еткузурлар. Малоҳидалар кўзин шамғалот қилиб, сўқурни орқасидин келиб, андог урдиким, томуг чуқурига ул қув сўқур туртуниуб йиқилиб кетти. Соҳибқирон калласини танасидин жудо қилиб, соқолидин тутиб хон олдига келтурди. Ул кун тўғони Ажий бўлдиким олти жиҳатдин лашкари Чигатой югурдилар. Малоҳида мунҳазим бўлдилар. Қуёш нури кўздин ёшунди. Ул кун одам боласига андог қиргин бўлдиким жасади фалакидин каллаи ҳандалаки узулуб, қулайберди. Фалокат дехқони ул ҳандалакларни ҳалокат аробасига солаберди. Таналари ханинот қофидек туб-туб бўлуб, ажал вагончилари аниг бир донасин қўймай олаберди. Ул кун қизил дениз тошти. Ғовго ҳаддин онти. Аммо хон муқаррар қилдиким, аларни иўён деб, малоҳидалар тамоми Носир Хисрав тугин остига келдилар. Хон тўрт тарафдин аларни қамаб келаберди. Носир бадбаҳт ул кун бошига ёвлиқ солди, кўрдиким, атрофдин Чигатой қўшунлари тошиб-опиб келаберди. Ул Носир коғир ҳийла бирла жарчига буюрдиким, нидо қилиб чақирғил. Жарчи анда чақирдиким, бу лашкари Чигатой, сизларни ўртангизда амир Тегинидин киши

йўқтур. Амир Тегин бизлар учун бош берди. Сизларни Носир давлатга еткургай. Чиноқ баҳодур амир Тегин қардоши, Салжутдин Чигатой аскарида эрди. Микдор беш минг киши Салжут лашкаридин эрдилар, ул лашкар бу сўзни эшитиб, Чиноқ баҳодур Салжут лашкарин ўзига олди. Бирдан хон қўшунига ҳамла қилдилар. Лашкарлар шикаст еди. Лашкари Чигатой аксари талонда бўлдилар. Ногоҳ хон байроқи девор такида эрди, девор йиқилиб алам бирла икки минг киши девор остида қолди. Хонни оти ҳуркиб қочди, ҳар киши ҳар тарафга қочиб кеттилар. Амир Чоку хонни жиловидин тутуб, Бухорога юзланди. Турагай баҳодур Амир Темурни топиб, жиловини ушлаб айди: Эй ўгул, аскарлардин хабаринг йўқ. Соҳибқирон кўрдиким, қўшуналар барчаси тарқашибдур. Андин Шахрисабзга келдилар. Кўб мол-ганиматлардин малоҳидаларга қолди. Бу воқеани фидойилар мўъжиза ҳавола қилур эдилар.

БУ ДОСТОНДА АМИР СОҲИБҚИРОННИНГ БУРҲОНИДДИН СОҲИБ ҲИДОЯТҒА ҚЕЛМОҚИ, УЛ ҚИШИНИ МУНОҚАШАЛАРИНИ БАЁНИ

Олон, Носир Хисрав лашкари Баёнқули қулига Зафар топиб, фидойилар қай ерда мулло бўлса, ўлдира берди. Мовароунинар мусулмонларига замон тор бўлди. Ҳар жонибдин ақли қисқа кўплар ул шумға имон келтурдилар. Носир малъун коғир фидойидин бирини Шахрисабзга хат бирла ханжар қулига бериб юборди. Ул ҳароми Шахрисабзга ярим кечада кириб, Турагай баҳодур ётган ўрнида ёсдуқ узра ханжарни, қўкси узра хатни қўйиб чиқиб кетти. Тонгла баҳодур уйқудин туриб хатни ўқуб кўрдиким, айтибдур: «Носир расули худодур, амир Турагай баҳодур келиб, имон келтурсун, бўлмаса омон йўқ ҳалок бўлғай». Турагай баҳодур Амир Темурни талаб қилиб, машварат қилди. Соҳибқирон манъ қилди. Турагай баҳодур айди: замонасозлик учун олдиға борумиз. Андии кейин Соҳибқирон икковлари мубоҳаса қилмоқ учун бордилар.

Арбоби таърих дерларким, ўшал йил Носир ҳикматда топиб эрдиким, Амир Соҳибқирон хуруж қилғай. Аммо билмас эрдиким, қайси кишиидур. Носир қавмлари буюрдиким, Турагай баҳодур ўғли бирла таҳаййит учун сажда қилсун. Носир айди: «булар ҳали янги келган, аввал менга имон келтурсун, сўнгра сажда қилмоқға буюргайман» деб ўз шарипатин баён қилиб, буларни чинор такига келтуруб, айди: «Эй муқно, сан шаҳодат берғил мани набилиғимга. Ўшал замон йиғочдин овоз чиқтиким: «анта расулиллоҳ».¹ Аммо Жаброил андог фасоҳат ила сўзлаюрким, Турагайнин сайд қилса. Соҳибқирон кўрдиким, отаси анинг сўзига эътиқод қилгудек. Амир Темур айди: «Эй Носир, шарҳи Қуръонман деюрсан, Қуръонда саждаи таҳаййит манъдур». Бовужуд, Соҳибқирон қуввати муноқапаси бўлмаса ҳам куб сўзларни деди. Носир айди: «эй амир

¹ Сен пайгамбарсан.;

Турагай баҳодур, ўғлунгга айғил, хомуш бўлсун». Турагай баҳодур Амир Темурни қўлидан ушлаб келтурди. Носир коғир айди: «Нима жавоб дерсан, имон келтурурсанму ё йўқ». Турагай баҳодур тонгла жавоб берурман, деб уйларига ёндилар. Келиб ўғлига гинакаш қилди. Амир Соҳибқирон айди: «Эй ота, имон келтурман-гизим, ул коғирдур. Ман бу кеча Самарқандга борурман, аиммаи дин олдилариға, кўрайким, нима деюрлар. Бир киши уламолардин келиб Носир била ижлос қилсун, сиз андии тонгла ўн кунга мухлат сўранг». Аммо Соҳибқирон отасига видоғи қилиб, Самарқанд сарига юзланди. Амир Турагай баҳодур эртаси Носир олдига бориб, айди: «ман санга имон келтурсан, ўн кун мухлат бергил». Носир шум айди: «санга омонлиғ бердим, ўглунг Самарқандга бориб, ижлос учун киши келтурурман деб кеттими?»

Алқисса, Соҳибқирон Самарқанд ичра кирди. Чақириб айдиким, «эй аҳли ислом, ҳар киши уламодин бўлса бориб Носир Хисрав била муноқаша қилсин, шариъатдин сўзласун, қиёматга шафоат истаса, дини расул алайҳиссаломга ривож берсун». Эшитиб барча мусулмонлар йигладилар. Амир Темур ҳам йиглар эрди. Одамлар айдилар: «уламоларимиз фидойидин кўрқиб ер остида беркинуб ётурлар. Олимлар муаллими Соҳиб ҳидоятдурлар». Соҳибқирон: «мани ул азизга олиб боринг», деди. Анда мударрис олдилариға бордилар. Соҳибқирон кўрдиким, ҳазрат Соҳиб ҳидоят мударрис афандимиз кўзларини рўймол ила boglab дарс айтиб ўлтуурлар. «Ман қулингиз амир Турагай баҳодур ўғли бўлурман, хизматингизга келдим. Қадами шарифингизни Носир олдига еткурсангиз».

Соҳиб ҳидоят айдилар: «ман ҳам малоҳида коғир деб ҳукм қилиб эрдим. Ул шумлардин бири табиб бўлуб келиб, кўзумга дору қўйуб, кўрмас қилиб қўйди. Ман ҳам алардин қўрқувда эрурман».

Аммо Носир шум фидойидин бирини юбордиким, Амир Темур мулоқатда бўлгач, шаҳид бўлуб, ёлғончи дегил. Ўшал ҳол ул шум фидойи келди. Амир Темур Соҳиб ҳидоятга сўзлаб ўлтуруб эрди, дарҳол маърака ўртасига кириб, айди: «ман билурман бу йигит фидойидин, мусулмонларни барҳам ургали келибдур». Анда Амир Темур: «Турагай баҳодур ўғлидурман», деди. Ҳалқ бовар қилмадилар. Яна қасам ичти қабул қилмадилар. Охир, Амир Темурни ушлаб, ўшал кечада мадрасаси Низомулмулкда сақладилар. Соҳиб ҳидоят воқеаъда кўрдилар. Ўшал кечада тушларида расул акром саллаллоҳу алайҳис салом афандимиз қора кийум кийиб келдилар, айдилар: «эй Бурҳониддин, тургил ул йигит чин сузлаюр. Ул йигитни топиб, малоҳидалар олдига анинг бирла борғил, зафар топгайсиз».

Филҳол, уйқудин турдилар, кузлари мунаввар бўлуб, очи-либдур. Олам муваттар булубдур. Ўшал соат йиглаб, Амир Темурни топиб келтурдилар. Одамлар барчаси эшиттилар Соҳиб ҳидоят қўзлари сиҳат топубдир, деб хосу ом зиёратга келдилар. Амир Соҳибқиронни яна навозиш қилиб сийладилар. Соҳибқиронга Соҳиб ҳидоят айдилар: «эй ўглум, сан борғил, кетингдин тезлик ила ман борурман». Амир Темур илгари жўнади. Ҳазрат Соҳиб

хидоят асбобларни муҳайя қилиб, неча теваларга китоб юклаб, миқдор тўрт минг улуг, машҳур муллалар била йўлға туштилар.

Аммо Соҳибқирон ўнинчи кун деганда Шаҳрисабзға келиб кўрдиким, Носир кофир Амир Турагайга ғавго қилиб турур. Баҳодур айтур: «тавфиқ қиласигил, ўғлум келиб санга имон келтурса, ман ҳам имон келтурай». Ўшил вақт Соҳибқирон бориб айдиким, «Соҳиб хидоят яқин келурлар. Эй Носир, санга муноқаша қилурлар. Агар Соҳиб хидоят Бурҳониддинга ижлосада гомиб келсанг, ман санга имон келтурурман», деб уч кун мухлат сўради. Ўч кун ўтгандин кейин Носир шум ўз кўнглида аиди: «агар Турагай баҳодурни ўғлини йўқ қиласам, ул мани динимни барҳам ургай», деб, Турагай баҳодур олдига келди: «Тез бўл, ўғлунг билан имон келтур, бўлмаса, санга омон бермасман».

Соҳибқирон ҳар замон Самарқанд йўлига қараб-қараб турди. Носир кофир келиб. Амир Темурни белига қўл уруб, футасидин тортти. Филҳол, юз киши фидойидин келиб ул малъунлар Амир Темурга ёпуштилар.

Турагай баҳодур ҳайрон бўлди. Амир Соҳибқирон чин кўнглида пола қиласерди.

Баёт:

*Илоҳи, подшоҳи кирдикор,
Санга очуқ ниҳон ва ошкор.
Умид бирла кўтарибман билагим,
Илоҳи, сан қабул этгил тилагим.
Илоҳи, бандани еткур мурода,
Қилибон мубтало, қўйма орада.
Илоҳи, дўстларингни ҳурматидин
Чиқарма ул ҳабибинг суннатидин.*

Ногоҳ, Самарқанд тарафидин чанг-тўзон ҳавога чиқа бошлади. Чанг орасидин оқ кийумлилар кўруниди. Фидойиларга ларза пайдо бўлди, барчалари овоzlарин чиқариб айдилар: ла илаҳа иллаллоҳу Мухаммадур расувуллоҳ.¹ Фидойилар Соҳибқиронни қўлдин қўйиб юбордилар. Соҳиб хидоят етиб келдилар. Аҳли ислом Соҳибқирон бирла олдиларига келдилар. Носир кофир чодир ичра ва олтун курси узра ўлтурууб эрди. Соҳиб хидоят Носир шумни олдига кириб айдилар: «Эй Носир, сан савол қилурмусан, ё биз?»

Носир малъун аиди: «Ман савол қилурман». Кўрсалар тақаббурлиқ ила курсида ўлтурур. Яна курсидин тушурмоқ учун айдилар: «соил зиёдаму ё масоил?» Носир аиди: «масоил зиёладур». Айдилар: «тургул, тахт узра ман ўлтурурман, масоилдурман». Жавобига дармонда бўлуб аиди: Сиз савол қилинг. Бурҳониддин айдилар: муноғиқдурсан, сўзинингни мувоғиқи йўқтур. Соҳибқирон курси келтурди. Соҳиб хидоят курси узра ўлтурилар. Яна айдилар: сўзлагил, нима дейурсан? Анда саросима бўлуб аиди: ман расул бўлурман. Бул киши айдилар: «мўъжизанг

¹ Озлоҳдан бошқа маъбууд йўқ ва Мухаммад унинг найгамбариридир.

нимадур?» Ул маълун айди: манга фаришта вахий келтургандур, оти Мукинодур. Чинор йигочи ичрадур. Бурхониддин айдилар: агар Жаброил бўласа, буюргиа андин ўзга ерда сенинг нубувватингга гувоҳлиқ берсун. Ул айди: худо ўшул йигоч ичра ҳукм қилибдур. Яна айдилар: буюргиа, ўшул йигочни буток-яфрогида сўзласун. Ул маълун маҳзул бўлуб, жавоб бермади. Айдилар: шариатингда нима бор? Айди: мўъмиилар бир-бири ила қариндош, мол-аёда шерикдураар. Соҳиб ҳидоят айдилар: масалан, барчани молини келтуруб, бир-бирига аралаш қиласа, ани яна таҳсим қиласалар, моя муштарак, савоб кимга бўлур жазм қиласа, нима ҳукм қилурсан? Ул лаъин жавоб тополмади. Яна айдилар: аҳли аёлга шерик дейурсан, масалан, бир хотунини неча киши келиб зини қисалар, андин бола тугулса, қайси бириники бўлар, эмди айғиз? Анда маҳзул бўлуб, ул шумнинг қора юзидин ионок тери оқа бошилади. Соҳиб ҳидоят Турагай баҳодурга қараб айдилар: Ефас иби Нуҳ алайхис салом замонларидин бери ота-боболаринг барчаси подшоҳлик, амиралиқ ва бектиқ қилиб утубдур. Уларни замонларидиа мундай кишини сузин хотунларингга ўзгалар шерик, молларингга ўзгалар меросхўр деб эшттинму? Турагай баҳодур айди: худо гувоҳ бўлсунким, ман мундин кечтим, безордурман. Носир шум айди: Эй Соҳиб ҳидоят. Мукино амири била шайгамбарлик даъво қитурман. Тонгла Мукино олдига боргил, анда ижлое киагиа. Анда хам маҳзуа бўласам, ўз даъвомдин ўттим.

Соҳиб ҳидоят Турагай баҳодур ила Соҳибқирон жалавларин бўйнига солиб аҳли ислом барчалари йиглашиб баҳодур уйига бордилар. Аммо Носир муқаррар қилиб эрдиким, тонгла ярог-аслоҳа келтурмангиз, бизларда ҳам олоти ҳамла бўлмагай.

Алқисса, эртаси Соҳиб ҳидоят отларига миниб, Амир Темурни талаб қилдилар. Соҳибқирон хотирига келдиким, мабодо Носир макр қилмасун деб қиличин ёнига беркитуб олди. Аммо Носир шум фидойилардин уни кинига ярог ва аслаҳа беруб, бошига салла, эннига жанда кийдуруб, қаландар каби бўлуб. Мукино йигочин атрофида турдилар, айдиким: ҳозир бўлуреиз. Ҳар вақт Мукино катла ҳукм қиласа, тавакқуфиз мусулмонларни ўлдууреиз.

Анда Соҳиб ҳидоят Турагай баҳодур бирла Амир Темур олдиларида, келдилар. Бул тарафда Замонбек ўн фидойи била оқ кийумлу бўлуб яқин келдилар. Носир айди: Мукино, агар ман шайгамбар бўлсам, жавоб дегиз? Чинордин овоз келди: манга бетобалик юзланубдур. Турагай баҳодурни ўлдуруб, қонии бил йигочга тўксаларингиз согаюрман. Андин кейин, шаҳодат бे-рурман, деди. Фидойилар бирдан баҳодурни ўлдурмокга қасд қилдилар. Соҳибқирон қўлга қиличин олиб, отасин олдига келган фидойини андог урдиким, қалам қилуб, томуг элатига юбора берди.

Анда аҳли ислом форигбол ярог-аслаҳалари йўқ эрди. Ул уни киши ҳарба ила мукаммал эрдилар, гавго кўзголиб, кўб мусулмонларни шаҳид қилдилар. Малоҳида қувват тоити, Соҳиб ҳидоят ва Турагай баҳодур яна Соҳибқирон шаҳр қўргони ичра қониб кирдилар. Келган фидойини ўлдурдилар. Фидойилар Муқаррар қилдиларким, тонгла шаҳрга от қўйурмиз. Аммо ул шум

Мукно йигочи атрофида күб-күб йигилди. Ул кече тонг отқунча ахли ислом йигида бүлдилар. Андин Соҳибқирон жонсус¹ каби бўлуб, Носир лашкари ичра кирди. Кўрдиким, бир қора кийумли Носир қулидин Мукно сарига борур эрди. Амир Темур икки кишини ўзиға ҳамроҳ қилиб, анинг орқасидин борур эрдилар. Кўрсалар, гор олдиға келиб тўхтади. Гор эшики очилди. Андин бир киши чиқти. Анга айди: Тонгла, йигоч, андоғ дегил — мундоғ дегил. Соҳибқирон танудиким, қора кийумли Носир ўзидур, кўб сўзларни анга таълим бериб, ул шум қайтти. Соҳибқирон ҳамроҳларига айдиким, ман шул ердин хабар олурман. Гумон қилурманким, шул гордин чипор остига йўл бордур. Албатта, ул йигоч ичра киши бор. Ҳар кун йигочдин сўзлагувчи Мукно ушбу туур, деб эшикни уруб синдирилар. Андин чинор тақигача бордилар. Кўрсалар бир одам ухлаб ётур. Ани ушлаб, бошини ўраб орқаларига кўтариб олиб чиқтилар. Овозини чиқаролмади. Чинор атрофига ўтун йигиб, ўт қўйуб юбордилар. Ул одамни Соҳиб ҳидоят олдиларига келтурдилар. Шархи воқеани андин сўрдилар. Ул бадбаҳт айди: Мани отим Мукнодур, қирқ йил бўлубдур ман ва Носир иккимиз ушбу ишни ўйлаб топиб эрдук. Қирқ йиллик меҳнатимизни бу ўгул шу кечада зое қилибдур. Сиримиз шулки, аксар ман чинорга кириб Носир Хисравга сўзлар эрдим. Мандин ўзга киши бўлмас эрди. Нечун овозимиз тагайирир бўлса, ўзгалар билуб, анда Мукно лаъинни шаҳр кўргонига осиб қўйдилар. Фарёд қилдиким: «Эй, қавм, Носир сўзи албатта галатдур», деди.

Қавмлари кўрсалар анда чинор ўртаниб ёнадур. Носир қавмини ихлоси фосид бўлуб Мукнога ўқ отиб ўллурдилар. Носир муни қўруб: Эй қавмларим, Жаброил манга билвоситай шажар ҳам келур, манга бу иш тухмат бўлубдур, деди. Қавмлари икки фирмә бўлдилар. Оқиллари кўргон тагига келиб, мусулмоиларга йиглаб айдилар: бизлар хатоға кетибмиз, энди мусулмон бўлурмиз. Турагай баҳодур хоҳладиким, шаҳар дарвозасин очишни Соҳибқирон манъ қилди. Агар Носир тўғри келса жангга муқайяд бўлурлар, деди. Соҳибқирон кўргон тефасига чиқиб кўрдиким, Носирни атрофида оқ кийумлардин ўзга киши қолмабдур. Замонбек аслаҳа ва ярогин тоқинуб қўшун атрофида юрур. Носир бир гўшада бошига ёвлиқ солиб айтурким, манга Жаброил ваҳий келтуур, фатҳ ва нусратдин хабар берур. Анда Соҳибқирон икки минг йигит жароқир била янги мусулмон бўлганларни ўзиға ҳамроҳ қилиб, лашкари малоҳида сарига бордилар. Яна Замонбек лашкари ила жаҳ қилмоқға турди. Икки тарафдин икки қул бирбири ила тўғри бўлдилар. Ҳар замон Носир олдиға Замонбек келиб айтур эрди: Эй Носир, зафардин хабар борму, Амир Темур фидойиларни остун-устун қилгудек. Носир айди: шошма, ҳануз Жаброил келгани йўқ. Беш ва олти мартабадами яна еттинчи келганда айди: борғил, сени Жаброил Амир Темур урушига юборди, отингни Музаффариддин қўйди. Онинг қони сани қиличингда тўкулсин, худо тақдир қилибдур, деди. Анда Замонбек

¹. Жонсус — жонсус

айди: бу сұз чинму? Носир айди: ёлғон десам каллам танимдин жудо бұлсун.

Андин Замонбек Амир Темур құшунинг борди. Фарёд қилдиким, мандурман Музаффариддин, қайси ерда бұлур Амир Темур, они қони мани қиличимда түқилур, тақдири худо шулдур, деди. Соҳибқирон аскарини үнг тарафида әрди, овозини әшиитти. Замонбекни құрдиким, құлида санчқу, наиза, Соҳибқиронға қарши келур. Замонбек құрдиким, Амирни қора отлиқ құлида қиличи, бир йигиттур. Филхол, Замонбек айди: сан кимсан? Соҳибқирон айди: ман Амир Темур Турагай баҳодур үглидурман, нима дерсан? Ул айди: найғамбарим хабар берібдүрким, санинг қонингни тұкарман. Амир Соҳибқирон айди: найғамбаринг номаңқұл сұзлабдур. Анда Замонбекни аччиғи келиб, наизасин құтариб, ҳавола қилди. Амир санчқусин үткузууб, қиличин құтариб, андог урдиким, қулоқ-бурнин шипурууб кетти. Замонбек бир юзлук бұлуб қочиб, Носир Хисрав олдига келди. Ҳануз бошига ёвлуқ солиб үлтуур. Замонбек айди: Эй Носир Хисрав, Жаброил нима дер? Ул айди: қотили Амир Темур Замонбек Музаффариддиндер. Яна айди: ёлғон айтмагил?! Носир айди: ёлғон десам бошим жасадимдин жудо бұлсин. Анда Замонбек аччиғидин газаби келиб, қилич бирла бүйнига андог урдиким, ул шумни калласи учуб икки қадам ерга тушти. Шул кazzобни рухи најаси тамуғ шахрига әлчи бұлуб етти.

Б а й т:

*Айди Мұкнони, мұлқи дөвлар хайлиға учради,
Тобмади Жаброилни, Азроилға учради.
Қилди дағвои расулиқ, бұлды лаъын агад,
Топти маликни яна дұзах әлиға учради.*

Алқисса, Замонбек бошни олиб Соҳиб ҳидоятни олдиларига келтурди. Турагай баҳодур құруб, Амир Темурға киши юборди. Соҳибқирон айди: бу қавмни тирик қўймоқ ҳикматдин әмас, деб үлдурмоқға муқайийд бұлдилар. Охир, баҳодурни үзи келиб, Амир Темур жиловин ушлаб қайтти. Замонбекга саруполар бердилар. Соҳибқирон айди: бу қавм маҳраматдин, әрлар бир-бирларин хотунларига назар солурлар, буларни тирик қўймоқ синочилик әмас. Соҳиб ҳидоят яна тақвия қилдилар, барчалари ул қавмни үлдурмоққа иттифоқ қилдилар. Ул қавм ҳийла бирла бир ҳовлига қамаб икки юз киши атрофига үтун қалаб, күн ниҳоятда совуқ әрди, катта-кичик барчасини үт ёқиб куйдурууб юбордилар. Ул малъунларни жони дүнё үтига тоб келтуролмай, томуг шахрига қочтилар. Тонгла боқий қолғанларини ҳам тутуб келтурууб үлдурдилар. Булардин бир хотун қочиб кетти. Қолғон малоҳида چароғ күшлар үшағал бир хотун авлодидур. Носир айтиб әрди.

Б а й т:

*Ким үлуб қолса дашиг оро нечун,
Еса они қарғаю қузғун.*

Бул қаби үлгани яна қайтуб
Зинда бўлғайму тонгла — маҳшар кун?

Бурҳониддин соҳибининг жавоблари.

Б а й т:

Қодир Зулжалол қилди ҳаёт,
Ҳашрда тиргузулса эса ҳар зот.
Барча аъзолари бўлуб жужав,
Қолмагай ҳеч Носир Хисрав.

ВУ ДОСТОНДА АМИР СОХИБҚИРОННИ ВУХОРО БОРМОҚИ
БАЕНҚУЛИХОННИ САРОЙМУЛК ОТЛИҚ ҚИЗИНИ
ОЛМОҚИНИ БАЁНИ

Андин кейин малоҳида қавмларини Мавлоно Бурҳониддин афандимиз имдодлари ила тамомила ҳалок қилдилар. Итбоъларидин ҳеч киши қолмади. Андин Мавлоно Бурҳониддин олдин Самарқандга мурожаат қилдилар. Аммо Турагай баҳодур кўб гани, бой киши эрди. Ҳар ижнос моллари бор эрди. Бир кун кўб қўйларни Амир Темурга бериб, савдога юборди. Қўйларини ҳаммасини минг олтунга сотиб, пулларини белига боғлаб, бозорларни сайд қилиб юрур эрди, бир ерда қаландар матърака қилиб сўзлаюр. Қўлида қогоз, шеър ёзилган. Айтурким, шул ёзувни қадрига ким етиб, минг олтунга олгай? Амир Соҳибқирон ҳиммати жўшига келиб, минг олтунни қаландар қўлига бериб, олди. Қаландар Амир Темурни бўйи, қоматига қараб, ҳасаб насадин сўрди. Айдиким, отанг олдига боргил, муни отанг олдида ўқигил, боргунча очмагил. Қаландар ҳу деб йўлига кетаберди. Соҳибқирон чақириб сўрадиким, отингиз нимадур? Айди: отим қогоз ичра ёзилгандур. Андин кейин отасини олдига келди. Баҳодур айди: ҳеч матоъи олдингму? Соҳибқирон қогозни берди. Амир Турагай хафа бўлди. Кейин Соҳибқирон очиб ўқуб кўрсалар, Ҳожа Камол Хўжандий ўшал қаландар экан. Шеърлари форсийдур:

Он жаски тамоми даҳр бигирфт нахуст,
Заврақи, замона ситами зулм бишаст.
Жамишиду Сулаймону Скандар гузашт,
Бархез миён бандаки то навбати ту аст.

Маълум бўлдиким, подшоҳи мутақаддимин ер юзин ва кун кўзин олғон ўшал уч киши эрур. Турагай баҳодур бу ибрат қадрин билмади, айдиким, сани бир бангি фириб бериб, алдаб кетибдур. Ўгул бўлсанг тузук бул, бўлмаса — йул деб кўб койиди. Амир Темур хафа бўлуб шайх Шамс кулов хизматларига келди. Ўшал кун шайх муроқаба қилиб раҳматуллоҳга уланиб эрдилар. Ўшал йил тарих етии юз эллик бен әрди (1355 й.) дорулғанодин

дурулбақога рихлат қилдилар. Соҳибқирон жанозаларини ўқуб, бир кечада шайхни қабрларида ётиб туш кўрди. Шайх келуб айдилар: Эй ўғлум, Бухорога боргил, худои таборак ва таоло ҳикматин кўргил. Андин кейин Соҳибқирон Бухорога юзланди. Начанд ўйл юруб, яёвлиқдин кўб чарчади. Бухоронинг Қолакож дегани дарвозасидин кириб борди. Бир саройга бориб, бир ҳужрага кириб қарор олди. Аммо дунёлигдин бир лаъл Бадахшони киссасида бор эрди. Андин ўзга нимарса йўқ эрди. Лоилож, лаълини жавоҳир бозорига олиб чиқти. Анга ҳар ким ҳаридораиқ қилур эрдилар. Ногоҳ тўсиндан барча одамлар юча бердилар. Соҳибқирон ҳайрон бўлуб, буларни қочганларини сўради. Ҳеч ким жавоб бермади. Ҳар ким ҳар тарафга кеттилар. Ногоҳ бир ўгул маст лоақл келур, қўлида ҳаникар. Бирор айди: эй турк бача, қочги! Амир Темури гайрати нихоянда баланд бўлуб, қочмади, турди. Ул ўгул қўлидаги ҳаникар билан Амир Соҳибқиронга солди. Соҳибқирон ўзини чаб бериб, лаъл Бадахшони қўлидии тушиб кетти. Ул мужиб лаълини олиб кета берди. Амир Темур анинг кейинидин югурди. Бир одам тутуб айди: Эй турк бача, бу золим кейинидин бормагил, сани ўлдурур. Бу мужиб Бароқҳон маҳбубидур. Бароқҳон Баёнқулихонни ўғлидур, кўб-кўб мусулмонлар жойларига ўт қўйуб тамоша қилур. Муни тўғрисидин ҳеч ким хонга арз қиломас. Баёнқулихон қартайибдур, мундин бошқа ўғли йўқтур. Хонимиз одилдур. Агар англаса ўглини ўлдумоққа таваққуф қилмайдур. Агар Бароқҳон барҳам еса, Чигатой тураларидин ҳеч кини қилмас. Лоилож умаро бардош қилиб турур, шояд энақага келса. Кейин Соҳибқирон мусо- фирмийини ўйлаб, саройга келди. Қўлида ҳеч нима йўқлиқидин саройбон кувлаб юборди. Соҳибқирон оч ва ташна бўлуб кўнглида айди: бориб доддоҳга арз қиласай. Ул вақт доддоҳ Амир Ёдгориш орлот эрди. Бориб шарҳи воқеани баён қилди. Ул: туманбошига арз қилди; ул ҳам айди: амир Їжалойирга боргил ул мингбошидур. Анга бориб арз қилиб эрди, ул амир Баён Сулдузга юборди. Ул иўёнлардин эрди. Чигатой одамлари ичиди андин зўр, пахлавон кини ўйқ эрди. Ул ҳам таҳаммул қилди. Айди: бу шарнъят ишидур, козига боргил. Аммо қози имом Саъд эрдилар, анга борди. Арз қилди. Ул кини айди: аммо ман шариъатни олдида хонни андена қиласайман. Лекин гувоҳ олиб келгил. Соҳибқирон хўб деб, андин заргар бозорига келди. Қўрган одамларни гувоҳликга талаб қилди. Алар айди: бизлар фуқаро бўлурмиз, гувоҳлик беролмасмиз. Жонимиз ўзимизга керакдур. Амир лоилож бир масжидга келиб, очликдин йиқилиб ётти. Ярим кечада эрди бир қаландар, қўлида чароги, келуб Амир ахвоаидин сўрди. Соҳибқирон анга воқеани баён қилди. Қаландар айди: орий, Бухорода шундог зулм қиагувчилик бордур. Яна айди: эрта намоздин кейин фалон минор тагига боргил, анда Малҳам иорадуз ўлтурур, воқеани анга арз қилгил. Анинг риоятига мулоқат бўлгил, сани додингни Бароқҳонга ул кини еткузгай, Амир Темур айди: Эй қаландар, чин сўзлагил. Қаландар ҳақиқатин сўзлади. Андин кейин Соҳибқирон эрта намоздин кейин минор тагига борди. Анда бир дўкон ичра бир оқсоқол кини эски

нимарсаларни тикиб ўлтурап, кийумлари тамом-эски туур. Амир Сохибқирон ҳайрон бўлди. Хотирига келдиким, бу кини мани фарёдимга қандай етгай?! Охир они олдига келиб салом қилди. Ул киши жавоб саломин бераб, ўз ишига машгул бўлди. Бир ҳарф сўзламади. Соатидин кейин воқеани арз қилди. Сохибқирон сўзин хўб тинглаб ўлтурди. Айди: умароларга арз қилмадингму? Амир арз қилдим дегач, шогирдларидин бирин Ёдгор шоҳга юборди. Амир кўнглида айди: бул гайр киши бўлса, умаро нечук мунинг олдига келур? Ногоҳ кўрдиким, амир Ёдгор шоҳ ранги бўзарган, тузи оқарган келиб бул кишига таъзим қилди. Бу оқсоқол киши анга қарамасдан ўз ишига машгул бўлди, соатидин кейин анга қараб айди: Эй яратгандан кўркмаган золим, нечук адл ила сўзламайсан? Бул бечорани арзин англамайсан? Андин кейин амир Ёдгорноҳ қўрқиб айди: оре, бул йигит манга арз қилиб эрди, амир Муътайд туман бошига юбориб эрдим, ул мандин илгарикур. Яна шогирдин анга юборди. Андак вақтдин кейин кайфи учуб, ранги қочиб амир Муътайд келди. Бул кишига таъзим-тавозеълар қилди. Бир замондин кейин анга айди: Эй жобир, нечук мунинг арзин англамадинг? Ул айди: ман амир Боязид мингбошига ҳамол қилиб эрдим. Андин кейин қўрқуб буқчайиб амир Боязид келди. Ул айди: амир Баён Сулдузга юбориб эрдим, андин кейин Баён Сулдуз саросима бўлуб, Нуён йўлдошлари ила келди. Алар барчаси жигалик кимхоб тўнлик эрди. Бул қари киши сира илтифот қилмади. Улар мунтазир бўлуб, тавозеъ билга турдилар. Амир Сохибқирон бу ишларни кўруб ҳайрат денгизига гарқ бўлуб, таажжукуб бармоқни тишлар эрди. Бир фурсатдин кейин айди: Эй Баён Сулдуз, сан Қораҷор нуён бўлсанг, бу мусофирининг арзин нечук эшитмадинг? Ул айди: Эшиттим, шаръий шариф қозига ҳавола қилдим. Буюрдиким, қозини келтурунг. Андин кейин қози имом Абу Саид келдилар. Амир Темур анинг иззатига таажжукуб қилур эрди. Ул қари бобо ўлтурган жойида айди: Эй қози, нечук шариъат ҳукмин жорий қилмадинг? Қози айди: шоҳид талаб қилдим. Бул йигит чиқиб кетти, қайтиб келмади. Андин кейин Сохибқиронга назар қилди. Амир айди: Ман заргарлик бозорига бордим, алар айдилар: биз фуқародурмиз, шаходатлиқ беролмасмиз, дедилар. Қари бобо айди: боринглар, аларни келтурунг. Бориб заргарларни келтурдилар. Алардин лаъни баҳосин сўрди. Алар айди: бизлар қозини олдида қандог гувоҳ бўлурмиз? Бароқхон золимдур, андин қўрқармиз. Анда ул қари кишини аччиғи зиёда бўлуб, газаби келиб, Бароқхонни келтурунглар, деди. Сохибқиронни жигар-багрида тамом тоқат қолмади. Айди: Эй бобо, на учун булар сизни мунча иззат қилур? Қари бобо айди: жим ўлтиргин, маълум қилурман. Аммо ўз ишига машгул бўлди. Барча сукутда эрдилар. То қари бобо сўзламагунча, ҳеч ким сўзлаётлас эрди. Ногоҳ шотирлар қўнгирогин садоси кела берди. Кўрсалар асъясаю дабдаба ва шон-шавкат ила Бароқхон келур. Анда умаро ва фуқаро барчалари ўринларидин турдилар. Анда минор тагига барча катта-кичик йигилдилар. Анда қари бобо сукутда эрди. Бароқхон билга барча умаро, беклар ул кишига қараб мунтазир эрдилар.

Кейин қари бобо Бароқхонга қарабайди: Эй золим, токайгача саңға
мадху сано құлурман ва зомин бұлурман, әмді отанға айтурман,
халок бұлурсан. Бароқхон айди: эй бобо, мани ёзуқим нимадур?
Анга воқеани баён қиынды, яна айди: эй бобо, хабарим йўқдур, деб
маҳрамни талаб қилиб сұради. Бовуқуд, маҳбуби эрди. Маҳрам
айди: лаъзами мастиқда билмадым қайды қолибдур. Бароқхон құлини
күксига қўйуб тавозезь билга айди: эй бобо, манга рухсат беринг, бул
йигит эртага мани олдимга борсуй, лаъзами икки баҳосин берурман.
Заргарлар айди: баҳоси минг олтун эрди. Ҳон айди: икки минг
тилло берай. Анда ул кининидин барчаларига рухсат бўлуб, кеттилар.
Андии кейин, Амир Темурга айди: йигит турғил. Бароқхондин
бориб модиғиги оғига Соҳибқирон айди: дазвомдин ўттим. Сиз
воқеани баён қилинг. Ул кини айди: сен уз ерга бориб, қайтуб
келтил, сенга айтурман. Андии кейин, Амир лойлоғ бўлуб ҳонини
урдасига борди. Кўрдиким, , Бароқхон айвон устида айни-ишрат
иля ўлтурур. Амир Темурга кўзи туши. Туриб ёнидан ўрин
кўрсатти. Маҳрамларига буюрдиким, икки минг олтун келтурунг.
Анда фиалҳо Соҳибқирон олдига келтуруб қўйдилар, кўб узрлар
қилиб айди. Албатта, мани арзи ихлюсими бобога еткурурсиз.
Андии кейин Амир Соҳибқирон олтуиларни олиб яна истиқболи
қари бобони олдига келди. Бобо айди: олдингму? Амир айди: оре,
олдим. Андии кейин олтуиларни икки тақсим қилиб бирин бобони
олдига қўйди, бул кини хафа бўлуб, айди: эй подоп бола, дунёга
мани ҳожатим йўқ, манга олтун қаҳат эрмас, узинг олгил, ҳаражат
қилиурсан. Соҳибқирон айди: Эй бобо, манга сирингизни айтиб, ман
бечорани хурсанд қилинг. Қари бобо айди: Эй барно йигит, мани
сузимни эшитгил. Ман кирж йилдин бери порадузлик құлурман.
Кинидин тамат қиласасман. Шул минорага чиқиб азот айтур
эрдим. Үн йил булубдурким, ахшом вактида ёмғир ёғар эрди. Үнап
вакт бир хотун ўта берди. Ани қавми чигатойдин бир маест турки
келиб шул хотунин қўлидин тортиб, бир уйга келтурди. Ул заифа
фарёд қиласаким, мани қўлидин, эй мусулмонар, халое қианинглар.
Ман порсө бўлурман. Яна эрим айтиб эрдиким, шу бу кеча уйда
бўлмасанг, талок қиаурман. Яна мани бу ахволда кўрса, балки
улдурур, манга раҳм қилинглар, дер эрди. Ман ани қўлидин најкот
бергали туркни уйига бордим. Анинг қуалари келиб мани ура
берди. Ман алардин қочтим. Кўрдимким, ул мазлумани уйига олиб
кирди. Ман ўйлаб, бул хотунин эридин талок бўлмасин фикрини
килдим. Ул вакт кечани аввали эрди. Минорага чиқиб овози баланд
иля ассалату хайрум мин ан нағм¹ деб чақира бошладим.
Баёнкулихон арк узра Қуръон тиловат құлур, экан, эшитиб,
муқаррабларни чақириб, шул вакт азот айтур кимдур, деди. Алар
айди: телбадур ё абллаҳ җинниидур. Ҳон муида бир воқеа бор, деб
кини юборди. Ул келиб мени минорадин ҳонни олдига олиб борди.
Ҳон сўрадиким, телбамусан ё ҳушёр? Ман айдим: ҳушёр эрурман.
Анга воқеани баён қиласадим. Ҳон ул турк билга мазлумага кини

¹ Намоз уйқидан ағзалл.

юбориб, келтурди. Яна ул хотунни эрини талаб қилиб келтурдилар. Туркни қоф ичра солиб, бүгуб ура-ура үлдурдилар. Хотунда гунох йўқлигин эрига маълум қиласидар. Андин кейин хон мани ўзига ота қиласиди. Айди ёй ота, мани томуг ўтидин најжот бердингиз, энди ҳар воқеа шаҳр ичра бўлса, мани огоҳ қилгайсиз. Худои таоло учун онд айтурманки сиздин бошқа азони бемахал айтиб маълум қилгон кини йўқдур. Мазлумлар додига етсам, деди. Ҳоло, муддат ўй йил бўлубдур, шул ишига маъмурдурман. Бул сабабдин шул кунгача умаро мандин қўрқарлар. Воқеа шуллур.

Амир анга видоъланиб, саройга келди. Саройбонга шул берди. Ҳоло, Бобо породўз дерлар, қабрлари Бухорони жануб тарафидаги дарвозададур.

ЭМДИ СЎЗНИ БАЁНҚУЛИХОН ПОДШОДИН ЭШИТМАК КЕРАК

Бир кечада тушида Шайх ул аъламни қўрди. Айдилар: хилофи шаръий қиласига, турғил, қизларингни эрга бергил. Баёнқулихонни тўққиз қизи бор эрди. Уйқудин туруб, барча қизларини жамъ қиласиди. Айди: Эй болаларим, эр ихтиёр қилинглар. Барчалари қабул қиласиди. Барчасидин кичиги Сарой Мулк хонимча эрди, айди, эй ота, сизни давлатингиз соясидан ҳеч жойга бормасмен, эр ҳам қабул қиласмен, деди. Андин кейин хон бир қизини амир Чокуга ва бирини амир Жаҳон шоҳга берди. Бирин амир Ўлжойга берди. Ҳар қизини бир кишиига берди. Қўб-қўб тўй-томушалар қиласиди. Бир кун яна Шайх ул аъламни тушида қурди. Айдилар: қизингни эрга бергил. Уйқудин туриб кичик қизини чақириб айди: Эрга берурман. Қиз айди: мен ихтиёр қиласмен. Яна неча мартаба тушида қўрди. Шайх ул аълам ваҳшат ила айтурлар: қизингни эрга бергил. Анда хонимчани чақириб айди: Эй қизим, мани ризоли-қимга қарасанг, эрга тегмоқни ихтиёр қилил. Анда хонимча айди: мани ҳоҳлашимга қарасангиз?! Мани Турагай баҳодурдин хафа бўлган эрди, қабул қиласиди. Яна хонимча айди: мани ҳоҳлашим шулки, ким шатранж ўйнаб ютса, мани қабул қиласан, агарчи чўпон бўлса ҳам. Хон ҳайрон бўлди. Айди: помахрамни сенинг олдингга нечук келтурурман? Ҳонимча айди: мани қулбачаларингиз сифатида бўлай. Сиз айтинг, ким бизни қўл бачамиз шатранж ўйнамоқ даъвосин қилур. ҳар ким шуни ютса ман анга қулумни инъом қилурман. Хон андин кейин қизин сузин қабул қилиб, хўн деди.

Тонгласи муни эшитиб шатранж ўйнагувчилар кела берди. Барчасини хонимча юта берди. Аммо, Шайх ул аълам тушида айтиб эрдилар, қизинг кимни ҳоҳласа анга бергил. Яна хонимча айди: эй ота жоним, жарчига айтинг, ҳар ерда шатранж ўйнагувчи бўлса, келсун. Андин кейин жарчи бозорларда нидо қилур эрди. Амир Соҳибқирон бу овозни эшитиб, чиқиб сўрди. Жарчи воқеани баён қиласиди. Аммо шатранж ўйнамоқда мисли йўқ эрди. Амир айди: Мен ҳам билурман. Андин кейин Амир Соҳибқиронни олиб бордилар-

Хон күрдиким, бир турк бача, эгнида чакмон, бошида телшак. Хон айди: бу йигит нимани билур? Жарчи айди: ҳарчанд маниң қылдым, бұлмади, бирга келди. Амир Сохибқирон ҳеч нима демади. Хон буюрдиким, құл бачани көлтуринглар. Әрхол көлтурдилар. Амир билдиким, ўгул либосиниң кийубдур, аммо ўзи қиздур. Фиалхол, күрүб бир-бириға құнгұл бердилар. Амир анда қүнглида деди.

Байт:

*Эй жамолинг партави хүршиди олам тобдек.
Шавқдин айлар тепши құнглум мани симобдек.
Оғият деңгизидин ұар дамда айлар баргарон,
Халқаш зулғунғ құнгұл балиқларин құллюбдек.*

Шатранжни үртага құйдилар. Сохибқирон айди: ман шарт бирла ўйнагайман. Хон айди: шарт шулки, агар ютсанғ, бу құлбача сеникидур. Амир айди: бой берсам нима құлурман? Хон айди: Сандин ҳеч тамаъ йўқ. Амир айди: гар ман ютқузсам шул гулом бачага құл бұлурман. Ўзи ёширун ошиқ бўлиб эрди. Эмди шатранж ўйнай берди уч бисотгача. Ҳар бисотига бир кеча ва бир кун утуб кета берди. Амир Темур голиб келди. Ахир, хонимча этакин силкитиб, турууб уйига кетти. Хон ҳайрон бўлди. Бул айои киши деб фахмлаб эрди, лекин Амир Сохибқирон ман Турагай баҳодур, ўғлиман, деб маълум қылмади. Сабаб шулки, малоҳидалар жаңгигида хон қочиб эрди. Амир Турагай баҳодур айтиб эрдиким, хон иномардлик қилиб қочмаса, ман дафъи қиауб эрдим. Бу воқеани хонга эшилтуруб эрдилар. Хон хафа бўлуб эрди. Сохибқирон шул жиҳатдин қўрқиб ҳасаб ва насабни маълум қылмади. Хон айди: бу кун боргил, тоңгла келгүл. Құл бача сеникидур. Сохибқирон андин саройга борди. Аммо хон уйига кириб, хонимча бирла кенгаи қилди, эй ота, аҳдингизга вафо қилиб, агарчаандики, құл бўлса ҳам, ауга беринг. Хон ҳайрон бўлуб ўйлаб, эшикига мулозим қўйди. Мулозимга турк бача келса, ичкари киргузмагил, деди.

Эртаси Сохибқирон борди, дарвозадаги мулозимлар йўл бермадилар. Қайтиб саройга келиб, ҳужрасида қарор олди. Эртасига бир чўри Сохибқиронни ахтариб келиб, саройдин тошиб бир қоғоз хат ёзилгани берди. Айтибдурким, «ҳамд ила дуруд адосидин сўнгра ул ёрижонимға салом ва пәём бўлсунким, ушбу сиз била шатранж ўйнаган құл бача хон қизи Сарой Мулк хонимча бўлурман. Иштиёқи мұҳабbat манда бўлса ва соим богида жамолим чарогинда умид қилса хонга келиб арз қилсан». Отам одил бўлса мани анга берса керак. Мабодо боңقا құлбачани берсе олмасун, нома тамом, вассалом».

Аммо Амир Сохибқирон ул чўрига тавозеълар қилиб, йиглаб арз-холини айтиб юборди. Эртасига хон ов қылмоқ учун отланиб борур эрди. Амир Темур йўл узра бориб: Эй подшохи одил, аҳдингга вафо қил, деб хонга арз қилди. Хон саросима бўлуб, овга бормай қайтиб эртасига начанд бошқа құлбачаларни юборди. Сохибқирон ман била шатранж ўйнаган құлбача йўқ деб қабул

қылмади. Хон ҳайрон бүлуб. Сирој Қамарий вазирига караб айди: боргил, үшал турк бачага жавоб бергил, деди. Вазир дархол келиб айди: Эй йигит, ул хонни ўзини қизидур, боргил, мулукона түй асбобини келтургил, деб қўлида бир кути бор эрди, Амирга очиб кўрсатти. Ичи тўла олтундур. Вазир айди: ақалли, мартаба шунча олтин келтуруб түй асбобини муҳайё қилиб, олурсан. Вазирни мақсади бу эрдиким, албатта бу ишини уҳдасидин чиқолмас деб қилғон эрди. Аммо Соҳибқиронни муҳаббати жиҳатидин уч кунга муҳлат берди. Агар ондин ўтса, сўзинг қулогимга кирмас. Аидин кейин Соҳибқирон ҳужрага келиб, фикр ила ўйлаб йиглар эрди.

Байт:

*Ҳар ошиқни косаи чашми пур об эмас.
Еш тўжмайин юз узра дую мустажоб эмас.*

Аидин кейин Мозори Файз Осор ҳазрат Шайх ул аъзамга бориб, боини қўйуб, фигон полали ва зори даргохборига қилиб айди: эй, яратган таңгрим, мани жону кунглимни ани ишқида кўйдирмагил ва бу хизрон тогидин олиб, мани ёрим висодин ботига еткургил, деб қўзи уйкуга борди. Ҳазрат Шайх ул аъзам тунида келиб, айдилар: Эй Амир Темур, тургил, олло таоло қулратини кўргил. Филҳол, Амир Темур туруб, ердин бир кесакни олиб ҳожатга борди. Кўрдиким, девор тагида бир нимарса кўрунур. Бориб курса, бир кути туур. Они кўтариб қараса вазирни қўлида кўрган кутидур. Соати таажжуб қилиб, ўз қўиглида, муни манга худо еткузди, деб эрта иамозин ўқуб, сабр қиласай қўлатуқига кутуни олиб, шахр ичра кирди. Кўрдиким, одамлар хар тарафга югуруб секин-секин сўзланнурлар. Аидин кейин Амир ҳар қайсидин воқеани сўрди. Ҳеч ким жавоб бермади. Кўрса, Сирој Қамарий шитоб ила келур. Соҳибқирон ишқ голиб бўлуб, анга салом берди. Вазир физхол, қўатуқида кутуни кўриб, буюрдиким: бойла бу ўгрини. Оёқини кишаи бирла, қўзини занжир ила боғладилар. Воқеа бу эрдиким, унбу кечак хон ўрдасига ўгри кириб, хонни жароҳатлантуруб, уласи қилиб яна бул қутуни олиб қочиб, ҳожатхонага беркитиб эрди. Одамлар саросима бўлуб у ён бу ён югурмоқларига сабаб бу эрди. Амир Соҳибқиронни қўл-оёгини боғлаб, вазирни олдига келтурдилар. Амир Темур айди: мани гуноҳим нимадур деса, одамлар сўкар эрдилар. Вазир Амирни хон олдига келтурди. Кўрсалар хон таҳт устида ўлтурубдур. Амираар ва беклар хонни ўнг тарафида ва чаб тарафида ўлтурубдур. Бароқхон ўғли ҳам хонни ёнидадур. Вазир баргоҳга ўгрини тоитим, деб кўрунуш қилиди. Хон айди: бизни қизни талаб қиаган саи эрдингму? Амир Темур айди: оре, яна айди: бизга жароҳат салғонсанму? Ондин кейин Соҳибқирон боинин ўтган воқеани бир-бир байи қилиди. Хон изтифотга олмади. Амир Темурни олиб бориб зиндоинга солдилар. Аммо хон ҳоати назъга етиб, дорулғаподин дорулбақога сафар қилиди.

Байт:

Вақтики қелиб фалак бериб иззатини,
Үттиз йил адл узра күргүб давлатини.
Тушолди они умри кечиб, келди қазо
Соңким анга берди ажал шарбатини.

Жұмағ кечаси рамазон ойини еттисіда руҳи шұр футихин қүши тан қафасидин учмох йигочларин бутоқыға тайрон қылди. Аммо үлмаедин илгари Бароқхон үглини тахтга үтқазиб, анга васият қылдиким амирларни, вазирларни ва бекларни үз үрида мандек күргил. Сироғ Қамарийни яхши иззат қылғыл, деб эрди. Андин кейин хонни жанозасини үқуб, Сироғ Қамарий тобут олдіда йиглай-йиглай олиб бориб, жасадини Шайх ул аълам ёнига дағы айлаб, қабрани устига иморат қылдилар.

БУ ДОСТОНДА БАРОҚХОН ТАХТ УЗРА
ҮЛТУРГОНИ, ҚОЙДАИ
ПОДШОХЛИҚ ХИРМАНИН КҮЙДИРГОНИ БАЁНИ

Оlam ҳар кун үлуб, дигар кун бұлуб, аммо амирлиқ маснади узра Бароқхон қарор олди. Уч кундин кейин Сироғ Қамарийни үлдурмоқ андешасини қылди. Чунки, ани күб ёмон күрар эрди. Сироғ Қамарийга буюрдиким, саллам била жигамни келтурғил. Даражол турууб олиб қелиб, узатған вактида құлудин тушуб кетти. Мани саллам била жигамни тушурдинғ, гүё үзүмни тушурдинғ деб жаллодға буюруб, құлани кести. Вазир айди: бу құлым била етти қиронға нома ёзіб, Чигатай авлодини дүнё ва охиротини маъмурига құшиш қылур әрдім. Бул куни мани шаҳид қылурсаң деб бу рубойини айди.

Назм:

Ҳайф одил шоқдин үшибу писар,
Талаб үтидин бу танимда күб асар.
Ман шаҳид бүлдім бу кун қон ичра гарқ.
Фисқу исөнға гарқ үлуб, эй бехабар.

Аммо Сироғ Қамарий шаҳид бұлғандын кейин юртға гавго пайдо бұлуб. Бароқхон похуш қылди. Отасини тамом бекларини изл¹ қылди. Амир Чоку, амир Баён Сулдуз, амир Ёдгоршоқ бу каби бекларни хукуматдин тушурууб үзидин йироқ қылди. Одамлар үз бошларига ишлар қила берди. Аммо Амир Темур зиндоңда

Изл — хұрлаш.

колиб. Бароқхонни ёдига келмай, эсидин чиқиб кетти. Ҳаво құбиссиг, ғұзақты әрди. Амир Темур хар кеча нола ва зори қилиб, құбқұб йиглар әрди.

Байт:

Маъбудига арз қилди зорин,
Даргоғыга тутуб рүйи ниёзин.
Дедики, ҳакими фариғ сенсан,
Ва онаи жамъи дард сенсан.
Ман ожизам ва қавийдур ағәр,
Ман бекасу ҳасмдур ситамжор.
Ожизлара лутф этиб қарам қил,
Бекасларни ғамин адам қил.

Зиндонбон содот мұттақидлардин әрди, Амирни оёқ-құлнин еңбұқ құйуб әрди. Ярим кечада бирор келиб Амир Сохибқиронга салом қилди. Айди: Эй йигит, иечук мұнча тушовда бұлғонинг менинг учундур, кути олғон үгри мандурман. Түргил, саңға нақот бергайман. Амир отини сұрди. Үл айди: ишинг бұлмасун, мани саңға зорим йүқ, деб зиндондии Амирни чиқарып олди.

Зиндонбон, філхол, үйқудин туруб ёнидагиларни уйготти. Гавго қилдилар. Одамлар атрофини олдилар. Бароқхон уйғониб, том узра чиқти. «Ұгриман», деган қора кийған әрди. Амир Темурға айди: майдан жудо бұлмагил, деб хар жонибдин келған киши ҳамла қылса, ул қора кийумлиқ дағын қылур әрди. Одамлар била жаңг қыла-қыла бир масжиди жомеъга яқин келдилар. Бир улуг йиғочта келиб қора кийумлиқ гойиб бўлди. Амир Темур масжиди жомеъ ичра кириб, они олти дарвозаси бор әрди, одамлар хар қайси дарвозани олиб турдилар. Ҳеч киши журъати йўқум, ичкари кирса. Андин кейин Амир Сохибқирон ўзини минор юқорисига олди. Анда тоңг отқуича туруб кундузи бўлғоч Амирни ҳеч ким минордин тушуролмади. Ким юқори чиқса қўлида таблица била урад эди. Філхол, ўлур әрди. Юз киши такида пойлар эрдилар. Үл кун ўтти, кеч бўлди. Ярим кечага боргона ул қора кийумлиқ олдига чиқти. Амир они таёқ била урмокға ҳаракат қилди. Бул айди: қўлунгни торт, дұстунг бўлурман. Амир бирла икков бўлуб тушилилар. Барча үйқуда турар. Андин ўтса икки қора кийумлук турур, алар ҳамроҳ бўлуб, Амирни арқга еткурдилар. Қўрса даричалар очуқ. Амир айди: мани қаерға олиб борурсиз, минг мапаққат била қочуб юурман. Анда ул кулади. Амирни илтифот бирла қўлидин ушлаб етти дарвозадин киргузуб, барчасига қуфа уруб, бирорига келтурди. Анда, рангораңг налослар солинган, турли-турли тўшаклар солинган, анда дарҳол мұм шамъларни олтун лаган узра ёқиб қўйдилар. Андин кейин айди: сиз била шатранж ўйнаган, яна бу мушқул ишлардин нақот берган Сарой Мұлк бону бўлурман. Амир Сохибқирон айди: Эй маликам хонимча, сали ишқингдин құб балоларга гирифтөр бўлдим. Алҳамдуиллоҳ, эмди висолингни маишатингни ўтоги маңга мұяссар бўлади.

Б а й т:

Жонни ким жонони учун севса, жононин севар,
Жони учун кимки жононин севар, жонин севар,
Ҳар кимнинг оламда миқдоричадур табъида майл,
Ман лаби жононими Хизр оби ҳайвонин севар.

Алқисса, Амир анга асл наасбини баён қилди. Хонимча билдиким, амир Турагай баҳодурни ўғли туур. Андин кейин икквлари ғаму ҳасрат деворини бузуб, маишат ўтогини тузуб, неча кун айш-ишрат ила бўлдилар. Ногоҳ, фалакни гардиши, бир кеча Бароқхон том устига чиқиб кўрдиким, синглисини уйида чироғ ёнур. таажжуб қилиб, томдин-томға ўтиб хонимчани уйига келиб, секин эшикдин назар қилса, икков бўлуб намоз ўқурлар. Дарҳол, қулларидин ўн кишини мукаммал қилди. Хонимча салом бериб эрди. дупур-дупур оёқларни овози кела берди. Хонимча чиқиб кўрса, одамлар эшикини олдига йигилибдур, фарёд қилдиким, «шамозингдин турғил», ҳануз бўлмай намоз ичра келиб, Амирни атъоси етмиш жойидин ярадор бўлуб, Амир узидин кетиб йиқилди. Муқаррар қилдиларким, улди деб оёқидин сургаб Шайх Ҳасан Бохурзий майдонига олиб бориб ташладилар. Андин кейин Бароқхон бир қулига буюрдиким, секин хонимчани шаҳардин ташқари олиб чиқиб ўлдирғил ҳеч ким билмасун, чунки ман номус қилурман, ёмон от қолгай, деди.

Андин кейин Хонимчани отни орқасига миндуруб даштға олиб чиқти. Хонимча билдиким, албатта ўлдуур. Секин қулини ёнидин ҳанжарини олиб, бўйнига андоғ урдиким, боши олма каби отилиб, отдин танаси юмаланиб, том йиқилгоңдек ерга тушиб ҳалок бўлди. Андин кейин қулини кийумларини кийиб, эгар устига миниб, Бухородин Қаршига юзланди. Йиқи кунда Қаршига келиб, андин кейин Шаҳрисабзга йўл олди. Келатуруб, оти чарчаб ўлди, андин Кейин пиёда йуруб, Йиғочлиқ деган ерга ети. Анда бир сариг туслик кишини кўрди. Қўйчиларни кутуб, бениҳоят қўйлар анинг атрофида йуур. Ул одам Турагай баҳодур эрди. Хонимча йиғоч остидин борур эрди. Бошида бўрк бор эрди, йиғочга тегиб ерга тушуб кетти. Бошидаги ҳайдар кокиллари кўрунди. Амир Турагай баҳодур сўрди. Қайдин келурсан, ким бўлурсан? Бул айди: Турагай баҳодур келини бўлурман, деди. Баҳодур ҳайрон бўлди. Хонимча бопидин ўтган воқеани бир-бир баён қилди. Андин кейин Турагай баҳодур йиглаб айди. Эй келин болам, Амир Темур мани ўглумдур, муддати икки йил бўлубдир, ман тоғолмайман.

Андин кейин келинни иззат-икром бирла ҳовлисига олиб келди. Бирорини анга бериб, неча чўриларни онга тайин қилди. Андин кейин Бароқхонга нома ёздуурди. Айдиким, бизни ўғлумиз Бухорога бориб, сани отанг қизини бизни ўғлумиз Амир Темур била шатранж ўйнатиб, қизини бизни ўғлумизга бағишлиб экан, анинг учун Сарой Мулк хонимча сиҳат-саломат бул ерга келибдур. Айди: Амур Темурни яна саломат бизни олдимизга юборгил, бўлмаса лашкари қурагон бораиб, Бухоро туфроқини кўкға совурғайман. Албатта

тезлик ила юбөргайсан. Андин кейин нома келиб Бароқхонга тегди. Нома мазмунидин огох бүлуб, хон ҳайрон саросима бүлди. Айди: ман билмадим ул амир Турағай баходур үғли эканини. Они үликидин ва тирикидин ному нишон йүктүр. Андин кейин ҳар тарафга одам юбориб ахтардилар.

ЭМДИ СҮЗНИ АМИР ТЕМУР СОХИБҚИРОНДИН ЭШИТМАК КЕРАК

Аммо үшал Шайх Ҳасан Бохурзийни майдонида ётғанида ярим кечада муридлари шайхни зиёратларига бориб кела туруб, құрдиким, бир нимарса ётур, келиб мuloқаза қилиб құрса бир йигит, барча аъзоси ёра, секин-секин қимирлаб ётур. Икки киши әрдилар, күтариб үйлариға келтурдилар. Андин хұб тарбиятиға муқайийд бүлділар. Қирқ кунда сиҳат топти. Андин кейин шайхнинг хизматига келтурдилар. Шайх Ҳасан құб навозишлар қилдилар.

БУ ДОСТОНДА ДҮНБОЙ БАХОДУР АМИР ТЕМУР ҚҰЛИДА ҮЛГОНИ. АНИ СИНГЛИСИ АХТОРИБ КЕЛГОНИНИ БАӘНИ

Аммо үшул вақтларда Урганж ҳокими Ҳусайн сұғи әрди. Үғли бор әрдикі, оти Дүнбой баҳодур әрди. Доим сайд узра ов овлаб юрур әрди. Анинг бир қуши бор әди, чангалида тевани күтарур әрди. Елғуз келиб Бухорони афгор қилур әрди. Хабар бердиларким. Дүнбой баҳодур келур. Алқисса, Бароқхон нечанд одамларни рокиб қилиб юборди. Шайх Ҳасан муроқабада әрдилар, күзларини очиб, буюрдиларким, бир от келтириңг, деди. Дархол бир от келтурдилар. Амир Темурға бердилар. Айдилар, эй Темур, сан хон олдига боргил. Андин кейин Амир Соҳибқирон отиға миниб, шаҳар дарвозасидин ташқари чиқиб, йүлни йүқотти. Ҳарчанд ахтариб қүшунни тополмади. Қун туш бүлуб, ҳароратда сувсаб әрди, бир нима бир тарафдин яшнаб құрунур. Отини анга югуртуб борди. Құрса бир қора ранглик от қозуқдин айланиб турур, они ёнида наиза ерга санчуклик. Анинг софида құкарчин юмуртқаси каби олмос құрунур. Қүёшни шуъласидин олмос яшнаб турур экан. Анда бир паҳлавон йигит ётур, шижаатда далир, бошидин олтун қуббалик дубулғасини ерға құйубдур. Соҳибқирон ани олдига бориб құрдиким, от бағрида машқда сув құрунур. Ул сувдин олиб ичти. Ул киши күзини очиб құрдиким, бир гүзәл йигит, бугдой ранглик қирана бурунлик, тиши-тишиға ёпушған турур. Анда ҳеч нима демай яна күзини юмди. Соҳибқирон сұрдиким, очмусан ё сувсаған мусан ё қасалмусан? Яна күзини очиб құлтуқидин бир ҳуққани начанд машаққат ила олиб берди. Яна күзини юмуб ёта берди. Соҳибқирон қутичани олиб құрса, тарёқ иси келур, ҳеч нима йүқдур. Билдиким, они тарёқ ҳумори қилиб йиқилибдур. Соҳибқирон анинг

таковорини миниб, аттордин иечә пулга тарёк келтурди. Йўл узра полиздин уч-тourt қовун олиб анинг олдига келиб, тарёқдин пичоқ бирла ўн мисқол кесиб берди. Зиёдасини ҳуққасига солди. Ани Дўнбой баҳодур истеъмол қилиб, андин кейин сўзга келиб, айди: Эй ўгул, мани ҳақимга ажаб яхшилиқ иш қилдинг, бу муҳлиқдин нажот бердинг. Амир Соҳибқирон сурди: ким бўлурсан, қайдин келурсан. Айди: ман Дўнбой баҳодур бўлурман. Бул ерга келиб, хуморлиқдин ўлаёздим. Худо хайр берсун, вақти била тарёқ еткурдинг, мани ўлжам сеникидур. Соҳибқирон анга ҳасаб ва насабин маълум қилди. Сан била жанг қилурни орзу қилурман. Дўнбой айди: манга фурсат бергил. Анда Соҳибқирон била қовунни коса қилиб едилар. Дўнбой айди: ман бир соат ухлайн, андин кейин, сен била муқобил бўлайн деб бошин қўйуб уйқуга кетти. Соатидин кейин туруб, қўзига қон тўлуб айди: эй бек бача, мани шартимдин эмин бўл, ман била жанг қилмагил. Амир айди: кеча сани авсофингни эшишиб эрдим, сан била жанг қилмоқни орзу қилурман. Анда қўб-қўб насиҳат қилди. Амир Темур тингламади. Анда икковлари рокиб бўлуб, Дўнбой баҳодур санчқусин қулига олиб, Амир Темур ҳам найзасини қулига олиб бир-бириға ҳамла қилдилар. Дўнбой баҳодур отига маҳмиз уруб, Соҳибқиронга санҷқу ҳавола қилди. Амир даб қилуб, ёқасидин ушлаб, тизин тизига тираб, бир тортиб отдин йиқитти. Найзаси ушалди, яна жиловни қўймай отига минди, ёсини қўлига олиб. Амирға қараб ўқ отди. Соҳибқирон қалқон юзиға тутти, яна ўқ отди, яна Амир қалқон тутти. Дўнбой ботир шиддатда бўлуб, қиличини қўлға олиб, Амирға қараб солди. Соҳибқирон қалқон тутуб эрди, дубулгаси икки пора бўлди. Амирға зиён қилмади. Амир қиличин кўтариб овоз била андоғ урдиким, Дўнбой ботир отдин юмаланиб, ерда ётур эрди. Амирни қиличи елкасига турт бормоқ ботди. Дўнбой қиличин кутариб Амирға соглаш, Амирни отини тўрт оёгини қалам қилди. Соҳибқирон ҳам яёв бўлуб, иккала баҳодур ҳарба олиштилар. Амирни совути Дўнбой ярог қиличи зарбидин ушалди. Дўнбой совути Амир қиличи зарбидин ушалди. Иккала паҳлавон бир-биrlаридин зарбу зарбда қолдилар. Гайрат жиҳатидин икков бир-бирини ёқаларига осилиб талаш қилдилар. Иккови ҳам бошидин оёғ терға гарқ бўлдилар. Амирни боши ани қўлтуғида эрди. Чунки Амирдин бўйи яrim газ юқори эрди. Соҳибқирон бовужуд талош қила-қила кеч вақти бўлди. Дўнбой баҳодур воя ейдиган вақтим бўлди деб эрди. Амир андин кейин жудо бўлди. Яна ўн мисқол тарёқ еди. Амирға айди: сан ҳам егил. Амир ўн мисқол тарёқ еди. Амирға айди: сан ҳам яна егил. Амир қабул қилмади. Дўнбой баҳодур айди: эй йигит, мунда бир воқеа бор, сан билмадинг деб аллади. Андин кейин Амир ҳам еди. Сўнгра айди: кайфин билай десанг, сув ичгил. Пиёлада сувни қўйиб, лабиға текузуб ичган кишидек Соҳибқиронга тутти. Икки пиёла сувни Амир ичти. Соати утмай оғзи куруди, юраги оғриди, қуввати кетиб, заифланди. Дўнбайдин ғон талаб қилди, нажот бермади, Амир кўнгли била тангри таборак ва таолога муножот қилди.

Байт:

Оё парвордингорм, бирү борим,
Санга маълум ниҳону ошкорим.
Ўзинг бергил манга мундин нижоти,
Муножотим қабул эт, ушбу зорим.

Ўшул вакт гойибдин кўз пайдо бўлуб. Дўнбойни қутариб ерга урди. Дўнбой айди: Эй йигит, бу нечук? Амир айди: турғил, Ҳусайн сўфи отанг хизматига боргил. Бухоро одамига озор бермагил. Дўнбой айди: талабим бор. Амир айди: дегил. Анда Дўнбой кишига айтмагил деб амирга онд берди. Айди: бу ханжарни олгил, манга согил, бошимни танимдин жудо қиагил, бўлмаса, сани ўлдуруман. Эмди манга тириклик номус. Амир айди: Эй баҳодур, бул ерда бул ишларимизни ҳеч киши кўргани йўқ. Яна манга қасам бергил, кишига айтмайман, деб. Қабуя қилмади. Ажали стиб эрди насиҳат фойда қилмади. Охир, калласини танасидин жудо қилиб, от ва қилич ва найзасига қарамай Амир хафа ва қайгуда бўлуб. Бухорога келди. Бароқхон қўйунлари ҳам Дўнбойни тоғолмай келуб эрди. Соҳибқирон аҳдида бўлуб, ҳеч кимга сўзламади.

Аммо бу сўзни эшитмак керакким, арбобдин икки ўгул, бирини оти Асадулло, бирини оти Саъдулло, иккови Ҳоқка Убон зиёратига борур эрдилар. Бир сойда кўб қаргалар овоз қилур, нечаси чиқуб, нечаси тушур эрдилар. Икков бир-бираға мундин хабар олайлук, деб келсалар. Дўнбой ботир қизига қонига гарқ бўлуб ётур. Оти вафолиг қилиб, эгасини атрофини олиб, қушлар ва йиртқичлар келса, дафъи қилур. Булар Дўнбой ўлугини таниб биадилар. Маслаҳат қилдилар, хон олдига бориб. Дўнбойни ўлдурдук дермиз. Ўлугини от узра олиб, Бароқхонга келтурдилар. Бисёр ёлгон сўзладилар. Дўнбой баҳодур бошини хон дарвозага осинглар, деб буюрди. Аммо отини ҳеч ким миномади, заңжирлаб қўйдилар. Иккала арбоб бачани туманбоши мансабига еткурди. Лекин бул сўз Хоразмда Ҳусайн Сўфига етти. Уч кун урганикийлар мотам туттилар. Урганиж беклари айдилар: Бухоро борумиз, Ҳусайн сўфи манъ қиади. Аммо Дўнбой ботирни бир синглиси бор эрди. Иккови бир кунда отга минуб эрдилар. Отини Камоа ой дер эрдилар. Гўё гўзаллигда ҳусин ўн тўрт қунаик тўлган ойга ўхшар эрди, дудоги маржон, тишлари миссан инжу, ўзи шўху бику эрди. Эгнига кўрк, бошига бўрк кийуб, халқа-халқа кокилларини одамлардин беркитуб доим газот узра юрур эрди. Кучи-куввати оғосидин неча дараҷа зиёда эрди. Анинг баҳодурагидин барча ваҳм қўрқор эрди. Доим авқот кофирлар била урушуб, бисёр ўлжак олган сабабидин аният лақабин Ҳижой Туркон дер эрдилар. Дўнбой Бухорога келуб ул қиз Ҳурросон бориб эрди. Ҳусайн Сўфи қизим эшитмасун деб, юртига жарчи қўйдиким, Дўнбой ўали деб ҳеч ким сўзламасун. Андин кейин Ҳижой Туркон кўб мол била отасини олдига келди. Ҳеч ким бу воқеадин сўзламадилар. Оғосини сўрликим, қайдадур. Айдилар: Бухоро бориб, келгани йўқтур-Отасига қараб айди: бир ҳодиса бўлгандурму, нечук келмас?

Ман борурман, деди. Отаси манъ, қилади қабул қылмади. Бир күн ул қиз ов овлаб юрур эрди бир тева, маст, анга келуб дафьи қылуб эрди, ани бир йүмриқ била бир уруб үздерді. Эгаси араби эрди, келиб айди: ботир бүлсанг, оғанғ боси Бухоро дорида түрүр, зўрлиқни анда қил, мани текам оғантин үлдурғаний йўқ. Бу сўзни эшиитуб кайфи бузулуб, зор-зор йиглаб, отасига келуб, айди: ман Бухоро бориб оғам қонин даъво қилурман деб, баҳодурлиқига ишонуб, кечани кечаш, қундузни қундуз қилуб, Бухоро шаҳрини дарвозасига келуб, бир ариғ ёқасида қарор олди. Анда Дўнбой баҳодурни отини кўрди, ўкраб йиглаб юборди. Яна ўзини тўхтатиб, қараса, занжир ила тортиб қўйурлар, ёнига одам келолмас. Келтан нимарсани ҳалок қилур. Бу қиз от олдига бориб эрди, исин олиб, тануб жим турди. Отини сунуриб, қашилаб, эгар қўйди, устига минуб, регистонга борди. Жарчилар бир йигит келур, деб Бароқхонга воқеани билдурудилар. Анда хон олдига борди. Бароқхон курси узра ўлтурууб эрди. Қиз хонин тұгрисига келуб, қарши бўлуб, тиз букуб ўлтурууб шарҳи воқеани хонга бир-бир баён қилди, оғамни ўлдурган қотилини талаб қилурман, деди. Андин кейин Бароқхон искала арбоб бачага киши юбориб олиб келтурди. Қиз айди: буларда ҳад йўқ, оғамни ўлдуреа. Бароқхон айди: булар манга Дўнбойни ўлдурдим дебдур. Мундин ўзга қотилини қайдин тоپурмиз?!

Ўлжой Туркон айди: Эй подиоҳ, сиз энди катта-кичикга буюринг мани назаримдин ўтсуилар. Ман оғам қотилини ўзим таниб олурман. Анда хон Бухоро халқига етти ёшдин етмишгача, тўққуз ёшдин тўқсонгача барча одамни қизни назаридин уч куниғача ўтқузишни буюрди. Қиз бирин-бирин айди: бу тоғик, бу араб, бу ажам, бу бўзчи, бу қўшчи, бу темурчи, бу турк, бу кўмирчи, булар ичра мани оғамни ўлдурган киши йўқ. Они башоратига барча таҳсин қилдилар. Учунчи куни Амир Темур айди: ман ҳам назаридин ўтай, танурму ё йўқму, деб борур эрди. Яқин бормасдин назари тушуб, филҳол. Амирни салобатидин билдиб айди: ана келур, мани оғам қотилини тобдим деб, Соҳибқирон олдини тўсуб, ҳасаб ва насабдин сўрди. Амир они қиз эконини билуб, анга ўзин маълум қилди. Барча билдилар, Турагай баҳодур ўғли Амир Темур ушибу турур. Ўлжой Туркон айди: сандин оғам қонин талаб қилурман. Анда Бароқхон Соҳибқиронга ярог ва аслаҳалар берди. Одамлар тамоша қилдилар.

Ўлжой Туркон айди: сену биз қадим паҳлавонлардек масоғ қилурмиз. Аммо бир-биримизга ўқ отмаймиз, чунки тамошо қилувчиларга тегмасун. Икк韶лари қўлга санчку олдилар. Амир ҷаққонлиғ ила қизни наизасини уруб синдерди. Сўнгра қиз қўлига қилич олиб, Амирга солиб эрди, совутдин ўтуб, Амир олкаси андак яраланди. Яна Соҳибқирон қиличин кўтариб, бошдин айлантуруб. Урмасдин қайтти. Ўлжой Туркон айди: нечук урмадинг? Соҳибқирон айди: сан аврат қизсан, бошингта урсам, яланг бўлмасун деб ўёллим. Яна бошка сўз: эрларни яроги хотунлар қони била бўёлмагай. Анда ярогни қўйуб, Амирни ёқеидин ушлаб, эртадин кечгача талош қилдилар. Амирни кўтариб Бароқхонни равоқини тагита келтурди. Бароқхон энгашуб қараб ўлтурууб эрди, Амирни

орқаси Бароқхонга келуб тегди. Амир бир сакраб ерга тушуб Бароқхонни қутариб яна Үлжой Турконни қўншуб қутариб олиб, неча қадам юруб, икковини саломат ер узра қўйди. Одамлардин бирдан овоз чиқти. Үлжой Туркон келуб Амیرни қўлини ўпти, айди: ман үзимни санга багишладим. Соҳибқирон айди: отанг олдига борғил ман сани тўй-томуша била олурман. Андин кейин Үлжой Туркон Хоразмга борди.

Алқисса, Турагай баҳодур Бароқхонга нома юбориб эрди. Бароқхон Амирни ҳар қаердин йўқлатиб эрди. Эмдиликда хон Амир Темурни Шахрисабзга юбормоқ бўлуб, Амирга хилъати хослар кийдуруб отасини хизматига юборди. Турагай баҳодур ўғлини олдига чиқуб, ота ва ўгул қучоқлашиб қўруштилар. Неча кун Амир Шахрисабзда Хонимча дийдорига мушарраф бўлди. Турагай баҳодур айди: Эй ўглум, тўй асбобини тайёр қилуб, Хонимча била Бухорога борайлук. Аввал, Баёнқулихон таъзиясини адо қилуб, сўнгра кейин тўйин юрга берайлук. Амир Темур қабул қилди. Андин амир Турагай ҳар нима кераклигини олиб, Бухорога юзландилар. Уч юз қатор тева тўйга кераклик юкларни ортиб, минг қўй била Бухорога етуб келдилар. Бароқхон эшиитуб, олдилариға чиқти. Муни Чигатой беклари кўруб, рашик қилдилар. Бухорода қирқ кун кечакундуз ойин bogлаб, тўй бердилар. Бароқхон мастилиқда айди: Эй баҳодур, сани оталаринг нўёндик келибдур, ман мансаби нўён демай, беандешалик қилдим. Баҳодур туруб, таъзим бажо келтурди.

Тўй тамом бўлгандин кейини, Бароқхон Турагай баҳодурни талаб қилди. Айди: Эй баҳодур, хонлиг русумини санга бердим. Ман уй ичра неча кун тинчлик қиласин. Баҳодур айди: Эй хоним афандим, салтанатни манга берурсиз, юрт қабул қилмас. Хон айди: ҳар ким санга хилоф қилса, бўйинни узарман, қонин тўкарман. Анда беклар тамоми хондин қўрқуб, Чингизхон расмида келиб, дуо қилдилар, Турагай баҳодур сарқутин ичтилар. Анда амир Турагай юрни адл била сўрай берди. Ўшул вақт ҳукомодин бири айди. Чигатой авлодидин давлат мунқатиъ бўлуб, Қорачор пўён авлодига давлат етуб, тараққий қилур, эмди амирлик ва беклиқ навбати Амир Темур Соҳибқиронникудур.

БУ ДОСТОНДА САЙИД ОТА ШАРОФАТИДИН ҚАЛМОҚЛАР МУСУЛМОН БЎЛГОНИ, АМИР ТУРАГАЙ БАҲОДУР ДаШТИ ҚИЧОҚҒА БОРИБ, ОЛАМ ФОНИЙДИН ИНТИҚОЛ ҚИЛГОНИНИ БАЕНИ

Ҳазрат Худованд лам язил ва ла язал хилъати қароматни ва либоси қобилиятни кимни бўйнига муносиб қилуб кимни қадоматига лойиқ қилур, яна кимларни залолат тунидин, жаҳолат ҷулидан келтуруб имони ислом қўёши илиа мунаvvар қилуб, шаръи шариф дарёсидин сувлар ато айлагай.

Ровийлар андоғ ривоят қилурларким, ҳазрат Сайид Ота раҳматуллоҳ алайҳанинг муборак исмлари Сайид Ахмад эрди. элатларга Сайид Ота деб шуҳрат тобдилар. Қолу хол ул зоти шарифга мундариж бўлган эрди.

Меъроj кеча расул акром саллоюҳу алайҳи васаллам Ҳаким отанинг муборак руҳларига бул зотни тобшургон эрдилар, Сайид Ахмад деган бир қобил зоти шариф бизни авлодимиздин тугулса керак. Етти ёшларида ҳазрат Ҳаким Ота кўб назри марҳамат қилгон эрдилар. Ламхот ва нафхотда дерким, Сайид Ота ун тўрт ёшларида Хоразмдин Бухорои шарифга бориб, йигирма йил илм таҳсилига машгул бўлдилар. Вақтики Баёнқулихон замонида Шайх ул аълам ва ҳазрат Сайид Ота иккала аҳлалони ўрталарида андак муноозаъат ўтуб эрди. Аммо Баёнқулихон Шайх ул аъламга иродат қилуб, ҳазрат Сайид Отани шаҳрдин ихрож қилди. Сайид Ота теваға минуб, дарё ёқасига келуб, андин ўтуб Тошкандга юзлануб борур эрдилар. Йўлда Бадр Ота, Садр Ота, Узун Ҳасан Ота Хоразмдин келуб, бул кишига қўшулуб, бу тўртовлари ҳамроҳ бўлуб, пири комил талаб қилуб, Тошкандга яқин келдилар. Ул мавзеъ Тошкандга бир тош келур эрди. Онда бир жасади кўмирдек қора кишини қўрдиларким, намозда туурлар. Марқаблари пода боқар. Ул зоти шариф Зангги Ота эрдилар. Ул ерда подачилик қилур эрдилар. Булар ахволидин сўрдилар. Эй йигитлар, сафар муборак бўлсун. Тўртовлари айди: пири комил талаб қилурмиз. Анда Зангги Ота ба-илми қаромат олти жиҳатдин бўй олиб дедилар: ҳар қанча атрофни исини олдим, үзимдин афзал киши курмадим. Филҳол, Бадр Ота, Садр Ота, Узун Ҳасан Ота мурид бўлдилар. Сайид Ота тавоғ қилдилар, кўнгилларида ҳабаший каби қора кишига ҳам ихлос қиласа бўлурму, деб андек шак била мурид бўлдилар. Зангги бобо бу рубоини дедилар.

Байт:

Эй дўстларим, келуб манга боқ,
Аъзойим қорадур, vale кўнгил оқ.
Атрофдин олдим бир исни,
Бул бандадин ўзга сини беҳроқ.

Аммо ўшул уч кишини ишлари тараққий қила берди. Лекин Сайид Ота шак қилғонларига нушаймон бўлдилар. Ахир Анбар Она арз қилдилар: пир манга илтифот қилмаслар. Анбар Она арзини еткурдилар. Ҳазрат Зангги бобо айдилар, ул муллоғиг ва сиёдатлиқға гурур қилди. Ахир, Анбар Она таъзими била Сайид Ота бир қора гиламга ўралуб Зангги Ота йўлларида ётиб эрди, кечаси Зангги Ота юруб келуб кўкрагини бостиладар. Сайид Ота ҳаракат қилди. Зангги ота кўруб табассум қилдилар. Ул кеча кўб совуқ, ер узра қор ёқон эрди. Сайид Ота кўкракларида бир қумғон сувини олиб ётиб эрдилар, ҳароратлари била сув иссиг булуб эрди, филҳол Зангги бобога бердилар. Пир муни куруб, назари марҳамат била бир тўжа қилдилар. Андин камол топуб, сўнгра Сайид Ота ишлари тараққий бўла берди. Сайид отлари Сайид Ахмад эрди. Бир кеча Сайид Ота туш кўрдиким, Дашиби Қинчоқдин олами тутуб қора сея келур. Дуо қилуб эрди, қора сел

ок бўлди, онда яна қорайди, бир аждарҳо чиқуб, Мовароуниаҳрга келуб, оламни ҳароб қилди. Анда оқ селда йигирма етти алам пайдо бўлди. Ҳар қайсини орқасидин аждаҳойи ўн саккиз шоҳи бор. Шуни кўруб уйғонуб, қўркуб келуб воқеани Зангги Отага сўзладилар. Зангги бобо айтдилар: ул сел қавми қинчоқ коғирдур, сизни қароматингиз била мусулмонлар динига дохил бўлурлар, ул йигирма етти алам, андин йигирма етти бек чиқар. Андин кейин аждаҳолар қалмоқ жамоасидур, Мовароуниаҳри мусаллат қилур, ўзбеклардин Соҳибқирон вужудга келур, оти Амир Темур бўлур. Ул ўлка иқлим барчасини мусахарра қилур. Шариати расул акром саллоллоҳу алайҳи вассаламга кўб ривож бергай. Анинг авлодавлоди салтанат сургайлар. Андин кейин яна мусаллат бўлган хонни лақабини Ҳалифат турраҳмон дерлар. Яна неча замондии кейин аҳли ҳукумат қолмоқдан келуб ўзбек мулкини олгайлар. Бўйи етти газ бўлгай, кўн соҳир бўлгай, ўн саккиз киши алардии подшоҳлиқ қилгойлар. Алардии неча йил ва неча замонлар ўтгандии кейин Дажжол алайҳал лаъина хуруж қилгай, валаҳоу олам.

Алқисса, Саййид Отага Ҳазрат Зангги бобо Даити Қинчоққа боргил деб ижозат бердилар. Айдилар: Эй Сайёҳ ўғаум, Сизни қўлингизда тотор ва Хоразм хонлари била, кўб элатлар мусулмон булиб сизга мурид бўлгайлар. Шул вақтда Хоразмга Жонибек қалмоқ хон бўлибдур. Расул алайҳиссалом пайгамбаримиздин бери ул юртлар мусулмон эрди.

Ул қалмоқ ўз динига тобеъ қилубдур. Эмди, эй ўғлум, биздин рухсат сизга бўлеун ул юртларга бориб мўгул ва тоторларни мусулмон қилуб, шариатни жорий қилинг деб кулоҳ била асо бериб дуо қилуб фотиҳа бериб юбордилар. Бадр Ота аиди: ман ҳам борурман. Зангги Ота ҳарчанд манъ қилдилар, бўлмади, икковлари ҳамроҳ бўлмоқга иттифоқ қилдилар. Зангги Ота Саййид отага китоби қилуб бердилар. Ҳар ерда дармонда бўлсанг очиб кўргил. андин икковлари Даити Қинчоққа равона бўлдилар. Начанд ўйл юруб иккала мурид бир чўлистанга келдиларким, ошиқлар кўнглидин иссигроқ оташ ила қумлари баҳиллар кўзидан қаттигроқ, ул миқдорда сувсаб ташна бўлдиларким. Бадр Ота оёқдин қолдилар. Шу дараҷага еттики, рух тўтиси таи қафасин зиндонидин учмоқ шакаристонига тайрон қилиди, яъни дохили раҳмат бўлдилар. Анда Саййид ҳам чўлламоқлари голиб кедуб Зангги бобо берган хатлари хотирига келуб, очиб мутоллаа қиласалар, дебдурларким. Бадр Ота қайси ерда оламдин ўтса, ўшил ерга дафи қилинг. Андин Айнинбуъ булоқи зоҳир бўлур. Ўшал булоқ бизни замонимизгача холо мавжуддир. Ул мавзъни Куйук дерлар. Тошкандга тўрт тошдур. Яна айтубдурларким, соат таваққуф қиласанг, қавми ҳозир бўлурлар. Алар Бадр Ота жанозасини ўқурлар. Анда Саййид Отага гўр кавлаб эрдилар, булоқ зуҳур этти, ичтилар, сучук эрди, қондилар. Анда маййитни қуруқлаб турдилар. Ногоҳ бир тарафдии чанг-тўзон пайдо бўлди. Андин кўп-кўн оқ кийумлик одамлар кўрунди. Нечалари қоплонгга мингаш ва қанчалари арслонгга минубдурлар. Баъзилари бабрга

минуб, турлук-турлук ҳайвонларга минуб келдилар. Аларни улуғи Шайх Ҳасан Булғорий эрдилар. Бухорои шарифга келурдилар. Анда Бадр Отага намоз ўқуб, турбатга тобшурдилар. Сайид Ота уч кунгача ул ерда алар билан сұхбат түздилар. Шайх Ҳасан Сайид Отага айдилар: «бориб жатта қиңиқи мусулмон құлурсиз». Алар била видөй қилуб, йұлға тушилиар. Бир тогни этакиға келуб күрсалар бир қоплон кийикни олиб емокга қасд қилубдур. Анга сиёсат ила овоз қилдилар, кийикни ташлаб кетти. Бул кийик Сайидни оёқларига бош қўйди. Андин сайдни бир булоқ ёқасига келтурди. Анда бир йигитча ўн саккиз яшар мажнун сифат, соchlари белига тушган, тоидин камар боғлаган қалласини қўксига ташлаб ўлтурур. Кийик келиши бирла йигит ўриидан туруб эрди. Сайид анга келуб салом бердилар. Бошини кўтарди, ҳарчанд сўз сўрдилар жавоб бермади. Яна қалласин қўкрагига ташлаб ўлтурди. Баногоҳ чангги бир тарафдин кўрунди, ул тўзон ичра минг чоқзук қора кийумли болалар олти ёшар — етти ёшар ўйнаб келурлар. Барчалари бу йигитни бошидин айландилар. Бўйнида бути бор эрди. Анга сажда қилдилар. Яна ўйинга муқайийид бўлдилар. Ўйунлари мисли ўқ ёй, шухтабозлиқ ва тупуқбозлиқ ва дарбозлиқ, неча ўйинлар шунга үхинаш эрди. Аммо ул йигит ҳеч қарамайдур. Сайид таажжубда бўлдилар. Алар йигитга айтур эрди: Эй бек бача афаидим, нечук қайгудасиз? Ул сўзламас эрди. Яна бир тарафдин чанг пайдо бўлди. Андин ўн минг қора кийумли йигитчалар барчаси ўн саккиз ёшар мукаммал ва мусаллаҳ ёрог-жабдуқ била отларга минган, бошлирида жига, келуб ул йигитдин булар ҳам шарвона каби айландилар, бошлирини оёқига қўйдилар. Айди: «Эй бек бача, аргумоқ отлар, аслаҳа-ёрголар билан турур, баҳодурлар бекор юрур, турғил, мамлакатга муқайийид бўлғил» деса, асло ганирмас эрди. Андин кейин минг қиз, қўлларида дўнбура, рақс қилуб барчалари турлук-турлук лиbosлар кийиб, гузалликда ратьно каби, зеболикда барно, алар келуб айдилар: Эй бек бача, хоним, сизга фидо жоним, бизлар сизга чўри бўлайлик шароб, чогир, оёғлар тўла қўйуб берайлик, бул миқдор хафалигда ва кайгуда бўлманг», дер эрдилар. Аларга ҳеч илтифот қилмас эрди. Андин кейин ўн минг йигит келди. Ёшлиари ўттиздин қирқгача, барчалари мукаммал ва мусаллиҳ, андин кейин ўн минг киши келдилар, барчалари қора кийган, бўйниларида бут осган, мўйлаби оғзи бостган, саф-саф кела бердилар. Сайид таажжубда эрдилар. Алар ўртасида бир оқсоқол қари киши йиглай-йиглай қўзлари кўрмас бўлубдур. Ул йигитни қучогига олиб, зор-зор йиглаб айди: Эй ўглум, мани қарилигда заиф нотавон қилдинг, улус аҳли ўртасида қайгуда қўйдинг. Келгил, манга сўзлагил, тоқатим қолмади. Мунга ҳазрат Сайид Ота ҳайрат бармоқин тишлаб, воажабо, бу ўгулга нима воқеа юзланубдур дер эрдилар. Ул жамоа бул ердин қайттилар. Сайидни ҳар қайсилари меҳмон қилурга уйларига таклиф қилдилар. Агарчи коғир бўлсалар ҳам меҳмонни дўст тутар эрдилар. Сайид алар билан бордилар. Олдиларига ошаом келурдилар. Сайид емадилар айдилар: Сизлар коғиреиз, таомингиз макрух.

Сайд ота ўциул қари кишидан телба йигитни

шархи воқеасини сўради. Қари кини сўзга келуб айди: шарофатлиқ меҳмон, мани Жонибек хон дерлар, бу мамлакатлар барчаси менга тобеъдур. Бу йигит мени ўглумдур. Оти Ўзбекхондур. Ўглум қанча қўшиун била Табризга ва Хўжандга борур эрди, табризликлар йўл узра келуб, Фарҳодбек, Ҳисравбек иккови бизни аскар бирла жанг қилубдилар. Алар қўшунлари ичра қаландари Ҳожа Қамол Ҳўжандий — машҳур кипи келуб, мани аскаримни дуои бад қилиб, қарғаб, бир овуч туфроғ сочиб экан, қанчаси жинни, телва бўлиб ва қаичаси ўлубдурлар. Мани ўглум ҳам телва бўлубдур. Анда Саййид Ота муборак оғизларидин бир томчи ҳоқига томузиб эрдилар, филҳол, ҳушёр бўлуб, согайди. Анда Жонибекхонни элати била бу кароматни кўруб мусулмон бўлдилар. Подшоси Ўзбекхон ҳам мусулмон бўлди. Ҳар кунда Саййид Ота олдиларига алар қавмидин икки қабила-уч қабила келуб, мусулмон бўлур эрдилар.

Алқисса, Саййид Ота Хоразм шаҳри ичра кириб, ҳар ерда бутхоналардаги бутларни синдируб, масжид ва хонақоҳ солдуруб илми кол, илми ҳол дарсида мавж урар эрдилар. Шариатни ул юртларга жорий қилдилар. Кунлардан бир кун Ҳожа Қамол Табризда туруб эшиитиларким, ҳазрат Саййид Ота Қинчоқ элатларини мусулмон қилибдурлар деб. Унбу газални айтуб, элчидин юбордилар.

Байт:

*Ибрат ила қил назар, бул ерга кел, бул ерга кел,
Бўлмайин зеру забар, бул ерга кел, бул ерга кел.
Сан бу дам қошимға кел, хизматда бўл, кўзингни оч,
Илкима тифи ду сипор, бул ерга кел, бул ерга кел.*

Анда ҳазрат Саййид Ота бу сўзни эшиитуб валоятлари ва сёбдотлари мавжига келуб, филҳол, қаламни қўлиға олиб, ушибу ишшони битуб, Табризга Ҳожа Қамол хизматига элчига бериб юбордилар.

Байт:

*Химматим жўши урса, мундин арии аъло бораман,
Сайр этарман бу жағонни, якка, танҳо бораман.
Мисраъим, мадди қиличдур. Умаро қатлидин нишон,
Кофири аҳлиға бўлиб шайх, қалисо бораман.
Ихтиёрим ўйқ ўзумда барча иш оллоҳ билур,
Амридаманки, асноға гоҳи боло бораман.
Фахри қимма гар қўлингда бўлса ул тифи ду сипор,
Тигингни айлаб яроғ этмоққа савдо бораман.
Саййид Аҳмаддур отим, пирим мани Зангги бобо,
Боҳабар бўлғил сени айлабки яғмо бораман.*

Лекин икки азиз ўрталарида бу каби сўз қўбдур. Бир кун Ўзбекхон Саййид Отанинг хизматларига келуб, сухбат қилуб

ултуруб айди; Эй Сирожиддин афандим, нима бұладур бизлар била Хұжандға борсанғиз, андин Даңғыл Қинчоқға борсак, әшитурманким: Хұжанд одамларин ярмисидин күби коғир эмиш деб. Таңгри иззи жалл ёр булиб, пирлар мададкор бұлса, коғирларни мусулмон қылсақ, мусулмонларни сизга баъят қылдурсак. Сайиид ота тузук, бу маслағатларинг яхши деб жавоб бердилар. Андин кейин Үзбекхон ўттиз минг аскар билан Хұжандға юриш қылдилар. Аммо Сайиид Оға ҳам мусулмон бұлған мурид әлатлардин үн минг йигитни Хұжандға ва Табризға олиб жүнадилар. Габриз ҳокими Фарҳодбек олдиларида Хожа Қамол бор әдилар. Әшитуб шахрдин ташқары құшун билан чиқтилар. Бу ёндін Сайиид Ота бордилар. Тарих етти юз әллик тұққуз (1358-й.) да сафар ойини йигирманчисида, жұмағ куни әрди, икки аскар бир-бирига мұқобил бўлди. Сайиид Ота ул кун бир яхши аргумоқ отга минуб, зарбофт, кимхоф кийуб қўшун ўртасида әрдилар. Барча ул кишига таъзим-тавозеъда әрди. Үзбекхон аҳд қылдиким, мани авлодимда сизни зурриётингизга барча қул булиб абад хизмат қылгай.

Анда Хожа Қамол сўрдилар: зарбофт, кимхоф кийган киши кимдур. Айдилар. Сайиид Ота. Андин кейин Хожа Қамол ушбу рубоийни ўқ билан bogлаб, ёйга солиб икки манзил йироқ ердин оттилар. Сайиид хабардор бўлуб, ўқни қўллари била ушлаб олдилар. Бу кароматни Сайииддин сарих кўрдилар. Қогозни олиб, хатни ўқиб кўрдилар.

Б айт :

*Сайиид аҳлоқ ичра бу оромудур,
Зоҳирингда зайнату зебомудур,
Хилъати зор киймоқингдин не қиёс,
Икки ранг икки юз раъномудур?*

Анда Сайиид Ота бу келган ўқга бу рубоийни ёзиб бойлаб, бормоқлари билан ўқни чертиб юбордилар, гүё ўйдин чиқғон ўқ каби Хожа Қамолга бориб етти. Үқуб кўреалар бу рубоий ёзилгандур.

Б айт :

*Ушбу оламда юурман рангба-ранг,
Хожа, кўргуз гайратинг қилмай даранг.
Зебими раъноға ўхшатма мани,
Шайхимиз Занғги Отадур англасанг.*

Алқисса, тоңгласи куффор зулумоти беркунуб, қүёні сайёди кўк майдонига чиқуб, олам мӯъмин кўнглидек зиё топуб әрди. Анда икки тарафдин нақора, борабон, карнай чолиб икки аскар бир-бирига мұқобил бўлдилар. Лекин Фарҳодбекни қалмоқлардин аскари, бало адад кўб әрди. Ул кун андоғ уруш бўлдиким,

Бұлғаш як бора ки үрүш қаттыг,
 Күб синиб наңзалаар үшомыб тиг,
 Осмонға чиқып ғубору гард,
 Құлға асбобини олиб ҳар фард.
 Марғ дағлоли бұлдаи чобукки қуст,
 Ақж башынни анда айлаб суст.
 Гарм бұлдың ұлумны бозори,
 Малик үл Мавт бұлайб харидори.
 Сув каби әл қони тұқуламаклик,
 Танларидин боши сұқиалмаклик,
 Үшлашиб, тишилашиб олишмоқдур,
 Рұбарұ келса ким солишмоқдур.
 Барчаси бир-бираң суруб ҳар ён,
 Башын жөн вәжидин бұлуб җайрон,
 Ким қочиб, ким қуварни билмаслар.
 Гард үл а бир-бираң құролмаслар,
 Қиру сойда тұзон олиб құзни.
 Қым топур анда ёв билан ұзын,
 Үшлашиб бир-бираң құчоқлашмоқ,
 Гар қилич бұлмаса фичоқлашмоқ,
 Соң тоши соңына кесиб боини.
 Анда фарқ айламай кари-әшни,
 Оттар ұз җолица юрур үйнаб,
 Қимсалар жөн берур тишин чайнаб,
 Қианалиб чиқмойин печа жони.

Аммо үл куни урун хаддии оити. Қалмоқтар қони дарё каби тоити. Саййид Ота муридларидин Құнғир отлиғ үйгит майдонга кириб бир-бир әлдік қалмоқни жонин тамуг казармасига юборди. Айда Саййид Ота айдилар: баракалло, Құнғир отлиқ муридим. Они анатоди Құнғирот отаидилар. Аидин кейин манглайи оқ қашқа отапт бир үйгит майдонига кири. Үл баҳодур қалмоқдин сақсан кишини жаханинамга сақбои қылди. Анға Саййид Ота: «баракалло, манглай отлиғ муридим» дедилар. Мангут отаидилар. Мангут асли — манглай от. Аммо, мангут иккі қисмдур: оқ мангут, қора мангут. Оқ мангут хазрат Амир Темур анатодидур. Яна бир баходир чиқуб юз қалмоқни үлдерди. Үл Қонадул отлиқ шахлавон эрди. Аидин кейин Фарходбек Хожага таъзим қылуб, фотиха олиб, майдонға көзланди. Яна бұл тарафда Ұзбекхон Саййидға таъзим қылуб, фотиха олиб, майдонға көзланди. Иккала аваиә ботинда бир-бірларига жант-жадалда эрдилар. Айда иккөни бир-бириға мүқобиға бұлуб, Фарходбек Ұзбекхонни беаидан ушлаб күттарди. Құншулар хар замон Саййидға иштико қылдилар. Саййид Ота ишлары хазрат Запги Отага мутаважих бўлдилар. Вақти келуб Ұзбекхонни нұтаси узулуб, ерга тушуб, кули синди. Ұзбекхонни аскари қочти. Табриз құншулари гоғиб келди. Саййид Ота

иирларига мутаваижих бўлуб эрдилар. Ўшал кечаси Саййидни тушнида Зангги бобо келуб; мардана бўл, дедилар. Анда тун ярмида тог жонибидин садон гойиби келин. Табриз аскаридин гавго ва шавқин чиқа берди. Ўн кини жосусе бўлуб бориб кўрсалар, Табриз қўшинларини сен келуб босибдур. Маълум бўлдики, каромати Зангги бободур. Ўзбекхон аскари кўб ўлжга олдилар. Ҳожа била Фарҳодбек ќочиб ёшунилар. Саййид ота қўшун била бостуруб Табриз қониқсига кирдилар. Ҳожа била бекни ҳарчанд ахтариб тоғозмадилар. Саййид Ота буюрдилар. Табриз уламоларини жамъ қилинглар, деб. Албатта, Ҳожа Камол ҳам кўрунса керак. Анда жамъи уламо келдилар. Саййид сурдиларким, шу икки масалани сўргайман! Таңгрим нимани яратмас ва нимани билмас? Анда муалолар кирқ кунга муҳлат сўрдилар. Қирқ кундии кейин Ўзбекхон муалоларни қатли омга буюрди. Анда бир қари хотун келуб аиди: Эй жаллоҳ, қатли уламодин қўлингни торт, масала жавобини ман берадурмаи. Они хонни олдига келтурдилар. Қари хотун аиди: Эй хоним афандим, масалани иззат қилисанг, тахтдин тушгил. Хон Саййидга қаради. Саййид ишорат қилдилар, Ўзбекхон ерга тушди. Қари хотун анда аиди: Масалани жавоби булдурким, тангри таборак ва таоло ўзи каби худони яратмас, яна ўзидин ўзга худони билмас. Анда Саййид Ота «бу масалани санга Ҳожа Камол ўргатибдур», деб кун қари хотунни қамаб қўйдилар. Ҳожа Камол била Фарҳодбек бул хотун ҳовлисида эрдилар. Анда қари хотун қамалганини эшилтилар. Фарҳодбек бизлар учун хотун кинини азоб тортмоги яхши эмас, деб Ўзбекхон олдига борди. Орқасидин Ҳожа бордизлар. Фарҳодбек неча кинини қилич билан уриб, «буя хотунида ниманг бор», деб кутқариб юборди. Ҳеч кини бек қопига боролмади. Ногоҳ искандар они отлиқ киши келуб, бекни қатл қилди. Ҳожа келгач, Саййид Ота Ҳожани тутуб оадилар. Ул шаҳар одамлари барчаси мусулмон бўлуб, ҳазрат Саййид Отага мурид бўладилар. Аммо Ўзбекхон аскарига Табриз ҳавоси хуш келмай ўла берди. Ҳон Дашиби Қинчоқга мурожаат қилди. Ҳожани келтуриб шаҳр ичра саройга қўйдилар. Анда Саййидга Ҳожа Камол бу рубоийни айтиб юбордилар.

Байт:

Илоҳи, мартабангни ҳақ паравон айласун, Саййид,
Мадад ҳолимга доим Шоҳмардан айласун, Саййид.
Мани фориғ қилуб ғамдин бу ердин сен најот этгил,
Сани ҳам мушкулингни тангрим осон айласун, Саййид.

Андин кейин, Саййид Ота бу ёзни эши туబ, Ўзбекхондин рухсат олиб. Ҳожи Камолни Табризга юбордилар. Аммо Қамариддин отлиғ бир тоғик бор эди. У шумни асли Балхдин эрди, бўйи узун кини ўрли, саёҳат қилуб юриб. Дашиби Қинчоқга келди. Ул вактларда Тўқтемирхон, баъзи китобларда Тўқлуг Темурхон дерлар, ёши тўртда эрди. Ўғлон маснадига ултурууб эрди. Қамариддин тоғик расми айёрлик била бул ерга келуб аларга хизмат қилуб юради.

был ерга келуб аларга хизмат қилуб юрар эрди. Ул вақтларда халқға ўглон ҳукумати эътибор тониб эрди. Ҳонликии Тўқтемур хонға ўглонлиқни Давлат шайхға хоҳлаб, аниг укаси расми ҳонликини Тўқтемурга бердилар. Булар насли Шайбонийхон иби Жўжихон иби Чингизхондин бўлур. Баъзилари Тўқтемур жонибига ўглонлиқни бердилар. Баъзилари Давлат шайхга ўглонлиқни бердилар. Аммо Давлат шайх ўглонлиқни олмади, балки қабул қилмади. Давлат шайх билан Тўқтемур иккови қардош эрди. Давлат шайх тўрт ёш катта эрди. Ўн саккиз ёшар эрди. Охир, шул сўзга қарор бердилар, иккови отга минуб чопгайлар, қайси бири ўтса ҳонлик маснадига ўлтургай иккови анда отга минуб чопишидилар. Тўқтемурхон Давлат шайх била ўглон нишонига тенг борди. Анда Давлат шайхни отини боши айланди. Тўқтемурхон оти ўтуб, хон нишонига борди. Давлат шайхни оти ўглон мартабасида қолди. Тўқтемур хон бўлиб тахтга жулус айлади. Расми ҳонлик анга муқаррар бўлди. Аммо мулло Тапиш Бухорий сузи била шайх Худойдод деган азиз, яъни Худой берди, Худойқули ҳам дерлар, Қинчоқни мусулмон қилуб эрдилар. Аммо хон ҳануз кофир эрди. Шайх Худойқулига кофир бўлса ҳам мухлис эрди. Тўқтемурхон қошига бориб айдилар: «ман пиримдин эшитуб эрдим, амири жаҳон вужудга келур, ани Ҳадид дерлар, яъни оти Темур бўлур, ер юзин ва кун кўзин олур. Сани отинг Темурдир», деб ҳонга кашур кушолигни, яъни етти иқлимни фатҳ қилмоқни далолат қилдилар. Булар ҳазрат Саййид Ота сарига отландилар. Аммо Саййид Ота шайх Худойдодга нома юбориб, айдилар: баъзи қинчоқлар мусулмон бўлди, аммо қўброқи кофирдурулар, яна сиз келуб мангимод беринг, барчасини мусулмон қилайлук. Шайх Худойкуни айдилар: олдимга келуб мурид бўлсунлар. Қабул қилмадилар. Саёдот жиҳатидин ўрталарида низоъи куб бўлди. Ўзбекхон Саййид Ота жонибидин эрди. Тўқтемурхон шайх Худойдод жонибидин эрдилар. Саййид аскарида мусулмон куб эрди. Шайх лашкарилар кофир кўб эрди. Иккала азиз кун жанг қилдилар. Шайх Худойкуни қўшуни ичра издиҳом кўп эрди, Саййидники озроқ эрди. Тўқтемур қули галиб келди, нечук аниг қулида ҳар элатдин одам бисёр эрди.

Алқисса, Саййид Ота Бароқхон хизматига Бухорога ном юбордилар. Аммо Баёнқули вақтида ҳар йили Дашиби Қинчоқга синоҳ юборур эрди. Лекин Бароқхон юбормади. Ушибу боб юқорисида мазкурдурким, Сарой Мулк ҳонимча сабаби иш Бароқхон ҳонлик маснадини, Амир Турагай баҳодурга бориб эрди. Саййид номасини эшитти, филҳол, отланди. Бароқхонди жавобсиз хазинадин беш юз тевага мол юклаб олиб, Бароқхонни хабар бермади. Иш бузулмасин деб Амир Темурни ўрнига ўтқузуб ўзига қанча аскар олиб Саййид Ота жонибига юзланди. Лекин Чигатой бекларидин ҳеч киши ҳамроҳ бўлмадилар. Турагай баҳодур кетгандин кейин Бароқхонга маълум қилиб, делиларки Турагай баҳодур Амир Темур ўғлини ўрнига қўйуб, ўзи хазинадаги бор нимарсанни олиб, Дашиби Қинчоқга Саййид Ота олдилари кетти, қўнглида бир ёмонлик борга ўхшайдур, аларни ўзига қилубдур, нечук, Сизга сира маълум қилмайдур. Бароқхон айди:

мани дүстимдур, аниң ихлосин сизлар билмессиз, деб салтанатни Амир Темурға құя берди. Сохибқирон юртнан андоғ адолат билан сүрадиларким, етти туман Бухоро барча оғарын дедилар. Бир күн Амир беклар била Бухорони дарвозасидан чиқуб, ов қылғоли борур әдилар. Абу Ҳафз Қабирийнинг иморатларини ёнида бир неча ушоқ болалар уйча үйнаб үлтурур. Алар ичра бир бола қаландар сурат, вали сийрат, қизил юзлик, қурайлай құзлик, кокиллари фатиля-фагила, пұтасига үролгон. Сохибқирон ани томоша қылуб турдилар. Үл бола қараб айди: Эй Амир Темур, мани үйумни сотиб ол, санга фойда қилур. Амир таажиқуб бармоқин тишлаб үл болани Құнғли учун бир күмуш танға бериб сотуб олдук деб Саййидға юзландилар. Амир овиди келуб үл кечаси түш күрсалар, гүё қиёмат қойим бұлубдур. Ҳашр-нашр гавғоси -- туб-туб халойиқларни баъзиси мезонга ҳайдарлар ва баъзисини сирот қуфрукига ҳайдарлар. Барчаси, во ҳасрато, во надомато, деб йигларлар. Амир Сохибқирон ҳайрат дарёсига ғарқ бұлуб туруб әрдилар, баногоҳ фаришталар келуб, Амирни бир тахтта чиқоруб, кутариб учмоқга еткүздилар. Анда иззат-икром била иморати олийға киргүздилар. Анда ҳисобсиз хуру гильмонлар Амирни хизматида бұлдылар. Ризвонлар айдилар: бу кечаги шарофатли үглонидиң олғон үйүнгірдур. Филхол Амир үйғондилар. Эртаси яна овға чиқтилар, борсалар болалар яна үйнаб үлтурур. Амир айдилар: эй бола, үйүнгни сотармусан. Үғлон айди: үйумни минг танға сотарман. Амир айди: кеча бир танға сотуб, бугун нега мундог қиймат қилдинг! Үғлон айди: бу күн үйумни қадрин билдинг. Минг танғ ҳам бұлса баҳоси оздур. Филхол, Амир Сохибқирони отдин тушуб үглонни оёғига үйқилдилар. Үл бола Ҳожам Баҳо үл Ҳақ vad дин (Баховуддин) әрдилар. Дерларким: аввал Амир Темур Сохибқирони Шайх үл аълам тарбият қилдилар, иккинчи шайх Шамсиддин Қулол тарбият қилдилар. Учунчи Шайх Ҳасан Бохурзий тарбият қилдилар. Тұрткынчи Нақшбанд пирам тарбият қилдилар. Оламдин интиқол қылғунларыча тұрт вали тарбият қилур әрдилар.

Алқисса, Амир Темурни юртни муфаттынларидин ихтиroz қилуб, хонимчани олуб, Шахрисабзга кеттилар. Беклар яна фитналиғни құзғаб, айди: «агар мундог бұлмаса, үгли ҳам Шағрисабзға бормас эрди». Бароқхон нома ёздиким, Амир Темур тез келсун. Бул нома бормасдин беклар хат юбордиким, агар келсанғ жонингдан кечиб кел. Сохибқирон келмади. Бароқхонни анда ғазаби келуб ва аччиғи зиёда бұлуб Саййид Отаға нома юбордиким, Турагай баҳодурни тамом қилсунлар. Аммо Турагай баҳодур бориб Саййид ота Үзбекхон била мұлоқот бұлуб андин кейин шаҳрдин ташқарига чиқуб күрдиким. Тұқтемурхонни ташқары Үзбекхон аскарини атрофини олибдур. Қелтурган штунларни анда тұда қилуб, аввал Саййид құшунларига берди. Барчалари бой ва гани бұлдилар. Андан кейин жарчига хабар бердиким, қайси ерда жатта элидин бұлса, чақыргил, қаңча шитуб, күмуш керак бұлса, мани олдымға келсун. Сұзни жарчидин шитуб, ҳар ерда одам бұлса кела бердилар. Тұқтемурхон штунларигача бузулиб гуж-ғуж бұлуб кета берди. Мани күрүб

Тўқтемурхон буюруб, Қамариддин тожик отга минуб ҳарчанд синоҳларга буюруб жамъ қиломади. Бир кун кечгача қипчоқ аскари бузулуб, юз киши қолибдур. Ўшул кеча юз киши билан тоғдин ошуб қочиб кетубдур. Турагай баҳодур тамоми ўзбек қўлига олтун-кумуш берди.

Алқисса, Бароқхон номаси келуб, Ўзбекхонга тегди. Ўзбекхон муни ҳеч кимга изҳор қилмайдиган, деб ўзи ҳам ҳеч кимга изҳор қилмади. Ва яна Сайид Отага келуб бул воқеадин сўз демади. Турагай баҳодур салтанатлиг дагдагасини қилғонда Сайид манъ қилуб эрдилар. Иттифоқо Амир Турагай мулоғимларидин бириномани тошиб келтурди. Баҳодур мутолаа қилдиким, ўз қатлига аломатдур. Яна Сайид Отага они салтанатдин манъ қилуб эрдилар, анинг чун газаби ва аччиғи зиёда бўлуб, ўшул кеча Сайид билан Ўзбекхонни бойлатиб, занжир ила кишинатуб, аларни молин талон қилурди. Сайид мани хабарим ўйқ деб онд иҷтилар, қабул қилмади. Ўзбекхонни буюрдиким, танасига шизни суркаб етти кун офтоб рӯёсига тўрт қозиқ қоқиб боғлаб, аъзосини догоғлаб қўйдилар. Сайид Отага қатлга буюрди. Бул киши соёдотлигини шафез келтурди. Охир иккала кўзларига олмос қўйуб кажава ичра солиб Бухорога юборди. Олмос таъсир қилуб, кўр бўлдилар. Сайид қаргишига учраб муҳрақ касалига мубтало бўлуб, бир кечада Амир Турагай ҳалок бўлди. Барчалари билдиким, Сайид Отага газабидиндуру, тарих етти юз олтминш эрди (1359 й.).

Байт:

*Ҳазрат Сайид Отага қаҳри била Турагайни кўр,
Бир кечада ул баҳодурни ҳалок эткурур.*

Алқисса, Турагай баҳодур қўшуни ҳар тарафга бўлуниб кетти. баъзилари ўлукни кўтариб Бухорога келдилар. Тўқтемурхон бул воқеани эшиитуб, хуруж қилиб, Қамариддин тожик ва Шайх Худойодлар келуб Турагайни хазиналарини олиб ўлжа қилдилар.

БУ ДОСТОНДА ҚИПЧОҚ СИПОХИ МОВАРОУННАҲР ШАҲАРЛАРИНИ ОЛГОНИ, АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН НЕЧА КУНЛАР МАШАҚҚАТ ТОРТГОНИНИ БАЁНИ

Вақтики Сайид Отага Бухорога кетурдилар, беклар ва амирлар эшиитуб олдиларига чиқтилар. Қўрсалар, Сайидидни кўзи кўр бўлубдур. Хонақоҳ ичра кириб, тоатга муқайийид бўлдилар. Яна баҳодурни ўлугини келтурдилар. Они Шахрисабзга Соҳибқиронга элтуб, отасига жаноза ўқуб, мозори шайх Шамс Кулолга дағи қилдилар. Соҳибқирон хонни бу ишидин ҳеч манзур қилмадилар. Аммо Бароқхон бир кечаси туш кўрса, Амир Темур қўлида тамоми мулк тасарруфидадур, уйгониб бекларга кенгаш қилуб айди: Амир

Темур Қораҷор пўён авлодидур, ул Чингизхон вазири эмасму, Чигатой авлоди насли Чингизхондурму, албатта салтанатга Чигатой авлоди ўлтургай. Аммо Бароқхон беклар куринишида шиква қилдиким, сизларни бир қабилаи кўрагонга тоқатингиз ўйқ, Чигатой ва қўнгирот эл ўлтуруб эрдилар. Қўрак бий деган киши қозоқдин эрди, Амир Темур жангига ул муқайийид бўлди. Хон анга ватъда қилдиким, сани амир, пўёғ қилурман деб.

Алқисса, аскар била Қарши бориб, андин Шахрисабзга юзланди, бориб Шахрисабз атрофини олди. Анда бир қаландар Қўракни олдига келди. Андин Амир Темур ахволини сўрди. Қаландар айди: Амир Темур хонимча била элидин Даштга чиқуб сайд қилмоқ учун Ҷўнбай баҳодур отин минуб келуб, фалон ерда яшил чодир ичра ўлтурубдур. Ман анда эрдим, эт пишуруб манга бир андак бердилар. Хонимча иккви бир чора этини едилар, манга озроқ олтун бериб, бул ерда неча кун тургил, деди, қабул қилмадим. Начанд вақт Ҳиндустонни сайд қилдим, эмди иштиёқим Бухорога борурман. Қўрак бий айди: Амирни элдин узоглиги не миқдордур. Ул айди: бир кунлик йул бордур. Қўрак бий қаландарга канча олтун бериб, қаландарни жандасини олиб кийди. Аскарига эҳтиёт бўлунг, деб ўзи қаландар суратида бўлуб, Амир Темур жонибига юзланди. Бориб қўрдиким, бени-олти кўл, чўри Амир хизматида эрди. Соҳибқирон этини пора қилуб ўлтурур. Қўрак бий бориб «шай олло» дедилар. Амир Қўрак бийни кўрмаган эрди, хонимча ёнида ўлтурди. Ул вақтларда хотунларга юзини беркитмоқ ўйқ эрди: хоҳ сорт, хоҳ ўзбек, хоҳ тоҷик. Қўрак бий қўзи Амир ўқ ёсиға тушти, ҳар ўқни қадди бир ярим пайза келур эрди. Аммо Қўрак бий кўб сувзга етук киши эрди. Соҳибқирон андин Бухорони сўрди. Амирга хушомад қилуб ёлғон сўзларни муболага била сўзлади. Қўнглида шул эрдиким. Амир бир шимага машғул бўлса, ёй била ўқларини ўғирласа. Хонимча келуб айди: эй бегим афандим, туруб, хабар олгайсиз мабодо ёв келган бўлмасин, нечун отингиз куйругин қиллари сочилибдур. Амир қабул қилмади, яна келуб айди: қозон ўртаси қайнар, мунда от кишинар, тургил, отга минуб атрофдин хабар олгил. Соҳибқирон маъқул қилмади. Аммо Қўрак бий хонимчани туйгунилигига аҳсан деди. Аммо Бароқхон айтуб эрди Амир Темурга голиб келсанг бир иш қилиб Сарой Мулкни келтур, анинг била бизни ўртамиизда яқинлик бўлмасун. Алқисса, таом еб бўлғандин кейин Амир нақзу зувга ташқари чиқти. Хонимча яна бир ишга машғул бўлди. Қўрак бий анди секин ёй ва ўқларини олиб кочти. Бул тарафда тогни остида синоҳи тайёр эрди, овоз қилдиким, югуринг, отларни келтуринг дегач, минг киши келдилар. Амир қўрдиким, иш мушқул бўлубдур. Филҳол, от устига ўзини олди. Хоҳласа Хонимчани отга олса. Оломонлар етти, хонимча ўзини бир тарафга олди. Лоилоқ, Амир қочти, киши анга етолмади. Оломонлар молларини олдилар. Хоҳласалар, Хонимчани ялангоч қилсалар. Қўрак бий аларни қилич билан урди, атрофга қочти. Қўрак бий Хонимчага таъзим қилуб айди: Эй Хонимчам, мани кариндошингиз Бароқхон сизга юборди. Хонимча замонасозлик

учун Амирдии шиква қилди. Анда кейин Хонимчани Күрак бий қажава ичра солди. Мол, асбобларин юклаб олди, ўзи жиловини ушлаб йўлга тушти. Хонимчани кўнгли Амрида эрди. Аммо Соҳибқирон нари бориб ўз кўнглида уйлаб эди: агар эл ичра борсам манга таъна қилурлар, нечукким, алар бизлардин жудо бўлмагил деб эрди. Бўлмаса, ёвга борсам, қўлимда ёй ва ўқларим бўлмаса, алар била жанг қиласам, шундог ҳам бўлса, бориб Кўрак бийни орқасидин етуб, чоқирди, айдиким, ҳар нимани олсанг ҳам хотуниимни бергил. Кўрак бий аиди: мани қадим шул хотуниинг учун келуб эрдим. Лоилож Амир отини бошин силаб таваққуф қилди. Тоқати бўлмай яна борди, начанд мартаба борди, ахир аиди: Сарой Мулк завжамии ўзидин савол қилойин, агар ул қабул қилмаса, ихтиёrim ўйқ. Анда Кўрак бийга Хонимча аиди: мани тўхтотгил, анинг била сўзлашойин, нима дер, деб Амрини кўб ҳақорат қилди. Кўрак бий лоилож таваққуф қилди. Хонимча зарурат учун айёрглиг қилиб, бисёр аччиғ сўзларни Амрига сўзлади. Айди: боргил, чодир ўрнида туфроқ ичра мерос бир лўла қиймат баҳо қолибдур, хозир келтуруб Кўрак бийга бергил.

Соҳибқирон отини югуртуриб бориб ҳеч нима тоғолмади. Бир нимарса кўнглидии ўтқузуб, бир эски чонон чурукни келтурди, аиди: ушбу чурукни тобдим. Хонимча аиди: мунин ёқасида эрди, они келтур. Амир отини чоңтириб кетди. Кўрак бий Хонимчага аиди: эмди анга кўн гафурманг. Аммо Хонимча Кўрак бий олган ёй ва ўқларни бир эски чофон орасига ураб, йўл узра секин ташлаб эрди. Соҳибқирон кела туруб, они олиб хурсанд бўлуб, филҳол, ёй била ўқни тўғрилаб югуруб Кўрак бий қошига келди. Кўрак бий кўруб қўшунига буюрдиким, атрофини олинглар деб. Андак соат ичра Амир икки юз кишини ўқ била урди. Оломонлар қочтилар, анда Кўрак бий қочмоқни ихтиёр қилди, Амир қўлини узатиб жиловини тутуб, юзига бир шафалоқ уруб отдин йиқти. Амрини қул хизматчилари хозир бўлуб эрдилар. Кўрак бийни қўл-оғини боғладилар. Шал кун Соҳибқирон қўлига оломонлардин юз киши асир бўлди. Аларни элатга олиб юруб ҳар кун зиёфат қилдилар. Охир бир кун Кўрак бий арз қилди, аиди: Эй Амир афандим, бизларни ўлдурунг ё қўйуб юборинг. Анда Амир ул юз кишига либос бериб, Кўрак бийни бир кўзини ўйуб ташлаб, боргил, кўрганингни Бароқхонга сўзлагил деди. Аммо Бухоро халқи эшитмишларим, Тошканддин, Хўжанддин бениҳоят кўб аскар келур эрмис деб. Хонга сўзладилар аларни бошлиги Тўқтемурхон, шайх Худойберди Қамариддин тоҷикдурлар. Анда Бароқхон отига миниб Хўжанд дарёсини ёқасига келуб, кўрдиким, аскари азимдур, ҳаргиз киши кўрган эмасдур. Дарё-дарё лашкари Тўқтемурхондур ким, етминн тут ва байроқи бордур. Ондин қўрқуб қайтиб Бухорога келди. Уч кун туруб, бир кечада қочиб, Қаршига борди, анда бир кечани ўтқузиб, эрта билан Балх жонибига юзланди. Муни жанг қилмай қочганини кўруб, Чигатой синоҳи Бухорода қолмай бир тарафга кеттилар. Аммо Тўқтемурхон Жайхондин ўтуб, Хўжандий фатҳ айлаб, Самарқанд борди, анда кобиру ашрафларни жамъ қилуб, аларга мулозимат қилиб, Самарқандга пойтаҳт қилди. Амир

Қозагон қозоқ әлидии эрди, они Бухорога ҳоким қилди. Оқтемурхон үгатини юборди, яна бир үгли Қоратемурни Шахрисабзга юборди. Қамариддинини үн саркарда била үз юртига, Балх жонибига юборди. Бароқхон орқасидин бориб, хон била жанг қилуб. Бароқхон маглуб булиб, талонуб қаландарлик қилуб, Қандоҳорга үтуб кетти. Чигатой әллари тарқашиб Хирот, Кобил, Бадаҳишонларда бўлдилар. Қамариддин тоғик Балхни олди, қинчоқ қўшунлари Бухоро ва Ҳисор, Тошканд, Самарқанд барча Моваро-унихаҳ юртларин олди.

Алқисса, Соҳибқирон айш-ишратда эрди. Ҳожибек амакиси келиб айди: Эй ўғлум, турғил, айшингни вақти әмас. Тўқтемурхон аскари тамоми юртни олиблур, Бароқхон бир кечада қочибдур, Чигатой беклари әлати била ҳар тарафга тарқашиб кетибдур, бизлар ҳам қавми қариндошини олиб бир тарафга кетойлук, чунки Қоратемурхон эрта-бурун бул ерга келур эрмиси. Соҳибқирон айди: Эй амаки, аларни асли турк, бизлар ҳам турк, бир-бири мизга ёвлиг қилмаймиз. Бизларга ор-номус зўрлиқ қиласа, сулҳ қилурмиз.

Ҳожибек қочмоқга кўб ҳаракат қилди. Амир поилож амакисин уруб-сўкуб қўркутди, тамоми оқсоқолларни чақириди. Барчалари Амирдин қўрқиб келдилар. Андин кейин шаҳардин таиқари Қоратемурхон олдига пешвоз чиқдилар. Бориб кўрсалар тог остида бениҳоят қўшун туурур. Амир замоносозлик учун кўруниш қилди. Хонга айдилар: бул киши Турагай баҳодур үгли бўлур. Тўқтемурхон деб эрдиким. Турагай үгли қўлга тушса, албатта ўлдурунг. Аммо кўрагонлар беги деб бойлаб қўйдилар. Қурагонлардин овоз чиқуб, Амир Темурни маломат қилдилар: агар қошсан, бизларга бу бало йўқ эрди. Амир аларга ҳеч нарса демади. Кеятуруб Қоратемурхон олдига қўйдилар. Ҳануз қатлаға буюргани йўқ эрди, тог ичинидин бир қафлон бир эчкини қувлаб чиқиб келди. Они кўруб барчалари қочтилар, асиirlар ҳам қочти, жаллодлар ҳам қочти. Аммо Амир Темур қочмади, қўли бойлиқ эрди, эчкини тутуб еб, андин Амирга ҳамла қилди. Соҳибқирон оёги била тениб юбордиким, сұяклари майдა-майда бўлди. Қоратемурхон келуб Амирни юзларидин ўти, қўлларини ўти, сани қатлингдин ўттум, агар отам буйруқ қиласа ҳам. Лекин ўзга асиirlарни ўлдурунг, хон ҳукми тайғир бўлмасун дели. Амир айди: агар ўлдуреанг, мани ҳам ўлдур, агар ўлдумасанг барчамизни ўлдумра. Амирни ҳимматини кўруб, ҳеч кимни ўлдумади, барчасин озод қилди. Анда Шахрисабзга кириб Амирни ёнидии жудо қилимади, ҳар сўзни Амирдин сўраб қилирди. Аммо бир кун Амирни амакиси Ҳожибек ўшка қилди: мани хон муқаррабларига қўшмайсан. Анда амакисин риоя қилиб, хонга дўст қилди. Аммо Қоратемурхон чўрилари ичра бир гўзал чўри бор эрди, ани барчасидин яхши кўрар эрди. Иттифоқо, ул чўри Амир Темурга ошиқ бўлди. Бир кун Амирни хилват тошиб, арз қилди, айди: эй хоним афандим, Амир Темур, мани багрим куйдурууб ишқ ўтига куйдурма, мани мақсудим ҳосил киа, деди. Соҳибқирон айди: хонни тузини ичиб туруб бул ишни қилимасман. Мундин Ҳожибек воқиф бўлуб, кўнглида кудурати бор эрдиким, қочайлук деганда Амир они уруб-сўкуб қайтаруб эрди,

мунни қасди Амирни үлдурмокда эрди. Бул ҳам макр ила алдаб, шундог ғузал нимарса санга ошик бўлмиш, они мақсудини ҳосил қил, деб кўб муболага қилиди. Анда макрига алданиб, Амир, наилок қилурмиз, деди. Ҳожибек айди: манга сандуқ ичра солиб бергил, ман уйга олиб борай. Анда ул чўрини муннк асфар била сандуқ ичра солиб Амир соддалугбила амакисига тобиурди. Они Амирни уйига алтуб, ул бевафо амакиси кечи била хонга келуб айди: мани қардошим ўғли фалони чўрингизни олиб кетубдур. Хон қабул қиласади. Ҳожибек сандуқни маъдумин қилиди. Қоратемурхон ўшува вақт қиличин қўяла олиб берди. Амир англаб уйидин чиқуб қочти. Ўнал чўрини тошиб ўлтурди. Амир Ҳонимчага эр либосин кийдуруб, Бухоро сарига олиб кетти. Қоратемурхон ҳар тарафга юз кишини юз кишидин юборди. Тонгласи кўргагон элизидин уч юз кишини келтурууб бошини кесди. Ҳожибек қаландар суратида бўлуб қочти. Аммо юз киши Амир орқасидин Бухоро жонибига юзландилар. Аммо Амир чўлда бир ҳавуз ёқасига келуб туштилар. Анда наҳори қилдилар. Ногоҳ орқаларидин чанг ва тўзон кўрунди. Ҳонимчани етти мисқоз оғуси бор эрди, ҳар ерда зикрликда қолсан, ичурман, деб эрди. Анда ўшул ёвни кўруб оғуни ичмоқга ҳаракат қиласи. Амир кўруб қўандин олиб ҳовузга ташлади. Иккени отга минуб жўнаб кеттилар. Ул юз киши ҳовуз бўйига келдилар, тушнуб ул сувдин ичуб, оғу асар қилуб эрди, тўқсан киши ўлди. Ўн кинни қўркуб ичмадилар. Йўлга тушнуб Амирни орқасидан бориб етилар. Ҳонимчага Амир айди: сан бул ерда ўзингни сақлааб тургил, тангirim нимани ҳоҳлайдур. Филҳол, аларга мұқобил бўлуб ўқ отти, уч кишига тегди, бир кишини кўзи кўр бўлди. Қолган кишини уруб қувлади, агар жонларингдин кўл ювган бўлсанг бери кел, деди. Анда кўр бўлган: мунига бас келиб бўлмас, деб ўлганларини ҳавуз ичра ташлаб, андин қайтуб Қоратемурхон олдига келдилар. Айдилар, бир оғу қўйган сувдан ичуб барчамиз ҳалок бўлуб қайтуб келдук, деб хонга жавоб берди.

БУ ДОСТОНДА ҚИМОРИЙ ИНОҚ АМИР ТЕМУР
СОХИБҚИРОНГА ЙЎЛДОШ БЎЛГОНИ.
АМИР НАҚІШБАНД ПИРИМ ХИЗМАТЛАРИҒА
БОРГОНИНИ БАЁНИ.

АММО АҲВОЛИ СОХИБҚИРОН ИСКАНДАРИ СОНӢ
НЕЧАНД ҚУН МАШАҚҚАТ ЗИНДОНИДА БЎЛУБ, АНДИН
КАМ-КАМ ФАРОФАТ МИСРИ УЗРА СУЛТОН БЎЛГОНИ

Алқисса, Сохибқирон ӯзбек, қиҷоқ элизидин најот тиб, Қаршига келди. «Шарафиома»да мусанифи деркизи, важҳи тасмия, Қарши уйғур тилида, Қарши деб қасри баланди, ни айтур. Ӯқтемурхон иби Тўқтемурхон уз ерда ўрдасици аидог юқори кўтариб бино қилдиким, офтоб кўтарила, сояси бир кунлик йўяга тушар эрди. Амир бечора бул ерга келуб, ҳайронлик қолиб, бошини хотунини тизига қўйуб, андек уйқуга борди.

Анда бир тарафдин чанг чиқти. Күрса Оқтемурхон сайдин келур. Хонимча бүркига йигоч тегуб, ерга тушти. Оқтемурхон құрдиким, хотун кишиидур. Амирдин сұрди: қандай кишиидурсиз? Амир Темур айди: бекларднимиз, ахли наасаб бұлурмиз. Бул заифа мани хотунимдур, сизларни зулмингиздан құрқұб турurmиз, мабода бизларни хақорат қылманғыз деб. Бул сұз анга қаттың тегиб, биз золим бұлсақ, бул хотун есаныки бұлса, бизге керак, деб бир йигитта буюрди, келиб Хонимчани от узра миндеруруб олиб кетти. Сарой Мұлқ: ман малика бұлурман, құланғын текузма, деди. Үл айди: мен ҳам хон хотуни малика бұлурман, деб бүркіни бошдін олди. Амир гайратидин Оқтемурни жиловидин тутуб, бу қандог зұлм, мани ҳақимға құлурсан деди. Хон қазиличини құтариб Амир бошига солди. Тұрт бармоқ ботти. Амир әси кетуб үиқилди. Оқтемурхон Сарой Мұлкни үрдасига келтурубын эрди. Анда қүёш қүеви дүпә зулмотидин қочуб ёшунди, тун келини ғаму қайғуда бұлуб қора чодир ичра беркінди. Кечаси бұлғоч, хон Хонимча олдига яқин келди. Хонимча айди: биз мусулмонлар расеміда ҳайз құрган хотунга яқин келуб бұлмас. Мани иллатим бор, мани құйғыл, агар бұлмаса үзимни ханжар била уруб ҳалок құлурман. Охир, Оқтемурхон чиқуб кетти. Қирқ күн мұхлат сұради. Ҳар күн Оқтемурхон келса Хонимча құлиға ханжар олур эрди. Лоілож қайтур эрди.

Аммо Амир Темур ақли үзиге келуб құрса, ҳеч ким йұктур, үриидин секин турууб, йиглай-йиглай бир масжидға келиб үиқилди. Үл масжидни сұғиси келуб құрса бир йигит ётур, боши ёрилған, аязоси қон. Муаззин раҳми келуб ани уйига олиб борди. Амир анга айди: тұра бача бұлурман, жатта әзати мани мажрух қылдилар. Суфи айди: мани бир үглум бор, Иноқдур, аниң лақабин қал Қиморий дерлар. Боши тоздур, үзи қиморбоздур. Ман они ишига шоризолиқ құлурман. Андииң кейин үгли келди. Амир ярасини құрууб, ювіб бойлади. Амир хизматида доим бұлди. Ҳоло, аниң қабри Сохібқирон обейи сарылдадур. Аммо үл сұғи қавчин әлиздин эрди, Амирии тарбиятига муқаййид бұлди. Андак вактда Сохібқирон соголди. Аммо Иноқ ҳар кеча уйдин чиқиб кетар эрди. Бир кечаси Амир ҳам аниң орқасидин борди. Құрдиким, хандакдин сақраб үтуб шаҳр құргонидин ошиб кетти. Яна бир фурсатда құргон орқасидин чиқуб жойига келди. Амир анга сиррini айттур бұлди. Хотирида үйлаб яна ман сұзим айтқоним била ишимни үдласидан чиқарму чиқмасмы, яна сұзум ү құлоқига олурмұ, олмасму деб айтмади. Андии буруи уйига қайтуб келди. Иноқ ҳам келди. Қундуз бүлганидин кейин муаззин Амирға айди: «әй йигит, тоғижкини, нақли бордурким, «одами бекор аст, аз ин худо безор аст», андак ишига машгул бұлғыл, сабаби овқат бұлур. Иши шүқни тиший үйқ, дерлар яғни аниң сұзы ҳеч кимға таъсир қылмас, деб сұғи, Иноқ учловлари бориб қовун фолиз үтіни юлуб, түш бұлғач йигоч соясида ухлар әрдилар. Бир күн Амир бошига бирнек кесакни ясдук қылуб ухлар эрди, ногох Иноқ уйқудин туруб құрса, бир қүш товуста ұхшаш мұнаққаш йигоч узра құнуб Амир боли узра соя солиб үлтүрур, тумшукіда әски сұнгак бор, секин

отасин уйқудин уйғотти. Иккөви ани мұшоҳада қилдилар. Бұ қүнни күни күрган әмас, тайин билдиларким, ҳұмояң үшбұ қуандур.

Иноқ айди: эй Ота, бул тұра бачага таоло давлати азим қарам қылғай, мән ақд қилдім, үшбұ тұраны мұлозиматидан асло жудо бұлмагайман. Аидин сұнғ үл қүш ҳавога учуб кетти. Амир уйқудин турди. Ота үғул Амирни күб риоят била иззат қилур бұлдилар. Соҳибқирон алар мани масхара қилур деб йиглади. Айди: эй қардоң, мани бошимда шул қулағатлар бор экан.

Б айт:

*Учарға келмаса лочин мадори,
Бұлур ұымчұқға шумшук кор бори.*

Анда қиморбоз Иноқтоз айди: Эй тұра жоним, масхарам үйқылғыға қасам ичай, севганим сайру бұстон соғдот, бул күн бошиңг үзра латофатда бир қүш соя солмың, күрдім түмшүқида сұнғак, мән аниң ҳұмояң идрек қилдім. Аңқарибдур, мұлки афлоказ Юсуф иқболига етуб, меңнат зиндонидин чиқсанғ, роҳат Мисри үзра сұлтоң бұлсанғ ажаб әмас. Эмди хотирингни жамъ қилуб, манга асли наасабингни билдурғыл, деди, құймади. Анда лоилож Амир Соҳибқирон чин сұзин анга захир қилды.

Н аз м:

*Фалак манга құймииш үшбұ қаттығ от,
Амири Темурдур, темурдур қанот.
Яратған құлиман, Расул, онам
Вұлуб ұммат анга алайхис салом,
Яна рағмат ұлсун аниң олиға
Ва авлодиға яна асқобиға.
Амири бағодур отамдур мани,
Қорачору Аңжил бобомдур мани,
Алар әрдиларким шоқи сағашықан,
Құлоқ сол, Иноқим, әшитғил сұхан.
Қорачор нұғен амалзодадур,
Темүчин вазири үл озодадур.
Алар пағлавонлиқда арслон каби,
Денгизда нағанғ, даштда құлон каби.
Алар аждағои замон әрдилар,
Шиғоатда шеру жаён әрдилар.
Онамдин сұрасанғ, бу ұам асл зот.
Борий рүз, машшар шағеъ асot.
Соғдотда әрди, бұлар оқ сүяқ,
Шариат сутуни, әшит, яқ ба яқ.
Нече күн бұлубман чу гурбатда ман,
Яна неча күнлар мазаллатдаман.
Будурким, ұамма феълу атвөр даҳр,
Беріб иқбол ғоҳида үёр даҳр.*

Алқисса, Соҳибқирон асвил кайвонлигин жулус айвонлигин бир-бир Иноқга айтуб, огох қилди. Яна Хонимчани Оқтемур олиб кетганин, күнглиң қайгуда бўлганин баён айлади. Иноқ Қиморий аиди: Эй тўрам афандим, күнглингни гунача қиби қон ила олуда қилмагил, бағригни дод айламагил, эмди, ажаб эмас, умидинг гуллари очилгай, душман қонлари сочишгай. Ман санинг-чун хизмат шутасини белимга боғладим, қуллик ҳалқасин қулоқимга солдим, иншоolloҳ, Оқтемурхоннинг тоқи равоқига ўт қўйуб, Хонимчага најот бергумиздур. Ўшул кеч қуёш қуёви юзи шафақ қизарив гойиб бўлганидин тун келини гам ва андуҳда бўлуб, боши узра қора чодрани солғанидин кейин, Иноқ расми айёриқда ўзин тузатиб, Амир Темур иккovi кеча била ҳандак ёқасига келдилар. Андин ўтуб Иноқ ўзин қўргон остига олди. Амирни ҳам олиб, шаҳар ичра дохил бўлдилар. Қазора, қоровуллар барчаси уйқуда эрди. Андин ўрда сарига бордилар, дорвозабонларни ҳаммасин гафлат уйқусида кўрдилар. Эшикларда қуфли қалид била турур, етти эшикдин ўтуб, оҳиста-оҳиста келсалар чирог асари зоҳир бўлди. Соҳибқирон назар қиласа Оқтемур Хонимчага юзланидур. они қўлида ҳанижар, айтадурким, эй жатта кофири, мани олдимга келмагил, ўзимни ҳанижар била ҳалок қилурман, ҳеч ким мани улумдин қайтаролмас. Гайрат ўти Амир қўнглида аланга уруб, эшикни бир тениб синдуруди, ичкари кирди. Оқтемур қулига қилич олиб, иргиб туруб, кимдур, қандай ўёти йўқ мани қасримга келур дегач, орқасидин Иноқ келуб ҳонни қилич била уруб ҳалок қилиди. Хонимчани олиб, ўрдасини ўртасига ўт қўйуб, тева кўрдингму, йўқ деб муаззинни уйига келдилар. Тонглasi Қарши одамлари хабар тоитиким, Оқтемурхон ўлубдур, қасрга ўт қўйулубдур ва тамоми куйубдур, хавф Тўқтемурхондии. Барчалари мотам либосини кийдилар. Аммо бир кеча Амир Темур туши қўрдиким, бир қаландар, атрофига соchlari тарқалгон, Амирга бир бутун нон берди. Бир чеккасидин ушотиб олиб, қайтуб берди. Уйқудин туруб Иноқга тушини аиди. Таъбирига Иноқ аиди: ул нон ер юзини барчасидур, бир чаккасидин олиб қайтуб берибсан, бу рубъи маскундур, азизлар муни санга берибдур. Амир аиди: ул қаландар жамомонин шавқи мани Маъниун қилгудек.

Аммо Бухородин бил сўз эшиктиларким, амир Қозатон мулоғимларга амр қилубдур ҳар ерда толиби илм қатлиға, холо, Бухорода мулламан деган кипи қолмабдур. Амир Иноқга ул золимни бориб Бухоро ҳалқидин дафъ қилурман, деди. Хонимчани Қаршига қўйуб, Иноқ била Бухоро жонибига юзландилар. Андин Бухорога яқин бир чорбогга бордилар, анда ҳавуз ёқасида суфа узра бурё солинган, Амир суфа узра чикуб ўлтурди. Йигоч бутоқида осилган хатни кўрди. Айтубдурким, шул йигоч емишиларидин ҳар ким еса ҳам зомин, емаса ҳам зомин. Амир ҳайрон бўлди. Иноқ аиди: емайлук, зомин бўлмайлук. Амир аиди: охир зомин, биз яхниси шулким, ермиз, деб қўнгли тортганича емишилардин едилар, бир кечада бир кун турдилар. Ҳовуз мавжига келди. Анда бир ўғлон, ўзи қаландар сифат, келурким, шинжоатидин барча олам ларзага келур. Иноқ аиди: ана, бояг эгаси келди, бизни еган-

ларимизни күрса, лат қылуб урушодор. Аида эгаси келди, овоз қылуб, «сиз қандог одам, бу емишлардин икозатеиз ерсиз» деди. Амир айди: биз мусофир, бул ердин ўтуб борур эдук, бул бог ичра йигочда осилган хатни күрдүк, емаган киши ҳам зомин, бул сүздин «охир зомин эканбиз деб, едуң». Бог эгаси аида «илло. Турагай баходур ўғли Амир Темурсан», дедилар. Амир күруб тануб, «таңир, афандим» деб оёқларига йиқилдилар. Ул киши, мани отим Мухаммад Фаал Бухорий Накибанд Баҳовуддин шұхрат бұлубдур, бул маникидур, худо йұлға худойи қылубдурман, ҳар кини келуб меваларидин егай.

Аммо бул мавзетиң Қасри Орифон дерлар. Амир айди, хат ёзилубдур экан, еган-емаган бары зомин, бу нечук сүз? Баҳовуддин айдилар: ҳар ким еса, ман зомин, нечук онисиз жаппатта қадам қўймасман. Ҳар ким еса ул зомин, нечун ўзига ўзи жафо қылубдур.

Масожжатдин кейин кечаси Қасри Орифондин Амир ила Иноқ Бухорога дохил бўлдилар. Чаҳор сув (Чорсу) яқинига етуб эрдилар коровуллар табласини садоси келди. Амир ўзини бир бузулган дўконичра оди. Иноқ аикраб ўзга тарафга кетти. Амир кўрдиким, бир заифа, боши кесилган ётур. Амир ҳайрон бўлуб андин чиқуб кетмокда эрди, асаслар етуб келди. Филҳол, кўруб Амирни тутуб бойладилар. Ҳарчанд Амир чин сўзлади, алар ёлғон деб қабуя қилмади. Коровуллардин бири Амирни уйига келтурди, мукаррар қилдиким мақтул ила Соҳибқиронни амир Қозагон олдига еткурмакни. Амир туи ярмигача иона қылуб йиглар эди. Саҳарга яқин уй эшики очилди, қўнида чирог, бир чўри хотун чиқуб Амирни атрофидин айлануб йиглаб айди: Эй тура бачам афандим, санга на бўлди. Анга назар қылуб күрса, бул чўри Амирни энагаси эрди, яъни Амирни эмизиб эрди. Вактики, оломонлар борганданда қўлга тушуб Бухорога кеатуруб, асасга сотиб эрди.

Алқисса, Амирни ениуб најот қилиди. Амир андин чиқуб Иноқни тобмоқга муқайид бўлди. Бир ерга келса, Амирни тутуб бойлагай асасни бўйни узулуб қон ила буагониб, танаси чўзилуб ётур. Андин ўтуб кўб боши кесилган қоровулларни курди. Андин бир ерда қора кийумлу кини қўлида хашжар келур. Амир ўзини бурчакга олиб қараса, Иноқдур. Аида бир-бирини ташуб. Иноқ айди: сиз учун коровуллардин етмини кинини бошин кесдим, то асан уйига бориб, муродим холос қилмокда эрдим. Олтога ҳамд, жамолингни кўрдим деб иккени ҳазрат Баҳовуддин хизматларига келдилар.

Аммо Мавлоно Шарафиддин, «Жомеъул аъзам» да келтуб дурбларжим, амир Қозагон Тўқтемурхон буйруқи била Бухорога ҳоким бўлди. Аввал мұштақиллар талабида эрди. Соний золим бўлди, сабаби шул эрдиким, отаси қалмоқ бекларини қизини олиб эрди, анга бул оник эрди. Тўқтемурхон хизматида Самарқандла оламдин ўтти. Отаси ўлганидин кейин ул чурини Бухорога олиб келди. Оти Бойғун эрди, ўзига хотун қалмоқ бўлди, амир Қозагонга ўгай она эрди. Бойғун айди: ман санга тегмасман, чунки хеч мазҳабда онани олмоқ дуруст эмас. Агар коғир бўлсанг ҳам, қабуя қилмагайман.

Аммо алар занахи шундог эрдиким, ота-онамиз халқ қилғон деб, ота-онасига чүкүнур эрди, тасалсулдуру. Асли Одам Атони осмон яратган деб, Күк тангрим, дер эрди. Наузибильлох, аммо амир Қозагон муллалардин ривоят олмоқ бўлди, ўз динига, лекин кўнглида динлар афзали Мұҳаммад дини деб мұҳаммадийлардин ривоят талаб қилди. Шул дастурда эрдиким, кишини отаси ўлса, андин мол қолса ворис ани тасарруф қиласа, ривоят борму, деб сурди. Ул вақтда имом Ҳофизиддин Бухорий муфти эрдилар. Ривоят бердиларким мерос ворис ҳаққидур. Ул ривоятни Бойгунни олдига келтурдилар. Ул хотун сўзга кўб етук эрди, имом Ҳофизиддинга хат ёзиб, хитоб қилуб юбордиким, қайси мазҳабда онани ўғул олгай, агарчи бизлар кофир, сизлар мусулмонисиз, дунё деб охиротдин кечдингизму? Они сўзини эшитуб, жумъя куни имом Ҳофизиддин амир Қозагон қошига қелуб, говур қилуб айди: сан таблис била биздин ривоят олдинг. Муллоларга мухлис эрди, ҳеч нима демади. «Эмди ўттим», деб кўб узрлар қилди. Аммо бул воқеаёт етти ўлка, ятни иқлиmlарга шуҳрати кетти. Бухоро муллалари ўгай онани олмоқга ривоят берибдур, нечук, деб атрофдин нома кела берди. Бухоро муллалари бу сўздин шармисор ўлуб, йиглар эрдилар. Имом Ҳофизиддин тушида Имом аъзам раҳматуллоҳ алайҳа пиrim қелуб айдилар: эй ўғлум, ҳар ким масала сўраса билуб жавоб бергил, шошиб жавоб айтмагил, эмди турғил, бўл ишни олдини олгил, тоғла етти иқлимга етмиши икки мазҳабга нома юборгил. Андин кейин улусин алдаб ижтиҳод қиласа, анга лаънати олло бўлгай. Имом уйқудин турууб кўб йигладилар. Сўзларини халқга айди. Барча қабул қилди, рофизийлар қабул қилмади. Алар мазҳабда ижтиҳодларида кунодадур.

Алқисса, амир Қозагон Бойгунни олмади, имомлардин хавф қилди. Аммо Бойгун тоғикидин бир кишига кўнгил бериб эрди. Ўшал вақт Бойгун ани тағлаб қиласа, бир катта қозони бор эрди, анга солиб келтурур эрдилар. Бир кун амир Қозагон ўлтуруб эрди, сўрдиким, бу нимадур. кўтариб келган? Хизматчи хотун айди: Бойгун хотун ошидур. Имом Ҳофизиддин ҳозир эрдилар, балъами каромат айдилар: қозон ичра одам бордур. Қозондин ул одамни олиб келдилар, тоғик гуфт: «ман мулло ҳамчун бошад, дардикни шухта шуд»¹.

Ул тоғикини Қозагон қилич била уруб, ҳалок қилди, андин ҳарам сарига кирди. Бойгун қўрқуб сани қабул қилурман, деди. Анга ноз-ниёз қилуб, завқини келтурди. Аммо Бойгун малъуна эшиттиким, тоғикини ўлдурмокга имом сабаб бўлубдур. хоҳласаким, муллоларни барчасини ўлдурса. Қозагон макр қилуб айди: ўнал муфти имом мани иссанг-совуқ била ўзига ром қилубдур. деб кўб муболага сўзлар сўзлади. Анда Қозагонни газаби қелуб, агар Муллоларни қони била йигоч кўқартурмасам, деб онд ичти. Ул малъуна хотун муллоларни қони била йигоч кўқартурсаңг, сўнгра

¹ Ман мулломан, муллонинг шабни шундай булса, дарди қаттиқ экан, деб айтганди имом.

мани олурсан, деди. Анда ул побакор имом Ҳофизиддинни чоқирди. Имом ҳар күн олдига борур эрдилар. Үрнидан турууб, оғоз қилур эрди, бул күн жабхаси мутагаййир бўлубдур, асло ўридин тебранмади. Ани қўруб имом жонларидин қўл ювдилар. Имом андин тақаддум ўлтурууб эрдилар. Қозагон айди: ман амир бўлсам, мандин нечук илгари ўлтурдинг? Имом айдилар: ман олимдурман. Ул айди: олим бўлсанг нега бир масалага жавоб бермадинг. Имом айдилар: сўрогил. Ул айди: отадин қолгон хотунни ўгул бўлурму? Имом айдилар: бизни мазҳабда жойиз эмас, аммо сан кофирсан, ихтиёринг. Филҳол, жаллодга буюрдиким, имомни ўлдиринг, деб. Шаҳид бўлурида имом Ҳофизиддин ушибу рубоийни айдилар:

Байт:

*Тилим бирла ўқуб қирқ йил худони илми тавҳидин,
Қулоқ ила эшигдим шасти сол асрорини таъянин,
Не сир эрди бўлуб бул күн шаҳидим тиги қағринг ила
Яратгандин эрур бул лутфи раҳматдур манга ойин.*

Андин кейин, ул побакор ва золим у қуихор муллоларни келтурууб шаҳид қила берди.

Ровий айтурким, қирқ кунгача тўрт минг мулло шаҳодат шарбатини ичилиар, рух тутиси тан қафасидин учмоқ шакаристонига учтилар. Ҳар ерда мактаб ва мадраса ва масжидларни ҳароб қилди, толиби илм бўлса ҳар тарафга қочтилар. Кофирлар қуфр ғавгосини Бухорога сочтилар, сўғилар ҳар масжидларда овозини чиқориб азон айтотмадилар. Ул вақт рамазони шариф эрди. Буюрдиким, рўза тутманглар деб. Бир неча бебок ва беидроқ тоҷиклар дини Муҳаммадни ташладилар. Чорбоги Шамсулмулк, ҳоло Намозгоҳдур, ани бутхона қилуб, катта синоҳлари зоҳирлан бутга чўқина бердилар. Ўшал вақт мусулмонларга кўб шўришилар пайдо бўлди, гўё Ҳуҳ тўфони мавжга келди.

Байт:

*Қизил қон бўлуб мавжи тўфонлар,
Шаҳид ўлдиларким азиз жонлар.
Кетуб арбоби дин, чу исломдин,
Алар ичра тушиб ажаб қибру кин.
Жолойи ватан бўлди устодлар,
Дин аҳли хафадур, қуффор шодлар.
Калисою бутхоналар зеб илан,
Берид неча оройу тортиб илан,
Бўлуб мадрасаю масожид ҳароб,
Мусулмон паришону ҳайрон соб,
Шариат чироги қолибдур ўчиб,
Шариатни талаби ҳар ён қочиб,*

*Мусулмон бариси ғаму қайгуда.
Фасад ағли күрким, күзи үйқуда.*

Алқисса, фисқ-фасод шул даражага еттиким, қалам ани битолмай иол, тил ани аёни зикр этолмай лол. Саййид Отадин ўзга Бухорода ахли фузалодин киши қолмадилар. Саййидин келтургил, деб киши юборди. Бухоро халқи мунн эшиитуб, барчалари Саййид Отани хонақосига келуб, сайха била йигладилар. Бизлар ҳам ярог ва аслаха олиб, жонимиздин кечдүк, золим била жанг қилурмиз, дедилар. Саййид аларни манъ қылуб, айдилар. Эй қардошлар, сабр қылғайсиз, иншоолох, бу золимни давлатига завол эмди бўлубдур. Аидин эл-улус бориб ўрда эшикида турдилар. Саййид Ота ичкари қўргонға Қозагон олдига бордилар, айди: манга масала ҳожат бўлубдур, муллолар, дин ожиз кеядилар, нечаларини ўлдурдум, нечук, ўз иншларига парволари бўлмади, бир масала ўҳдасидин чиқолмадилар. Аммо сиз била сўзламайман, келгон йўлингизга кета беринг. Саййид айдилар: нечук мандин масала сўрамадинг, сангя жавоб айтар эдим. Анда сўрдиким, ўгул ўгай онани олса бўлурму? Саййид ота анинг ўғ ва сўлиға қарадилар. Қозагон айди: ман сиздин савол қиласам. Сиз ёён — бу ён боқарсан, боқгон била ҳеч нимани кўрмайсиз. Саййид айдилар: мани кўзум кўрмаслиги барчага маълум, лекин сани тасаввур қилурманким, эркакдин бўлганмусан, хотундин тутгулганмусан, маълум бермади. Ул айди: ман ота-она суратларидиндурман, менинг халқ бўлмоқимга алар сабаб бўлгандур, бизларни миллатимиз шулки, ота-онамизга ибодат қилурмиз, шунга ўхшашиб муттасил борадур мабдаъигача ул иборатдурким, Одам Атодиндур.

Қозагон уйи юқорисида бир улкан бути бор эди. Анинг юзини беркитиб қўйуб эрди. Саййид Ота айдилар: ул нимадур? Ул айди: ҳазрат Одам суратлари маъбудимиз, шароб ичарда ўёлуб беркитуб қўйубмиз, анга мабдаъи қасри забаржаддур, бизлар они Қўк тангри дермиз, деди. Наузибильлоҳ, Саййид айдилар: сани бу сўзингда ноқис бор, деб хотиримга келур,вой сени ҳолингга, дедилар. Қозагон сўрдиким, не учун? Саййид Ота айдилар: Сўзинг ноқис шулким, ота-онага ибодат қилурман, ўётурман, деб яна онамини хотун қилурман дерсан. Ҳеч киши маъбудига шаҳват ила назар қилурму? Қозагон калласи андог тубан кеттиким, Саййидни жавобига мадор қолмади. Анда бирорвга буюрдиким, таом келтуринг. Бир киши аида таом келтурди. Саййид Отадин бир луқма таиновул қилидилар, неча қатра кўзларидин қизил ёш сочилиди. Ногоҳ Саййид кўзлари чечак каби очилди. Бу инга одамлар тааижжуб қилидилар. Маълум бўлдиким, ул иобакор илон гўштини ҳалок қилимоқ учун пиншуруб келтурган экан. Аксига кўзлари равшан бўлди, нечун, олмосдин кўр бўлган эрди. Они давоси илон эти бўлди, баъзилар кофир таомини еди, деб маломат қилидилар.

Н а з м :

*Тақозоки құдрат яратғандин,
Күз очилди луқма еб илондин.*

Үшал вақтда амир Қозагонга Тұқтемурхондин нома келди, айтубдур. Әй Қозагон әшиттимкім, ахли ислом аиммаи динни ҳақорат қылуб, үлдурмишсан, аларни қони била бөг күкартмишсан, мундог қымагыл, бұлмаса санға сиесат ила күб жафо берурман, яна сүзум. Сайид Отани мани олдымға юборғил. Аңдин кейин Қозагон муллолар қатлидин құл тортти. Сайид Отани Самарқандға юборди. Хон шахридин Сайид олдиларига пешбоз чиқти. Аңдин кейин Тұқтемур хон кичик үглини тавхид илмиға шогирд берди. Сипохи жатта Тошқанд, Самарқанддин Сайидға имон келтурдилар.

Аммо Амир Темур қазрат Нақшбандға таҳорат суви бериб, бир неча йил анда бұлдилар. Иноқтоз била бир күн Ҳожа Нурободға сайр қылуб бордилар. Анда амир Қозагон майдада болаларға тош отмоқ жаңғанни үргатиб үйүнгә солиб әрди. Иноқ Амирға айди: шу золимни бир иш қылуб үлдурурман. Амир Темур манъ қымади. Иноқ құлни чубрүк била үраб болалар ичра кириб, құрунмас бұлуб, бир тош олиб Қозагонға қараб отти. Тұгри келуб икки қошани үртаси — манглайниға тегуб, калласи таркидин ёрилуб, қон оқа берди. Болалар мұни күрүб ҳар тарафға қочиб кеттилар. Мұлозимлар Қозагонни үрда сарига олиб жүнадилар, жарроқ талаб қылдилар. Иноқ ҳозир бұлуб, үзини ҳаким сұратыда қылуб, ман жарохлиқни яхши билурман деди. Муни ҳам үрдага бирла олиб келдилар. Иноқ Қозагонға секиң айди: Эй амир бегим, ман тилим била тұхтаб қолған қонларни ялаб олурман, сиз сабр қылуб, сира ох-воҳ деманғ, андак тоқат құлурсиз. Қозагон қабул қылди. Анда кал Иноқ калласини ёрилған еридін андог сұрубы торттыким, магзи миясигача қымади. Қозагон коғирандог тинчиб ухладиким, лаъин хон томуг сарига бориб асло келмади. Иноқ үрнидін секиң туруб мұлозимларынға айди: бегимиз андак осойиша, ухладилар. Ман үйимға бориб марҳам келтурай, деб үрдадин чиқуб бадар кетти. Келуб воқеани Ҳожа Баҳовуддинға ва Соҳибқиронға баён қылди. Коғирлар аниғ үлғонини билуб, қотилни ҳарчанд ахтариб тобмадилар. Самарқандға нома юбордиларким, Бухоро тоғижлари Қозагонни үлдурди, деб. Анда Тұқтемурхон газабда бұлуб, қасамёд қылуб Бухоро халқини қопни тұқмакға Самарқанддин Бухорога юзланди. Бу хабар Бухорога етти, барчалари йиглашиб. Баҳовуддин хизматларига келдилар. Ҳожам Нақшбанд аларға мутасадди бұлуб, Бухоро дарвозасидин Тұқтемурхон олдига чиқтилар.

БУ ДОСТОЙДА АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН ТҰҚТЕМУРХОН БИЛАН МУЛОҚОТ БҮЛГОННИ БАЁНИ

Анда Ҳожа Баҳовуддин ширим Тұқтемурхонни олдига бордилар, қинчоқ сипохи Тұқтемурхонға айдилар: сиз ҳарам чодири ичра бұлунғ, ҳожа турсынлар, тоңғла күрүнини берсынлар, хонлиғни салобати маълум бўлғай. Ҳожам Нақшбанд ҳануз bogларига етгани йўқ әрдилар, хон ҳарамдин чиқти. Шайх Ҳудойқули ва ҳазрат

Саййид Ота сұрадилар: Нега таваққуф бўлмади. Хон айди, агар таваққуф қисам, ўтга тушгандек бўлдим, қўрқуб туролмадим. Саййид Ота инеоф юзасидин айдилар: девона Баҳовуддин жазабаси куб зўрдур.

Аммо Шайх Худойберди манзур қилмади. Баҳовуддин бориб эрдилар, хон юқори ўрин кўреатти. Шайх Худойқули ҳарчанд журъат қилуб Баҳовуддиндин илгари ўтолмадилар. Ҳожам Нақибанд салобатлари ул кишини бости. Аммо Амир Темур Баҳовуддин қадамларига жойнамоз солиб, қўлини азиғ-лом қилуб турди. Анда хонни олдига бирор келуб ўлтурдиким, бўйи етти газ, атрофиға уралган юзига пардалари, мушкбарни солгон, белига нута боғлагон тиз чўкуб, хон муқобилида ўлтурди. Хон айди: бул аврат мани хотунимдур, оти Шаҳр Орой, қинчоқ златидиндур, бул чодир шунинг учун қурилғон, агар жанг ичра кирса, минг кишини бошини оладур, ўн минг киши ҳам муқобил бўлолмай, маъюб бўлур, бир катта бош ўки бор, чодирдин туруб отадур, минг кишигача қалқон тутуб турса, азарга таъсир қилуб, албатта, барчасини маъюб қилур. Эшитуб Ҳожам Баҳовуддин тамошо илтимос қилдилар. Хон буюрдиким, бир ўзга чодир тикинглар деб. Анда Шаҳр Орой ул чодир шикофдин ўқ отти, минг кишидин ўн минг кишигача қалқон тутуб югурдилар, барчаларига асар қилуб, зарби катта тош била илож тополмай, маъюб бўлдилар. Тўқтемурхон айди: Бухоро одамлари қанча бўлса, унибу Шаҳр Орой ўзи кифоя қилур, қандай тоқик мани синоҳимга кучи етадур, ҳар нима хоҳлаганимча тоқикларга қилурман. Соҳибқирон қаҳр чашмда бўлуб, хон олдига келуб айдилар: ман потавон бечора ҳам тоқик бўлурман, Шаҳр Орой била жанг хавас қилурман. Хон манъ қииди. Соҳибқирон сўзидин қайтмади. Хон Ҳожам Баҳовуддинга айди: сўғингизни қайтаринг, ажали етубдур. Ҳожам Баҳовуддин айдилар: анинг кўнглига келган ишини қайтариб бўлмас.

Алқисса, Амир Соҳибқирон Шаҳр Оройга юзланди. Шаҳр Орой чодир ичра туруб ўқини отти. Амир они иъода қилуб ўқини бошоқлари била олиб, рад қилуб чодир ичра кирди. Шаҳр Орой, филҳол, қулига қилич вутарди. Амир қиличин қулидин олиб, қайтариб ўзига андог солиб эрдиким. Шаҳр Орой бошидии белигача икки бўлунди. Муни кўруб жатта синоҳлари келуб Амирни, филҳол, ушладилар. Хон анда Амирни қатага буюрди. Ҳожам муроқабада ўлтуруб эрдилар, бандоғ боя тарафидин гулогулу овоз кела берди. Кўрдиларким, Тўхтамишхон, Тўқтемурхонни кичик ўти баролуг йигоч узра чиқиб чумчукни уясидин боласини олиб, қўйнига солиб эрди, йигоч тешукидин бир илон чиқуб, чумчук уясидин ўтуб Тўхтамишхонни бўйнига ўролибдур, барча ани нима қилурин билмай, ҳайрон бўлуб, барчаларига ваҳима тушуб Соҳибқиронга қарамай они Фикрига муқаййид бўлдилар. Соҳибқирон онда туруб Шаҳр Орой хотун чодирига кираб ўқ била ёсин олиб шул ердин туруб йилонга қараб ўқ оттиким, йилонни калласи узулиб тушти. Аммо Тўхтамишхон билмай қолди.

Алқисса, хон Амирдин бул воқеани мушоҳада қилуб, ҳасаб ва насабдин сўраб билдиким, Ёрасачор нўён авлоди. Чигатой қизидин

экап. Расми Чингизхон деб саждаи таҳийат қилди. Жўки авлоди Чигатой авлодига сажда қилурдилар, Амир манъ қилди. Хон анда Жўжихондин қолгон гурзини Амирга ишъом қилди. Огирилини ўн ботмон келур эди. Хон айди: аҳд қилуб эрдим. Бухоро ҳалқини қонини тўкарман деб, тадбир қилингким, ҳукмим тагайюр бўлмасун Анда тамоми мардуми Бухорони томуридин қон олдилар. Ҳукми хон тагайюр бўлмади. Амир хожам Баҳовуддин хизматида бўлдилар. Тўқтемурхон Бухорога кириб юртни алл ила сўрай берди: Вақтики, қинчоқ элатлари Шаҳр Ороӣ ўлганини эшиитуб, хеш-ақраболари они қонини талаб қилуб Бухорога келдилар. Хонга айдилар: бизларга Турагайни ўғлини топиб беринг, ўлдуурмиз, хон кўб манъ қилди, бўлмади. Баҳовуддинга хабар юбордиким, бу жамоъни ҳарчанд манъ қилдим, бўлмади. Анда хожам Сохибқи ронга назар қилуб, кўрдиларким, баҳодурликда арслондек, талаб жангигида қофлондек эрди. Айдилар, алҳол, сабр қилгил, агар зўрник қиласа, аидин кейин ўзинг билурсан, деб бошларини кўксиларига ташлаб тафаккурга кетдилар. Анда ҳар коғир ҳовлиларига яқин келуб, отдин йиқилуб бўйни узууб, жони томут юртига кетар эрди. Агар эшикларига қадам қўйса, гойибдин ярог келуб, бўйнига тегди. Одамлар тамомо қилур эрдилар. Баҳовуддин муридлари била ўлтуруб эрдилар, қинчоқлар сурадилар: сочлик йигит ким деб. Тожиклар айдилар: девона Баҳовуддиндур, муридлари, Турагай Баҳодур ўғлига ҳамийдурлар. Қинчоқлар айди: эй девона, сизга ишимиз йўқ бизларга Турагай ўғлини келтуруб бергил. Хожам айдилар: ул мани муридим, нечук берайсанга, асло бермасман. Анда аларни бир чол қарияси айди: бул девона тасаҳхирি малоика қилубдур, малоикани қочурмоқ осон, илло, бир тугулғон оға-сингилини келтуурсиз, мунда оға синглисин зино қилгоч, малоика қочур. Анда Тотор отлу кини келуб, ўз синглини зино қилди, тарми эли андиндур. Хожам «оллоҳу ақбар» деб, ранглари мутагайир бўлуб айдилар: эй Турагайни ўғли, сани аллога тобшурдим, энди гайратинг ва журъатинг бўлеа, кўргузгил. Амир, филҳол, ярог-аслаҳаларини белларига боғлаб, кўлига қалқон олиб, дубулгани бошларига кийуб, совутни эгниларига кийуб, Хожамдин фотиҳани олиб, бир тарафда Иноқ қўлига ханижар кўтариб ул юзи қораларга юзланиб эрдилар. Карвон саройдин қинчоқлардин Қолто отлу кини чиқуб, Амирга қилич кўтарди. Яна Амир Жўжихонни турзисини қулиға олиб они уруб, қиличин синдерди. Қолто қочиб девор тагига ёшинди. Амир гураи била деворга андог урдиким, устига девор йиқилуб, жони томут горига беркинди. Қолтони иинси огасини кўруб Амирга қилич кўтариб келди. Анинг кўлидин ушлаб, бир уруб икки тақсим қилди. Анинг ҳам жони огасини ёнига борди. Анда Иноқ икковлари яёв карвон саройга бордилар. Иноқ айди: ман карвон саройни томига ўзимни олиб бу ёвни тошқори чиқарурман, Амир ани манъ қилуб, мандин жудо бўлмагил деди, кабул қилмади, сарой томига чиқти. Бирин саройдин ани кўруб орқасидин чиқти. Иноқ полон остига ёшунди. Иттифоқо, Иноқ бўйнига полон ифи тушуб, шониб полон била ерга юмалануб тушти. Ани тутуб бойладилар. Амир

Иноқни құлға түшганин әшитуб карвои саройин остидин келурәди, одам құблицидин сарой томи йиқилди, Амир остида қолди. Халқ Амир Темур үлди деб гумон қилди. Қипчоқлар Амирни үлугини қуидуурмиз деб очиб қурсалар, Амир тирикдур, лекин ҳүпсиз ётур. Көлтүруб Иноқ била boglab құйдилар. Амир анча вақтдин кейин ўзига келуб құрса Иноқни олдидадур. Қинчоқлар хоҳласас-ким, икковини ҳолок қилса. Үшал вақт дупур-дунур овози галогул кела берди. Құрсалар Тұхтамишхон Амирни бу ҳолда бұлганини әшитуб неча одамларни қалам қылуб келуб юз киши билан мұлозымларидин бириси Амирни отни сағрисига олиб, Иноқни яна бириси олиб Амирни яхшилик қылғони учун. Анда қинчоқлар Тұхтамишхонни үртага олдилар. Тұхтамишхон хийла била Амир ва Иноқ икковини Шамс үл мұлқ боги деган жойи бутхонага юборди. Қинчоқ әлати Тұхтамишхонни күб тант құйдилар. Тұхтамишхон әртағача деб алардин мұхлат сүрди. Топглasi яна Тұхтамиш олдига бориб гавго құйдилар. Тұхтамишхон айди: бориб бутхонадин хабар олинглар. Лекин аларни расмида бул әрдиким, ёзуқлу, гунохкор киши бутхонага борса, алар дахл қилолмас әрди. Анда лоилож бұлуб, қай вақт бутхонадин чиқса ҳалок қилурмиз дедилар. Тұхтамишхон икки қулидин Амирға таом юбориб, уч күндін кейин иккала құл Тұхтамишхонни амри била олиб борғап сабат ичра Амирни олиб ва бири Иноқни олиб, беркитуб құтариб шох Нақибанд пирим хизматига көлтүрдилар. Ҳожам Амир Темурға айдилар: бориб Бароқхонни топиб көлтүргил, мұлкни жаттадин олиб, анга бергил, буларни вақти ҳануз узоқдур.

БУ ДОСТОНДА АМИР СОХИБҚИРОН БАЛХ ВА ҚАНДАХОР САРИФА БОРГОНИ, БАРОҚХОННИ АХТОРИБ ЮРГОНИНИ БАЕНИ

Хазрат Нақибанд пирим амр құйдиларким, Бароқхон қайда бұлса, ахтариб топиб, көлтүргил, дедилар. Анда Сохибқирон Иноқни олиб икковлари яёв бұлуб сафар йұлиға түштилар. Құб-куб захматлар чекуб юрдилар. Аммо вақтики Оқтемурхонни Сохибқирон үлдүрууб әрди, аниңг, үрнига Қызыл Темурхон Қаршиға ҳоким бұлды. Қаршини улугларини тамомига буюрдиким, мани оғамни қотилин топиб беринг, бұлмаса, барчанғизни қатл этгүмдур. Анда айдилар, сани оғанғ бир йигитни хотунин олиб қочуб уйида сақлаб әрди, ул йигит ҳамийят қылуб бир кечада үлдүрууб кетубдур, маълум бұлмади кимдир. Ҳоким айди: ҳар кимарса ва ҳар нимарса шул шаҳр ичра ҳоҳ яхши ва ҳоҳ ёмон бордур, сизлар албатта, билуреиз, тезликда топиб берурсиз, бұлмаса барчанғизни ҳалок қилурман. Ҙиров айди: бул даштда бир азиз бор, илми Жафардин ҳабари бор, агар они топиб көлтүрсанғ, ул киши илми Жафар била оғанғни қотилин топиб берса керак. Қаршининг саҳросида гор ичра шайх Умар тоат қылур әрдилар. Сипоқларидин ким горға яңини бул ерга көлтүринг, деб. Анда сипоқларидин ким горға яңини келса, отдин учуб кета берди, жони томуг шаҳриға етаверди.

Синохлардин куб одам отдин йиқилуб, ул ерда ҳалок бүлдилар. Ҳоким бул ишқа ҳайрон қолди. Аммо шайх Умарнинг ўглилари бор эрдиким, куб сатанг ва чафани эрди, Қизил Темурхонга келуб айди: Эй хоним, манга инъом берсанг Жафар китобини ўирлаб келтуруб берурман. Анга минг олтун инъом қилди. Ул кеча отасини олдига келди. Шайх айдилар: Ўглум, ҳарчанд қилдим турғил, турмадинг, юзингда яхшилик нишони йўқтур. Бул анда, ота мани ёмонлигим йўқ деб онт ичи. Ул кеча вақтини ганимат билиб, китобни ўгурилаб олиб келуб ҳокимга берди. Тонгласи Шайх кўрсалар, китобларини ноқобил ўгиллари олиб кетубдур.

Алқисса, шайхни қўймасдин Ҳоким қопига келтурдилар. Ҳоким иззат қилди, айди: эй шайх афандим, мани оғам қотилини манга билдуринг, бўлмаса Сизни ҳам ўлдурурман. Шайх айдилар, асрори гойибни оллодин ўзга киши билмайдур. Андин кейин Шайхни ўглиларини келтурдилар. Ул бебоқи нопок Қизил Темурхонга айди: одамларни ўлдурмоқга талаб қил, алар фигон қилуб отамга тазорруть қилурлар, лоилоқ, отам қотилини топиб берур. Эртаси одамларни жамъ қилди, барчаларини қатлга буюрди. Андин кейин алар Шайхнинг этакига ёбушуб зори қилдилар. Шайх айдилар: Эй ҳалқ, имми гойибни тангри таборак ва таолодин ўзга киши билмайдур. Шул вақт узра бир қари хотун келуб айди, оганги қотилин ман ҳабар берурман. Аммо бул қари хотун Хонимча била тануш эрди, бир-бирига дўст бўлуб, анга маҳрами асрор бўлуб, Хонимчай сода лавҳ сиррин айтуб эрди. Қизил Темурхон қари хотундин сўради, қотил кимдур? Қари хотун айди, оганг қотили Турагай баҳодур ўглидур. Ул фалон сўфини ўғли Иноқтоз қиморбоз била Бухорога қочиб кетгандур. Лекин хотуни сўфини уйидадур, деб бир-бир воқеани баён қилди. Филҳол, Хонимчага ҳабар келди, анда Хонимча ҳайрон бўлуб, сўфи била видоълашуб бошига телфак, эгнига тўн кийуб Бухоро сари юзланди. Анда бул хотунини тоболмай, сўфини тутуб кетти. Аммо Хонимча Мирзо Жаҳонгирга ҳомиладор эрди, йўл узра бир эски роботга йўлиқти. Анда важъи ҳомила яқин бўлуб, дарди зиёда бўлди. Ул эски робот жаҳонгир иби Қизил Арслонхон Отабекдин қолгои эрди. Зўр ила ул робот ичра кириб эрди, бир ўгул вужудга келди. Аммо Бухородин Амир била Иноқ келур эдилар, шамол келуб кал Иноқ бошидин тӯфғисини тушурди. Шамол юмалонтуруб ер устида кета берди. Тӯфғисини орқасидин бул югуруб етолмай, Амир ҳам мунинг орқасидин кела берди, иттифоқо, бул роботга келдилар. Хонимчага мулоқот бўлуб, Хонимча бўлган шарҳи воқеани бир-бир баён қилди. Амир бул ўгулни кўруб отини Мирзо Жаҳонгир қўйди, нечукким, Жаҳонгир роботида таваллуд бўлуб эрди. Аммо Амир тезлик била Қаршига келдилар, ўлумдин одамларни пажот бергали. Аммо Қизил Темурхон сўфидин сўради, сўфи инкор қилди. Қаҳр-газабда бўлуб аввал шайх била сўфини шаҳодатга еткурди. Андин сўнг, ул золим тамоми ҳалқни қатлга буюрди. Қарши элинин андог ўлдира бердиким, катта-кичин, эру хотундин фигон фалакка чиқа берди. Қарши ҳалқини насафини ул

хунхор нобакор ўлдуруб эрди. Соҳибқирон етуб келдилар. Анда бирордин сўрдиким бу нима воқеадур? Ул айди, бир одам учун бу коғир золим барчамизни ҳалок қилур. Амир Хонимчани бир яқин одамга тоншиуруб, тўғри Ҳоким олдига борди. Айди. Эй Қизил Темур Тўқтемурхон ўғли, огангни қотили ман бўлурман, бу фақирларда ниманг бор? Анда Иноқ, бурчакда туур әрди. Ҳоким Соҳибқирон баҳодурлиқидин қўрқти. Айди, эй Амир Темур, ажаб баҳодур йигит экансан, икки қулингни бергил, боғласунлар. Амир қайдга қўлини берди, бойладилар, қатлга буюрди. Анда Жатта беклари манъ қилуб айдилар, бул тўра бачалардин экан, зинданга солсанг, Бухорога Тўқтемурхон отангга нома юборсанг, они ҳукми била иш қиссанг яхши бўлур дегач. Иноқ бу сўзни англаб, андин Хонимча олдига келуб, видоълашиб, яёв Бухоро сари. Тўхтамишхон олдига бормоқ бўлди. Шаҳрдин чиқуб бир ерга келса, Қизил Темурхон номи юборган элчилари ётур. Аларни отин олиб, Бухорога юзланди. Кечани кеча, кундузни кундуз қилуб, жўнаб кетти. Бу элчилар ўриидин турса, отларини ўгри олиб кетибдур. Лоилож бўлуб, яёв юрдилар. Аммо Иноқ ел каби учуб Бухорога етти. Анда болалар ўйнайдургон варрак қилуб учуруб, Тўхтамишхонга хатни юборди. Мунинг учганини, ҳавода турганини Тўхтамишхон кўруб, варракни асло кўрмаган эрди, таажжуб қилиб, бу нимадур деди. Айдилар варракдур. Анда айди, варракни әгасини келтуринг, деди. Анда Иноқни олиб бордилар. Тўхтамишхон тануб, навозишлар қилди Соҳибқирон ахволидин сурди. Анда Иноқ воқеани бир-бир баён қилди. Тўхтамиш, филҳол, нома ёзиб, отасини муҳрини босиб Иноқдин Қизил Темурхонга юборди. Ўшал соат Иноқ номани олиб қайтуб Қаршига юзланди. Йўлда қамишзор тўқай бор эрдиким, анга келса Қарши элчилари чарчаб тўқай ичра ухлаб ётур. Анда қамишга ўт қўйиб, тўқай тамомини кўйдуруб юборди. Анда ул элчиларни жони ул тўқай ўтига тоб келтуролмай, қочиб кетти, томуг юртига элчи бўлуб етти.

Кал Иноқ Қаршига келуб ҳукмномани Қизил Темурхонга берди. Номада дебдурким, ҳарчанд, огангни ўлдургон бўлса ҳам, зиндандин олиб озод қилгил. Анда Амир Темурни, озод қилуб юборди. Соҳибқирон Хонимчани олиб Шаҳрисабзга борди. Қора Темурхон Шаҳрисабзни адл бирла сўрар эрди. Бехавф Хонимчани ўғли била анда қўйуб, ўзи Балх тарафига, Бароқхонни ахтариб кетти.

БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН БАЛХ ШАҲРИГА БОРИБ, АМИР ЧОҚУ БИЛА МУЛОҚОТ БЎЛҒОНИНИ БАЁНИ

Аммо Амир Соҳибқирон Иноқ била йўлдош бўлуб неча кун, неча тун йўл кезиб, чўл кезиб, кун туруб, тун йуруб бориб Балх вилоятига доҳил бўлуб, бир саройга кириб, ҳужрасида қарор олдилар. Бир кун Амир саройдин чиқуб, ўрамаларда юрур эрди, бир киши соқоли мои биринч каби бўлғон, нола бираа йиглаб

борур, айтадурки, эй яратган тангрим, бизларни бу кофир золимдин йироқ қилгил. Амир аниң елкасидин ушлаб күрди, тандиким, отаси құлидан бир замонида муні озод қылғон әрди. Сохібқирон аниң кайфиятидин сүрүб, саңға кимдин зулм етубдур, деди. Ул қари чол айди, мани бир гұзал ўглум бордур, аниң оти Ҳинд Ҳожа. Юртни ҳокими Қамариддин тоғижеде. Солқут қатагон аниң нахлавонидурким, мени ўглумни олиб қочиб, ҳаммомга кетубдур, билолмадимки, ул шум нима ҳақорат қилур. Амир айди, ҳеч кимга арз қылдингизму? Қари киши айди. Қамариддинға бориб арз қылуб әрдим, қулоқ солмади, лоилож, яратғанға ийнілаб келурман. Амир анга, мен бориб ўғлингни најот берурман, деди. Ул чол күлди. Амир анга ўзини аёп ва баён қылуб билдурди. Андин кейин қари киши Амирни тануб, уйига тақлиф қилди. Амир айди, аввал ўглунгни најот бериб, андин кейин уйингга борурман. Амир Иноқ бирла андин ҳаммомға бордилар. Ул ҳаммомчига ҳеч киши келмасын, деб әрди. Ҳаммомчи буларни манъ қилди. Амир ҳаммомчи сұзига қулоқ солмай ҳаммомға кира берди. Ҳаммом ичра күрдиким Ҳинд Ҳожа ёлғуз турур, Солқут қатағон боши охур ичра, сув олур әрди. Амир, филжол, бориб иккала оғиғини күтариб, бошини сувға тиқуб турди. Солқут сув ичига кетти, жони узулуб томуг ҳаммомига етти. Муні Ҳинд Ҳожа күрүб урра қочти. Ылукі охур ичра қолди. Қиморбоз Иноқтоз муні күрүб, дақ-дақ титраб берди. Иштон деб күйлакини оёқига кийуб, күйлак деб иштонини бопига кийуб, шошиб қолди. Ҳарчанд Амир айди, мардана бұл, құрқма, деса ҳам фойда бермади. Ҳаммомчи келуб күрдиким, охурдин лунги чиқуб, сув томуб турур, бориб қараб үлукни айди, ҳой усто, бу қандай бало. Солқутни охур ичра үлдурубы қүйубсан, деб ҳамомдин чиқуб, шовқун қила берди. Қатагон әлатлари әшпитең етиб келдилар. Ҳаммомчи мунда шу иккі ийгитдин ўзға кипи йўқ, деди. Сохібқирон Жўжихон чўқморини күтариб, наъра тортиб, шовқун солиб, мандурман Турагай баходур ўғли, деб уруш қила берди. Қамариддин эшитуб, отга минуб келди. Аммо Солқутны иниси Ишимчи йўлбарсни ёшлиқида тутуб олуб, устига эгар юкини қылуб минуб юрар әрди. Ул ҳам эшитуб, йўлбарсга минуб келуб. Иноқни қамчин бирла урди. Оғзидин лахта қон келуб, ўзидин кетуб ийқилди. Они бойлаб қўйдилар. Андин Сохібқиронға келди, қамчинини Сохібқиронға ҳавола қилди. Амир ани дағъ қылуб чўқмор бирла уруб әрди, Ишимчига тегмай, Йўлбарсга тегуб бошини пачақ-пачақ қилди. Ишимчи ерга тушуб куб олиши. Амир чўқмор бирла андог урдиким, кўксигача тегуб, пора-пора қилди. Сохібқиронни бу қылғон ишини жатта әлати күрүб, фигон қылуб келдилар. Бир кечаю бир кундуз андог уруш бўлдиким, мундог масоғии киши курған эмас. Амир жанг қила-қила шаҳарнинг дарвозасига келур әрди, анда қўпрук тешукига оёғи тушуб, тойиб ийқилуб әрди, келушуб болглаб Қамариддинни олдига олиб келдилар. Амирни Иноқ бирла икковини зиндонға буюрдилар. Андин Бухороға, Тўқтемирхон олдига нома юбориб, дедиким. Турагай баходурни ўғли келуб, иккі нахлавонимизни үлдурди. Ани әлати қопини талаб қилур, берайму ё йўқ? Ҳануз нома икавоби

келмасдин, иттифоқо Амир бирла Иноқ зиндоңда әрдилар. Зиндоң эшикида қоровулға бир киши сабат ичра олма тухфа келтуруб, түйга таклиф қилди. Қоровул иккى кишини ўриңа қўйуб, түйга кетти. Ҳалиги иккى киши чогир ичиб, буларга айдилар, сизлар сабабингиздин тамошодин қолдуқ, түйга беролмадук. Иноқ аларга айди, Сизни хизматингизга қоровул бир йилға нима берадур? Булар айди, бергани овқатимизга етмайдур. Иноқ айди, ман сиага бир пора лаъли Бадахшоний берурман, огирили етти мисқол келур, қіммати етти минг олтун бўлур, бизни најот құлурсиз. Алар қабул қилдилар, лаъли беркитуб қўйғон ерларидин олиб берди, иккови кўрдиларким, лаъл асилдир. Соҳибқирон бирла Иноқни зиндоңдин ҳалос қилуб чиқарди. Иноқ кўнглида айди, бу икковига лаълни ташлаб кетарманму, деб. Яна аларга айди, эй қардошлар, қоровул келуб зиндоңийларни қаерга юбординг деса, нима дерсиз? Алар ҳайрон бўлди. Иноқ айди, икковингизни ман боғлаб қўяй, сизлар юмаланиб, ер узра ётунг, қоровул келса, айтурсизлар, зиндоңийлар ҳийла бирла бойлаб қочиб кетти, десангизим, қўрса маъқул қилур. Агар ўзи қочиб кетти десангиз, ҳеч ким иномас. Алар қабул қилди. Ул содда замирларни алдаб, фёқ-қўлини боғлади, иккисини бошини кести, лаъли олиб. Ҳинд Ҳожа уйига юзландилар, билмадилар уйи қайда бўлса, йўл узра бир қора кийимлик учради, маълум бўлдиким, Ҳинд Ҳожадур, икковини уйига келтурди. Ул кеча анда бўлуб, тоигласи Ҳинд Ҳожаки олиб, уччов бўлуб Бароқхонни ахтариб, шаҳрдин чўлга чиқтилар. Ҳиротга яқин етилар. Чигатой эли жатта элатидан Ҳирот, Қандаҳоргача тарқашиб әрдилар. Овулдин овлуга Бароқхонни сўраб ахтардилар, тошилмади, балки билсалар ҳам қўрқуб айтмадилар. Жиройил элига келдилар. Алар Амирни зиёфат қилди, алардин Бароқхонни сўрди, алар айдилар, биз ҳам тополмай, ҳайрондурмиз. Алардин ўзларига йўлдош талаб қилдилар. Алар мол-манолдин кечиб бермадилар. Андин сулдуз элига келдилар, булардин ҳам йўлдош талаб қилдилар, қабул қилмади. Андин Соҳибқирон, Иноқ, Ҳинд Ҳожа уч киши йўл кезиб, кун юруб Бароқхондин асар топмадилар. Соҳибқирон йиглаб муножот ила бу абётни ўқудилар:

Байт:

Тополмай мақсудим ҳайрон эрурман,
Биёбонлар аро сарсон эрурман.
Кўрунур ерда қум-тош, кўкда юлдуз¹.

Бу тошлидин қабарди ким оёқлар.
Бу чулда йўқ қалов, зиё, на раҳбар,
Илоҳо, сандин ўзга Хиэру Жаброил
Чирог эмас яшил, ҳоди эмас ел,
Ўзинг ҳоди бўлуб чин йўлингга сол.

¹ Кейинги мисра асл иусхадан тушиб қолган.

Адашган осий құлдурман, құлум ол.
Ки сандың үзға үйкедур ҳеч панохим,
Сиғиндім даргоҳингга, ё илоҳим.
Йұл үзра құймагил афтодаларни,
Хусусан, бизга ұхшаши соддаларни.

Алқисса, Соҳибқирон тануи әлатлардин рафиқ талаб қилдилар. Ҳеч ким рафоқатта ярамади. Нече күн йұл жоруб, бир ерга келсалар. Иккى минг тева, үн минг құйға түгри келдилар. Амир сүрди. Булар кими никидур? Құйчилар айдилар: бул амир Чоку барлоғосникидур. Үл вақт амир Чоку әлатлар ичра күб гани киши эрди. Амир қүйчилардин сүрди, амир Чоку үгли Мирзо Сайфиддин қайдадур? Алар айди: Мирзо Сайфиддин құдуқ бошиладур. Амир анда бордилар, күрдиларким, мираз құдуқдии нарида чодир ичра үлтүрүр. Құллари ҳар қайси үз ишида эрди. Амир құдуқ ёқасига келса, қирқ ҳұқизни терисидин қылғон қовға осилиб туурup. Амир анда қовғани сувға солиб, ёлғуз тортиб олди, охурға тұкуб, иккинчи тортиб олурида арқон узулди. Андог садо чиқдик. Мирзо Сайфиддин иргиб туруб оёқ яланғ յоғурубы келди, құллари ҳам келдилар. Мирзо сүрдик, нима гап? Айдилар, бу йигит ёлғуз қовғани сувға солиб, тортиб, иккинчиде узулди. Барчалари таҳсии қилдилар. Амир үл вақтда йигирма беніда эрди. Амир Мирзо биле чодирға бордилар. Мирзо Сайфиддин тануб, үзин ташумаға солди. Аиди кейин Мирзо айдиким, ҳар ким үз жойин билуб үлтүрсөн, деди. Соҳибқирон Мирзодин юқори чиқуб үлтүруди. Мирзони аччиги келуб. Амирға айди, қайдин келдинг, қаерлик бұлурсан? Амир айди, ман бухоролик бұлурман. Мирзо Сайфиддин айди: Амир Чоку барлөс авлоди бул ерга келебдур, ағар бухоролик бұлсанғ бизни жуворилар Бухорода қанча бордур? Соҳибқирон жавобига айди: Бухорода жуворилар, гурунч, мөш баҳоси бирдек зрур. Мирзони аччиги келуб, газаб бирла айди, эй бухоролик, на сүзин билуб ганурасан ва на үринингни билиб үлтүрасаң! Амир айди, ман түра бача бұлурман. Мирзо Сайфиддин айди, ман мұлла бұлурман. Соҳибқирон айди, «ilm» лугатда нимадур? Мирзо Сайфиддин айди, ҳар ниманинг ҳақиқатини билмоқ. Амир айди, мени билсан. Турагай баҳодур үглидурман, Бароқхонни ахтариб келдим. Мирзо анга нагий ният қылуб, билса ҳам қабул қымлади, инкор қилиб айди, ман әшиттим, Амир Темурни жатта синоқлари үлдурди деб. Энди сан ман Амир Темурман, деб келдингму? Соҳибқирон айди, мажхұл сұзға инонмагил, Амир Темур ман бұлурман. Яна Мирзо айди, Амир Темурни жатта әлатлари бисёр күб азоб иш үлдурмишдур. Амир хоҳласаким, үзини күрсатса, яна туз ҳақини андешасини қилди, үзини сақлади. Үз күнглида үз элизни ён қылмойин, деб хафа бұлуб, аиди жүнади.

Мирзо Сайфиддин хайрон бұлуб қолди. Ногох, бир тарафдан ғанаңг құрунди. Қантанғ ичра фил мингай бир киши келур. Аммо амир Ҳиндистон Амир Чокуға сийловға бир фил беріб эрди. Соҳибқирон күрсаким, Амир Чоку зрур. Иккөві бир-бірін тануб, құчоқланған күриштілар. Амир Чоку элу юрты зеңға тушуб, аларнинг Фироқи

күб йиглади. Айдин кейин Амирни қүшіга олиб келди. Мирзодин Сохибқирон қүнгли хафа бұлғонини аңграб қаҳр-газаб бирла миризни ұлдурмокға қасд қилди.

Мирзо Сайфиддин Амирни анда үзиге шафөз қилди. Амир шафөз бұлуб отасидин сұраб олдилар. Анда Амир Темур Амир Чокуга бошидииң үтгап воқеасини бир-бир баён қилди. Ҳеч ким рафиқ бұлмаганини айди. Анда Амир Чоку бу уччовларига от беріб, үгли бирла үзи аларга йұлдош бұлуб Құшың қалъасига бордилар. Анда шаҳр ичра Иноқ кириб соатидин сұнг йиглаб чиқа келди. Аммо Тугал бекким, туркмен эли Құрагон элига күб душман әрди, Сохибқиронға айди: амакинг Ҳожи бекни буюруб, терисидин этини ажратиб, машиққат ила ұлдурурлар. Филхол, Сохибқирон қалъя ичра кириб, амакиларини ахволини күрдилар. Йұлдоштарига, сизлар сукутда туриңг, деб үзи жаллод қошига секин бориб, амакини ұлукини неча олтун бериб, жаллодлардии олди. Этини терисига үраб олиб чиқуб, салласын анга каған қилиб, жапоза үкүб, дағи қилдилар. Үшул ерда бир бузуг күлбада ухлаб ётур әрдилар, туркмен эли чиқуб, бешовларини boglab олдилар. Қалъя ичра олиб кирдилар, беклари буларни ұлдурмокға хукм қилди. Шул асюда шоҳ Мансурдин шаҳри Машҳаддин нома келди. Дейдурким, хүшір бұл ва хабардор бұл, Чигатой беклари бизни мұлкимизга қасд қымасун. Алхол, Тугал хотирига келуб, үз қүнглида диялоғын қылуб, шоҳ Мансур олдига бұларни тирик юбормоқ лозим бўлди, деб бул беш кишини икки бутоқлуқ айри йигочга маҳкам бўйниларидин бойлаб отларига миндурууб, бир неча муваккиллар бирла Машҳад сарига юзланди. Жом йўлидин Ҳарзга бордилар. Уч кеча, уч кундуз бирдек йўл юрдилар. Тўртичи кечасида муваккилдин бирини уйқу галаба қылуб, Амирни отини жилови қўлидин чиқуб кетти. Сохибқирон ишорат бирла үзга йўлга юрди, аммо кун совуқ әрди, сахаргача йўл юруб, бир қишилоқга етти, чеккасида bog бор әрди. Анда хонақоҳ ҳам бор әрди. Ҳофизларни овози, зокирларни сайҳаси чиқадур. Анда Амир таваққуф қылуб, ҳофизларни ўқуганини, аларни оҳ ва ногасини эшитти.

Амир хоҳладиким, аларни бирини чоқириб үзини бойлугуни ештуреа, яна душманлар хабардор бўлмасун деб сабр қилди. Ногоҳ бир сўғи чиқуб нола била йиглаб, икки итни хонақоҳдин келтурууб boglab қўйди. Бири семизу бири ориқ, яна бориб хонақоҳ ичра кирди, соатидин кейин ул сўғи қўлида қоф ичра таъом олиб чиқти. Амир они қўруб, шовқун қилиб айди, эй сўғи, мани бойлугумни ешгил, ўшац таъомингдин мани зоеъ қымагил. Ул сўғи Амирга назар қилди, аммо таъомини икки итини олдига қўйди. Амирга гафурмади. Таъом манга раво бўлмай, итларға раво бўлди, деб Амир бениҳоят куб хафа бўлди. Вақти бўлуб үшул хонақоҳдин бир нур чиқуб оламии тутти. Жаҳон кундуздек мунаввар бўлди, гўё Амир қүнглига етти иқлим жилва қилди, магриб. Яман, Ҳиндистон, Мозандарон, Ироқ, Форс, Туркистон, Үрус, Хуресон барчаси кўрунди, яъни илқо бўлди, яна гойиб бўлди. Айдин сўнг икки киши келиб Амирни бойлугини ештилар. Бирии қўлида ниёла тўла сут, бирии илтида коса тўла шароб, хар

қайсылари ўз косаларини күб-күб таъриф қылуб Амирга узаттилар. Амир шаробдин ичмай, сутдин ичти. Сүнгра бир арини күрдиким, ўзи каби арини улигини күтариб чиқиб кетти. Аидин сўнг бир киши куб чумчукларни кўб машиқват бирла тутуб бир қафас ичра солди, лекин эхтиёт қиамади, бир илон келуб чумчукларни еди, кўби учуб кетти. Аида бир киритикан ҳозир бўлуб, илонни еди. Ҳануза киритикан кетмай туруб, тулки келуб, они еди. Аида бир сайд юни тужикини ўқ била уруб ҳалок қилди. Ўзи нари бормай оёки тойиб йиқидауб бўйни узуади. Булаарни барчасини бир соатда ҳалокатта етганини кўруб. Амир хайрон бўлуб, таажжубда эрди. Ўшул вақтда итларга таъом бергон кишини чиқуб. Амир Соҳибқирон кошинга чорада ўрголуқ бир нима келтуруб қўйди. Амир айди: аввал таъомни итга бериб, эмди менга берурсан, деб сўфига бу қўниукни айди:

Бу азволим санга қандай десам ман,
Бу ит арзиди, лекин арзимасман.
Бу хорлик бирла келтурган таъоминг
Агар бўлса самар, қандлик, емасман.

Сўфи айди: ман хизматчи кишиидурман, егид. Соҳибқирон дастурхонни очиб кўреа, кўйни тўши нишаган этидур. Соҳибқирон они завқ била хўб еди, тангри таънолога шукр айди.

Назм:

Ҳар паришон сўзки айдим, ё қарим.
Бачадин истигфор олло алъазим.

Амирни кўнглига келдиким, Хурсон ер юзин кўкраги эмиш. Манга азизлар муни бермешлар. Яна сўфи чиқиб айди: Эй тўра бача йигит, бери кел, азизлар сани талаб қилурлар. Аида Соҳибқирон хонақоҳ энникидин ичкарига кирди, кўрдиким, бир оқсокод кишин бекасам тўшли ва фўшли ва мисвоклу, ўғли бираа шатранж ўйнаб ўлатурур, ҳар вакт ўғли ютса ацча берур, агар оқсокод кишин ютса, бокий кўюр. Мунга Соҳибқирон ҳайратла қолди. Келуб бир чеккада қарор оғди. Ул кишин ўз ишига магрур эрди. Ногоҳ тонг отиб эрди, эннидан бир киши келуб, таъзим қилди, айди: йилқиларингиз ичра бир қайсар байтал бор эрди, асло тутмаган, аидин бир таажжуб той тугулғондур, анинг отини Ақим кўйдум, ул той от йилқиларни ҳар тарафга кувлаб, агар бир оғамиш кўреа, фиҳол, ўздурур, куб шуглур. Алар қониии сиздин талаб қилуб энникга келубдур, ул кишин йилицичига қараб айди: хўб яхши аларга тавон беринглар. Яна Соҳибқиронга қараб айди: буа киши била боргиш, ўшал отин буа ерга келтурғил, санга ишъом қилдим, яна санга кўб сўзлар гафургайман. Амир айди: Эй Шахриёр афандим, яёв қандай борурман?

Ул азиз даҳшат қилуб айди: борғил, агар дармонда бўлсанда манга сигинигил, деди. Амир кўнгилда айди, бул кишин мутакийдиди

бўлса фисқин олотларини хонақоҳга келтурмас эрди, қиморбознинг ёнига ёндошмас эрди. Анда Амирни йилқичига құшуб юборди. Йилқичилар айдилар, сани бизга йўлдош қилибдурлар, сан ул балони бошимиздин узоқ қилмасаңг, биз сани қўймасбиз. Соҳибқирон ҳайрон бўлуб, лоилож йилқиларга борди. Кўрсаким, Ақим тойи кўк ранглик от эрур. Аммо Амирнинг таковори шахри Қешда қолиб эрди.

Алқисса, Амир таваккални олло таълога қилуб, бошига дубулға кийуб, қўлига юган олиб, Ақимга яқин келуб, тўгри бўлди. Ул таковар дубулгасига бир зарб уруб эрди. Амир тизи бирла букуб қолди. Анда мазкур азизга сигинди. Анда бир қўл гойибдин ҳозир бўлуб Амирни елкасидин кўтариб эрди, Амирга қуввати пайдо бўлуб, ўринидин турди, ул отни ёнига ёшунуб, бир иргиб миниб олии. Ҳар тарафга чона-чона шиддат била хонақоҳ эшигига келди. Амир бир дафъ қилуб эрди, жумжума да қолди. Амир ўзини жумжума ёқасига олди. Ҳарчанд зўр берди. Ақимни чиқаролмади, иложи бўлмади. Ул азиз хонақоҳдин чиқуб айдилар: эй Амир Темур. Соҳибқиронлик даъвосини қилурсан, отни буён келтурмояга кучунг етмайдур. Ул азиз икки бармоқ била жумжумадин оидилар.

Деюлларким, замонида шоҳ Мансур қатор филларидин бир фил ушибу жумжумага тушиб қолди. Бу азиз икки бармоқ била филни юкорига олиб эрдилар. Соҳибқиронга айдилар: Эй Амир Темур, сан подшохи азим бўлдуңг, эди сан одоби салтанатни ўргангил, қазоиқадр санга хоҳлабдур, ул икки итни кўрдунг, бири семиз, бири орик, нафе оммора бўлур, анга парво қилмагил. Андин сўнг нур кўрдунг, иқболинг қуёшин партавидур, олам санга мусаххара бўлур, ўшул икки киши санга сут била шароб бердилар, сан сутни пчтинг, шаробни ичмадинг, агар шароб иссанг золим бўлур эдинг. Ул ариким бир арини ўликин кўтариб ҳавога учти, ул Яъқубдур, ариларни беги эрди, фуқаросидин бири ўлуб эрди, ўлигини кўтариб, ўз манзилига олиб кетти. Сан ҳам фуқаро аҳволидин хабардор ўлуб, эҳтиёт қилғил, зомини қиёмат бўлмагил. Андин сўнг ул кипи кўб чумчуқларни машаққат бирла тутуб жамъ қилуб, бир қафас ичра солди, ўзи кетгач, чумчуқлар учуб кетти. Ул дунёга хирени қуюб, ранжу мashaққат бирла жамъ қилгон эрди, олам ҳодисасидин тарож бўлди, зинҳор дунёга меҳрингни қўймагил, они мұхаббатига бойлаймагил. Аммо илон қафасидин бир неча чумчуқни тутуб еди, киритикан келуб илонни еди, анда бир тулки ҳозир бўлуб киритиканни еди. Тулкини бир отлиқ киши келуб ўқ била уруб, ўзи йиқилуб бўйни узуслуб халок бўлди. Булар мисоли шулким, дунё жойи мукофотдур, яъни ҳар ким бировга зиён ҳоҳлади, ул зиёни бошида кўргай, мусулмонлик шул бўлурким. Шага тугри келса яхшилик қилурсан. Аммо қўйни тўшини бердук, яхши тамал қилким, Хурросон, ер юзини кўкес әмиш, муни санга тиъом қилдук, эмди турғил, Жом ерига борғил, йўлдошларингни обғил. Андин Амир Соҳибқирон Ҳайл ул Ақимга минуб йўлга

туштилар. Аммо йом йулида асиirlарни муваккиллар етаклад юриб, тонг отгач күрсалар Соҳибқирон йўқ бўлубдур, ҳарчанд ахтариб тоғолмадилар, кўб ташвишида бўлуб, лоилож, ул тўрт кишини олиб жўнадилар. Бир роботга етилар, они Амир Салжук бино қилиб эрди. Анда қарор олдилар. Ҳаво кўб совуқ эрди. Ўзлари робот гунбази ичра кирдилар, асиirlарни ташқарига қўйдилар, ҳарчанд булар нола қилдилар, бизлар совуқ заҳматидин ҳалок бўлмайлук, бизлар ҳам ичкори кирайлук, деб, алар қабул қилмадилар. Ўшул кеча робот йиқилуб, муваккиллар ҳалок бўлди. Асиirlар айдилар, бул Амир Темур иқболи турур. Аммо бўйниларидин айри бутоқни ҳарчанд зўр қилдилар: ешолмадилар. Ҳайрон бўлуб турдилар. Шул вақт Амир аларни қошига етуб бориб, аларни бойлуқларини ешуб, нажот бериб, андин Зиндафил хизматлариға бориб дуоларини олиб, Бароқхон талабига юзландилар.

БУ ДОСТОНДА БАРОҚХОННИНГ ШОҲ МАНСУР ҚҰЛИДА АСИР БЎЛҒОНИНИ БАЁНИ

Эмди Бароқхон воқеасини эшитмак керак. Вақти бўлуб Тўқтемурхон аскари жатта элати Мовароуннаҳр мамлакатларини барчасини олуб, анда Бароқхон ўз мамлакатида тура олмай, кечи била қочиб Бароқхон эгнига жанда, бошига кулоҳ, қўлига сўта олиб, чўлистонларни кезиб эрди. Қавми Чигатойдин баъзи ёмон кўнгиллар Бароқхон ҳалокатига қасд қилдилар. Аларни сирини бир ушоқ бола хонга ҳабар беруб, Бароқхон бечора душманлардин ҳеч шаҳр ичра киролмай, доим дашту биёбонларда юрур эрди. Ул қавмға армон бўлуб. Бароқхондин хабар тобмадилар. Аммо Бароқхон яёв йўл кезиб, кеча-кундуз чўл кезиб, оёқ яланг, бош яланг бўлуб, даштни ҳаво била елиға гаранг бўлуб, гоҳ юруб, гоҳи чарчаб, даранг бўлуб, олам ҳодисоти ранг-баранг бўлуб, Тегин аскари оёқидин найза уруб, қуёш беги бошидин зарра-зарра байза уруб, андог ҳолга туштиким, оҳ деса оғизидин яшин каби ўт чиқар эрди. Салтанат ёдига тушиуб, ёғин каби кўзидин ёш тўкар эрди. Гоҳи тангри тоборак ва таъоло ва қуддусга шукр айтур эрди. Гоҳи ўз аҳволини кўруб андешау фикр айтар эрди. Ва гоҳи, бу байтии фигон ва нола била зикр айтор эрди.

Н а з м:

Биёбон аро ман ғарibu фақир,
Жафо жаврларға бўлуб чун асир.
Қаёнда қолибдир беку хонлиғим,
Бу саҳро ародурму сарсонлиғим.
Бўлибдир элимдин вафо бир тараф,
Мани қатлимға тифу ханжар бакаф.
Жудо беклиғимдин қилиб шўр баҳт,
На иззат, на давлат, на афсан, на таҳт.
Ўтуб бу сифатда кеча кундузи,

Чүллистонда қолдим манам ёлгузи.
Бошимға ўтубдур қуёшдин асар,
Оёғимға ургон тикон наштар.
Оёғим ялангдур, бошим ҳам яланг,
Оёғим қобартыб қуму тошу санг.
Таним узра жанда, құламда таек,
Белимда расандур, элимдин йироқ.
Қолиб мулк, бояғ гулистонларим,
Алар ўрниғаму чүллистонларим.
Юрурға оёғимда йүқдур мадор,
Чүллистон қилуб ҳолимни танг-у тор.
Қуёш кетти, тұлғай самога нужум,
Мани құнглум андоғ бұлуб ғам ҳужум.
Илохи, ман бандага раҳм этуб,
Гуноҳим кечур, айбимни беркүт.
Бу олам, у олам үзинг илгім ол,
Адашғанларни, худой, үйлға сол.

Алқисса, Бароқхон бечора сарсон-саргардан ҳар жонибга юруб
Қандахор сарига борди. Қандахор ҳокими шоҳ Шұжоъдин илгари
шоҳ Мансур әрди. Аммо Бароқхон бисотида лаълдин бир узуги бор
әрди. Анда бир булоқ ёқасига келуб, ёшинуб, ул булоқ ичра тушиб
гүсл құлди. Сувдин чиқиб күрдиким, узук йүқ бұлубдур, ҳарчанд
ахтардиким, тоимади. Ҳеч кини құрунимади. Ҳайрон бўлди. Бул
узук йүқ бўлғонига кўни хафа бўлди. Леилож Қандахор ичра дохил
бўлди. Ӯрамларда юрур әрди, баногоҳ дунур-душур овози кела
берди. Кўрсаким, начанд чавқар отга мингандар келур, қўлларида
қушлари, олдиларида този итлари бўйнида олтун қуллода, бир-бир
ўта бердилар. Аларни орқасидин шон-шавкат бирлан шоҳ Мансур
кела берди. Бароқхон анинг дабдабасига кўзи тушиб әрди.
Барчалари шон-шавкат ила овдин келурлар. Анда Бароқхон
ўз салтанати ёдига келуб, ичи куйуб, юрак-багридин бир оҳ тортиб
әрди, мунинг охи шоҳ Мансурға матълум бўлди. Күрдиким,
қаландар сурат, салтанат сийрат бир кини. Буюрдиким, үшал
қаландарни олиб юринглар. Анда ўрда сарига бир боғ ичра кириб
ултурди. Бароқхонни келтуруб, чодир ичра шоҳ Мансур қошига
жої кўрсаттилар. Шоҳ Мансур Бароқхондин ҳар тарафдин сўз
сўрди, тамкин ила жавоб қайтарди. Шоҳ Мансур билдиким,
салтанатлик кишиидур. Буюрди бир каф олтун келтуруб бердилар.
Бароқхон пўтасига солиб олиб кетти. Шоҳ буюрдиким, кўринглар
нима иш қилур. Мулозимлар келуб кўрсалар, олтунни бир чеккага
түкуб, парво қымай борур. Алар айди, эй гадо, олтунни нега
тапладинг, бегимиз санга инъом қилубдур?! Қулоқ солмай кета
берди. Қайтуб Мансурға айдилар. Яна буюрдиким: Келтуринг,
Бароқхонни келтурдилар. Шоҳ Мансур туриб, ўзин ўрнига
утқузуб, хизмат пўтасини белига bogлаб, уч кеча-уч кундуз айшу
тароб қилдилар, шароб, кабоб келтурдилар. Бароқхон шаробни
қўлига олиб айди.

Байт:

Күзда ёшим шаробдур, жону күнгил кабобдур,
Недин үзүм тароб қиласай, ҳол манга харобдур.

Шох Мансур хүшлүк вақтида арз қилуб сүрдиким, эй йигит, чин сүзлагил, қандай кишисан, гумон қилурманким, сандин шавкати салтанат иси келур, Бароқхон инкор қилди. Мансур айди, қайси күн юрак-бағрингдин ох тортинг, сабаб не эрди? Хон айди, бир узук йүқоттим, лаълдин эрди, охим аниңг учун. Шох Мансур, санга дунёни қурби йўқ, деб иномади. Хон айди, ул узукда ети бобом отлари бор эрди. Мансур билдиким, узукни тоғмагунича бу қаландарни хасаби ва насаби маълум бўлмас, деб фикр бирла йўланиб Бароқхонни либоси қаландарий бирла ўзига рафиқ қилуб, овға чиқуб борур эрди. Бир киши ўзидин ўзи улуглар каби таассуф бирла борур. Мансур қўруб они чорлатуб савол сўрди, ул айди, аввал ўтунчи эрдим, қарга уясидин узук тошиб, меҳнатдин холос бўлуб, Мири шикор бўлдим, саллам била қушимни бир ерға қўйуб эрдим, қушни ёғи бойлануб, салламни сургаб, кўтариб кетти, они орқасидин югуруб олайин десам, ул ерда отимни бўрилар еб қўйубдур. Энди Мири шикорлиқни қўйуб, хотиримга дағдагаи қушбегилик тушибдур, энди ўз ақлимга назар қисам, манга лозим лобади қушбегиликдур. Шох Мансур кулди, айди; ақл бирла мансаби салтанатга етиб бўлмас, ало, ахчанг керак манга, ахчанг бўлса бергил, ман сани қушбеги қилайин, деди. Мири шикор анда ота-бобомдин қолгон деб бир лаъл узукни чиқориб берди. Мансур мутолаа қилуб кўрдиким, Бароқхоннинг ети отасини исми ёзилубдур, ушбукурким, Бароқхон ибн Баёнқулихон ибн Қорачорхон ибн Дунхон ибн Чигатойхон ибн Чингизхон ибн Бартонхон ибн Қобхонға борур. Филҳол, шох Мансур Бароқхоннинг асвал кайвон, жулус айвонлигини билуб Бароқхонға шоҳона либослар ва хилъат кейдурди, олдидин таҳтга ўрун берди, икковлари таҳт узра ога-инилиқ аҳдини қилдилар. Бир неча күн маннатдин кейин Шох Мансур мастилик вақтида ўзига баҳодурлиқ лофини уруб хонга айди, ҳеч киши мани қўлумни қайиролмас, аммо ман ҳар қандай баҳодур кишини қўлини ушлаб қайиргайман. Анда Бароқхон табассум қилиб, Мансурни қўлини ушлаб, андак қайириб эди, Мансурни ҳоли қолмади. Бароқхонни бу иши Мансурға оғир бўлди. Аммо шох Мансурни бир синглиси бор эрди — ким, оти Шижаот бекач эрди, кўб баҳодир, гўзаллиқда нодир бир қиз эрди. Мансур секин синглисига бориб, бу сирдин изҳор қилди. Анда Шижаот бекач айди: Эй ога, они манга тўғри қилгил, ман ондин сани қасосингни олайин. Мансур айди, ул санга маҳрам эмас. қандай бўлур?! Шижаот бекач айди, хийла шулки мани анига никоҳ қилуб бергил, мани қўлимни қайирса, никоҳ дуруст ва агар они қўлини қайирсан, никоҳ фасод бўлеун. Шох Мансур Бароқхон қошига келуб айди, мани бир қариндош синглим бордур, они оти Шижаот бекачдур, сан бирла қўл қайирмоқ қилубдур. Аммо они санга ҳукми шаръи нубиввий бирла никоҳ қилуб берурмиз. Агар сан

они қўлини қайирсанг, сани хотунинг бўлсун ва агар кучинг етмаса, талок қилурсан. Бароқхон қабул қилди. Андин сўнг синглисин никоҳ қилуб берди. Бароқхон Шижаот бекач била иккови бир тўнакда ўлтурдилар. Шох Мансур ҳам ҳозир эрди. Аммо Шижаот бекач баҳодурлиқ ва нахлавонлиқда Бароқхондин зўр эрди, лекин Бароқхонга ул қиз ошиқ булди, Бароқхондин ажралмокга тоқати бўлмади. Бароқхоннинг қўлини ушлаб қайиролмагандек бўлуб эрди. Бароқхон аниңг қўлини қайирди. Андин сўнг икковлари кечакундуз айш-иширатда бўладилар. Шох Мансур қўнглида кудурат қолди. Аммо бир кечак Мансур девор тешукидин қараб туруб эрди. Шижаот бекач Бароқхонга айди, ман ишким сани қўлингни қайиргали қўймади, деб Бароқхонни нозлар била қўлини тутуб қайирди. Хонни анга ҳарчанд қилуб қуши етмади. Мундин Мансур воқиф бўлуб, аччиги келуб тоғла эрта сахарда қаҳр-ҳашама бўлуб, начанд қулларини мукаммал қилуб бекач бирла хонни бошига келди. Бекач уйгонди, қўнланиш Шижаот бекачни ўлтурдилар. Мансур ўёлиб, қўрунмай қулларига айди, гавго қилмант, хонни уйқусида бойланг, ўзи шармандалиддин Бароқхон тўғрисига келмади. Они бойлаб бир қулга тошурдилар, муни тириклай ерга кўмгиш, нафаси чиқмасдин ўлсун, деди. Алъинз бо оллоҳ ўшандог аҳди бузуқ подшоҳлардин. Аммо қул уйига элтуб эрди, таингрим анга муҳаббат созди, ўлдурмади, айди: сан ҳозир шул ерда бўлгил, ман сўнгра, худо хоҳласа, ўз элингга юборурман, эмди сабр қил. Андин Мансур қопига бориб, ўлдурдум, деди. Аммо ҳар күн эрта бирла хоннинг холидин хабар олиб, сув била емак келтуруб берурди. Иттифоқо, ярим кечак Амир Темур Соҳибқирон ва Амир Чоқу барзос ва мирзо Сайфиддин ва Иноқтоз қиморбоз ва Ҳинд Ҳожа барчалари Қандаҳорга бориб кирдилар. Соҳибқирон бир ерга отини бойламоқ учун қозиқ қоқиб эрди, муни қўруб хонни келтурган киши хонга кириб, сани элингдин одам келубдур, ташурмусан, деди. Бароқхон секин қўриб, Амирни отини айтиб чақирди. Соҳибқирон ҳайрон бўлуб, йўлдошлирига айди, барчалари энитуб, таажжубда қолдилар. Амир Чоқу Бароқхоннинг товушин ташуб. «Ушибу Бароқхон», деб хонни қошига кирдилар Бароқхон қўрқуб, буларга секин-секин сўйлади, бир-бирларидин аҳвол сўрапниб, йигланиб, бу назмни Бароқхон аларга айди.

Байт:

Бўлубдур худодин қазо-у қадар,
Бу сарсонлагумдур юруб дарбадар.
Ўрамлар кезарман неча йўл кезиб,
Юруб дашту саҳро неча чўл кезиб.
Элим барчаси қолди йўллар аро,
Адашиб ки юрдум не чўллар аро.
Бухорийларимдин манга йўқ хабар.
Жатта қилди юртимни зеру забар.
Биза қолмайин ору иномус, напг.

Келуб Балх аро биза қилди жанг.
 Заңыфдур элим, ёв қавий бүлдилар,
 Бизи барча душман күргүб күлдилар.
 Фалак Зол этибдур мани күб хароб,
 Сочилган бошим үзә ҳасрати туроб.
 Қилиб тошни ёстүк, тикондин палос,
 Чурик жандаларни қилубман либос.
 Таним тош-тикондин бүлүбдүр яра,
 Соқолим оқарди бу ғамдин, қара.
 Чаманда түлүбдүр бари зөглар,
 Анодыл қафасда юрак дөглар.
 Қани мулки молим, бүлүб бир тараф,
 Кетуб элларим барчаси ҳар тараф?
 Қаёнда қолибдүр беку хонлигим,
 Нече күн Бухорода султонлигим?
 Қани дүстлар била қалин сүхбатим,
 Қани салтанат, давлату шавкатим?
 Қани тахту баҳтим, қани боғлар?
 Қани ёрлар, жұра, үртөглар?
 Қани ул қариндошу түкқанларим,
 Қани ул аёлим, неча дилбарим?
 Қани мулку молим, бүлүб бир тараф,
 Кетуб элларим барчаси ҳар тараф?
 Бада什ону Қобил, юруб то Ҳирот,
 Қаландар үзүмни қилуб Мискин от.
 Қочуб Балх саридин, боруб Қандаҳор,
 Юрубман адашиб бүлүб хору зор.

Алиқисса, Амир Темур Бароқхонға күб насиҳатлар қилди. Аммо Бароқхон мулкиндін ажраб қаландар бүлғониға уч йил бүлүб әрди. ёши қирқға бориб әрди. Ғам-ғүссадин соқоли күб оқарип әрди. Аммо булар сұзлашғонига Бароқхонни үлдүрмай, тарбият қылғон құл бир тарафдін мұралаб турууб әрди. Соқибқирон они күргүб, ёмон хаёл күнглиға келуб, ёсими құлиға олиб, анға үқ отти. Ул бечора сайдә тортиб йиқилиб, ҳалок бүлди. Бароқхон муни күргүб йиғлади. Амир ҳақиқатни билиб, пушаймон бүлди.

Б а й т:

Яхшилиқ тұхмидан әкүб үшбу фалакни гардиши,
 Берди ул бечорагаким зағар қотил емиши.
 Яхшилиқ дүстиға қилса, ёмоналиқ душмана,
 Алқаши дүстиға үрмас, душманға қарғиши.

Алқисса, ул бечорани дағн әттилар. Бароқхон Амир Темурдин андак койиб хафа бүлди. Агар кучи етса қатлға таваққуф қилмас әрди. Бароқхон айди, бир узуким шоқ Мансур қулида қолди, бир киши они келтурса. Амир айди, түргил әртароқ үз манзилге борайлук, узук тоңилемас мато әмас. Хон айди, ман сизға керәк

бұлсам, манга ул узук керак, нечукким, онда мани ота-боболарим иемлари бордур, боринглар, узугимни шох Мансур құлиниң келтуриңглар. Барчалари сүкүт қиади. Ахир Амир Ақим отини минуб, хонни олдига солуб борди. Үрда сарига яқын етуб, буларни бир ерга қойиб, үзи Иноқ била үрдага кирди. Бароқхон құрқуб, қолғаплар била қочиб кетти. Ҳинд Ҳожа Амир келгүнча турайлуқ, деди. Ҳоп қабул қылмади. Аммо үшал кече, құдрати худо, дарвозабонлар ухлаб ётур әрдилар. Амир етти дарвозадин үтуб, Иноқни әшика қүйіб, ҳарамаға дохиа бұлды. Шох Мансурии күрдиким, маст үйқуда ётур, құлидин узукни еекин тортиб олди. Бир хат құлин устига қойиди. Анда бир құли түрүб ҳамла қиади. Оны үқ, бирла теракка қоқиб қойиди. Айдин Иноқ била келуб күрсаким, йүлдошлар кетуб қолибдүр. Амир лойлоқ бұлуб буларни ахтариб кетти. Шох Мансур әртаси құлини күрүб ҳайрон бұлды. Яна хатни мутолаа қылуб күрса, айтубдур, биз тұра бача бұлurmиз, сани мұлкинги олurmиз, үзингни үздурмасмиз. Мансур Амирнинг баһодурлыгина таҳсин қиади. Філхол, отта минуб саҳрода юзланди, орқасидин аскарлари юрдилар. Шох Мансури вазирини отини Шамс ул мұлк дер әрдилар, күб ақлға етуқ кини әрди. Булар сани үлдурмабдур, деб Мансури манъ қиади, саңға аларни иши үйқ, деди. Шох Мансур қабул қылмади. Аммо Бароқхон тог багрида түрүб әрди, ногох чаңг чиқа келди.

Күреаким шох Мансур келур. Орқасидин құшунлари келуб, тор йүлда олдии олдилар. Мансур құлиға санчқусини олиб, бошидин айлантурубы, «Амир Темур» доб қақира берди. Бароқхон айди: Муни фикрини нима құлurmиз? Ҳинд Ҳожа айди, бориб ман Амир Темур бұлurmан. Бароқхон жавоб берди. Ҳинд Ҳожа майдонға бориб, эй Мансур, ман Амир Темур бұлurmан, не ишиңг бор, деди. Мансур айди, галат айтурсаң, Амир Темур әмассаң, ҳаддинг үйқым, мани ҳарамимга киргайсан ва узукни құлимдин олгайсан, қулемни теракка ёнуштургайсан. Ҳинд Ҳожа ман Амир Темур бұлurmан, албатта деди. Мансур айди, агар Амир Темур бұлсанғ, қулем қайси теракта бояладынг? Ҳинд Ҳожа ҳайрон, бұлуб айди: шошиб қайси теракта бойлаганини билмадим. Мансур айди, сүзингни чинлиги үйқ, Амир Темур бу ишига шоимас. Ана Ҳинд Ҳожа Мансурға үқ отти. Мансур қалқонини тутти, отган үки ақалли үзига етмади. Анда Ҳинд Ҳожа айди. Бароқхон вафоси үйқлигина йиглади. Мансурға айди: ман Амир Темурни қулидурман. Бароқхон мани саңға юборди. Мансур айди. Амир Темур шундай киши учун рацик ва машаққат тортиб келурму? Бориб Бароқхонға айғыл, үзи келсун. Ҳинд Ҳожа келуб Бароқхонға айди. Анда хонни аччиғи келуб, мани Мансурдин құрқади, дерсан. Е мандин Амир Темурни кинасими қилюреан, деб қилич құтариб Ҳинд Ҳожаға солди. Аниңг баданиға яроги тұрт бармоқ қадар ғотти. Үзи майдонға борди. Шох Мансур күрүб таъна ва маломат қиади. Хонға айди, шундай хизматчи кишини құлдан юборсаму? Бароқхон айди, жадал бирла ишиңгта маңгул бұл. Анда Мансур құшунларини қақириб айди, ҳеч киши манга құмакга келмасуи деб икковлары құлларига санчқу олиб раддибадал айлади

уч мартабагача. Тұртнинда Мансур пайзаси Бароқхоннинг совутига илиниб қолди. Бир тортиб әрди, хон отдин йиқилуб ерга ташыти. Мансур мулозимига буюрдиким, хонни калласини ташасидин жудо қылғыл. Мулозим келуб, құксига чиқуб хоҳласаким. Бароқхонни қатл айласа. Амир Чоку муни күрүб, йынглаб айди муножот.

Байт:

Муножотим қабул эт. ё илоҳи.
Ўзингсан барча олам подиоҳи.
Сиғиндим санға бул күн биру боро,
Бу ерга бизға сан берғил паноҳи.
Қидирдук тұрамизни, энді топдук.
Десақ бул күнда бұлғай табоҳи.
Бу дардларға ўзинг берғил давони,
Фақирларни ўзингсан тақягоҳи.
Құзимдин шашқатор ёшлар оқузиб.
Сурай даргоҳингга рүй сиёҳи.
Олибдур юртимиз коғир эликим,
Мусулмонларға бер оромгоҳи.
Сиғинган даргоҳинга ман құлингни,
Дуом айла қабул, кечгил гуноҳи.

Банагох, тог багридин бир от минған йигит шовқун қылуб. наъра тортиб чиқа келди. Қулида йұлбарс терисини сайд қилиб. орқасида бир киши бабр терисин хода учига ялов қылуб келур. Күрсаларким, Соҳибқирон бирла Иноқ эмиш. Анда Амир күрдиким, хон құксига чиқуб ұлтурур, құлинда ханжар, хоҳласаким. Бароқхоннинг ташасидин калласини жудо қылса. Амир Соҳибқирон пайза сопи бирла андог урдиким, мулозим калласи узулуб, чаққон бұлуб хизмат қыммоқта қирқ қадамга юмалануб келуб турди. Бул холни Мансур күрди, билдиким, Амир Темур ушбу йигитдур. Амир хонға айди, эй афанди хоним, маңзур тутқил хизматингга таваққуф қилдим. Бароқхон ѿелиб ҳеч нима демади. Амир Чоку ҳам мунфаил бұлди. Ҳинд Ҳожа мұлойимлик қилди. Амир қайтуб бориб шоҳ Мансур йұлни олди. Шоҳ Мансур Соҳибқиронға айди, қатлни анденша қылғон тұра санму? Амир айди, әхтимоли бор. Яна айди, мани ҳарамимга жүртәт била кирған санму? Амир айди, оре. Мансур, айди, құлни қайси теракта болладын. Шоҳ Мансур таажжұб қылуб билдиким, ҳақиқатини айтур, Амир Темурни әрди? Амир айди, құтб жонибдаги теракта боллады. Шоҳ Мансур қолду. Вахима тутуб қолди, бовужуд, билдирмади. Оғози мухораба үзидур. Вахима тутуб қолди, бовужуд, билдирмади. Оғози мухораба қилиб, жаңғ ичра кируг, қиличини құтариб Амирға солди. Амирни бир құлни мажрух қилди. Амир бир құлни бирла шоҳ Мансурни пұтасидин ушлаб ерга урди, пұтаси узилди. Ол Музаффар құшунлари Соҳибқирон устига тұқилди. Мансурни байроқини остигача ҳамла қылуб борди. Бовужуди, бир құлни қон оқиб кета берди, қони тийилмади, гайратидин буюрдиким, үт ёқинг деб. Үт

ўқтилар. Ханжорни олов ичра қўйуб, қизил чүк қилиб, құлни томури қирқилуб әрди, анда босуб күйдурди, жиң-жиң қуйиб овози чиқти. Анга йұлдошлари ҳайрон, таажжұб қылдилар. Филхол, қон тұхтади, лекин Амирни бир құли маңыоб бұлуб, ишга ярамай қолди. Аммо шоҳ Мансур құшунлари атроғни мухосара қылдилар. Охири, Иноқта буюрдиким, йұлдошлар келуб мадад беринглар. Шоҳ Мансур ланикари ичра турууб әрди, бир тог тарафдин сойға сел кела берди. Тогни бир лұндаси йиқилуб, аскар узра тупти. Амир Темурға зарар қыммади, ё нирим Нақшбанд, деб бир чеккасидин чиқти. Гойибин бир құл ҳозир бұлуб, Амирни тогни юқорисига чиқориб қўйди. Шоҳ Мансур қочиб Қаңдағорға кетти. Құшунлари сел ичра қолиб ҳалок бұлди. Соҳибқирон анда боши айлануб, Сөхистонға бориб қолди. Иноқтоз яёв бир әлдин үтуб бир тог узра келуб, чоруқи йиртилуб, тогда қолди. Бирдан ёмғур ёға бошлади.

БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМҰР СОҲИБҚИРОН СЕҲИСТОНҒА БОРГОНИ, АТРОФДИН ЭЛ АМИРНИ КҮРМАКҒА КЕЛҒОНИНИ БАӘНИ

Аммо Иноқ ёмғурдин ўзини бир тог ичра олди, анда олов ёқиб оёқига туз суркаб, яёв юрмоқ учун қувват бўлурму деб оёгини оловга тутти. Ногоҳ үт ёргуни тогдин кўруб бир қошлион кела берди. Иноқ муни кўруб үтни оз-оз ёқти. Қошлион олов ёнганига таажжұб қылуб туриб әрди, орқасиdin товуш келдиким, бу ерда бирор үт ёқадур, деб. Қошлион орқасига қайтуб, бу кишини ҳалок қилди. Иноқ оловни қўрқуб ўчирди, тонг отқондин сұнг бориб күрдиким, қошлион бир кишини пора-пора қылуб кетубдур. Андин үтуб, неча қадам юриб әрди, филхол, икки киши келуб Иноқни маҳкам ушладилар, бойлаб айдилар, кече бизни қардошимизни қошлионга ҳалок қылдурғон шул деб, ура-ура олиб кеттилар. Құшунларига келтурдилар, улар ўн минг әрди, икки улуғи бор әрди. Иноқдин сўрдилар, Иноқ аларға воқеани баён қилди. Алардин бири Иноқни тануди, анда Амир Темурни сўрадилар. Иноқ Бароқхон талабида келганини айди. Алар айдилар, бизлар ҳам Бароқхонни ахтариб келдук. Аларни бири Учқора баҳодур, бири Тогабұға баҳодур әрдилар. Иккови Иноқни чодирга келтурууб кўб навозишлар қылдилар. Амирдин хабар тобмадилар. Анда бир галча келуб, алар беш киши Сөхистонға бордилар, дегач, булар барчаси тогдин ошиб Сөхистонға яқин келуб, бир улуг тошни қурди, ости уй кабидур. Амир Чоку айди, әшиштуб әрдим, бул тошни Зол ўғли Рустам сайдгоҳ учун уй қылғондур. Ул ерда Амирни құлни яраси күпайиб, ўзи заифланиб, бу уйга туштилар. Озуқлари қолмаб әрди. Аммо Сөхистон ҳокими Жаён чашм отлу киши әрди, Ҳиндистон беки анга бир хұқиз юбориб әрди, турфа нақш-нигорлиқ тарғил әрди, бул ерда үтлагапича булар қошига келди.

Алар очликдин ҳалокатға яқин бўлуб әрди. Муни кўруб Амир

айди, бу бизларга таңгри-таоюю юборган ризк әрур, деб бошни кестиilar. Анда этини шүрба қилуб, еб-ичиб Ҳинд Ҳожа терисини бозорга олиб чиқти. Подачилар хұқизин ахтарып тоңолмадилар. Бирор савдо узра таргил хұқизин терисидин ташуб Ҳинд Ҳожаны ушлаб Жаён чашм қошиға келтүрдилар. Ҳинд Ҳожа айди, ман ёлгуз әрдим, оч қолдым, лоилож шипбу хұқизин сүйүб едим. Жаён чашм қабул қилмади. Айди, бу қиынғоннег бир кишини иши эмас, деб тутуб, қийнап азоб берди. Андин кейин шерхи воқеани баён этди. Филхол, Жаён чашм султон Қиличбек насли Өзкүб Сафодин әрди. Андин түрт юз киши била келуб, Амир Темурни атрофини олиб, үшшал тош уйға қамадилар. Лоилож, Амир құлай бирла бүйнега ҳамойил осиб, тұфанды ила үқ өсіни осиб яёв кела берди. Султон Қиличбек ариг ёқасида от узра туриб, сув деб буюрди. Аңға бир шиёлада сув туттилар, олай деб әди, бул тарафдин Амирни дубулға, совутини садосига от хуркаб, Қиличбекни ташлаб қочти. Амир келуб бир құлай била белидин күтариб ерга секин ўтгузуб қўйди. Анда Қиличбек Амирни құланин үниб, айди: Санға жоним фидо, нима десанг, хизматингда бұлайин, деб аҳд қилди. Бориб Жаён чашм корини адом қилай деб, оны қошиға келди. Айди, мани Ҳинд Ҳожага бадал қилуб юборди. Амир Темур санға сұзлар айтуб юборди. Аниң сұзини қулоқнингта ёшурун айтurmан, деди. Махрамдин бири Жаён чашмға секин ишорат қилуб айди. Қиличбекка омон берма. Жаён чашмға қараб айди, мани сандын хаворим бор, мабодо Амир Темур бирла мұвоғакат қилғон бұлма. Қиличбек аңға айди, мундог сұзни гапурма, Амир Темур санға бу сұзни айтуб әрди деб, Жаён яқин келуб құлуга ханжар олиб, бирдан қасди солмоқ әрди, воқиғалар, филхол, ушладилар. Жаён чашм ўлдурмоқға амр қилди. Қилич айди, нима қилсанғ, андог қиығыл, ман Амир Темурға дүст, вафодорман. Жаён чашм ахдингдин қайттыл, деб, күш насиҳатлар қилди, қабул қилмади. Құзини өздига келтүруб ўгул-қизларини ахли аблларини бир-бир ўлдурди, ахдидин қайтмади. Жаён чашм айди, Амир Темур санға нима яхшилик қилубдур, мундог жон нисор қилурсаң? Айди, манга ҳеч нима яхшилик қилмабдур ва лекин ахдимии бузмасман.

Алқисса, аниң үзини ҳам ҳалок қилдилар. Андин сұнг Жаён чашм үзи филға рокиб бұлуб Сохибқирон қошиға келди. Амир Қиличбек қатлидин хабар тоңуб йиглади. Үл күн Жаён чашмни чүқмори бор әрдиким. Тошқанд вазинига бені шут әрди. Ани құлға олиб, тош уйға келуб, Амирға ҳамма қилди. Амир Темур бир құл бирла ҳамойилларини бүйнега осуб, ташқорига қадам қўйди. Анда фил хартумини бир құлай била ушлаб, бураб, бир тортиб әрди. Фил хартуми узуди. Фил орқасига қочти. Жаён чашм яёв бұлуб, чүқморини күтәрүб, Амирға келуб ҳамма айлади. Сохибқирон бир құлай бирла үзига дафъ қилуб әрди, елқасига тегиб сұнгаклары синди, буюрдиким, тош уйни атроғига ўтни қалаб, ўт қўйиб юборгайлар. Үзлари шаҳрға қайттылар. Амир йўлдошлар бирла барчаси ҳайрон бұлуб, йиглар әрди. Сохибқирон юзларини меҳробга қилуб, құлларини дуога күтариб муножот қилуб, бу назмни айтур әрди:

Сохибқирон айладим муножот.
Әй олам оллоҳи ва-л хаффиёт.
Әй холиқи құллы барча олам,
Ер юзи узра түшүрдинг одам.
Одам Атомиз. Ҳаво Онамиз.
Күз ёшларини этуб гүхаррез.
Юз үйл адашиб бир-биридин,
Одам запидин, ҳаво әридин.
Бир-бирға құшуб яна икковни,
Халиқ айладинг иккидин нечовни.
Намруд олов әккана да ул он,
Ибраһима айладинг гүлестон.
Юнуси ютуб денгиз балиги,
Тоатлар этуб нур үлди рүйи.
Ҳазм этмоқиға йүқ эттинг одат.
Миср ишра солиб Юсуфни зиндон,
Таҳт узра чиқординг, үлди султон.
Айюб жасадини қурт құб-құб
Хұракиға айладингкі бүйрүқ.
Андин яна үзвини этуб пок,
Тут яфрогин эттинг аңға ҳұрак.
Олимға кетурдинг анбиелиар,
Ағмадни қилуб бориға сарвар.
Бу Жағәл ила Булжаб бұлуб нағ,
Ҳазратта қилиб ёмөн дав.
Макрүндін аларни сақладинг сан,
Дүстингни камина үмматиман,
Әй зоти мұназзах, ору ғам пок,
Зотингга етушмас ақлу идрок.
Ағтодаларингга сан пано бер.
Бечораларингга яхши же бер.
Мақбул эта күр, дуони, ёраб!
Мағфур эта күр ҳатони, ёраб!

Алқисса, Амир муножоти қозиқа ҳожат қилуб турар әрди, чүл тарафдин губор күрүнди. Анда бир оттуғ киши күрүнди. Құлинда санчку, оловни күрүб отдин түшти. Хуржуңда мешин сув олиб, құмғонға солиб тұлғизиб, яна бир шимарсаны құмғонға солди, ани әгар қошиға осиб, отни бурнини пичоқ била ёриб бир шиёлада кон олди. Анда қонни оғати тарафға сочиб от узра құмғонни құлға олиб жиіла бериб, ҳар тарафға дағы қызды, шовқин қила берди. Кини билмадиким, нима дейдур, нима қиладур. Аммо олов құчайиб әнниб, иқин әрдиким, Амирни йўлдошлари била күйуб ҳалок бұлса, шоғоҳ ҳаво узра бир қытъа булут келуб утга ёмғур ёға берди. Тамоми йиган оловни үчурди. Малтум буадиким, ул киши буларни күрсемларким, Чигатай аскари, етти байроқ била келур, ул құмғон киши билдиларким, кал қиморбоз Иноқтоз әрүр Асқар боши

Учқора ва Тогайбұға келуб булар била мuloқot бұлдилар. Қавчин эли била Тархон эли келуб Жәён чашмаларын сүрдилар, ахтариб кейнін боруб тоңтилар. Тогайбұға жилювни тутуб турди, Учқора Жәён чашмни ушлаб келтурди, аниң құшуншлари қочиб Сексистонға бордилар. Чигатай беклари қайтуб Соҳибқирон хизматига келдилар. Амир тоң уйни олдиде бир тоң узра ўлтурууб эрдилар. Бароқхон била мuloқot бұлдилар. Бароқхон аларни койиб, хүш күрмади. Алар хондан хафа бұлуб, мурожаат қилур бұлдилар. Амир Соҳибқирон аларни қопларига келуб, навозишлар қилуб, құнғилларини олиб, аларға айди, матьзур тутарсиз. Хон қайгуда ғамған турур, сизларға ноз қилур, ота-бобосини ҳурматини сақлаб, құнғилдин гинани құтариңглар. Андин сүнг ҳар тарафдін әлу улус келуб хон мулозаматида бұлдилар. Амир Темур аларға асру меҳрибонлик қилдилар. Аммо Жәён чашмни тутуб келтуруб Амирға тұғри қилдилар. Амир онинг құнғларни олиб айди, ман сапи қонингни хондин тиляб олайин дегач, киши келдиким, Жәён чашмни құлға тушиганини Бароқхон әшиитуб талаға қилур, деди. Анда Амир Жәён чашмга Иноқни құшуб берди. Айди, бизға муни гуноқини кечсүн, деди. Ұзи құли озоридин ул ерда қолди. Иноқ Жәён чашмни хонға тұғри қилуб, шағеъ бұлуб Амирни арзини еткүрди. Бароқхон сұкуб... сұзлаб айди, олиб бориб, бошын кесинглар, деди. Амирни айтганига қулоқ солмади. Иноқ келуб воқеани Соҳибқиронға айди. Анга Амир айди, ваяда қилуб, нечун вағо қилмагайман, деб ўрнидин туруб, хон қопшыға келди. Анга шағеъ бұлди. Филқол, буюрдиким, Амир Темурни ушланғ, муни ҳам ҳалок қилиңглар, деди. Амир хотириға келди, хон ҳұмқи тағайюр бұлмагай деб, айди: келинг, мани Жәён чашмга құшуб, бойлаб, әлтинглар. Аммо улуглардин Амир Чоқу, Мирзо Сай-фиддин, Учқора баҳодур Амирға шағеъ бұлдилар. Бұларни ҳам ўлдурмоқта ҳұмқи қилди. Анда барчалары гавғо қилдилар. Бароқхонни ўлдурууб, ўрнига Амир Темурни хон қилурмиз, дедилар. Анда Бароқхон қылғон ишиға пуштаймон бұлуб, құрқұб қочиб Соҳибқирон олдига борди. Амир Бароқхон била элни яраптириб қўйди. Жәён чашм аларни шаҳр ичра келтуруб, сиккаларини Бароқхон отига ёздуруди, тахтини берди. Бароқхон улусни йигуб, құшун жамъ қилмоқ фикрида бұлди.

БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН БАЛХ ВИЛОЯТИҒА БОРИБ, ҚАМАРИДДИН ТОЖИКНИ ҲАЛОҚ ҚИЛМОҚИ БАӘНИ

Чигатай улуглари әшиитуб, Бадахшон тогига Бароқхонни келтуруб жамъ бұлдилар. Амир Мусо Жалойир, амир Боязид, Шер Баҳром қавчин баҳодур, амир Ёдгоршох орлот, амир Муайяд орлот хонни мулозамат қилдилар. Әлатлардин тұрт минг киши жамъ бұлуб кенгаш қилдилар. Айдиларким, бир киши жонеус бўлуб жатта қинчоқ әлиндин хабар олуб келса. Анда қўрқуб ҳеч кинеусаикни ихтиёр қиласади. Ахир Соҳибқирон ихтиёр қилуб биғ

кишини тархон элидин, бир кишини эскай элиндии олиб, уч киши бўлуб, йўлга тушибилар. Келуб бир тогни бағрида ухлаб ёттилар. Ногоҳ йигирма киши қипчоқ қоровулларидин келуб буларии уйқуда ушлаб олдилар. Амирии икки йўлдоши бирла боғлаб келтуруб оломонни бир қортисига тобишурдилар. Ул қорт киши буларии денгиз ёқасига келтуруб эрди. Тархон элини қўлинда бир лаъл бор эрди, оғзига солуб, ютуб юборди. Қорт ул бечоранинг қорнини ёруб, ҳалок қилуб, ул лаълни олди. Эскай эли муни кўруб ўти ёрилгудек бўлди. Лаълни сувга ювуб, андин сўнг Амирни ўлдурмоқга келди. Соҳибқирон ё ҳазрат Ҳаҳовуддин, деб бир зўр урди, арқон узулуб, бўлак-бўлак бўлди. Қорт Амирни кўруб ёрг ҳавола қилди. Амир баҳодур қортни билагидин ушлаб, ярогини қўлини олуб, бир уруб, икки бўлуб, ўзи анинг отига миниб, бир тарафга қараб йўналди. Бигмадиким, йўл қайда бўлур, қирни юқорисига чиқуб кўрдиким, кўб аскар, эллик миннга яқин келур, денгиз орқасидин Бадаҳшон тарафга ўтуб борур. Аларни бошлиги йигирма кишиидур. Аларни бири Соҳибқирон минган отни тануб, «фalon баҳодурни оти» деб Амирни ушлаб, чодирга келтурдилар. Кўрсаларким, Қамариддин тоҷик жатта беклари бирла ўлтуур. Амиридин сўрдиким, Чигатой бекларидин хабаринг борму? Соҳибқирон онга тадбир бирла сўзлаб, айди: икки юз киши Сехистондин келуб қоровулларингизни ушладилар. Қоровуллар, эмди бизларни ўлдурманг, тавонимизни берайлик, киши бўлса ушбу отни минуб, бизлар бадалимиага Қамариддинга борса, деди. Ҳеч ким унамади, охир фақир аларга мутасадди бўлуб келдим. Агар мани ўлдурсангиз, шунаймон бўлурсиз. Қамариддин айди, агар сани ўлдурмасам йилги била сани юборурман, қоровулларни олиб етқузурсан, Амир айди: тузук.

Алкисса, қипчоқни сориқ ва кенагас элидин ўн минг кишини Амирга қўшуб юборди. Амир бир тогни бағрига келуб қулга айди, сизлар шул ерда тўхтанг, биз бориб қоровуллардин хабар олайлук, деб икки кишини ўзига йўлдош қилуб тоғдии ошиб, йўлдошига ҳарба қилуб бирини ҳалок қилди, бири қочти, анинг ҳам орқасидин югуриб келуб ўлдурди. Икковини от ва ярог ва кийумларини олуб ўз қўшуналрига келди. Воқеани бир-бир аларга баён қилди. Филҳол, Чигатой синоҳлари отлануб келсалар, тогни ёқасида қипчоқ қўшуналари баъзилар отларига ем бериб ва баъзилари ухлаб ётур. Бирдан аларга ҳамла қилдилар. Андог қирғин бўлдиким, қоплар ҳар жилгода ариғ-ариг бўлуб оқиб кета берди. Жасадлари ханинотлар қофидек туб-туб бўлуб ётур эрди. Калла ҳандалаки узулуб, таш фалаки чўзилиб, андин аксари қочиб, бир горга ёшиндилар. Гор ичра сомон солиб тутун била ҳалок қилдилар. Ўн минг кишидан йигирмаси тирик қолиб, қочиб Қамариддинга келуб воқеани баён қилдилар.

Аммо Чигатой синоҳлари куб-куб ўлжа оидилар. Амир аларга қипчоқ аскарини кублигини баён қилди. Амир Мусо Жалойир айди қизларни кучимиз қипчоқ синоҳларига етмайдур. Ҳарчанд Соҳибқирон кўнглиларини кутарди, куб сўзларни айди, қабул қилмади. Ахир, тўпларни ушотти, тўрут минг кишиидин минг киши қўшуундин

чиқуб, айттилар. Яна минг киши ҳар тарафга тарқаб кетдилар. Икки минг киши Соҳибқирон бирла қолди. Амир ҳайрон бўлди. Икки минг киши Амир фармонини тутур, жиловинда бўлдилар. Кенгаш бирла ул кечада анда бўлдилар. Амир тушинда бирор айди, турғил, зафар сеникидур. Ўйқудин туруб, хуззор мажлисга айди. Алар айди, бизлар ҳам бу овозни тушимиизда эшиитдук. Амир айди, бу ривояти солиҳадур, эй улус, туринглар, тангри таоло қарамига тақя қилинглар, аммо ҳар қайсиларингиз икки борг ўтни отга сургатинг, ман жатта қипчоқларига айтиб эрдим, Чигатой аскари юз минг деб, чанг губорни алар кўруб ажаб эмас, қочса. Эртаси икки минг киши ушибу сўзга амал қилуб икки борг йигоч ўтунини арқон бирла боғлаб, ҳар бир киши отга сургатиб, ахшомига қипчоқ қўшуналарига етуб бордилар. Бу чанг-тузон ҳисобеиз кўрунуб, қипчоқ аскарини кўнглига қўрқинч тушуб, кўчуб, дengиздин ўтуб ором олдилар. Соҳибқирон ёв қочганини билуб, холо аларни фикрини қилмоқ керак, тонгла бўлуб бизларни ҳолимизни билса, иш қабоҳат бўлур, деб Амир беш юз кишини ўзига йўлдом қилуб, дengиздин ўтуб, тог устига чиқуб, ўтии йигиб, олов ёқиб юбордилар. Тўрт киши карнай чолиб эрдилар, ёв муни эшиитуб олов ёнганини кўруб, қоча бердилар. Қамариддин ҳам қочиб Балхга келди. Шаҳар дарвозасини очмадилар. Кечаси бирла бир тарафга қочиб, гойиб бўлди. Амир ганимат моллардин олиб, қўшуналари бирла Балхга келдилар. Амир Мусо Жалойир қилғон ишига пушаймон бўлуб келди. Амир эшиитуб, Бароқхонга келуб кўринини берди. Амирии навозинилар қилди. Амир Темур амир Мусога аччиғ қилуб, газабда бўлди. Амир Мусо муни кўруб, қочти. Амир Темур Шер Баҳромни анга юборди. Андин Бароқхон қошига келуб эрди. хон амир Мусо гуноҳини Соҳибқирондии сўради. Хон амир Зунинун туркмонни юборди. Шер Баҳромга айғил, амир Мусога озор бермасун. Аммо Зунинун кўнглида адовати бор эрди. Шер Баҳром амир Мусони жиловидин тутуб лашкар тарафига тортиб келур эрди. Амир Зунинун бул тарафдин қиличини қинидин чиқориб бора берди. Шер Баҳром муни кўриб хаёлида ўлдумоқга ҳукм қилибдур. деб қиличини кўтариб амир Мусо Жалойирни бир уруп ўлдурди. Амир Зунинун айди, нега муни ўлдуринг, Амир гуноҳини кечиб эрди. Шоҳ Баҳром айди, ман қайдин билурман, қилич яланг келди, деб иккови муноқаша қила-қила Амир била хонни олди. келдилар. Хон Амирга, албатта, бу ишни сан қилубдурсан, деди. Амир онд ичти. Хон айди, агар ўлдумаган бўлеанг, Шер Баҳромни ҳалок қилурман. Амир қабул қилмади. Бароқхон Амирга кина саклаб, ҳеч нарса қиломади. Балх одамлари жойларида қарор олдилар. Андин сўнг Қамариддинни ахтармоқга муқайийд бўлдилар. Амир буюрдиким, ҳар ким они тирик келтурса минг олтун олсуни деб ваъда қилди. Ҳарчанд ахтариб тошомадилар. Иттифоқо, бир кун хон била Амир сайдга ов қилмоқ учун чиқтилар. Бир тулкини Амир отмоқда эрди. Бароқхон ҳам югуруб келуб, отмоқ бўлуб эрди. урунуб Бароқхон бошидин тоғи тушуб кетти. Муни кўруб, ахали ҳукуматлар айдилар, охир Бароқхон боши Соҳибқирон қўлида ҳалок бўлса керак. Муни кўруб хон аччиғи келуб, газабда бўлуб.

тожига қарамай, тулкига ўқ отти. Тојки бир қудук ичра туши, Аида бир кишини қудукға тушурдилар. Қудукда күб замон тұхтаб қолди, сүнгра тожин олиб чиқти. Амир оны тахайюр қылғонини сабабини сұради. Үл айди, тожин ахтариб, зүр бирла тошиб чиқтим. Амир аният сұзини қабул қылмади ва айди, бу қудук ичра албатта бирор бордур деб. Эгнидин кийумларини ахтариб, бир лұғылғы бирла ёзилған хатни тошиб олдилар. Аида Амир, чинингин айғил, деди. Лонолож, айди: Қамариддин ушбу қудук ичра, манга бул инжунни берди, күб ваъдаларни қилди, яна уишибу хатни Тұқтемурхонга. Самарқандға еткүурсаң, деди. Хатни мутолаа қилуб күреалар, айтибдурки, эй Тұқтемурхон, ман уишибу қудук ичра ұлуб қолмайин, ұлтурса турсун, турса юрсун, деб күб таъқид қилибдур. Барчалари Амир Темур Соҳибқироннинг фаросатига ва басиратига таҳсисин ва оғарин қилдилар. Бароқхон айди, они қудукдин чиқоринг. Ҳеч киши құрқуб тушмади. Яна Бароқхон, бул Амир Темур түшсүн, деди. Соҳибқирон белини бойлаб тушмок бұлуб әрди, әл күнимадилар. Хон аларға адсоват қилди. Амир алариниң сұзини қабул қылмади. Филқол Амир қудукға тушти. Хоҳласа, қудук остиндии Қамариддин Амирға ўқ отса. Соҳибқирон чаққониқ бирла құлинині қоқиб юборди, ўқ юқори чиқуб кетти. Оёқ-құлинни маҳкам боғлаб, арқон била белидин боғлаб юқорига чиқорди, кейнидин ўзи чиқти. Амир айди, энди нима деюрсан? Қамариддин айди, филларимни олдинг, фильтонни ҳарчанд ҳаракат қилуб, олиб боролмассан. Амир айди: нима талаб қилурсаң? Үл айди, сандин талабим йүқ, нима иш қылсанг, андог қылғыл. Амир ҳарчанд насиҳат қилди, қабул қылмади. Айди, әмди баҳт ва давлат мандии кетубдур, балки менинг тириклигимдии үлганим авладур.

Назм:

Құлымдин учти давлатни қуши бас,
Бу үчган қуши манга ғарғизда келмас.
Манга қилманг насиҳат дүстү дүшман,
Тириклидін ұлумдур манга әхсон.
Тиляб ўз нағсира топти ҳалокат,
Жағондин ўтты тоҗик фалокат.
Муни ұлғанлиқин қипчоқи бебок,
Самарқандға етурди жусту өзөлек.

Алқисса. Қамариддин тоҗик үлганини қипчоқ әлатиндин Самарқанд узра келуб, Тұқтемурхонга хабар бердилар.

БУ ДОСТОНДА АМИР СОҲИБҚИРОН ЖАТТА
КИПЧОҚ АСКАРИ
БИРЛА ТАБРИЗ ЙҰЛІНДА ЖАНГ ҚИЛМОҒИНИ БАӘНИ

Алқисса, уммулбілод Балхнинг хабари фатх бүлғонлиги Тұқтемурхонға етти. Аидин сүнг күшүн жамъ қилмоқға муқайяд Үлди. Сайыйд Отани талаб қылди, нома ёздұрубы, Сайыйдини

әлчиларга бош қылуб юборди. Соҳибқирон эшиттиким, Саййид Ота келурлар деб. Филхол олдилариға чиқти, мулозимат била келтуруб, элчихонага тушурди. Уч кундин сүнг саломга келдилар, номани овоздарини чикориб үқидилар. Нома мазмуни булким, аввал ҳамду сано таңгри таборак ва таолоғаким, қўкни муаллақ ва ерни мутаббақ яратибдур ва дуо ва дуруд Мұхаммад алайхис саломғаким, олло таоло анинг туфайлидин ўн саккиз минг оламни вужудга келтурубдур, шариат андин жорий бўлуб, залолат чўлида қолғонларни хидоят йўлига солибдур. Андин сүнг, кўбдин кўб дуои салом Бароқхонга ва мусулмонларга Туктемурхондин. Сўз шулки биллар ислом бирла мушарраф бўлдук, аксар сипоҳи ва фуқароларимиз барчалари мусулмон бўлдилар. Эмди сўз яхшиси шулки Чигатой эли барчалари бизга сипоҳ бўлсун. Бароқхонни Бухорога волий қилайин. Мусулмонлар осойишта булмоқлари яхшидур Нома тамом вассалом.

Жавобига Соҳибқирон дедиким, икки юз йил булубдур. оталаримиз ва оналаримиз мусулмон бўлгопларига. Агар исломдин сўрса, ул кеча мусулмон бўлубдур. Бизлар начанд йилдин бери шарофи ислом топғандурмиз. Агар асолатдин сўрса, Чигатой авлоди бизлар эрумиз, Жўжи авлоди сизлар, қипчоқдурсиз, иккёви ҳам Чингизхон ўғли бўлур. Салтанатни Чигатой авлодига тобишургондур. Бизлар сизлардин зиёдадурмиз, қандай сизларга инқиёд қијурмиз. Анда Саййид Ота айдилар, қириқ қавмиши тилим қиличи бирла мусулмон қилиб эрдим, деб айтур эрдим, ким расул алайхис салом вақтларида бўлсам, тамоми арабларни фасех тил била мусулмонлиқга еткургай эрдим. деб сўзумга мағрур эрдим. Аммо Амир Темур Соҳибқиронга хайрон ўлдум.

Алқисса, Амир Соҳибқирон Саййид Отага рухсат бердилар. Саййид афандим Самарқандга келуб, нома жавобини Тўкте мурхонга етқуздилар. Филҳол, Тўқтемурхон эшиитуб, юз минг узбакни отлантурди. Жонфур оталиқ катогонни қоровул қилиди. Аммо бул тарафдин Амир Темур қоровуллик расмида отлануб иккни минг киши бирла Термизга юзландилар. Келуб дарё ёқасинда ором олдилар. Аммо Жонфур оталиқ беш минг киши бирла етуб келди. Ўзга йўлдин ўтуб, Амирни қоровуллари хабар томмай, қипчоқ аскарини қўлинда ҳалок бўлдилар. Аммо кеч вақтига яқин эрдиким, бир тарафдин чанг чиқа келди. Кўрса қипчоқ қўшунлари ҳозир бўлубдур. Соҳибқирон уйқуда эрди, уйгониб кўрсаким, ё келуб босибдур. Саросима бўлуб, Амир, филҳол совут эгнига кийуб ханижар била қиличин белига осиб, форс Ақимға минуб, Чигатой қўшунларини ҷоқириб, айди: барчаларинг денгиз ичра кемага тушунглар, деб ўзи ёвни саддии тута берди. Қипчоқ қўшунларини йигирма-йигирма, ўттиз-ўттиз ҳар жонибдин Амирга югурдилар ҳар бора беш киши, ун киши ўлдура берди. Ҳеч киши ёвдин була қўшунига зарар беролмади. Барчалари кемага молу амвол бирла қарор олдилар, бирортасини бир туки ҳам бўлмади. Аммо кем дengiz¹ ўртасига бориб эрди. Амир Ақимни олиб, сохилга тушу

Муаллиф бу ерда Амударёни назарда тутган

хоҳласаким, кемага борса. Жонфур оталиқ айди, эй Ўзбакистондин келгаш қўшунлар, сизларга ору номус йўқдурким, бир одамдин барчаларингиз мунча кўркасиз. Яна Амирга қараб чоқириб айди: Эй Чигатой йигити, тўхтагил, сан била жанг қилмоқ орзусидаман. Соҳибқирон соҳил ичра эрди, эпитетуб қайтти. Жонфур ила Амир иккоби бир-бирига тўғри келди. Ногоҳ Амирни Ақим оти дengиз ёқасинда қумдин тойиб кетти. Кейшидин Амир ҳам кетти. Жонфур ҳам кейшидин тушуб, Амирни кўксига чиқиб, қўлига ханжарни олуб, хоҳласаким, Амирга солса. Кема ичра муни Чигатой элинин синоҳлари кўруб, барчалари даргоҳи қазоюл ҳожатга муножжот килдилар. Қазодин бўлуб, бир улуг балиқ дengизидин чиқуб Жонфур оталикни, нафасига тортиб, дengиз ичра олуб кетти. Бул ҳам Соҳибқирон иқболи турур. Амир дengиздин шўнқиб чиқиб, суза-суза Ақим отига яқин келуб, ёлидин ушлаб дengиздин ташқарига — қуриққа чиқти.

Аммо Түктемурхон Термиз құрғонига келуб туши. Бул тарафдин Бароқхон етуб борди. Лекин Түктемурхонга бенихоя агадсиз құшунлар кела берди. Аммо Бароқхонға құшун оз эрди. Лекин Соҳибқирон хонни құнглини құтарур эрди. Қирқ күн иккапа аскар деңгиз ёқасинда қарор оздилар. Бир-бирлари бирла жанг қымладылар. Ұшул вақт хаво күб иссиг эрди. Аммо Мирзо Сайфиддин ҳукм қылдиким, ушбу йил беш кавкаб ҳут буржиды әзүр, кирон дерлар, Нұх тұфона шул йилларда бұлубдур, ажаб әмаским, барчалари сувға гарқ бұлса. Аммо таҳсии ангаким, Чигатой ҳукамолари совуқға ҳукм қылдилар. Аммо жатта ҳукамолари совуқға ҳукм қылдилар. Қазодин бұлуб, қүёш саратон буржинда эрди, иссиг шиддати күб зүр эрди, соатида шамол бұлуб қор ёға бошлады. Ҳаво андог совуқ бұлдиким, гүё қуёш жади буржига нозул қылғондек, деңгиз андог музладиким, гүё тогни муз устиға құйса құтартудек бұлды. Синохи Чигатой мүни күруб, қайтуб Балхга келдилар. Ҳарчанд Соҳибқирон маңы қылдилар, бұлмады. Охир Бароқхонғача қайтуб Балх тарафига келдилар. Икки минг кишиидиң үзгаси совуқни шиддатидин қочтилар. Бұлар Соҳибқиронға әйтимоди бор эрди, буларни улуглари Амир Чоку барлос ва Амир Муайд орлот, Амир Едгоршох ва Амир Ҳусайн Жондарий ва Илоқтоз қиморбоз ва Ҳинд Ҳожа қүшибеги ва Мирзо Сайфиддин ва Тоганбұға ва Амир Үлжай ва Тоталминиң баходур ва Амир Боязд җалайир ва Жәен чашим сохистонник. Бұлар синохлари бирла қоадилар. Қишиқ құшунлары құрдиларким, Чигатой құшунлари совуқға тоқат қылолмай қочтилар. Филхол, отлануб барчалари қорни туфроқға аралаш қылуб нақораларни чолиб ва кариай тортиб деңгиздин, муз устида кела бердилар. Соҳибқирон ёрон қардошларға айдилар: булардин қочмоқимиз номуседур, агар үлеак шаҳид бұлурмиз. Сизлар ҳам ғана бостурунглар, дегач, лоілож, синохлар Амир ҳукмінде амал қылуб, отландилар. Анда Соҳибқирон бу назмни айди;

Дүстларни үзиге ёрий айлаб,
Күз ёшларин анда жорий айлаб,

Ул дамда ҳаққа деди Темуршох
Бу бандани ҳолидин сан огох,
Синдурди күнглини таъна тоҷик,
Ераб, қарам айла дўсти малик,
Келгай йигилиб бу чанд қипчоқ,
Кӯп-кӯб кӯрунур бўлуб қора, оқ.
Бергил зафари бу қулға, ёраб,
Бўлсун хотири у қулға, ёраб.

Алқисса, ёроилар дилига дилбарлик бериб эрдилар, ёв денгиздин ўтуб, горат қилгудек бўлди. Филҳол, Амир Ақимга минуб, қора кийумлар кийиб, қилич қўлига олуб, бирдан ёвга ўзини урди. Қипчоқлар қочиб музга тушти. Иноқ бир ўқни қўлга олди. Амир анга денига ёқасидин узоқ бўлмагил, деди. Соҳибқирон қайси тарафга ҳамла қилса ёв қочар эрди. Тўқтемурхон кўрдиким, бўз от мингани кимдур? Айдилар, Амир Темур. Яна айди, киши йўқму они келтурса. Зафарбек айди қизинг Туман оғани берсанг, ман бориб боини келтурай. Аммо бул сўя хонга мақбул бўлмади. Шундог ҳам бўлса, минг кишини ўзига ҳамроҳ қилуб, овози баҳайбат бирла шовқун қилиб кела берди. Аммо Туман оға тог этакнида, муъофага яъни қажава ичра ўлтуруб эрди, анга бир ўзбак келуб, сани Зафарбек талаб қилубдур, деди. Эши туб, Зафарбекни ёқтurmай кўб табъи нозук эрди, кўплаб кўёвга талаб қилсалар, қабул қилмас эрди. Онасига айди, мани каловатимни тогни устига олиб қўйсунлар, ман жанг ичра бўлган сўқишлиари тамоша қилойин. Аммо қор ёғар эрди.

Алқисса, юқорига чўрилар олиб чиқуб эрди, анда кўрдиким. Зафарбек бирла Амир Соҳибқирон муқобил бўлуб Амирии қиличи синибдур, Зафарбек Амирии бошига бир уруб дубулгани туширууб, Амирии бошига яра солди. Иккинчи яна уруб Амирии калласини пора-пора қилгай эрди, Туман оға муни кўруб, Амир Темурга андак мухаббати зиёда бўлуб, Амир Соҳибқиронга тараҳхум айлаб, беш юз қадамлик ердин, филҳол, ёйига ўқ солиб отиб эрди, Зафарбек хоҳласаким, Амирии ишини тамом қилса. Филҳол, ўқ келуб, Зафарбекнинг қўксига тегди. От устидин йиқулуб кетти. Бул ҳам Соҳибқирон иқболидур. Амир билмадиким, бу ўқни отган кимдур, деб. Кимарса бўлмади, анга маълум қилса.

Алқисса, Соҳибқирон аъзолари яра бўлуб, байроқни остига тұхтади. Анда қипчоқ сипохлари бирдан ҳамла қилдилар.

Соҳибқирон буюрдиким, кечгача ўқ отинглар деб. Қипчоқ қўпшунлари денигиз ичра муз устига туштилар. Амир денигиз ёқасидан эрди. Аммо Мирзо Сайфиддин ҳар замон айтур эрди, эй аскари Чигатой, дам ушибудур, таңгри таюло ишимишга фатҳ ва нусрат бергай. Аммо Соҳибқирон айди, эй кардош, ман ҳеч нимарсадин умид қилолмадим, иш қандай бўлур! Мирзо Сайфиддин айди, албатта умид худо таолодин. Ногоҳ ёғқон қор тұхтади, ҳаво очилиб, қуёш нури заҳир бўлди. Қун иссиқлиқга айлануб, совуқ босилди. Мирзо айди, энди қирон кавокиб даражасидин ўтубдур, вакти бўлуб, чарс-чурс шовқин денигиздин чиқа берди. Кўрсаларким, муз

ушолиб, юз минг, тўқсон минг қинчоқ қўшунлари гарк бўлуб, адам денгизига юз қўйдилар. Мунажжим сўзлари тўғри келди.

Аммо Тўқтемурхон ўн минг киши бирлан Самарқанд тарафига қочиб кетти. Аммо Чигатой синоҳлари кўб ўлжа олиб, Чоржўй ва Хоразмга бордилар. Деюрларким, Абдулла замонида ўшал ердин бир сайдук Тўқтемурхон сиккасида тўла танга тошиб эрдилар.

Алқисса, Бароқхонга киши юбордиларким, таңгри таою билаларга зафар берди, деб Бароқхон эшишиб, хурсанд бўлуб, отлануб келуб, денгиэдин ўтти.

БУ ДОСТОНДА ҚАРШИ ВА ТЕРМИЗ ФАТХ ҮЛУБ, ТЎҚТЕМУРХОН ҚАРШИҒА КЕЛУБ ҚУЛ ВА ҚЎШУНЛАРИ АМИРДИН ШИКАСТ ТОПРОНИНИ БАЁНИ

Аммо нўён ва туманот ва ҳазора жотни умаро ва беклари йигилуб маслаҳат қилдилар. Айдилар, киши бўлса, бориб Қаршини мусаххара қилса. Анда Қоратемурхон Тўқтемурхон ўғли ҳокимдур, хеч киши бормоқга ихтиёр қилмадилар. Андин кейин Амир Соҳибқирон Чингизхон қоидасида ўн тўқуз хондин фотиха олуб, қирқ кишини ўзига ҳамроҳ ва рафиқ айлаб отларига минуб, ёбои тарафига юзландилар. Начанд кун йўл юруб, кўаларига узоғдин бир кент кўрунди. Филҳол, Иноқтоз яёв бориб кўриб келди. Айди, бир неча баққолни кўрдум, узумни кажаваларда юклаб борурлар. Анда эшишиб айдилар: баққолларни талон қилурмиз. Соҳибқирон қабул қилимади. Айди, биз юрт олгали келдук, фуқаро ранжимасун.

Алқисса, Амир келуб баққолларга мулоқат бўлдилар. Баққоллар анда кент Лор келур эрдилар. Амирни кўруб кўнгилларига қўрқунч тушиб. Иноқ баққолларни бир-бир отини сураб, воқеани баён қилди. Андин кейин баққоллар Амирга келуб мулозамат қилдилар. Соҳибқирон алардии Қаршини воқеасини сурди. Алар Қоратемурни зулмидин кўб сўзладилар. Соҳибқирон айди, алар Чигатойдин сўзлаюрму? Баққоллар айди. Қарин одамлари Сиз жамоани кўб-кўб дуо қилурлар. Жатта зулмидин кўб қайгурадурлар. Анда Соҳибқирон бир тадбирни ўйлаб, ҳар киши баққолларни кажавасига тушинглар, деб амр қилди. Андин кейин узумларни бўшотиб, йигирма отга қирқ кажавани ортиб, қирқ киши аслаҳа-ярог бирла кажаваларга тушуб. андин кейин баққоллар ҳар қайсиси ўз отларини жиловидин тутуб, қирқ киши шаҳр ичра кирдилар. Ҳар ким сўреа, узум деб жавоб бердилар. Ул Амирни Ақим отига икки кажавани ортиб, анииг ичида Иноқ бирла Соҳибқирон эрдилар.

Аммо кажавани устига ток баргларини тўлгузуб эрди.

Алқисса, Қоратемур амр қилуб эрдиким, ҳар киши дарвозадин шаҳрга кирса, мунда келтур, деб. Баққол Қаршини дарвозасидан киргач, дарвозабонлар кўруб, буларни хон ўрдасига олиб борди. Қоратемур ўрда саҳнида чодир ичра ўлтуруб эрди, баққоллар цатор турдилар. Амир Темур кажава тешқинидин аларга қараб турур эрдилар. Хон олдида бир қари бобой бор эрдиким, кўб соҳиб басирот

эри. Айди, бу от ёнидаги қажавада албатта одам бордур. Одамлар айдилар, нечук билдинг? Айди, қажавалар секин-секин қимирлайдур, яна узумни мүидог юкламаслар. Ҳеч ким бовар қилмади. Хон баққолларни талаб қылди. Баққоллар харжини күб айдилар, маңызул бўлмади. Қоратемур буюрдиким, қажавани очинглар. Бир оқил баққол келуб Амир турган қажавани келтурди. Филҳол Соҳибқирон қажавадин туруб, наъра уруб, ҳайқириб юборди. Қажавадаги барчалари бойлуқ арқонларни қирқиб, қажавалар ерга тушиб, бирдан қажавадин чиқуб, қирқ киши, давлат, давлат Бароқхон, деб шовқун қила бордилар. Барча эл ҳайратда бўлдилар. Гавғо қўзгалди. Андин кейин Қоратемур атрофига икки минг жатта аскаридин жамъ бўлдилар. Соҳибқирон қўшун ичра кириб, йўлбаре каби ҳайкуруб, одамлар тамонада эрдилар. Ногоҳ Иноқни оёги тойиб йиқиади. Ани қинчоқлар bogлаб, бир кишига тошурдилар. Ани девор тагида ушлаб туруб эри. Аида бир хотун Иноқни тануди, нечунким. Иноқни асли қаршилик эри. Қулинда тогорада тұла чўғ озиб борур эри, қинчоқни бошига тўкиб эри. Филҳол, куйуб ўлди. Иноқ најот тошиб, Соҳибқиронга келуб қўшулади. Қоратемур қизил байроқ остинда қора от минуб туриб эри. Ўниул хотунни кўриб, буюрдиким, келтур, деб. Ул хотун қочти, буюрдиким, ул хотун маҳалласидаги заифаларни келтур, деб. Андин кейин шаҳр барчасига гавғо тўлди. Қарши эли ҳамият қилдилар, олти тарафдин одамлар йигузуб қинчоқ устига том ёгижди. Икки минг жатта бирдан ўлдилар. Қоратемур қочиб, ўрдасига қамалиди. Бул қирқ киши ҳулкардек бир ерга йигилдилар. Одамлар келуб, Соҳибқирон узангусини ўпар эрдилар. Үч кунгача хон қамалиб ётти. Қинчоқлар қўнглини олиб, гам еманг, Самарқанд сари отангиз Тўқтемурхонга нома юбордук, дер эрдилар.

Аммо мақеади Соҳибқирон андог эрдиким, жатта қўшунлари келмайин, бир иншга дастгирлик қиласа. Аммо бир йигит бўсага остидин ковлаб чиқуб. Қоратемурга ўқ отти. Қоратемур ҳам чаққонлик бирла мунига қараб ўқ отти. Тақдирни худо ўқ эшик аралаш йигитга тегди. Йигитни ўқи Қоратемурхон қўксига тегуб, иккенин ҳам ўлди. Муни кўруб Соҳибқирон ўрдадин хонининг ахли аёлни Самарқандга саломат юбордилар. Қаршини фатҳ қилдилар. Андин кейин Амир Табриз сари Бароқхонга нома юборди, албатта келинг, деб. Бу ҳангомаларни хабари Тўқтемурхонга ётти. Самарқандни Тўқтемурхон эшигтгач, Бухороға келди. Андин кейин Қарши жонибига юзланди. Қаршига яқин етгач, қоровуллар Соҳибқиронга хабар бериб айдиларки. Тўқтемурхон бенихоят аскари бирла келадур, филҳол, Соҳибқирон буюрдиким, дарвозаларни беркитинглар, деб. Фуқаролар барчаси келуб, Амирга ахли аёлларимиз, бошимиз била сизга жонбозлик қилурмиз, деб онд ичиб, аҳд қиадилар. Андин кейин, жатта қўшунлари бўлак-бўлак тўб-тўб, қабила-қабила, қўтос тугларини қўтариб кела бердилар. Тутак мавзеъига. Қарийб туш вақти эрдиким, ўқчилар ва туғангчилар йигилдилар. Андин кейин Тўхтамишхон Сайийд Оти бирла мусулмон бўлғон қозоқ ва қинчоқлар жамъ бўлуб, Куръон бўйниларида, Тўхтамишхон Қаршини чор атрофига чиқуб, Соҳиб-

қиронга нома ёздуреди. Айдиким, агар бизни отамизга ўқ отсалар, биз ҳам ўқ отармиз. Ва илло, биз мусулмон, сиз мусулмон. Мусулмоннинг ака-укалик тақозоси била сулҳ қилемалар, биз ҳам сулҳ қилурмиз, деб Амирга юборди. Соҳибқирон эшитуб номани қайтарди. Айди, иш сулҳ қилурдин ўтти. Яна сўз шулки, аларни мадади манга керак эмас. Ман мадади ёрумни худои аззи жалнинг ўзидин тилаюрман, деб.

Алқисса. Соҳибқиронга хабар еттиким, Бароқхон Чигатой аскари бирла Шахрисабзга келубтур, деб. Қаршига келмоқга қўрқувдадур, нечукким, қипчоқ ва жатта қўшунлари Қаршини атрофини ҳалқа каби олиб, чодир қозуқини ҳандақ ёқасига тиккандур. Амир Соҳибқирон фикр бирла ўйлаб, Тўқтемурхонга нома ёздуреди. Айдиким, эй Тўқтемурхон, бизни Чигатой синоҳлари жанг қилурга орзудадурлар. Бизларга майдонни холи қилса, биз алар бирла чиқуб, майдонда муқобил бўлсан, агар алар кучлик қилуб, бизларни зўримиз етмаса, анга итоат қилуб тобет, бўлсан, деб номани юборди.

Номани Иноқтоз кал қиморбоз олиб. Тўқтемурхон чодирига келди. Қурдиким, хон таҳт узра ўлтуур. Маҳрамлар қўлларини кукраклярига қовушибуруб таъзим ва тавозеъдадур. Ўзини маълум қилди. Хон Иноқни талаб қилди, чодирга кирди. Номани берди. Тўқтемурхон айди, бу Амир Темурни тадбиридур, биз ўрнимиздин тебранмасмиз. Бизларга синоҳгирлиги керакмас, деб Иноқга бир ёргоқ бериб жўнатти.

Иноқ бориб воқеани Соҳибқиронга баён қилди. Амир бошини күксига қўйуб, тафаккурда бўлуб, ўйлаб кетти. Соатидин кейин бошини кутариб, агар тангрим берса, урупсиз, бежангу жадал жатта, қипчоқ синоҳларини қочирмасам, манам Темур бўлмадим. деди. Кечкурун бўлғач, Иноқга айди, тур ўрнингдан, йўргил, бир ерга борурмиз, деди. Иноқ айди, қаён борурсиз? Амир айди, ман қаерга борсам, сан ҳам боравур. Икковлари шаҳрни дарвозасидин чиқтилар. Жатта аскарини оралаб юра бердилар. Иноқ сўрдиким, эй тақсир афандим, борур жойни маълумини айтинг, ман билайин. Амир айди, Тўхтамишон қопига борурман. Иноқ айди, мабодо қабоҳат юзланмасун?! Амир қабул қилмади. Ногоҳ бир киши. қўлида дастурхонда уралғон нимарсадур, одамлардии Тўхтамишонни чодирини сураб келадур. Анинг кейнидии Амир бирла Иноқ кела бердилар. Ул киши қўшунларни ўнг тарафига ўтуб, чодирни тошиб Тўхтамишонга отасидин оп-таъом келтурди. Амир Тўхтамишонни сўради. Ул айди, Сайид Ота мусулмонлиқ одобини ўргатиб турурлар. Амир айди, ман ани дўсти бўлурман, қошига кирсам, ижозат борму? Ул киши кириб сўради. Тўхтамиш, қандай дўстум, келсун деб ижозат берди. Соҳибқирон чодир ичра кируб, Тўхтамишон ёнига ўлтурди. Тўхтамишон сўрдики, сан кимдурсан, деб. Соҳибқирон қулогига секин дедиким, Амир Темурман. Тўхтамишон билуб, Соҳибқирон журъатига таҳсин қилди. Анда буюрди, олдиндаги мулозимлар барчаси сахрога чиқтилар. Аммо, Сайид Ота, Тўхтамишон ўзи, Амир бирла Иноқ турт киши қолдилар. Соҳибқирон айди, кеча Тўқтемурхонга нома

юборуб эрдук, бизларга хам майдон холи бўлсун. Чигатой, синоҳлари жангни орзу қилурлар, деб. Хон қабул қилмайдур, ман бул сўзларни Тўхтамишхон эшишмаган деб, Сизни дўстлигингизга тақия қилуб келдум. Эл ичра бизни шарманда қилмандлар. Бир манзил синоҳларингиз шаҳар қўргонидин узоқ турсалар, майдон васеъ бўлса. Тўхтамишхон Қуръон ила онд ичуб. Амир сўзини қабул қилди. Аммо Саййид Ота билдила. Аксар Саййид Ота айтур эрдилар, Амир Темурни иқбали баланд, ҳаргиз сўзлаб бўлмас. Таъюм келтурдилар. Соҳибқирон шавқ ва завқ бирлан ер эрди. Иноқ ишорат қилди, емагил, мабодо душманлар бир иш қилмасун деб. Соҳибқирон қулоқ солмади, айди: бизга Тўхтамишхон ёвлик қилмас.

Алқисса, Амир шаҳр ичра келуб кирдилар. Тонгласи Тўхтамишхон қизил кийум кийуб, қора отга минди, қилич қўлига олиб. Тўқтемурхон отасини чодирга бормоқ бўлди. Саййид Ота манъ қилдилар. Айдилар, бул ишига бормагил. Тўхтамишхон айди, не учун анинг ҳузурида ҳеч нимарса демадингиз, энди ман Қуръон бирла қасамёд қилдум, амал қилмасам, қасам жонимга уруб ё мусулмонлиқга нуқсан бўлса керак, деб.

Алқисса, отасини чодирига келуб, йигитларга айди, сизлар бирла Чигатой синоҳлари майдонга келуб жанг қилмоқ орзусида эканлар, нечун ўйл бермадинглар. Тўқтемурхон айди, эй ўглум, бу Амир Темур тадбиридур. Аммо йигитлар Тўхтамиш сўзини қабул қилдилар, лекин синоҳларни қариси қабул қилмадилар. Тўхтамишхон қўлига қилични ялангочлаб аскарни қалъадин бир манзил йироқ суруб қўйди. Амир мундин воқиф бўлуб. Бароқхонга филҳол киши юбордики, албатта тезлик бирла кесасун деб. Ҳашул кечакаро Бароқхон Қаршига доҳил бўлди. Барчалари хурсанд бўлуб, Амир Соҳибқирон қилгон ишига аҳсанта үқудилар. Накора бирла карнай чолинди. Анда Тўқтемурхон билдиким. Бароқхон келубудур, бу Амир Темур хийласидур. Жатта синоҳлари кўб безовта бўлдилар, лоилой, ўнал кечакаро Самарқандга қайтилар. Аммо Бароқхон Қаршида қарор олди, Чигатой эли бора-бора ҳужум бўлавердилар. ҳар қайсилари ўз ватанларини тонтилар. Агар Соҳибқирон мундог тадбир қилмаса, буларни кўблари ватандин умид узган эрдилар. Эмди

БУХОРИ ШАРИФДИН СЎЗ ЭШИТМАК КЕРАК

Бухорои шарифда Ҳўжа Сатъдиддин Абу Бакр ҳўжаки Жўйбо-рийнинг улуг боболари бор эрдиким, ул зотга бир киши келуб, арз қилуб айди, эй тақсир афандим. Сиз Шайх ул ислом бўлурсиз, соёдотдин авлоди расул алайҳис салом бўлурсиз, жатта коғирлари бу мамлакатларни олуб ҳароб қилубдур, мусулмонлар жумъя номозига ҳаргиз киролмаслар. Бу сўзни айтуб, піўру фиғон бирла бу сўзни үқуди:

*Бу назмиң деб ул мард шўриданкор,
Ким эй шайх ул ислом олий табор.*

*Баъзбрат назар қил бу масжидлара,
Бұлубдур харобот чу бұзакора.
Худо деб қилайлук биз анга уруш,
Шариат ғесек лозим эрмас түруш.
Мусулмонлара ким на ишдур бу күн,
Шаҳид айласақ үзни ислом учун.
Бу дин йұлида жон нисор айлалук,
Бақосиз жаҳондин гузор айлалук.*

Андін кейин, ҳазрат Абу Бакр Саъдиддин йигладилар. Одамлар барчалари бирдан фигон қылдилар. Хұжа Саъдиддинга айдалар, әй тақсир афандим, бизлар әшиттукким, Амир Темур бирла Бароқхон келуб, Қарынни олибдур, деб. Яхниси шуликим, ҳаммамиә ҳұжуми ом қилиб, шул тоифа оёқига үзимизни ташлармиз. Муни барчалари қабул қылдилар. Анда яшил түг келтуруб. Хұжа Саъдиддиннинг бошларига құйдилар. Хұжа афандим яшил лиbos кийуб, құлларига қилич олуб, маддохларға буюрдиларким, тангри таолога ҳамду, расул алайхис саловату исломга нағт үқуб турдилар. Мұмнилар құнғли мұмдек эриди, ҳар жонибдин айттур эрдилар. Бухорода жатта аскаридин үн минг эрди, мусулмонлар салобатидин титрар эрди. Үл күн андог уруш бұлдиким, жаттадин икки минг киши Самарқандға қочиб келди. Қолған барчасини ұлдурдилар. Масжиdi жомеъга келуб. Бұза ҳам күбларини ушоттилар. Ұшул күн Хұжанинг үзларини амир күтардилар. Аммо Самарқандға келгонлар воқеани Тұқтемурға баён қылдилар. Хон әшитуб, газабда аччиғи зиёда бұлуб. Тоймугур қатагон ва Темуртош құнғиротларни юбордиким, бориб Бухорони қатли ом қилинглар, деб. Булар әллик минг киши била Бухорога отландилар. Аммо Темуртош сохиби фикр эрди. Тұқтемурхонға үйлаб дедиким, Бухорога борсақ, бир тадбир қылайлук, бу әллик минг киши малла түн кийсунлар, бошларига оқ салла ұраб. ёнларига мисвок осиб, құлларида тасбех бұлсун. Бухоро барчаси мусулмондур, бизлар ҳам мусулмонлар расміда бұлуб борурмиз.

Хожа Абу Бакрга хабаримиз борур, деди. Хонга бул сүз қабул бўлди. Бу әллик минг киши мусулмонлардек бўлуб Бухорога яқин келдилар. Ҳеч кимни молу амволига назар қилмадилар. Кечакуидуз номоз үқидилар. Бухородин неча-неча жонеси чиқориб шул кайфиятда кўрдилар. Охир Бухородин бир сўзга етуқ киши бўлуб чиқуб эрди, начанд тухфалар бирла, булар тухфасини олмади. Айди, бизлар әллик минг киши Сайийд Ота құлларида мусулмон бўлуб эрдук. Бизларға Тұқтемурхон айди, сиз мусулмонлар бизлар орамизда турманглар, деди. Лоилож, бизлар бул тарафга келдүк, деб. Тоштемур элчига айди, хотиримизга келдиким, бизлар мусулмон албатта йўл берсалар керак деб, кўб инъом ва эхсонлар фириб бирла элчидин Хұжага бериб юборди. Элчи келуб, ҳазрат Хұжага андог таъриф қолдиким, Хұжа афандим Темуртоши кўрмоқ орзуига тушуб қолдилар. Неча-нечча маротаба келсун деб киши юбордилар, келмади. Аммо Темуртош бир чорбогни кўрди, ичида ҳовуз тўла суйи бир. Үл сувдин идишиларга

олди ва сурди, кимницидур? Хұжа Абу Бакр bogудур, дедилар. Темуртош ул ерга аскарини құйуб, үзи Бухорога юзланды. Тоймугур бормагил, деди. Темуртош айди, ман бир ишин қилиб, шаҳрин олурман, деб дарвоза сарига келди, юзини қиблага қилуб үлтурди. Тонг отғоч шаҳр ичра кирди, хұжанинг қоңларига бориб, тишини бойлаб, йиглаб айди, эй тақеир афандим, хато қилдим, ёзуқларимни кечуриңг. Айдилар, тишиңни нега болгладинг. Бул айди, сизни богингиздин сув келтурууб тахорат қилуб эрдим, үшул ҳол типпим оғриди. Ман айдим, бул сув мусулмонлар ҳақиқидур, охир ҳақиқатни билсам, сизни богингиз экан, деб оғзидин сұлаги оқиб йиглар эрди. Барчалари мунинг ёлғон әзтиқодига иноңдилар. Хұжа айдилар, жамоанг ичра сұзға етук сендерсан. Ул айди, ҳаммасидин ярамаси мендурман. Хұжанинг құнғилларига келдики, бул киши яхши құрунур, шаҳр ичра йұл берайлуқ, деб. Айдилар, эй Темуртош, әлатларинг бирла шаҳр ичра кириңглар дегач, ул үз қавмига қараб кетти. Бориб келурда шаҳр дарвозасига етгач, зиқри жаҳрия қилуб, йиғлашуб, Айюб булогини ёқасига келдилар. Ул замонда ул ерда иморат йүқ эрди. Анда қарор олдилар. Үшул кеча анда мұкаммал ва мусаллақ бұлуб, ёрголануб, аввал Хұжани шаҳид қилдилар. Хұжани ғұхи тұтыси үчмак шакаристонға тайрон қилди. Яна беш іуз кишини юрт улугларидин шаҳид қилдилар, бошларини ёғочлар учига санчиб юрур эрдилар. Ҳеч кишида дам урмоқға ҳолат қолмади. Жамъи әзу хотуны масжидларға кириб, жой олдилар. Қызыл Арслонхондин қолғои масжидни вайрон қилдилар. Жамъи Құръон ва китобларни бир ерга тұда қилуб күйдурдилар. Құб одамлар ул куни ҳалок бұлды. Бул кун Бухоро гүё қиёмати сагир бұлды. Аммо ҳар лаңза гойибдин садо келурдиким, эй Бухоро ақли, үлумга үзингизни урманғлар. Аммо ушбу овозни мұмінлар әшитуб, коғирлар әшитмас эрди. Замонзамон, коғирлар мусулмонларни қасос, деб үлдурур эрди. Мол беринг, сизларни үлдургумиз, деб эрди. Баъзиким, ақли муслимдин дер эрди, ҳаргиз сизлар бизларни үлдуролмассизлар, нечун шавқун әшитурмиз, Бухоро қатли ом бұлмайдур деб. Ани Темуртошга айдилар, ул мусулмонларға савол қилди. Мусулмонлар оре, әшитурмиз, аммо билемасмиз, кимдур, дедилар. Темуртош үз расмиға күра онд ичиб айдиким, то овоз қылғон кишини тобмагунача қатли ом қылмоқдин құл тортмагаймен, деб. Яна бойму қашиоқму барини молларини олур эрди. Барчалари нолада эрдилар. Аммо Соҳибқирон Қаршида бу воқеани әшиттилар. Бароқхон бирла маслашат қилдилар. Бароқхон парво қилмади. Аммо Соҳибқирон мусулмонларға ҳамият қилуб, кирқ киши бирла Бухоро жонибиға келдилар Бухоро атрофида юз киши қорову эрди. Бир қоровул оти қочиб бұзачи қулиға келди. Андин отни Соҳибқирон олдилар. Қоровул отини ахтариб Амирға тұгри келди. Қоровулдин шархи воқеани сұрадилар. Үшул кеча келуб юз киши қоровулдин бош кестилар. Амир саҳродин бир туб қитъа қого тоиб олдилар. Битиқликдур ул китобда рижол ул гойиб мада берурлар Бухоро ақли мұмін мусулмонларға деб. Они Соҳибқирон олиб кечи бирла Бухорога кириб, минора устига чиқуб ул қозозы

учуруб юбордилар. Андин рафиқларини қошларига келди. Аммо үшал кун Темуртош мұқаррар қилуб әрдиким, тоңгла мұсулмонларни қатли ом құлурман, деб. Үшул қозозларни шамол ҳар тарафға учуруб әрди, тоңгаси битүк қозозни барчалари күрдилар. Темуртош бидиким, ислом дини ҳақдур. Тоймуғур фуқароларини асир қилуб дарвозадин чиқоруб үлдурмок, учун Боги Шамс ул мұлқға келтурди, Бухоро жанибидур, холо Намозгоҳ дерлар. Аммо Соҳибқирон рафиқлари оқ кийуб, оқ байроқлари олдинда, отға минуб, шаҳр саройнга юзландилар. Аммо жатта синоҳлари Бухоро халқини үлдурмокға қасд қылғонда садолари рижол ул гойибдин кела берди. Ногоҳ бир тарафдан чанг ва тұзон зохир бұлды. Құрсаларким, Соҳибқирон қирқ киши бирлан тақбири ташриқ айтиб кела берди. Темуртош оти ҳуркүб отдин йиқилуб, бүйни узулди. Жатта синоҳларига зилзила түшти. Соҳибқирон илгари кела бердилар. Темуртош үлугини құнғироқ әлати олиб кетти. Тоймуғур құшунлари бирла жаңгга юзланди. Асирлар бойлуқларини нора-пора қилуб, жатталарни үлдурға бердилар. Тоймуғур андог жанг қылдиким, сұзлагон бирла түгри келмас. Соҳибқирон они йүлини олдилар. Үл келуб Амирни әгар устидин күтариб олди. Соҳибқирон филхол құлиға ханжар олуб, бир уруб әрди, Тоймуғур калласи хандалақдек узулиб кетти. Қолғон жатта синоҳлари ҳар тарафға қочтилар. Андин кейин мұсулмонлар тинчлигда бұлуб олти йил Соҳибқирон қайин отаси Баёнқулихон тахти узра иодиохлик қилуб үлтурди. Яна Бухоро аҳли тинчлиғда бұлуб, шукронға келтурдилар.

БУ ДОСТОНДА САМАРҚАНД ФАТХ БҰЛУБ, МИРЗО ЖАҲОНГИР ИБН АМИР ТЕМУР ҚҰРАГОН ХУРУЖ ҚИЛҒОНИНИ БАЕНИ

Аммо Тұқтемурхон бу воқеаларни әшиитуб, олти йилғача үзбак ва қалмоқ ва қиңіз қозоқ ва қыргыз, ҳар қайси әлатдин синоҳ жамъ қила берди. То олти йилғача андог құл ва құшун йиғдиким, ахли таворих деюрларким, аскари Халогудин ҳам зиёда әрди. Соҳибқирон әшиитуб Бароқхонга киши юборди. Аммо Бароқхон күрік қылғонда Соҳибқирон аннинг олдига күрікға келдилар. Шул вақт Амир Темур үғли мирзо Жаҳонгир Ҳонимчадин туғылуб, саккиз ёшға келуб әрди. Лекин Бароқхон мундин хабари йўқ әрди. Құрмаган әрди. Қуйруқ ва ёлға самандға мунинб, қизил энтил кийуб, фұтасига Миср қиличини тоқинуб, атрофига икки минг навжувон йигитчай даврон, ёшлари уя етти ва үн саккиздин опмагон барчалари отға минуб, илми сиполиғеда үзларига оро беруб, ута бердилар. Бароқхон сүрдиким, бу ўп бача кимдур? Соҳибқирон тиз букуб, арз қилуб, айди, эй афандим ҳоним, Сизни синглингиздин түгулғон жиёнингиздур, мани углумдур. Бу сұз ҳонга қаттиғ тегди, манга бу үғул құлбачанғиз демади деб. Барча тамошада әрдилар, ҳоп рашиқ, қилуб, айди: мунинг оғзидин сут иеси келодур, мунин жаңгга юбормоқ хұб әмас. Амир айди, бұ үғул үб отмоқни куб яхши билур. Аммо Мирзо Жаҳонгир тоғасини олдига келуб үтүрди.

чиндан таъзим ва тавозеъ қилмади. Тогаси учун, лекин бу қилғони Бароқхонга оғир келди. Баногоҳ Шайх ул аъзам мозори шарифларини қуббасида лаклак бўйнига илон ўралган, одамлар тамошада эрдилар. Муни қўруб мирзо Жаҳонгир филҳол туруб қўлига ёсими олиб ўқ отти, отган ўқи илоннинг калласини узуб тушти, лаклакта зарари тегмади. Барча кўрганлар оғарин ва таҳсиллар қилдилар. Аидин кейин бир бўйи узуни киши беш минг йигит бирла келди. Яшил туслик соқоли мош биринч, оти хиноранг, қўйруқи оқ, ўйларедин бўрк кийган, йигирма газ тут байроқи, они кўтартган кишини бўйи ўзгаларидин икки газ юқори туур. Аларни бошлиги амир Чоку барлос эрди, келуб Хонга таъзим, тавозеъ қилдилар. Яна андин кейин тўрт минг киши бирла келуб амир Ўлжой хонга таъзим ва тавозеълар қилди. Андин кейин икки киши келди, манглайи очуқ, оқ юзлу ва бири юзи очуқ, оғзи катта, қули узуни, бири амир Ёдгоршоҳ ва бири амир Муайяд орлот эрди. Олти минг йигит бирла барчалари қора от ва қора кийум кийган, байроқлари ҳам қора. Хонга келуб таъзим ва тавозеъ қилдилар. Андин кейин хонга айдилар, агар бу мамлакатларидин жатта кофиirlарини ихрож қилмасак, бу қора либосларни қўймасиз. Яна андин кейин бир киши келди, тўфанғи бўйнида ҳамойил, кўзи катта: соқоли кўб — бу амир Боязид жалойир эрди. Неча минг аскар бирла хонга келуб таъзим-тавозеъ қилди. Андин кейин бир киши келди, муъюфа узра фўш ва мисвок осган, қуръон тиловат қилур, Шайх Ҳусаниүн эрдилар. Балх, Ҳиндустондин неча минг аскари бирла келуб хонга таъзим ва тавозеълар қилдилар. Ҳаммалари жамоъ бўлуб маслаҳат қилдилар. Анда икки йигит тева минуб келдилар. Қўлларида килич ялангоч, бири Аббос баҳодур, бири Усмон баҳодур эрди. Аларни хон хуш қўруб инъом берди. Андин ўзга яна икки йигит келди. қирқ киши бирла барчаларида ярог ва аслаҳа синогарлик била ораста, бири Ҳинд Ҳожа қушебеги ва бири Қиморий Ипок. Андин кейин амир Худойберди ва Амир Ҳусайн, Жондарий ва амир Баён Сулдуз ва Олтмиш баҳодур. Тогайбўға баҳодур, ҳар қайсилари шон-шавкат бирла кела бердилар. Чигатой аскари юз мингдин зиёда бўлди. Етмиш тут бардори бор эрди. Аммо Бароқхон Мирао Жаҳонгирни жангга бормоқини манъ қилди. Мирао Жаҳонгирни кўнгли бузулуб қолди. Қўшуналарни ўнг тарафини Соҳибқиронга бердилар, сўл тарафини Чокуга бердилар. Жаёнини ярокул қилдилар, амир Аргун туркмонни ясовул қилдилар, аскарларини тарар-илгари юргуза бердилар. Жумъа куни рамазони шарифни ўттиси, тарихга етти юз етмиш эрди. (1369 й) аскари Чигатой Ҷукорон шарифдин Самарқандга юзландилар.

БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН ТЎҚТЕМУРХОН БИЛА ЖАНГ ҚИЛИБ, ЖАТТА СИПОҲЛАРИ ШИКАСТ ТОПГО- НИНИ БАЁНИ

Аммо Соҳибқирон Бароқхон бирла Чигатой қўшуналарини олуб йўл оадилар, Самарқандга етганда қоровуллар Хонга бориб хабар

бердиким, Чигатой аскари келадур деб. Аммо Түктемурхон Тұхтамиш үглини Самарқандга құйуб, үзи Чархин роботиға бориб әрди. Филхол, Тұхтамишхон қоровул ва яровулларини құшун била Чигатой аскарини мұқобилиға чиқориб, хайма ва өодирларни тика бердилар. Бир тарафдан Соҳибқирон құшунлари туш вактидан түн бұлғунча бориб қарор олдилар. Иккала аскардин чиндовул тонг отқынча айланиб юрар әрди. То уч күнгача икки құл маслағат құлдилар, жатта сипохиларини йигити қиличлар савқидин Чингизхон руҳига қасамәд айладиларки, урушлар қилуб Чигатой аскарини қонидин тоғ ва тузларни ранго ранғ қилуб, жиңіл-жекелелерда қонларини оқуазурмиз, деб. Тонгласи қүёш амири өодири зулумотдин чиқуб, күк майдонида жилва күргазди, юлдуз жатталари тоб келтуролмай үзларини ўшурдилар. Анда Түктемурхон құшунлари бирла отланыб әрди.

Аммо Соҳибқирон құл атрофида юрур әрдилар, қоровуллар хабар бердиким, жатта сипохлари отланды, деб. Анда карнай овози кела берди. Соҳибқирон беклар бирла келуб Бароқхонға таъзим құлдилар. Хон маҳрамлари бирла шароб ичиб үлтурур әрди. Соҳибқирон тиз букуб ара құлдиким, эй хоним афандым, Түктемурхон отланыбдур, сиз ҳам отлансанғыз, бизлар қардошлар бирла сизни жиловингизда жөнбозлық қылсақ?! Бароқхон айди. Чигатой беклари Жұжа бекларидин зиёда, нечун сиәларға шикаст етса, бизға такя қилурсиз, вало бизға шикаст етса, кимға такя қилурмиз? Соҳибқирон айди, бу сүз хатодур, барчамизни такямыз алло таолонинг үзигадур, агар хонимиз отлануб, йигитлар атрофида бұлсалар, яхши бұлур. Мабодо бул ерда мухолифлардин сизға зарап бұлмаса деб әрди. Бароқхон үрнидин құзғолмади. Аммо Соҳибқирон била баҳоцур йигитлар отлануб Түктемурхон мұқобилида қарор олди. Аммо Соҳибқирон үнг құл тарафни Орлот ва амир Муайяд ва амир Едгоршохға берди: Алар түр ва байробин ирмоқ ёқосыға тикдилар ва сұлни Жалойир ва амир Боязид ва қавчини ва амир Чоку барлосға бердилар. Бұлар түгларини қир ёқосыға тикдилар. Соҳибқирон түглары яшил әрди. Хинд Ҳожа қүшбеги ва Иноқтоз қал қиморбоз иккөвларига яёв Соҳибқирон жиловида әрдилар. Үн икки минг тұғанғи барчалари яёв әрдилар. Амир Соҳибқирон үнг ва сұл аскарларига тартыб бериб ҳировул яна құл, яна жаранғар, яна баранғир, яна чиндовул, ҳар қайсинаң үз навбати бирла келтурур әрди. Аммо бул тарафда Сайид Ота үзбек құшунларини жойига келтурур әрдилар. Баковул, әровул, ясовул, чиндовул, қоровулларни ҳар қайсисини үз жойига, пайман ва қозоқ ва құнғирот әзатларини үнг тарафға құрсаттылар. Ва аргуни ва барқут ва қаҳод әзатларига сұлға үрун құрсаттылар. Түктемурхон қонида құтосдин байроқ әрди. Ногох Соҳибқирон яшил байроқиға Түктемурхонни құзи түшті. Мунда осори фатх ва нұсратни мұшоҳада күрди. Сұраб әрди. «Амир Темур байроқи» дедилар. Андин билдиким, Бароқхон жантанға келмабдур. Бұлардин Эртавул баҳодир Амирға келуб вахшат қилуб айдиким, Чигатой хони нечук отларига рокиб бұлмабдур деб. Яна қайтуб Түктемурхонға айди, эй хоним, гам еманғ бу ишдин булар Чигатой

сипоҳлари. Фириб бирла яна Тўқтемурхонга секин айди, ман Бароқхон чодирига бориб, ҳеч кимга билдурмай Бароқхонни асир қилуб келурман, деб ўзига бен юз кишини хамроҳ қилуб, бир тарафдин беркинуб кетуб бориб, Бароқхон чодирини тошиб айдилар: бизлар Чигатой элидин бўлурмиз. хондин фотиҳа олғали келдув дедилар. Бароқхон буларни билмай, онларни талаб қилиди. Филҳол, қиличларини қиндин чикоруб, чодир атрофини олдилар. Favго қўзгалди. Бир киши Соҳибқиронга келуб хабар берди, шархи воқеани айди. Соҳибқирон эшитуб, ҳайрон бўлди, нима қитурии билмади. Бул ердин кетса, икки аскар муқобилладур, иш қабоҳат бўлур. Мухбирга ишора қилди, сукут қил, деб. Андин кейин бекларга секин айди, сукут қил, деб, эй қурдошлиар, бул жанг ичра Бароқхон бўлмаса, иш бўлмайдур экан, ман бориб, хонни келтурайин. Андин келуб. Иноқга айди, сан туг остидин қўзголма. Андин кейин Ҳинд Ҳожани юз тўғсангчи била олуб, хон сарига борурди. Ҳар киши сўрса, дер эрдиким, бу кун ўзларингга эҳтиёт бўлунглар. ман хонни келтурурман деб сафдин чиққонларни уруб. сафга киргизур эрди. Аммо Эртавул қилич яланг қилуб, Бароқхон қошига бориб, буюрдиким, хонни бойланг, деб. Онда молларини ўлжак қилуб, отларга ортиб, ўзи аскар тарафга келур эрди. Бухоро тарафдин чанг-тўзонлар пайдо бўлди. Кўрдиким, мингга яқин йигитчалар келур. Яшил алам бирла. Барчалари ўн етти ва ўн саккиз яшар. Алар ичра бир бола бўз отга минган, ёши ўн иккидин ошгон, либослари қизил, бонни узра қарқара. Бароқхон кўрдиким, мирзо Жаҳонгир келадур. фарёд қилуб чақирдиким, эй кузум нури, кел, бизларга раҳм қил, дегач, мирзо Жаҳонгир тогасини бу ҳолда кўруб, югуруб келур эрди. Эртавул буларни кўруб, Бароқхонга қилич солди. Бароқхон ўзини ерга ташлади. икки оёгини от қорнидин тортиб болганган эрди, Бароқхон жони ваҳимидин ерга тушолмай, осилиб қолди. Эртавул баҳодур хоҳласаким, иккинчи яна тиг бирла ўлдурса. Мирзо Жаҳонгир кўрдиким, иш қабоҳат бўлур, филҳол, ёсини қўлиго олиб, ўқ бирла Эртавулни кўксига андог урдиким, Эртавул жони кетуб, танаеси ертавул бўлди. Бунда, филҳол, келуб хонни этсиға қўйди. Жатта сипоҳларини барчаларини ўлдурууб, хонни олиб қўшунларига келдилар. Анда Амир Соҳибқирон келуб, бу ишларни кўруб ҳайрон бўлуб, ўғлидун куб хурсанд бўлди. Бу жазолар Бароқхонга Амир сўзини манъ қиласонидин бўлди. Бу хабари ваҳшат иккал аскарга овоза бўлуб кеттиким, Эртавул Бароқхонни ўлдурубдур. деб. Сипоҳилар сафида шуру гавго қўзголди. Анда Жўжакбек деган киши найман элати била жаттадин чиқуб. Соҳибқирон байроқига қараб кела бошладилар. Иноқ яёв унга-муига югурур эрди. Амир Жалойир қатагон элати бирла жангта муқайийд бўлдилар. Ва яшо амир Муайяд орлот қавми бирла уруцимоқга ҳаракат қилдилар. Чанг ва туфроқ ҳавоға ўрлаб, оламии қорангулук бости, бирор бирорни кўролмадилар, офтоб кўздин гойиб бўлди. Соҳибқирон Бароқхон бирла жанг ичра кирдилар. Баъзилари Бароқхонни сог-саломат кўрдилар. Кўрмаганлар хонни саломатлигини боянди. Қиммадилар. Анда Бароқхонни филга миндурдилар. Андин кейин

бәрча маъин кўрдилар. Ул кун андог жанг бўлдиким, қонлар жилга-жилга оқа бошлади, калла ҳандалаклари жасад фалакидин узила бошлади, дехқони йўқум фалокат аравасига солиб бозори адам шаҳристонига элтгай, ё бир гўркови йўқум, бу жасадларни қабристонга беркитгай. Ул кун Иноқни уч ерига ўқ тегиб, яралиқ бўлди. Соҳибқирон они мирзо Жаҳонгир отига олиб, юбордилар. Икки жатта Амирни икки тарафидин келуб, ўқ отти. форс Ақим ҳавога сакраб эрди, бирини ўқи бирига тегуб, Соҳибқирон отдин агдарилуб тушти. Филҳол, Мирзо Жаҳонгир келуб, Амирни отига миндурди.

Алқисса, уч кун Қуёш товусини магриб денгизини наҳантги ютти, кундуз шунқорини тун қарғаси қувлаб, беркитти. Андин иккала подшоҳ икки сари бўлунуб ўринларида қарор олдилар. Ахшомдин кейин Амир хондин фотиҳа олиб кечаси ухламай, аскар атрофидин айланур эрди. Ногоҳ Амир отдин тушуб, нақзуузувга ўлтургач, бу от форс Ақимдин ўзга эрди, жилов Амир қўлидин чиқуб, қочти. Соҳибқирон отни кейнидин бора берди. От қочиб жатта қўшунларига яқин борди. Амир ҳарчанд қилди, тутолмади. Жатта ичра Бўри баҳодур кўрсаким, бир от қочиб келур, они тутуб келдилар, яна бирорини кўзи Соҳибқиронга тушти, атрофидин келуб Амирни ҳам ушладилар. Амирдин сўз сўраб эрдилар. Амир лол каби бўлуб, аларга овозини чиқармади. Аммо Соҳибқирон араб башара эрди. Бўри Баҳодур Тўқтемурхон қошиға элтти. Хон беклар бирла кенгаш қилдилар, Бўри тўғри келуб айди. Чигатой қўшунларидин бир кишини ушладув, деди. Хон буюрди, келтур, курай, деб. Амирии келтурдилар. Тўқтемурхон сўз сўраб эрди, Амир тилини соқов қилуб, андак тоғики сўзлади. Хон тилига тушунмай, буюрдиким, боғлаб қўйунг, деб. Амирии боғлаб, бир чўголга тобшурдилар. Андек фурсатда чўгол ухлаб эрди. Амир бойлуқларини бураб, ушотиб, секин чўголни ханжарини олиб, чодирдин чиқуб кетти. Жатта аскаридин чиққач, йўл узра қора либос кийган бир кимарса турар, анга бориб Амир ҳарчанд сўз сўрди, жавоб бермади. Амир они ханжар бирла пора-пора қиласай деб эрди, ул йиглади. Амир айди, ўлумдин кўрқарсан, нега сўзламайсан, йигларсан? Ул айди, қўрқуб йигламайман, балки маъниуқаи матлубимга етолмайин йигларман. Соҳибқирон айди, матлубинг кимдур? Ул айди.

Н а з м :

*Бул кеча кўзим ёрутгай меҳри олам тобдек,
Ким танимда ҳар замон титрап кўнглим симобдек.*

Амир аният заифа эканини билуб, кўб-кўб муболага қила берди. Ул айди, отимни Туман оға дерлар, ўзим Тўқтемурхон подшоҳни қизи бўлурман. Термиз урушинда Амир Темурга кўнгил бериб эрдим, мани ошиқаи бечора ҳайратда қолғонни анга еткурсанг, ҳар канча хизматинг бўлса, бошум устига, деб йиглаб бу газалин ўқуди:

Ыл бошла. манга раҳбор. ул жонима еткүр.
 Ман чүри анга, ул мани султонима еткүр.
 Оқғон бу күзимдин ёши мағар әтсанг,
 Афсурда күруб бу мани жонима еткүр
 Ишк үти тегуб жисмима шүрида бүлубмен,
 Гүё жасадим жонсиз үлуб, жонима еткүр
 Термиздә они күрдим, күнгилни бериб бой,
 Чин бу сүзүмни мани җаконима еткүр.
 Исён тунидин ол мани ислом кунига.
 Коғирлар аро қўйма, мусулмонима еткүр.—

деб андог фигон қила бердиким, аниңг ишқ-муҳаббатига Амир ҳам йиглаб, ӯзини Амир Темур эканини анга билдуруди. Анда Туман оға ҳайрон-саросима бўлуб, йиглаб нима дерини билмай, ошиқ ва маъшуқ бир-бири бирла мулоқот бўлуб, андин кейин Туман оға аиди, мани ҷодирим қизил, тоңгла Чигатой синоҳлари бирин-бирин бўлуб бизни ҷодирга келурда ҷодир ёнидаги туг, байроқини тавоғ қилурлар, ман аларни ҷодир ичра ёшуурман, сиз ҳам келурсиз, ярим кеча бўлғоч, карнай чолсалар отам қўшинилари албатта саросима бўлуб қочарлар, деб эрди, Соҳибқирон қабул қилди. Туман оға отасини аскари ичра келди. Амир ҳам қўшинларига борди. Булар Амирни йўқотиб ҳар жонибни ахтариб юрур эрдилар. Субҳ бўлгач, барчалари Амирни кўруб хурсанд бўлдилар. Еронларга Амир воқеани баён қилди. Барчалари қабул қилдилар. Анда Саротилмиш баҳодур ва Учқора баҳодур ва Ғиёс баҳодур ва Үсмон баҳодур ва Мирзо Жаҳонгир, умаролардин олтмиш киши шул ишга бел боғладилар. Ҳар қайси баҳодур арслон каби бўлуб, бошлиқлари Соҳибқирон, Мирзо Жаҳонгир бирла хонга арз қилуб, маълум қилдилар, маслаҳат бирла ўлтуруб, ул куни кеч бўлғоч, тун амири боши узра қора ҷодир солди, юлдуз аскари кўк майдонини олди. Анда Соҳибқирон хондин фотиҳа олиб, Туман оға сарига кела бердилар. Аввал Амир келуб, қизил байроқни тавоғ қилуб эрди. бир чури келуб Амирни қўлидин ушлаб ҷодир ичра Туман оға қошига келтурдилар. Туман аиди, бу ерда ўзга кишидин йўқдур. Андин кейин Мирзо Жаҳонгир келди. Амир аиди, бу мани ўгулумдур. Алқисса, бирин-бирин олтмиш киши ҷодир ичра кирдилар. Туман оға ўзга ҷодирға борди. Аммо Амир Чигатой аскари бирла муқаррар қилуб эрдиким, ҳар вақтики, бизлардин карнай шавқуни чиққач, сизлар ҳам карнай чолиб от қўйинглар деб эрди. Ул кеча тун ярми бўлғоч, Олтмиш киши ҷодир ичра карнай тортиб, шавқун сола бошладилар, Туктемурхон қўшунлари барча бирдан чўчуб уйғонсаларким, аскар уртасидин шавқун бирла карнай овози чиқадур, барчалари жангга муқайид булуб эрдилар. атрофдин карнай овози кела берди. Анда жатта қўшунлари шошиб ва саросима бўлуб, кўнгилларига қўрқув тушуб, атрофга тарқашиб, қоча бошладилар. Чигатой синоҳлари жатта қипчоқ аскарига андог қирғин солдиларким, ўлуклари хирмон-хирмон бўлуб, таналари тефа-тефа бўлуб ўюлуб, бошлари сой тошлиридеб узулууб, баъзини қўли синуб ва баъзини бели синуб, баҳодурлар

мунни күрүб, күнгли тиңуб, батызи оёғи уаулуб, баъзини қулоги узилуб, баъзизи жон бермогда күзи сузилуб, баҳодурлар ҳажжомдек қон олмогда бүлдилар. Гавго ҳаддин опуб, қизил денгиз тошиб хар тарафга оқа бошилади, гүё алар бошида қиёмати сагир бүлди. Тұқтемурхон ҳайратда бүлуб, ярим кечада Самарқандга қочиб кирди. Бүри баҳодур Амир құлида үлди. Сохибқирон бирла Бароқхон Самарқанд құргонини атрофини олиб, тұрт ойгача Тұқтемурхонни қамаб, құб аскар бирла ёттилар. Үл замонида Хұҗа Маҳмуд тошқандлық Хұҗа Ахорор валини оталари эрди, сохиб давлат ва шавкатлиқ ғани киши әрдилар. Қирқ құллари бор әрди, құргон остидии ҳандак кавлаб, андак йүл очиб әрдилар, бир құлларига нома битуб, үшүл күн Сохибқиронга беруб юбордилар. Амир Сохибқирон Бароқхон чодиридин чиқуб, үз хаймасига борур әрди. құл китобатин Амирға еткүрди, күруб қайтуб Бароқхон чодириға бориб, құлни Бароқхон қошиға өзіншілдіктер. мутолаа қилуб, яна Бароқхон нома ёздурубы, бир мансабни хұжага ваяда қилуб юборди. Құл номапи мүм ичра олиб борур әрди. Тұқтемурхон күзи тушиб, ани феъл-атворидин билуб, ушлаб олдурубы, ҳарчанд бош-оёгини ахтариб, тополмай турурдилар, иногоҳ акса уруб, оғазидин мүм тушити. Анда хатни күрүб, буюрдиким, хұжанинг молини талон қилинглар, хұжани үзини зиндонга солинглар деб. Аммо ҳандак йүлини тополмадилар. Хұҗаны қийнаб сүрдилар, инкор қилуб, билмайман, деди. Хұжанинг құлларидин бири секин келуб Сохибқиронға бу воқеаларни баён қилди. Үл құлни Сохибқирон келтуруб, тадбирини Бароқхондин сүрди. Хон аиди, бир бола бүлса, бориб ҳандақ йүлини Хұҗадин сүрсә, бу сирни билуб келса?! Андан Мирзо құлни күкесиге құйуб, таъзим бирла турди. ҳарчанд хон ва Амир манъ қилдилар, бүлмади. Ақнұн, лоңлож, жавоб бердилар. Мирзо филхол, Самарқандға дохил бүлдилар, боруб диловарлиқ бирла Тұқтемурхонға арз қилуб айдиким, ман кичикилгимда отам үлар вақтида дүнёларини хұжа Маҳмудға тоширууб, деган эканким, бола ҳозир ёндур, балогатта етгандин сұнг берарсиз, деб. Холо, ёшим үн тұртта етибдур, сиз адолатда бұлсанғиз анга мани тұғри қылсалар, молимни талаб қылсан. Хон адолат юзасидин буюрдиким, бу болани хұжанинг қошиға әлтиңглар деб. Они хұжага келтурдилар, хұжа они танимади, фалоний нақибни үглидурман, отамни моли қайдадур деб, яъни отам олтунларини қаерға беркитуб қүйубсиз, деди. Хұҗа Маҳмуд билдиким, бу үгул сұзуида бир сир бор. Ҳандақ йүлини билдурмоқ учун анга Хұҗа аиди, отангни моли құргонни шарқ тарафинда, гүру ошиқон мавзауиңда, андин тошиб олғыл, деди. Мирзо Жаҳонгир билдиким, албатта үшал ерда ҳандақ йүли бордур. Андин мирзо Жаҳонгир хон қошиға бориб, аиди: Сизни адолатингиздин мани омонатим құлымға тегди, деб хонни дуо қилуб қайтты.

Алқисса, ул кечаси отаси Сохибқирон олдига келуб, воқеани бир-бир баён қилди. Амир Сохибқирон қирқ кинни бир улуг йиғоч остиға келдилар. Бу мирзо Жаҳонгир қылғон тадбириға барчалари таҳсиин ва оғарған үқудилар. Андин таъйин қылғон ерни топуб, құргон тағидин бир одам миқдори бориб, барчалари тун ярмида

кариай чалиб, шовқун қила бошладилар. Үл кечаси Самарқанд ичра андог гавғо бўлдиким, Тўқтемурхон ўрдасида етти киши бирла қамалуб қолди. Тўхтамишхон ўрда буржидин ошуб тушти. Соҳибқирон кўруб, яхшилиқ қилғон жиҳатидин анга навозишлар қилди. Анда Тўхтамишхон айди, эй Амир Темур, диловар бўлсанг, кишига яхшилиқ қил, ман сени ўлумдин нажот бериб эрдим, сан мани отамга нажот берғил. Амир айди, отангни багишиладуқ, лекин Саййид Отага нажот йўқ, мунча ишлар бари андин бўлубдур. Тўхтамишхон: коғирларни багишилаб, нечун мусулмонни багишиламайсан, агар они ўлдурсанг, ўзбек мусулмонлари ичра кўб гавғо бўлур, Саййид Отани ўлдурма, мани ўлдур, деди. Андин кейин Амир барчасини багишилади, бош-оёқ лиbosлар берди. Үл етти кишини чиқоруб, мамлакатларга қасд қилмасликга Тўқтемурхон ва Тўхтамишхон аҳд қилдилар. Бу сўзни Бароқхон эшитуб, аччиғи колуб, газабда бўлуб, Амир Темурни бу ишиким, мандин бежавоб аларни багишилар, филҳол, аларни ўлдурунг деб ҳукм қилди. Соҳибқирон шаҳр ичра эрди, эшиттиким, Бароқхон етти кишини ўлдурмоқга амир қилибдур, деб бориб кўрдиким, Тўхтамишхон бўйнидин аргамчи била бойлаб туурулар. Филҳол, Амир Соҳибқирон аргамчини кесуб, ўзи Бароқхон қошига келди. Анда Амирга хон итоб қилуб айди, нечун мани ҳукмимни тағайюр берурсан, ман аларни қонини тўқмоқга қасамёд қилуб эрдим деб. Амир айди, алар учун мани ўлдур. Хон газаб бирла буюрдиким, ушланг бу оқсоқни. деди, нечук Соҳибқирон оёғларига заҳм жанг ичра тегуб, андак оқсоқлиги бор эрди. Беклар гувир қилуб айдилар, Амир Темур санинг учун машақатлар чекуб, санга кўб яхшилиқ қилди, муни санга асло ёмонлиқи йўқтур, деб. Ҳеч киши Бароқхон сўзини қулоқига олмадилар. Агар Амир Соҳибқирон Бароқхонни ўлдурунглар деса, неча одамлар ўлдурмоқга тайёр эрдилар. Лекин бу ишларни Амир Соҳибқирон асло парво қилмас эрди. Аммо уламолар ҳукми хон тағайюр бўлмасун деб алардин андак ҳажамат қилуб қон оқизилсун дедилар. Андин кейин подшоҳона инъомлар бериб, аларни Дашиби Қипчоқга юбордилар. Бароқхон ҳеч нима демади. Лекин Амирдин гинаси кўнглида қолди. Андин кейин хўжа Маҳмудни мусулмонларга раис қилдилар. Тамоми мулки, Моваро-унинаҳр Тошканд ва Хўжанд ва Хўқанд ва Марғинон ва Андижон ва Кошгар ва Туркистон жатта зулмидин омон топтилар. Чигатой эли ҳар қайсилари ўз мақомларига бордилар. Бароқхон йигирма икки йилдин бери Самарқанд ва Бухорода отасини тахти узра эсдин бегона эрди. Андин кейин мунда туролмай, Балхга бориб, Ҳиндувон қалъасига, ҳало қалъаи Хиротда Ҳарак дерлар, анда бир шаҳр бино қилуб, анга пойттаҳт қилди. Амир Темур Шаҳрисабзга бориб, анда салтанатлик маснадида қарор олди. Ўшул йил Бароқхон элдин солуқ олурмиз, деди. Соҳибқирон манъ қилдилар, бу йил барча эллар қашшоқдурлар, элни тархон қилурмиз, деди. Хон қабуқ қилмади. Ахир, Соҳибқирон ўз йилқиларидин қанчасини олуб. қанча олтун билан Хонимча молига ҳисоб қилуб, элни солиги учун отларга юклаб, хонга юбордилар, Элдин ҳеч нимарса олмадилар. Одамлар Амир бошидин қасамёд қилдилар. Аммо Бароқхон

синглисини асбоби олтун-күмүшларини тануб-билуб, юбормай хазинага солдурди.

**БУ ДОСТОНДА НОСИР ХИСРАВНИ ЎГЛИ МАНСУР ИСМЛИК
ҚОШГАР ИЧРА ПАЙГАМБАРЛИК Даъвосини қилуб,
МИРЗО ЖАҲОНГИР ИБН АМИР ТЕМУР ОНИНГ БИРЛА
ЖАНГ ҚИЛҒОНИНИ БАЕНИ**

Андоғ келтурубдурларким. Амир Соҳибқирон Мовароунинахрга валий бўлуб адолатини овозаси ҳар жонига мунтасир бўлуб, қофила, карвон, савдочилар кўнгиллари жамъ бўлуб, шахрдин шаҳр, кентдин кентга борур эрдилар. Қошгардин начанд савдо-гарлар келуб, Амирга хабар бердиларким, бизни юрт ичра бир кипи чиқубдур, пайгамбарлик даъвосини қиладур, жуҳҳоддин баъзилар анга имон келтурубдур. Ул уч кун аввал ҳавода туруб, одамларни ўзига даъват қилуб, яна гойиб бўлуб, андин кейин бир тог узра чиқуб туруб, әлга кўрунди. Ҳар кишининг дилида нима ният бўлса, филҳол, анга маълум бўлуб айтур эрди. Ҳар кипи они ўлдурмакга қасд қиласа, ўзини уради. Ҷеюларким, тарихнинг ети юз саксон бешидаги¹ Амир Темур Соҳибқирон Носир Хисравни барҳам беруб, анинг бир угли қочиб, Ҳиндистонга бориб, Канимир браҳманларидин илму сехр ўқуб, андин Қошгар мамлакатларига колуб пайгамбарлик даъвосини қилуб, айтадурким, ман Маҳдий бўлурман, отим Мухаммадцур, куниятим гобир имомидур, Амир Темур даъжонидур, деб. Баъзи уламолар анга Маҳдий пайгамбаралик даъвосини қилмагай, десалар, начанд жуҳудлар шаҳодат бергай, куб жуҳудлар анинг ботил динига кирибдур, Қуръонни мансух қилибдур, куб кишилар анга итоат қилибдурлар, деб Қошгардин Соҳибқиронга нома келди. Амир билдиким, албатта соҳирдур, хаёлида дедиким, агар борсам, муҳолифлар қўзголур ва агар бормасам, ул жодугарнинг сехри қандай бўлур? Андешада ўйлаб, андин кейин йигирма минг кишини Мирзо Жаҳонгир тўрага рафиқ айлаб, куб насиҳат қилуб, аиди: Эй кўзим нури, ўз ишингга омил бўлуб, билуб иш қилгайсан. Андин Мирзо Жаҳонгир тўра Қошгарга яқин етгач, Мансурга хабар бердиларким Мирзо Жаҳонгир тўра келур, деб. Ул аиди, ани жангдин манъ қилуб, даъват қилурман. Ҳонақосига тақлиф қилуб, Мирзога киши юборди. Мирзо Жаҳонгир келгоч, кўнглида кечгон сирни борини сўзлаб берди. Анда Мирзо Жаҳонгир тўра ҳайрон бўлди, андог маърифат қила бердики. Мирзо Жаҳонгир йўлдониларини барчалари анга итоат қилсалар. Мирзо Жаҳонгир тўра манъ қилуб аиди, эй Мансур, санинг мўъжизанг қайсицидур? Мансур аиди, манга гўр килдургил, анда манинг мўъжизаларимни кўргил. Мирзо Жаҳонгир буюрди, гўр кавладилар. Анинг ичра тириклай кириб, кетти. Анинг устига олов ёқтилар, уч кундин кейин қабрининг уч еридин губор чиқуб, Машриқ тарафига борди. Яна қабрининг атрофидин губорлар Магриб сорига борди. Андин кейин гўр ёрилиб Мансур қабри узра чиқуб турди. Мирзо Жаҳонгир тўра буюрди, занжир била

¹ 1335 йил.

бойладилар, филхол, занжир пора-пора бўлди, анга ким қилич солса, ўзиға тегди. Манга имон келтургил ва агар имон келтурмасант аскарларинг бирла ўтга куйиб, адам, яъни ўйқ бўлурсан, деди. Мирзо Жаҳонгир тўра ибн Амир Темур Соҳибқирон андин ети кун муҳлат талаб қилдилар. Анда Мирзо Жаҳонгирнинг рафиқлари айдилар, агар пайғамбар бўлмаса, мундог мӯъжизани кўрсатурму? Қошғар аҳлидин аксар одамлар анга имон келтуруб, ул намозни эллик вақтга таъйин қилуб эрди, ҳар ким тарк қилса, ўлдурди, рўзани олти ой тутиналар, деди, муни буюрди. Тез-тез Мирзо Жаҳонгир тўраға киши юборур эрдиким, манга имон келтурсун деб. Анда Мирзо Жаҳонгир тўра ҳаргиз қабул қилмас эрди.

Алқисса, ишлари жангға оид бўлди. Тонгла иккала тарафдин аскарлар саф туздилар. Мансур айди, манга гойибдин қўшуналар келур. Мирзо Жаҳонгир тўра синоҳларига буюрдиким, барчалари оқ кийум кийдилар, майдон ичра жаҳд бирлан, «олло» дерлар. Жарчи хабар бердиким, эй аҳли ислом, вакти жанг бўлубдур, деб. Анда Мансурни кўрдиларким, тева узра минган. Мирзо Жаҳонгир тўра анинг қошиға келуб, аниг қошида туг кўтарган кишига қилич солди. Ул киши тугини қўйуб, томуғ сарига йул олди. Яна ўзгаси келуб тутти, ани ҳам адам диёрига беркитти. Яна бири келуб, тугни ушлади. Ани ҳам тиг бирла андоғ мушлади. Ул куни Мирзо Жаҳонгир тўра етмиш кишини томуг казармасига жўнатти. Лекин яна бир ушлаб, алам ер узра ҳаргиз йиқилмади. Ул куни Мирзо Жаҳонгир тўранинг ети жойига жароҳат тегди. Мирзо Жаҳонгир тўранинг журъатига Мансур ҳайрон бўлди. Иккала аскар жудо бўлди. Андин кейин Мансур сехрига муқайид бўлуб, қанча ўт ва ўланг ва арфа ва бугдой ва эқмак ва паҳмо қувлотларни қўй этига қўшуб, они қайнатиб, кўб таъомларни қўшуб, нома бирла Мирзо Жаҳонгир тўранинг қошиға юборди. Номада айтубдурки, эй Амир Темур ўғли, биз каримлардин бўлурмиз, агарчанди, сиз бизларни ўлдурмоқга келсангиз ҳам, бизлар сизларни меҳмон, ҳурмат қилуб, зиёфат лозимотларини қилурмиз. Сизлар, албатта рад қилмагайсиз, анда Мирзо Жаҳонгир хоҳладиким, олмайин қайтарса, анда йўлдошлари айдилар бизларни отимизни синоҳ, дерлар, қайтариб юбормасиз, деб барчалари таксим қилуб едилар. Арфа бирла утларни отлариға бердилар. Уч таъомни тановул қилғонларга ногоҳ қичитма пайдо бўлуб, қўтур бўлдилар. Аъзоларини қаниғон еридин қоп жорий булар эрди, яна ем еган отларни тезагидин сўнгак каби чибинлар пайдо бўлуб, кимарсани чоқса, ўрипдин, филхол, қоп жорий булар эрди. Отлар ҳам аргамчиларини узуб тоқатсиз бўла бердилар, ҳарчанд қилуб, туролмадилар, тобора зиёда бўлди. Лоилож, ярим кечада туруб, ўйл юрмоқга юзландилар. Соати юруб эрдилар, муқобилларидин олов ҳозир бўлди, барчалари кўркуб, юрмадилар. Мирзо Жаҳонгир тўра ёлгиз ўзи бораверди. Ҳам Мирзоға қаршу келуб, гойиб бўлди. Мирзо Жаҳонгир тўра ҳайрон бўлуб орқасига қайтуб эрди, иккинчи яна олов курунди. Яна Мирзо ўт олдига борди, яна ўт гойиб бўлди, учинчи булғандин кейин Мирзо ҳамроҳлари бирла ўтни олдига бордилар, ўт ўйқ бўлуб, бир қаландар ҳозир бўлди. Мирзо они бирла мулоқот бўлуо

бир-бирини сирри ахволларини сўрашилар. Мирзо аввалдин охиргача воқеани бир-бир баён қилди. Қаландар айди, мани Мавлоно Саъдиддин дерлар, Қошғар элидинман, Соҳиб ҳидоятни шогирдлари бўлурман. Мансур манга даъват қилди, ман инкор қилдим. Кейин мани ўлдурмоқга қасд қилди, қочиб бул ерга келиб эрдим, ҳазрат Ҳизр алайҳис салом келиб айдилар, сабр қилғил, Чигатой элидин келиб санга мадад етқузурлар, бориб ул ҳаромзодани ботил ишларини барҳам ургул. Ман айдим, улар келғунча, манга айнинг сехридин зарар етмасун, кейин ул зоти боборакат манга исми Аъзамни ургаттилар. Бир кишидин бошқага айтмағил дедилар. Қачон ўқусам етмиш минг фарипта ҳозир бўлурлар. Ўшул қўрунуб гойиб бўлғон ўт авори малоқдурлар. Мирзо Жаҳонгир айди, эй тақсир афандим, энди нима қилурмиз? Мавлоно Саъдиддин айдилар, қайтинглар, ман сизларни орқаларингиздин борурман. Мирзо Жаҳонгир айди, аскаримиз бетбодурлар. Мавлоно буюрдиларким, бу ерда бир қудуқ бор, шунинг сувидин ичинглар. Филхол, ичтилар, соғайдилар.

Алқисса, Мирзо Жаҳонгир Мавлоно Саъдиддин афандим сўзлари бирла Мансур жангига юз қўйуб боравердилар. Ҳабар Мансурга Чигатой аскари қайтиб келурлар деб эшитуб, ҳайрон бўлди. Алқисса, икки тарафдин аскарлар келиб, бир-бирига муқобил бўлдилар. Мансур ўзи майдон ичра кириб, баҳодур талаб қилди. Шер Баҳром аниг бирлан бориб ҳарба қилди. Шер Баҳром мажруҳ бўлди. Ким бориб ул нобакорға ҳарба қилди, филхол, ҳалок бўлди. Анда Мансури лаъин қичқириб айдиким, эй одамлар, манинг мӯъжизамни қўурсиз, нечук имон келтурмассиз? Шул вақтда бир тарафдин чанг-губор пайдо бўлди, қўрсалар Мавлоно Саъдиддин келубдурлар. Мирзо Жаҳонгир тўра бориб ул кишини мулоғиматида бўлдилар. Мавлоно афандим марқабдин тушмасдин уруш йўлини туттилар. Мансур хоҳласа, аларга ўқ отса, қўлидин ёсими олиб ерга ташладилар. Аниг қавмлари буларни устиға тўкила берди. Мирзо Жаҳонгир, филхол, от узра минуб Мансур шумни ўртага олиб бойладилар, ети мартабағача қилди, пора-пора булаверди. Бу ишга барчалари ҳайрат бармоқин тишлаб, ҳеч илож тополмас эрдилар, ногоҳ юзида бурқаъи бирла бир кимарса келди. от ва аслаҳоси қора турур. Мирзо Жаҳонгир хоҳласаким, ани қилич бирла уруб, ҳалокатга еткурса. Ул кимарса айди, мани ўлдурмағил, санга яхшилик қилурман, яна заифадурман. Мирзо билдиким, қиз турур ва оти Қойликдур. Мансур шумни қизи эрди. Мирзо Жаҳонгирни қўруб, ошиқ бўлуб, мухабbat майдин ичиб, маст эрди. Айди, мани отамни бойласанг, албатта бошини қилидин бир тола олиб боғланглар. Сўнгра Мирзо Мансурни бойлаб асир қилиб, аскарига шикаст бердилар. Андоғ қирғин бўлдиким, ғавғо ошуб, қизил денгиз тошуб, ул шумлар жони қочиб, томуғ казармасига бориб қамолур эрди. Қолғонлари қоча бошладилар. Андин кейин ул бадбахт Мансурни тог узра олиб чиқиб, паства ташладилар, ўлмади. Ҳарчанд қилдилар ул нобакор шумни ҳалокатга еткура олмадилар. Охир, Мавлоно Саъдиддин айдилар, мунинг қатлига сабабни яна қиздин сўранглар. Мирзо Жаҳонгир

қиздин мунинг сирини сўраб эрди, қиз айди: шартим бор. Эй Мирзо афандим тўрам, мани хотунликга қабул қилсанг айтурман. Мирзо қизни олмоқга аҳд қилиди. Андин кейин Қойлиқ айди, кўк туслиқ бокира қизни ҳайзининг қонидин қилич дамига суркаб, анга солгил, андин кейин ўлур, тадбири шулдур. Илло, мунинг сухрига иложи йўқ, ҳарчанд кўк туслик қизни ахтариб тополмадилар. Сўнгра мулоҳаза қисалар Қойлиқни рангги кўк туур. Филҳол анинг ҳайзидин қиличга суркаб, Мансур қув, фалокатни узви ҳалокатига еткурдилар. Ўшул вақт ул шум мани қотилим олти ойдин зиёда умр кўрмас, деб эрди. Мансур барча қавмлари била томуг шаҳристонига боргандин кейин Мирзо Жаҳонгир аҳдига етиб, ул қизни никоҳига олди. Бир кечадан хилват қилуб, гул гуначасини, узуб эрди, анинг оғзида сассиги бор эрди, анга тоқат қилолмай, эртасига они мадҳуш қилиб, сандуқ ичра солуб, денгизға ташлаб юборди. Қазора бир хилват била анинг қорнида ўгул пайдо бўлғон эрди. Ул сандуқ дарёдин қалмоқлар қўлига келиб тушти. Ул қиздин шаҳзадо султон Муҳаммад тўра тугулди. Аммо қалмоқлар они Кўбкинбек атадилар. Иншоолоҳи таоло, анинг хуружи ҳам ушбу китоб ичра сўланур. Андин кейин, Мирзо Жаҳонгир тўра Мавлоно Саъдиддинни олиб Бухоро сарига келдилар. Мавлоно Саъдиддин Нақшбанд пиримға мурид бўлуб, хизматларида бўлдилар. Мирзо Жаҳонгир отаси олдига Самарқандга келди. Амир Темур нури айнларини саломатлигин кўруб, кўб хурсанд бўлди.

БУ ДОСТОНДА МИРЗО ЖАҲОНГИР ТЎРА ИБН АМИР
ТЕМУР БАЛХ ЮРТИҒА БОРИБ, БАРОҚХОН НОМЕХРИБОН
ТОҒАСИНИ ҚЎЛИДА ШАҲОДАТ ТОҒГАНИ. АМИР ТЕМУР
СОҲИБҚИРОН БОРИБ, БАРОҚХОННИ ЎЛДУРУБ, АНДИН
КЕЙИН ҲИНДИСТОННИ МУСАХХАРА ҚИЛҒОНИНИ БАЁНИ

Алқисса, ўшул йилларда Самарқанд ичра хўжা Абдуллани қизи илми нужумга кўб маҳорат пайдо қилиб, ҳар кишини кўнглидаги сиррини айтур эрди. Мирзо Жаҳонгир тўра била Мирзо Умар тўра иккала ога-ини ўшул раммола қизни қошига бордилар. Аммо ул қиз гўзалликда анинг назири йўқ эрди, оти Сокина бону, қўзлари жоду, кирпиклари хунрез, қошлари қилич каби тез, юзи мисли қуёш, лаблари ақиқга ўхшаш ва тишлари дурға ўхшаш эрди. Қошлари ҳилол, бўйлари ниҳол, қўзлари чўлфондек эрди. Анда қиз олдига парда ташлаб икковларини чақиртуруб айди, муддаоларингизни кўнгилга олиб туринг деб. Андин кейин қиз куръя солиб, айдики, иккалангиз кўнглингиз ичра муддао бир пимарсага бўлубдур. Ул пимарса икковларингга баробар ҳосил бўлмагай. Булар айди, бизга маълум қилгил? Қиз филҳол икковинг мани талаб қилуб келибсиз, деб пардани ўртадин кўтариб эрди, иккаласи анинг кўруб, хаёл қисса, парвонадек они сирожи ҳуснига урса. Мирзо Жаҳонгир айди, ман олурман. Мирзо Умар айди, ман олурман. Икковлари низода эрдилар, қиз мирзо Умарни ихтиёр қилди. Мирзо Жаҳонгир Мирзо Умарни аъзосини ярадор қилиб

қизни олиб қочиб қүшининг келди. Мирзо Умар келиб воқеани Амир Соҳибқиронга арз қилди. Мирзо Жаҳонгир тўрани чақириб, Амир итоб қилди. Мирзо Жаҳонгир айди, қиз мани хоҳлабдур. Мирзо Умар айди, мани хоҳлабдур. Андин кейин Сокина бонуни чақирилар. Қиз келиб Мирзо Умарни ихтиёр қилди. Андин кейин Соҳибқирон Сокина бонуни никоҳ қилиб Мирзо Умарга акд айладилар. Ул қизни Мирзо Умар тўра гунчаларини очиб, қизил баргларини сочиб эрди. Муни кўруб Мирзо Жаҳонгир тўра иисини улдумроқға қасд қилди. Сокина бону бу ёмон ҳаракатдин хабар топиб, Мирзо Умар тўрага айди, эй тўрам, афандим, бу кеча мани ёнимдин йирог ётгил, тонгла келиб мани бошим узра бир хат бўлгай, они очиб ўқугил, деб Мирзо Умар тўрани ўзга ерга юборди. Ул кечада Мирзо Жаҳонгир тўра келиб иисини ахтариб тополмай. Сокина бону бечорани шаҳид қилиб чиқиб кетти. Эртаси Мирзо Умар тўра келиб курсалар хотини шаҳид бўлубдур, боши узра хат бордур, олиб куруб мулоҳаза қилса, мани қотилим санинг оғанг булди, дебдур. Хатни Амир Соҳибқиронга олиб келди. Андин кейин Соҳибқирон Мирзо Жаҳонгир тўрани ушлаб, неча дарра уруб, зинданга буюрди. Филҳол Мирзо Жаҳонгир тўрани хотуни бу сўзни англаб, ўзини чўри суратида қилиб бориб, Мирзони зиндандин чиқориб, ҳарамға олиб келди. Мирзо Жаҳонгир тўра хотуни бирла видоълашиб, ярим кечада Балх сарига қочиб, Бароқхон қошига кетти. Тонглasi Соҳибқирон эшитиб, гафурмади, лекин ўғлини борганига магмум бўлуб, Бароқхонни меҳрини йўқлигидин қайгуда эрди. Аммо Мирзо Жаҳонгир тўра Балхга яқин етгач, Бароқхон хабар топиб, жиянини олдига кўринунгина печа беклар била чиқти. Куб риоятлар қилуб, шаҳр ичра олиб кирди. Ўшал вақт ҳўжам Баҳовуддин муридларидин Хўжа Порсо ҳўжаш Абу Насрни оталари Балхда эрдилар. Ул киши Накшбандий силсиласига балх элини даъват қилиб, сулук тебратур эрдилар. Мирзо Жаҳонгир тўра бориб, ул кишини хизматида бўлди.

Алқисса, неча кун ўтгандин кейин Бароқхон бениҳоят аскар ва қўпун йигиб, Ғазвии шаҳри узра Султон Маъсұдга ёв қилиб оборди. Султон Маъсұд беклари ва сипоҳлари барчасини аскар бориб улдуруб, Ғазвии куб ҳароб қилдилар. Аммо Султон Маъсұд бир қизи бор эрди, куб туйғун, соҳиб фитрат эрди, гўзалликда юзи қуёшдек, баданлари кумушдек эрди, кўзлари чўлфондек, лаблари хандондек. тишлари дурдек, ўзи бир хурдек қиз эрди. Нечада чўриларни ўзига ҳамроҳ қилиб, қажаваларга тушуб, теваларга юклатуб, ҳўжаш Мухаммад Порсо ҳовалиларига «доруло-мон», деб келиб тушти. Ўшал вақтда худой аззужалини арслон йигитларни ҳўжани ва ҳоқони расул алайҳис саломни куёвлари турт ёр нозанинни бирлари Асадулло голиб Али иби Абу Толиб Каримуллоҳ вожиха афандимиз ҳазратларининг қабри муборакла-рига яқин бир беша тўқай бор эрди, андин бир йўлбарс чиқуб келиб Ҳазрат Али ризо оллоҳийнанинг қабри шарифларини зиёрат қилиб, ҳеч нимарсаға зарар қилман, яна тўқай ичра кириб кетар эрди. Агар бир кимарса ул йўлбарсга дахл қилса, Балх шаҳрига оғати чайдо бўлар эрди. Бу воқеани қиз эшитиб эрди. Аммо Бароқхон

аңглаб қызға киши юборди, мани ақдимни қылсун, деб. Яна Мирзо Жаҳонгир киши юборди. Маҳмуда мани қабул қылсун, тогам Газинин хароб қилиб, балки гумон голиб, Балхгача хароб қилғай, анга бормасун, манга келсун, деб эрди. Маҳмуда жавобига айди, икковлари манга талаб бўлса, Али ал-Муртозони мутахарраларини зиёрат қилғувчи арслон бор эмиш, кўб-кўб мунаққаш эмиш, ким они тутуб олса, териси мани маҳрим бўлсун, шул ишини уҳдасидин чиққон кишини қабул қилурман, деб.

Хўжа Муҳаммад Порсо бирла маслаҳат қилиб, ул қиз ушибу газални номага ёзиб юборди.

Н а з м :

*Отим Маҳмуда бинти шоҳ Масъуд,
Бобом оти яна Султон Маҳмуд.
Ота-боболарим ислом шоҳи,
Бошида афсарий заррин қулоҳи.
Мани бул ерга келтирди ҳудойим,
Сабо очган эмас банди қабоим.
Сочимни шона айлар бўлса ҳар қас,
Сочим савдосидин юзимни қўрмас.
Эрон тутган эмас зулфим асосин,
Кўзимға ман чекуб сурма ҳаёсин.
Хино исмат ила гулранг иликим,
Бу ишларға ёзиб таҳрир килким.
Бил охир рӯзгор сифла берур,
Бул ерларда қилуб шарманда музтар.
Сочим бўлди ўзимни бўйнима банд,
Манга зиндан эрур бу шаҳр ила канд.
Истаб келиб бу ерга индим,
Эгам тангри таолога сиғиндим.
Турубман ҳўжани манзилларида,
Кўнгиллар ғам йирогидин дарида.
Манга талаб эса қылсун сўзумни,
Кимарса анга топшурсам ўзумни.*

Андин кейин Хўжа Муҳаммад Порсо Бароқхон олдига номани келтурдилар. Мирзо Жаҳонгир хон била шарбат ичиб ўлтурууб эрди. Хўжа боргач, шарбларини беркиттилар. Хўжа Порсо хонга воқеани баён қилдилар. Хон эшитиб ўн минг кишини ўзига ҳамроҳ қилуб, барчаси түфангчи эрди, бориб йўлбарсга муқобил бўлуб кўрсаларким, кўб нақши ниғор ила мунаққаш, бу сифатда арслонни киши кургон эмас. Бирдан они милтиқга туттилар. Арслон қочиб тўқай ичра кирди. Тўқайга еткунича йўлбарсени ўн ериға ўқ тегди. Милтиқларни шавқуни Балхни барчасига эшитилди. Арслон тўқай ичра кириб, гойиб бўлди. Хон арслонни мажруҳ қилуб, ололмай урдасига қайтти. Мирзо Жаҳонгир муни эшитиб, аслаҳа-ёрголарни тоқинуб, тўқайга қараб бораверди. Кўшун бирла бориб, қонига зомин бўлмайин деб, ёлгуз ўзи бориб.

түкай ичра кирди. Арслонни күрдиким, ёнида яшил туслик нуроний бир киши йүлбарсни манглайин силаб турурлар. Айдилар, эй йигит, умриңгни зоең қилмагил, ҳар ким мунин ҳалокатта еткурса, фалокатта дучөр бўлур. Эй ўгул, бу мақом улуғларни мақомидур, беодоблик қилдинг, ўзингга ҳозир бўл. Мирзо Жаҳонгир тўра, бу сўздин кўнглига қўрқув тушуб, қайтти.

Ровий айтурким, Бароқхон била Мирзо Жаҳонгир тўра иккови беодоблиқидин икки ойга етмайин ҳалок бўлдилар. Мирзо Жаҳонгир тўра айди, ул зоти шарифни салобатидин сиз ким деб отларини сўролмадим.

Алқисса, Маҳмуда айдиким, хон бирла Мирзо икковлари мани назримдин устунлар, қайси бирини ёқтурсан, они куёвлиқини хоҳлаюрман. Андин кейин, Бароқхон била Мирзо Жаҳонгир ўзларига ва отларига зеб бериб, қизни олдидин ўттилар. Қиз Мирзони кўрдиким, гўзаллиқда юзи раънодек, бўйлари сарв ё санубардек, они қад қоматини кўруб, устидин гуллар соча бошлади. Бароқхон мунин кўруб, кўнглига кина олди. Ўшул куни кечқурун хон неча кишини мукаммал ва мусаллих қилиб бир ерга беркитиб кейин меҳмонхонага зеб ва зийнат бериб, таъому шароблар тайёр қилуб, Мирзо Жаҳонгирни талаб қилиб, таъомларни еб ўлтурган ҳолда, они баҳор умрига ҳазон самумин еткуруб, барча мулоғимлари келиб, Мирзога қилич сола бошладилар. Мирзо Жаҳонгир тўра нечасини ўлдуруб ва нечасини яралик қилиб, охирида Мирзони бир қўли узулуб, қонга бўёлуб, аъзоси чўзулуб, оёқ узра йиқилуб қолди. Мирзо айди, эй золим тога, мани бул кун ўлдуруб, тонгла отамга нима жавоб дерсан? Андин кейин Бароқхон ханжар била жиёнини ул бевафо тогаси калласига уруб, танасидин ажратиб шаҳид қилди. Ул кеча Балх ичра кўб шўришлар шайдо бўлди. Эртасига хўжа Порсо эшитиб келдилар. Бароқхон Мирзо Жаҳонгир тўрани бошини лаган ичра солуб, ҳақорат қилиб ўлтурубдур. Хўжа Порсо айдилар, бу кун сан мунин бошини ҳақорат қилурсан, сани бошингни ҳам ўзгалар ҳақорат қилур. Хўжа Порсонинг сўзига Бароқхонни аччиғи келди, аммо ҳеч нима деёлмади. Хўжа Порсо туруб уйига кетгандин кейин Бароқхонни ҳузуридагилар айди, нечук Хўжа Порсони қатлга буюрмадинг? Бароқхон айди, Хўжани боши узра аждаҳо кўрдум, сўзлай десам дамига тортғудек.

Андин кейин Хўжа Порсо афандим Балх одамларига ҳар кишида ақл бўлса, ўзини чет-ёқага олсун деб Бухорога келдилар. Бароқхон Мирзо Жаҳонгир тўрани бошини қўргон остига ташлади. Аммо ровийлар андог ривоят қилурларким, Бароқхон хизматида бир хинду бор эрди, Бароқхонга муқарраб эрди, қанча ҳарж керак бўлса топуб берур эрди. Аксар вақт Бароқхонни ўрдасида юрур эрди, Мирзо Жаҳонгирни ҳаётлигида кўб яхши кўтар эрди. Мирао Жаҳонгирни ўлигини ўшируб уйига олиб кетти. Хон эшитиб хиндуни талаб қилди. Бароқхон айди, ман ўлукни куйдурурман, нечук олиб кеттинг? Хинду айди, ман анга раҳм қилдим, гўрга кўмғайман. Хонни дўсти учун ҳеч нима демади. Соатидин кейин амр қилди, бор, ўлукни келтур, деб. Аммо хиндуни тўрт ўғли бор

эрди. Бирини үлдүрүб, калласини олиб, жасадини көн ичра солиб, ул хинду бечора «пүттур мари яват чиливув» деб, йиглай-йиглай келтурууб хонга берди. Лекин ҳиндуларни расмида олғон нимарсаны келтурууб бермоги номус эрди, аниң учун Мирзони үликини беркитиб, үглини келтурди. Хон буюрдиким, күйдүринглар. Күйгандин кейин хонга маълум қилдилар, Мирзо эмас, хиндуни үгли деб. Яна хон ҳиндуни талаб қилиб, нечук мундай қилдинг деб газаб қилди. Яна хинду ҳүб, Мирзони үлүкини келтурай деб уйига келиб, лоилож, яна бир үглини сүйуб, калласини уйға қўйуб, «пүттур мари яват чиливув» деб йиглаб, танасини хонга олиб бориб берди, аиди: Мана Жаҳонгирни үлуки. Они ҳам күйдурдилар. Кейин билдиларким, ўзини үглидур, Мирзо эмас. Яна хон сиёсат бирла хитоб қилди, аччиг, газаб била Мирзони үликини келтур, кабоб қилай, бўлмаса санга қаттиғ азоб берурман, деди. Яна хинду бечора уйига келуб, илож тополмай, яна бир үглини бошини қиркиб, чуқурға солиб беркитиб, танасини қоф ичра тиқиб, орқасига кутариб олиб йиглай-йиглай «пүттур мари яват чиливув» деб яна Бароқхонни қошига келтурди. Ани ҳам күйдурдилар, яна хабар топтилар, Мирзо Жаҳонгир тўрани жасади бу эмас. Ҳинду бечорани ура-ура келтур, деб юбордилар. Ҳинду анда ҳайрон ва саросима бўлуб, тўртунчи үглини сўйуб, ҳасрат үтиға куйуб, танасини қоғға солиб, орқасига қўйуб, калласини бир ерга ташлаб қайгу била қўзини ёшлаб, ул хинду бечора бир ёғда Жаҳонгир тўрани муҳаббати, яна бир тарафда фарзандларини аламидин йиглаб «пүттур мари яват чиливув»ни айта-айта хонга үглини жасадини Жаҳонгир тўрани тани деб элтуб берди.

Алқисса, ўшул кун ичра тўрт үглини бир-бир үлдүрүб, элтуб берди. Барчаси қўйуб, адам чўлистонига кетти. Яна Бароқхон билиб, аччиги келиб, газаб била ваҳшат қилиб эрди, муҳлат сўради. Эртага келтурууб берайин деб, ўшул кеча Мирзо Жаҳонгир тўрани үлүкини шаҳрдин ташқари олиб чиқиб, бир ерга дағи айладиким. киши ахтариб тополмас. Келиб бир мусулмон дўстига аиди, мани Бароқхон үлдурса фалон мавзеъдаги ерга қўмғил, мусулмон бўлдим, деб васият қилди. Эртасига хонни олдига борди. Хон ҳиндудин Жаҳонгирни жасадини сўради. Ҳинду айтмади, ҳарчанд ахтариб тополмадилар. Андин кейин ҳиндуга бениҳоят қўазоблар қилдилар, охири қийнай-қийнай азоб ила ул ҳинду бечора үлди. Дўсти васиятига амал қилиб, намоз ўқуб, үликини элтиб таъйин қилгон ерига дағи айлади.

Алқисса, ҳўжга Порео Бухорога келиб, андин кейин Соҳибқирон қошиларига бориб, нури айнларини шахид үлғонини бир-бир баёй қилди. Бу сўзни эшишиб, Амирни тоб-тоқатлари қолмади. Бу кунин эртага қўймай, аскар йигдуруб, аида хисобу сони йўқ аскарлар гуж-гуж, туп-тӯп бўлуб, ўзбакдин, тоҷикдин, қозоқдин, қирғиздин, ҳар элатдин олиб, қизил байроқ, яшил байроқ, оқ байроқларни кутариб Балхга равона бўлдилар. Бир неча кун йўл юруб. Бароқхонни шаҳрига бориб, бирдан Бароқхон ўрдасига оқ қўйдилар. Неча одамларни адам диёрига юбориб, Бароқхонни ҳалок қилиб, таҳтдин тобутга олдилар. Балх вилоятларини фат

айлаб, андин кейин **Хиндустон** мамлакатларига юзландылар. Эрон, Ироқистон ва **Хиндустонларга** овози тұнтула түшти. Үзбакистондін Амир Темур деган соҳибқирониң даъво айлаб, хуруж қилиб дүрмени деб, улар ҳам аскар йигмоқға манигул бўлдилар. Амир Соҳибқирон синоҳлари бир неча маңзил, марохил тай қилиб, чўл кезиб, кўл кезиб бир баланд тог узра тушиби. Бир неча коровулларни тог устига чиқордилар, қайтиб тушиб алар Амирга арз қилдилар. Айдилар, эй тақсир афандим, бу тогни орқасида бир гор кўрдук, анда тўрут мўлтони соҳир ултуур, мундин бошқа йўл йўқтур, агар муни олдишин ўтса гордин ели чиқуб, барчани ҳалок қилур, ҳеч кимда ҳад йўқким, бошқа йўл тошиб ўтса. Анда бир неча кун чодир байроқларни тиктилар. Сўзга етук умаро, вузароларни жамъ қилиб, маслаҳат қилдилар. Андин кейин кирқ чоғлиқ машхур, баҳодурлар ва наҳлавонлар ўшал ғорни олдига бордилар. Ногоҳ ул гордин иссиг шамол чикиб, бу йигитларни ҳалок қилди. Ўл баҳодурлардин бири юз машаққат била омон қолиб Амир Соҳибқиронга, арз қилди. Андин кейин ҳукамолар аиди, ул аждархони нафасидур дедилар. Амир Соҳибқиронга бу сўз маъқул бўлди. Андин кейин ҳукомолар иами ҳикмат била бир неча баҳодур шиловарларга сут егизиб, ўшал горга юборавердилар. Кейнидии аскар била Амир Соҳибқирон ҳам йўл олдилар. Аҳли ҳикматлар бир неча ёргоқ саночларда сут бирла шароб олиб бордилар. Буларни кўруб мўлтонилар сеҳрга муқаййид бўлдилар. Ҳамма исми Аъзамни ўқуб бораөвердилар. Булар борган замон ул мўлтониларни туттилар, горни оғзига яқин чуқур ковлаб, сутни туктилар. Андин кейин бирлари чуқур қилиб, заҳарни туктилар. Ўшул замон гордин гавриялаб шавқун солиб ит сувратлик, арслон сувратлик аждаҳолар сутни кўруб чиқиб ичиб, қайтаруб яна заҳардин ичиб, масти лоаъқа бўлуб йиқицдилар. Андин кейин бир аждарҳо чиқдиким, буйи чинордек, йўғонлиги минордек, икки кўзи машъалдек ёниб, рағи қора, нафасини захри олами хароб қилур. Филҳол, сутни ичиб, қайтариб қусти. Андин кейин келиб, заҳарни ичиб масти лоаъқа бўлди. Аниг буйни узра бир илонни кўрдилар, бениҳоят чиройлик, боши қизил, қўйруги яшилга үхшаш, орқа била қорни фоқ, ул барча аждарҳо ва илонларни султони эрди. Филҳол, Амир Соҳибқиронга келиб салом берди. Андин кейин аиди, эй Амир Темур Соҳибқирон афандим, ман илонларни подшоҳи бўлурман, Сулаймон найгамбар алайҳис саломни замонларидин бери бул гор ичра макон қилиб эрдим. Ҳазрат Сулаймон найгамбар алайҳис салом манга айтиб эрдиларки, Мухаммад найгамбари охир замон умматларидин, аниг авлодидин қизи Сайдадин тугулгон бир соҳибқирон бу ерга келур, бул горда қанча олтун бор, сизнинг насибангиздур олинг, деди. Андин кейин ул илон аиди. Ман ҳам Мухаммад алайҳис салом умматларидин бўлгаймен, деб Қалимаи тоийибани айтиб, имон келтурди. Андин кейин ул илон барча аждаҳоларни бошлиб тог узра чиқуб кетти. Андин кейин Амир Соҳиброн ёр ичра кириб кўрдиларки, етти хум тўла олтун туур, барчасини тошқарига олиб чиқиб тақсим қилдилар. Кўрсалар, барча тилосига Жамшидни сиккаси урулгон. Андин кейин аскарлар шавқ-завқ

билан тоғдин утуб, неча мұддатда Жалолий чулиға келиб өткіларни тиқиб қарор олдилар. Аммо Жалолий отоғони шул әрдіким, Султон Жалолиддин Хоразмнинг хони, Чингизхоннинг набираеси қўшиун йигиб келиб, Ҳиндустон ҳалқи била жаңг қилиб қайтиб әрди. Анда Амир Соҳибқирон юборған қоровуллари келиб Амирга ара қилис айдилар, эй Амир Соҳибқирон афандим, ҳинд аскари човуртқадин зиёда, юз минг лакга яцни келур. Ҳиндударни шоҳи Маллухон билаларга қаршу чиқиб; фалон мавзеъга тушиб, яна Кунакдахат наҳлавон ҳам түқуз минг баҳодур ва диловарлар била ҳинд аскариға келуб қўшулади. Муни эшитиб, дарҳол Амир Соҳибқирон синоҳларни буюрдилар. Синоҳлар бориб ҳиндударга муқобил бўлдилар. Ул кун кеч бўлуб, тонг отқунга баҳодур ва наҳлавонлар жангни маслаҳатини қилдилар. Амир Соҳибқирон ул кечани тиловати Қуръон била ўтқуздилар. Субҳ булагоч сўфилар аз он айтиб, мусулмонлар намоз ўқудилар. Ногоҳ офтоб чикондин Амир Соҳибқирон жарчига буюрдиларким, жангта табал, барабан қоқсунлар дедилар.

Алқисса, кофирилардин ҳам нақора, карнай овози келди соатидин кейин Кунакдахат деган наҳлавон уч филни бир-бирига қўшуб боғлаб, устига темурдин ҳужра қилиб, ул ҳужра ичра ул кофири бадбаҳт мусулмонлар тарафга қараб келаверди. Аскарларни яқин келиб турк тилида айди, бу филни кўрдингизлар, эй турк аскарлари, бул ерга бошларингизни ўлумга бергали келдингизлар му, сизларни бу жойларга ким бошлаб олиб келди, йўлдин адашиб келдингларму, эй бечоралар. ҳали ҳам эсларингиз борил этакларингизни ёпуб, уйларингни тонуб, жойларингга қайтингла. бехуда шарманда бўлманглар, ўёлиб қолурсизлар, мани наҳлавон Кунакдахат дерлар, ҳар ким манга муқобил бўлса, раҳтини елга берурман, бекларингизни тахти-баҳтини барбод урурман, бу филимни кўрдингму, беш юз ёшға киргандур, уича-мунча шахру кенделарингни бурундоги чуқмори била уруб ҳароб қилгани. Қузиимизга ожис ва ночиға бўлуб, заиф қўрунуреиз, холо, Маллухон подшоҳимиз айдиларким, меҳмонларга айгил, урушга майллари бўлса, маслаҳат қисуналар, бўлмаса, байъат қилуб, шахримизга кириб, тамошо қилиб, инъом ва сийлов олиб, биздин рухсат сўраб, вилоятларига қайтсунлар. Бўлмаса, бошлари узра гавғони ортт рурлар, ўзлари билгай, доб қўб муболага била сиёсат қилди. Андин кейин ислом аскарларидин Сайдбек баҳодур анииг сўзига қаҳрланиб, аччиғи зиёда булуб, гайратидин дарҳол туруб, Амирдин фотиҳа олиб, бирдан ҳайқириб, шавқун солиб майдонга кирди. Ўшул замон Кунакдахат бир ўқ била Сайдбек баҳодурни шахид қилди, муни кўруб отаси амир Боязид ёқосини йиртиб, икки юз баҳодурни олиб, наъра тортиб, анча муқобил бўлдилар. Кунакдахат кофири бир дамда барча баҳодурларни ҳалок қилди. Барчалар шахид бўлуб, рух тўтилари жасад шахристонидин учмог шакаристонига тайрон қилдилар. Андин кейин Амир Қора баҳодур диловар била анга бирдан ҳамла қилдилар. Ул бадбаҳт кофири

буларни ҳам шаҳодат даражасига еткурди. Уч кунгача мусулмонлардин келуб, ўлмақдин ўзга чора топмадилар. Тўртинчи Қуни Амир Соҳибқирон гайрат ва ҳиммати жўшға келиб, муборак туг ва байроқларини кутариб, тўрт юз гайрати ва ҳиммати баланд беклар била тўрт минг сипоҳи шижоатлиқ баҳодур ва паҳлавонларни олиб, аскари куффорга қараб юриш қилдилар. Баҳодурлар Амир Темур Соҳибқирондин фотиҳа олиб боравердилар. Кунакдахат кофири муни кўруб, аччиғланиб туруб эрди, Шоҳруҳ тўра бошлиг аскарлар бирдан от қўйдилар. Бул тарафдин ҳинд кофирилар жангга ўзини урди. Оламга тарақа-туруқ, аслаҳа-ёргларни овози тўлди. Бул тарафдин турк, ўзбаклар, ул тарафдин ҳинд бадраклар ул қорасаклар бирла андог уруш қилдиларким, иккала тарафда ўлуклар ханнот қофидек тўб-тўб бўлуб қолаверди. Қазо дўкончилари бу юкларни адам аробасига солаверди. Тана фолизидин калла ҳандалаги узулуб, жасад фалаги чўзулуб қиру сойда ётаверди. Қонлар жилға-жилга бўлуб оқаверди. Ул кунда барчаларини ақли шошиб, қирғинлари ҳаддин ошиб, қизил денгиз тошиб, ҳинд бадбаҳтларни боши қора тарбуздек юмалану, жасадлари даванг қабақдек ёрилиб, қўл-оёғлари тарракдек тириллаб, бодрингдек дириллаб, аъзолари узв бўлуб, булак-бўлак жувз бўлуб, ҳар ерда ўйнаб ётур эрди. Бу урушларға фалак ҳайратда бўлуб, офтоб беркинди. Малаклар таажжуబ бармоқини тишлар эрди. Оламни зулумот бости. Амир Темур Соҳибқирон саросима бўлуб туруб эрдилар, дengiz жонибидин чанг чиқиб, чанг ичидин қора кийумлиқ, қора отға миниб, бир йигит қўлида исфаҳоний қилич, бирдан келиб, «оллоҳу акбар» деб, Кунакдахат кофирини бошига андог урдуким, анииг овозидин олам ларзага тўлди. Ул кофирини жони томуғни темир ҳужрасига бориб қамалди. Муни кўруб мўғ ила ҳиндудар қоча бошлади. Мусулмон ўзбаклар аларни қонини соча бошлади. Аҳли ислом андог зафар топтиқим, ўз тус-тусидин отмоқ, чопмоқ, санчмоқ, қувламоқ, суқмоқ, йикмоқ, найзalamоқ, қиличламоқ, шоқирлатиб, тоқирлатиб урур эрдилар. Ҳинд бадбаҳтлар бошига андог қирғин туштиқим, ҳировул, қул, жаронгор, баронгор, чиндовил бир-бирига аралашиб, сафлари бузулуб, танлари чўзулуб, отлари қоқилуб, ўзлари йикилуб, қўзлари сузилуб, жонлари узилуб, тилларин чайнаб, отлари ўйнаб, туг-байроқлари ағнаб йикилди. Қолғонларин жони оғзиға тиқилди. Маллухон подшоҳ кўрдиким, аскариға гўё оғат юзланубдур. Маллухон қўрқуб қочиб, шахрига қамалди. Аскари ислом андог фатҳи нусрат топтиқим, беадад ва беҳисоб ўлжалар олиб бориб, жойларида қарор олдилар. Амир Соҳибқирон ўз чодирларига борсалар қора от боғлиқ турур, чодир ичра кўрдиларким, Ўлжой Туркон, яъни Қамол хоним ўлтурур. Амир Соҳибқиронни кўруб, дарҳол ўрнидин туруб, таъзим-тавозеъ бирла салом берди. Амирға айди, ман Хоразмда эрдим, ҳазрат Сайид Ота пиrimиз айдиларки, Ҳиндустонға борғил, Амир Темур Соҳибқирон ҳинд кофириларға муқобил бўлубдур, анга ёрдам бергил, деб, жавоб бериб юбордилар, андин кейин Бухорои шарифга бориб, ҳазрат Баҳовуддинни зиёрет қилдим. Ҳазрат Нақшбанд сизни ҳақингизга куб дуои хайр

қилдилар, ҳар ерда бизни ёд қылсун, дедилар. Амир Соҳибқирон кўрсаларки, ҳодир тефасида бир бош осиглиқ турур. Амир Соҳибқирон «бу нима» деб сўрадилар. Камол хоним айдики. Кунакдахат кофирининг бошидур, биз чўрингиз хизматингизга тухфа келтурдим, деди. Амир Соҳибқирон андог хушватк бўлдиларким, деди. Камол хонимга етти қалқон инъом бердилар. Бу олтуналарни Самарқанд ичра мадраса таъмирига Камол хоним сарф қилурлар, ишооллоҳи таоло, бу сўз ўттиз биринчи достон охирида сўзланур.

Алқисса, Камол хоним ўз юртига қайтти. Аммо, Амир Соҳибқирон хинду вилоятларини билар эрдилар, хиндулар либосини кийуб, бир филига минуб, ўз қўшуиларидин чиқиб, шаҳр ичра Маллухонни олдига кирдилар. Маллухон иодшоҳга айдилар, эй подшоҳи хинду, ман араб баҳодурларидин бўлурман, қанча ўзимга яраша наҳлавон ва баҳодурларим бордур. Кўб турк, ўзбак аскарларни ўлдуруб, сизни хизматингизга келдим. Амир Соҳибқиронни сўзига ишонуб, кўб инъом-эҳсон бирла Амирни тарбият қиласди. Аммо аҳли исломдин йўқ бўлғонларига гавго қўзголди. Вузаролар ва умаролар ва беклар маслаҳат қилиб, Шоҳруҳ турани ҳазрат Амир Соҳибқиронни ўрнига ўтқуздилар. Алқисса, ўзбак, турк аскари карнай, барабон чолдилар. Бул тарафдин яна хинду лашнари қўзголиб, иккала тараф аскари саф ороста қиласиб, бирдан жангта муқаййид бўлдилар. Ул куни Амир Соҳибқирон хиндулар лашнари ичра эрди, филҳол, майдон ичра бирдан наъба тортиб, ҳайқириб, хиндуаарни оталгон наҳлавонларини ўлдуруб, ислом аскарига қўшуадилар. Кофирларни лашнари хазимат топуб кочарга юз қўйдилар. Ул куни кўб-кўб хиндуларни ўзбак баҳодурлари томуг казармасига юбордилар, қолгонлари шаҳр ичра кириб, дарвозаларни маҳкам қилдилар. Амир Соҳибқирон беклар била маслаҳат қилиб айдилар, ўн кунгача аскарлар қўзголмай, ҳар қайсиси ўз ҳодирида қарор олсуилар деб. Ўзлари тева кўрдингму, йўқ, деб Маллухонга бориб кўриниш қилдилар. Маллухон аскарларини ҳалок бўлғонига кўб хафа эрди. Амир Соҳибқирондин сўради, эй азиз меҳмон, санинг асли юрting қайдадур? Амир Темур айдилар. Қобуллик бўлурман. Маллухон айди, эй йигит мани кўзумига сандии баҳодурроқ киши куруимайдур. Бу турклардин омон қолиб, давлати таҳтимда қарор олсан, сани сипоҳсолар қиласини деб възда қиласди. Шу он юртга гавго тўлди. Амир Соҳибқирон сўрадилар бу нима гавго? Одамлар айдиларки, Бурҳоний отлиг Маллухоннинг бир қизи бор эрди, они мўлтоний бекзодасига бериб эрди, кўёви урушдин яралиқ бўлуб келиб, ўлубдур. Хиндулар расмида ўликий ўтқа ёқарлар. Муни кўруб. Бурҳоний малика ман ҳам ўтга тушарман эримдин кейин қолиб нима қилурман, демиш. Они гавгосидур. Амир Соҳибқирон Маллухондин рухсат олиб келдилар. Кўрсалар бир ерга кўб ўт ёқиб, анда кўёвни ўликини иззат-икром бирла оловга ташлаб, зиёрат қилдилар. Ўшул замон қирқ қиз бирла малика келиб ўзини ўтқа ташлади. Анда бир қаландар ҳозир бўлуб, ё хув, ё мин, ло илоҳо ишооллоҳу, деб қизни қучоглаб олиб бир тарафга кетти. Амир Темур Соҳибқирон ониниг

орқасидин бир манзил йўл юриб кўрсалар хурмо, ёнгоқ йигочлари кўбдур, аниг ўртасида малика намоз ўқуб ўлтуур. Амир Соҳибқирон «Субҳаноллоҳ» бу нима сирдур, кофира намоз ўқур», деб ҳайратда эрдилар, ул қаландар ҳозир бўлди. Амир Соҳибқирон қаландарга салом қилдилар. Қаландар сиёsat бирла айдилар, эй оқсоқ Темур, мани танурмисан? Амир Темур Соҳибқирон қарасалар ҳазрат Баҳовуддин пирам эканлар. Дарҳол, Амир Соҳибқирон бёғларига йиқилди. Андин кейин ҳазрат Нақибанд қизни Амир Темур Соҳибқиронга тошшуруб, гойиб бўлдилар. Амир Соҳибқирон маликани олиб, ўз қўшунларига келдилар. Соатидин кейин гавго бирлан бир гўзал йигит неча филларни ўзига ҳамроҳ қилиб келиб Амир Соҳибқиронга арз қилди. Айдики, ман Султон Маҳмуд подшоҳи ўғлидурман, отамни Маллухон ўлдуруб, мани зинданға солиб эрди, бу кун бир қаландар келиб мани зиндандин најот қилуб, Сизни олдингизга юборди. Эй Амир Соҳибқирон, Сизга арзим шулки, мани отами қасосини Маллухондин олиб берсангиз, сизни хизматингизда бўлсан деб кўб ўйнади. Дарҳол, аниг бирла Соҳибқирон қучоқлашиб кўрушуб, ўнг ёнларидин ўрун бердилар. Ул кун кеч бўлуб, амир қуёши қизил чодирга ўзини олиб, тун ҳиндулари олами босиб, кечаси тоңг отқунча Амир Соҳибқирон тиловати Қуръон қилдилар. Ногоҳ қуёши субҳ ёқасини чок қилуб, кўк майдонига жилва кўргузгач, тун ҳиндулари қочиб, кўздин гойиб бўлдилар. Андин кейин бирдан ислом аскари ўзбак баҳодурлари Маллухонни шаҳрига от қўйуб, қўргонларини бузуб, денгиздай ошуб, тошуб кира бошлидилар. Ўрамларда оқуузуб кофирлар қонини, томуг казармасига юбориб жонини. Андин кейин Маллухонни ўрдасига бордилар. Маллухондин хабар тошмадилар. Хазина-дағиғаларини талон қилиб олдилар. Хазина ичра бир бут кўрдиларким, бўйи юз қариши олтундин, лаъл, зумрадни анга фарш қилгон.

Амир Темур Соҳибқиронни олдилариға олиб келдилар. Амир Соҳибқирон бутни кўруб, таажҷубда қолдилар. Ул бутни бир неча қофило савдогарлар кўруб, бизга сотинг деб арз қилдилар. Муни синдуруб ҳарж қилайлик, деди. Андин кейин Амир Соҳибқирон айдилар, тоңгла қиёмат куни бўлса, яратган ўзи қози булюб, расул акром Саллоллуҳу алайҳи васаллам шафоат таҳтига ўлтурсалар, олло таоло айтсаким, «озар буттарош бирла Амир Темур бутфурушин келтуринг» деб хитоб қилса, анда нима жавоб айтурсман, деб йиглаб бутни синдуруб, пора-пора қилиб ташладилар. Андин кейин оломонлар талошиб олиб кеттилар. Андин кейин Маллухон подшоҳни тошиб, Феруз шоҳ Султон Маҳмуд ўғлига бердилар. Ферузшоҳ отасини қасосини Маллухондан олди. Ҳиндустан вилоятини олгандин кейин Муборакшоҳ деган юз минг синоҳи диловарлари бирла Амир Соҳибқиронга келиб байъат қилдилар. Андин кейин Амир Соҳибқирон аҳли Ҳиндустанни машшоқ, нагмасозларини чақириуб айдиларки, ман эшитиб эрдим, улуғлардин бу вилоятларда яхши машшоқлар бор деб. Андин кейин машшоқлар «хўб, бажонидил, тақсир», деб келиб, мақомини қила бошлиди. Машшоқлар ичра кўзи кўр бир нагмачи бор эрди, Амир

Соҳибқиронга куб манзур бўлди, Ул кур Амир олдидаги доим нагма чаладиган бўлди. Бир кун Амир Соҳибқирон нагмачи кўрдин «отинг нима?» — деб сўрадилар. Нагмачи кур «отим Давлат» деб жавоб берди. Амир Соҳибқирон айдилар: «давлатни кузи кур бўлурму?». Нагмачи айди, «давлат кур булмаса, оқсоқ қошига келурму?». Бу сўз Соҳибқиронга маъқула бўлуб, анга куб инъом ва сийлов бердилар. Нечакун ўтгандин кейин Ферузшоҳни ул юртга ҳоким қилиб, Бурхоний маликани Феруз шоҳга бериб, музaffer ва масрур бўлуб, ул вилоятлардии Хоразмга юзландилар. Тамом оламини ўзбак қўшунлари босиб, чўл кезиб, кўл кезиб, бир неча тоглардин ва неча роғлардин утуб, Хоразмга яқин еттилар. Хоразм шаҳрини хони Амир Ҳусайн сўфи эрди. Эшишиб Амир Соҳибқирон хизматларига шаҳрдин ташқари чиқиб, йулларига қарши келдилар. Амирни анда куб эъзоз қилдилар, зиёфатлар қилдилар. Андин кейин Амир Соҳибқиронни Амир Ҳусайн сўфи таклиф қилиб, шаҳр ичра олиб кириб, нечакун юртга тўй-томошалар кўрсатиб, Ўлжой Туркон, яъни Камол хонимни Соҳибқиронга никоҳи шаръий қилуб бердилар. Ул кун қуёни шафак чодирига киргач, тун келини қора сочларини тараб, кавқаб қўзларига зийнат сурмасини қўйуб, кеча бўлгач, Камол хонимни янгалари зийнат оралар бираа Амирга тошшурдилар. Нечакун ўтгандан кейин, муҳолифдин Амир Ҳусайн сўфига ёв келди. Амир имдоди бирла ёвга галиб бўлдилар. Амир Соҳибқирон ўзларига Хоразм ва Урганчини тобеъ қилиб, хонимни олиб, андин кейин Самарқандга келиб, ўз тахтларида қарор олдилар, валлоҳу олам.

БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМУР ТУШ КЎРУБ,
АНДИН КЕЙИН ТУРКИСТОН МАМЛАКАТЛАРИНИ
ФАТХ ҚИЛҒОНИНИ БАЁНИ

Ровийлар андог ривоят қилурларким, бир кечаси Амир Соҳибқирон тушида кутб¹ тарафдин бир улкан фил келиб Мовароунаҳр шаҳрини саир қилиб, Амирнинг таҳти узра чиқти. Андин кейин йигирма бир агад арслон бачаларни кўрдиким, таҳтга келиб, таҳтини отиб ташласалар. Андин кейин бир жамоъя одамларни кўрди, чўлдин сувсаб келиб, сувни кўруб қочтилар. Андин сўнг бир жамоъя кўрлар келиб, савдо-сотиқ қила бошлидилар. Андин кейин бир неча бетоб кишиларни кўрдиким, келиб тани согларни касал деб иёдат қилурдилар. Андин кейин кўрдиким, куб қўй ва эҷкулар келиб кўб гиёҳларни еб, тезакламади. Андин кейин бир семиз сигир келиб куб-куб ўтлар ичра кириб, ўтлаб, тобора озиб, ҳароб бўлди. Андин кейин бир бозор ичра кирдиким, кўй ўрнига айук этини ва чўчқа этини сотуб ўлтурурлар. Олгувчи ҳам ҳалол этини олмайдур.

Алиқесса, Амир уйқудин санчуб турди, ҳарчанд таъбирчиларни келтуруб сўрадилар, Соҳибқирон таъбига мувофиқ сўзлаётмади. Айди, Қаршида бир киши бор, Зовияда ўлтургувчи, анинг отини

¹ Кутбни олтун қозуқ отарлар. (С. Тошкандий)

Ҳаким Зиёд бахши дерлар, күб яхши мұльбардур, шайх Үмар Насафийнинг шигирдлариңидіңдер. Амир ағандымиз таъбиға мувоғиқ таъбирни үшал киши айтуда деб хабар бердилар. Амир англаб, оны көлтүрмөк учун Қаршиға Мироншоҳ тұраны юборди. Ҳакимни олдига борди. Ҳаким миңзона күрүб, отанғни мұхими бұлса, мени олдимға үзи келсун, деди. Мироншоҳ тұра қайтиб Самарқандга келди. Амирға ҳакимни сұзини айди. Соҳибқирон, филхол, Қаршиға отландилар. Бориб ҳакимни қуб мұлозамат қилиб воқеани баён қилдилар. Ҳаким айди, Шайх Насафий устозим менға бир темир сандуқ берган әрдиларким, ким очса уиғу сандуқни ер юзини үзига мусаххара қылғай деб айтиб әрдилар. Амир Соҳибқирон үшал он буюрди, сандуқни көлтурдилар, одамларни үртасыға құйуб барчалари бир-бир очмогига ҳаракат қилдилар. Ҳеч кимға очилмади. Андин кейин Амир Соҳибқирон құлиға олиб әрди, филхол, құфли очилди. Андин кейин сандуқни ичидин китоби «Тарихи айём» ни тоғтилар. Ҳаким ағандым айди, бу китобни фаҳм қылмоқ қуб мүшкүл түрүр, чунки илми жағар ила ғәзілгендір. Агар киши илми жағарни билса, қиёматғача ҳар кимса ва ҳар нимарсаның осори анга маълум бұлур. Андин ҳаким түшни таъбириға муқаййид бўлди, айдилар, үшал филни кўрдунг-үзбаклар подшосидур, бу мамлакатларни мусаххара қилиб, сани авлодингдин олғайлар. Андин сұнг ул йигирма бир арслонбачаларни кўрдунг, олинг авлодидур, андин сұнг сувсогон әронларни кўрдунг, келуб, сувни күрүб қочтилар. Үшул вақт одамлар аҳли илмдин қочарлар. Андин сўқурларни кўрдунг, савдо-сотуқ қилдилар, үшул вақт одамлар ким ёв, ким дўст, ким душман билмаслар. Андин кейин үшул нақисларни кўрдунг, танаси согларни касал деб сўраголи қелдилар, ул инлари риё зоҳидлар бойлар эшикига бориб, «Садака радди бало» деб таъма қилурлар. Сўнгра қўй-әчқуларни кўрдунг, ҳарчанд үтлаб тезакламаслар. Үшал вақт сипоҳлари куб-күб фәқирларни ерлар, узларида зулмдин үзга нимарса бўлмас, яна үшал семиз сигирни кўрдинг, тўқай үтларин еб, еган сари ҳароб булубдур, үшал вақт умаросиким, ҳарчанд фуқаро молини еган била үзига зарари бўлуб, борган сари ҳароб бўлуб, охирида хорлиг била ўлур. Яна одамларни кўрдунг, айиқ ва чўчқа гўштин сотуб, қўй гўштин емабдур, ул вақт баъзи одамлар ҳаром нимарса бўлса еб, ҳалол нимарса бўлса емаслар. Анда Соҳибқирон бу сўзларни ҳакимдин эшитиб, жамъи қипчоқни үлдурмоқға аҳд қилди. Андин сұнг Самарқанд келиб, Мирзо Мироншоҳ тұрага буюрдики, Туркистан бориб, Оқ Бұға наймон ва үзбак бекларини барчасини қатли ом қилғылар. Анда Мироншоҳ тұрамиз үзига ўн минг йигит ҳамроҳ қилиб, Туркистанға равона бўлдилар. Булаарни борганини эшитиб, Оқ Бұға булаар мұлозиматига чиқти. Анда уч минг киши наймон элатидин Мироншоҳ тұрага куб фитналиқларни ихтиёр қилди. Андин бир киши тұрага келиб айди, Оқ Бұғанинг икки хотуни бор, иккөви бир-бирига қариндошдур. Тұрамиз Оқ Бұғани чақириб сүради, Оқ Бұға, оре деди. Мироншоҳ тұра бу шаръий әмас, бирин талоқ қилғыл деди. Үл айди, күнглум икковини суряр, деди. Тұра буюрдики, муни ёланғоч қилинг, таъзир бермоқ лозим,

деди. Оқ Бўга бу ишдин фитна қўзгаб, ўшал кеча элати била келиб, Мироншоҳ тўрани одамларини ўлдурба бошлади. Нечалари ўлуб, нечалари қочти. Тўрани бойлаб қипчоқларни подшоҳи Тўхтамишхонга ўзи олиб борди. Тўхтамишхон Мироншоҳ тўрани кўруб, бойлуқларини ешиб, мулизимат қилди. Сабаби низоъларини сўради. Тўра айди, Оқ Бўга икки қариндошни никоҳига олиб, хотун қилибдур, мунинг иши шаъриати исломда жоиз эмас. Оқ Бўга айди, эй бегим, Амир Темур буюрган эмиш ўзбаклар барчасини қатли ом қилғил деб, Тўхтамишхон тўра сўзини қабул қилди, яна Соҳибқирон ройин қилди. Оқ Бўгани ўлдурмоқға ҳукм қилди. Тўрага хилъати хос бериб, ёнидин ўрун кўрсатти. Аммо ҳар вақт тўра хонга салом айлаб, кўрунушга келса, туруб тахтидин ўрун кўрсатур эрди. Бир куни Мироншоҳ хондин қайтмоқға рухсат сўради. Хон, эй тўрабача, сабр қилғил, деди. Аммо Мироншоҳ бир куни сайдга чиқиб, ов қила-қила бир элга келди. Кўрдиким, бир келинчак, юзи ойдек, кирииги ўқ, қоши ёйдек, гўзаллиқ гулшанида ёлгуз, ишқ гулханида анга нечалар жигарсўз эрди. Ул келинчак Тўхтамишхонни хотуни, Давлатшайхни қизи эрди. Ул маҳбуба келиб, қудуқ ёқасида турди. Тўра андин сув талаб қилди. Ул келин оёғни сувга тўлгузуб уч мартабагача ерга тўкти. Анинг муддаоси тўра овдин иссиғлаб келгани совуиди, кейин сув берди. Тўра анга арзи ҳолини баён қилди. Ул келинчак асло сўзламади. Яна айди, эй бекач кимни қизидурсан, яна эринг кимдур? Ҳеч кима демади. Неч-нечча тарафдин келтурууб сўзлаб, отинг нимадур деди, лоилож: ўзим бекбача, отим Севинидур деди. Ул маликанинг ишқидин Мироншоҳ тўрада тобу тоқат қолмади, ишқ юкин кутаролмади, бориб тўшак узра касал бўлуб ётти. Ҳеч кимга ўёлиб сўзламади. Хон англаб кўргони келди. Кўрдики, Мироншоҳ тўранинг нуқислиги зўр, юзи саргарибдур, ўшул юртда умри икки юзга кирган бир қари одам бор эрди, кўб соҳиб тажриба эрди. Анинг отини Туркон тангри излаган деюр эрдилар, Бир неча касални томурини ушлаб, филҳол, билур эрди. Ул акеар гор ичра ёзу қишин бўлуб, кўрк кияр эрди. Они хон талаб қилиб, воқеани баён қилди. Ул чол Мироншоҳ томурин ушлаб, анда айди, бу тўра бача бир кимарсага ошиқ бўлуб, юрак-багриға ишиқ ўтини асари урудбур. Тўхтамишхон айди, маъшуқа қиз бўлсун ва ё хотун, мусассар қилғум, деб. Барча заифалар исемини бир-бир зикр қилинди. Туркон чол мунинг маҳбубаси зикр бўлингган йўқ деди. Модомики, ахли ҳарамдин сўзлаб Севин бекачга келиб эрди, ул чол қўлини кўтариб, ўрнидъч туруб келиб, хон қулогига секин айди, эй хон афандим, бу тўра сизни тааллуқингиз бекач хонимга ошиқ бўлубдур дегач, филҳол, хон ўрнидин туруб, ҳеч қишига маълум қилмай ҳарамига келиб, бекачни талоқ қилди. Севин бону ҳайрон бўлуб, таажжуб бармоқин тишлаб нечун мендин бир айб содир бўлмай, талоқ қилур, дер эрди. Қуллар била ўзга элга юборди. Хон тўрага келиб, айди, эй афандим тўрам, сиз ошиқ бўлган хотунни тобтим, они эри талоқ қилди. Сабр қилурсиз, иddaоси ўтгандин кейин сизга олиб берурмиз, яна Севин бекачга айдилар, сизни Амир Темур ўғлига берурмишлар. Ул ҳам қабул қилди. Андин сўнг

турага ақд айладилар. Мироншоҳ тұра күрдики. ўшул маъшуқадур, ёнида үлтурди, құл текурмай сұрдики, не хотуни бұлурсиз? Севин бону воқеани баён қилиб, хон Сизга дүстлик жиҳатидин шул ишин қилди дегач, мен ҳам хонни ройи учун сизни талоқ қилдим деб, ўшул кечаси хондин рухсат сұрамай, ўз виляятiga кетти. Самарқанд узра Соҳибқирон қошига борди.

Амир Темур ағандым аңглаб, хон кирдорига, ўғлини кирдорига таҳсин қилди. Аммо тоңгласи хон хабар тоңиб айди, шарын шарифға мұвоғиқ иш қилиб эрдім, деб жамъи амвол ва ашёлар била Севин бонун Семарқандға юборди. Нома бирла алар Соҳибқирон құлиға тегди. Мазмұни бу әрдики, сизларни ҳұрмат қилиб у нимарсаларни юбордим. Аммо Соҳибқирон бекачи бир яхши мақомга мұқаррор қилди. Мироншоҳ они қошига бормади. Эмди бу сұзни әшитмак керак. Тұхтамишхонни қылғон ишини Давлатшоҳ ўғлонға хабар бердилар. Үл Тұқтемурхонға қайин ота эрди. Самарқандға юборганини (Севин бонун) аңглаб, бу қандог беҳамиятлик деб отларига миниб кечаси била келиб, неча-неча одамларни ўлдурууб адам ёстуқига бош қуидилар, хоннинг юртнин олдилар. Тұхтамишхон ёлгуз ўзи қочиб Туркистанға келди. Туркистан эли іхтиroz қилдилар. Андін құнғылғы бузулуб Самарқандға юзланды: оти юролмай Ыұл узара ҳалок булади. Андін узи яёв неча кунда Самарқанд дарвозасига келди. Үл вақт Амир Темур Соҳибқирон Оқсаройнинг таъмириң қылмоқға Шаҳрисабзға борғон эрди. Хон ҳам андін Шаҳрисабз сарига борди, неча кунлар оч-орук бұлуб юрди. Бир күн хотириға келдикі, бир иш оққат учун қылойин деб Оқсарой борди. Анда ишбони муни құрубын тошиимоқға мардикор солди. Турфа-турфа тошларни келтурур эрди. Ҳамма әл муни қылғон ишиға таажиқубда бұлдилар. Хон хоҳласаки ўзини маълум қилса, яна бүйни ёри бермади, ишини қила берди. Аммо ҳар вақт мардикорлар таъюм еса, бу ёқога ўзини олиб, чафонини ерга солиб, аниг узрасида үлтурууб ёлгуз таъюм ер эрди. Агар қорни түймаса ҳам андак сарқутин әлға берур эрди. Муни авзойига барча ҳайрон эрдилар. Бир күн Амир Соҳибқирон Оқсаройнинг тамошосига келдилар. Аниг шөн-шавкатин Тұхтамишхон құрубын, бир ох торттика, оғзидин үт каби тутунлар чиқты. Муни Соҳибқирон аңглаб, құрсақим, бул йигит бекзодаларға ўхшар. Тұхтамишхон эканини билмади. Лекин Соҳибқирон құрган вақтида амрад эрди, холо соқоллық бұлубдур. Амир құзита иссиг-иссиг курина берди. Ұсар Бұға қоравулдин сұрдики, бу қандай кишиидур? Үл айди, билмадим, лекин шунчы билдімкі, баҳодур диловар кишиидур, ужра учун иш қилиб юрур. Анда Соҳибқирон они олдига чорлаб, назар қилдикі, Тұхтамишхонға ўхшар, яна иштибох бұлуб, ота-бобосидин ҳасаб-насабидин ҳарчанд сұз сұрди, хон билдурмади. Соҳибқирон күнглида айди, шул вақт Мироншоҳ бұлса, албатта билар эди.

Алқисса, әртаси Севин бекач оқсаройнинг тамошасига келди, хон аңглаб, мұқабилиға бориб турди. Одамлар айдилар, бу заифа Тұхтамишхоннинг хотуни эрмиш. Муъофада, чодир ичра келар эди. Ани Амир нос тутуб, сақлаб, әхтиёт қылғонига Тұхтамишхон

тахсии қилди. Ногоҳ бекачни күзи хонға туши. Үзини бирдан мұъофадин хөннинг оёқига ташлаб юборди. Айди, эй хоним афандим, сизге нима бұлди, бу гурбат ора меңнатда қолибсиз? Бұ хабар Соҳибқиронга әшитилди. Кечаги йигит Тұхтамишхон экан. Амир англаб, филхол келиб, бош-оёқ подшоҳона лиbos кийдуруб, сув ёқасига чодир ичра олиб бориб, Амир ёнидін үрин құрсатти. Андин воқеани сұрди, хон йиглаб, бир-бир баён қилди. Амир онинг күнглип овлаб, күб олтун инъом берди. Берган инъомини насиғин фарроғ сақоларға берди. Амирға мулозимлар сизни инъомингизни манзур қилмади, деб хабар бердилар. Амир чорлаб сұради, хон айди: эй Соҳибқирон афандим, ман сизга олтун учун келгоним йўқ, балки ҳамият учун келдим, мани мулкимни Давлатшайх амакимдин олиб берсанги! Амир Соҳибқирон айди, мен бир түш күруб эрдим, анда қибчоқ бебокларни қатл қилмоқга аҳд қилиб эрдим, бу сұзға сен ҳам ризо бўлсанг?! Хон қавмидин таъби малул булюб, лоилоқ ризолиқ берди. Анда Севин бекачни Тұхтамишхон үзига ақд эттилар иккі ярим йил бўлғондин сұнг. Юз кишини Амир тайёр қилиб, отга миндурууб Тұхтамишхонни Мироншоҳ тұра қошига Самарқанд ичра қўйуб. Амир үзлари аскар била Дашиби Қипчоқга юзландилар. Хабарини Давлатшайх үглонга етқуздиларки, Амир Темур юз минг құшун била қиңчоқларни қатли ом қилмоқға келур эмиш. Барча эл Давлатшайх үглон қошига келдилар. Анинг олдидә бир қари баҳодур киши ұлтупур, айдикі, урушурмиз. Давлатшайх үглон айди. Амир Темур тангри таолонинг баргузидасидур. Сизлар ҳар ёнға кета беринг, мен бир фикри қилойин они аскаридин бирорталарингизга зарар етмасун. Алар айди, сиз қари киши, сизни қандай ташлаб кетурмиз? Үл айди, мен бирла ишларинг бўлмасун. Андин сұнг барчалари ҳар тарафға кеттилар. Амир Соҳибқирон Дашиби Қипчоқ бориб, ҳеч кимни тоғмадилар, ҳар тарафға киши юбориб. Давлатшайхдин үзга кишини тополмай, анинг үзини тутуб, Соҳибқирон қошиға келтурдилар. Амир сұрадиким, сен қандай кинидурсан? Бұ сұаламади, сукут қилиб, соатидин сұнг тангри таоло ҳазрат Нуҳ алайхис саломга итоб қилғон оятни фасоҳат била ўқуди. Они ишиға Амир ҳайрон қолди. Айди, эй Турагай баҳодур үғли, ман Давлатшайх үглон, насли Шайбоний хонидин бўлурман, ҳар иш олло таоло тақдирни била бўлур. бу қилғон ишиңг абасдур деб, Сулаймон алайхис саломға тақдирни табдил қилурман деб баҳсу жадал қилғон Семурғнинг достонидин сұзлади. Барчалари йиғлай бошладилар. «Сани бу қон тұкмакға қасд қилмоқинг абасдур, қиёматни андешасини қилиб, кейин булур ишни үйламак керак». Соҳибқирон аҳд қилдикі, аммо башарты Давлатшайх қипчоқлар била қўзғалмосликга аҳд қилиб, қўл қўйуб, тилидин хат берса дедилар. Алар ҳам қўл қўйди. Соҳибқирон аларга мардлик қилиб бирортасин ұлдурмади. Аҳднома ёздурууб ва муҳр босиб, они Амир ўз хазинасиға тобшурди. Вакти келиб Шайбоний әлати масаллит бўлғон кезида хазина талон бўлуб, аҳдномани олиб эрдилар.

Алқисса, жатта қипчоқлар била сулҳ қилиб әди, Тұхта-

минхонни юборурман, ани ўрнига валий қилурсиз деб. Самарқандга ёди. Эмди Мироншоҳ тўра била Тұхтамишондин сўз эшиитмак керак.

**БУ ДОСТОНДА МИРОНШОҲ ТЎРА ИБИ АМИР ТЕМУР
ТҰХТАМИШОНҒА УҚУБАТ ИЛА ИТОБ ҚИЛГОНИ,
АНИ АНГЛАБ СОҲИБҚИРОН ТЎРАҒА ҚАҲР ҚИЛИБ,
МИРОНШОҲ ҚОЧИБ ЭРОН ЖОНИБИГА БОРГОНИНИ ВАЕНИ**

Аммо Соҳибқирон, Искандари Соний, бекларни беки ва хонларни хони Даити Қинчоқга боргондии сўнг, Мироншоҳ тўра Самарқандга ва Мирзо Үмаршайх тўра Бухорои шарифга ҳоким эрди. Аммо Тұхтамишон Мироншоҳ қошида эрди. Бир кун эшииттиларким, Самарқандга яқин тўқай ичра арслон пайдо бўлубтур деб. Муни эшиитиб тўра неча кинилар била отга минуб борди. Соатидин кейин хон ҳам борди. Баногоҳ, кўреаким, борғанлар қочиб келур. Тұхтамишон воқеадин сўрди. Алар айдик, йўлбарс тўқайдин чиқиб, бизларга қараб югурди, гумон қилурмизким, тўра йўлбарени чаңгагига гирифтор бўлди. Филҳол, хон эшиитуб отин югуртуб борди. Кўреаким, тўқай ичра Мироншоҳ тўрани йўлбарс йиғоч ичига қамабдур, хон қурдик, тўра йўлбарсга муқобил бўлубдур, иложи бўлса. Мироншоҳ тўрани ҳалок қилса. Аммо Шароғ Яздий айтадурким, мен Мирзо Ҳалил тўрадин эшииттим, ул отаси Мироншоҳ тўрадин нақл қилдик, ўшула куни Тұхтамишон арслонига тўғри келиб, андог ўқ отдики, манглайига тегиб, тешуб қўйругидин чиқуб, бошоги йиғочга қадалди. Филҳол, хонга тўра аиди, бу қилгонларингни мени шательнимга деб, йўлбарсни тўра ўлдурди деюрсан, нечук мени одамларга эътиборим кетмасун. Хон аиди, хўб сен ҳам кинига айтмагил деб аҳд қилдилар. Тўқайдин чиқиб, овоза қилдилар. йўлбарсга тўра ўқ отти, деб. Тўра била хон буюрдиларки, бориб мулозимлар келтурдилар, кўреаларким, бир арслон турур, бўйи тўққуз газ, кўб нақшинлар ила мұнаққаш. Бу сифатда йўлбарени кини кўрган эмас. Ани терисини сўйиб, ичига сомони тиқиб қўйдилар. Аммо мирзо Үмаршайх тўра Мироншоҳ тўра била тарафи жангда эрдилар, мулозимларга буюрдики бу таъбияни элтиб Бухорони Самарқанд тарафдаги дарвозасига йўл узра қўйуб келинглар, лекин кечаси йўл юриинглар, ҳеч киши кўрмасун, билурманким, Мирзо Үмар нима иш қилур. Бир хат била йўлбарени бўйнига осиб, кечаси келтуруб, йўлбарени ўз суратида қилиб дарвозани яқин ерига қўйдилар. Тонгаси Бухоро одамлари кўрдики, Бухоро дарвозасига яқин йўлбарс келиб турур. Фиаҳол, Мирзо Үмар тўрага хабар еткурдилар. Анда мирзо отланди, беклар манъ қилди. Ҳеч тарафга қарамай, тўғри кечаси била дарвозадин чиқиб, шавқун солиб, ул йўлбарсга наиза урди. Кўрдик, якони йўқ, таъбия учун қўйубдур, бўйнида хат бор, ўкуб боқса, айтубдур, ман Мироншоҳ мирана ушибу йўлбарени бир йиғоч била уруб сайд қилдим. Боз, сен мен била талаби жангда эмишсан, билурман, сен ақалли мушукни уҳдасидин чиқолмассан. Мирзо

Умар тұра фикрда қолди. Аммо билдики, бу иш Мироншох тұраи иши әмас. Шу вақт хабар келдіки, әлчи Маллухон шаҳри Хиндудин Соҳибқирон хизматига Чоржүй йұаи била келур. Аммо әлчи Бухорога келиб, Мирзо Умаршайхга күрунуш қылди. Мирао сұрадыки, нима совғот көлтурдүнг? Әлчи бир ёй күрсатти, айди: мунни Маллухон, Хиндустан хони буюрдыки Амир Темурға әлтиб бер деб. Билдики, даъво учун келибдур. Мирзо Умар айди, отам құли маңыбұр, ёйни ушлағымас, манга бергил деб. Мирзо құлиға оліб, уч құллоб чекуб, әзчига берди. Айди, Самарқандға әлтгил, алхол, отам сафарда, Мироншох тұрага, мунни саңға Мирзо Умар тұра уч құллоб уруб бериб юборди, дегил. Әлчи андин Самарқандға келиб Мироншох тұрага күрунуш қылди, вөкөани баён қылғоч, андин тұра ёйни күрүб, талаб қылди. Әлчи Тұхтамишхон құлиға берди. Хон хоҳласа, құллоб тортеа, яна тұраны құлиға берди. Үл олиб тұртинги құллоб чекиб, бенинчи чекиб әрди, ёй синди. Бу ишни хондин күрүб, газабда бұлуб тұра хонға кина қылади, яна Мирзо Умарни сұзини әшитуб, яна одамлардин күрүб әрди. Йұлбарсаны Тұхтамишхон үлдүрүб, овозаны тұрага қылди деб, яна бу сұзға үхшаш әлға хайф машхұр бұлубдур. Агарчи хон кишиға айтған әмас әрса ҳам бу ишни хондин күрүб, буюрдыки, ушланғлар деб. Хон әшитуб құрқамади, яна қочмади, келиб маңқам болгладилар. Амр қылади, тощ болғаб, деңгизға тапталған деб. Мулозимлар, филхол, тұра айтгандек қылдилар. Хон бечора үлған каби бұлуб, сув юзасида ғоҳи чұмуб, ғоҳи чиқуб, юмаланиб кета берди.

Фақих Абу Лайс раҳматуллох ҳазратларининг деңгиз ёқосида bogчаси бор әрди. Құрдилар, бир кимарса сув юзида лош каби күрунур, ани деңгиздин тортиб олдилар, билдиларки, Тұхтамишхон турур, рамақда жони бор. Ани тарбият қилиб әрдилар, андак ўз ҳолига келди. Шайх Абу Лайс афандим хизматларида бўлди.

Алқисса, Соҳибқирон Дағити Қинчоқни фатх айлаб, музaffer ва мансур бұлуб, кела турууб, әшиттики, Тұхтамишхонни Мироншох тұра деңгизға ташлабдурлар, күб қайғуда бұади, нечун ўз тахтига жуулус айламакға ахд қилиб әрди. Анда Мирзо Умар тұрага түн бериб юборди ва Мироншох тұрага ургуч бериб юборди. Муни күрүб, отасини газабини билиб, ярим кеча била тұра үзини қаландар суратида қилиб қочти. Амир Соҳибқирон келиб күрдикі, ўғли қочиб кетибдур. Абу Лайс ҳазратлари Тұхтамишхонни Амирға саломат келтурууб тобшурдилар. Соҳибқирон Абу Лайс ҳазратларидин күб хуреанд бұлуб, Тұхтамишхонни күб навозинилар қилиб, қул ва қүншүн бериб Дағити Қинчоқға юбордилар. Соҳибқирон ўз тахтида қарор олдилар. Аммо Соҳибқирон ҳар ёнға Мироншох тұраны истамакға киши юборди. Булар ахтармояқда турсун.

Алқисса, Мироншох тұрадын сұз әшитмак керак. Тұра түн ярмисида қочиб кетиб бориб, қаерда қаландарлар бұлса, алар бирла бўлди. Бир күн қаландарларни қаттаси айди, бизлар била бўлсанг. тилянчи бўл сойиллиқ қыл, деди. Аммо тұра әлдин бир нимарса сұрамоқға юзи ёрий бермади. Хотирига келди ужра учун

иш қылсам деб. Бориб. Тус шаҳрида мардикор бозорига келиб ўлтурди.

Ҳеч киши тўраин ишлатурга олмади, нечун бу девони қаландар бизларни ишимизни қолмас дедилар. Учунчи куни тўрадин ўзга киши бозорда қолмади. Ўшул куни бир оқсоқоллик киши келди, мундин бўлак одам тополмади. Айди, бог қўргани билурмусан? Тўра айди, кўб яхни билурман. Ул қари одам богига элтти, ҳар нима қераклик асблобларни келтуруб, ужра тайин қилиб, тўра била аввал богини сайд қилдилар. Кўрсаким, богни бир чаккасида бир турфа иморати олий кўрунур, дарвозасига етмини қуфл урулғон, қуфлларга қўнгироқлар тоқилғон, барчасидин юқори қуфлда Бухт ун насрин оти ёзилғон, яна Хисрав нарвea, Нўширвон ва Ол Аббос ва подшоҳ Ислом ва Султон Маҳмуд ва Султон Санжар ва Хоразм беки ва Чингизхон шунга ўхниш салтанатлиқ подшоҳлар ёзилуб, охири қуфлға шоҳ Шужоъ ёзилғондур. Тўра сўрадики, бу қандай қуфл туур, нечук барча улугларни оти ёзилибдур? Қари киши айди, эй йигит, мунинг илан сани нима ишинг бор! Ўз ишингни бил. Тўра айди, шул нимарсаларни мен ҳам билсам нима бўладур, эй бобо, билурсанг?! Ул киши айди, бу гунбазларни Қуббаи ҳожат дерлар. Ҳар вақт ёмгур ёғмаса ҳалқ бу ерга келиб, дуо қулурлар, олло таоло аларга ёмгур бергай. Аммо киши билмайдурким, бу гунбаз ичра нима бор бўлса. Ҳар қуфлики, утган умаролар бу дарвоза узрасига солғондур. Бу қуфллар алардин ёдгор қолғондур. Аларни ҳеч қайсисига муни очмоқга амр бўлғон йўқ, мени Ҳасан мунажжим отарлар, бу қуфлларни очқуси мандадур, умаро ҳар бири қуфл урубдур, очқуси манга тобишурилғондур. Бухт ун наср замонидин шул вақтгача икки минг йил бўлубдур, жамъи калидлар манга қолибдур. Яна манга мўйи очмоқга руҳсат йўқ. Тўра айди, муни очмоқига ҳеч кишига руҳсат борму? Ул киши айди, оре, борлигин ҳикмат китобларида кўруб эрдимни, ахир замонда ўзбаклар ичра Искандари Соний тугулур, они бир ўғли келиб бу эшик қуфлларини очқай. Бу қубба ичра нима бўлса, ул кўргай, муни очгон кишилар ер юзини фатҳ айлагай дебдурлар. Анда бу қуфлларни очмогини орау қилиди.

Тўра айди, муни дарвозасига йўлини нишони борму? Айди, оре, бу иморат сўл ёнида ядат томи бор, они сўл қўл била олурсан. Тўра келиб кўрдики, мунажжим айтғондек кўрунур. Яна айди. Мундин ўзга нишони борму? Мунажжим айди, эй йигит, бу миқдор саволларни қилурсан, бу ишни уҳдасидин чиқолмассан. Тўра кўб муболага қилди. Айди, мен Амир Темур ўғли, амир Турагай набираси, ул Қорачор нўён наслидин деб, аевили кайвонлигин, жулуси айвонлигин билдуриди. Андин сўнг айди, эй тўра бача, бу кўргонинг тут йигочидур. Бухт ун насрдин бизга бир қилич қолибдур, они ҳеч киши гилоғидин чиқаролмас. Агар чиқориб олса, бу йироғча уруб, муни икки қалам қилса, бу қуббани эшики очилур. Анда тўра иштижо қилиб, ёлбора берди, ўшал ёргани кўрсам деб. Ул қари киши бориб они келтурди. Тўра ул қиличини сўл қўлига олиб, бир зур қилиб қиличини қинидин тортиб олди. Муни кўруб мунажжим

таажжуб бармоқин тишлади. Сүнгра тұра ул тут йигочини уруб, икки бұлди. Үл йигоч орасидин бир қути чиқти, анда ибрид тили била ёзилғон хатни күрди. Айтубдур, эй муни қалам қылғон киши, қуфли Бухт уи насрни очтайсан, ҳозир бұл, бу ерда бир қозуқ бор, они тобғил, бу қуфллар очилур. Анда бир қари киши келиб мунажжимдин сұрдикі, бу қандай қипидур. Нима иш қилур. Мунажжим айди, бекзодалардин бұлур. Үл қари киши инкор бұлди, яна бенихоят күб муболага қилди, бұлмади. Охирида Амир Темур ўғы бұлурман, деди. Үл ҳам айди, бу әпіккін очсанғ сапи отанғ ер юзини ва күн күзини олиб, барча аңга тобеъ бұлур. Мунажжим калидларни барчасини тұра құлиға тобшурды. Очқула-рини олиб, бир-бир қуидін очиб, юқорига Мироншоқ тұра чиқа бошлади. Қуфли Бухт уи насрға еттегі, соати хайратда қолди, ҳохласа, они ҳам очса, Ҳасан мунажжим айди, эй йигит, ҳозир бұл, бо ҳозир бұл, ўзингни зөт қымагил, бир фикри қилиб қайтғил. деб ўзи ёнди. Иккінчи келган қари киши келди. Аңға айди, эй бобо, бу қуфлни очгил, мунда олтун күбдур, ул очқуны құлиға берди. Үл очиб әрди, ҳазинадин тарақа-туруқ товушлари чиқа берди. Құрдиларки, бир үк келиб они құксига тегиб, چалқанча йиқилуб, қари киши ўлди. Они тұра била мунажжим хеч кимға билдурмай, ғұр ковлаб дағн әттилар. Үл қубба ичра кириб құрдилар, тахти турур, сандал йигочидин. Анніг узрасида бир кимарса никәб ичра ётур. Тұра, филхол, бориб очиб құрдикі, бир гұзал барно киши гүё уйқуда ётқондек ётур, узуулиги йигирма газ, энлиқи уч газ, бошлари ҳам катта, бурни уч қориши келур, бармоқларини ҳар бири беен қорищдин келур. Бөш тарафыда бир лавҳ турур, тавхид сатри ёзилғон, ўқуб құрдилар, мазмунин билдиларким, бу зоти боборакот Үрміә алайхис салом эканлар. Бухт уи наср бу зоти шарифни Тусға келтурууб, устиларига тилсімот ила иморат қилиб, пойтахтни Тус шаҳриға қилиб, ер юзини барчасини фатҳ қилиб әрди. Қабри муборакға гүнбаз құтариб, дарвозасига қуфл уруб, бу биноларни қилиб әрди. Ҳар кишини бир ҳожати бұлса, бу қабри шарифға келиб, муножжот қылса, мүникули осон бўлур әрди. Коғир бўлса ҳам муножжоти қабул бўлур әрди. Ӯшул гүнбаз шоҳ Исмоил шитъя вақтида ҳароб бўлди. Андин сүнг ул мозор асари қолмади.

Алқисса, тұра ул зоти боборакотни зиёрат қилиб, ташқары чиқиб, әшикға қуфл урди. Ҳасан мунажжим неча күн құноқ айлаб зиёфат қилди. Сүнгра мунажжим айди: эй тұра бача афандим, отанғ қошиға сени әлтурман. Мироншоқ қабул қилмади. Айди, ҳаж борурман.

Мунажжим тұрага ахд қылдикі, агар отанғ бу юртларига келса, бизларни саломат қўйгай, бизларни бу юртларға зарар ва заҳмат бермагай. Тұра қабул қилди. Анда мунажжим бир мактубни құлиға берди, ҳар ерда бир мүшқул ишінә қолсанғ, бу китобатни мутолаа қылғайсан, ҳар ишинг бўлса, ривожи бўлгай. Андин видоълашиб, Нишопур сарига равона бўлдилар.

БУ ДОСТОНДА МИРОНШОХ ИБН АМИР ТЕМУР МАНСУР
БИЛА МҮЛОҚОТ БҮЛГӨНИ, АНДИН МҮЛКИ МАЗАНДАРОН-
ГА БОРГОНИНИ БАЁНИ

Үшүл вақтда Нишонурда шоҳ Шужөй ўғли шоҳ Яхё отасин тахти узра ўлтурғон эрди. Тұра үл шаҳр ичра бориб, құрдикі, Нишонур растасида бир узун хода, бўйи саксон газ келур, ани учига бир табақни боғлаб қўйубдур, ҳар киши келиб анга ўқ отса тегмағай эрди. Аммо шоҳ Яхё ўқ отгач, аввал ҳол тегар эрди. Тұра боргонидин кейин уч мартабагача отган ўқи тегмади, ҳайрон бўлди. Тұра қаландар суратида эрди. Бирорни ёйи била ўқин тилаб анга отти. Филҳол, табақға тегди. Шоҳ изза тортиб, аччиғи келиб айди: эй қаландар, қайдин келдинг? Бу айди: Турандин келдим. Үшүл вақт Эрон Туран бир-бириға мутаъассиб эрдилар, эши туబ, бу қаландар ўз юртига бориб ҳар қанча лофтурса керак деб хаёлотда бўлуб, ўрдасига ёнди. Ул кеча тахти узра ётиб, бир тури кўрди. Ўрнидин қўрқуб турди. Қўрқувининг зиёдалигиции тушинг воқеаси эсида қоғамади, ўйлаб тополмади. Анда Бадарий отлиғ мунажжим бор эрди, узини вазири. Ани талаб қилиб айди: мен кўрган тушимни воқеаси ёдимдин чиқибдур, сен мени тушимни тобгил. Бадарий айди.

Назм:

*Илми ғайбни киши билмайин, билур раббул Жалил,
Ҳақдин үзга ким билурман деса, бовар қилмагил.
Айтмагунча Жаброил, айтмас эдилар ҳақ расул,
Тангри то сўз айтмагунча айтмас эрди Жаброил.*

Анинг аччиғи келиб, мани тушимни тобмасанг кўзимга кўринимагил деб ўрдадин Бадарийни бадар қилиб, қувлаб чиқоруб юборди. Гам ва қайғуда бўлуб, Гурбоги деган мавзеъга келиб турди. Анда Мироншоҳ тұра ҳозир эрди. Андин бир-бири била ҳол, сир сўрашти. Гам ва қайғуда бўлғонини воқеасини айди. Тұра филҳол мунажжим бергаш мактубни ўқуб кўрса, шоҳ Яхё кўрган тушнинг воқеаси, яна таъбири анга ёзиғондур. Анда Бадарийга айди, бор бекингга айғил, мени шогирдим бор, тушунгни баёни ва таъбирин ул айтгай. Бадарий айди, эй қаландар, илми нујумдин хабаринг борму? Тұра айди, оре. Бадарий айди, мани қўлимдаги не эрур, тобгил деб. Тұра Ҳасан мунажжимни хатин кўруб, илми нујум ила топиб айди: қўлингдаги олтундур. Они билганини кўруб, тұрага эътиқоди наидобўяди. Андин кейин, Бадарий шоҳига таъзим қилиб турди. Шоҳ айди, мени тушумни тоидингму? Бадарий айди, мени шогирдим бор, сизга тушунгизни таъбирин ул айтур дегач, шоҳ буюрдикі, келтурғил. Бориб тұраны яхши либослар била келтурдилар. Шоҳ Яхё қошига келиб, таъзим қилуб турди. Шоҳ сўрдикі, эй йигит, Бадарийга шогирд бўлурмусан? Тұра айди, мени отимга ордур Бадарийға шогирд бўлмоқга, мен Ҳасан мунажжимни шогирди турурман, нечун Ҳасан мунажжим

Бадарийга хасм эрди. Анда шох Яхё айди, мени тущумни таъбириң дегил. Тұра айди, мен Бадарий ўрнига ўлтуурман: ул мани жойимға түшсүн. Шох буюруб эрди. Бадарий ўрнига тұра ўлтурди. Айди, эй шоҳым афандим, тушунгиз ора бир узун бўйлуқ, оқсоқол киши кўрдингизму? Шох Яхё, оре кўрдим, деди. Ул айди, сизга сиёsat қилибдур, яна сизга бир нимарса берибдур. Воқеа шулки, мен Бадарий ўрнига ўлтурдим, даври замон, гардиши фалак дерлар. Харгиз хотирингга келмайдур, они жойига мени ўлтурмогим, ул тубан тушуб, анинг ўрнига мен вазир бўлдум, аммо Ҳасан мунажжим сизга вазир экан, они начанд ёлгон гувоҳлар билан чиқориб, анинг ўрнига Бадарий ўлтурмиши. Айди, эй шоҳым афандим, мен сизга вазир бўлдимму? Шох Яхё айди, оре. Энди мени ўрниимга Ҳасан мунажжим ўлтурсун, деди. Анда шох Ҳасан мунажжимни келтуруб, ўрнига вазир қилиб, Бадарийни зиндан ичра солдилар. Яна тұра қаландарлик либосин кийуб, мунажжим била видоълашиб, ҳажга юзланди. Аммо үзини ҳеч кимга билдурмай, қаландар суратида бўлуб, Нипонур доштига бориб ариқ ёқасида ўлтуруб эрди, бир йигитни кўрдики, малла ранглиқ қўли орқасига bogлиқ, от устида қочиб келур. Андин сўнг қирқ киши қувлаб келур. Анинг олдицин тўседилар, ул йигит тұраны чоқириб айдик, эй қаландар, қалложликдин бойликка етайдессанг, гадоликдин шоҳликга ўтай десанг, буладин мени қутқорғил, булат менга ёв, bogлиқимни ешиб, мени тамоша қилғил, деб қўб таволло қилди. Алар айди, хонимиздин кўркғил, ешмагил, эй девона, ишининг бўлмасун, деди. Тұра муни кўруб, гайрати келиб ўриидин туруб, ул йигитни ақдини енти. Ул йигит арслон каби аларга андог югурдики, алар тулки каби қоча бошладилар. Қовужуд, аларни аслаха ва яроги бўлса ҳам бу йигит ўшал ерда йигочни бутақини синдурууб олиб, ул қирқ кишининг барчасин вужуди шаҳристондин адам чўлистанинга юбори. Қайтуб тұраны олдига келуб, ўлтурди. Тұра айди, қандай кишисанким, бу ишларни қилдинг? Ул йигит айди, мен шох Мансур бўлурман, шох Шужоъ қариндошин ўглидурман, амаким, менга ёв бўлубдур. Мен Мозандарон мулкини мусаххара қилиб эрдим, алар мени алдаб келтуруб, фириб била қўлимни boglab эрди, үзимни бир павъзи қилиб, бу от устига олиб қочиб келур эрдим, бу қирқ киши орқамдин қувлаб бу ерга келтурдилар. Сен менга најжот бердинг, эй қаландар, бери кел, мен била ҳамроҳ бўлуб Мозандаронга боргил. Тұра айди, мен қаландарман, сен бек бача бўлурсан, иккимиз рафоқимиз мушкулдур. Айди, бу яхшилиқни сен қилдинг, мени ҳақимга нима десанг, мен қабул қилурман. Анда тұраны рафиқ қилиб, ийтахтига шахри Табризга келтурди. Ул ўрунда айш-ишратга муқайийд бўлдилар. Бир кун тұра, шох Мансур сайдга чиқиб, ов қилиб юруб, бир қишилоқ узра келдилар. Қўрсалар, бир жамотъя эл, қўлларида назр, ҳадялар олиб, бир тарафға борурлар. Тұра сўради, бу одамлар қаён борурлар? Шох Мансур айди, булат жуҳуд эрур, булатни пири бордурким, ёши икки юзга борғон, шул тарафда бир гор ичра жътикоф ўлтурғондур. Ани Жўхо нарир Яхудий отарлар. зоҳиддур, ҳар йил бир мартаба гордин чиқгай, уч кунгача булат

бориб, ани зиёрат қылғайлар. Замон ҳоли ва мустақбал ишлардии хабар берур. Үч күн бўлғоч, гор ичра кириб кетар, то бир йил комил бўлмагунча гордин чиқмас, Тўра они кўрмоқни орзу қилди. Андин ниоҳ Мансур била Яхудийни қошига бордилар. Кўрсаларким, ул зоҳид қавмига Тавротдин дарс айтиб ўлтурур. Шоҳ Мансур ани начанд бориб қўрган эрди, зоҳид тўрага кўб назар қила берди. Тўра айди, эй яхудийлар шайхи, нечук дини ҳақфа имон келтурмайсан? Зоҳид айди, охир замон пайгамбари Маҳдий эрур, па Абдуллоҳ ўғли, анда икковлари мубоҳаса ва муколамаларни кўб қилдилар. Зоҳид айди, сендин неча масала сўргайман, жавоб берурсан. Тўра айди, хўб масала сўргил. Зоҳид айди, сизлар Туби йигочини учмоқ ичра Муҳаммад мақоми дерсизлар. Биз айтurmиз, ул Мусо мақомидур, жамъи қусур жанинат туби йигочи бутоқлари-ни соясида турур, шунга бир далили ақлий кўрсаттил, қандай бир йигоч сояси саккиз учмоқга етар? Тўра айди, анинг мисоли дунёда қуёшдурким, олам аро дашт ила шаҳр ва иморатларга они шуълаи тушгай. Анда Яхудий зоҳид филҳол ўрнидин туруб, тавозеъ била ўлтуруб, начанд масала сўради, тўра барчасига ақлий ва нақлий жавоблар берди. Зоҳид айди, эй йигит, қайдин келдинг? Тўра айди, Турондин келдим. Яна, отинг нима, кимни ўғли бўлурсан, деди. Бу отим Мироншоҳ тўра, Амир Темур ўғли бўлурман, деди. Яна айди, мазҳабинг кимдур? Жавоб айди, Мазҳабим Имом Аъзам аҳли суннат ва Ижмоат турурлар. Зоҳид шоҳ Мансурга қараб айди, бу йигит соҳибқирони охир замон ўғли турур, булар ер юзини олгай, бу мамлакатларни олиб, сани авлодинг буларни қўлида ҳалок бўлғай, деди. Аммо шоҳ Мансур Яхудий сўзига қулоқ солмади, билса ҳам ишонмагондек бўлуб, тўра била ўрдасига қайтти. Андин сунг. Зоҳид ўз қавмига айди: машгорга киурман, лекин то ман гордин чиққунича ҳозир бўлурсиз деб, гор ичра кирди. Кўрсаким, бир қуш мунаққаш, горни чаккасида турур, ани тутмоқга ҳаракат қилиб эрди, қуш учуб ташқари чиқти. Бул ҳам анинг орқасидин чиқти. Киргаңдин сўнг бир йил бўлмай чиқмогон сабабидин, иттифоқо, ул вақт кечаси қоровуллар бу кимдур, бизни пиримизиз ўлдургали келдуми деб, билмаедин ани уруб ҳалок қилдилар. Сўнгра эртаси ани кўруб армон қилдилар, фойда бермади.

БУ ДОСТОНДА МИРОНШОҲ ТЎРА ИБН АМИР ҲАФТ ҲАВОНИ МОЗАНДАРОНГА БОРГОНИНИ БАЁНИ

Алқисса, Мансур билдики, бу йигит Амир Темур ўглидур, хоҳласа, ҳийла била йўқ қилса. Тўра ҳам муни ёмон фикрини билди. Андин Мозандоронга сайдга бордилар. Бир тогни юқорисига чодирларни тикиб ўлтурдилар. Тўрани кўзига узогдин бир нимарса барқ уруб кўрина берди. Тўра сўрдики, ўшал кўрунган нимадур? Шоҳ Мансур айди, ҳафт ҳавони Мозандорон йўли ушбу турур, кўб таъриф қила берди. Тўра хотирига келдики, шуни қўлида асир бўлиб, ҳалок бўлмасдин илгари ҳафт ҳавони Мозандоронга бормоқим яхни деб: Яна сўрадики, ушбу йўлга боргон кипи борму? Андин барча турганлар кулдилар. Тўра булардин зеҳни койиб,

филҳол, отига минуб, андог суръат била йўлга туштики, начанд кун йўл юргандин кейин оти чўлларда куйуб ўлди. Етти кун ииёда йўл юрди, дерларким, ул жазира отини Ҳафт ҳавони демаклари етти манзилдин иборатдур дерларким. Зол ўғли Рустам ул манзилда девлардин Кайковусни халос айлаб, аларни Мозандарон қалъасида қайдга оагон, анда етти кун йўл юруб, бир жойда уйқуга боргои ҳолда йўлбаре келиб қасд қилган. Раҳшиғани дафъ қилуб ўлтурди. Иккинчи манзилга боргандин сўнг, аждаҳоға учраб ани ҳам ҳалок қилиб, учинчи манзилда Саҳро хотун учраб, Рустамга фириб бериб, яна ани ҳалок қилиб, андин тўртинчи манзилга бориб, Улод отлиғ дев қанча қўшун ила жанг қилиб, Рустам аларга голиб келиб, аскари ҳалок бўлуб, Улод қочиб, бешинчи манзилда яна Улодни асир қилиб, андин олтинчи манзилга ўтуб. Ариканг отлиғ деб Рустам ила сўқушуб денгиздин кемада кўб-кўб аскарлар келиб, Рустам девларни қўшуналарини ўлдируб, Арикангни калласини танасидин жудо қилиб, еттинчи манзилда яна кўб девларни ўлдуруб, Байдо отлиғ аларни подшосини ўзига мутеъ қилиб, андин сўнг, Оқ девким, кўб девлар анга тобеъ эрдилар, они хашжар била кўксини пора-пора айлаб, Мозандарон шоҳи била кўб жанглар қилиб, Музаффар ва Мансур бўлуб, Кайковусни олиб, Эронга қайтиб келиб эрди. Аммо Мироншоҳ тўра начанд йўл юра-юра бир минорага еттиким, ани устига жавоҳир нақш қилгон экан, қуёш кўрунгач, ул жавоҳирни равшанлиги ўй кунлук ерга тушар эрди. Тўра яёв юрганилиқидин аёқлари қабариб, ул минора остида қарор олиб ётти. Ул ерда улут кўл эрдики, атрофиға кўз етмас эрди. Ул қўлни аксар ери чангалистон эрди. Қайси қуни оламда бордур, ул кўлда бор эрди: Аммо ул мазкур минор узра бир катта қуш ўёси бор кўринур. Анда бир кўк арчин каби қуш туур. Ул кўл ёқасида чангаллар ичра турфа-турфа чечаклар очилғон, ҳаво мўътадил эрди. Тўра анда истироҳатга машғул бўлуб, уйқуга бориб эрди, ярим кеча бўлмай туриб бир садо эшитуб, тўра уйгониб, туруб ўзидин беихтиёр бўлуб йиглай берди. Билдиким, минорадаги қушини унидур, атрофида кўб-кўб қушлар жамъ бўлуб, барчалари сомеъ бўлуб, маст, лоъакл турурлар. Қуёш найза бўйи кўтарилигоч, ул қуни нағмаи унин тамом қилди. Ани тўра мулоҳаза қиздиким, ранги оқ, кўб гўзал қуш туур. Анда ул қуш сукут қилгоч, қушлар барчаси ҳар тарафга равона бўлди. Яна саҳар бўлгоч, ул оқ қуш нағмаи унин қилур эрди. Ани эшитган нимарса маст, беихтиёр бўлур эрди. Тўртинчи кунда ул қунидик нағмаи унин изҳори бўлмади. Тонг отқоч, тўра турсаким, жонин таслим қилибдур. Ногоҳ қўзи кўлга тушти. мавжига келиб, бир улуг қуш чиқа келди, катталиги филдек. Тўра қўрқуб дедики, бул қуш мени ҳалок қилур. Қўрдиким, минорадаги ўёға бориб қўнди. Ўшул оқ қушини ўлигин кўксига олиб, уч кунгача ўликин уқалаб, силаб эрди, филҳол қуш тирилиб, нағмаи унин изҳор қила бошлиди. Андан сўнг ул катта қуш кўлга чўмуб, гойиб бўлди. Аммо уч кунгача ул кўл қушлари дон емай, сув ичмай, ўт емай сукутда қолдилар. Бу санъатларига тўра кўб таажжубда қолди. Замони келиб, Мироншоҳ тўра фаранг ҳакимига мулокий

бұлуб, савол қилди. Ҳаким айди, ўшал гүзәл қүшким, муганний эрди, ани хуруси күллар из этарлар. Ҳар юз йилда жонин таслим қилур. Құлдин чиқар қүш руҳи қуде турур, қүш суратида бұлуб келиб, ани тирилтургай, яна юз йил нагма унда бұлгай, қиёматғача бул қүш атвори шул турур. Андин сұнғ тұра юруб икки булоқ ёқасига борди. Құрдиким, бири сұчук, бири шұрдур. Иккала булоқ бир құзлик ердин чиқиб турур. Анда бир балиқ құрдикі, суйи шұр булоқ ичра тушуб, ранги қизил бұлур, андин кейин чучук сув ичра тушуб, рангги оқ бұлур. Иккала сув бир-бирига асло құшулмас. Андин ўтуб, йигочларни құрдикі, саночлар осилуб турур, бориб, таъййин назар қылсаким, барчаси хурмага үхшап әмишпұр. Олти ой анда бұлди. Үл саноч каби емишлардин қүшлар пайдо бұлуб, ҳар тарағға уча бошладилар. Андин яна бир булоқ ёқасига бориб, құлида тәекни ул сувға ташлаб, яна ани құлиға олиб күб таажжұбларни құруб ҳайрон бұлди. Андин қайтиб неча меҳнат ва машаққатларни чекиб, алқисса, тұра неча йил ва неча вақтдин сұнғ отасин қошиға келиб, хизматида бұлди. Амир Соҳибқирон нури айинин құрұп, күнгли барқарор бұлди.

БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН ИСКАНДАРИ СОНІЙНИ БЕКЛАР БЕГИ ВА ХОНЛАР ХОНИ ХУРОСОН МҰЛҚИНИ УЧ ЙИЛДА ФАТХ ЭТГОНИНИ БАЕНИ

Алқисса, Амир Темур Соҳибқирон құрдиким, ҳар тарафдин алчилар келар әрдилар. Илло, Эрон вилоятидин келмас эрди. Анда Соҳибқирон аскар жамъ қылмоқға муқайийд бұлуб, үзбакдин, қозоқдин, неча-неча әлатлардин келтуруб, йигдиларким, икки лак құшун бұлди. Ҳазина әшикларин очиб, сипоҳларға инъом бердилар. Андин тұрт минг киши Мирзо Шохруҳға қоравул бұлди. Яна Мироншох тұрага ўн минг киши зровул бұлди, яна Үмаршайхға ўн тұрт минг киши баковул бұлди. Қоравуллар уқиб, сипоҳлардин туғ-байроқларни барно қилиб, Самарқанд ичра тарихнинг етти юз саксон бирида, (1379 й) күклямнинг аввали, яъни балиқ йилида, рабби ул аввал ойида, ҳамалнинг йигирманчи-сіда барча аскар форс бұлуб, отларға ва рокиб бұлуб теваларға минуб, Шаҳрисабзға бордилар. Андин Қаршиға келдилар. Андин амирлар ва беклар била маслаҳат қилдилар. Алар айди, Балхга борумиз. Соҳибқирон қабул қымай, Бухороға келдилар, андин Чоржүй үйлиға мутаважжиҳ бұлдилар. Щал вақт Хуросон мамлакатида малик Муизиддин тахти эрди. Үл юрт барчаси аннинг Фармонида әрди. Аннинг отини амир Ҳусайн курд дерлар, лақабин Муизиддин дерлар. Үзи насли Заххокдин әрди. Аммо Соҳибқирон овозаси Марв ҳокимин қулогига етуб, аннинг оти Санжарбек әрди, Амир Соҳибқирон яқин етгач, қочиб Муизиддин қошиға борди. Анда одамлари ҳадялар олиб, Амир Соҳибқиронға фоли саодат бұлди. Марвға бирорни ҳоким қилиб, Ҳирот сарига юзландилар. Іўл узра Құнниң қалъасига еттилар. Сипоҳлар келиб от құйурмиз Амирдин дуо талаб қилдилар. Соҳибқирон манъ қилиб айди,

иншооллоқ, олло таоло, бежангу жадал олурмиз. Гүёки Соҳибқиронга илҳоми гойибдин ҳосил бұлди, үшул кече Амир Соҳибқирон Чингизхондин қолғон чодирни тикилар, етти юз саруъ барпо қилиб, чодир ичра үн иккى минг киши жой олғудек бұлди. Соҳибқирон турарга жой татыйин қилиб, атрофидин қанот тортиб, иккى тарафи баҳмали қызил әрди, қанот ичра күмушдин, апинг ичра олтундин панжара, они давлатхона қилиб, беклар анда күринуш жойи бұлуб, етмиш бир саруъ тутуб, таноб била үшул ерни ихота қилиб, тұрт юз фаррошни уч кунда пайдо қилдилар. Фаррошлар аксари жуҳуду хиндудин әрди. Вақти келиб, Соҳибқирон бүйруқи била амир ва беклар давлатхонаға келиб үлтурдилар. Махрамлар, гуломлар ва құллар күмуш панжараға үлтурдилар. Иноқтоз олтун панжарадин жой топуб үлтурди. Хұжасаролар келиб беклар била үлтурдилар.

Алқисса, Соҳибқирон, Искандари Соний барчадин юқори назарда әрдилар, күрдикі, құргон буржидин чирог ёнуб, күруниб, бора-бора ул чирог яқин кела борди. Акнун чодир остига келиб тұхтади. Ул Құшниҳ ичра Санғу бобо деган азиз киши бор әрди, ул зот құргон остидин лаҳм ковлаб, унибу одамни чирог била юбориб әрдилар. Үшул чироғлиқ киши айди, ҳеч ким борму мени арзимни Соҳибқиронға еткурса. Барча үйқуда әрдилар, илло, Соҳибқирон Амир айдилар, сан қандай кишисан? Ул айди, Бобо Санғу мурилларидин бұлурман. Сұнгра они мұлозимлар Соҳибқирон қошиға келтурдилар. Ул киши Амир олдига ёвлиғ ичра үралған құйни пишган тұшин келтурууб қўйди. Айди, муни Сизға Бобо беріб юбордилар. Соҳибқирон ани фол қилиб, айди: бу қўй кўксеи. албатта, Хуросон мулки. Бизга насиб бўлғандур. Ул киши айди. сизға йўл очиб, лаҳм қилиб, Бобо кўб маътадурлар.

Амир, филҳол, амир Муайяд орлотга беш юз кишини қўшуб Бобо қошиға юборди. Беш юз киши ярим кечада үшул одам била лаҳм ичра кириб, бирдан карнай тортиб әрдилар. Қулунж ҳокими қочиб кетти. Иккى кун анда бўлдилар. Амир Соҳибқирон Санғу бободин сұради, нечук маликға насиҳат қилмадингиз, фуқорога зулм қилибдур. Бобо айдилар, насиҳат кўб қилдим, бовар қилмади. Тангри таборак ва таоло сизларни анга масаллит қилди. Агар сиз ҳам қишлоқларга зулм қилсангиз, насиҳатни қулоқға олмасангиз. сизларга ҳам үзга масаллит бўлгай. Амир айди. менга ким масаллит бўлгай? Бобо айди, барчани масаллит қилғувчи үлумдур. «Албатта. эй бобо, рост айтурсиз. Лекин, мен борман, умид худодин, ҳеч ким менга масаллит бўлолмас». Андин сўнг Ҳиротга юзландилар.

Алқисса, Ҳиротга иккى манзил қолиб әрди. Амир оломонларға буюрдиларким, бориб Ҳиротга тобеъ юртларни барчасини горат ва талон айладилар. Синоҳлар Ҳирот дарвозасигача торож қилиб. яқин бориб әрдилар, малик Муизиддиннинг ўғли Гиёсиддин отасига айди, отажоним, ижозат берсангиз, ёв била чиқиб жаны қилсам. Малик айди, сабр қил. Аммо маликнинг ҳузуридағилар Мирзо Шоҳрухни кўб таъриф қила берди. Гиёсиддин эшитуб гайратга келуб айди, бориб Шоҳрухни бошини олиб келмасам. йигит бўлмасман, ул шижаат бобида биринчи әрса ҳам. Алқисса

беш юз киши била отлануб чиқиб, Чигатай оломонларини истаб келабердилар. Үзөгдин чанг, талотуб күрунди. Илгари келиб күреа, оломонлар қанча молларни олиб борур. Алардин бирини асир қилиб ушладилар, андин сұнг, сұрадики, бу аскар бошлиқи кимдур? Асир айди, Шохрух тұра туур. Филхол, Ғиёсиддин Шохрухны талаб қилиб, құшунға бориб, Шохрух қайси деб шовқын қила берди. Құшун ичра бир баҳодур йигит бор әрдикі, үзи тоңкандлик, оти Соқибек, ул айди, ана, мен Шохрух дегач, икковлари жаңгга муқайийд бұлуб, күб талотуб қилдилар. Акиун, Ғиёсиддин голиб келиб, калласини танаасидин жудо қилиб, отасини қошиға келтурди. Шохрух боши деб дарвозага осиб қўйдилар, шодиёна چолдилар. Бу сұзни Мироншоҳ тұра әшитуб, қариндошиға ичи куйуб, тоб-тоқати қолмай, Ғиёсиддин аскарига үзини уруб, аларга шикаст бериб, Ғиёсиддинни тоңиб, андог урдикі, яралиқ бұлуб қочти. Ұлкни кўрдикі, Шохрух тұра әмасдур. Андин қайтиб, отасини қошиға келди, құрсақим, Шохрух тұра Амир қошида дасти алиф-лом қилиб, тавозеъ узра туур. Бу воқеани Мироншоҳ тұра мажлисдагиларга сўзлади. Шохрух тұра ўрнидан турууб, бошидин салласини олиб, отасидин фотиха талаб қилиб айди, агар Ғиёсиддиннинг бошини олиб, Ҳирот мадрасасин пештоқига осмасам. тұра бача әмасман. Кечаси била отлануб, рухсат олиб, Ҳирот дарвозасидин кириб, шаҳар ичра маликни үрдасиға яқин етти.

Кўрдикі, арқ тагида бир йигит туур, барча анинг жиловида-дурлар, ҳайратда бұлуб бир кишидин сұраб әрди, айди: Ғиёсиддин шул туур. Тўгри бориб анинг йўлини олиб, ҳозир бўл, мен Шохрух деб андог урдикі, Ғиёсиддин жасади фалакидин калла ҳандалаги узулуб, юмалануб кета берди. Одамлар ҳар ён қоча бердилар. Тұра отдин тушуб, бошини олиб, мадраса пештоқига осиб қўйди. Бу воқеани Малик әшитуб хуши қуши бошидин учти. Филхол, тахтидин тушти, айди, ул йигитни менга келтурунг деб. Тафаккурда әрди, Мирза Шохрух тұра үзи ушал вақт келиб, Маликга айди, ўғлунгни ўлдурдум, жанг дагдағасин қилур бўлеанг, тургил, отлангил. Малик айди, эй йигит, бери кел, мардонавор иш қилибсан. Ўшул вақт Ғиёсиддинни онаси әшитиб, боши яланг, оёқ яланг чиқиб, ўглум қотилини урунглар деб шовқун қила берди. Начанд одамларга ҳамла қилди. Малик, қўйунглар деб манъ қилди, хеч киши қабул қилмади. Тұра ёлғиз үзи сұқиша берди дарвозасига етгунча жанг қила-қила етмиш кишини ўлдурди. Үзини йигирма ери яралиқ бўлди. Тахмос отлиқ маликни бир қули тұрани бойлаб, оёғ остида ётур эди, хоҳласаким, тұраны йиқитиб ҳалок қиласа. Ногоҳ ҳандақ ёқасида бир киши келиб, үшул құлни найзау санчқу била уруб ҳалок қилди. Маълум бўлдикі, Амир Соҳибқирон ўзлари әрди, ўғлilarи сұнгидин келиб әрдилар. Орқаларидин құшунлари келиб, Ҳиротни атрофини олдилар. Ўшул вақт Иноқтоз кал Қиморбоз айёрлиқ ҳийласин тузуб, үзини бошидин-оёгини безаб, устиға бир чурук чафон кийуб, белига қамиш ила барди bogлаб үзин шаҳрга олди. Бозор ичра турууб, бир қаландар кишиға айди. мани Малик Муизиддин қошиға олиб боргил, анга сұзим бордур. Иноқни Маликни вазирларига тўгри қилиб әрди, сұзин қабул қилмадилар.

Охир Маликға айдилар. Үл айди, көлтурүнг, аммо эхтиёт қилинг, ҳарба қиласун. Они Малик мүқобилига көлтурдилар. Үл киши айди, мен сўзимни элдин яшурин Малик афандим қулоқлариға айтурман деб, секин сўзламоқчи бўлуб, енги ичидин фичоқини чиқориб Маликни кўксига андог урдики, Малик тахти қизил тобутга айланди. Филҳол, халқдин гарв чиқиб, қаландарни тутуб бойлаб, жаллодга тобиурдилар. Қаландарни жаллод дорга көлтурган ҳолда Иноқ бу Сохибқиронга жонбозлиқ қилди, деб секин жаллодга бир ишорати берди. Жаллодга айди, ешгили, девона үлмасун, сенга куб нимарса берур деб ваъда қилди. Жаллод дор канобин бўпроқ қилиб қаландарни ости. Кечкурун бўлуб, эл оёги босилгоч, Иноқ дор остига келиб, дордин тушуруб олди. Қурдики, қаландар тирикдур, Сохибқирон қошига көлтурди. Амир сўрадики, қайдив келдинг? Қаландар айди, Сейистондин келдим, отим Девонажондур. Бир кеча ётуб тушум ора кўрдум бир зотни, расул алайҳис салом хизматларида турур, шул жиҳатдин Амирға жонбозлиқ қилдим, Оллога ҳамд, ул зот сизни ўзингиз, эмди ўнгумда курдум деди. Андин сўнг ул қаландарга «Жонбозлиқ» лақабин қўйдилар. Үл кеча Амир Сохибқирон қўргони ичра синоҳлар билан кириб, тахт узра қарор олдилар. Үл қаландар ҳар ишга етук, куб усто киши эрди, они ўз қаламравига миришаб бопи қилди.

Алқисса, Амир Сохибқирон Ҳиротни фатҳ қилғондин сўнг савдогарлар келиб, Амирға арз қилиб айдилар, дод, Баҳодурхон иагидин, бизларни горат қилди, мусулмонлар ани жавридин зиқлиқда қолдилар. Баҳодурхон амири Қандаҳардур, Ҳиндистон бекларидин эрди. Сохибқирон ўрнига бирорни мутасадди қилиб, ўзлари қанча синоҳларни олиб, савдогарлар суратида бўлуб, беш юз чавкар от олиб, яна ўзга хил отдин бир минг, яна бир минг навижувони жанг кўрганларни ўзларига рафиқ қилиб, Қандаҳар жонибига юзландилар. Баҳодурхон эпитетдиким, Қандаҳар чаккасига куб қофила келиб тушубдур, ясовул юборди, айдики, кўргил, қайдин келибдур. Ясовул келиб кўреаким, бен юз мешка сув тўлдурибдурлар. Ош-овқат, улоглор учун яна неча чодирларни тиккан. Амир Сохибқирон курси узра ўлтурур, ўзгалар таъзимда. Ясовул Амирға кўрунуш қилди, айди: мени Баҳодурхон сизлардин хабар көлтур деб юборди. қайдин келибдурлар? Сохибқирон айди: бизлар Самарқанддин савдогарлик қилиб келдук, мени отим Ҳўжа Абдулла, бу уч йигит мени ўглум бўлур, ихтиёrimiz Ҳиндустон мамлакатларига бўлди. Анда ясовулга бир тўн кийгуздики. Баҳодурхон ҳам бу сифатда тўнни асло кўрмаган эрди. Ҳонга бориб савдогарбошини куб таъриф қила берди. Ясовул сўнгидин Сохибқирон Баҳодурхонга бир совгот юбордики, умри ичида кўрган эмас. Тонглasi Амир Сохибқиронни ҳон талаб қилиб, зиёфат асбобини ораста қилди. Зиёфатлари бўлгандии сўнг, ҳон айди: Ҳўжа, муддао шул тарафга келмак эрдиму ё бўлак ерга ҳам? Амир айди: алҳол, бул тарафга келмагимиз кунгулда йўқ эрди. ҳоҳинимиз бу ўгуллар била шоҳ Шукоъ қошига борсан, деб утини таъриф қила берди. Баҳодурхон кулуб айди: мани

масофимни күргил. Филхол, буюрди фил келтурдилар. Хон бошига дубулга кийди, бир мил текис ер боги бор эрди, анга келиб, филни күтариб айлантурди. Барча таҳсин қилдилар. Соҳибқирон айди: мени ўғлум ҳам аҳли шижаатдин бўлур, буюрсангиз, имтиҳон қилисак. Хон рухсат берди. Аввал Умаршайх дубулга кийиб, кўб зўр қилди, кучи етмади. Сўнгра Мирониш тўра ҳам кўб зўр қилди, кўтаролмади. Андин сўнг Мирзо Шоҳруҳ тўра андог зўр қилдики, буриидин ва қўзидин қон кела бошлади, оллохи акбар деб йиқилди. Кўрсалар андог бўлубдурким, иккала қўзини ғўлаги қосасидин чиқиб қолибдур. Анда бир ҳаким ҳинду хон хизматида эрди, қўзини ўрига қўйуб, лунги бирла боғлади, сўнгра иккала оёгини товонин ёриб, иккала томурин тошиб, уқалаб-уқалаб тортиб эрди. Икки арфа ё уч арфа микдори чиққондин яна кўзи ўрига тушуб, қарор олди. Андин сўнг оёгин томурин нахта била ўраб боғлаб қўйди. Қирқ кунгача кўксиги била кўкга қараб ётқизиб, тузсиз атала, буламук ичурди. Ўшал қирқ кун ичра Соҳибқирон чаноқчига лойдин филни суратини қилгил деб буюрди. Уч кунда тайёр қилиб берди. Уч кунгача Амир кўтариб, маппқ қилдилар, сўнг устига лой қўшуб анга ўт ёқуб ўртадилар, софол бўлди. Сўнгра устига одам чиқса қўтариб, ўн киши жой олгудек бўлди. Қирқ кунгача бошларига дубулга кийиб, они кўтаруб машқ қилдилар. Қирқ кунда устига ўн киши чиқса ҳам кўтардилар. Қирқ кундин сўнг Мирзо Шоҳруҳ тўра сиҳдат тошиб, ҳокимга бош-оғ подшоҳона либослар бердилар. Хонбог ичра базм ораста қилди. Яна Соҳибқирон илтижо қилдилар ўшал филни келтурсалар, курсак нима бўлур?! Хон буюрди, филни келтурдилар. Баҳодурхон филни кўтариб, bogни бир мартоба айлантуруб қўйди. Соҳибқирон айди мен ҳам кўтаргайман. Хон айди, эй хожа, ўёлуб қолурсан, қўйгил, деди. Амир қабул қилмади, дубулғани кийиб, филни кўтариб, етти маротаба bogдин айлантурдилар. Xалқ ўртасидин гарв чиқти. Хон изза бўлуб, истиҳолада қолди. Андин сўнг Амир мулоғимларидин ўн кини ул филга миндилар, яна кўтардилар. Муни кўруб Баҳодурхон Амир била кураш тушмоқга харакат қилди. Эртадин кеч вақтигача талаш қилдилар.

Алқисса, Амир Соҳибқирон пирларидин мадад тилаб кўтариб ерга андог урдики, хонни калла хандалаги жасади фалакидин узулиб бозори ажалга ширйанг ўйногали кетти. Амир одамларидин анда минг киши ёқосиз совутларни кийган эрдилар. Филхол, карнай тортилар. Қандаҳар одамлари кўб таъадди кўрган эрди, буларга ёри бердилар. Минг киши афғонлардин эрди, булар била ҳуқомиғ бўлуб, ақнун асир бўлдилар. Амир аларни ўлдумоқга ҳукм қилдилар. Қандаҳарни фатҳ айлаб, неча кун туруб, андин сўнг ҳакимни ўзлари била олиб Сейистонга бордилар. Сейистон одамлари буларни олдига чиқиб, қалъаларига олиб кирдилар. Сейистонни томошо қилиб, ул шаҳрини ўз элига тобшурдилар. Андин етти куилик, айвони Киршастанки, эски Сейистонга йўл қолиб эрди. Сўнгра ул мақом таомошасига бордилар, кўрсалар айвон бузулғон андак иморат асари қолибдур. Айвон қўйисида булог түрунур, одамлар айдилар, ҳар ким бу булоқ ичра қозонда таъом

Күйса, иссигалигин зүрлиги ул ошни шиширур, ичган кишини ичицииң қон келур дедилар. Анда Амир Соҳибқирон күб тилсимот ила бүлгөн нимарсаларни кўрдиларким, айвонининг қибла сарида ихота қилингой нимарсаларда суратлар тортилғон, бир деворда йигирма тўрт минг хақиқа бордур, билған одамлар айдилар: бу хикмат била ясолғон ҳаммомдур. Ҳалқаларни тортиб эрдилар, бир эшик очилади, ичкари кирдилар, иссиг уй турур, яна ўзга ҳалқани тортилар, яна эшик очилиб, кўрсалар оёғ ювадурғон жойлар тайёр турур. Анда икки ҳалиқа кўрунди, они тортилар, эшик очилиб урталарицида бир уй турур, анда охурда иссиг сув, бир тарафда совук сув, они остида тўла қора тои била ўт кўрунди. Ҳаммом суйи исигуича ул қоратои ёқилур, ул қоратоини тоинкўмир ҳам лерлар. Ул ҳаммом гўлахига тилсим ила йигилиб сув исигоч, тоилар тўхтагай эрди. Ул ҳаммомни хўб тамошо қиадилар, табакалари кўб турфа, ажойиблур. Мулло Тоҳир Охунд Балхий дебдурларким, анда икки минора бор, бирини Минораи Эрон, бирини Минораи Турон дерлар, ҳар вақт Афросиёб келса, эронларга хабарин билдирилмоқга Зол ушибу тимеозини қилиб эрди. Заңги бача неча келиб Турондин Эрон минорасига тои отар эрди. Андин чиқиб, бу шоицидин барчалари Афросиёб келғонни билур эдилар. Бу ҳикматин Амир Соҳибқирон тошиб, Заңги бача тошини олиб Эрон минорасига отиб эрди, бир садо чиқтики, йигирма тои ерга борди. Ўшул мавзезъда бир тог бор экан, они кўрдилар, тоилари кўзгу каби равшандур, ҳар вақт офтоб чиқгоч, Рустам суратин анда кўрдилар. Офтоб тўлузида базми кўрунуб, гарубида разми намоён бўлди. Офтоб ботар вақтига борғондин сўнг, бир киши найдо бўлди, олтуи курси узра ўзатурғон, қўлида жоми, атрофида мингга яқин муганий, чурилар жиљвага кириб, дафу, чанггу рубоб била дўнбура қўлларида, офтоб ботғандин сўнг барчалари гойиб бўлдилар. Кечаси била анда бўлдилар. Субҳ бўлгоч, бири кишини кўрдиларки, чавкар отга мингаи, бошида дубулға қилич-яроглари белита тоқгои, неча минг-минг одамлар они жиловида барчалари яёв, этакларини белларига қистурғон, офтоб наиза бўйи чиқғондин сўнг, булар ҳам гойиб бўлди. Сўнгра табалу баробон товуши ул тогдии чиқти. Амир бу тилсимлардин бир улуг йигоч остига бордилар. Кўрдиларки, анда қақиусе отлиғ бир қуш қўнуб ўлтурур. Анда бир лавхи турур, хатти жазлий бираа ёзилгон. Айтиблур, эй бу ерга келган кишилар, бу тинчлик мақомидур, зиёрат қиласанглар тухфа ҳосия бўлур, агар бу йигочта чиқмоқни қасд қиласанглар, ҳар яфроги бир ёрг турур, албатта ҳалок бўлурсиз. Лекин шанбалид деган сариг гулни тошиб, қақиусе муқобилига келтургайсиз. Анда қақиусе сайрагай дебдурларким, қақиусе бир улуг қунидуру тумшугида уч юз олтмиш теншук бордур, сайрагонда ҳар теншукдин алоҳида ўзга товушлар чиқор эрди. Ҳукамо иами мусиқийни андин ихтироj қилғон эрдилар. Аммо қақиусе сайрай берса, тумшугидин ўт чиқур, ул йигоч кўйгай, андин бир йўл матълум ўғай. Алқисса Амир буюруб, имтиҳонопо ул йигочга тои отиб эрдилар, тоилар яфроғларига тегиб, бўлунуб бўлунуб туша берди. Амир хоҳлас ўша гулни тошиб келтуруб йўлни мазъумин билса. Ул йигоч остиди

бир булог бор эрди. Булог ичра катта балиқ бор эрди. Үл балиқни ташқари олеалар филхол тош бүлуб, яна сувга ташласалар балиқ бүлур эди. Андин бир жойида юз йигирма бир булог бор экан, суйи сариг күрунур, анга чұмуб, құл уруб андин шанбалид гулин олдилар. Үл сувга чұмғанлар етти күн ётиб сарғайиб үла бердилар. Соҳибқирон анда ҳайрон бұлды. Хоҳласа, бул жойидин кетса. Ҳаким айди, турғаймиз, башарти үттүз қадоқ қаҳрабо тошиб кетурсалар. Буюрдилар, то икки үи қадоқ қаҳрабони тошиб келтуруб, ёңиб тайёр қылдилар. Ҳаким хинд үл булоқта чұмуб, бир туб гул олиб чиқты. Үл гул савсан каби, аммо, ранги сариқта мойил эрди. Үл гулға ким яқын келса, үл киши ҳам жағфарий бүлур эрди, ҳаким они қаҳрабога құшуб. анга яна торғил сиғир сути құшуб аралаштуруб, хамир қилиб, навқасларга бердилар. Яна сирқа била сабзи құшуб бердилар, барчалари согайди. Андин сұнг Соҳибқирон үл гулни келтуруб қақиус, муқобилига қўйдилар. Үл құш күрүб, андоғ нола қылдикі, нағмалар, товушлар, садолар чиқа бошлиди. Вақти бүлуб, нағасидин үт ҳозир бүлуб, үл йигочни күйдурди. Соатидин сұнг йигоч остидин бир эшик очилди. Амир Соҳибқирон ҳукамолар била бир уй ичра кирдилар. Яна бир эпикга қулғ урулғон, ани ҳам очиб, бир уйға кирдилар. Анда бир тахти ож йигочидин. Тахт узра бир киши ухлаган каби ётур, юзида парда ёнуғлук, ани очиб күрдиким, бир нуроний қари кишидур, узунлики йигирма газ, энилиқи уч газ, құзини қабоқида икки марварид пүр баҳо турур, бурни етти қариш, ҳар бармоки үн икки қаришдин, бопи узра фұлоддин лавх, анда начанд сатр ёзилғон, ҳеч кишини ул хатни үқумоқга құввати етмади. Үл ҳаким хинд бу хатти ибрийдур деб ашқолларин таъйин қылди. Мирзо Умаршайх үқуб билди. Дебдурларким, бу хатни ёзгувчи Искандар Зулқарнайн бүлурман. Эй Амир Темур, Искандари соний, сен бул ўрунга келсанг, ушбу ётқон киши Зол Зардур, умри минг уч юзга етуб, оламдин интиқол қилибдур. Бул ерни зиёрат этинг. Аммо иноний Зол умрини түрт мингга борган дебдур, сен ҳам булардин ибрат олиб, андешада бүлгайсеп. Мунда бир қора тош бор, остида бир хұм тұла олтун бор, они олгил. (Бу тошни малик Искандар Холидот жазирасидин келтуруб эрди. Шул вактларда ул тош Амир Темур қабри шарифи, узрадур. Яна ул хұмдаги олтун бул гунбазда эрди, Амирни вафотидин кейин одамлар мундин хабардор бүлуб, бир кеча күб ёмғир била қор ёғиб, тарихнинг минг саксонинчисида (1669 й). Жиубилийя әлидин ёв келиб, Самарқанддии они олиб, олтун барҳам еб эрди. Олғон кишини барас үлатиға мұбтало бұлды. Оре, ҳар киши валиларига қаршилиқ қылса, балога йұлукүр.)

Алқисса, лавҳаға Золу Зар дүпө вафосизлигидин неча байтларни ёзибдур.

Н а з м :

Отил Золу Зардур, лақаб Достон,
Ки мендин бүлуб Рустам пағлавон.
Мени хайлана анда Афросиёб,

Икки юз марра топиб күб хароб.
 Қилиб тарбият менга Семурғ қыш,
 Бу ҳикмат ора мен топиб ақлу ұшы.
 Құрұбман жаҳоннинг йўқу борини,
 Гаҳи давлат ва гаҳи озорини.
 Жаҳон шотусига қўйубман оёқ,
 Саккиз юз эди зинасига саноқ.
 Ушбу зиналардин баногоҳ тойиб,
 Ётибман бу ерда манам сарғайиб,
 Ажал доми бизни гирифттор этиб,
 Бари навбат ила жаҳондин кетиб.
 Каюмарс қаён кетти, Жамшид қани?
 Чу сен ҳам кетарсен, ўзингни тони.
 Фаридуны Кайхисравий номлиғ,
 Манучеҳр ва Искандарий комлиғ.
 Эрону Туроннинг шоҳи, кайлари,
 Бори кетти бир-бир қора ер сари.
 Баҳодур, диловар ҳамс-у шажиғ
 Ажалдин бориси ўлибдур, дариг.
 Жаҳон уйин икки қапуси бўлур.
 Биридин кетибдур, биридин келур.
 Оё, бу жаҳонға келан паҳлавон,
 Эшигил бу сўзни: баҳосиз жаҳон.
 Туғулғон жаҳонда неча эр бўлур,
 Ажал шоҳи келса қора ер бўлур.
 Жаҳон давлати нечани ошурур
 Ер остиға охир они ёшурур.

Алқисса, Соҳибқирон эски Сейистон тилсимотларидин чиқиб. аскар била нойтахти султон Маҳмуддиним, Ғазна узра икки шаҳрни қамоб, етти кунгача анда бўлдилар. Малик Ҳусайнини қулларидин бири анга ҳоким эрди, саккизинчи кунида фатҳ эттилар. Андин султон Муҳмуд қабри узра иморат қилдилар. Бир гўзал йигит мардикорлар ичра иш қилиб юрур эрди, қўлтуғидин ерға бир нимарса тушти. Филҳол олди, у ён-бу ён қародиким мабодо бирор кўрмасун, деб. Соҳибқирон они олдига чорлади. қўлида бир лавҳ бор, форсий тилида ёзилғон. Амир сўрди, эй йигит. ким бўлурсан, отинг нимадур? Ул йигит, отим Маҳмуд Асфардур. малик Масъуд ўғли бўлурман, отам менга бу лавҳни тобшурғон эрди, Бароқҳон оломонларин қўлида отам ҳалок бўлди. Менин синглим бор, оти Маҳмуда, сизни ўглингиз Мирзо Жаҳонгир олмоқга қасд қилиб экан. Биз султон Маҳмуд наслидин бўлурмиз.

Анда Мирзо Умаршайҳ лавҳни ўқуб кўрди, дебдурким, ушибу тефа остида олтун бор, султон Маҳмуд ўз авлоди учун қўйгондур. Амир Филҳол они олдуруб, Асфарга бердилар, ул ярмини Соҳибқиронга бағишлади. Амир иморатга сарф қилдилар. Холо султон Маҳмуд қабрининг иморати Амир Темурдин қолғондур Исломбулда.

Алқисса, Соҳибқирон қўшунларини йигиб Ҳиротга бордилар.

БУ ДОСТОНДА АМИР СОҲИБҚИРОН ҚИЛИЧ АРСЛОНКИМ,
ЛАҚАБ АНГА ДОНИШМАНД БЕК ЭРДИ, ОНИ МУСАХХАРА
ҚИЛҒОНИНИ БАЁНИ

Н а з м :

*Бу ердин неча аскар Тусга етти,
Ким фармонга юрмай, боши кетти.*

Келтурубдурларким, Соҳибқирон келиб Боги зогонда айшу ишратда эрди. Муборизлар жониби Тусга бориб, тог узра жой олиб, яна Соҳибқирон буйруги била сипоҳлар Тус этакига алоҳида жой қилиб, анга чодирларни қуруб эрди. Аммо Машҳад ҳокими Алибек, Валибек, икки ога-ини эрдилар. Анда Жаён чашм баҳодур яна соҳиб салоҳларни бири эрки, утуб борур эрди. Тог узра қурғонча иморатни кўрди. Анда бир қизил чодир тикилган, атрофида ўн минг улог ва қўйлар ўтлаб юрур, қошида киши йўқ. Жаён чашм қирқ киши бирла ҳамроҳ эрди. Анда йигирма кишини мол-амвол жамъ қилмоқга буюрди. Йигирма киши чодир сарига от қўйдилар. Бир хотун ўрта яшар, ул йигитлар орқасидин келиб, оломонларни найзасин қўлига олиб, андог урдикни, кўракидин кириб, орқасидин чиқти. Анинг била уч кишини ўлдуруб, бир наъра уруб, шавқун қилдики, вахм била ҳеч ким они олдига келолмадилар. Ногоҳ тог багридин бир навқирон йигит кела бердиким, гўзалликда ёлгуз, қурғон киши анга жигарсуз, балки барчани офат жони эрди, барча беклар анга қул эрди. Ул бекларни беки ва хонларни хони эрди, минган оти бўз, узи ракӯз, соchlари фатила-фатила, от сагрисига тушган, бошида бўрк, эгни-да гарк ва арслон терисидин қўлида найза, анга олмос банд қилгон, ёшиндек тогни мунаввар қилиб келадур. Аммо аслаҳаси йўқ эрди, олдида бир йўлбарс този итга ўхшаб югуруб келур. Жаён чашм ани қиз деб назар қилиб турди. Яқин келгоч, билдики, ўгул боладур. Бир наъра тортиб, овоз қилиб, тоглар ларзага келиб, ўшал қирқ киши атрофин олдилар. Ул бола андог ҳамла қилдики, бир тарафдин йўлбарс йиртуб, бир тарафдин ўзи найза била туртиб, лаҳзада ул қирқ кишини ҳалок қилиб, адам шаҳристонига юборди. Аммо Жаён чашм муни кўруб келиб анга найза солди, ул бола найзани ўтқузуб, даб бериб Жаён чашмни белидин ушлаб, отига ўнгариб, қамчи уруб, отин югуртуб тог сарига юзланди. Агар бетоқатлик қилса Жаён чашмни ерга уруб гирдигирд қилгудек. Лоилож жим турди. Они олиб чодирға шелтурди. Анда Жаён чашмга, қайдин келдингизлар, ўгурилик ва қароқчилик қилиб юурсизму, деди. Жаён чашм айди, Амир Темур мулозимларидин бўлурмиз. Ул айди, Амир Темур ким деди. Бул айди, Соҳибқирондурким, Ҳиротни мусаххара қилиб, эмди Машҳад шаҳрига қасд қилгондур. Ул бола ҳайрон бўлуб айди, бу тоглардин ўзга жойлар борму? Жаён чашм айди, оламда етти иқлим бор, ҳар иқлимда қанчадин-қанча тоглар бордур, қанчадин-қанча шаҳарлар, қишлоқлар бордур деб, бир-бир баён қилди. Ул ўғлон таажжуб бармоқин тишилаб ~~негизига~~ этти. нечук менга бу жойларни

айтмадинг, деди. Онаси айди, ёвлар душманлар хавфидин айтмаб эрдим. Жаён чашм айди, сизни отингиз нима? Ул онасига қаради. Онаси айди, баҳодурлар ишини биллиб қилур, андин сўнг номинионин билдуур. Онда Жаён чашмни ўлдурмоқга ишорат қилди. Мабода жомни томдии танилагандек ўзгалар билмасун деб, ўғли анда қабул қилмади. Ахир Жаён чашмга кишига айтмасликга оит бериб, яна Жаён чашмга бир от бериб, миндурууб юборди. Жаён чашм андин Соҳибқирон хизматига келди. Бае, андог-мундог деёлмайин, яна кўрганларин ичига сидиролмай, ҳийла била деворга чизиб ишорат қилди. Анда Соҳибқирон билиб, йигит талаб қилиб, ўпул ўғулни тирик тутуб келса, дедилар. Мироншоҳ тўра туруб фотиха талаб қилди. Мирзо Шоҳруҳ тўра навқасланган эрди. Жаён чашм йўлбошли бўлуб, беш юз кишини ўзларига ҳамроҳ қилиб, тог узра чодирга яқин еттилар. Молларига қарамасдин чодирга қараб уч киши ўқ оттилар. Муни кўруб, икки хотун бўлуб чодир теншукидин ўқ отти. Анда тўққуз кинига бир кишини боши қилиб, чодир атрофин олиб кела бердилар. Ногоҳ ўшац йигитча етуб келуб, Мироншоҳ йўлин тусуб, қулидин қиличин тортиб олиб. Мироншоҳ тўра бошига андог солдиким, дубулгаси била бошига тўрт эилик ботди. Тўра ўзидин кетиб қолди. Андин беш юз кишига қараб югурди. Аввал Жаён чашм орқасидин барча аскар қочиб келдилар. Амир кўруб, филҳол ўринидии сакраб туруб, хоҳласаким, отга мисса. Филҳол, Умаршайх келиб, фотиха олди. Минг йигитни ўзига йўлдош қилиб аларни бир сойига қўйуб, ёагуз ўзи чодирга бориб, сучук сўзлар била ул хотундин сув талаб қилди. Хотун айди, сувни уҳда қилсанг ўзинг топиб ича бер, деди. Тўра айди, сув бор жойни билдургил. Хотун анда сиёsat қилиб, бир наъра тортиб шавқун қилди, соати бўлмай ўғли отин югуртуб тог багридин чиқа келди. Тўра оти жилови қулидин чиқиб қочти, ииёда қолди. Онаси ўғлига тўра хулқин баён қилди. Ул ҳам пиёда бўлуб, толонка муқаййид бўлдилар. Кеч вактигача талош қилдилар. Охир тўранни оёқ-қўлини боғлаб, асир қилди. Мундин қўшунлар хабар топиб, қоча бошиладилар.

Алқисса, ул бола тўрани уйига келтурууб, бойлукларини бўшинатуб, таъом, шароб ҳозир қилиб едурди. Тўра ҳар жонибдин сўзлари ўртага солди ва айди, мен сафро фарожман, сафро бөшими чиқиб, кўзим қорайиб, сен мени бойлаб келтурдинг. эмди сен би яна талони қилурман. Айди, ул замонда ёв эрдинг, эмди эл бўлдуун яна меҳмоним бўлдуунг. меҳмон била мухораба қилмоқ яхши эмас деди. Тўра кўб муболага сўзлар сўзлай берди. Охир, ул бола ўқи қўлига олиб, неча қуллоб тортиб солиб, тўра қўлига берди. Анга тўрани кучи ва қуввати етмади. Айди, муни отанг Амир Темурга элтигил, тортиб кўреун.

Алқисса, тўра ани отасини қопига келтурууб, ўртага ўқин ташлади, воқеани баён қилди. Беклардин ҳар бирлари қўлларига олиб, тортиб кўрдилар, кучлари етмади. Шоҳруҳ тўра ҳам қўлига олиб уҳда қилолмади. Андин Соҳибқирон олиб, қўллари чўл бўлса ҳам, ёйни қуллоб тортиб, андог зўр қилдиларки, ўқ синди Амир синган ўқни Июнга тобишуди ништириб эттиб эмасига берги.

деб. Иноқ үзига етти кишини ҳамроҳ қилиб, үшүл төг узра келди. Күрдики, бир оқ от ёнида ул йигитча ухлаб ётибдур. Оёгидан бир йўлбаре ҳалқа олиб, ул ҳам ухлаб ётибдур. Иноқ, филҳол, тефасидин бир тошни юмалатуб юборди, үзи бир тарафга қочти. Тошни товушнига йўлбаре бошини кўтариб бокирди. Ул йигитча уйғониб, оёгин узотиб ул тошни тенуб юборди. Муни кўруб Иноқтоз кал қиморбоз ўридин бир сакраб туши. Аммо ул тошни тогдин кўчуруб, юмаланиб тушган деб нарво қилмади. Соатидин сўнг Иноқ билмаган кишиниек бўлуб, таъзим ила келиб олдига ултурди. Иноқдин, ким бўлурсан, қайдин келдинг, деди. Иноқ айди, Соҳибқирон хизматидин бу ўқни келтурдим, деб қопига қўйди. Кўрсанаким ўқ пора бўлубтур. Ҳеч нима демади. Ногоҳ тог остидин бир араб йиглаб, пола қилиб келур. Булар андин сурди, нимага йигларсан? Араб айди, мен Амир Темур қопига борурман, ул мени учимни олиб берса дерман, сизлар сўраб нимани уҳдасидин чиқурсиз?! Анда ул йигит мени ўчингизни ҳар нима ва ҳар кимарсада бўлса олиб берайин, деб кўб муболага қилдилар. Сўнгра араб доилож айди, эй ўгул, менда дунёлиқ важҳидин бир тева бор эрди. Они ўглум ўтлатиб юрур эрди. Ногоҳ тог этакидин бир илон чиқиб, бўйи ўн газ келур, тева бирла ўглумни қуллобига тортиб ўйқ қилди. Бу айди, бориб аждарҳони ўлдуурман. Андин араб үзига буларни ҳамроҳ қилиб элтиб бир горни кўрсатти, шундадир деб. Йигитча айди, эрта шул вақтга яна чиқгай, бу кеча мунда турмоқ лозим деб, анда турдилар. Кечи била Иноқ илоидин қўркуб ухламади. Тонгласи туш вақтида аждаҳо гордин чиқти, кўрсаларким боини узра шохи бор, уч газ келур, гоҳ-гоҳ ўридин тик тургай. Йигитчан нозанин отига миниб даб бериб кела берди, отти. ҳам бебок орқасидин бориб қиличин кўтариб бошинига андог урдики, калласи қўкеида осилиб қолди. Оти хуркиб, сакраб, боини ўгрулди, они кўруб ҳайрон қолдилар. Ўглон айди, агар отим хурковлик қилмаса, тамомин қалам қилур эрдим, деди. Сўнгра шохини олиб Иноқга берди. Муни Амир Темур хизматларига ёлтигил, деди. Андин сўнг, филҳол Иноқ келтуруб Амирга воқеани баён қилди. Муни кўруб Амир барчалари таҷжуб бармоқни тишлади ва ҳайрат денгизига гарқ бўлдилар. Беклар ўртасига гавго туши. Соҳибқирон синоҳларини таскин тонтуруб, ўзлари била уни кишини олиб, мусофиirlар суратидан бўлуб, отларга хуржун ортиб ўшал тог узра келдилар. Анда қизил чодир кўрдилар. Андин бир хотун қўлида қилич, сиёсат била келиб, бу ердин ўтманлар, деди. Соҳибқирон айдилар: биз мусофиir, йўл ахтариб юрурмиз дегач, андак аччиги босилиб, буларни бир булог ёқосига тушуруб, Қопиларига оши ва таъом келтурди. Соатидин сўнг ул йигитча келди, буларни кўруб ёв хаёл қилди. Хоҳласаким, даб қиласа. Онаси шавқун қилиб айди, эй ўглум, булар мусофиirlар, озор бермагил. Андин чодир ичра ёниб келди, шохона либосларин кийуб Амир қопига борди. Аларни кўруб яна алоҳида таомлар келтурди. Они соҳибқирон сучук-сучук сўзлар била андог сайд қилдики, Амирини үзига маҳв бўлди. Аммо йўлбаре андин асло жудо бўлмас эрди. Доим оёгин остида ҳалқа олиб ётур эрди. Анда Соҳибқирондин

сүрди, сизлар не ерлік булурын? Амир, Жиротдин көлурман, деб аниг асли ва наслани сұрады. Інгітча айди, мен билмасман, онам билур. Андин сұнг онасини чақириб, Сохібқирон мұлайимлиқ била ҳар тарафдииң сұз көлтуруб, андин асл-наслабиң сұрдилар. Онаси айди, бизларға душман күбтүр, мабодо сиримиз фоң бұлмасун. Амир айди, аело сирии онкора қылмасмиз, деб құб сұзларни деб ишпәнтурди. Андин кейин хотун айди, Абу Сандхон қызыдурман, амир Чұпон хотуни булуруман. Абу Сандхон хизматида эрди, амир Чұпон Таночор наслидин эрди, ул Қорачорни иницидур, Ҳалоку биле йүлдош бұлуб Эрон вилоятига келиб, Абу Сандхон вафотидин сунг ҳар ким үз түгрисига подшохлиқ даъво қылғыб, амир Чұпон авлоди, Ҳалоку жамъ бұлуб, бир-биrlари била урушыб, ахир барчаси шох Шүжөк құлуда ҳалок бұлды. Машқад ичра бу ўгула мани қорнимда эрди, қочиб бу мақомға келиб, таваллуд тоңти. Бу молларықи бордур, ҳаммасини үзингиз күрдингиз, барчаси бизникуидур. Алхамдулілло, молимиз құбдур, бу ўгулға Қилич Арслон от күйдүм.

Сохібқирон анга Донинмандин ўглон лақаб қўйдилар. Ул хотун айди, ҳар ерга шох Шүжөк одам қўйубдур, тамоми Ҳалокухон авлодидин тобса, үлдүрүр, шул сабабдин изхор қымасман, то ким хабар тоңмасун деб. Илтижо сизға ва йўлдошларингизга бу сирни кишиға айтмасун. Амир мүни эшитиб, құб суюнуб, хурсанд бўлди. Зероки, бу ўгула Сохібқирон афандимизга амакбачча экан. Андин сұнг йўлбаредиң сұрди. Хотун айди, қайси, кун бу ўгул тугиляди, ўщул кун бу йўлбаре ҳам бизни құлға тушти. Мунга сут бериб катта қилдуқ, биздин үзға ерга бормас.

Алқисса, тун ярмиғача сұзланыуб, онаси била ўгул чодирға бордилар, Сохібқирон ҳам уйқуға кетти. ДЕрларким, Ҳожа Ҳасан Аисорий қанча газални Қилич Арслон шанига дебдурлар. Мазмунни будур.

Н а з м :

Хизабр ким, оти Қилич Арслон,
Ани курган әл дер чу шери жаён.
Қўлинни узатса кўк узра агар,
Кавоқиб тўқуулур эди саросар.
Кишиға агар зарра аччиғ этар,
Нафсида олиб, аждаҳодек ютар.
Билинг, жанг аро кирса йўлбарс қаби.
Қўрунмас эди анга ўнг ва чаби.
Агар наъра тортиб, қилинса масоф,
Эшитса, ҳалокат топар эрди Қоф.
Дей, ҳар кокили бир каманд бало,
Яна тора мўйини бир аждаҳо.
Жиҳод бешасида бўлуб шердек,
Қилиб шерларни қора ердек.
Денгизда нағанг, даштда қоплон дегил.

*Күзини кийиж, ўзин арслон дегил.
Қошини қилич де, мижжа чун җаданг.
Юзи түлғон ойдек, үзи шіхұш шанг.
Анга әл чу парвона ул сирож,
Халоку нахожду Темүчин нахож.
Баҳодурлықи әрди Рустам мисол,
Топубдур бу үгүлни дүнёи Зол.*

Алқисса, ул кече Соҳибқирон күрдикі, тогдии тош юмаланиб тушибдур, оғирилиқи путқа яқын келур. Амир секин они күтариб йүлбарсни қуйруғини устига қўйди. Йүлбарс қуйруғин тортиб ололмай нола қилди. Қилич Арслон туруб тошни бир чаккага олиб ташлади, яна жойига борди. Йүлбарс бу ишіга кина қилиб, Амир мулоғимларидин бирини пора қилди. Амир, Филхол, ул йүлбарсни икки бүлуб ташлади. Тонг отқондин сұнг, Қилич Арслон күрсаким, йүлбарс ҳалок бүлубдур. Айди, бу ишни ким қилди? Соҳибқирон «мен қилдим» дедилар. Ул айди, нечук мундай қилдинг? Амир айди, мени йүлдоғимни нобуд қилди, мен ани үлдурдум. Онаси, бу кишини келганини воқеаси бор, деб қасам бердилар. Амир лоилож ўзини билдурди. Филхол, Қилич Арслон аслаха-яроғларини тоқинуб, наизасини құлиға олиб, Амир ҳам мусаллих бүлуб, отларига минуб, икки тарафдин шавқун солиб, бирдан наизабоалиқ қилиб, Амирға наиза солди. Амир чап бериб, наиза солиб эрди, орқасидин яна солди, мулоғимлар фарёд қилдилар. Ҳозир бүл деб. Амир отин ёлиға ёпушти, наиза бориб тошқа тегиб, икки қориш ботти, яна тортиб олиб, наиза солди. Амир наиззани ўтқузуб, қилич солди, ёсига тегиб, богидин узилди. Яна Амирға Қилич Арслон қилич солди, Амир саросима бүлуб, шошиб бу ҳам қилич солди. Бир-бириға тегиб, қиличи иккови ҳам синди. Онаси муни күруб, айди: эй яратган тапгрим, сенға сигиндим, ўглумни ўзингга тобшурдум, бу сифатда талошмоқни күргоним йўқ, ўзинг обрў бергил деб муножотда эрди, бу икковлари бир-бирини сиқишиб, яқосидин ушилашиб, силтошиб эрдилар. Қилич Арслонни оти тоб келтурмай, йиқилуб бүйни синди, таноси отни остида қолди (Амир хоҳладики Қилич Арслонни боғласа), бир силкитуб отини жасадини ўн қадам ерга юборди. Амир айди:

Байт:

*Ким жаҳонда күб күруб неча баҳодур, паҳлавон,
Бу үгүлдек күрмадим ҳеч паҳлавон то бу замон.*

Сүнгра Амирни белидин тутуб, икковлари яёвлик ҳолда толошқа муқаййид бүлдилар. Лекин Амирни бир құлу бир оёглари айдак нокор эрди. Шундок ҳам бүлса, кеч вақтигача талош қандилар. Амирни холи зиқлиқта қолиб, хожам Баҳовуддинни қүнглуга олиб, илтижода бүлдилар. Бу байтни айдилар:

Назм:

Құлум олинг, ё пириң, менда қувват қолмади,
Йұлға солинг, ё пириң, менда ғайрат қолмади.

Соҳибқирон пирларни йўқлаб, анда дедилар:

Назар айланг, ё пириң менда ҳиммат қолмади.

Филҳол, Нақшанд пиримга аён бўлуб, икковини бориб қўлтуғидин олиб, ер узра оттилар. Амир йиқилдим деб гумон қиласа. Қилич Арслонни кўкси узра ўлтурубдур. Фарёд қилиб онасини чақирди. Онаси боласига қараб югуруб борур эрди, ул тўқуз мулозим йўлини тўсив, юбормадилар. Шундоқ бўлса ҳам ҳар бирини ҳар ёнға отиб тошлаб борур эрди. Шул вақт узра карнай товуши келиб, Иноқтоз икки минг киши бирла етиб, хизмати Амирға келди. Андин кейин Қилич Арслонни Иноқ қулини боғладилар, онаси муни кўруб, Соҳибқирон қошига келиб айди. Эй Амир Темур афандим, ўғлумга насиҳат қилинг, сизни хизматингизда бўлсун, зероки, икковингиз бир авлоддин бўлурсиз. Анда Қилич Арслон қабул қилиб, Амирға байъат қилди. Соҳибқирон анга либос кийдуруб, меҳрибонлик қилиб, анга баҳодурлик ўринин бериб, мирғазаб қилдилар. Кўрунуш хонада дангал нишин бўлди. Мангу қўлида қиличи яланг эрди. Амир Соҳибқирон ҳар кипига газаб қиласа, филҳол, ани қалам қилур эрди. Андин сўнг Машҳадга мутаважжих бўлдилар.

БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОНГА
МАШҲАД ФАТҲ БЎЛУБ,
ҚИЛИЧ АРСЛОН БИСТОМГА, ШОҲРУХ
ТЎРА САБЗАВОРГА БОРГОНИНИ БАЁНИ

Аммо дерларким, Машҳади муқаддасани чун имом Али Мусо Ризонинг қабри мутаббаруклари анда эрди. Алқисса, мулки Ҳирот, Қандахор ва Ғазиа, бўлар барчаси мусаххара бўлди. Аммо бир тоифа сарбадорон деган эл чиқиб, шайх Ҳасан Жуворий аларни шири эрди. Машҳад ичра муридлари била хуруж қилиб, Бистом ва Сабзавор ва неча шаҳарларни мусаххара қилиб эрдилар. Ул шайхнинг икки ўғли бор эрди, бири Алибек ва бири Валибек эрди. Бистомга Алибекни, Сабзаворга Валибекни ҳоким қилди. Шайх ўз отига сикка қилдуруб, пойтакти Машҳад ичра эрди. Ровий айтурким, Абу Саъидхон улгандин сўнг, ўттиз йилгача мамлакатлар андог безобита бўлдиким, ҳар кишига андак қувват бўлса подшоҳлиқ даъво қила бошлиди. Давлати Темурий қўёшдек тулуғ қилғоч, барчалари юлдуз каби музмаҳил бўлдилар. Бу тоифаларни на учун Сарбадорон дерларким, ҳар вақт қайси жойга хуруж қиссалар салла ва жомаларини дорға осиб қўёрдилар, ишорат шу эрдиким, қайси биримиз қўлларингга тушсак, бошимизни жома каби ос, ихтиёрииг нима бўлса, қилғил. Анда Соҳибқирон

Донинманбекни Бистом ва Дамгои ва Астрабодга юборди, Мирзо Шохрухни албазоворга юбордилар. Ўзлари Машҳад сарига юзландилар. Аммо Донинманбек кечаси бирла юруб, ярим кечада Бистом ёқосига етиб, бир кишини тошиб келтурдилар. Үл айди, Алибек богида ишрат узрадур, деди. Филҳол, келиб мастилик ҳолида тутуб, боғладилар. Бистом ўнал кеча фатҳ бўлди. Андин Дамгонга бордилар. Үл шаҳр одамлари итоат қилдилар. Астрабодни ҳам олиб, Сарахе йўли бирла Машҳадга қайтиб келдилар. Аммо Мирзо Шохрух тўра Сабзаворга бориб, Валибек эшитиб, отлануб чиқиб, жаангга муқайийид бўлдилар, акнун, голиб келиб, одамлар қочиб, Сабзаворни фатҳ айлаб, Валибекни қўяга тушуруб, иккала ога-инини Амир хизматига келтурдилар. Икковин Амир Шохрухга тобшуруб, бир-бирига қўшуулмасун дедилар. Машҳадни қамаб эрдилар, Валибек тўрага илтижо қилди, қардошимни қўрайин, деб. Тўра икковини бир ерга келтурди. Иккиси ниҳон кенгаш қилиб, икки минг асир бўлгон аскар била миразога арз қилдилар, нима қилди, отамиз қилди, бизларда гуноҳ йўқ, ёзуқимиздин ўтунг, бизлар сизларни жиловингизда бўлуб, қилич урайлук деб қасам ичтилар. Тўра келиб отасидин шафөъ бўлуб, тилади. Амир ҳарчанд манъ қилдилар, тўра буларга кафил бўлуб, чодир бериб, икки минг кишини банддин чиқориб, либослар марҳамат қилиб эрди. Алар отасига ёнурун нома юборди, фалон кеча, фалон маваеъда тайёр бўлуб туурмиз, деб. Эшитуб, шайх, филҳол, хат қилиб, асонинг ичига солиб бир кишидин бериб юборди. Үл Иноқ павкарларига дуч келди, бири бир урди, ул ҳам асони кўтариб урай деса, асо синуб, ичидин хат зоҳир бўлди. Хатни Иноқга келтуруб бердилар. Иноқ Амирга маълум қилди. Амир Шохрухни чақириб, хатни қўреатти. Айди, эй ўглум, хатингиз келибдур, фалон кеча тайёр бўлурсиз?! Тўра изза тортиб, кўб ўёлди. Айди, эй отажон, мен қайдин билойин булар макрини?! Соҳибқирон табассум қилиб айди: Эй ўглум, албатта, дўст ким, душман ким, эл ким, ёв ким, муни фарқ қилинг. Амир буюрдикни, Алибек, Валибекни икки минг кишиси била боғладилар.

Алқисса, Алибек отасига нома юбориб, келинг деб таъйин қиласон куни кечқурун нома келтургон кишига бош-оғр хилъат бериб, шайх беадад сарбадорон била шаҳар дарвозасидин чиқа бошладилар. Бул тарафда Амир булардии огоҳ бўлуб аскарларини бир ёқога олиб, беркитуб турдилар. Шайхин қушуни барчаси тоъник эрди, буларни чаккасидин мол-амволларини олиб, отларига юклаб, бир тарафдии карнай тортиб кела берди. Филҳол Амирии қўшиуллари тўрт бўлунуб, торт тарафдии карнай товуни чиқиб эрди, шайх ўз ўгулларим деб ақида қилди, қўреаким, Амир Темур ёкаридур, ўғлидин ном-нишон йўқ. Филҳол, сарбадарон қоча бошладилар, шайх ўзи яёв қолиб, Машҳад ичра қочиб кирди, орқасидин Амир Темур аскари била қувват кируб, андок ҳангомалар бўлдики, кўб одамлар жасад шаҳристонидин адам чулистонига юз қўйдилар деган била сифати адo бўлмас. Шайх келиб Имом Али Мусо Ризонинг қабри шарифларига беркинди. Ҳар киши ул зоти боборакат равзани мутаббарукларига кириб, чиқмасидин илгари мақсадига етар эрди.

Баъзи ўзбак беодобона бориб, филҳол, бўйни узилди. Уч кунгача шайх анда бўлди. Бир кеча тушида юзи узра қизил лунги эрди, қазодин бир уқоб учуб келиб, лунгини гўшт хаёл қилиб, анинг юзини жароҳат қилди. Шайх ушбу алам била вафот тобти, ўшал ерга дағи эттилар. Икки ўғлини отасини орқасидин адам саҳросига юбориб, икки мингга яқин қавмини ҳам қатл айладилар. Алар ҳам адам биёбонига кетти. Ул қиши Машҳад ичра туруб, баҳорға Нишопурга юзландилар. Ул вилоятлар шоҳ Шужоъга тааллуқ эрди, ул Ол Музаффардин бўлур.

БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН ЎҒЛИ УМАРШАЙХ ТЎРА ШОҲ, ШУЖОЪФА ЭЛЧИ БЎЛУБ БОРГОНИНИ БАЁНИ

Аммо шул вақт узра хабар келдики, шоҳ Шужоъдин элчи келди, деб. Ул элчи хожа Абдураҳмон ибн хожа Абдулқодирким, таърих китобларни тасниф қилғон, яна ҳазрат амир Ҳамзай соҳибқирон, яъни ум расул акром соллоллоҳу алайҳи васаллам қиссаларин тасниф ила тасҳих қилғон эрдилар. Ул киши кўб фозил эрди. Шоҳ Шужоъ хизматида туур әрдилар. Аммо дерларким, шоҳ Шужоъ қардоши Маҳмуд шоҳ вафоти вақтида бу рубоййни шоҳ Шужоъ хизматига ёзиб юбориб эрди.

Б а й т :

Эй шоҳ Шужоъ, давлат манику бўлур, дема,
Маҳмуд, ворис ўлмогим ушбу бўлур, дема.
Келдинг жаҳонга икки кун, уч кун туруб яна
Мулки адамга бормоғим обрў бўлур, дема.

Жавоби шоҳ Шужоъ.

Р у б о и й :

Маҳмуд биродарим мани шоғлиқда шер эрди,
Мулким олиб, яна манга кинлиқда дер эди:
Олсам томоми мулкини етмай муродиға,
Мен ер юзида таҳт узра, ул таҳти ер эди.

Алқисса, анда Амир олтмиш шиговулға тобшурди. Келғондин сўнг хожани элчиҳонага келтурдилар. Ўн кундин сўнг кўрунуш қилдилар зероки мунда кишварқушоликни ороста қилиб эрдилар. Анда хожа Абдураҳмон номани чиқариб Амир Соҳибқиронга бердилар. Ўқуб кўрсалар ёзибдурки, «ана Жалал ид дини Абул-л-фавориси шаҳи Шужоъу хаза—л мазкуру иншоъа китобати ҳува-лаҳи улқаййуму ло илаҳа иллаҳа ҳува-л ҳакимув ва илаҳа тур жаъвуна мамлакат паноҳ маъдалат шиор, макрамат осор, бузурги комгор, гардун иқтидор, шаҳвори адл, эҳсон жобира замин ва замон, иноят мулки дайён қутб ал ҳақ ва ад-дунё вад-дин саййид Амир Темур кўрагон халлада оллоҳу мулкау ва салтанату нома тамом, вассалом.» Кейнига ушбу қитъани ёзиб дедики:

Қитъа:

Абул фавориси даврон, манам Шужоъи замон.
Ки наъли маркаби ман тожи Қайсар эрди ҳамон.
Оталар ўтти жаҳондин, ки бизни навбатимиз,
Бирин-бирин ўтамиз, қўймагай бу Зол жаҳон.

Иккинчи қитъа бу эрдики:

Бўйнум қўёй нечун жафои замонага,
Заҳматни тортибон неча бир иши баҳонаға.
Денгиз, тогини кўрдиму не кўрмадим ва лек,
Семурғдек парим куйуб неча ошёнага.
Қўйдум мурод учун оёғ гардун узраким,
Домига кўб илиндилар албатта чу донаға.

Амир Соҳибқирон муни англаб, айдилар: кошки шоир бўлсан эрди, буларга жавоб айтур эрдим. Умаршайх тўра ер ўпуб, жавобга мутасадди бўлди. Амир Соҳибқирон элчига жавоб бериб айдилар, биз ҳам нома юборумиз, қитъаларига жавоб берурмиз. Яна элчи хожага бош-оёғ либос бердилар. Хожа Абдураҳмон шоҳ Шужоъ сарига ёндиilar. Умаршайх номани иншо қилиб, ўшул икки қитъага жавоб аиди. Амир Темур айдилар, ўзиниг элчи бўлуб борурсан. Онларга дегилким, отам сизга айтадурлар, аларни ота-бобоси бизларни ота-бобомизга мулоzим бўлуб ўтганлар, яна сўзим шулки, қачонки ул шаҳрга бординг, кўринуш қилгайсан, қуфл урулгон бир қутини печотлаб бердилар, муни олиб бориб шоҳ Шужоъга бергил, деб.

Алқисса, Мирза Умаршайх тўра фотиҳа олиб, Машҳаддин Шероз жонибига элчилик расми била бориб, Қалот қалъасига яқин еттилар. Анда одамлар Мирзо Умаршайх тўрага айдилар, бу қалъада Рустам бек Бобул, шоҳ Исмоил Сомонийни авлодидинур, мунда беш юз уйлук одам бор, ушбугина фуқарога подшоҳлиқ қилиб, хутба ва сиккани ўз отига қилғондур. Мунга ҳеч кимни кучи етмайдур. Мирзо Умаршайх тўра ҳайрон бўлди. Муни нима илож қилишини билмади. Андин кейин айдилар, кечаси бўйла борурмиз. Андин кейин Умаршайх тўра кечаси бораверди. Қазора, Рустамбек дарвозанинг кунгираси узра лўли бача бирла чагир ичиб ўлтуур эрди, ногоҳ саҳро тарафдин ёввойи эшак лўли бачани кўзига кўрунди. Филҳол, отга миниб, ўшул эшакни олмоқга ўқёсини қўлига олиб, даштга юзланди. Яrim кеча эрдиким, Мирзо Умаршайх тўра муқобилига келиб қолди, ани ушладилар. Отини сўраб эрдилар, отим Рустамбек, деди. Ани ўлдуруб, шаҳрни дарвозасига келдилар. Дарвозани олдида бир одам турубти. Мирзо Умаршайх тўра «ким бўлурсан» дедилар. Ул аиди, «Рустамбек подшоҳ бўлурман», деб ўзини билдуруди. Тўра Рустамбекни тутуб ўлдуруди ва ҳам саркарда ва дарвозабонларни шаҳид қилди. Андин кейин қалъани бузуб кириб, фуқароларни кўчуруб Машҳадга юбордилар. Инданкейин Мирзо Умаршайх тўра Нишопур ва

Исфихондин ўтуб, Шерозга яқин етилар. Амир Соҳибқирон ўғлини қилгон ишини эшитиб таҳсин ва оғарин қилдилар. Анда шоҳ Шужоъ элчиларни келганини эшитиб, олдига одам юбориб, меҳмонхонага таклиф қилди. Анда Мирзо Умаршайх тўра келгон мулозимга айди, мен маъмурдурман, ушибу замон кўрунуш қилгайман. Мулозим бориб, шоҳ Шужоъга айди, шоҳ қабул қилмади, қайтиб келиб Мирзо Умаршайх тўрага айди, қирқ куидин кейин бекимизга кўрунуш бергайсан. Андин кейин Мирзо Умаршайх тўрани аччиги келиб, келган мулозимни бир уруб қалам қилди. Кейин номани Чингизхон элчиларини расмига ўҳшатиб, номани бошига қўйуб, баргоҳга борди. Айди, шоҳ Шужоъ чиққайму ё ўзим ҳарамга кирайму? Бул сўзни шоҳ Шужоъ эшитиб айдики, олдига чиқарман, мабода ҳарба қилмасун. Мирзо Умаршайх тўра. «ҳарба қилмагайман», деди.

Соатидин кейин шоҳ Шужоъ ҳарамдин чиқиб, таҳт узра келиб ўлтурди. Мирзо Умаршайх тўра келиб салом қилди. Андин кейин айди, эй шоҳим бизни подшоҳимиз сизга нома била кўб-кўб сўзлар деди. Шоҳ Шужоъ надимларидин бири айди, ҳар сўз бўлса, лозимким, билдурсанг. Филҳол таъзим била тўра бошидин олиб шоҳ Шужоъга узотти. Шоҳ Шужоъдин илгари вазири хоҳласаким. қўлига олиб шоҳга берса. Мирзо Умаршайх тўра шоҳ Шужоъни ўз қўлига олиб бориб берди. Айди, эй тақсир, афандим, балким, номани жаҳрийя ўқунг. Андин кейин подшоҳ овозини чиқориб ўқиди. Ҳамд била наътдин кейин айтибдурким, калом ва салом айн Абдулло, яъни яратган қулидин сўзум шулки, ҳукми шариъат бирла бу мамлакатлар манга мероси ҳалолдур, сенинг бобонг Муҳаммад Музаффар бизни бобомиз Абу Саъидхонға навкар эрди. Алар ўлгандин кейин сани отанг даъвои подшоҳлиқ қилибдур, холо, бу мулкларни манга берғил. Бу мамлакатларга ман мустаҳқидурман. Иккинчи нома ёзибдурким, салом биздин ўшул шоҳ Шужоъ ва ул Хисрави гардунпаноҳ, ўшул молик мулки фикоб ва ул шоҳи ноёб ва ул тўти хуш мақол давлат фалакида ҳилол, ўшул молики мулки, жаҳон ва ул аноидили бўстон ва ул подшиҳ Абулфаворис Жалолиддин шоҳ Шужоъга сўзимиз шулким, бу китъани деган эканлар.

Қитъа:

Абулфавориси даврон манам, Шужоъни замон,
Ки наъли марқаби ман тожи Қайсар эрди ҳамон.
Оталар ўтти жаҳондин ки бизни навбатимиз.
Бирин-бирин ўтамиз, қўймагай бу Зол жаҳон.

Анга жавобга муни деди.

Қитъа:

Ўзунгга мунча сифат қўйма, эй улус шоҳи,
Жаҳондин ўтти Қаёнийлар бори, тутуб роҳи.

*Жаҳон улуглари, фозиллар ила донолар—
Бори бирин-бирин ўтти, сан ўлғил огоҳи.*

Иккинчи қитъа:

*Бўйним қўёй нечун жафои замонаға,
Заҳматни тортибон неча бир иш баҳонаға.
Денгиз, тогини кўрдиму не кўрмадим валек,
Семурғдер парим куйуб неча ошёнаға,
Кўйдум мурод учун оёғ гардун узраким,
Домига куб илиндилар албатта чу донаға.*

Мунинг жавобига бу газални айди:

Китъа:

*Қўрсанг жаҳон жафосини фикр ила қўй бўйин,
Тонгла келурни ўйласанг, фикр айла, қўй ўйин.
Денгиз, тогни кўрмадинг сен, кўрдугунг ўрин.
Семурғдек куйуб қанот, аъзоларинг, кўйин,
Бу куйганингиз демагил тонгла бўлуб иссиғ,
Бош қайкағай, оёғ куйуб, тер оқса ҳар мўйин.*

Яна байт:

*Эрон бирла Туронни демангиз тенг,
Эрондин бир эзур, Турондин минг.*

Мунинг маъниси шулким, Эрондин бир киши ишни жойига келтургунча, Турондин минг киши ишни юзага чиқарадур. Шоҳ мунинг фасоҳотига ҳайрон бўлди. Умаршайх тўра, филҳол, Соҳибқирон берган қутини қўлтуғидин олиб, шоҳға берди. Шоҳ Шужоъ очиб қўрсаким, бир қабза туфроқ бирла неча тола соқол оқидур. Ишорат шунгаким, оқарғон соқолинг туфроқға қўшулгай, нечукким, шоҳ қари киши эрди. Шоҳ айди, бу юртларни мани оталарим зўр бирла олғондур, ҳар ким олса, зўр бирла олур. Жавоби шул бўлди. Сўнгра бош-оёғ либослар берди. Умаршайх либосни ўшал замон шоҳ назарида ясовулларни бирига берди. Ул куни Мирзо Умаршайх тўра ражъят қилди, бу каби ишни ҳеч элчи қилғон эмас. Аммо шоҳ Шужоъ мутшоъи эрдиким қирқ йилгача ҳеч киши шароб, чоғирни билмадилар. Ўгуллар оталаридин сўрадиким, шароб қандай нарса деб. Аммо Умаршайх тўра отасини қошиға Машҳад узра келди, ўтган воқеани баён қилди, беклар таҳсин қилуб, Амир Соҳибқиронга айдилар, эй Соҳибқирон афандим, не учун ўзга кишини элчиликга юбормассиз? Амир айдилар, ҳар нима бўлса, ўғлум бўлсун, ўзгаға оғат етмасун.

БУ ДОСТОНДА АМИР СОХИБҚИРОН САЙИД
УЛ ҲОҚОН ЯҢИ ИСКАНДАРИ
СОНИЙ АМИР ТЕМУР КҮРАГАНОННИ
ЗАҲАР ИЧГАНЛАРИ ВА
НИШОПУР ЕҚАСИНДА ЧИҒАТОЙ
СИНОҲЛАРИ МАЖРУХ БЎЛУБ,
МАВР ОТЛИҒ ШАҲРФА ҚАМАЛГОНЛАРИНИ
БАЁНИ

Аммо Умаршайх тўра элчилиқ қилуб, қайтуб келуб эрди. Андин кейин шоҳ Шужоъ Мехдаб Лўр отлиғ баҳодурга икки юз минг кишини қўпуб, Нишонурга юборди. Ул Мехдаб Лўр Малук говпора наслиндин эрди. Анга бир совут ҳазрат Али, карам олло важих¹, афандимиздин ёдгорлик қолиб эрди. Кийганда миљтиқ таъсир қилмас эрди. Алқисса, Соҳибқирон Машҳадга бировни валий қилуб ўзлари аркани давлат бирла Нишонур сарига юзландилар. Шаҳрга яқин етгач, Нишонур ҳокими шаҳрни ташлаб қочти. Анда шайх Саъид Атторким, ҳазрат шайх Аттор валини набиралари эрди. Нишонур одамлари шайхга келуб, шафेъ бўлунг, дедилар. Нечунким, Нишонур элиндин етти лак таңга асокир мададига талаб қилуб эрди. Шайх Амирни кўргали келди. Амир шайхга туруб салом берди. Шайх элга шафеъ бўлди, Амир айдилар, эй шайх афандим, сизга бу ишни нима кераги бор, деб. Шайх сўзини қўлоқга олмади. Шул ҳолда хабар келдиким, Мехдаб Лўр ботир яқин етти, деб. Мирзо Шоҳруҳ тўра, қирқ минг киши анинг қопига жанг қилголи бормоқ бўлди. Амир айди, эй ўглум, алар жангга муқайид бўлмагунча гар зафар тобсанг, аларга омон бергил. Андин кейин Мирзо Шоҳруҳ тўрани Мозандарон узра ашраф пойтактига эллик минг кишини рафиқ қилуб юбормоқ бўлдилар. Айдилар, эй нуридийдам, зинҳор bog-бўстонларни вайрон қилмагил, ёш бачалар қўлга тушса, асир қилмагил, авратлар қўлга келса, асокирга айтгил, фасод қилмасунлар, шароб ичмагил, кўб ухламагил.

Сўнгра иккала тўра жўнаб кеттилар. Умаршайх отаси қошинда қолди. Андин сўнг, Амир хотирига келдиким, шайх Саъид шафоат учун манга келуб, хафа бўлуб, қайtti, деб шайх Аттор валининг қабри шарифларига зиёратга бордилар. Шайх кўнглида кинаси бор эрди, Амирни зиёфат қилмоқ бўлуб, сут ичра оғу солиб берди. Амир ичтилар, сўнгра билдиларки, оғу экан. Элга билдурмай, тахаммул бирла ўлтурдилар. Шайх, берган заҳрим таъсир қилмади, деб иштибоҳда қолди. Аммо шайх қўрқонидин ҳаргиз сўзлаёлмади. Амир ҳарамга қайтуб келуб, ҳеч кинига матълум қилмай, Иноқ бирла Умаршайх тўрани келтуруб, сирларини баён қилдилар. Икковлари йиглади. Умаро, бекларни бир-бир талаб қилдилар. Ўз ўриига оид бўлди. Ногоҳ шуҳрат бўлдиким, Амир Темур оғу ичибдур деб. Ҷаламуслар эпитетуб, кечи била Нишонур бозорини талон қилдилар. Сўнгра шайх, Амир Темурга мен оғу бердим, деб

¹Оалоҳ уз висоли или уин мукаррам қиссин.

матълум қиади. Соҳибқирон синоҳдари эшитуб, шайхни бориб горат қилдилар. Ул кеча Нишонурга одамлар бир кишини ҳоким мұқаррар қилдилар. Ул кеча Соҳибқирон қүшунлари ҳар тарафға тарқалып кетаверди. Нишонур одамлари қайу ерда бұлса тошиб көлтуруб үлдиравердилар. Ул кеча яна таажжұб ёмгурлар ёға бошлади. Умаршайх тұра құб әз ва улус бираа Соҳибқиронни атрофини олиб тұхтадилар. Ёмгур босилгач, бир тарафдан машъыл күрунди, гүмөн қиадиларким, ёв келди, деб. Аммо Соҳибқирон үзәридин дам-бадам кетиб қолур әрдилар. Умаршайх тұра бориб күрунган машъын үйдін түеди. Құрдиким, құнғироқ бираа қачир келадур. Вакти бұлуб, кариай торттылар, не ахводи матълум бўлмади. Ахир, Умаршайх тұра айди, сиз қандай кинисиз, датвойи жант қизурмусиз? Яқин етгач, қўрдиким, алар бошлагути оқсоқолли кини. Умаршайх тұрадин сұради, сизлар қандай кини? Бу айди. Соҳибқирон аскаридин бўлтурмиз. Ул кини айди. Соҳибқирон тирикму ё үлукму? Умаршайх тұра, Соҳибқиронга нима бўлудур. деди. Яна ул кини айди, мен хожа Мухаммад Порсө-хожам Баҳовуддин мурдалиридин бўзурман, ул зот менга деб әрдилар. Амир Темур қошига боргил, анга муходиблар огу берадур, ушбу ийтобамни анга бергил, сувга ювуб, исчеси, огу ондин кутарилгай дедилар. Анда Амир қошига келдилар, булар Мовароуниаҳр кофиласи әрдилар, кариай чалғонлари сабаби ҳарифни хавфидин әрди. Сўнгра Нақшбанд берган лўнгиларини бердилар, андин ишор иси келур, сувга чойуб Амирга ичурдилар. Огу Соҳибқирон тириғларигича таъсир қилғон әрди. Рутубатни ўнка, багир ва талог ва аҳшоплардин кўтарди. Филҳол, Амирни андак кўзи очилди. Тоғласи хожа Мухаммад Порсөни қофила жамоаси била Амир талаб қилдилар. Аларға айдилар, агар Нишонурга кирсангиз, одамларга биздин гафурманг, биз үзимизни тайёр қилуб, ишполлоҳи таола, ёв қошига борурмиз деб. Хожа бирла қофилани жўнаттилар. Амир аскарларидин бир нечаси биёбонларда аданиб, чўядин-чўл кезуб, алъаташ шавқунлари асокирдин чиқуб. Марвга яқин бордилар. Сувсогонларидин лаблари куруб, тиллари оғзига симай ўлмакка яқин етуб, Амир ҳам тахтиравон бирла ушбу қүшун орқасидин ахтариб ушбу ерда тоунитилар. Анда Амир бир мавзетни кўрдилар, яниаб ут курунур, неча чумчуқлар чулдираб. учуб-қўнуб турурлар. Андин үзга ерда кўкарган дараҳт йўқ. Соҳибқирон буюруб, ани кавладилар. Бир тахта тои курунди. Тоини олиб әрдилар, остидин сув чиқти, барчадари ичуб, мамниу булдилар. Мавлоно Шароғ Ядий дерларким, Чингизхон вақтинда ул булогни аният амри биша беркитуб қўйғон әрдилар. Ул ерда Марв эски шаҳар әрди, Чингизхон хароб қиласуб, қўргонлари батъзи ери бузулуб, батъзи жойлари бутун әрди. Дерларким, Мирзо Шоҳруҳ тұра Соҳибқирон вафотидин кейин салтанат тахтига ултурғон вақтида ани обод қиласуб әрди. Алқисса, Соҳибқирон аекири бирла анга кируг, қарор олдилар. Булар мунда туресун, эмди еузни Мирзо Шоҳруҳ тұрадин эшитунг. Мирзо Шоҳруҳ тұра аскар бираа бир тогни бағридин келуб, Мехдаб мұқобиалига кўрунуб қолди. Уч кунгача иккала синоҳ саф bogладилар. Ҳануз иккала

қүшунлар ҳарба қылғонлари йүқ әрди. Овоза бұлуб әшитилдиким, Амир Темурга огу берібдулар деб. Үшул вақт сафар ойи, чаҳоршанба куни әрди. Тұра хайрат бармогин тишлади, аскари мушавваш бұлуб, бир мавзеъни жой қилуб, қарор олдилар. Хабари ароқиғ келуб, яғни тайини йүқ сұз әшитилуб, Меҳдаб Лұрни қулоқиға, мухолиғлардин Амир Темур үлди, деб хабар етти, аскарини олиб бирдан жаңға кирди. Миразони аскари андоғ қирилдиким, қонлар жилем-жилем бұлуб оқаверди, ажал деңқони жасад фалакиндин калда ҳандалакини узуб, фалокат аравосига ортаверди. Бошлар сой тошларидек бұлуб, жасадлар ханнот қоғидек тұда-тұда түфлануб қолаверди. Қазо вагончиси адам релига бу юкларни солаверди. Андоғ жаңғ бұлдиким, тұра құлинда қилич, ярим кечагача ёлғуз үзи қолди. Охир, күрдиким, қочмоқдин үзға иложқ үйқтур, ёв күб бұлуб ғолиб бўлса, қочмоғлуқ баҳодурлиқдин, деб тұра бир тарағға уруб кетти. Тонг отғоч, туркмон әлиға еттилар. Аларни улуги Салимбек әрди, тұрадин сұрди, ким бўлурсан? Тұра айди, Меҳдаб Лұр синоҳисидин бўлурман, жаңгдин келурман. Анда тұраны узуқунда отини ёзуқлу кўруб, уйқусинда бойлаб, тонгласи отқа ортиб, шоҳ Шужоъ қошига юбормоқ бўлди.

Аммо тұранинг аскарини барчаси ҳалок бұлуб әрди. Үшул йилда мунаҗжимлар ҳам айтиб әрдиким, сичқон йили туғилғон бу йил наҳс деб. Соҳибқирон қабул қылмаб әрди. Андин кейин Меҳдаб Лұр Нишопурға келди. Әшиттиқим, шайх ва үзға одамларни молини Амир темур олибдур деб. Үл ҳам Нишопурдин ахча талаб қилуб айди, Амир Темурға әл бұлуб, мол берурсиз, менга ҳам бергайсиз, бўлмаса барчинғизни қатли ом қилурман. Анда баъзилари Соҳибқиронга беріб әрдилар, яна баъзилари Меҳдаб Лұрга бердилар. Үл йил Нишопур әлиға кўб таажжуб зулмлар бўлди. Аммо қофила бошини чорлаб, Соҳибқирон воқеасини сўради. Алар айди, хабаримиз йүқ. Буюрди, амволи қофилаларни талон қилуб олдилар. Мамсуклардин бири айди, менга мол берсанг. Амир Темур хабарини айтurmан, деди. Марв сарига кетгандур. деди. Үл мамсукни ҳам молини олуб, хожа Мұҳаммад Порсони зинданға солуб, Амир жонибға, марвга етуб келди. Соҳибқирон ҳануз шифои комил тобқон йүқ әрди. Меҳдаб Лұр аскари иккى юзга яқин әрди, атрофни үраб олди. Киши кирғузди, айди: Амир Темур мени олдимга чиқсун, мен онинг гунохини шоҳ Шужоъдин тилайин, деди. Соҳибқирон қирқ кун мұхлат сўрадилар, ул қабул қилмай, ҳар кун жаңға талаб бўлур әрди, Қирқ кундин кейин Амир шифо тоғти, амир Чоқуни юбордилар сулҳ қилайлук деб. Меҳдаб Лұр қабул қилди. Лекин қўнглида андак макри бор әрди. Амир кечаси сипоҳларға айдилар, кимдур жонини қавм учун фидо қилгувчи? Барчаларидин садо чиқмади. Учунчидин кейин амир Муъид орлот туруб, ер үпди. Амир юз кишини мунда қўйуб, амир Муъид била жұнаб кеттилар. Анда Амир айди, Эй амир Муъид қардошим, сен уч кунгача таваққуф қилгайсан, иншооллоҳ, мен Нишопур бориб, обру тобқайман. Агар сен ҳам иложини топсанг-қочиб боргайсан, хизматимизда бўлгунгдур, бўлмаса, оллога топшур-

дум, фи омон олло таъоло, деб юз кипини қўйуб Соҳибқирон ўн минг кишини олиб ярим кечада қочтилар. Суръат бирла учунчи кечаси Нишопур ёқосига келиб туштилар. Қўшунларни бир ерга қўйуб, юз киши бирла дарвоза остига келуб, қўргон узра шоту боғлаб, кент ичра тушиб, дарвазабонни ўлдуруб, бирдан қарнай тортиб, аскар келиб, қатли ом қила бошлиди. Қонлар кўча ва ўрамларда оқа бошлиди. Нечаки одамлар вужуд шахристонидин адам чўлистонига юзландилар. Ул йил Нишопурга кўб футур етти. Тонгласи Соҳибқирон таҳт узра ўлтурдилар. Минг кишига яқин ҳалок бўлубдур. Амир Чоқу қолғонларни озод қилуб, таъзири имол қиласу, деди. Бир куни Соҳибқирон кўрдиким, бир хотун отга сув беруб, етаклаб кетуб борур. Ул хотунни эри темурчи эрди. Ани Соҳибқирон келтуруб сўради, нечун хотунинг отга сув берур? Ул айди, сени зулмунгдур. Амир, нечук деди. Темурчи айди, мўгул йигитлариндин бири мени уйимга қочиб кирибдур, хизмат буюрдиким, мени отимга сув бер, деб, мен лоилож хотунимни юбордим. Не учун, мўгул алати соҳиб таадди бўлур, агар мен чиқсан, хотунимга хиёнат қилур ва алар хотунимни олиб чиқсан, уйимга хиёнат қилур деб, ўзум уйда бўлуб, хотунимни сувга чиқордим. Аниг сўзи Соҳибқиронга таъсир қилди, сўнгра аҳд қилдиким, мундин кейин қайси вилоят мусаххара бўлса, шаҳр ичра асосиридин кирғузмайлук деб. Нишопур одамларини озод қилди.

Эмди сўзни амир Муъид бирла Меҳдаб Лўр ботирдин эшитмак керак. Аммо Меҳдаб Лўр ботир ул эски шаҳр ёқосинда туруб, Соҳибқирон кетғанидин хабари йўқ эрди. Ҳар кун киши юборса, амир Муъид, бу кун соати эмас, тонғла кел деб юрди. Ахир, Меҳдаб Лўр билдиким, Соҳибқирон йўқтур. Бирдан шавқун солиб, қўргонға узини урди. Амир Муъид қўргонни Нахруҳ ериндин уруб кочти. Меҳдаб Лўр ботир қувуб, уруб келаверди. Тўқсон уч киши ҳалок бўлуб, адам саҳросига юз қўйдилар. Етти киши била амир Муъид қочиб Хоразм қумзорига бордилар. Меҳдаб Лўр қўшун бирла бул ҳам орқасидин борди. Анда бир тарафдин тутун чиқа берди. Ул ерда бир эски қаср бор эрди. Дерларким, ул қаср хожа Сулаймон Кесардин қолғон эрди. Ул тутун анда бир тош уйдин чиқуб турур. Икки киши ул уйда ўлтурубдур. Булар ани овоз қилуб, қичқурдилар. Иккови овозини чиқормади. Қазора, ўрамда бир минораи қора кўрунди. Билдиларким, аждарҳо турур. Меҳдаб Лўр ботир ани рад қилмоқға муқайийид бўлди. Аждаҳо они нафси сулуқига торти. Яна бир зўр уруб неча кишиларни оти ва яроги бирла ютуб юборди. Асосир баъзилари қочиб Нишопурга кеттилар. Андин нечакари чўлларда қолиб, сувсаб ҳалок бўлдилар, бул ҳам Амир Темур болидур. Нишопур борғонлар Амир қўлига асир бўлди. Алардин Соҳибқирон амир Муъидни сурдилар. Асиrlар айди, амир Муъидни ҳарчанд ахтариб тополмадук. Аммо Меҳдаб Лўр кўб кишилар бирла аждар комига кеттилар. Соҳибқирон айди, амир Муъид менга жонин фидо қилуб эрди, иншоolloҳ, умидим тангри таолодин яна они соғ-саломат кўрсам керак.

Алқисса, амир Муъид етти киши бирла Хоразм даити узра

құмда юруб, бир маконга келдилар. Эшикниң бұсагасини күрдиларқим, етти филиззатдин ясагон. Үл бұсагада амир Або Мұслимни болтасини зарб таъсири бор әрди. Үл эшикни Або Мұслим қалам қилуб, анда етти жойни вайрон қилғон әрди. Андин бир булог ёқосига келдилар. Бир ҳовузни күрдилар. Үзра бир тахта тош ёайлғонким, ушбу парилар маконидур, мунда Або Мұслим келиб-кетгандур деб. Үл кечә амир Мұъид анда туруб, асокир жинларни күрдиларқим, бүйлари қисқа, барчаси рақс құлурлар. Тонгласи андин бир жойга келдилар. Ҳар жойи одамларни күрдилар, бир ерга жамъ бұлуб, ораларинда бир йигит, ранғги тағиір топуб, қорайбидур. Аниң қошинда бир қогоз, Мироншоқ тұра ушбу киши деб ёзилғон. Сүнгра тонуб чүлдин ҳовуз ёқосига келтурдилар, сув бердилар. Мироншоқ тұра эсі үзіга келди. Андин кейин ҳол сұрашиб, айди: мен Мозандаронға бориб, Ашраф қалъасини фатх қилуб әрдим, чоршанба куни овоза бұлдиким, Амир Темур үлди деб. Ев бирдан келуб, ҳужум қилуб, бизларни үртага олдилар. Алардин қочиб, бул ерга келдүк. Дерларқим, үшал күн Дашиб Қипчоқ узра Тұхтамиш хонга хабар етти. Анда хон Мовароуннахр томонда асокир йигдуруб, отланди. Хабари ароҗиғ яйни беҳуда сұз, таъйини йүқ халқ ичра күб-күб әшитилаверди.

Алқисса, амир Мұъид Соҳибқирон воқеасини бир-бир баён қилди. Мироншоқ тұра отасини ҳаётлигин әшитуб күб суюнуб, хурсанд бўлди. Андин кейин тұра тараддуғ қилиб, эллик минг кишидан беш юз кишини тирик тоғтилар. Қублари үлуб ва баъзилари ҳар жонибға қочиб ва нечалари чүлларда сувсаб ҳалок бўлди. Үшул йилинда Нишопур атрофинда Чигатай аскарииндин ҳисобсиз одамлар үлуб, адам биёбонига юзланди.

Аммо амир Мұъид била Мироншоқ тұра Хоразмга яқын келуб. Нишопурда Соҳибқирон саломатлиғин таъйин билдилар. Тұрт ой үтгандин кейин Соҳибқирон бирла мулоқот бўлдилар. Аммо Мирзо Шоҳруҳдин асло киши бўлмадиким, хабар топиб келтурса.

Эмди Мирзо Шоҳруҳ тұра воқеасидин әшитмак керак.

БҰ ДОСТОНДА МИРЗО ШОҲРУҲ ТҰРА ИБН АМИР ТЕМҮР СУЛТОН ЗАЙНОБИДДИН КИМ, ШОҲ ШУЖОЪНИНГ ҮҒЛИДУР, ОНИНГ БИЛА МУЛОҚОТ БЎЛҒОННИИ БАЁНИ

Алқисса, Мұслим бек, туркменилар улуғи хоҳласаким, Шоҳруҳ тұраны шоҳ Шужоъ қошига олиб борса. Үл күн ҳаво күб иссиг әрди. Борурда йўл узра бир работағ қўндилар. Шоҳруҳ тұраны офтоб рўёға қўйуб, үzlари таом иишурмакга муқайийд бўлдилар. Тұра ҳарчанд нола-зори қилуб, қуёш ҳароратига тоқат қилолмай йиглади, ул золимлар қулоқ солмади. Қазора ул ерда чангалистон бор әрди. Үл ердин одам ёввойи бўйи үн газ, жасади қора, булар қошига келди. Булар нима иш қилса, ул ҳам қила берди. Салимбек қўлига ўқ ёсин тайёр қилуб, анга ўқ отмоқга ҳаракат қилди. Ҳамроҳлари манъ қилдилар, қабул қилмади. Ўқ отти, ўқ келиб

одам ёввойисига тегиб эрди, ул бирдан ҳайқираб шавқун солуб, иргиб бориб, Салимбекни икки бүлуб, андин йўлдошларини барчасини ҳалок этуб, ул одам ёввойиси ўз маконига ёнди. Тўра ани кўруб тангри изау Жалга шукр ва сано юборди. Андин ўзини ишқил узра бир ҳила била олиб, ярим кечагача йўл юрди. Бир гўристонга келди. Кўрдиким, соганада чирог ёниб турур. Андин бир қизни ұликини бир йигит олиб қошига қўйуб, ўзи орқаси бирла деворга суюниб, ўлтуруб, зор-зор йиглаб айттур, эй жону жаҳоним, сен үлік, мен тирик, сенсиз менга тириклик керак эмас. Тўра билдиким, ошиқдур. Аммо, йигит ҳам кўб чиройлик эрди, йиглаб бу пазмни дерким:

Пўлдошим эдинг, бу йўлда, эй моҳ,
Пўлдоши қўйуб, кетарму ҳамроҳ?
Бедорлиққа кетурмадинг тоб,
Шаҳло қўзинг ўлди майли хоб.
Тун сан эдинг мани чирогим,
Рағм эт, мани кўб юракда догоим.
Сен мурда бўлуб ер остидасан,
Ер узра нечук тирик юрай мен?
Ишқ ўтиға ўртаб, куйубман,
Сенсиз ушбу жондин тўйубман,
Ўлмак манга яхшидур бу дамдин,
Тоқат манга қолмади бу ғамдин.
Кокиллари жонимни тузоги,
Бўлдим асир зулфи боғи.

Алқисса, Шоҳруҳ тўра назар қилиб туруб эрди, ул йигит ўлтурган вақтида қиз бурнидин неча қатра қон томуб, қимиirlаб сўзга келди. Ул йигит қўрқуб қочти. Тўра аиди, эй йигит қочмагил, маъшуқандин қўрқмагил. Йигит ҳайратда тўхтади. Тўра аиди, келгил, мани бойлукларимни ешғил, бу қиз ракик сакта дардига гирифтор бўлғон экан, тангри таоло шифо ато қилди, нечук ошиқ киши маъшуқдин қўрқар? Йигит келиб, Шоҳруҳни ешуб, бўшотуб қўйди. Тўра андин сўрдиким, қайдин бўлурсан, деб. Йигит аиди, Оҳангарон қариясиндин, ўзум насли Кова оҳангардин бўлурман. Кованинг ўрни Исфиҳондин эрди. Йигит аиди, бу қария улугини қизидур, мани мунга шавқу завқим бўлур эрди, қазора муни ўлди деб эшишиб, тоб-тоқат қилолмай, қабриға келдим, оллоҳ ал ҳамд,¹ эмди муни ҳаёт тобтим. Андин кейин йигит Шоҳруҳ тўра ном-нишонини сўради. Тўра анга қасам берди, кишига айтмагил деб. Ул йигит анда қасам ичти. Тўра воқеани анга бир-бир баён қилди. Андин кейин ул йигит тўрани ўз юртига олиб борди. Арбобга қизини ракик сактадин тирилуб келгани маълум бўлуб, югурууб хурсандлигдин ул йигитга қизини никоҳ қилуб берди. Шоҳруҳ тўра неча кунлар анда бўлди. Иттифоқо, бир кеча тўра Исфиҳон сарига сайрга чиқуб, сахаргача йўл юруб, бир жойга келуб эрди,

¹ Худога шукр.

икки гуломикүши бир йигитни ариқ ёқосинда йигочга боғлаб, бошига арра қўйуб, арраламакда эрди. Ул айди, эй қуллар, бергаг тузимиз андешасини қилуб, манга жафо қилманг, деб нола била йиглар эрди. Ул йигит хушрўйлиқига : «Темурномай форсий»ни соҳиби хожа Абдуллоҳ Хотифий неча байт айтиб эрдилар. Мазмунни буллур:

Оё, сомиъ эрсанг сўзумни эшит,
Оёғ-қўли боғлу гўзил бир йигит.
Қуёшдек юзи, кўзи чўлфон каби,
Оқиб ёшлари юзга маржон каби.
Қошинда икки қул қора ранги бил,
Қўлға арра олиб икки занги бил.
Йигочга боғлаб у эрни икков,
Боши узра арра қўйуб икки ёв
Анга арра солса чунон Зикриё,
Йигит йиғлаб айтур эди, ё худо,
Нажотимни берғил мани бу замон,
Сигиндим санга, эй худои жаҳон.

Алқисса, Шоҳруҳ тўра аниг ҳолини қуруб, гайрати келуб. югуруб бориб, бирини яроги била икки бўлуб эрди. андин кейин бири қочти. Ани ҳам тош била уруб, ҳалок қилди. Аммо йигит ўзидин кетуб, эрди, соатидин кейин эси ўзига келди. Тўра қўрдиким, арра аниг бошини бир пардасига таъсир қилибдур. Шоҳруҳ тўра бойлукларини ешуб, бошини жароҳатини боғлаб қўйди. Андин сўрдиким, эй нозанин йигит, ким бўлурсан? Йигит айди, аввал ўзингни айгил, кимдурсан, мани бу ишдии најот бердинг, тангри таоло санга жазои касир берсеун. Тўра қўркуб жомни томдин ташлагандек бўлмасун деб айтмади. Сан аввал айгил, деди. Ахир, икковлари ҳам айтмади. Аввали шулки, бир-бirimizni ҳақиқатимиздин хабардор бўлмайлук, бир-birimizni отимизни билмаганимиз хўб. Аммо айди: бир чаккага борайлук. тонг яқиндур. Тўра айди, ман мусофираман, маконим йўқдур. Ул йигит айди: шул ердаги соғанаи эски ичра ухлаюрган, сан бу кун Исфиҳон ичра бозорга бориб, тошчилар растасига киргил. Анда иби Имод отлиг бир шоир киши бор. ўзи кўп бой, ғанидур, тош тараашлаб ўлтурур, анда турууб аниг орқасидин кечқурун ҳовлисига боргил. Аниг эшикига тош била ургил, чиқуб сани ҳар нима ҳақорат қилса, қабул қилғил.

Алқисса, Шоҳруҳ тўра йигитни горга қўйуб, ўзи Исфиҳон шаҳрига келуб, ани сўрғлаб, бозордин тоимай, ҳовлисига келуб. эшикини тоити. Йигит деганидек, тош била андоғ урдиким, ногоҳ бир киши, соқоли оқ, келуб шиддат била сиёсат қилуб, таёқ била тўрани икки-уч уруб сўнгаклари сингудек бўлди, хоҳладики, бул ҳам урса. Лекин йигитни сўзи хотирига келуб, таваққуф қилди. Яна ул қари киши не сабабдин мани эшикини тош била уурсан деб, қулига буюруб, ҳовлисига олиб кирди. Халқ келуб тўрага шафөъ бўлдилар, қабул қилмади. Тўра ичкарига кирса қимматбахо

нимарсалардин полослар солибдур. Ул қари киши тұраға айди, әй нозаның йигит, маңзур тутғил ҳарна санға дедім. Эмди манға келтурған хабарингни айғил. Тұра анға воқеани бир-бир баён қилди. Қари киши тұранинг отини сұради. Ул йигит била ман иккимиз отимизни бир-бirimizға айтмаслиқға ахд қилдук. Анда қари киши айди, борғил кечи бирла ани келтурғил, аннинг сабабидин иншооллоқ сен ҳам соҳиби жоқ бұлгайсан. Андин кейин тұра бориб, ул йигит била ибн Имод уйига келдилар. Анда дағғығам учун «Шоҳнома» и Фирдавсийни мутолаа қилдилар. Андин кейин Шоҳрух тұра йигитте айди, марҳам бұлса әрди, жароҳатингга қүёргө әрдім. Анда тұраға буюрди, бозорға бориб, сабзавор дүкөни қайси деб сұрагил, анда бир күзи күр, сувар киши бордур, Аниң бирла мусофиҳа қылуб, құлинин сиққил. Ул кишини отлари Мавлоно Табибдур, санға марҳам бергайлар. Андин кейин тұра бозорға бориб, ул сувар кишини топти. Аниң била мусофиҳа қилди, ул ичкариға олиб кириб, ҳол ва ахволдин сұрадилар. Тұра воқеани баён қилди. Муни әшитуб, филхол, йиғлаб, тұрадин марҳам беруб юборди. Андин кейин яна йигит тұраға чұнтакидин бир лаълни олиб берди, айди: жавохир бозорига борғил, Мавлоно Құтбиддин Розий кимдурлар, деб сұргил. Агар топсанг, ул кишиға ушбу лаълни берғил. Ул зоти боборакот бу лаълни танусалар, санға күб олтун берсалар керак. Андин кейин лаълни ул зоти боборакоттинг қошларига олиб борди. Ул киши тұрани уйларига олиб келуб айдилар, әй гүзәл йигит, бу лаълни кимдин келтурған бұлсанг, они танидум. Алхамдуилло, ҳануз ул тирик экан, деб күб-күб олтунлар беріб юбордилар. Тұра олтунларни келтурууб топшурдилар, яна ул йигит айди, эмди Мавлоно Музаффар Варзийнинг қошларига борғил, ул киши варзийлар карвонсаройиндадур, аммо шоирлиғда Ҳоқоний Сонийдур дерлар, ҳеч шуаро бирортаси ул кишининг назаридә писанд әмас. Ул зоттинг шеърларини киши фаҳм қилмаганидін девонларини сувга ташлаб әрдилар. Ушбу байти форсий ул кишининг асарындандур.

Назм:

*To man дайну зулғи парози чин ту дидам,
Хар як зики ұариф пазирфат надидам.*

Эмди ул зот ёнида үлтурууб, тизларини босғил. Андин кейин тұра ул саройға келди. Мавлоно Музаффар била мулоқот бұлғып, тизларини бости. Ул зот күб шұхи чолок табъ әрдилар, филхол, тұрууб, тұрани уйларига келтурууб, бош-оёг либос беріб, зиёфат қилдилар. Шоҳрух тұра яна андин ёнуб келди. Аниң бошини күрдиким, соғайибдур, андин кейин бир хат ёзиб тұрадин Сайид Нематуллони хонақохларига юборди. Тұра келуб хонақох ичра кирдиким, бир қари киши соқоллари оқ, нуроний киши хонақохда үлтуруубдурлар. Хатни келтурууб ул зоти боборакотға беріб таъзим ила құлинин алиф-лом қылуб турди. Ул киши хатни үқуб, тангри таолога шукру сапо айдилар, тұра бирла уйларига келуб, етти

Эшикдид ичкарига кирдилар. Айдилар, эй қутлагу мөхмөн, сабр қылурсаң, сани зиёфат қылурман. Кеатирған хатингни жавобини бәлб берурман, деб. Нолос солинган. Сайид ош ва таом көлтурмөңгө мүкайийд булдилар. Тұра ұлтурууб әрли. Мавлоно Имод ва Мовлоно Табиб ва Мавлоно Варзий Сайид Неъматулло қошларига келавердилар. Барчалари Сайидид зиёрет қыздилар. Үл уйни тұрт эшики бор әрди. Нечапеч азизлар келуб, үл уй ичра тұрт юз киши бұлдилар, тұра ҳайрон бұлуб, таажжуб бармоқин тишилаб, айди: эй Сайид афандим, мунда нима маъни бор? Сайид айдилар, көлтурған хатингни жавоби шул туур. Тұра, филхол, турууб йигит қошита келуб, күрган воқеасини анга айди. Үл айди, турғил, иккаламиз үл ерга борурмиз, деди. Иккаласи қүшүлуб Сайид Неъматулло ҳовалиларига келдилар. Үл кишилар барчаси бул йигитни ўртага олиб, тавоф қылдилар, күб олтунларни нисор қылдилар. Шохрух тұрага айди, бу тиілдердің оғыза, нечуқким, мани сабабимдин күб ранжу меңнатлар тортдинг. Баракалло, сани баходурлығинга. Тұра айди, эй қардош жоним, ман бу ишларни тангри иззу жал Ыулиға қылдым, сизлардин мани таъмаим йўқтур, деди. Анда үл турған халойиқ барчалари тұрағыннан ҳимматига таҳсиян ва оғарылар қылдилар. Анда үл айди, нозанин йигит, неча вақтдин бери иккаламиз тануш бұлуб, қардош бұлдуқ, нима бұладур отингни маълум қысанғ? Тұра айди, аввал сан айғыл. Үл йигит айди, мани билсанғ отим Султан Зайнобиддин шох Шукъоғ углидурман, булар мани хуруж қылмогимға рафоқат қылғон кишилардур, отамиз қаріб қолғон кишиидурлар, оғам бор, онинг оти Султан Маҳмуддур. Оғам мани оғам бирла Иефиҳон сақлусига, яъни чегарасига юбориб әрди. Амир Темур бул тарафға келурмии деб. Ман хаёл қылдым оғами үлдүрууб отам ўрнига султон бұлсаң деб. Мундин оғам хабар тонуб, мани ушлаб, қийиқ қылдилар. Мани Иефиҳон акобирларига муруваттам бор әрди. Андин кейин мани иккі құлға буюруб, бир чаккага олиб бориб, мани бойлаб, бошимға арра құйуб, аррапалаб үлдүрмөңда әрди, сан келуб үл балодин мани нақт бердинг. Эмди яна хуруж қылмокға ҳаракат қылурман, кеатғыл, манға қандай кишиидурсан, маълум қылғыл, на ишда юруресан, айғыл. Тұра анга синогорлик қылуб айди, ман Соҳиб ҳидоят ўғли бұлурман, отам Амир Темурға шайх уа ислемдур. Ман отам била андақ ҳодисадин араз қылуб, ҳаж қылмок орзусида борурман. Мани отим Жалолиддиндур. Султан Зайнобиддин муни эшитуб, күб навозишлиар қылуб, хурмат қылди. Андин кейин Амир Темур воқеасиндин, аниңг ўғилларин кайфиятидин ва синохларин ахвояидин сүрди. Тұра айди. Амир Темур адолатлигини ўзига дарбар алғондур. Аниңг ўғиллариннан ҳар бирини сүрсанғ хислат ва фазилати андогдурки, үзүл үған Мирзо Жаҳонғир тұра күб соҳиб әхсан әрди. Үл вафот тоити. Андин кейин Мирзо Умаршайх тұра үз замонини олим ва фозилидур. Андин кейин Мироншох тұра соҳиб ишратдур, андин кейин кенікаси Мирзо Шохрух тұра соҳиб шижақтада, баходур туур. Ман Самарқандда Шохрух тұра бирла кураш олур әдим. Шахзода тұрағыннан сұзига күлуб юборди. Навкарларига қараб дедиким, сизларда ҳам күч ва қувват борму.

Хар қайсилари ўз күчларини зўрлиқларини таъриф қила бошлаб эрдилар, яна тўрага сан нима деюрсан, деди. Тўра айди, мани назаримга булар чумолича кўрунмас. Шаҳзода муни сўзига гайрати келуб, ман била кураш олурмусан, деди. Тўра айди, ҳайю ҳай, эй афандим, сиз бу вилоятларни шаҳзодаси бўлуреиз, ман бир бечора гурбатда қолғон кишидурман. Агар сиз мани йиқитесангиз ҳеч айб йўқтур, ва илло, йиқилсангиз мани ҳалокатга етқузурсиз. Ман хавф қилурман. Шаҳзода аҳд қилдиким, ҳаргиз мундог ишини қилмагайман, чунки мани ҳақимга кўб яхшилиқ қилдинг, ман сани хизматингни адо қиломасман деб.

Алқисса, шаҳзода қўймайин икковлари курашга муқайийид бўлдилар. Соатидин кейин шаҳзодани Мирао Шоҳруҳ тўра кўтариб, андог урдиким, барча кўрганлар ҳайрат бармоқин тишладилар. Шаҳзода камоли қаҳридин аччиғи келуб, буюрдиким, бу мусофирии ўлдуринг деб. Сайид Неъматулло филҳол туруб манъ қилдилар, айдилар, эй шаҳзода, аҳдингни синдумрагилки, бу санга айби куллийдур, олам барчасига назидинг ёмонлиқга йиртилур, эронлар иши бу эмас, бу йигитни қилғон яхшилигини асло хотирингдин юбормагил, дедилар. Ўртада печа куилар ўтгандин кейин, бир кеча айди: одам борму, айёрлиқ била мани оғамнинг бошини келтурса? Ҳеч кимдин овоз чиқмади, тўра иргиб турууб, таъзим қилуб, фотиҳа талаб қилди. Ул кеча тўра ўрда сарига келуб, ухлаб ётган ерига девордин тушуб бориб, ҳарамига келуб, султон Маҳмуд кўкенига мисуб, уйготиб, бошин талаб қилуб, кесуб, султон Зайнобиддин қошига келтурди. Шаҳзода бошини кўруб, ўниддин бир сакраб ўлтурди. Тонгла халқ хабар топиб, ҳайрон бўлдилар, кимни тўра кўтариб ва кимни салтанат тахтига ўтқузсалар?! Анда султон Зайнобиддин карнай тортурууб, умаро, бекларни йигуб, таҳт узра қарор олди. Шоҳруҳ тўрага юқори мақомдин ўрун кўрсатти. Неча кун ўтгандин кейин хабар эшитилдиким, Амир Темурни Марвда Меҳдаб Йўр ўлдурубдур деб. Муни англаб тўра йиглайверди. Султон аининг сабабини сўрди, айтмади. Тўра хафа бўлуб, доим гам ва қайғуда бўлди. Мунинг сирини билмакга Сайид Неъматулло айдилар, киши бўлса, бойқуни юракини келтурса, анда хосияти бордур. Филҳол, ани тонуб келтурдилар. Тўра ухлаб ётган вақтида ул юракни кўксига қўйдилар. Анда уйқусираф ўзини Амир Темур ўғли Шоҳруҳ тўра эканлигини сўзлайверди. Барча билдиларким, бу мусофири йигит, жулуси айвонлигда, асволи кайвонлиқда Амир Темурни ўглидур. Тўрани барҳам бермоқнинг нойига туштилар. Тўра буларни феъл-авторини англаб, бир кечаси била қочиб, отасини хизматига, Амир Соҳибқирон қошига келди.

Бу, мунда турсун, эмди сўзни Тўхтамишхон подиоҳдин эшитмак керак.

БУ ДОСТОНДА ДАШТИ ҚИПЧОҚ УЗРА ТҮХТАМИШХОН
АМИР ТЕМУР ЎЛДИ ДЕБ ЭШИТИВ, МОВАРОУННАХР
ШАҲРЛАРИНИ УМИДИДА КЕЛУВ, САМАРҚАНДНИ
ҚАМОГОНИНИ БАЁНИ

Аммо ровийлар андог ривоят қилурларким, Амир Соҳибқирон форс мамлакатларини барчасини мусаххара қилмоқ учун умаро ваbekлар бирла Қенгаш қилуб, уч йилгача тахти ҳар қаерда бўлуб, қарор топмади.

Аммо Тўхтамишхон воқеаси бу эрдиким, Амир Темур Нишонурда огу ичиб ўлубдур деб англади, аскарини жамъ қилуб, Мовароунинахр шаҳрларига от қўймоқ учун Давлатшайх амакиси ўғлон мартабасида эри, анга Машваратга киши юборди. Ул Давлатшайх кўб ишга етук киши эри, сабр қилсан деб манъ қилди. Яна ўзи қошига келуб, ул сўзнинг ҳақиқатини билгил, баъд отланғил, деди. Хон қабул қилмади. Аскар жамъ қилуб, отландилар, аҳдларики, Амир Темур бирла қилуб, эри, исёни тоқига ёнуурди. Хоразм этак тарафидин келуб, Бухорони талон қилди. Ул вақт Амир Темур ўлди деб, шоеъ бўлуб, Мовароунинахр шаҳрларини кўби қамалда эри. Амир Чокуни Соҳибқирон Самарқандга ҳоким қилуб қўйуб кетган эри. Амир Чоку Хонимчага тога эри. Хонимча аввал Тўхтамишга айттурилган эри, баъзилар дерларким, қипчоқ аскари ўшувлари кўб жойларни тарож қилғон эри. Хон Самарқанд даласига келуб, филҳол, амир Чокуга нома юбориб, дедиким, тангри иззу жал тақдири бирла Амир Темур олами фонийдин саройи боқийга интиқол қилубдур, хонимча(ни) кўб билурким, аввал манга айттурилғон эри, манга беруб юборсун. Яна сўзум, қавми ҳукамода бу юртларни ўзбак олур деган. Бу мамлакатларга ман мустаҳиқ бўлурман, деб.

Анда амир Чоку бу сўзни эшитуб, элчини таёқлаб уруб, ўлгудек қилуб, Тўхтамишхон номаъқул лебдур, агар Соҳибқирон ўлган бўлса ҳам, ҳар бир ўғли арслон ва қофлон кабидур, деб ура-ура шаҳардин чиқориб юбордилар. Аммо Хонимча англадиким, Тўхтамишхон ани талаб қилубдур, деб. Амир Чоку тогасини чорлаб айди, тогажоним, ман заифанинг сизга андак машваратим бор. Қенгапим шулки, манга хон талаб бўлмиш, ман ҳам анга талаб бўлуб, бир чўридан нома юбориб, ани уйимга таклиф қилиб келтуруб, душманини барҳам урайлук дерман. Соҳибқирон албатта келур, ҳамиятлик кишидур, деди. Бу сўз амир Чокуга кўб маъқул ўлди. Филҳол, бир чўридин нома ёзди, Тўхтамишхонга дедиким, эй хон афандим, ман ҳам сизга толиба ва ошиқадурман. Нима бўладурким, ман заифаи мастуранинг ҳовлимга қадами муборакни тегурсангиз, изингиз тўтиёсини кўзларимга даво қиласангиз, яна сўзум шулки, бул ерга келсангиз, амир Чокуни хийла бирла барҳам берсак, бўлмаса, асиralарини олиб кетсалар, нома тамом, вассалом, деб бир чўри чобукдин юборди. Ул чўри тезлик бирла қўргон тешукидин чиқуб, бир ўзбак оломонга айди, мани, хон қошига олуб борғил, маъшуқа тарафидин келғон элчиidурман. Андин оломон била Тўхтамишхон қошига келди. Қурсаким, хон

курси узра ўлтурубдур, олдида ҳофизлар савт ва садолар бирлан ўкуб ўлтурурлар. Хон күруб оломонға айди, муни ўлжадин тушурдунгму? Оломон айди, оре, тақсир афандим, бу чүри хоннинг маъшиуқаси Хонимча қошидин келган элчиман дейдур. Чүри, филҳол, хатни чиқориб берди. Хон мутолаа қилуб, Хонимчани олдига бормоқни қасдида бўлки. Беклар манъ қилдилар. Ахир амакиси Давлатшайхни келтуруб, хатни анинг қулига берди. Ул муни мазмунини билуб, айди, мабодо талбис бўлмасун, аввал маҳрамлардин бир кишини юборгил, аммо чўри мунда турсун, кўргил воқеа нима бўладур?

Хонга бу сўз маъқул бўлди. Қулларидин бирини ўз суратида қилуб юборди. Кечаси бирла гулом Хонимча эшикига келуб, ўзини маълум қилди, ана, ман Тўхтамишхон бўлурман, деди. Даричани очтилар, қадам қўйиши бирла ҳалокатга еткуздилар. Чироғ ёқиб кўрсалар, Тўхтамишхон эмас, бу қилғон хийла фойда бермади. Эртаси хон билдиким, талбис экан. Амакисини зийраклигига таҳсии қилди. Чўрини ўлдурдилар. Андин кейин Давлатшайх тўрт юз кишига буюрдиким, ўт-ўтин кўтариб, яроғларни беркитуб Самарқанд ичра Низом ул мулк мадрасасига бирин-бирин боринглар, анда киши йўқтур, бизлар ярим кеча била шаҳар дарвозасига борурмиз, сизлар ичкаридин, биз ташқаридин бўлуб, иншооллоҳ, дарвозани очиб киурмиз деди. Филҳол, тўрт юз киши ўтунчи суратида бўлуб, аслаҳа-яроғларни ўтун ичра беркитуб, ўшул эски мадрасасага келуб жамъ бўлдилар. Ярим кеча била Тўхтамишхон бул тарафдин Самарқанд дарвозасига от қўйуб, шавқун қилуб боравердилар. Амир Чоку буларни дағъиға муқаййид бўлуб эрди, ногоҳ карнай овози шаҳар ичидағи ўтупчилардин чиқаверди. Ул кеча Самарқанд ичра шўришлар бўлуб, қиёмати сагир бўлди. Одамлар том узра чиқуб, «оллоҳи ақбар» деб фарёд қилурдилар. Қипчоқлардин ҳам «оллоҳу ақбар» овози чиқар эрди. Амир Чоку кўрдиким, иш қўлдин кетти, кул, чўриларини олуб, Хонимча билан игначилар дарвозасидин Ўргут йўли била қочиб, Шаҳрисабз ичра Оқсарайга келуб тушти. Аҳли Самарқанд кўрсаларким, шаҳар хароб бўлгудек. Замон-замон Тўхтамишхон замони, омон, деб шавқун қилаверди. Ул кун Хон Соҳибқирон таҳти узра чиқуб, Соҳибқирон жамъи хазиналарини олиб, Даشتி Қипчоқга юборди. Ўзбак ёмонлари ҳар уйга, кируг фасод қилар эди. Одамлар бориб хонга арз қилдилар. Ул Давлатшайх амакисига айди. Ул, қўявер, сипоҳлар санга кўнгул боғласун, деб фуқаро арзини тингламади.

Андин келуб Шаҳрисабзни қамадилар. Шаҳрисабз одамлари амир Чокуга кўрунун қилдилар. Шаҳар халқи кўб сиқилди. Хонимча яна тадбирнома қилуб юборди. Айдиким, аввалги нома элтгон чўридин асло хабар келмади. Сиз юборган одамни амир Чоку хабар топуб ўлтурубдур, манга талаб бўлсалар, нима сабабдин манга хабар юбормайлар, Амир Темур албатта ўлганлиги маълум. Эмди, иложи булса ўзум ул кишининг хизматларига борурман. Агар бу шаҳар қамогда бўлса, мани чиқмогим кўб қийиндур. Лекин бу сўзни кишига изҳор қилмасунлар, нечунким, бу иш халқга шуҳрат тобмасун.

Хон бу сұзни англаб үшул кун Самарқандға қайтмоқ бўлди. Сипоҳлар айди, тақсир хоним, нечун бу шаҳар сиқилган вақтда ёндингиз? Хон асло гапурмади, айтган сұзи шул бўлдиким, Шаҳрисабзга ҳеч ким қолмасун деб. Самарқандға келди. Амир Чоку хоннинг кетганини билуб, Шаҳрисабздин Хонимчани олиб Қаршига келди. Кейин хон билдиким, бул ҳам тадбир экан. Хон филҳол қўшун олуб, Қаршиға етуб келди. Қаршини қамаб, ҳолини танг қилдилар. Анда Қаршини ҳокими, амир Чоку қардошин ўғли Сайдбек эрди. Ул айди, эй амаки жоним, то сия ва биз саломат бормиз, Бухорои шарифға борайлук, шоядки, Амир Соҳибқирон Бухорога келсалар. Анда Хонимча эркак либосини кийуб, амир Чоку била Бухорога кеттилар. Сайдбек Келиф йўли била бул ҳам кетти. Қарши ҳалқи хонга кўриниш бердилар. Хон сўрди, бекларинг қаён кетти? Булар айди, хабаримиз йўқ, лекин гумон қилурмиз Келиф йўли бирла Бухорога кетгандур.

Хон отлануб Сайдбекни Қаллахон мавзеъида топти. Сайдбек кўб зойур йигит эрди. Хон қирқ киши била они йўлини олди. Билдиким, Хонимча Бухорога кетубдур. Сайдбек бир тарафға чиқуб ўқ отаверди. Ҳар ўқ отғанда неча киши ўлди. Андин кейин ўқи тамом бўлди. Кейин қилич бирла жанг қилди, охир, қилич ҳам синди. Анда бир кеча ва кундуз ўзи жанг ва жадал қилди, жанг қилиб андин кейин ўзи шахид бўлди. Ҳаргиз мундог баҳодур йигитни киши кўрмаган эрди. Хон келуб, Қаршини ўзига тобеъ қилуб, андин кейин Бухорога юзланди. Амир Чоку Бухорога доҳил бўлғондин кейин йигирма кунда қипчоқ сипоҳлари етиб келиб, Бухоро қирқ кун қамалда бўлди. Амир Чоку Самарқанд ва Шаҳрисабз ва Қарши ва Бухорогача келиб, олти ой қипчоқ аскарлари бирла жанг қилди.

Алқисса, бир кун Хонимча яна бир тадбирни йўлаб топти. Амир Чокуни чақириб айди, эй тогажоним, албатта Амир Темур Соҳибқирон келурлар. Тўхтамиш хонга ҳам Амир Соҳибқиронни ҳаётлиқи маълум бўлсун эмиш. Эмди бир кишини топқайсизки, Хурсон тилида сўзлагай. Анга бир хат қилиб берсак, Мирзо Сайфиддинни хатидек бўлса, аммо, анга бир ҳоригон ва ҷарчагон от топуб берсангиз. Ул бир қишлоқдин чиқиб Бухорога қараб келаверса, албатта хонни қўлига тушуб хатни очиб кўргай.

Бу сўз амир Чокуга кўб маъқул бўлди. Филҳол, Хонимча андин кейин ўлтуруб, Амир Соҳибқирон тилидин амир Чокуга нома ёзди. Амир Соҳибқиронни муҳрини хонимча қути ичра сақлаб қўйган эрди. Номани охирига босиб, печатлаб, ул мазкур кишини қўлига берди. Андин кейин ул одам йўлга равона бўлди. Неча манзил йўл юруб, кечи бирла Қоракул мавзеъига бориб, андин Бухорога қайтиб, адошқон кишидек, Бухорони дарвозасини сўраб келаверди. Иттифоқо, қипчоқ қоровуллари кўруб, ани маҳкам тутуб, ёнларини ва қўйниларини ва чўнтакларини кавлаб, хатни топуб, хонни қошиға келтурдилар. Номани мазмуни бул эрдиким: «Алҳамдулилло таолоға, дуруд расул алайҳиссаломга. Андин кейин айтибдурким, эй амир Чоку, эшииттимким, Тўхтамиш хон келиб, Самарқанд — пойтахти олиб, Бухоро шаҳри қамалда эмиш.

Эмди они тадбир била ўзга ерга юбормай сақланғыз, ишпөоллох, бизлар бу күн ё эртагача етиб борурмиз.

Номани ўқуб тамом қилур-қилмас, Амир Соҳибқиронни дабдабасидин құрқуб, Бухорони сақросидин беадад ва беҳисоб құшун била қипчоқлар қочиб кеттилар. Хонимчани қылғон тадбиридин Бухоро халқини жонлари тинчиб, ҳузурда бұлдилар.

Эмди сұзни Амир Темур Соҳибқирондин әшитмак керак.

Амир Соҳибқирон Марвга келиб, Тұхтамишхон Мовароуниаҳр шаҳарларини олиб, Бухорон шариф қамалда бұлғонини әшиттилар. Аекарлардин минг йигит баҳодур ва паҳлавонларни ажратиб олиб, қолған аскарларни Мирзо Ұмаршайх тұра фарзандига тоширууб, айдилар: Эй ўғлум, сан тұғри йұлдан боравер, ман ўзга тарафдин бориб, қинчоқларни йұлини тұсғайман деб, дашт саҳрода қараб юзландылар. Нече манзил йўл юруб, андин кейин Соҳибқирон Хоразм шаҳрини этакидин келиб, денгиздин ўтуб, бир тогни устиға чиқиб, ул ерга Мирзо Шоҳрух тұра ўғулларини қоровул қылдилар. Анда Шоҳрух тұраны мұлозымлари иккى кишини тоқуб келтурди-лар. Икковидин тұра сұз сұради, иккови айдикі, биз Тұхтамишхон подшохни синоҳларидин бұлурмиз деб. Мовароуниаҳр воқеасини аввалдин охиригача Шоҳрух тұрага бир-бир баён қылды. Шул ҳолда тог устида турууб қипчоқ аскарини күрдиларким, бир жомаға оқ чодир ичра ўлтурубдурлар. Тұра сұрадики, улар кимдур? Иккала синоҳ айдикі, алар асира хотунлардур, ҳар манзилга бориб ухласалар асиirlарни атроғға қойуб, уйқуга борурлар. Аммо Тұхтамишхонни ўзи деңгиз ёқасида ўлтурубдур. Мирзо Шоҳрух тұра, филхол, бориб Амир Соҳибқиронни бу сирдин огоҳ қылды. Амир Соҳибқирон дархол кечаси бирла отлануб аскарлар била қипчоқ аскарини тефасига етиб келдилар. Синоҳлар айди, ҳоло, шабихуи урайлук. Амир Соҳибқирон айдилар, йўқ, чунки асиralар бор, алар оёқ остида қолурлар. Амир айдилар, бир киши бұлса, яёвлиқ ҳолда ёв ичра бориб келса. Анда ҳеч ким құрқуб бормади. Понлож, Амирни ўzlари яёв бұлуб бордилар. Бориб күрсаптарким, барчалари уйқуда ётур. Асиirlардин бир эр, бир хотунни үйготиб, бойлуқларини ешиб, айдиларки, мен Амир Темур бұлурман. Ул кеча секин-секин тұрт минг кишини қайдини ешиб, бирдан қоча бошладилар.. Қинчоқни синоҳлари үйғониб, бирдан асиirlар қочти деб, шавқун қила бошлади. Асиirlар билдиким, Амир Темур Соҳибқирон келубдур. Андин кейин давлат — давлат, Амир Темур деб гавго қылдилар. Андин кейин Тұхтамишхонга хабар бердилар, асиirlар хуруж қылды деб. Хон манзур қилмай, күлди. Бул тарафдин чигатой синоҳлари гавғони әшитиб, Амирға нима бұлди деб қайгуда әрдилар.

Үшул вақт Амир Соҳибқирон етиб келдилар. Айдилар, карнай тортинглар, деб амр қылдилар. Андин кейин ҳар ким ўз-ўзидин давлат-давлат Амир Темур деб шавқун қилавердилар. Кейин Тұхтамишхон бетаққих билдиким, Амир Темур келибдур. Филхол, үзини деңгизга ташлади. Андин кейин Тұхтамишхонни бу ҳолда құшунлари күруб, отни ёлиға ёнушууб булар ҳам ташлади.

Құшунлардин күб-күб дengизда ҳалок бұлдилар. Тұхтамишхон дengиздин чиқиб қочиб Даشتі Қипчоқға кетти. Орқасидин Шохрух тұра беадад, беҳисоб құшун бирла қувлаб, Даشتі Қипчоқға юз қүйдилар. Амир Соҳибқирон Хонимча тадбир била Тұхтамишхонга неча мартаба нома әзгонини асирлардин әшитти. Бу қылғон ишлари Амирға нисанд бұлмай балки ҳамиятдин хафа бұлуб, ҳокимлигини амир Боязид жалойирға бериб, амир Чокуни ҳажга юборди. Чунки Хонимчани сиррини билар эрди. Жамъи қул, үріларини Үлжай Туркон, яғни Камол хонимга тоншурди. Хонимчага ҳеч нимарса бермади. Үлжай Туркон ҳар күн Хонимчага бир вақт тағом берур эрди. Андин кейин Амир Темур Соҳибқирон Мирзо Умаршайх тұра фарзандига нома юборди, аидики, аскарларни тез келтургилким, Даشتі Қипчоқға борурмиз.

Ровийлар андог ривоят құлурларким, Амир Темур Соҳибқирон уч йил Эронга бориб, ул мамлакатларни мусаххара қилиб қайтиб келиб, нафас олмай, балки Ватаниға кирмай, ахли аёлинин күрмай, отланиб дengиз ёқосига келди. Ҳар жонибға аскар жамъ қымлоқта киши юборди. Иқболини келғанлиги шұнчаким, ҳеч ким сұзини рад қилолмас эрди. Андин кейин Мирзо Умаршайх тұра беадад аскар бирла етиб келди. Андин кейин ором ва қарор олмай, Даشتі Қипчоқға равона бұлдилар. Иккі ярим йилда үрус вилоятигача бордилар. Ҳар бир кишида иккі саноч, иккі киши бир теваға миниб, арра, тенші, кетмөн, бел, чопқұ, болталар олиб Сирдарёсінін ёқосига бораверсун, әмди сұзни Үлжай Туркон, яғни Камол хонимдин әшитмак керак.

Амир Темур Соҳибқирон жамъи қул, үрі, аркони давлатни Хонимчадин олиб, Камол хонимға берғандин кейин Амир Темур Соҳибқирон шахри зулумот бориб, олғандин кейин үрус мамлакатларини фатх айлаб келгүнча Самарқанд шахрига Ҳиндустондин олиб келган олтунларни харажат қилиб, бир мадрасаи олий бино құлдурдилар. Физзамона Мадрасаи Хоним дерлар.

Алқисса, үи иккі минг одамға яқын анинг иморатига ишладилар. Машриқ тарағыға құрунуш хона тортиб бердилар ва неча усталар ва неча тош тарошлар, яшил, қызыл, күк, сары, оқ, қора, ҳар хил раңгда гүйбаз ва қуббаларни бүйір, неча йил ва неча замонларда андог тартиби зийнат бердиларким, они васфи ғазал бирла айтилур.

Н а з м:

Қачон шарофат ила мадраса чу бұлди зұхур,
Ер ила тенг бұлубон тоқи Кисро, барча қасур.
Шикваи риғғати андоғким, манзури Баҳром,
Фалакни рутбаси олдида ерға сиғла турур,
Камоли ұсун ила айван, тоқ, гар шинти,
Бу манзара олдидақим тобти ул қабиғ хүтүр.
Жалол қалъасидек күнгира ила пештоқи,
Айтуб нечукки, Сулаймонни таҳтидек машұр.
Чу ерни бошиға тож эрди тош, ҳар диловор,
Нечукки, ерни баландида бұлди бул маъмур.

Чиқордилар они тадриж ила ҳавога баланд,
 Етар бүсагасыга зиналарни қылса убур.
 Қурилди анга эшик бирла гунбази олий,
 Сафо ва сайдалидин ким, құнолмас анда туюр.
 Нече тафаккур ила анга ақлу меъмори,
 Етолмади они күнжига ақл ұлуб маъзур.
 Топуб ұжжралари рангу зеб, оройиш,
 Қүёш авваридин равшан ұлди, **йыла** дұхур.
 Чу сағф үзра чекилғон тош матласин,
 Чекодмас әрди алар бұлса Мониу магрүр.
 Йигоч ясорида наңжор چунон сайдалини,
 Сафодә үткариб құзгудинким, әрди биллур
 Демангким, құзғу они ким, тилсими ранғиндур,
 Либос акси ила оламни рангиға кийкисур.
 Дарича ұжжралари бұлди сунъ меъморий,
 Құрулмоғида у мансилға бұлдилар маъмур.

Аммо, тарих саккиз юз үн иккисида (1409 й.) таъмири тамом бұлуб, илм толиблари тавхид илмини үқимоқға мадрасаи олийга кируг батысил айладилар. Хоним аларға құб-құб авқофни таъйин қилиб, мұхайе айладилар. Толиби илмлар мөңаға мустағнай ғашыл, илми мушкилот ва илми фикқиёт ва неча илмларға машғул бұлдилар. Ва боодлох-ал тавғиқ.

Эмди сұзни Кошғарни саҳросидаги қалмоқлардин әшитмак керак.

**БУ ДОСТОНДА МИРЗО СУЛТОН МУҲАММАД ТҰРА ИБН
 МИРЗО ЖАХОНГИР ТҰРА ИБН АМИР ТЕМУРНИНГ
 ХУРУЖИ, АВВАЛ ХИТОЙНИНГ ЮРТИҒА БОРИБ,
 АНДИН ҚЕЙИН ЯҢЖУЖ-МАҢЖУЖ САДДИНИ ВА
 ДАЖЖОЛНИ, АЖОЙИБ-ҒАРОЙИБЛАРНИ ҚҰРУБ
 КЕЛГОНИНИ БАЁНИ**

Эй үқуғувчилар ва әшитғувчилар, илгари араз қылғон әрдимким, Мирао Жаҳонтири тұра сафарға бориб, Мансур ибн Носир Хисрав малъун била жанг қилиб, ұлдурууб аниң Қойлиқ отлиг қызини олиб, бир кеча хилват қилиб, сандуқ ичра солиб, денгизгә ташлаган әрди. Иттифоқо, ул денгиздин қалмоқлар бирини құлиға түшти. Ул қызы ҳомиладор әрди, бир кеча хилват била туғуши яқын бұлуб, вакти соати етиб, бир чиройлик үгүл түгди. Андин кейин пир қалмоқ асман зотини сұраб, Қубканбек қыйди, Қойлиқ отини Султон Мұхаммад тұра қыйди. Ул пир қалмоқ тарокчи әрди, муни үзига фарзанд қилиб, құб тарбият қылди. Амир Темур Соҳибқирон келса, бу болани олдиға олиб борурман, албатта иззат топарман, дер әрди. Үшул вактда Амир Темур Соҳибқирон андоғ шұхрат топуб әрдиким, ҳар күн ҳар иқтиміға овозаси борур әрдиким, онаси бешіккәдеги болаларига Амир Темур келди деса, құрқуб йигламай түхтар әрди. Аммо Мирао Жаҳонгир тұра Қойлиқни олғонини Амир

Соҳибқиронга айтган эрди. Үшал Султон Мұхаммад тұра етти ёнға борғонда Қойлиқ бир күн үглини олдига қақырып, ақанини имтихон қылмок үчүн сұз сұрады. Айди, әй шури айнаным, сани ким яратған? Үгли айди, еру күкни, ой ва күн ва юадузларни ким яратған бұлса, мани яратған үшүл зот туур. Билдіким, ақли расодур. Андин кейин мусуамончиликни ўргатты, ҳасаб вә насабини билдурди. Бир күн нир қалмоқ айди, ман қалмоқтарни қаъбасига борурман, деди. Султон Мұхаммад тұра айди, мен ҳам ҳамроҳ бұлуб борурман, деди. Үшүл вакт үн бені ёңіца кирған эрди. Нир қалмоқ била шайх Лұлу, яъни хинду қалмоқиши қабрига бордилар. Чингизхонни қабри ҳам үшүа ерда эрди. Құрдиларким, имаратлары темурдин, ул имарат ичра қаша бутларни құйубдур, барчаси Чингизхонни ота-бобосини суратидур. Қалмоқтар динида құкни худойим деб, ота-онамиз ҳалқымиз, дер эрдилар. Шундай сисиша билаи батнаң баъза батнин¹ Одам Атога еткүзур эрдилар, бизларни яратқұвчи оталаримиз, оналаримиздур, агар булар бұлмаса, бизлар қайдин ҳалқ бұлурмиз, дегайлар. Агар киши құкни ҳалқим, деб бу сұзларни айтса ул мазхаби фило сифла вә даҳрийя ал-аёз било.

Алқисса, ул бутларни қалмоқтар қаъба деб пазрларини келтуруб зиёрат құлур эрдилар. Аммо үа имарат ичра аслаха вә ярогларни келтурмае эрди, нечүнким, барча имаратлари темурдин эрди, анга ким ярог бирла борса үлдүрүр эрдилар. Султон Мұхаммад тұра бутхонаш шайхита айди, мен бу кече қаъбаларнанни ичиде тоңг отқунча иетиқомат құлурман, қаша муддаоларим бордур, деб. Ү шайхларга бир нима берди. Андин кейин шайх бутхонани қалидини берди. Султон Мұхаммад тұра очиб кирди. Ярим кече бұлмай тұра үриидин туруб ҳар ердан нақосатлар топуб келтуруб деворларига суркаб, бутларни барчаси-ни синдерди. Ногох әртасига қалмоқтар бу ҳангомани құрубы, Султон Мұхаммад тұраны үлдүрмөқта қаед қиадилар, күб жаңгталотуб бўлади. Султон Мұхаммад тұра күб қалмоқтарни уруб, ҳалокатга еткуруб тамуг казармасига юборди. Нир қалмоқ Султон Мұхаммад тұрага шафөй бўлуб, күб-күб уздайты, қабул қилмадилар. Ахир нир қалмоқтарни раесида бу эрдиким, бир элдин бир кишини үлдирсалар, иккинчи үлдүрмасе эрдинаар. Андин кейин Султон Мұхаммад тұраны құдуқта тошлидилар, албатта мунда ҳалок бўлур деб. Қўнгилларини хотиржамъ қилуб, маконларига ёндишлар. Қазора чўладин бир жамоға қофила юртига кетаётган вақтларида бул құдуқ төфасига тушиб, сув олиб ичмоқ үчүн құдуқни ичига қовға солдилар. Султон Мұхаммад тұра үзини бир навъ құдуқ қовғага олди. Андин кейин ер юзига чиқти. Карвоңлар кўрдиким, гўзаллиқда биринчи йигитчай павқирондур. Булар сўрдиларким, кимдурсан, мундог азобларга гирифтөр бўлубсан? Ул айди, отим Султон Мұхаммад, Мирзо Жаҳонгир тұраны үглидурман, Амир Темур Соҳибқиронни пабирасидурман, деди. Андин бошчиси Мұхаммад Ҳабиб эрди, бу сўзни эшишиб, фиҳход Амир Соҳибқиронни анденасини қилуб, Султон Мұхаммадга от бериб ва ҳам бош-оёғ либоси малуконо бериб, ўзига

¹ Кетма-кет, сисиша.

хамроҳ қилуболиб юрди. Қофила бошини бир неча чўрилари бор эрди. Ҷодир ичра қофилаларга ош ва таъом нишируб берар эрди. Тўрт юз тевага фақат таъом юклагон эрдилар. Султон Муҳаммад ўзига бир ҷодир таъйин қилди. Муҳаммад Ҳабиби чўриларидин бири Султон Муҳаммадни кўруб, анга ишқни ўти тегиб, кечакида бирла Султон Муҳаммадни қошига келуб кўреаким, уйқуда ётибдур. Андин кейин чўри сеқин уйготиб, айди, эй жонимни роҳати, вой кўнглумни фарогати, нима бўладурки, мен чўринигни муҳаббат қучогига олиб, кўйган юраклар догоға марҳам этиб, висолинг бояғига йўл берсанг?! Султон Муҳаммад тўра туз ҳақини риоя қилиб, ул чўридин кўл тортти. Чўри ёлбориб, илтижо қиласаверди. Тўрани аччиғи келиб, бир уриб эрди, тиши синуб, оғзи тўла қон бўлди. Чўри ҳайрон бўлуб, нима қилурини билмай, лоилож, хожасини олдига бориб айди, бу ўгул мани фасад қилмоқға ҳаракат қилди, мен қабул қилмадим, ахир, уруб тишшимни синдуруди. Андин кейин хожа қайғуда бўлуб, иккинчи маизилга келгонда тўрага ҷодир бермади, туфрог узра бош қўйуб, уйқуга кетти. Бир қулга буюрдиким, ани уруб, қувлаб юборгил, садқа тўразодалиқ кетсун, деди. Андин кейин қул қувлаб юбормоқ бўлуб келди, кўрсаки, тўрани бошига ҳумоюн соя солиб ўлтурур. Қул келиб хожасига айди. Андин кейин ҳаммалари кўруб таъйин билдиларки, бу углонни иқболи баланддур. Анда тўра уйқудин туруб, қофила-бошига айдики, эй қофилани бошчиси, сен чўриларингдин бири келуб, мени гайри машруъ ишға таклиф қилди, мен қабул қилмай, уруб эрдим, тиши синди. Андин кейин сени олдингға арз қилғоли борди. Эй ота, эмди маъзур тутгил. Ҳожа, филҳол, чўрини тўрага никоҳ қилуб берди. Андин кейин тўра уз чўрини тилсимотларини очти, маржонларини сочти. Андин кейин неча кун йўл юруб эрдилар, қора қалмоқларни юртига еттилар. Андин кейин қалмоқлар келуб қофилаларни талон қилди. Ҳарчанд Муҳаммад Ҳабиб бизлар Амир Темур Соҳибқиронни элчиси бўлурмиз, деса ҳам қабул қилмадилар. Тўра айди: Мени қалмоқларни подшоҳини олдига олиб боринглар, мен қалмоқлар тилини яхши билурман, ўз тилида арз қилайин, ажаб эмас, қабул қилса. Андин кейин тўрани хонни олдига олиб бордилар. Кўрсаларки, хонни юзи сомондек саргайибдур. Тўра қалмоқ тилида айди, «надимийу ху васаи намусини ва ганикийун, яъни айдики эй хоним, қандай бетоб бўлдингиз, деди. Ҳон айди, юрак оғриқига гирифтор бўлубман, ҳеч нимарсани билурмусан? Тўра яна айди, «надимийу бу ху васаи шанисини ва ганикийунни», яъни айдики, мен табиб бўлурман. Ҳон айди, табиб бўлсанг менга муолижка қизғил. Тўра табиблицини бўйласа ҳам, анга ҳақорат учун кучукни этиши буюрди. Андин кейин итни келтуруб кабоб қилуб бердилар. Ани об қусуб, қайт қилди. Кўрсаларким, итни этига ёнушуб тевани сути тушти, юрак оғриғидин хон яхши бўлди. Воеаъ бу эрдиким, хон тевани сутини кўб ичар эрди, қатиғ била сут ичига кетуб, касаллиқи андин эрди. Ҷерларким, тевани сути итни этига ошиқдур. Тўра зутум билан айтса ҳам қусуб, касаллиқидин најкот тобти. Бу тадбир мувофиқи тақдир бўлуб, мусулмонларни најкотига сабаб бўлди. Ҳон тўрани бу ишидин хурсанд бўлуб, андин кейин ҳар нимани

таалаб қылсалар, негиз берурман, деди. Тұра ҳикмат вожиб таъолига таажжұб қилуб, айди: Эй хоним, карвоңлар молни таалаб қилурлар. Хон, філхол, карвоңларни молларини тоңуб берди. Яна Султон Мұхаммад тұрага қанча инъом ва әхсоналар берди. Аидин кейин Хитой жонибига юзландылар.

Алқисса, тұрт ойғача йұл кезиб, чүл кезиб күн юруб, тун юруб, неча тоғдін ва неча рөгдін үтуб, Хитой шаҳрини қалъасына еттилар. Аидин кейин қалъани дарвозасыга бордилар. Дарвозабоплар үз тилида сұрди, айди: наши лийли иису шини чани язни, қайдин келурсизлар, қаерга борурсизлар, деди. Булар айди, Амир Темур Соҳибқиронни олдидин келурмиз, деди. Қирғандин кейин яна дарвозани беркитти. Дерларким, аидин кейин, Ҳоқон қонига Чинға борғунча яна тұрт ой йұл юрдилар, барчаси маъмур, ободлық эрди, лекин қалъа йүк эрди. Сұнгра Ҳоқонни пойтахтига еттиларким, құрсалар атрофида наникаралари мұддур етти физизотдин ясалғон, бир тош ерии олур. Буларни келганини подиох әшитиб, әлчиҳонага таклиф қилди. Бениҳоят әзәз ва икромлар бирла зиёфати ранго ранго қилди. Булар бениҳоят хүрсанд бұлуб үлтурдилар. Хитой халқи буларни келганини әшитиб тұб-тұб бұлуб келиб тамоғи қылар эрди. Қечалари ҳам чироглар ёқиб бозор қылар эрдилар. Аммо масжид ҳам бор эрди. Мусулмонлар памоз үқир эрди. Мусуамонларни улугини отлари мулло Абдулғаффор эрди. Құб мулло, құб-құб илмларга етуқ киши эрдилар, үзлари ҳисорлик эрди. Қырқ куидин кейин Ҳоқони Чинни күрмөкта күрунуш хонага келдилар. Олдиларида Султон Мұхаммад тұра эрди. Құрсалар, қанча умаро, беклар үлтурубдурлар. Соатидин кейин шон-шавкат ва дабдаба бирлан Ҳоқони Чин келди. Барчалари турууб сајдан таҳийёт қылдилар. Аммо мусулмонлар таъзим қылдилар. Хитой одамлари барчаси құса эрди, ишто, Ҳоқони Чиннинг соқоли бор эрди, чунки тотор бекларини наасабидин, авлоди Әфас бин Нух алайхі саломдин бұлур эрди. Аидин кейин тилмоч ҳам бор эрди, қалмоқларни бегіким, оти Құлхон эрди, аидин кейин Султон Мұхаммад тұра қанча савғотлар била Амир Темур Соҳибқиронни шомасини чиқориб берди. Ҳоқони Чин үз тилида айди: «наши лийли иису чуни?» деб сұздади. Аида тұра Ҳоқони Чинни сұзига бебок жавоб айта берди. Ҳоқони Чин билдіким, Амир Темурни нағирасидур. Кейин турлу-турау таъомлар қелтурдилар. Таъом об үлтурғон вақтида иногох бир оқсоқол киши келди, мажнун сифат, сочлари атрофига тарқалған. Ани күргап замон Ҳоқони Чин ул қари, оқсоқол кишидин зори ва тазоруъ била сұз сұрди. Ҳеч гапурмади, соати үлтуруб қайти. Жамын улуг ва беклар аниш ахволига йигладылар. Аммо ул мажнунесифат киши хеч сұзlamади. Султон Мұхаммад тұра бу шини күрүб, ҳайрат деңгизига гарқ бұлуб, бу сирни Мавлоно Абдулғаффордин сұради. Султон Мұхаммад тұраны сұзини рад қылди. Нече мартаба сұради, Мавлоно айдилар, эй тұра, мани ҳалокимга қаед қылурсаң, бу сирдин сұрамагыл. Тұра үз қүнглида айди: «Мавлонога шароб беріб, маст қылуб, сұз сұрасам, ажаб әмас, бу сирдин мани оғох қылса». Аидин кейин ул зотни шаробга таклиф қылди. Үл киши

айдилар: шариатда шароб ичмоқ жоиз әмасдур, яна бул ердаги барчаси мусулмондур, шароб ичмасмиз. Бу Хитой одамлари неча нимарең түгрисидин бизларни динимизни хүш күргай: аввало, шароб ичмаслигимизни, яна бири хотунларимиз нарада бирла юрмакларини. Охир, тұра айди, тақсир афандим, нима сабабдин мени бу сирдин огох қылмассыз? Мавлоно айдилар, мени қатлымға яна жамъи мусулмонларни қатлига сабаб бұлурсан. Султон Мұхаммад тұра кишиға айтмасликта ахд қилди. Охир, тұрага қасам берди. Андии кейин, лоилож, мавлоно айдилар: ул мажнунисифат киши Ҳоқонға ота бұлур, мундин боңыңа бир үгли бор эрди, жақон гұзаллары аниңг мүкобилида гүё тұлған ой олдида юлдузлар каби эрди. Иттифоқо, бир күн отасини китобхонасига кируг, тарихномаларни мұтолаа қылуб, андии кейин, Яъжук-Маъжужға ҳазрат Искандар Зулқарнайини сад болғагонларини таърихда құруб, ул үгүл садди Искандарни тамошосини ҳавас қылды, бормоқта майл қилди. Ҳарчанд манъ қылдилар, бұлмади. Охир, бир йилга муҳдат олиб кетған эрди, холо, үн иккі йил бұлды, келгани йүктүр. Шул сабабдин ҳоқонлигини бул үглига бериб, яна тахтини тошишуруб, үзи мажнунвор бұлуб, доим ул үглини ғамида йиғлаб юрур. Ҳоқон ҳам қардоши учун қора либос кийуб юрүбдүр. Бу сұзларни Мавлонодин әшитиб, Султон Мұхаммад тұра сад Яъжук-Маъжужға бормоқ савдоси боңига тушти. Тұра айди, мен бориб Ҳоқони Чинни үглидин хабар көлтурурман. Мавлоно құрқуб, айдилар: ҳай-ҳай, жомни томдид мени боңымға ташламагил. Тұра айди, қүнгилни жамъ тутунг, эй афандим, тонгла Ҳоқони Чин хизматига борурман, чунки бизларни Амир Темур Соҳибқирон, сад Яъжук-Маъжужғача бориб хабар көлтурғыл, деб юборғондур, дегайман.

Алқисса, әртасында Султон Мұхаммад тұра Ҳоқони Чин қошиға бориб, бу сұздин ара қилди. Ҳоқони Чинни әсига қардони тушуб, ғами зиёда бұлуб йиғлади. Тұрапи манъ қилди, тұра қабул қылмади. Ҳоқони Чин вазирига ишорат қилди. Вазир бир кишиға айдикі, сен бориб Ҳоқони Чинни оталарига бу воқеаъни баён қылғыл. Даражол ул киши ер үшіуб хұб деб кетти. Бориб воқеаъни Ҳоқони Чинни отасынға баён қилди. Бу сұзни әшитгач, даражол, Ҳоқони Чинни отаси етиб келди. Андии кейин бу сұзни тұрадын яна әшитиб, ҳарчанд йиғлаб, манъ қылдилар. Тұра қабул қылмади. Лоилож жавоб бердилар. Ҳоқони Чинни вазири илми хикматға күб стук киши эрди, тұрага айди, эй тұра бача, сенға сұзим шұлқи, Машриқ тарағыға борғыл, үн қундин кейин шаҳр дарвозасидин чиқыб, бир тог узра боргайсан. Аңда бир хинду макони бордур. Албатта аниң қошиға боргайсан. Агар сенға ул хинду Ыұл күрсатса, ишиңг жүн бұлур. Андии кейин султон Мұхаммад тұра қарвон ҳамрохларига келиб айдикі, ҳар кишини томоюға завғы бұлса мен била ҳамрох бұлуб, садди ҳазрат Искандарға боргайлар. Андии кейин Мұхаммад Ҳабиб қофыла боши била үн киши бормоқта ихтиёр қылтыб, бел болғадилар. Такий тангрі иззу жаға қылтыб, йулға түштилар. Үн күпдин кейин шаҳр дарвозасынға етиб әрдилар, дарвозабонлар сұрады, қаён көлтуреиззлар, қайға бора-

сизлар?! Анда булар Ҳоқони Чиндин олғон ҳукм хатни күрсаттилар. Андин кейин дарвозабонлар, филхол, дарвозани очти. Андин кейин булар шаҳрдин чиқиб, неча манзил йўл юруб, бир тогга еттилар. Андин кейин тогни устига чиқиб, бир горга келдилар. Анда қарагай йигочлари кўб эрди. Андин кейин гор ичра кирдилар. Кўрсалар бир ҳиндудин горни шифига осиб қўйубдур. Султон Муҳаммад тўра айди, сенга муҳиммимиз бордур. Ул ишорат қилди, ўлтургил, деб. Ул кечак анда бўлдилар, ҳамроҳлари бетокат бўлди. Кўрсалар ҳиндудин саноч каби елга тўлуб, шишуб андин кейин ичига сомон солғон қанордек бўлуб, юзи ва боши маълум бўлмади. Булар ани аҳволини кўруб таажжуб бармоқин тишлар эрдилар. Уч қуидин кейин ўзига келиб, сўзга лаб очти. Айди, сизларда бу каби юрак бўлмаса, уч қунга сабр қилмоқга тоқатингиз йўқ, қандай садди Яъжуҷ-Маъжуҷга боргайсизлар?! Андин кейин ул ҳиндудин ҳориқ кўб сўзларни деди. Андин кейин қўлларига бир хат берди. Айди, мундин кейин етти шаҳр келур, барчаси зада бўлуб, вайронадур. Андин ўтуб саккизинчи шаҳарга боргонда анда сарноси бордур, яъни мени нирим ўшал турур. Анга ушбу хатни бергайсиз, деди. Ул садд йўлини сизларга кўрсатгай, деб кўб нимарсаларни уларга ўргатти.

Алқисса, тўра хатни ҳиндудин олиб, йўлга тушиб ул етти шаҳри вайронадин ўтилар. Ҳар шаҳрни катталиги Самарқанд ва Тошканд баробаринда келур эди. Андин кейин саккизинчи шаҳрға бордилар. Ўзга шаҳрлар барчасидин катталиги икки ҳисса эрди. Аммо барчаси бузилғон харобдур. Сарносидин хабар тонмадилар. Анда ҳар бир иморатлари олий бордур, ҳеч ким йўқ, харобдур. Ул шаҳр ичра сарносини кўб ахтардилар тонолмадилар. Андин кейин бир баланд ерга чиқуб, кўрдиларким, бир чакқадин, тутун чиқадур, яна тараффуд била қидириб тонтилар, кўрсаларким, сарноси ҳам оёгидин осилиб ётур. Тўра, филхол, қонига борди. Сарноси ишорат қилди, ўлтургил, деб. Анда барчалари ўлтурдилар. Сарноси ичига нафас тортиб, бордон каби шишуб қирқ кун турди. Ани кўруб, булар ҳайрат бармоқин тишлаб таажжуб дengизида қолдилар. Кейин-кейин сурати аслига келди. Айди, эй тўра бача, мен уч юз йил умр кўрдим, сени хўб билурман, албатта, Амир Темурни набирасидурсан. Ҳар нимарсанни тўранни кўнглида эрди, барчасини бир-бир баён қилди. Андин кейин тўра ҳиндудин берган хатни чиқориб берди. Сарноси айди, эй тўра бача, бу йўлда ниҳоят кўб хатарлар бордур, бўл ихтиёрингдин қайтгил, деди. Тўра қабул қилмади. Сарносидин бузулғон шаҳрларни воқеаъсидин сўрди. Ул айди, Искандар Зулқарнайнидин илгари бу шаҳрлар кўб обод эрди. Буларни барчасини Яъжуҷ-Маъжуҷ хуруж қилиб хароб қилғондур. Яна сарноси айди, энди сизларга лозим ўзулки, сирка била сўғон ўзларинг билан олиб юрурсизлар. Тўра айди, сиркани қайдин тонтурмиз? Сарноси айди, сизлар учун сиркани тайёр қилиб эрдим, деб бир идишда тўла сиркани берди. Яна айди, сизларга етти қитъя хатим бор деб, они ҳам берди. Андин кейин Сарноси айди: ҳар жойига бориб ташвишида бўлсангизлар ушбу қитъаларни бирин-бирин мутолаа қилурсизлар деб. Тўрага аввал-охир барча ерларни

кайфиятими айди. Аидин кейин булар Сарносининг оғидидин чиқиб, қўлистанга юрдилар. Ўн кундан кейин бир ерга келдилар, барчаси қора балчиқ, гоҳ-гоҳ ерида андак қуруқлиги бордур. Лекин андог сассиг лой эрдиким, агар сирка била сўғон бўлмаса, барчалари ҳалокатга етгудек бўлдилар. Шундог бўлса ҳам уч киши одамдин иштиқол қилиб, адам ёсдугига бош қўйдилар. Учовини жаноза ўқуб ерга дафи қилдилар.

Алқисса, балчиқлардин ҳам ўтуб, кейин бир улуг тўқайга келдилар, анда одам ёввойилари кўб эрди, бўйлари узун, туслари қора. Буларни кўруб, йигилуб келавердилар. Ани кўруб, булар қўрқуб, кайфлари учуб, ақллари кетуб, филҳол, Сарноси берган хатни очиб кўрдилар. Айтибдурким, бу ҳалқда ақл бўлмас, сизлар нима иш қиласангиз, булар ҳам қилур, агар оловни танааларингизга суркласангиз, ул ҳам суркагай. Аидин кейин булар қўлларини узотиб эрдилар, одам ёввойи ҳам қўлинни узотти. Булар аъзоларини қопидилар, ул ҳам қопиди. Булар кийумларга оловдин чўғ олиб қўйдилар, одам ёввойиси ҳам танаасига оловдин чўғ қўйуб, аидин кейин жунлари куйиб фарёд ила шовқун қилиб қоча бошлидилар. Аидин кейин булар отларига рокиб бўлуб бир жойига келдилар, кўб-кўб чибинлар бордур. Олов ёқиб тутуи қилдилар. Улардин омонда бўлуб ўтилар. Аидин кейин яна бир жойига келдилар. Кўрсалар, ер юзини барчаси олмос турур, тўра ҳайрон бўлуб, иккинчи хатни ўқуб кўруб, отларини түёғига кигиз қофлаб, аидин ҳам ўттилар. Яна бир ерга келдилар, кўрсалар бениҳоят ва беҳисоб қашқири бўрилар бордур. Буларни кўруб емакга қасд қилди. Тўра учунчи хатни ўқиб кўруб, ўт ёқиб олиб юрдилар. Ўтии кўруб бўрилар ҳар тарафга қочти. Аидин ўтгандин кейин, билониҳоя, қонлонларга дучор келдилар. Тўра тўртуничи қитъани ўқуб кўрсалар, миљтиқ отғил, лекин ўлдирмагина, дебдурулар. Миљтиқни холи ерга оттилар, лоилож қонлонлар ҳар тарафга қочиб кетти. Аидин кейин беҳисоб, беадад арслонларга мұқобил бўлдилар. Яна бешинчи қитъани кўрдилар, дебдур: ялангоч бўлгил деб, бир неча хийлаларни айтибдур. Филҳол, кийумларини енуб, ялангоч бўлдилар. Арслон ва йўлбарслар дахл қиласадилар. Аидин кейин филлар ва эгри шохлиқ қарклар келуб, булар анга бир неча тадбирхийлаларни қилуб эрди, аларни барчаси қоча бошлиди. Аидин кейин бир жамоъя маҳлуқлар найдо бўлди, ит суратида боши узра қарқарага ўхшаш ёлғуз шохи бор, қуйругида косаси бор. Филҳол косасига сийуб, ҳар нимарсага отса, ўшал замон анииг сийдуги қуйдурғай эрди. Яна олтиничи қитъани кўрсалар, айтибдурким, бу мақомда пагма чалинглар. Аидин кейин булар пагма чалдилар. Аларга пагманни овози таъсир қиласуб дахл қиласади. Аидин омон тониб ўтилар. Аммо ул ерларда кўб меҳнат ва машаққатлар чекуб ухламайин йўл юрдилар. Аидин кейин бир жойига бориб, бир ҳайбатлиқ нимарса келуб тօғдин минг ботмон миқдори тоини кутариб олиб, отиб эрди, ўзини зарби била бели синуб ўади. Аидин ҳам омон ўтилар. Етти кун йўл юрғондин сўнг бир баланд қизил тог кўруди. Ул тогни Ованд тоги атарлар, бағрига бореалар, қуий тарафида бир шахрини кўргони кўрунуб турур. Аида бир жамоъя

одамлар бордур. Лекин тогдин шаҳрин узоқлиги бир тои келур. Булар ул шаҳрин дарвозасига бордилар. Кўргонларини атрофида қудуқ кўб эрди. Ул шаҳр халқи буларни кўруб, тўғ-тўғ бўлуб чиқиб томошо қиласар эрдилар. Барчаларини қулоқларида булоқила-ри бор эрди, барчалари бүгдой ранглук, хуни сурат эрди. Улар келиб буларни подшохини қошига олиб борди. Булар кўрсалар, барчалари кўрк кийган, емиш-таомлари вуҳушидин ўзга нимарса эмас эрди, яъни, қўй ва эчку, шунга ўхшаш нимарсаларни ер эрдилар. Аммо ул мавзеъни мўътабар китобларда жопон атарлар, холо, ул одамларни жопон ва япун ҳам дерлар. Ул шаҳарни атрофи улуғ денигиздур.

Алқисса, подшоҳи сўрдиким, сизлар қайдин келдингизлар. Тўра айди, Самарқанддин, Амир Соҳибқиронни олдиларидин келдук. Подшоҳ айди, Амир Соҳибқирон кимдур. Самарқанд шаҳри қайдадур? Султон Мухаммад тўра подшоҳга етти иқлимни шаҳрларини барчасини бир-бир баён қилиди. Подшоҳ таажжубда бўлуб, ҳайрат бармоқин тишлаб, бул ерлардин бошқа жойлар, ўзларидин бўлак одамлар борига ҳайрон қолур эрдилар. Андин кейин тўрани бир қари одамни қошига олиб бордилар. Кўрдиким, бир оқ соқол, ёни юз йигирмага боргон кишидур. Ул қари одам тўрага айди, эй Амир Темурни набираси, бизларни ота-бобомизга дуо кетгандур, ҳар қайсилари бир юз элликга бориб, оламдин интиқол қилурлар. Мен отамдин, отам ота-боболаридин энитган-ким, бул ерга бир тўғ одам томошага келур. Яъжуж-Маъжуҷни кўруб қайтгайлар деб. Андин кейин тўра қари одамдин яна сўрдики, бу жопон халқи қайдин бўлурлар, кимни авлодидин бўлаурлар? Ул кини айди: Яъжуж-Маъжуҷ бу шаҳрларни хароб қилиғон вақтида Искандар Зулқарнайн ҳазратлари келуб булардин беадад ва беҳисоб ўлдуруб, қолғонларини қувлаб, тогни орқасиға утқузуб, олти ойлик ерга садд bogлаб Яъжуж-Маъжуҷни қамаб қўйуб, яна садд ўртасига дарвозани ишонини қилиб, анга етти филизотдин ишлаб мийли қилиб осиб қўйубдурлар. Мийл деб катта қўнгирог ва жомни айтурлар. Андин кейин ҳазрат Искандар неча аҳли ҳикматдин ва неча қуллардин бул ерга қоровул қўйондурулар. Бу жойни Даҳман малик Искандар ҳам дерлар, ҳар вақт Яъжуж-Маъжуҷ ғувур қилуб келуб бул ердин чиқмоқга ҳаракат қиласалар, қоровуллар келуб мийлни уараrlар, тарақа-туруқ овозини эшишиб кўрқуб қочгайлар. Гумон қилурлар-ким малик Искандар хануз бор, деб. Эй тура бача, билгилким ва огоҳ бўлғилким, бу шаҳрин одамларини барчаси ҳазрат Искандарни қоровулларини авлодидиндур. Ҳар кун бало тарқ (учун) тўрт юз кини садга бориб, мийлии қоқарлар.

Алқисса, неча кун ул ерда бўлуб, мирзо Султон Мухаммад тўра бир куни ул тўрт юз киши била садни томошасига кўргали бордилар. Кўрсаларким, садни юқорилиги етти юз газ, тоглари қизил турур. Дарвозасини кўрдилар, бўйи олтмини газ, икки табақалик, ҳар табақасини эни ўи беш газдин. Остонасини ердин юқорилиги етти газ, анга етти қуфл урулғон, ҳар қуфлининг оғирлиги Тошқанд вазнига бир ярим шут келур. Ҳар қуфлда Искандар Зулқарнайнин муборак отлари ёзулғондур. Аммо садд била тог девор каби текис эрди, чиқмоқни имкони йўқдур. Тўра

айди, агар киши унбу тогни устига чиқса Яъжуж-Маъжужни курса бўлурму? Улар айди, оре. Андин кейин ҳарчанд анга чиқмоқни тадбир-ҳийласини тополмай, ожиз бўлдилар. Лоилоҳ, тўра Сарноси берган еттинчи қитъани очиб кўрди. Илми уфқни билган киши муни йўлини топқай дебдур. Тўрани ҳамроҳларини бири имми уфқга моҳир эрди, чунки тоғларда куб юруб, кўб-кўб нимарсаларни билар эрди. Ул киши икки темур қозуқни қулига олиб, тадбир била тогни устига чиқти, ўзгаларни арқон била бирин-бирин тортиб олди. Андин кейин қуллариға дурбин олиб атрофга қараб имтиҳон қилдилар. Қўрсаларким, етти иқлимни уч тарафини шўр денгизи айлантуруб олиб, садд остиғача борибдур. Андак бир тарафда қуруқлиқ бор, етти иқлимда мўмин ва коғир бир ҳисса бўлса, Яъжуж-Маъжуж етти ҳисса келур, човуртқадин ҳам зиёда кўрунур. Алар уч жамоға экан. Бир фирмасини Яъжуж-Маъжуж дерлар, бўйлари узун, киймуш кийумларини барчаси кигиз ва гилам эрди. Иккинчи фирмасини Яъжужи аҳв дерлар, бўйлари ўн икки газ, ўзи одамга үхшашдур. Учунчи фирмасини Яъжужи Муқамаъ дер эрдилар, соқоли ҳам етти қариш, бўйи ҳам етти қарини, икки қулоги узун, кечаси ётурда бирини остиға тушак ва бирини устиға ёпар эрди. Онаси минг бола тугмагунча ўлмас эрди. Лекин ўлса бир-бирин ер эрдилар. Аммо қудрати борий таолони кўргил, булатга амр қилуб денгизлардин ҳар нимарса маҳлуқотни олиб, уларни маконига ёгур эрди. Уларни емиш таъмоми унбу эрди.

Алқисса, Султон Муҳаммад тўра аларга назар қилдиким ҳисобини тангри иззу жалдин бошқа киши билмагай. Соатидин кейин Яъжуж-Маъжужлардин бир нечаси гувур қилуб, садни остиға келдилар. Қоровуллар дарвозани равақиндан мийлни чалиб эрди, барчаси қоча бошлади. Тўра аларни шавқун солиб қичқирди, алар яна қайтуб келуб, сизлар ким бўлурсизлар деди? Булар айди: Одам авлодидин бўлурмиз, сизларни томоша қилголи келдук. Андин кейин алар аҳли ҳикматларини келтуруб, буларни сўзларига жавоб берди: Эй одам боласи, аввалги замонда бизлар Увж иби Увуқ (Ож иби Енуқ)дин вужжудга келуб эрдук. Увж иби Увуқ ҳазрат Одам Ато замонларида тугулуб, уч минг беш юз йил умр куруб, ҳазрат Мусо калим ар раҳмон замонларида адам сарига юз қўйгон эрди. Андин саккиз юз йилдин кейин Малик Искандар Зулқарнайн хуруж қилуб, бизларни садга олгондур. Яна саккиз юз йил ўтгандин кейин охират замон расули Муҳаммад алайҳис салом олдиларидин саҳобалар келуб кўргандурлар. Андин яна саккиз юз йилдин кейин сизларни кўрдук. Бизлар эшитуб эрдук, уч бор киши келуб кўргай. Андин кейин бизларни хуружимиз бўлгай. Эмди сизлар иккинчи бўлдингизлар. Яна тўра сўрдиким, сизлар қай замонда хуруж қилурсизлар? Алар айди, бизларни хуружимиз Дажжол алайҳ ал ланидин кейин бўлур.

Ахборда келтурмишларким, вақти келуб охир замон бўлса, аввал узун бўйлуқлари чиқиб одамларни егайлар, кейин, иккинчи урта бўйлуқлари чиқиб вуҳуш ила туюрни егайлар. Андин кейин учунчи факапалари чиқиб оламда жамъи денгизларни, тўқайларни.

кулларни төгларни, тефаларни барчасини еб-ялаб қурутгайлар, жаҳонда ҳеч нимарса қолмагай, вазлахи олам бисесавоб.

Алқисса, Суатон Мухаммад тұра саддин қайтиб түштилар. Жіпонни подшохини олдига бордилар. Нодиох буларни күб эзоз-икром била зиёфат қылдилар. Үч күнгача анда бұлуб, күрганларини қоғозга ёзуб олдилар. Айдин кейин подшох била видолашіб йұлға түштилар. Кела турууб іуадин адашиб бұлак тарағыға қараб кетиб, йұлни тоғолмай күб манзия йұя юруб, чұллистон ичра бир горға келдиаар. Гордин овози бадхайбат келур: эй Амир Темурни нағириаси садға келуб, Яъжуж-Матжужин күрдинг, бери көділ, мени хам күргіл, деб қычқырур. Тұра таажікұбда бұлуб буа гор ичра қандай кимарсадур деб келуб күрдилар. Бир кини турур, сочлари үсуб, атрофига үралғон, обғида кишин, бүйніда занжир, юзини ерга қаратуб тортууб күйубдур. Хар нима буларни күргенларини тұрага бир бир бағи қылди. Тұра таажікұбда қошиб, айди: қандай одамсан. Үл маңлұн айди: ер юзини худоси бұлурман. Тұра ҳайрат бармоқин тишилаб айди: нечук мундог дерсан? Үл айди: агар худо бұламасам, нечук сени күргаш иннәринин билурман. Эмди мени құдратимни күргіл деб күкеніга бопшынни күйуб, әмчакидин шуфлаб андог семиз бұлдиким, гор тұлди, гор хам кең бұлди. Яна андак замонда сурати аслиға кеади. Яна тұрадин сүрди: халойиқ намоз үқұрму? Тұра айди: оре, андог заиф бұлуб, сиқидиким, хадди йүк-ку бир нимарса қылмокға. Яна сүрди, халойиқ рибо ерму? Тұра айди: оре; Яна семурди, гор тұлди. Яна сүрди: халойиқ рұза тутарларму? Тұра айди: оре, яна заиф бұлдиким, үлмақта яқын етти. Яна сүрди: халойиқ хамр ишарларму? Тұра айди: оре. Яна семурди. Яна сүрди: закот берурларму? Тұра айди: оре, яна озди. Али ҳазо ал-қиёс, неча мартаба сүрди, тұра жавоб берди. Ұибу кайғиятда бұлди. Тұра айди: чии сұзинги айғыл, ким булурсан. Үл маңлұн айди: сизларни худойингиз будурман, менға сақда қылғыл, деди. Наузибаплох мии залика. Тұра айди: худо бұлсанғ, үзинги на учун бу қайдлардин нақот қылмадын? Курсаларким, аниң әлрүз бир күзи бор. Тұра айди: иллю, сен расул акром саллоаллоху алайхи васалтам замонларидоги жуихудининг үткін Даіжкоға турурсан, Тұраны ҳамроҳларидин бири анга қилич сөзди, қайтиб үзіга тегди. Тұра урманғлар деб мань қылди.

Дермишларким, расул алайхис салом замонларида жуихудин хотуни түгуб әрди. Мухаммад алайхис салом, саҳобалар бирла келуб күрдилар, кейин имонға таклиф қылдилар. Үл шум қабул қылмай, ер юзини худосидурман, деди. Ҳазрат Үмар афандимизини газаблари келуб, қилич сөздилар. Анға таъсир қылмай, үзларини манглай муборакларига тегди. Мухаммад алайхис салом: Е Үмар, таңгри таоды тақдирі үзға бұлмас, дедилар. Айдин кейин бир фариншта қүш суратида бұлуб кешиб, Даіжкоған күтариб бу чұлтаға келтуруб, гор ичра обғ-құланин болғаб қүйған әрди. Бу шум дев шайтоналарни үзіга мусаххара қылуб, доим ини жокду әрди. Айдин кейин Даіжкоғол матъиндий Тұра сүрди: эй Даіжкоғол дағын, қай вақтда буа гордин чиқгайсан? Үл шум айди: хар вақт үзбаклар

күшүн йигиб Мовароунахр билди Жайхуидин утуб, Хурсонаға боргайлар, андин кейин Хитой хуруж қылғай, сүңгра чурчут хуруж қылғай, алардин сүңг мени чиңарман, деди. Ва мотуфийки, ишто-бидло.

Алқисса, мираз Султон Мұхаммад тұра үл маъзун қонидин чиқиб, йұлға түшүб үч ойдін кейин Хитой шахриға келуб. Ҳокони Чинни қонига бордилар. Ҳокони Чин буларға бениҳоят құб инъом берди ҳар ажноедин тұрт мингдин, хизматларига тұрт минг от берди. Тұрт құл берди, құб-құб инъом-әхсантарни олиб Самарқанд көлмөгига юз қўйдилар. Нече күн ва неча ой йўл юруб, Самарқандга. Амир Сохибқиронни хизматларига келдилар. Амир Сохибқирон набиralарини кўруб, хурсанд бўлдилар. Булар мунида туресун, эмди сўзни Мирзо Шоҳрух тұрадин эшиитмак керак.

БУ ДОСТОНДА МИРЗО ШОҲРУХ ТҰРА ИБИ АМИР ТЕМУР ДАНШИ ҚИЧЧОҚГА БОРИБ, ТҮХТАМИШХОННИ ОРҚАСИДИН ҚУВЛАБ, ТҮХТАМИШХОННИ ҚАТЛ ҚИЛГРОНИНИ ВАЕНИ

Аммо, ровийлар андог ривоят қытартарким. Мирзо Шоҳрух тұра Тұхтамишхонни орқасидин етиб келиб эрди. Тұхтамишхон құлға ёсими олиб, тұрага қараб үқ отти. Үқ келиб тұраны отига тегиб йиқилди. Тұра отини үлукини остида қолди. Ҳон кўруб, хоҳласаким, тұраны бошими кесиб олеа. Шул оңда бир тарафдии ҹант-тұзон пайдо бўлди. Кўрсаларким. Амир Темур Сохибқирон эрди, лоилож қочиб, ўз элатини Сарой деган элига борди. Одамлар Тұхтамишхонни кўруб ҳоа-аҳвоя сурдиларким, хабар нимадур? Ҳон айди: Мирзо Шоҳрух тұраны ўздорумогим яқин эрди, ногоҳ Амир Темур етиб келди. Үзбаклар бу сўзни хондин эшиитиб ҳайрон бўлуб, хонга ҳимоят қылурмиз, деди. Андин кейин Амир Сохибқирондин қўрқуб, баъзилари Тұхтамишхонни бөглаб Амирга кеңтуруб бермок бўадилар ва баъзилари туз хақини андена қиадилар. Андин кейин маслаҳат бирла хонга от тониб бериб, эддин узог ерга қонириб юбордилар. Ҳон бир тарафға қочиб кетти. Аммо Шоҳрух тұра отин остидин бир павъи қылуб, қазо етмаб эрди, ўзини олди. Яна ёёвлик ҳолда хонин орқасидин ахтариб бир тефани устига чиқти. Кўрдиким, бир тарафға қапча чодир тикилғон, албатта отам Амир Сохибқирондулар деб. Тұхтамишхонни қочиб келғон Сарой элига тұра келди. Олға ўзини маълум қылди, мени Шоҳрух тұра Амир Темурии ўғлидурман, деб хонин сурди. Әлатийя айдилар: хон буа ердин Ҷурман элига қочиб кетти. Тұра айди: нечук ушламадинглар? Улар айдилар: туз хотирини қылдук. Тұра айди: отам бул ерга келсалар мендии салом деңгизлар, то мени Гүхтамишхонни ўздорумогина бир ерда таваққуф қылмагайман, деб аҳд қылуб, орқасидин яна кетти. Ҷурман эзини улуглари үнгилуб, маслаҳат қылуб айдилар: хонни ушлаб берайлук. Тұхтамишхон, бу сўзларға паноҳ, тиляб сиғиниб келсам, мени нечук хотиримни қымай, ушлаб берурсизлар, қўяверниглар, мени

Қатагон элига боргайман. Андин кейин Дүрман эли хонға раҳми келуб, құйуб юбордилар. Аммо ҳеч нимарса бермадилар. Хон қочиб Қатағон элига борди. Ул элни улугини оти Бердібек әрди, анға хон йиглаб айди: Сарой эли била Дүрман эли манға ёрдам қылмадилар. Бердібек күб гаюр қиши әрди, жамъи әлатларини чақириб йиғедурди. Ул вақт тұра таваққуф қылмай Қатағон элига етти. Анда Бердібек әлиға айди: Қимдур хонға жонбозлиқ қыладұргон қиши? Анда Турдібек Бердібек үгли үрнидин турубы, отасиға таъзим қилди. Эй болам, бориб тұраны бошини кесиб келтур, деди, хонни құнғли жамъ бұлсун. Андин кейин Турдібек бориб тұраны йұлинни олиб, андоғ урдиким, отни құқрагиға тегуб ҳалок бұлды. Тұраны бир оёғи отни остида қолди. Үрнидин турубы қочқали ҳаракат қылуб әрди, Қатағон эли тұраны келуб ушлаб берди. Бек қошиға келтурдилар. Бердібек үлдурмоқға буюрди. Бекни бир қизи бор әрди, оти Ойчигил әрди, құрган қишиларни құнғли аннинг ишқида чигил әрди. Тұраны құруб, жалладни құлидин ул мужуба ажратиб олди. Отасиға айди: эй жоним ота, бу йигитни үлдуруб, отасиға нима жағоб берурсиз? Аввал мунинг отасиға жағоб топуб, сұнгра үлдургайсиз, деди. Бердібек қизини сұзига ҳайрон бұлуб, нима дерини билмай, тұраны боғлаб қүйдилар. Амир Темур Сохібқирон Султон Мұхаммад тұра набираларини бирға олиб Сарой әлиға келуб, андин хабар әшитиб, Дүрман элига келдилар. Андин теэзлик била Қатағон элиға етиб келиб әрдилар, Қатағон эли Амирдин құрқуб, Бердібекни олдига келуб, айдилар: хонни боғлаб Амир Сохібқиронға юборғил. Бердібек қабул қылмай мунға бош-оғ лиbos бериб, от бериб, юз әлатига юборди. Анда Ойчигил келуб, тұраны қайдин најот бериб, айди: сабр қылғыл, отанғ Сохібқирон келсунлар. Тұра қабул қылмай, үшал кечә отиға миниб, хонни орқасидин яна кетти. Аммо Амир Сохібқирон әшйттиким, Қатағон эли хонға ёрдамлиқ қылуб, тұрага үқубат берибдур деб. Келиб ул элни қатли ом қила бошладилар. Тұрт минғ қиши, қатта-кичик эру хотундин жасад шаҳристонидин жонлари адам چүлистаныға кеттилар. Ойчигилга, тұра бир хат берган әрди, ани келтуруб Амир Сохібқиронға берди. Мазмуни бу әрди: «Эй надари бузург, бу қизи оқылани яхши риоят қилурсиз, муни ҳақи менда күбдур». Андин кейин Амир Сохібқирон үлдурмоқдин құл тортти. Андин кейин бу қизни Фұладхонға бердилар. Анда Фұладхон Ойчигил тилемсім ҳұққасини ҳикмат найзаси бирла тешти, чигилларини ешти. ғүнчалари очилди, қизил маржон сочили. Ул Фұладхон ҳам Чинғизхонни наслидин әрди.

Алқисса, Амир Сохібқирон үғилларини орқасидин жүнадилар.

ӘМДИ СҰЗНИ МИРЗО ШОХРУХ ТҰРА БИЛА ТҰХТАМИШХОНДИН ӘШИТМАК КЕРАК

Аммо хон юзийя әлатига бордилар. Алар үлуги Тұхтамишхонның боғлаб қүйди. Бизлар сени учун Амир Темурға асир булурмизмұ деб, тұраны олдига чиқиб, иззат-икром била ичкариға олиб кири-

мәхмөт қилдилар. Андин кейин тұра хонни құруб, күнгли тинчид, завқ била таъомлардин тановул қилуб ұлтурууб эрди, Тұхтамишхон бирдан кишин-занжирини синдурууб қочти. Тұра құруб, яргларини тақинуб, орқасидин югурууб кетти. Аммо тұраны оти ниҳоятда чарчаб, юролмади. Лоилож отдин тушуб, яев қувлади. Хон билдиким, қирға борсам, орқамдин борур, деб. Анда бир құйчини ұлдурууб, ани кийумларини кийуб, найман әлиға келди, уларни құйлари бор эрди, Тұхтамишхонни танумадилар. Олдига ош келтурууб құйдилар. Ҳануз хон бечора бир луқма ошогон йүқ эрди, тұра етиғ келди. Хон отиға миниб яна қочти. Аммо тұрага найман улууглари ошу таъом келтурууб, риоя қилдилар, воқеадин сұрадилар. Андин кейин тұрага от бердилар. Яна хонни кетидин ахтарып кетти. Нече-нече әлатлардин үтуб, Қорақурум даштига етти, анга яқин бир шаҳр құрғони құрунди. Ул шаҳрни отини Ұзоқ қалъаси дер эрдилар. Ул шаҳрга Золотоус ҳоким эрди. Ул тарафни барчаси ўрус мамлакатлари эрди, Москов пойтахт бұлуб, подшоси қиз, оти Маликаи Оқшайх эрди. Аммо Золотоус ул ерда ов қилуб юрур эрди. Ногоҳ бир тарафдин ҹанғ-тұзон пайдо бұлуб, құрсақим, бир одам келадур. Ҳануз сұзға лаб очмай, орқасидин аслаға-ярог бирла яна бир йигит келур. Ҳеч киши буларни танумади. Тұра қурдиким, ўрус сипохлари ва саллотлари ов-овлаб юрурлар. Хон анда тұраны құруб, отини қамчилаб, ҳарчанд ҳаракат қилуб урди, от бечора күб чарчаб, югурапға мадори қолмади. Тұраны иккила құзи үтдек ёниб, филхол, югурууб бориб, Тұхтамишхонни белиға қилич бирла андог урдиким, Тұхтамишхон икки бұлунуб, ерга тушуб, шаһид бұлди. Золотоус муни құруб ҳайрат деңгизига гарқ бұлуб, үз тилида сұрди: қандай йигитсан, кимни үглидурсан, деб. Тұра аниң тилига тушумади. Андин кейин бир тилмочни тоңуб келтурууб сұзға солдилар. Тұра воқеани аввалин охир аларға бир-бир баён қилди. Тұраны ишиға алар оғарынлар қилди. Золотоус тилмочдин тұрага бу йигит күб чарчабдур, бизни жойимизга мәхмөн бұлсун, деди.

Алқисса, Золотоус Мирзо Шоҳрух тұраны шаҳрни ичига олиб кирди. Анда мусулмонлар күб эрди. Аларни йигиб, Тұхтамишхонға жаноза үқуб, ул ерга дағы қилдилар. «Сен қочиб Қорақурумға борсанг ҳам, қора қонингни тұкарман, үзоқға етолмай қолурсан» деган масал Тұхтамишхон била Мирзо Шоҳрух тұрадин қолди. Аммо Золотоус зиёфатлар қилуб, хамр келтурууб ичди, тұрага таклиф қилди. Тұра, бизни шариатимиэда ҳаромдур, деди. Анда бир неча нозик адo, чиройлик қызлар шаробни қуиуб бериб, хизмат қилар эрди. Тұраларға завқ қилуб ұлтурууб эрди, алар ичра бир чиройлик чүри барчаға май бериб, масти лоақл қилуб, тұраны үйготиб айди: эй афандим тұражон, нима бұладурки, мен чүрингни висолинг боғига йұл бериб, құчоғинг үтагига, яъни ҳужрасига олсанг? Тұра туз ҳакидин құрқуб сира қабул қилмади. Чүри айди: барчани күрдинг — маст, лоақл, ҳеч ким бизлардин воқиғ әмас, деб ҳаракати бежо қилуб, тұранинг тұмриқига ёңушуб эрди, тұра құлини кутариб, юмруқи била андог урдиким, ақиқдек дудоги ғрилиб, құзи яшнаб, қабоги очилиб, оғзидин маржондек қонлари сочилиб, дурдек тишлари синди. Аммо ҳайратда қолиб, нима

дерни билмай, тоңгаси жароқатини Золотоусга күрсатиб айди: менга бу йигит қасад қылди, мен андин ихтиroz қылуб, таң бермадим, уруб лабимни ёрди. Золотоусни аччиғи келуб, газаб ўтига ёниб, қаҳр қылуб, құл-оғини boglab, тұраны Москов сарига, Оқшайх қошиға юборди.

ӘМДИ СҰЗНИ АМИР ТЕМУР СОХИБҚИРОНДИН ЭШИТМАК КЕРАК

Мирзо Шохрух тұраны орқасидин қайси әлатта келсалар, тобеъ бұлуб, тортуқтар бериб, тұраны қаерга боргонидин хабар берур әрдилар, баъзи бүйүн товлаганларини, «оқ үйли» қылуб юбордилар. Уч-тұрт әлатдин аскар йигиб, Узоқ шаҳрига мутаважжих бұлдилар. Узоқға етгач, Золотоус эшитиб, құргонларини маҳкам килиб, дарвозаларини беркитти. Амир Сохибқирон үғилларини асир бұлуб, малика Оқшайх қошиға борганини эшитиб, қайғуда бұлдилар. Золотоус Амирға нома юбориб айди: Узоқға яқин бир ески шаҳр бордур, ҳар кини үшал шаҳр ичра кириб, бизға андин хабар келтурса, аниң динини ҳақлигини билурмиз, аниң динига киурмиз. Җүнки анда туман-туман, милән-милән болари ватан қылғон әрди. Амир Сохибқирон юз кишини хабар келтурғыл деб юбордилар. Алар бориб, келмади. Амир ҳайрат бармоқин тишлаб, анға үзлари бормоқға ҳаракат қылдилар. Беклар мань қылуб, айди: Эй Амир Сохибқирон афандим, нима ишингиз бор, ариларни үз ҳолига қүйүнг, дедилар. Амир қабул қылмай, сахар туруб, таңажжад намозини үқуб, мароқбада әрдилар, овозе келдиким, эй Амир Темур, гавво шишиасини бошинга кийгил, барча аъзоларини беркитуб, анға борғыл, деб әрди. Андин кейин Амир етти кишини үзларига йүлдош қылуб, бошларига шиша кийуб, барча аъзоларини беркитуб, үшал ески шаҳрга бориб құрсаларким, илтари борган кишиларни барчасини аъзоси шишиб үлуб ётурлар, бошлары құзлари асло маълум әмас. Құрдиларким, үшал шаҳр ичра иморати олий құбдур, ҳар тешукдии минг сөн ари кириб-чиқиб туур Бидиларким, ул юз киши арининг заҳридін ҳалок бұлғондур. Яна буларга ҳам арилар келуб ёнушти, барча аъзолари беркүтүлғондир, илож тоиолмади. Андин кейин топидин ясалғон бир иморатни құрдилар. Ул үйдин бирорвни үқуб турғон овози келур. Үй ичра кирдилар. Құрсалар бир оқсоқол киши дарх-дарх титраб ётур, бир құлогидин қатра-қатра қон томур. Андин кейин Амир Сохибқирон ул кишини сұз сұрдилар, ул киши асло гапурмади. Амир жиғдү жаһд била ҳар тилда сұзладилар, сира сұзға оғизни очмади. Анға құб-құб арилар ёнушқон әрди, лекин бирортаси чақмас әрди. Амир ул қари кишини құлатугига олиб кутариб келаверди. Қарилуккиң құб мұлойим, юмшоқ әрди, аниң орқасидин арилар құвлаб келдиким, аниң касратига қүёш құздин гойиб бұлди. Бу арилар Амир Сохибқиронни құшуплари құруб, ҳар қайсиси ҳар тарағта қоча бошладилар. Амир құрсаларким, иш қабоқат бұлғуден. Лоілож, ул қари кишини маконига олиб бориб қүйдилар, арилар

яна қайтти. Амир кечи била чирог ёкиб бориб, ул қари кишини яна олиб келдилар. Оёг-құлн болғаб сүз сүрдилар, ул киши занжирини пора-пора қылуб қочти, яна тутуб келиб үзини сочларидиң қыл олиб, боягадилар. Ҳарчанд зүр қылди, кучи етмади, қайдини узолмади. Құёш чиққандиң кейин Йаъеуб деган ариларни подшохи турур. Йаъеубни буйруқи бирла ари аскари чиқиб, қари кишини иекаб, иенни олиб келавердилар. Амирни аскари мүни күрүб, яна ҳар тарафға қоча бошлади. Яна ул кунда тева ва отлар ҳар тарафға қочиб, баъзилари ўйқолиб ва баъзилари ҳалок бўлди. Кечаси била синоҳлар йигилуб, ўзга ерга күчтилар. Амир ул қари кишига айди: Эй бобо, агар сўзламасанг, ариларга қўншуб кўйдурууб юборурман, деди. Андин кейин кўйдурмоқ бўлуб кўб ўтуналар йигидуруб, бир ерга жамъ қиадилар. Андин кейин ўтун узра ул кишини чиқариб қўйдилар. Анда ҳам ул қари киши сўзламади. Кун чиққандиң кейин арилар жамъ бўлди. Андин кейин ўтунга олов қўйдилар. Қари киши арилар бираға ўт ичра қолди. Тонгласи құёш ўти кўк сафхаси узра чиққоч, курсаларки ул қари киши қизил чўглар устида тирик ўлтурур, ўз қилига бойлалиги ақалли бир туки ҳам кўймабдур. Амир буюрдиким, ўтга сув уринглар. Филҳол ўти ўчурууб ул кишини келтуруб Амир Темур Соҳибқирон ул қари кишини оёғига йиқилуб, узр айттилар. Уч кундии кейин бир тарафдин овоз келур «ху-ху, ё минҳу ло илоҳа иalloҳу» деб, курсаларким Бухоронинг нири, ошиқларнинг шери, мардонларнинг далири, басир ханд пайгамбар аҳли муҳибга сарвар нирим Баҳовуддин ҳазратнари етиб келдилар, айдилар: Бу кеча Бухородин чиқиб келдим, бу кишини сўзга солойин деб. Ул қари киши хожам Нақибандга кўб назар қылди. Хожам айдилар: Эй насропий, маңдурман сенга ҳазрат Али, карамулло важиҳа, таъини қилғон эрдилар. Филҳол, қари киши туруб Хожамни оёғларига ўзини ташлади. Айди: мени отим Кашифутатдур, вақтики Али иби Абу Толиб бу шаҳрни келиб олдилар, ҳазрат Алига арилар ёрдам қилиб, душманларни қулоқ-буринига кириб чақа бошлади. Андин кейин бу шаҳрни ҳазрат Али Йаъеуб деган ариларни бегига бердилар. Бу шаҳр ҳалқи ўзга ерга шаҳр бино қилиб кетгандурлар. Мени ҳазрат Алини жаңигига келиб эрдим, мени бир қулогимдин оқсан қон ҳазрат Алиниң зулфиқорини асаридур. Андин кейин ҳазрат Алиниң олдиларида мени мусулмон бўлдим. Менга Баҳовуддинни кўб тавсиф қиадилар, кўрмог орзусида бўлдим. Андин кейин мени дуо қиадилар. Баҳовуддин кўрмагуича ўлмагайсан, деб. Бу ишона ул кинидиндур, алҳамдулило, жамоғинизни кўрдум, мурадимга еттим, эмди дуо қилинг, қулогим согайсан. Хожам дуо қиадилар, сиҳат тоити. Ул қари киши айди: мани таъомим мангу бол турур, мани ҳазрат Али ушибу ариларга тошцурғондурлар, манга бол берурлар, мани ўтга солдинглар, кўймадим. Доим Иниқия ўқурман, анинг шарофатидур. Андин кейин Кашифутат муножжот қилиб айди: Эй парвардигорим,вой яратган тангрим, ушибу Баҳовуддин бандангни даргоҳингга қаруби манзилоти ҳақ бўлса, мани ушибу дўстингни олдида жоним ол, деб муножжот ичра «ҳақ» деди, жон берди. Барча кўруб анинг ҳолига

йигладилар. Аидин кейин тобутга олиб, хожам Баҳовуддин имом бўлуб, жаноза ўқуб, қабр туфроқига тошишурдилар. Аидин кейин хожам айдилар: Эй Амир Темур, ҳар вақт бир ишга оқиз келсанг, ё пирим Нақшбанд дегил, биз санинг ҳолингдин воқифдумиз. Амир Темур Соҳибқирон Қашғутатга ўлмасдин илгари айтиб эрдилар: Эй бобо, мангъ насиҳат қиласигил. Бобо аиди: Эй Амир Темур, бу сўзимни ибрат қўзини очиб, ақла қулоги била эшитгил, мунга амал қиласигил, мундин сангага фойда кўбтур, деб. Бу насиҳатни қилиб, ушибу назмни ўқуди. Насиҳат бу турур.

Назм:

Мен сўз дедим, англа, эй Темур шоҳ,
Оlam ишидин сен ўлгил огоҳ.
Кўргилки, жаҳон мадори йўқтур,
Барча ишин эътибори йўқтур.
Дунё арусига бўлма магрур,
Бул бонудин ўзни айлагил дур,
Одам отамиз, Ҳаво онамиз,
Нуҳ, бинни ўтти, барчаси гез.
Кўр, кетти қаён Ефасу Шом,
Нуҳни боласи ҳам эрди ул Хом.
Жамишид Заҳҳок ҳам Каюмарс--
Ким бўлди жаҳонда анга ворис,
Чун Афросиёб Золу Рустам.
Дунёни талашиб ўлади барҳам.
Кўр, кетти бу Чингизу Ҳалоку,
Ким кайф ила нос деб тамаку.
Дунё бамисоли бир келинчак,
Ҳар кимсаға жиљва қилса андақ.
Ақлини олур ўшал замони.
Ул дам унугтур, ки илон макони.
Бул бону кечурди қўб күёвни,
Ёвидурким, эл айламас бирони.
Барча ишида жафоси чўқтур,
Шева қиладур, вафоси йўқтур.
Ҳар кунда ўзин келинчак олиб,
Кўб эрни ўзига қилди толиб.
Ҳар согни топса жиљва қилди.
Ақлини ўштурди, телба қилди.
Гоҳ ақлиға келса ул ягона,
Чун айлади гардиши замона.
Дунё ҳавосига алданур ул,
Меҳр ила қўйёрким анга кўнгил.
Бир кун ани қўтиға тепарлар,
Оғу сувин узвина сепарлар.
Чиққилки дегай бу ўйдин ул он,
Йўқ сўзлагудек ким анга дармон.
Безор бўлур анингдек эрдин,

Төпгайки күтірга — чиқ бу ердин.
 Бұу үйда аниң қарори бұлмас,
 Чиқмай деса ҳеч мадори бұлмас.
 Мұндин кетадур, низор ғам зор,
 Ішлдош үйк анга, ғам яна ёр.
 Дунё бошиңг узра чүн тегірмөн,
 Бүгдой каби үн бұлур бори тан.
 Ҳеч кимса жағонда үлмади шод,
 Құқ тұнли фалакдин этти фарёд.
 Нечүн бу фалакни құқ либоси,
 Жавр ва ситамин үйк интихоси.
 Дунё этти бошлу аждаходур,
 Мангу үйи жавр ила жағодур.

Алқисса, насиҳатдин кейин Каңфутат дорулғанодин дорула-
 бақаға иштиқол қилди. Амир Соҳибқирон ул ердин күрүб Ұзок
 құрғонига келуб түштилар. Аммо тарсолар әшиттиким, Инжил
 Каңфутатдин Амир Темурға қолибдур, деб. Чунки Исо пайғамбар
 алайҳи саломдин анга қолғон әрди. Барча үрус муллолари йигилуб,
 Амир Соҳибқиронга нома ёздиларки, бизларға рухсат берсалар,
 бизлар бориб Инжилни зиәрат қылсақ. Андин кейин Амир
 Соҳибқирон қабул қылдилар, тұрт минг үрус муллолари барчалари-
 ни мүйлаблари үстган, баъзилари нағма қалиб үз тиляда үқуб
 келавердилар. Құрсалар Амир қизил қодир ичра таҳт узра
 Инжилни күйубдурлар. Алар айди: бизлар күнимизда қизил қодир,
 қизил либосни ёмөн дермиз. Амир Соҳибқирон анда буюруб, қора
 қодир тикилар. Андин кейин үрус муллолари келуб Инжилга
 сажда қылдилар. Анда Амир Темур Соҳибқирон этти юз саруғлиқ
 Чингизхон қодирини тики. Андин кейин келуб Амир Соҳибқи-
 ронға сажда қылдилар, нечукким, аларни динида саждан таҳийёт
 фарз әрди. Амир Соҳибқирон манъ қыммади. Вузаролар ва
 умаролар айди: Эй Амир афандим, нечук манъ қыммадингиз? Амир
 Соҳибқирон айдилар: мен амр қыммадим, зарап йүктүр. Анда үрус
 муллолари Инжилии олиб кетмоқни талаб қылдилар. Амир айди: эй
 Амир Темур, бизлар сизнинг динингизга кирмаймиз. Амир
 айдилар: жуяға қабул қилинглар, алар қабул қылуб, Золотоуса
 айдилар: шаҳринги Амирға тұхфаға бергил, бизлар Инжилни
 олайлук. Золотоус қабул қыммади. Айди: агар мақсудингиз
 Инжилни олмок бұлса, мен Инжилни сизларға олиб берай деб,
 әгепига совут, бошиға дубулға кийуб, құлиға қалқон олиб, үзига үқ
 қилич таъсир қыммайдурған бұлуб, ёлғуз үзи шаҳрни дарвозасидин
 қиқиб, Амирни аскарини бир нечасини үлдүруб келаверди.
 Аскарлар то Амирдин буйруқеиз анга ҳарба қыммадилар. Амир
 Соҳибқирон буюрдиким: уринглар. Аскарлар бирдан қилич бираға
 урдилар. Анга қилич била ярог таъсир қыммади. Андин кейин Амир
 Соҳибқирон олдига яқын келуб, арз қылдиким үрус тиляда:
 «Я Златоус нежолик үзоқ от Каңфутат мибраң фосолтир вот этого
 я бироншу», деди. Амир тиляға түшүнмадилар. Андин кейин Мирзо
 Үмаршайх тұра құлиға иккі үқлуқ ёсими олиб, иккала құзига үқ

била андог урдиким, юзи била ерга йиқиңди. Филҳол бошини көстилар. Аидин кейин Үзөң шахрини Амир Соҳибқиронга ўруслар бердилар. Амир ҳам Иижилни ўрусларга бердилар. Яна ўруслар Амир Соҳибқиронга минг ҳамен олтун бердилар. Нече кун ул ерда бўлуб, аидин кейин Қароқурумга юзландилар.

Алқисса. Қорақурумни қалъасини мусаххара қилуб, қирқ кунгача анда бўлдилар. Бир кечаси Амири қулогига бир тарафдин иона ва зори била йиги овози келур. Амир ул тарафга бориб, бир йигитни кўрдилар. Одига бут қўйуб, йиглаб ўлтурур. Аидин ҳожатини талаб қилур. Аммо амир билмадилар, нима дейдур. Тиамоч келтуруб, аидин сўз сўрдилар. Ул йигит айди: Мани отим Шамарваҳт, аввал замонда мани ота-боболарим бу шахрларга беку хон эрди, холо, бу вақтларда малика хуруж қилуб, биздин бу шахрларни олибдур. Ман бул ерда бутдин таааб қилурман яна салтанат таҳтига минсам деб. Амир анга аҳд қилдилар, бу юртларни олсан санга берай деб. Ул ҳам айди: қўлимдин келган яхшиликини қиласин деб. Ул йигит айди: бу қўргон остида мийл бордур хандак ёнида. Хандакнинг бир чаккаси деғизга муттасиллур. Агар бу мийлни ўнг тарафга бурсалар, сув юқори чиқиб, шаҳр ичра кирадур. Ва ишло, сўл тарафга бурсалар, деғизга сув тушуб, хандак ичра ҳеч нимарса қолмайдур. Амир Соҳибқирон, филҳол, қўшуни била келуб, мийлни ўнг тарафга бурайвердилар. Ул кеча шаҳр ичра сув тушуб, одамлар қочарга жой тоноимай, барчаси тӯфонда қолғондек, адам диёрига кеттилар. Шаҳар ичра сув тўлди. Кейин мийлни сўл тарафга бурадилар. Барча сув деғизга кетти. Аидин кейин шаҳр ичра жамъи молларини олмоқ учун кирдилар. Қуреаларким, тўқуз юз мингга яқин киши адам шаҳристонига юз қўйубдурлар. Бул сўз мунда туреун.

ЭМДИ СЎЗНИ МИРЗО ШОХРУҲ ТЎРАДИН ЭШИТМАК КЕРАК

Қирқ киши Золотоусни амри бирла турани бояглаб бир тўқай ёқосига келдилар. Аида барчаси шароб ичиб ўлтурдилар, маст, лоақл бўлғондии кейин бир-бирларини мазах қилуб, эроқишуб, йигирмаси бир тараф, яна йигирмаси бир тараф бўлуб жанг қила бошлидилар. Бир тараф голиб келуб, бир тараф мағлуб бўлди. Тўра мағлуб бўлғонларга секин айди: мени қайддин ешиб қўйсангиз, сизларга ёрдам қилурман. Филҳол, ешиб тўрага от-ярог бердилар. Аидин кейин тўра андог жанг қилдиким, бир соатда ул йигирма кинини жасад фалакидин калла хандалакин узуб, ҳалок қилди. Қолғонлари хоҳласаким яна тўрани боягласа, тўра айди: мани қўйинг, бул йигирма кинини хотун-боласи, албатта, Москов шаҳрида бордур. Буларни сўраса аларга нима жавоб берурсиз, дегач тўранни қўёвериб, ҳар қайеси ҳар тарафга қочиб кетти. Тўра яёв юриб Москов сарига бораверди. Йул узра ёмғурда қолуб бир горнини топиб кирди. Қуреаким, бир киши ухлаб ётур, ани бир қул бача ходими қилиб ўлатурур. Тўранни куруб, ўриидин туруб, қўлига

созин олиб, ул сөз Қақиус түмшүгі каби эрди, арганун дерлар, ани шавозинің кеңтуруб, андог нағма қылдиким, тұра эси кетуб үйкелди. Соатидин кейин эси үзиге келуб, күреаким, оғे-құшынын болғаб құйубдур. Тұра айди: менинг ёзуқим нағдар болғаб құйубесіз? Ул киши айди: Самарқанддин келурман. Московии томошы қылайин деб борур эрдим, йұлда Ѽмғурдин қочиб, бул ерга келдім. Ул киши айди: Эй йігит, сани Московдин келгон деб хавотирда эрдук, сани самарқандлық экапшының эмди билдүк, деб құлшыны ешди. Яна айди: мани ҳаким Яғфур атарлар. Бу шаҳрининг маликаси бирла вазири мангра ёвдурулар. Агар мани тошты үлдурур. Бу аргануний күрдінг, мунни фараңға әлидін кеңтуруб эрдим, ҳар ким әшитса ҳүни қолмагай! Құб-құб одамлар мунни әшитіб, ҳалок бұлдылар. Әшитмағон кишилар келуб, мунни әшитсалар, филҳол, әслари кетіб үйкелур. Тұра айди: албатта, бу ҳикмат била ясалғондур, мунни ҳақиқатини маълум қылсанғ, ҳаким айди: оре, бу аргануний сопиғы ҳазрат Исо пайтамбар алайхі салом турурлар, мунга ул зоти боборакотий дуолари кетғандур, агар киши мени қасдімін келса, мен бу аргануний қалғайман, ул кишини зең ва ақын кетіб үйкелур, мен ани болғаб үлдурурман. Тұра айди: Эй ҳакими Афлатун, сизни ҳам үлдурмакни табдири борму, қандай қылурлар? Ҳаким айди: «Эй ұгул, иллю, мени үлдурмакта қаед қылуреан?» Тұра қасамёд қилиб, онд ичти. Андин кейин ҳаким айди: мени хеч киши үлдуролмас, иллю саңқару (яғни кар одамлар) чүкроқ киши бұлсалар, киши овозини әшитмасадар ва нағма үнин әшитмасадар үшандог киши үлдуреа, әхтимоли бор.

Тұра неча күн ҳаким Яғфур хизматида бұлуб, андин кейин ҳакимдин рухсат олиб, Москов сарига юзландылар. Ҳаким тұраны құлиға бир хат беріб, айди: фалон мавзеъда бир қаландар бор, соchlары белілігі түшгап, үшбу хатни әхтиёт қилиб анга бергил, киши құрмасын, деди. Тұра йұлға түшуб, Московий дарвозасын етіб келди. Алммо құрғонларини тоңдиди ясогон эрди. Ҳар бурчыда байроқ құйғон, ҳар күнгирасыда заңбурақ, милтиқ, ҳар заңбурақ бопнида иккі қоровул кечак-кундүз била турур. Шаҳрин қырқ дарвозасы бор эрди, бир дарвозасын тұра кириб, йұл узра ухлаб, тонгласи Маликан Оқшайхин арқынға борди. Күреаким, арқын деворлари етмиш иккі түрлік тоңдиди ясалғондур. Маликан Оқшайхин нойтахти үшбу эрди. Андин кейин раста бозорларни құрса, ҳаддин ташқары зеб берган эрди, батызы ланка ва дүкенларда күп хұмда ароқ, фиваларни хотуулар сотиб үлтүрүр. Аларда юзни беркитмок үйік эрди. Тұра андин кейин яна бир ерга келса, соchlары белілігі түшгап киши құл узра үлтүрүр, одамлар ани тавоғ қылурлар, ҳаким айтғон ишшопи анда маълум эрди. Тұра ҳам тавоғ қыламоқ бұлуб, хатни анга берди, ул хатни құрубы, тоғык тилида айди: «ман шогирди Яғфурам, дарун хат маро фармудаст, ки кори вазирро тамом күн, ман аз хавфи вазир девона шудам», яғни мани вазир неча мартаға үлдурмокға қаед қилиди, ҳалойнқ мени бу ақвозда құрубы төлва ва жинни деб үлдурмокни манъ қылдилар. Эй йігит, менда бир қути бор, ани вазирни қошиға олиб боргил, ажаб

әмас, вазир бу қутини очиб ҳалок бўлса. Тўра ул қутини кўрдики, нечотлангандур. Ани олиб, вазирни ҳовлисини ахтариб, эшикига келди, кўрдиким, вазирни аркони давлати зўр, ўшал вақт жамъи вилоятни беклари вазирни оғидидар эрди. Тўра қутичани келтуруб вазирни олдига қўйди. Вазир турк тилини билар эрди, айди: «Эй турк бача, қайдин келдинг, нима ишда юурсаи?». Тўра айди: «Амир Темур Соҳибқиронни ўғлидурман, отам кўб мол била бизни энчи қилиб бул тарафга юбориб эрди, фалон мавзеъда барча молларни қароқчилар таюн қилиб олдилар. Мен ушбу қутини олиб қочтим, отам бу қутичани вазирга бергил деб эрдилар, эмди шул қутичани ўз қўлингиз бирла очгайсан». Вазир бир соат тааммул қилди. дамо-дам тўра очмогини мубодага қиласар эрди. Вазир сўрдики, бу қутича ичра нима бордур? Тура айди: «Билолмадим, отам менга айтганлари йўқ».

Қазора вазирни етти яшар ўғли ўйнаб келур эрди, бу қутича ани қўзига таажжуб қўрунуб, мунинг очқусига қўлини тегузди. Ногоҳ қутичани ичидин милатиқ отилиб, ул болани қўксига тегиб, ўлди. Буюрдиким, тўрапи оёқ-қўлини боғлаинглар. Андин кейин тўрани оёқ-қўлини боғладилар. Вазир айди: «Эй йигит, ростингни айгил, бу қутини сенга ким берди?» Тўра айди: «отам бердилар»: Вазир айди: «Елғон айтурсан, бу ҳунарни ўзбек турклари билмаслар, албатта, сен Яғфур ҳакимға мулоқот бўлғондурсан», деб тўрага уқубат қилуб, қийног бердилар. Тўра лоилож воқеани баён қилди. Андин кейин ул қаландарни ахтариб тополмадилар. Яна тўрани Яғфур ҳаким қайда, деб қийнади. Лоилож ўшал горни таъянин қилди. Вазир юз кишини мукаммал ва масаллаҳ қилиб юборди. Неча қундии кейин йигирма киши қулоқ-бурни кесилуб, қочиб келдилар. Айдиларки, ул гор ичра кирдук, ҳаким Яғфур қулига буюрди аргапун чал, деб. Ани овозига барча маст, лоилож бўлушуб қолди, қўнимизни ўлдуруб қолғонларни қулоқ-бурнини кесиб юборди. Яна тўрани қийнадилар, албатта ҳакимни хийласини билурсан. Нима амал қилур, қандай қилса, ҳаким ҳалок бўлур?. Ҳарчанд тўра инкор қилди, бўлмади. Аларни уқубатидин ҳалокатга етгудек бўлди. Охир, почор ва лоилож айди: «Санкару (яъни қулоқи кар одамдур) чўкроқ одам бўлса, ажаб эмаским, ҳакимни ҳалокатга еткурсалар». Андин кейин вазир жарчи қўйдуруб, санкару чўкроқ (яъни кар одам) кишилар бўлса, тониб келтурди. Анда санкарулар йигилуб, беш юзга еттилар. Андоғ қулоқлари оғир эрдиким, имо ва ишорат бирла сўзлар эрдилар. Вазир айди: «Бориб, фалон ерда ҳаким Яғфурни тониб ўлдурсангизлар, сизларга кўб инъом ва сийлов берурман», деб. Аларни ҳаким турган горга юборди. Алар горга боргач, аларга ул гулом бача ҳарчанд аргапун чалди, нагма таъсири қилмади.

Алқисса, ҳаким Яғфурни ўлдуруб бошини олиб, вазирни қошига олиб келдилар. Тўра айтғон сўзига афсус еди, фойда бермади. Вазир тўрага бош-оёғ хилъат бериб, доим ўзига рафиқ тутар эрди. Неча кун ва неча замон ўтгандин кейин, шаҳр ичра нақора-барабан уч кунгача чолдилар. Тўра сўрдики, бу нимадур? Айдилар, бу қунлар байрам қунидур, ҳар йилда бир мартаба

Маликаи Оқшайх одамларга ўзини кўринуш берур. Бу иш саратонни аввалида эрди. Ўщул вақт ҳазрат Исо алайхис саломға дор қилғон эрди. Вазир бормоқ бўлди. Тўра айди: «Мени ҳам бирға олиб боринг». Вазир қабул қилди. Эртасига Маликаи Оқшайхни ўрдасига келдилар. Барча кўринуш хонаға келиб турурлар. Анда булоглардин сув чиқиб, аригларда оқиб борур. Вазир тўрани қўйуб, изгари борди, соатидин кейин, ҳарам саридин неча гўзал, яъни неча чиройлик чўрилар чиқиб, кийган лиbosлари оқ, қулоқларида булоқ ани орқасидин яна неча нозик адо қизлар, қўлларида тароф, сочларини тараб, қўзлари чироғ каби ёниб, ҳар тарафга қараб келурлар. Андин кейин яна неча қизлар, кийганлари кимхоф била қирмиз, жилва қилуб, курганларни Мажнун каби телва қилуб келар эрдилар. Бир замондиг кейин овози келаверди, «кўтар, кўтар», деб. Кўрсаким, юз қул, олтун фута белларида мұъода қўлларида кўтариб келур. Мұъода узра Маликаи Оқшайх келурким, ҳайҳат юз узра йкки кокили муросаъ, бошида жига узра тож, белинда олтуни камар била яроғи, юзи лаъл каби, қўзлари чўлғондек, тишлари дурдек, лаблари маржондек, ҳилол каби қоши барча қўзин хира қилур эрди. Юзини қўёшини барча кўрганлар ҳайрат бармоқин тишлаб, муҳабbat денгизига гарқ бўлдилар. Андин кейин уч юз қул, қўлларида қилич кўтаргон, яна юз қул, қўлларида тўфангча, яна юз қулбача қўлларида тос, келурлар. Барча бирдан маликага сажда қилдилар. Илло, тўра сажда қилмади. Малика тахт узра ўлтурууб, вазирдин сўрдики, бу йигит қайдин келгондур, менга сажда қилмади. Вазир анга тўрани наслини маълум қилди. Андин кейин малика тўрани қошига чорлади. Тўра тавозеъ била маликани олдига борди. Малика тўрадин ҳар тарафдин сўз сўрди, бир-бир анга жавоб берди. Андин кейин айди: «Эй йигит, бизга нечук сажда қилмадинг». Тўра айди: бизни шаъриатимизда худодин бошқага сажда маминуъдур. Шул сўз узра бир киши келуб, маликага саждаи ибодат келтурууб, бир нимарса деди. Филхол, малика ўрнидин туруб эрди, барча умаро, вузаро била беклар ўрниларидин турдилар. Лекин ҳеч ким гафурмади, соатидин кейин эшикдин бир жамоъя қора кийганлар келуб маликага сажда қилдилар. Андин кейин тўрт киши бир сандуқни кўтариб келдилар. Малика барчалари анга қараб етти мартаба сажда қилдилар. Ул қора кийган жамоъя барчадин юқори чиқиб ўлтурдилар, узгалар ўлтурмай, қараб турдилар. Тўра тилимочдин сўрди: булар кимдур, бу сандуқ ичра нима бордур? Тилмоқ айди: «Булар ўрус муллоларидур, бу сандуқ ичра Исо пайгамбар алайхис саломини маркабларини туёқи бордур, булар ҳаэррат Исоини худони ўғли дерлар. Наузи биллоҳ мин залика, ўрус муллолари айди: «Нечук бу йигит сандуқга сажда қилмайдур, холо, сажда қиласун, бўлмаса ўлдурурмиз». Тўра айди: бизни динимиз ҳақдур, алар бирла мунозара ва муноқаша қилурман, агар менга голиб келса, қабул қилай. Ўрусларни улуғларини куби араб тилини билур эрди, тўра ҳам толиби илм эрди. Ўрус муллолари айди: «Исо иби Оллодур». Тўра айди: Абдуллодур. Охир ўрус муллоси айди: «Икковимиз ибодатхонаи азим мақомиким тобути Исо андадур,

аңға борурмиз, қоида шулким, иккі киши даљво қилуб ул жойга борса, ҳар кимни сүзи ботил бұлса, голиб бұлур». Тұра таваккални таңгриға қилуб, қабул қилди. Вазир айди: «Әй мәхмөн келғил, замонасозлиқ учун бу туёқға сажда қилуб, омон тоғғил». Тұра қабул қилмади, икковлари чиқиб, үшал мазкур ибодатхонаға келдилар. Тұра бир чакқага бориб, намоз үқуди. Үрус муллоси иккала оёғини занжирға осиб, бошини паст қилуб, Инжил үқуди. Одамлар әшикни беркитиб кеттилар. Ярим кече эрдиким, ибодатхонани шифидин яшиндең яшнаб чиқуб бир ярог келуб, үрус муллосини уруб, калласини танасидин жудо қилди. Тұра құрқуб, кейин билдиким, албатта дини Мұхаммад ҳақдур. Эртасига барча үруслар келуб, үликии олиб Маликаи Оқшайхни қошиға келтурдилар. Баъзилар айдилар, ибодатхонани қоидаси ғунохкор голиб бұлар эрди, муни бу Мұхаммадий йигит үлдурғон, деб тұраны ҳам үлдурмоқға буюрдилар. Шул вақт узра гало-гулу пайдо бўлуб, бир жамоға кўрк кийган одамлар келдилар. Алар куна сувига қоровул эрдилар. Ул куна суйи шундог эрдиким, мақоми ҳаво совуқ бўлғонда бир қиз билан бир ўгулии тошиб, ани ора бериб, ясотиб, кўруқ отларга миниб, зибақ конига бориб, қудук ёқасида туруб. «Зибақ» деб қичқиурлар. Ул зибақ ўғул ё қиз бўлса, аңға ошиқдур, нечук аниңғ асли ҳазрат Одам Ато алайхис саломни нутфаларидин эрди, үшал қоровуллар борғунча йўлларини қазиб, ҳар ерга чуқур қилуб, борур эрдилар. Кон тефасига бориб, ким қичқирса қиз ё ўғул зибақ юмалануб, үшул қичқирган кишини олиб кетар эрди. Агар одамии олиб кетолмаса, аниң қути йўқ деб, зибақни олмас эрди. Қоровуллар ҳар ерга чуқурда қолғон куна сувини йигиб олур эрдилар. Ул вақт қишини ўртаси бўлур эрди.

Алқисса, тұраны зибақ конига олиб бордилар. Тұра айди: «Иншооллоҳ, умидим бор, куна суйи мани ғарқ қилолмас». Андин кейин, тұра бориб, «Зибақ» деб қичқириуб қочти. Куна суйи мавж уруб чиқиб, тұрага етиб, тортиб олиб кетаверди. Тұра ҳайрон бўлуб, яратганга муножот қилди.

Н а з м:

*Муножотим қабул этгил, илоҳим,
Яратганим, әгамсан, подшоҳим.
Манга бул дам ўзунг раҳим айла, ё раб,
Кечургил ёзуқим, бўлса ғуноҳим.*

Ногоҳ үшал қаландари, соchlари белига тушған киши келуб, кўлида шиша ичра бир нимарсани тұраны устиға тұқти. Зибақлар бўлунууб, қути кетиб, олиб кетолмади. Тұра чиқиб қочти. Қоровуллар ҳарчанд қуввлаб етолмадилар. Лоилож воқеани келиб Маликаи Оқшайхга айдилар.

Аммо үшул қаландар тұраны олиб, бир тогни бағриға келди. Қўрсақим, ҳаким Яғфурин шогирди турур. Тұра сұрди: «Шиша ичра нима бор эрди?». Қаландар айди: «Ул сирқа эрди, қотил зибақ бўлур, чунки зибақ асли шаҳватдур. Ҳукамо назарида сирқа ичмоқ

әркак кишиларға манъдур». Андин кейин, тұрағын олдида ул киппі имон келтуруб, мусулмон бұлды. Андин кейин бир тарафға равона бұлдилар. Үч күн йўл юргандын кейин бир тұф қора кийгап одамлар хотунлар била, үгүл, қызы болаларини олиб, барча ашёларни марқабларға ва таворларға ортиб. Йиглаб келурлар. Тұра билдиким, булар ўз ўртидин күчуб, ўзға ерга борурлар. Алар түрк тилини билар эрди. Тұра сұрди: «Сизларға нима бұлды?» Алар айди: «Эй йигит, нима ишиңг бор?!» Аниң кейинидин яна құб одамлар келур. аксари деҳқон, экунчи эрди. Аларни беклари ҳам бор эрди, хотун болаларини олиб келурлар. Алардин ҳам тұра сұз сұрди. Алар айди: Шохимиздын қочиб келурмиз, ушбу деңгиз ёқосига бегимиз шахр бино қылмоқға борурлар. Тұра подшохини жиловини ушлаб, айди: «Эй бегим афандым, қайға борурсиз, булар нечук йигларлар?» Үл айди: «Эй йигит, мени отим Машғотносийдур, шахри Булғорни беги бұлурман, булар булғор халқидурлар, холо, неча вактдин бери кече бұлса, тұп-тұп, жамоға-жамоға ҳаво юзасыда либослари қора халқ келурлар, остиларида от, құлларида қилич, сағ боғлаб, бир-бири била жаңғ қылурлар, олам гавғоға тұлур, ҳар кече неча-неча минг ўқу ярга тегиб, ер узра йиқилиб ўлурлар. Аниң үликини қошиға борсак, ғойиб бўлур».

Тұра айди: «Эй бегим, алар асокири жиндур. Сизларни шахрингизни жаңғоқ қилубдурлар. Алар аскар ора жайғи жаңғ қылурлар, яна йўқ бўлуб кетурлар». Яна тұра айди: «Мен Амир Темурни ўғлидурман, агар сизлар мусулмон бұлсангиз, ўшуғ балони сизларни бошингиздин дафъ қилурман». Алар айди: «Сен бир кече ул жойға бориб ухлагил, қайтуб келгил, сұзингни қабул қилурмиз». Тұра андин кейин дөв-париларни ривояттани қилуб, бир ерга осиб, ўзи ул кече Булғорда бұлды. Құрдиким, иккى жамоға халқ анда пайдо бұлдилар. Бири сағни Машриқ тарафда ораста қилдилар ва бири Мағриб тарафда сағ тузиб, барчаларини бўйлари қисқа, құлларида ярг, олам шавқуига тұлуб, урушмоқға муқайяд бұлдилар. Тонғ отқунча тұра тамошода бұлды. Тонгласи ҳаким қаландар била яна ривоят айтиб айди: «Эй жинлар, билинг Булғор эли мусулмон бұлдилар, дини ҳақни топтилар, сизлардин аларга зарар тегса, лаънати оллоға гирифтөр бўлурсизлар». Ўшуғ кече келуб андин кейин сира келмадилар. Тұра аларға севунчи деб яхши хабар берди.

Алқисса, булғор эли маконларини топуб қарор олдилар. Барчалар аҳли мусулмондин бўлуб, шаҳар ичра масжидлар бино қилдилар. Ровий дерким, ул ривоят ҳануз гилоф ичрадур. Тұра неча күн ул ерда бұлды, күрсаким, оқшом бўлгоч, шафақ ғойиб бўлмай, субҳ зохир ўлур. Тұра аниң кайфияттани сұрди. Алар айди: саратон бўлгоч, бизларға кечаси бир соатдин зиёда бўлмас. Тұра ўз күнғлида айди, ушбу шафақ била қуёш кайфияттани билмоқ орзуисида бўлуб, аларға сиррини айди. Анда бир олим, етук киши айди: «Бу шафақни малик Искандар Зулқарнайн ҳазратлари күргандурлар, аниң рисоласи мендадур», деб тұраға берди. Ҳар ерда ташвишда бўлсанг, бу рисолага назар қилғил, барча ишиңг фатҳ ўлунур. Тұра от уара рокиб бўлуб, неча күндін кейин бир улуг

тұқайға келдилар, етти киши булғордии тұрага пұлдоң бұлуб әрди. Тұсатдин тұқайдин илонлар чиқиб, ул етти кишини ұлдуруб әди. Тұра қочиб бир йигоч узра чиқди. Аидин кейин, ёввойи такалар келуб, илонларни тутуб әди. Тұра у такани бирии мильтиқ била уруб, кабоб қилуб әди, кейин рисолага пазар қилди. Дебедурким, бу тұқайни фалон еридин үтсанг, мұқобилида тоғ күринүр, ул тогни манглайингга олиб юргиіл, тоғдин үтсанг, анда бениҳоят қүй ва йилқилар бордур. Аидин кейин тұра ул тогдин үтти, күрсаким, беадад ва бениҳоят қүйлар ва йилқилар бор. Аммо ул ерда ҳеч одам күрунмади. Қуёш даражаси ҳамални йигирманчисига етиб әрди, гүё совуқни зиёдалиқи далв даражасидин ҳам зиёда әрди, күрсаким, ҳар ердин тутун ҳавога үролуб чиқадур. Тұра айди: «албатта бул ерда одам бор», деб. Ахтариб бир жарға түшти. Совуқни зүрлиқидин ұлмакға яқин етиб әрди, жар ичра бир эшикни күрүб, тұра келуб үшул әшикни урди. Бирор клуб әшикни очти, тұра киргоч, яна беркитти. Күрсаким, ерни остиға қават-қават үйларни тартиб берғондур, гүё бир шаҳр қылубдур, үйларни ҳар қаеридин ҳавога тешук қүйғон әрди. Аларни таъмаси тева ва йилқи, қүй ва сиғирни сути әрди, кийумлари жүндін чакмон әрди. Тұраны подшохларини олдиға олиб бордилар. Подшохини әгни ҳам чакмон әрди, тұра сүрди: «Сизлар қандай одамсизлар?» Алар айди: «Бизлар ҳам ўруса тобеъдурмиз». Алар айди: «Бизни юртимиз барча юртдин яхшироқдур, мундин илгари шаҳр йүктүр, бизлар қуёшіга қарапмиз, жавза даражасига келғонда ер юзига чиқармиз, уч ойдин кейин қуёш сунбула даражасига келғонда яна бу ер ичра киругмиз. Тұқуз ой мунда бұлурмиз. Ұшбу равишда тириклик қылуб, умр үтказурмиз. Ҳар киши қиши фаслида бул ердин ер юзига чиқса совуқни касридин ҳалокатта стгай, қачон күклам фасли бұлуб, ёз бұлса, бул ердин, чиққаймиз. Аввалғи замонда бизлар Булғорға борур әдүк. Йұлларимизға илонлар пайдо бұлуб, анга бормоқ мунқатиъ бұлди». Яна тұрага айдилар: «Әй үйгит, сен ул макоцдин нечук үттүнг?». Тұра аларға вөкеани баён қилди. Тұра айди: «Сизлар қайси диндадурсизлар?». Алар айди: «Бизларни тириклигимиз үт бирлан, аниң учун үтга тошинармиз». Тұра таажжұб бармоқни тишлади. Тұра аларға айди: «Мени оразум шафақ голиб бұлғон маконға томоша қымкоқ учун борурман». Алар айди: ул ерга бормоқни имкони йўқтур, бул ердин анга бир ой йұл юргондин кейин зулматға борур. Йұлларини тамоми хатардур, ул мақомда олти ой қуёш күрунмайин, зулмот бұлур, яна олти ой қуёш захир бұлуб, равишанлиқда бұлур. Ҳар вақт қуёш буржи ҳамалға келса, ул жазира маңынан мұбаддал бұлур. Қачон буржи мезонға борса, қуёш наст түшүб, кечаси бұлур, нечукким, йұлда бир улуғ тог бор, андин үтмак күб мүшкүлдур. Ул тогни соғеніда ул жазира олти ойғача зулмотда қолур.

Алқисса, тұра аларға, мусулмон бұлунглар, деди. Алар айди: агар бизлар коғир бўлсақ ҳам, бир гина қылсақ балога мубтало бўлурмиз. Ҳар вақт бизлардин бир киши гина қылса, барчамизга ани касофати уруб, бизларға оғат тегуб, сариг бўлурмиз, яна қизил бўлуб андин кейин қорайуб ҳалок бўлурмиз. Лекин ушоқ

болаларимиз үлмаслар, камолотга етуб, биз каби бўлурлар. Тўра ҳайрат бармоқин тишилади. Тўра хотун олмоқ учун алардии қиз талаб қилди. Аларни улуғи айди: мени қизим бор, сенга бергайман ва, ишлар, гуноҳ қилмагайсан. Тўра қабул қилди. Қизни ақдиға олиб, мусулмон қилди. Неча кун анда бўлди. Аларни таъоми тувор ва улоғ этидин ўзга нимарса йўқ эрди. Тўра анга бул тараф шахрларини турлу-турлу лазиз таъомларидин сўзлаб, таъриф қилди. Бу сўз анга манзур бўлмай, тўранни олдига бир табақда тезак келтуруб қўйди, ишорат шунга бўлдиким, яъни ҳар нимарсани охири најосатдур. Муни кўруб, тўранни аччиғи зиёда бўлуб, газаб ўтига ёниб, қилич бирла уруб қизни ҳалок қилди. Ул замон ул одамлар барчаси қора кийуб, тўрага келуб айдилар: «Эй йигит, воқиф ва огоҳ бўлгил, ҳозир бизларни бошимизга бало келурга сабаб бўлдинг». Тўра қилғон ишиға армон қилиб йиглади. Айди: «Мени ўлдуринг, чунки сизлардин бало дафъ бўлеуни». Алар айдилар: «Сени ўлдурсак, ўғлонларимизгача қолмай улур». Аларга бало келурда ишионаси бул эрдиким, аввал, ёққан оловлари ўчуб қолди, андин кейин туслари саргайиб, сўнгра қизариб, андин кейин қорайуб барчалари бирдан ўлдилар. Болалар ёш қолиб, барчаси йиглаб, фіғон қила бошлиди. Тўра аларни йигилариға тоқат қилолмай, ҳайрат дengизига гарқ бўлуб, ўзини олиб саҳрого чиқти. Бир йигоч остиға бориб эрди, бир тарафдин чанг-тўзон пайдо бўлди, кўрсаким, бир жамоға ҳайбатлик маҳлук келур, сурати одамга ухшаш, қоринлари ниҳоятда катта. Алардин кўркуб, тўра йигоч узра чиқти. Алар келиб, ўлган ўлукларни еб, бир дамда тамом қилди. Тўра аларни кўруб, дарақ-дарақ титраб, ҳайрон бўлуб қолди. Андин кейин ушоқ болаларга қасд қилди. Анда тўра тангри таолога муножот қилуб, айди: «Эй яратган парвардигорим, ушбу болаларни ўз ишоҳингда сақлагил, буларни авлоди манқатиъ бўлмасун». Андин кейин яна чанг-тўзон кўрунди. Бир элат одам келур, барчалари оқ кийумлук, мингланлари бўз от, бир турфа зотларким, бошларида саллағенлари кўйулғон, мисвоклар осизгон. От бағрида қумғонларда тўла сув, мусалло, яъни жойнамозларини бўйниларига ташлагон. Келуб ул маҳлукларни ўлдурба бошиладилар, қанчаси ҳалок бўлуб, қолгонлари қочиб кеттилар. Андин кейин тўра олдига келуб. кишини ноҳақ ўлдурғон сенму деб bogлаб олиб кеттилар. Ўз шахрларига олиб бордилар. Анда одамлар ниҳоятда кўб. Шахрларини минг дарвозаси бор эрди, кўрсаким, урамларда олтун тўда-тўда ётур. Бозорларини кўрдиким, кечакундуз дўкон, лашкалари очук турур. Кимсаға нимарса керак бўлса, баҳосига яраша пул бериб олгай эрди. Лекин дўконлар ичра эгаси йўқ эрди. Аларни хотунлари тугса йиглаб, агар бирлари ўлса, кулар эрди. Ҳовли ва уйларини эшики йўқ эрди. Мозористонлари яқин, масжидлари узоқ эрди. Тўранни тутуб, подшохларини олдига олиб бордилар. Кўрсаким, икки киши подшохни боши узра қилич яланг қилуб турурлар, айтурлар: «Эй султон афандим, адолат ила сўргил, бўлмаса ҳалок бўлурсан», дерлар. Анда султон тўрага айди: «сен кишини ноҳақ ўлдурдингму?» Тўра айди: «оре». Андин кейин тўранни ўлдурмоқга хукм қилди. Жаллод келуб тўрани

Хадурмоқға ҳаракат қылғон вақтида, тұра айдикі, «ла илоҳа шалалоҳу, Мұхаммадур росувтуллоҳ». Мұхаммадин муборак отларини әшитгач, филхол, барчалари бирдан үрнелариңин туруб, таъзим билап саловат юбордилар. Айдилар: «Әй йигит, сен Мұхаммад умматларидинму?» Тұра айди: «оре». Айдин кейин тұраны бойлуқларини ешиб, айдилар, шаъриати Мұхаммадга шерікден үзгага тавба лозимдур, деб. Тұрага тавба бердилар. Тұра чип әထиқод била тавба қиади. Тұра аларни кирдорини сұраб билдіким, Мусо пайғамбар алайхі салом замонларыда буларни дуойи хайр қиағон әрдилар. Аниңт үчүн алар халқни құздидин гойиб бұлуб, бир соатда Магрибдин Машриқға борор әрдилар. Хотунлари тұгса, үл болани күрүб үйгілаб айттур әрдилар, әй бола, дүиёи ғаддорға нега келдинг. Яна бирорлари үлса кулыб айттур әрдилар, бу дүиёи нұр жағодин құтулдинг. Масжидға узокға борор әрдилар, нечук, масжид узоқ бұлса, анга борғунча құб савоб ҳосил бұлғай, деб. Мозористонлари яқинлиги, нечук анга ибрат деб назар қилар әрдилар. Үйларини әшики үйқулығы, нечук, үл әнда хиёнатчи үгри киши үйқ әрди.

Ахборда көлтуурларким, ушбу каби иккі шахр бордур. Бирини Жобулқо ва бирини Жобулсо атарлар: Айдин кейин тұрага айттилар, сен қайдин келдинг? Тұра айди: «Түркістан вилоятларидин ва Самарқанддин келдім». Алар айди: «Бизлар сайр қылуб, үл юртларға бориб әрдүк, риқол үл гойиб имдоди бида бизларни Амир Темур күрүб әрди». Айдин кейин тұра Амир Темурни үтән бұлурмен деб, шағақни гойиб бұлмогини, ани томонасига кемесини воқеасини айтты, аниң сиррини сүрди. Алар айди: бизлар үл жазираға құб борурмиз, аниң сабаби булжым. Фалак оғир шиғи тетірмөн тоғи каби доим айланур, шимол тарағи баланд ва жануаб тарағи наст түрүр. Шимол тарағидаги Қоғ тоги фалакта мұттазил бұлур. Қүёш наст түшігач, тоги орқаси қоронғуга мубаддил бұлур. Ез фаслида қүёш тоги орқасига үтса ҳам равшанлигини асари кетмагай. Шул сабабдин, Булғор шахрида кечаси бир соат бұлур.

Алқисса, тұра аларни имдоди бирла жазираладарни құрди. Айдин қайтиб, Булғорға келди, әнді мүни Булғорға құйуб, Амир Темур Соҳибқирондин сұз әшитмак керак.

БУ ДОСТОНДА МИРЗО САЙФУДДИН ИБН АМИР ЧОҚУ МАЛИКАИ ОҚШАЙХНИ ПУДИЙ ДЕГАН ВАЗИРИ БИРЛА ЖАНГ ҚИЛГОНИНИ БАӨНИ

Алқисса, Амир Темур Соҳибқирон Қорақұрум шахридин үтуб, үрсени құб шахрларини олиб, Московга яқин келгенде Маликаи Оқшайх Пудий вазирига юз минг кишини құшуб Амир Соҳибқиронни жангига юборди. Бул тарафдін Мирзо Сайфуддин тұра Амир

¹ Оллохдан бопнца маъбуд үйқ ва Мұхаммад унинг пайтамбари-дир.

Соҳибқирондин фотиҳа олиб, қирқ минг аскар бирла етти кун йўл юруб, андин кейин бир тогни устига чиқтилар. Ул тогни Мирим тоги атар эрдилар. Қоровуллар хабар бердиким, тогни багрида Пудий юз минг аскар бирла көлуб, ётибдур. Бул тарафдин Пудий ҳам хабар топиб, аскарларини сойни ичига қўйуб, атрофини қўргондек қилиб ўзи чодирини тогни устига тикиб ўлтурди. Андин кейин Амир Соҳибқиронни қўшунларини кўрди. Қуреаким, ўн бир байроқ тикувалиқ кўринпур. Пудий билдиким, бу қўшунларни бошлаги ўн бир кишидур.

Мирзо Сайфуддин тўра ҳам аскариға буюрдиким, атрофга хандақ ятни чуқур ковланглар. Андин кейин аскарлар хандақ кавладилар. Мирзо Сайфиддин синоҳларга айдиким, мендин изказатез жангға бормагайсизлар. Алмо Пудий қуръя ташлаб кўрдиким, уч кунгача буржи саратонда толеъни кўб қўйидур. Мирзо Сайфуддин ҳам қуръя солиб қуреаким, толеъни қаве даражасида топти, заинфур. Пудий, филҳол, қўшунлари бирла жанг қилмоқга отланди. Мирзо Сайфуддин тўра аскарини, жанг қилманглар, деб қайтарди. Андин кейин ўруси тўралари соллотларини олиб, урушимоқ учун майдонга кирдилар, куб таваққуф қилдилар, ҳеч киши Мирзо Сайфуддин тўра тарафидин майдонга кирмадилар. Чунки, Мирзо Сайфуддин айтиб эрдиким, жанг қилғоли борманглар, деб. Андин кейин уч кунгача ўрус аскарлари мубориз талаб қилди. Мирао Сайфуддин тўра ҳар куни, бугун сабр қилинг, дер эрдилар.

Алқисса, Мирзо Сайфуддин кавокибни кўрдиким, саъдга келибдур. Андин кейин Мирзо Сайфуддин синоҳларга буюрдиким, отлансан. Филҳол, аскарлар отлануб яшил байроқларни кўтардилар. Пудий ҳам қуръя ташлаб, толеъни кўрдиким, етти кун нахедур. Йарчи қўйдиким, саллотлар қўзголмасун, деб. Чигатой синоҳлари майдонга кириб, ўрус аскарларидин мубориз талаб қилдилар. Етти кунгача ҳеч кини келмади. Андин кейин Пудий қуръя ташлаб курдиким, толеъни буржи мезонга келиб, қуёш даражаси саъди акбарга келибдур. Яна мирзо Сайфуддин қуръя солиб, буржи қавсда зуҳал даражасида ўзини кўрди. «Қаве уйи сувдур», деб мирзо Сайфуддин тўра таваққуфда бўлуб эрди, андин кейин Пудий отланди. Олти тарафдин бирдан от қўйдилар. Ўруси соллотлари беш кунгача гавго ва талотун қилиб, хандақ ёқасида бўлдилар. Беш кундин кейин Мирзо Сайфуддин тўра ҳикматда кўрдиким, толеъни саъди акбарга келибдур. Чигатой синоҳлари аҳд қиалдиким, бу кун Пудийни баргоҳига бостурурмиз. Андин кейин кўрдиларким, ўрус синоҳлари барчаси қун борму ё қўй борму қорамол борму Пудийни амири бирла сўйиб турдилар. Анда билдиларким, ўрус аскарини қони тўкулур. Пудий хоҳласаким, соллотларни қайтарса. Чигатой аскарлари Мирзо Сайфуддин тўрапни амири бирла яёв бўлдилар. Ул кун ўруслар аскари бирла Чигатой аскарлари аралаш бўлуб қолдилар.

Алқисса, урушмай, яна қайтилар. Бу сифатда қирқ кун ўтти. Ул куни сафар ойини йигирманчиси балиғ йили эрди, Мирзо Сайфуддин толеъни кўрдиким, қамар буржи асадга келиб, қирон бўлубдур, умид қилиб, ўз қўнглида дедиким, агар жирми қамар

куйса, хавф ўрұс жамоъасыға бұлса керак, нечукким, ул қамар аларға муқорин әрди, агар жирми зақира куйса, ул Туркистанға муқориндер. Үшал күн кечаси иккала юлдуз қирон бұлур деб, иккала ҳаким ул күн таваққуф қилдилар. Аммо иккала құшунни үртасида бир булог бор әрди, андин бошқа ерда сув йүқ әрди. Ул булоқ ёқасида бир үзбак бирла бир ўрұс бир-бирини мазақ қилди. Ўрұс мүни сұкти, бу ўрусни урди. Ўрұс үз тиляда шавқун солиб, аскарларини чақириди, ўрүсдин бир нечеси келиб, үзбакни урдилар. Бул ҳам дод деб, чигатой аскарларини чақириди. Аскарлар бориб икки-уч ўрусни үлдурдилар. Андин кейин ўрұслар қочиб яна қайтиб келиб бир-биrlарини үлдудра бошладилар. Ул вақт мираз Сайфуддин тұра өздір ичра ёлгуз үзи устурлобни олдига қүйуб, юлдузларни қиронини мушоҳада қилиб үлтурууб әрди. Аммо Пудий ҳам толеътига қараб әрди, күрдиким, үшул замон жирми зохира күйди. Филхол, Пудийни аскарлари шавқ-завқ бирла яроғ-аслағасиз шавқун солиб чиқти. Гавғо құзғолди, Андин кейин Чигатой аскарлари ва синоҳлар тобу тоқат қилолмай, мираз Сайфуддинни олдига кирдилар. Құрсаларким, устурлобға қараб үлтуруубдур. Синоҳларға айдиким, филхол, ўрұс бирла жанг құлманглар. Мираз Сайфуддин тұраны сўзига беклар ва синоҳларни аччиғи келиб, құлдидин устурлобни олиб, ерга урдилар. Бирдан синоҳлар отларига миниб, құлларида қыличларини ялангоч қилиб, үзларини ўрұс аскариға андог урдиларким, чанг-туфроқ фалакға ўриаб, қүёш құздин ғойиб бұлуб, бирор-бировларини күролмай, үзбаклар югурууб, ўрұслар бүридек бўкурууб, андог уруши бўлдиким, икки тарафдин үлуклар ханинотлар қофидек тўп-тўп бўлуб қолаверди. Қазо вагончилари ул юкларни адам реълиға юбораверди, жасад қафасидин рух тұтысими малик ул мавт ўз элиға юбораверди, тана фолизидин калла ҳандалаги узилиб, тан фалаги чўзилиб, ҳар сойда ётаверди, қонлари жилға-жилға бўлуб оқаверди. Ул кунда барчаларини ақли шошиб қыргынлари ҳаддин ошиб, қизил деңгиз тошиб, бул тарафдин мусулмонлар ул тарафдин ўрұслар икки тараф бир-бири бирла андог уруши қылдиларким, тил ани сўзлаётмай лол, қалам ани битолмай нол, мундог ишларни куб қўрди бу фалаки Зол, йўқ киши деса бу ишинг увол, қўй бу ишдин ўёт ҳам ўёл, бу қандай ҳол, нечук аҳвол?!

Алқисса, мираз Сайфуддин тұра ҳам мажруҳ бўлуб қочмоқға юз кўйди, мусулмонлар аскаридин қирқ минг кинидин беш минг киши қолдилар. Ўрұслардин ҳам бениҳоят үлди. Андин кейин мираз Сайфуддин тұра келиб, воқеани Амир Соҳибқиронга баён қилди. Аммо Пудий бирла Амир Соҳибқиронни олислиги етти қунлиқ йўл әрди. Амир Соҳибқирон ҳеч гапурмадилар. Анда мулло Чингизий деган бор әрдиким, мулло Саккокийни шогирди әрди, асли оти Абдулла әрди, Бадахшондин чиққон әрди, илми жафарга қўб етук әрди. Дарҳол ўриидин турууб, ер ўнуф, таъзим бирла Амир Соҳибқиронға арз қилиб, айдиким, эй Амир Соҳибқирон афандим. менга ижозат берсангиз, бориб Пудий бирла жанг қилсам. Амир қабул қилуб, ўтуз минг аскарни ва қанча ахли ҳикмат доноларни анга ҳамроҳ қилиб юбордилар, буларга аскарбоши Атламиш

баходур эрди. Аскарлар нақора, барабанларни чолиб, Пудийни тарафиға қараб юруш қилдилар. Тезлик бирла Мирим тогига етиб келдилар. Мулло Чингиз бир төг ичра кириб илми жафарга муқайяд бўлди, тузсиз таъюм еб ҳайвонотни этини емай, неча кун ул ҳолда бўлди. Атламиш баходур қўшун бирла мирзо Сайфуддин қилгон хандақга келиб, ёвга муқобил бўлуб, эътимодни аввал худо таолога, иккинчи мулло Чингизга қилиб, саф ораста қилиб, нақора, барабанларни тартиб бериб, андин кейин яшил байроқ, қутоس байроқларни тикиб Пудий бирла жанг қилдилар. Неча кечак ва неча кун жанг қилиб, охир голиб келдилар. Бир кун Пудийни ўғли хандақ ёқосига келуб, Атламиш баходурга қараб ўқ отти. Баҳодурга ўқ келиб тегиб, андак жароҳатлануб, андин кейин Пудийни ўғлини қилич бирла уруб, ҳалок қилиди. Пудий ўғлини ўлганини кўруб, кўб йиглади. Андин кейин ўн минг аскар бирла ўғлини ўлигини олиб кетти. Андин кейин Пудий гайрат ўтига ёниб, ҳарчанд соллот, аскарларини мусулмонлар бирла жанг қилмоқга юборур эрди, маглуб бўлуб қайтар эрди. Пудий таажжубда бўлуб, бир кечаси тог узра чиқти. Кўреаким, бир ерда ўтни шуғуласи кўрунур, анга ёлгуз узи келуб қарадиким, бир киши гор ичра ўлтуруб, етти хатни давра қилиб, тортиб қўйубдур, ўқуб-ўқуб, нафас урса, нуқталар тебранур, андин кейин тогқа ишорат қиласа, гоҳ-гоҳ тог қўзголур. Пудий илми ҳикмат бирла билдиким, эрта туш вақтигача ўрусларни устига тоғни ташлагай. Андин кейин Пудий, филҳол, келиб, тамоми молларини ташлаб, қўшупларини қочурди. Пудийни бу қилгон ишини кўруб, оломонлар молларни олмоқға бордилар. Ҳарчанд Атламиш баҳодур борманглар деб қайтарди, бўлмади. Ҳапуз молларни олиб тугатганилари йўқ эрди, ўруслар узоқдии қараб турууб эрди, тўсатдии тарақа-туруқ овози чиқиб, ул тог ажralиб, Чигатой аскарини устига тушти, бирдан йигирма минг киши ҳалокат тогини остида қолиб, адам саҳросига юз қўйдилар. Бу аҳволни Пудийни аскари кўруб, бирдан от қўйди. Яна беш минг кишига яқин ҳалок бўлдилар. Андин кейин Мулло Чингиз гордин чиқиб ҳайрон, саросима бўлуб, Атламиш баҳодур бирла қочиб Амир Соҳибқиронни олдига келдилар. Воқеани бир-бир баён қилдилар. Андин кейин Амир Соҳибқирон айдилар: «Эй ҳакимлар, илми ҳикматларинг сионгарчилиқни бир тадбирини олдида ҳеч нимарсага арзимайдур», деб. Амир Темур Соҳибқирон газаб ўтига ёниб, жарчиларга буюрдиларки, ҳар ерда карнайчи, сурнайчи, нақорачи бўлса, келтуринглар.

Ровийлар андог ривоят қилурларким, ўшал куни йигирма минг нақорачи, ўн минг найчи, тўрут минг сурнайчи йигилдилар. Андин кейин амирини буйруқи бирла тўрут минг қорамолни сўйуб, терисини саноч қилуб, офтобга қўйдилар. Қурутуб, ичига майда тошни тўлғиздилар. Ўн минг аскарни қўлига ани топшурдилар. Алар қўшун олдида териларни сургаб боравердилар. Андин кейин яна ҳар киши отига икки боғдин шоҳ, ўтинни сургатилар. Анинг орқасидин сурнайчилар, карнайчилар ва нақорачилар машоқларини келтуруб, созларини чолиб боравердилар. Амир Соҳибқирон ҳам масадлаҳ ва мукаммал бўлуб, умаро вузаролар бирла буларни

кейнидин юрдилар. Тұзоулар ҳавога үриаб, бирор-бировларини күролмай қолдилар. Беклар айди: «Бу созилар жаңгын үдасидин чиқомаслар, мабодо, бу инга қабохат юзланмасын?» Амир Сохибқирон айдилар: таваккал яратғани үзіга: Лекин андог гуло-гули пайдо булдиким, бу овозаларни тогу саҳрордаги жоңу-ворлар әшитиб, ҳар тарафға қочар әрди, ҳаводаги қушлар гангираб ерга туша әрди, бир-бирларини сұзларини асло әшитмае әрдилар. Овоздары фалакта етиб, малойклар қулогини беркитиб, таажжуб бармоқин тишлар әрдилар, оламда юрган дев-нарилар мұни күруб, құрқуб, үзларини ҳайрат деңгизиге уарат әрдилар.

Үл минг аскар ҳұқузларни терисини ерларға сурғаб, Пудийни аскарын яқин еттилар. Пудийни аскарларынға вахима түштіким, құрқұвдан жонлари ҳалқұмларынға етушти, бирдан барчалары қоча бошладилар. Үн минг аскар неча минг үрусларни үздираверди. Андин кейин Пудий тоқат қылдымай, уа ҳам қочти. Чигатай үроқчилари үрус бүгдойларини андог үрдиким, бир дамда хирмонға йигиб, ҳұқыздарни териси бирла пинҳон қылдилар. Үл бүгдойларни фалокат дәхқони үп қылмокға адам тегирмөнінға юборди. Үшбу тадбир бураа Сохибқирон үрус құшунларынға ишикестергандарынға беклар оғарып қылдилар. Андин кейин Амир Сохибқирон Мирим тогини остига келиб, тамоми сипохларини жамъ қылдилар. Аммо Пудий қочиб бориб, воқеани Маликан Оқшайхға баён қылды. Аммо Пудий маликага опиқ әрди. Бир күн пинҳоний маликага хат қилиб юборди, айдиким, мен сенға ошиқдурман, мени қабуғ қылғыа, бұлмаса сени Амир Темур келиб олғай. Андин кейин малика бу сүзни әшитиб газабда бұлуб, аччиги келиб, ва лекин, уа ҳам пинҳоний хат қилиб юборди, келеси деб. Пудий маликаны макрими билмай, шаҳватға мұбтало бұлуб, күзи қонға тұлиб, ақли қочиб, маликаны олдига келди. Филхол, құлларынға буюриб, барча атъосиға жарохат солиб, сандуқни ичига олиб, беркитиб, кечаси бирла саҳрора олиб чиқиб, бир ерга құмдилар. Малика бу ишин кишиға изҳор құлдурмади. Ани үрүснин жүзінде мұжикарларидин бири күрүб, үл сандуқни күмған еридии, дүнё ҳаёл қилиб, ковлаб олиб үйига кеатурди. Андин кейин ичини очиб күреаким, одам ётибдур, мужик ҳайрон бұлды. Лекин Пудий тирик әрди, үл мужикта Пудий айдик, агар сенға дүнә керак бўлса, мени тарбият қылғыл, сенға кўб-кўб олтун бергайман. Андин кейин үл мужик Пудийни тарбият қилаверди. Неча күн ва неча замондии кейин Пудий сөгайиб, салим ало атъо бўлди.

Алқисса, Амир Темур Сохибқирон үрусни кўб шаҳарларини олиб, Москов шаҳрига яқин еттилар. Аммо Пудий үриидин туруб, Чигатай құшунинг келиб, мұлло Чингизийни ахтарып топти, ани олдида миразо Сайфуддин ҳам бор әрди. Иккови изми нужум мунозарасида әрди. Пудий ҳам форсий ва түркний, неча тилларни билар әрди. Андин кейин үзи әшикда туруб, бир құлагы айди: мұлло Чингизийға бориб, Пудий келди, дегил. Андин кейин құл кириб, воқеани мұлло Чингизийға баён қылади. Мұлло Чингизий имтиҳон қылмоқ учун құлға айдик, «чиқиб йўқ дегил». Андин кейин құл чиқиб, мұлло Чингизий йўқ деди. Андин кейин Пудий ҳайрон

булуб, қуръасини ташлаб, айди: «Мирзо Сайфуддин бирла мулла Чингизий иккови ушбу уйда мұқобил үлтуур, бирини орқаси Машриқга ва бирини орқаси Магрибга қилиб, қарши үлтуур», деди. Андин кейин құл кириб, бу сұзни баён қилди. Андин кейин Мирзо Сайфуддин бирла мулло Чингизий икковлари бир күйлак ичра кирдилар. Құлға айдилар, «чиқиб йүқ дегил». Андин кейип құл Пудийни олдига чиқиб, йүқ деди. Пудий қуръа солиб, айди: иккови бир күйлак ичра ёшинибдур. Ала ҳазал-қиёс,¹ бу сифатда үзларини етмиш мартаба табдил қилдилар. Пудий ҳамма ишларини топаверди. Мирзо Сайфуддин бирла мулло Чингизий икковлари Пудийни илми нүжумға етуклиғига оғарын қилдилар. Андин кейин Пудийни чақиририб олиб кирдилар. Пудийни күрсаларким, кийуми йүқдур, яғни ялангочдур. Андин кейин Пудийга бош-оёг либос бердилар. Андин кейин, сенға нима бўлди. Ярадор бўлубсан, деб сўз сўрдилар. Пудий айди: «майли шаҳват бўлуб, бу балога мубтало бўлдум», деб бошдин ўтган воқеани бир-бир баён қилди. Андин кейин Пудийни Амир Соҳибқиронни хизматига олиб келдилар. Мирзо Сайфуддин бирла мулло Чингизий иккови кумуш панжарада қолиб, Пудийни олтун панжарага ўтқуздилар. Ул вақт Амир Темур Соҳибқирон таҳорот қиамоқга туриб эрдилар. Анда маҳрамлардин амир Мусо Жалойир ўғли Аҳмадбек ҳозир эрди, Амир Аҳмадбекдин мисвокни талаб қилдилар. Ул, филҳол, мисвокни келтуруб берди. Амир хоҳласаларким, оғзиларига мисвокни урса. Пудий муни кўруб, Амирға тиз букиб, таъзим қилиб айди: «Эй Амир афандим, мисвокни маҳрамни қўлига беринг, аввал узи оғзига солиб, андин кейин сизга берсун». Анда Амир Соҳибқирон, бу қандай сўз?!,— деб мисвокни Аҳмадбекни қўлига бердилар. Аҳмадбек мисвокни қўлига олиб дарак-дарак титраб, лоилож мисвокни оғзига урди. Ўшал замон туси қорайиб, соатидин кейин аъзоси тарса-тарса ёрилиб ҳалок бўлди. Бу ишға Амир Соҳибқирон таажжуб бармоқин тишлади. Андин кейин Пудий айди: «Мен ҳикмат бирла билдим, мисвокни учига заҳар суркаган эрди».

Дерярким, бу шум отасига ҳам заҳар бериб, ҳалок қилғон эрди, қилмиш-қидирмиш. Бу фалокатни қилиб, ўзи ҳалокатга етти. Андин кейин Амир Соҳибқирон ҳар ажнос моллардин ҳаруфи мисвокни адодига юз йигирма етти қулни, яна юз йигирма етти қорамол ва яна юз йигирма етти тұн, ҳар қайси асбобдин юз йигирма еттини санаб бердилар. Пудий айди: «Эй тақсир афандим, менни жанобингиздин икки талабим бордур. Аввал шулким, мен гайри диндурман, исломни хоҳлаюрман, мұмінлар динига кирсам, иккінчи талабим шулки, агар сиз Московни олсанғиз, Малиқай Өқшайхни менга бергайсиз». Амир Соҳибқирон қабул қилдилар. Шул он қоровуллар келиб, хабар бердилар ёв келяити деб. Дарҳол чиқиб қарасалар, Пировун деган ўрс юз йигирма минг аскарга аскарбоши бўлуб, турфа ҳангомалар билан келур эрди. Амир Соҳибқиронға Пудий айди, эй тақсир афандим, агар Пировунга тағар тонсанғиз, мундин ўзга ўрусларини сиз бирла жаңг қилмоқга

Бунга қиёслаб..

тоқати бұлмас. Амир Соҳибқирон уччала ҳакимдии сұрдиларжы, зафар кимга бұлур, деб. Аидин кейин уччала ҳаким құръа солиб, айдилар: Зафар сизгадур. Пировун қуръада ҳалок бұлуб қүринур. Амир яна сұрадиким, Пировун қандай ҳалок бұлур? Мирзо Сайфуддин оғдий айди, юкоридин йиқилиб ўлур. Мұлло Чингизий айди: Сувға тушиб ўлғай. Пудий айди. Үқ тегиб ҳалок бұлғай. Аидин кейин Амир Соҳибқирон айдилар, қайси бирларшын сузинг тұғри көтгай?! Алар айдилар: қайси биримизни сузимиз тұғри көдмаса, бошимиз сизге гаров, деб жавоб бердилар. Аидин кейин Амир Соҳибқирон газаб ўтига ёниб, аскарларға буюрдиларким, сағ ораста қылғанлар. Аскарлар гайрат отига миниб, сағ ораста қилиб, аидин кейин табал, жаңғ барабанларин тартибға келтүрдилар. Аидин кейин ҳаэррат Амирни буйруқлари бирла бирдан Пировун тарафында қараб юриш қылдилар. Аммо ўруш құшунлары деворин орқасыда әрди, Пировун хийла қилиб, буюрдиким, олтун күмушларни келтүрүп тошқарига, ёвни келур жойига тұқынғаар. Аидин кейин Пировунни аскарлары олтун күмушларни олиб чиқиб, тұқтилар. Муни Амир Соҳибқиронни аскарлары күриб, ақчаларни олмоқни ҳаракатига туштилар. Үл күп беш минг аскарға ўрусларни үқи тегиб, жасад сапочларидин қизил олтунлари сочияди. Тонглаес Амир Соҳибқирон отланмадилар. Яна Пировун тадбир, хийла қилиб, нул сочтурди, мұғул аскарларни они күруб, яна ақчаны териб олмоқға бордилар. Амир Соҳибқирон газабда бұлиб, аскарларни уриб-сұкиб қайтареалар ҳам ўзға тарафдии борур әрдилар. Ҳарчанд олтун деб қизил қоңлар сочилғон била аларға ибрат бұлмади. Аскарлар айттур әрдиким, агар қазомиетса, бу нұлларни олсак ҳам ўлурмиз, олмасак ҳам ўлурмиз деб үzlарини қизил чүкігә ургондек олтунға үzlарини үрдилар.

Алқисса, йигирма күнгача олтун учун қизил олтунлари тұқулууб, жасад ҳамёллари сұкулуб юз минг аскар адам бозорига кеттилар. Аскарларға насиҳат кор қылмади. Пировунни бу қылғон ишига барча ўруслар оғарып дедилар. Аммо Амир Соҳибқирон ҳайрат деңгизида қолиб, Пудийни чорлаб олиб, нима тадбир қылурмиз, дедилар. Пудий айди, менға бир минг сандуқ бергайсиз, иккі сандуқ тұла олтун бергайсиз, яна иккі минг жаңғ құрган йигитни масаллах қилиб бергайсиз, бу йигитларни бир сандуқни ичига иккисини солиб, теваларға ортиб, ҳар тевага тұрт йигит жо бұлуб, аидин кейин мени құлымға тошшурғайсиз. Амир Соҳибқирон хұб деб қабуя қылдилар. Үл куни кечгача ул ишларни тайёр қылдилар. Аидин кейин сандуқларни теваларға ортиб, Пудийни құлиға бердилар. Тевалар құнғироқларни жингиллатиб, Пудий теваларни етаклаб, саҳро тарафында йұртиб, ярим кечада бориб Пировунни аскари ичра кирди. Аскарлар муни күруб, ҳайрат бармоқни тишиладылар. Аидин кейин аскарлар Пудийни Пировунни олдига олиб келдилар. Пировун Пудийға қараб айди, сенға нима бұлдиким, Амир Темурни аскарига құшулдинг?. Пудий айди: мени мақсадым Амир Темурни бир иш қилиб ўлдурсам, деб. Иложи тоюлмадым. Аммо Темур хазиналарини теваларға ортиб мента берди, үз мамлакатим Самарқандға залтын деб. Агар дунё керә

бұлса, ушбу олтуайларни олғил деб сенга келтурдим, деди. Пировун мулозимларига буюрди, келтургил, деб. Філхол, теваларни юки бирла келтурдилар. Пудий айди, Эй Пировун, мен қашшоқ бұлсам ҳам сенга яхшилиқ қилиб, бу дүнёларни келтурдим, деди. Пировун ҳимматлиқ ва муруватлиқ киши эрди, одиндаги бир тева юкни олиб, минг тевапи Пудийни ховл исига олиб бориб беринглар, деб мулозимларига буюрди. Пудий үзи бошлиқ құргон остига келсалар, минг тұғанғчи ухлаб ётур. Філхол, иккі минг йигит бирдан сандуқлардин чиқиб, аларни миатықларини олиб, құргонни деворини бузиб, шақрии ичига кириб, шавқун солиб, кариай, барабайларни чолиб эрдилар, Иноқтоз қалу қиморбоз булардин хабар топиб, синоҳлар бирдан от қүйдилар. Мусулмон аскарлари «Оллоқ ақбар» деб овоз қилур эрдилар. Үл куни Чигатой лашкарлари андог жанг қылдиларким, үрусни аскарларини қони құча ва ўрамларда ариг-ариг бұлуб оқа бошлади. Каллалари чинни тарбуздек юмаланиб, жасадлари дүң қабақдек ёрилиб, қолғонлари қоча бошлади. Андин кейин Пировун ҳам қочиб, күб барглик бир дараахтии устига чиқиб беркиниди. Тонг отқондин кейин Пировунни харчанд ахтариб тополмадилар. Амир Соҳибқирон уччала ҳакимни өзөрлаб, анда учтовини ёлғончи қылдилар. Яна учтовлари бирдан қуръа ташлаб, Пировун тирик деб хабар бердилар. Яна учтовлари аввалғи сұзни дедилар. Аммо Чигатой аскаридин бири келуб үл мазкур дараахтииң соясида аригдин сув ичиб туриб эрди, дараахт узра Пировунни қабугига сийдук тұлуб, күб ҳолатини заифлиқға солди. Ҳарчанд құли бирла закарини қисти, бұлмади, сийдук отилиб ниқиб, үл шүрлікни сирри изхор бўлди. Остиндаги одам қўрдиким, ҳаводин қатра-қатра сув томадур, осмонға назар қылса, ҳавода ғулут йўқ, мусаффо, очуқдур. Үл дараахтии қўрдиким, баргларини ичиде бир одам беркиниб ұлтуур. Үл қўрган одам Мирзо Ҳарашайх тўрага вазир бўлуб, мансабдин қолгон эрди. Пировун дараахтии устида туриб бул одамға куб нимарсаларни ваъда қилди. Қулида бир қиматбаҳо узуги бор эрдилар, лоилож, ани берди. Үл фалокат босқонга шул сұз узра тўра бирла Пудий қўрунуб қолди. Пировун бирла сұзлашиб турган одам шавқун солиб, тўрани қичқириб, муида бир үрус беркиниб ётибдур, деди. Мирзо Ҳарашайх тўра қулоқ солмай кетаверди. Пудий айди, бир қўруб ғтмоқ яхши, деб келиб дараахтға назар қылса, Пировун турур. Андин кейин тўрани қичқириди. Тўра, «нима воқеа?» — деб дарҳол ётиб келуб, қўрсалар, Пировундур. Ҳарчанд зўр қилишиб, Пировунни тушуролмадилар. Андин кейин тўра қулига ёсини олиб, ўқ била андог урдиким, шажардин қоплари самар олучасидек тұкулуб, жон тұтиси дараахт узра қўнолмайши, учти. Танаси юмаланиб, йиқилиб сувга тушти. Уччала ҳакимни сұзи анда тўғри қелди. Пировун ўқ тегиб ҳалок бўлур дегани тўғри келгонига барча оғарин қылдилар. Андин кейин, Амир Темур Соҳибқирон Москов шаҳрига мутаважжих бўлдилар.

БУ ДОСТОНДА ҲАЗРАТ АМИР ТЕМУР СОХИБҚИРОН
МОСКОВ ОДАМЛАРИНИ ҰЗЛАРИҒА ТОБЕЙ
ҚИЛҒОНЛАРИНИ, АНДИН КЕЙИН ЗУЛМОТ ШАҲРИҒА
БОРҒОНЛАРИНИ БАЁНИ

Алқисса, Амир Соҳибқирон Москов шаҳрига яқин етиб, Султон Мұхаммад тұрғаны әллік минг аскар била әровул құлдилар. Москов құргонини құрсалар, барчаси мармар тошдин ишиланған әрди, қирқ дарвозаси бор әрди, құргонини ҳар қынгирасида бир йигит, құлида тұфандық, қараб ұлтурур әрди. Тұра келгоч барчасидин үт чиқиб, бирдан тарақа-туруқ овози жаһонға тұлди, мильтиқларига үқ бойлагон әрдилар. Тұра тилемочдин сүрди, аларни үқ отмоқға құввати етмайдур, нечук, нимарсадур? Тилемоч айди, алар барчаси суратдур, үруслардин бұлғон саибатдур, ҳар қайсисини тобға келтурадурғон муруввати бордур. Қызын суратта бир үрус муваккилдур. Андин кейин дүрбин құрсалар құргон атрофида аробалар құйилғон, ҳар ароба ичра занбурак құйилғон, занбуракни олдида иккى муваккил фараңғы бордур. Шахрин үртасида бир минора құринур, ул минора узра Маликаи Оқшайх қодирини тикибдур. Үшул замон Амир Соҳибқиронни лашкар ва құшындар тұб-тұб бұлуб, бир раңгда, бир туңда лиbosлар кийиб, шоң-шавкатлар бирла келабердилар. Андин кейин асъаса ва дабдаба бирла ҳазрат Амир Темур Соҳибқирон келабердилар.

Мавлоно алломаи Тафтазоний бирла начанд уламолар үнг тарафларида зұлсақоб каби алам бопларида, қаландарлар жи-ловларида талқын айтib келурлар. Уч күндии кейин аскарлар гайрат үтига ёниб. Московға от қўймок учун Амир Соҳибқирондин фотиха талаб құлдилар. Московни атрофида иккى минг-уч минға яқин занбурак бор әрди. Аларни занбураги келига ұшаш әрди. Анда иккى минг үруе аскари шаҳр ичра, құргон остиға келиб, құлларида узун ходаларни учига филталарни боғлаб, ҳар қайси үзига лойиқ ерни кавлаб, филталарни учига үт қўйиб, ул занбураклар ичра ходаларни күтариб доруга текуздилар. Бирдан тутаб, Амир Соҳибқиронни сипоҳлари яқин етгач, тарақа-туруқ овозлар чиқиб, қанча аскарлар бирла, қанча от, қанча қорамолларни гирдигирд қилиб, чангларини тұзуутуб, вужуд шаҳристонидин адам чўлистанига юборди. Занбуракларни тутуни фалакға етиб, ерни зилзиласиң самога етиб, оламии қоронғу босиб, зулмотта айланди. Муни кўруб, барча ҳайрат депизига гарқ бұлуб, Амир Соҳибқирон таажжұб бармоқин тишлаб, айдилар: буларни яқинига борманглар, қайтилглар, деб қайтардилар. Андин кейин Амир Соҳибқирон айдилар: «ҳар киши шұл үрусларни тадбирини қылса-мандин пима талаб қылса, олеуп», дедилар. Анда Давлатшайх үглон туриб. Амир Соҳибқиронга таъзим қилиб, айди: «бу ҳангомаларни мен фикрини қылайин.— деди,— лекин қиптоқ аскарларини Туркистонға юборинг, борсунлар, ҳар қайси үз ерларида қарор олсынлар», Амир Соҳибқирон қабул құлдилар. Ул куни үту әртасиға Давлатшайх оғзига ида тошини солиб, бир булоғ ёқасиг келиб, ул сувға минг мартаба ғута урди. Андин чиқиб, ҳавога қара-

дам урди. Соатидин кейин ҳавога булут чиқиб, бирдан ёмгур ёға бошлади. Айдин кейин үруспи аскарлари ҳарчанд қилдилар, ул занбураклар сира ўт олмади. Айдин кейин Амирни аскарлари бирдаи от қўйуб, занбуракга яқин турган үрусларни адам казармасига юбордилар, андин кейин шаҳарни қўргонини олти тарафдин бузиб, от қўйуб, Московни ичиға кирдилар. Ўзбак аскарлари андоғ уруши қилдиларким, үрусларни бугдой боядик ўриб, фалокат хирмонига йигиб, ҳалокат ҳўқизи бирла ҳайдаб, янчиб, адам елиға совуриб юбордилар. Айдин кейин қўрсаларким, Маликаи Оқшайхдин хабар йўқ. Ахтариб тополмадилар. Айдин кейин бир чўри айди: янги ушбу уйга кириб, ғойиб бўлубдур. Филҳол, кирсалар начанд ҳумлар туур, анда малика Амир Соҳибқирон Пудийга қилғон ваъдасини эшитиб эрди, ўзини ариқ тезобига ташлаб, Пудийга хотун бўлғонимдин ўлғоним яхшидур, деб ўзини ҳалок қилди. Айдин кейин Пудий Москов элига шафеъ бўлуб, Амир Соҳибқирондин тилади, ҳазрат Амир омон бердилар. Айдин кейин алар Амирга тобеъ бўлуб, бож бермоқни буйунларига олдилар. Үруслар божни Мирзо Шоҳруҳ тўрани замонларигача берур эрди. Қачон Пудий ўлуб, Мирзо Шоҳруҳ тўра оламдин ўтгач, бож келмай қолди. Аммо Москов фатҳ бўлғондин кейин, бир куни Амир Соҳибқиронга хабар келдиким, Мирзо Шоҳруҳ тўра Булғордин келур, деб. Айдин кейин Амир Соҳибқирон жамиъ умаро, бекларни тўрани олдига чикордилар. Айдин кейин тўра шон-шавкат бирла қиблагоҳлариға таъзим бажо келтуруб зиёрат қилиб ўлтурдилар. Ҳазрат Амир фарзандларидан ҳол-ахвол сўрдилар. Мирзо Шоҳруҳ тўра барча кўрган ажойиб ва гаройибларни бир-бир баён қилдилар. Бу сўзни юқорида зикр қилиб эрдук. Айдин кейин ҳазрат Амир Темур Соҳибқирон бу сўзни ўглидин эшитиб, зулмотни кўрмог орзусига туштилар. Ул шундоқ эрдиким, қачон қуёш мезон даражасига келса, қоронгу бўлуб, олти ойгача кечаси бўлур эрди. Айдин кейин ҳамал даражасига етгач, қундузи бўлуб, олти ойгача офтоб гойиб бўлмай, доим айланмакда эрди. Бу сифатда олти ой кеча, олти ой қундуз бўлмоги шул сабабдин эрди. Айдин кейин Амир Соҳибқирон аскар ва қушунларини Московга қўйуб, ўзлари Булғор шаҳрига юзландилар. Неча маңзил ва мароҳил тай қилиб, неча қундин кейин Булғор шаҳрига бориб, кўб юртларни мусаххара айлаб, ўзлариға тобеъ қилиб, андин кейин Булғор шаҳридин ўтуб, кўб меҳнат ва машаққатларни чекиб, ажойибот ва гаройиботларни қўриб, неча кун ва неча замондигин кейин зулмотга яқин еттилар. Айдин кейин Амир бир кишини бул қоронгулиқга киргил, деб буюрдилар. Ул одам Амирни буйруқи бирла қоронгулиқга кирди. Замондин кейин юзи, боши қизил қонға булғониб, қочиб чиқти. Амир нима бор экан, деб сўрдилар. Ул одам айди: бир пимарсаларни кўрдим, икки кўзи ўтдек ёниб, менга ўзини урдилар. Айдин кейин Амир яна бир тўн одами киргил, деб буюрдилар. Улар ҳам кириб, ушбу каби бўлуб чиқиб, аввали кирган одамини сўзини булар ҳам дедилар. Аида Ҷавлатишайх ўғлон айди: «гумон қилурман, бу қоронгулиқни бинидаги укки бўлса деб, ул қушни расми одами кўрса ўзини

одамни юзига уркай». Андин кейин барча одамлар құлларига йигоч олиб, йигочларни учига түзог бөглаб, яна уч юзға яқин одамлар құлларига маньзала олиб, Амир Сохибқирон бирла зулмотға боравердилар. Құб-құб үккілар үзларини көтіб йигочга уриб, айланып қоадилар. Андин кейин бир жойига кессалар, бир нимарса юлдузға үхшіб күринур, аяға язғы бореалар бир иморати олийдур, атрофи уч юз газ келур, ердин баландан и юз газ келур, үртасыда бир гүнбаз бордур, уа гүнбазни ҳар атрофи юз эзлик газ келур, барчасини шамынод йигочидин тартыб берғандур. Үл гүнбазни устиға жақохіротлардин ёпуштурғондур, юлдузға үхшагын үл гавҳарни шұғласи әрди. Үа иморатни атрофида машъзала ва чирғолдарғандың юрдилар. Үа иморатни деворларига құб-құб үккілар үя солғон әрди, бұларни күрууб үккілар машъзала ва чирғолдардин құрқуб, ҳар ёнға учтилар. Андин кейин үл иморатни эшикни тишинасии тополмасылар, күб ахтардилар, Магриб тарафига ўтуб, оғтобини ва ойни ва юлдузни шаклани күрдилар, яна ёй суратини күрдилар, халқа қабидур, яна чиылак суратини күрдилар, яна чирмонғон илон суратини күрдилар. Барчалари таажжұб бармоқин тишилаб, ҳайрон әрдилар. Үл шакларни остида чигириқчи ва нахтачилардек таңдасыға сабогувчилар чуби осилғон. Чигириқ чиқарғувчига үхшаш устал турибдур. Ҳазрат Амир Темур Сохибқирон жамиъ сүзға етуқ үламолардин сүрдилар, бу тилеменотни сирри шима бұлса керак? Барча баҳри ҳайратта гарқ әрдилар. Яна Амир Сохибқирон айдилар: ҳар ким үшбу тилеменотни фикрини қылса, мендин ҳар нима талаб қылса олсун. Анда бир мұлло бор әрди, отлари Абдулло, алломани шогирдларидин әрди. әлаңаблари мұлло Қистали әрди. Үл мұлло Қистали Амир Сохибқиронға айдилар: әй Амир Сохибқирон афаидим, бу иморатни деворларидә әй сурати бордур, үл әй юнон тиляда ҳо ҳарфидур ва андин кейин яна чиылак сурати бордур, үл фо ҳарфи турур. андин кейин илон сурати бордур, уа доз ҳарфи турур, абықад ҳисебига олти юз сакеон түрт (1279 й.) бұлур. Ҳазрат Искандар Зулкарнайиниң қабри муборакларини лугати ҳам олти юз сакон түртдүр. ҳуруғин жамъ қылса, ҳафду бұлур, ҳафду лугатда тез кетмоқдур мүнинг маъниси: жаҳонға ким кесібдүр, теззик била кетгай. Яна мұлло Қистали айдилар: гумон қылурман, үшбу иморат малик Искандар афаидимиз мақбараларидур, яна ой суратини күрдүк, үл ҳуруғи хомдур, хом деб юнон тиляда құфлии айтүрлар, яна юлдуз суратини күрдүк, үл ҳуруғи шабозадур. шабоза деб юнон тиляда қалидни айтүрлар. Мұндии маълум бұларким, бу иморатни құфы била қалиди үшбу турур, андин кейин, гумон қылурманким, үшал усталии бир тарафға суре.зини күринса керак. Үшбу иморатдин от киннаб овози келур әрди. Андин кейин мұлло Қистали келиб, усталии ҷаб тарафға сурди, ҳеч нимарса маъдам бұлмади. Андин кейин үнг тарафға сурди, кучи етмади. Андин кейин Амир Темур Сохибқирон келуб, бир зүр қылиб сүрдилар, секин-секин девордии ажрайди. Андин кейин иморатни эшики пайдо бұлды. Ҳатығи шабоза деган қалидни хом деган құфлага урдилар, фиқход, эшик очылди, мақбараны кири

күрсаларким, күпдүзек равшандур. Таажжуб бармоқин тишлаб, назар қылсалар, эшикни юқорисида бир лавҳ туур, келиб анга қарасалар ер юзидағи нимарсаларни барчаси ул лавҳ ичра мұайян күринур. Маълум бўлдиким, Жаҳоннома кўзгуси ушбу туур. Ани ҳарчанд қилдилар ул ердин ажратиб олиб бўлмади, нечукким, ул ерга мустаҳкам қилғон эрди. Амир Темур Соҳибқирон жаҳонномага қараб, Самарқандни кўрдиларким, Хонимчани эшикнида кўб одамлар йигилғон эрди. Амир Соҳибқирон бу қандай воқеа деб ҳайрон бўлуб, нима эканини билмай қолдилар.

Ровийлар андог ривоят қилурларким, Амир Соҳибқирон Хонимчани қўлидин аркони давлатни олғондин кейин, Хонимча бир ўйни холи қилиб, анда тоат-ибодатда бўлуб вирди ва зоифи кўб бўлуб, кўб дуоларни тасхир қили. Андин кейин барчага машҳур бўлуб, мариз ва бетоблар келса, аларни ўқуса, филҳол, шифо тошар эрди, издиҳоми ҳалиқ шул жиҳатдин эрди. Аммо ул Жаҳонномани юқорисига ёзилибдурким, эй иби одам, гардиши рӯзгордин ва ходиси лайлу наҳордин бўлуб, бул ерга қадам тегурсангиз, зинҳорзинҳор қадамни билиб қўйгайсиз, бу маҳомким, тождор салотинлар жойидур. Бу жаҳоннома кўзгуси кўрдинг, ибратдур, бул дунё кўб-кўб яхни зотларни барҳам берибдур, бу дунё андог эски роботдурким, неча-неча қофиласларни, губорини елга берғондур. Эй азизим, кўнгилни буз, ул ғаддор дунёга қўйма, сочини муаттар қилиб, қундузи юзини зеб берғонига магрур бўлма, юзини қўриб сочларини тузоқига илима, бу жаҳон боялари ранж ила додгур, бу олам гулистанларига бокмагил, гуристонларига боқгил, алардин ибрат олғил, эй нури айним, ниҳол қаддинг олам ҳодисотини букуагай, вужудинг шажари марғ шамолидин ёфроғлари тўкилгай, бу жаҳон давлати ўлумни олдида ҳеч нимага арзимас. Эй гузал йигит, бу газал сенга насиҳатдур:

Б а й т:

*Бу давлати жаҳонинг дирҳамга арзимайдур,
Умрине борича минг шод, бир ғамга арзимайдур.
Давлат менга фаровон
Деб ұлма шоду ҳандон,
Кўрдинг жаҳонни чиндан ҳуррамга арзимайдур.
Дунёни бору ўқи, чин бўлса очу тўқу.
Тегса ажални ўқи, бир ғамга арзимайдур.
Оламни жашнү тўйу, нақши нигор ўйи,
Келганда марғ бўйи, бир шамга арзимайдур.
Дунёни бугу мулки, бўйнунгга бое, силки,
Тутса ажални илки, бил, зумга арзимайдур.
Фарзанду дўсту ёринг, чун хеш ила таборинг,
Кетганда мадоринг ҳамдамга арзимайдур.
Олам ботур, далири, эрликда ҳам чу шери,
Ё хожа, шайху пири ансанға арзимайдур.*

Андин сўнг, дебдулларким, азизим кўрдунг, мендурман, рабби маскун барчасига мұлаффар ва мансур бўлуб, салтанат сурӯб, отим Малики Искандар Зулкарнайидур, эй нури айни азизим, отам

тамомин илкимга олиб, тахти тасарруфга келтурууб, аммо бир лаҳза ажал илкига тоқат келтуролмадим. Олам борини ихтиёри жиловини иқтидор тутмоңыга келтурай деб, олам тамошосыға құзим түймай, әмди құзим косасыға туфроқ тұлди. Охир ер остиға жасадим бир юмрук туфроқ бұлди. Эй азизим, тилим доим фасоқат била, «Қаломулло»нинг тиловатида әрди, әмди анга мухри сукут құйулғондур. Құзларим тирикликида май била саросар әди, әмди анга туфроқ тұкулғондур. Құнглум кудурат зангидин, юзим нифоқ рангидин соғ әрди, ажал шаробидип бир қатра нұш айлаб, абадул абад, қиёматгача лаҳад ичра кирпич ёсдуқыға бош құйуб, туфроқ тұшаки узра ётурман. Эй нури айиним, насиҳат будур, жоним қариндош, бардош қилиб, дунё меҳриға құнгул болгламагил, юрак-багрингни бехуда ишінде дөғламагил, дунё макриға илинмай, қочғил, ибрат құзин очғил. Агар Сулаймони замон бұлсанг, ұлимдин санга омон йүқтүр, дармона бұлуб, армона қолмагил.

Яна бу ғазални дебдурлар.

Назм:

*Бұ ұикмата боқғил ва назар сол,
Ағволи замонадин хабар ол.
Күрдүнг бу фалакни, бевафодур,
Доим шиши жавр ила жафодур.
Билсанг, бу жағон мадори йүқтүр,
Шоду гамин әтебори йүқтүр.
Давлат ила молу жоғы дүнё,
Хеч фойда йүқ, чу нақши бурё.
Эй ақл әгаси, покиза дин,
Тут ақл әтакини, бұлма чиркин.
Жұз зикри худо бори абасдур,
Тортғил қадаминг, ұар иш җавасдур.
Солма үзинг оташи жафога,
Қолма ғаму мәғнату балога.
Нечун үзингга зиён этарсан,
Яхши отингни ёмон этарсан?
Албатта залилу хор ұлурсан,
Бұ феъл ила шармисор ұлурсан.
Сен олам ичинда нек ном ұл,
Маъриғу тамом хосу ом ұл.
Сармояларингдин айлагунг суд,
Ұл суд надур, рухсори маъбуд.
Қайтсанг яна келдүгинг мақома,
Қобалму тұшарсан әхтирома?!*
*Мен олам аро Искандар әрдим,
Мансурки бағр ила бар әрдим.
Тадбир ила олиб жағонни,
Күрдим неча яхши ва ёмонни.
Тасхир қилиб неча тилсимот,
Оламни заррин жамъ құлмоқа бот.*

Суд үлмади менга хосча андин,
Йигдим бу жаҳонда кўб ҳазойин.
Бошим узра эрди тожи давлат,
Охир бори бўлди хоки ҳасрат.
Тасхир этарда чўл ила кўл,
Ҳам бўлмади чинча бормогим ҳўл.
Тобмамки, бу олами газанддин,
Йўқ ўзга уч аршуни қафандин.
Йўқ дунё иши ҳатодин ўзга,
Беҳуда эрур саҳодин ўзга.
Ҳар нарса қўлингга келса, эҳсон
Қилғилки, эрур ризоийи раҳмон.

Алқисса, Амир бу воқеаларни кўруб, кўб йигладилар. Андин сўнг ул кўзгуни ул ердин кўчуруб олмоқ бўлуб ҳарчанд зўр қилдилар, бўлмади. Охир, бир зилзила пайдо бўлди, гўё ер ўпурулуб, яқинким, барчалари ер остига кетсалар. Анда дахл қилмай, ўзга уйга кирдилар. Анда бир отни кўрдиларким, охурига боғлук, қошига қанбар била сут келиб турур, ҳеч кишида юрак бўлмадики, от ёнига борса.

Дерларким, ул ҳазрат Искандар Зулқарнайн отлари эрди. Ани охир замонда ҳазрат имом Маҳдий олиб чиқгайлар. Лоилож андин Соҳибқирон рухсат қилдилар. Аммо ҳаво ниҳоятда совуқ эрди. Тошқари чиқиб, қўшхонага келдилар, анда икки юз кишини қўйуб кетган эрдилар, кўрсалар, барчасини қорни ёрилгон, қони тўқилғон, баъзи ёнича, баъзи чолқасича йиқилғон, ўлуб ётур. Анда бир одамни чалажон топтилар, анга муолижа қилдилар. Ул айди: Сизлар кетгандин кейин, ўн кундин сўнг, бир хайл махлуқлар бу мағорадин чиқиб, бу ерга келдилар, андин бизларга қасд қилдилар. Аларни тирноғлари ханжардин тез эрди, уч кун алар бирла жанг қилдук, охир, илоҳ тополмадук, бизларни ҳалок қилиб, мағорага кетти. Барчалари эшитуб, тафаккур бошин солиб, таажжуб бармоқин тишладилар. Пудий турууб айди: «анинг йўлига кўб таъом била огуни қўшуб қўйунг». Анда қўйуб эрдилар, алар келиб таъомларни кўруб, еб барчаси шишиб ёрилуб ўлди. Андин кейин Амир Соҳибқирон йўлга тушуб, неча кунда шўр дарё ёғосига келдилар. Андин Москов жонибиға келур эрдилар, анда бир тог қурунди. Анда Амир бир неча кишини сучук сув истамакга юбордилар. Алар кетуб, асло келмади. Охир Соҳибқирон ўзлари ул тог узра чиқтилар. Кўрсалар, бир йигоч узра бир куш ўлтурур, ўқ отиб эрдилар, ул бир тарафга учуб бориб тушти. Ўшул қушни бориб кўрсалар, анда миқнотис кўб экан. Анга ўқ била қуш ёцушуб ётур. Аммо миқнотис шундай тошдурким, темур жинсига ошиқдур. Темур анга ёвуқ келса, ўзига тортғай. Амир кўрдик, сув ахтариб борғонлар барчаси аслаҳа-ярголари бирла миқнотис тошига илиниб қолибдурлар. Амир аларни нажот қилиб, ул тогни сайр қилдилар. Қўб ажойиб ва гаройибни кўрдилар. Бир ерга келса, тог ичра бир гор йўл қурунди. Ул йўл ичра кириб бора бердилар. Бир жойига ғалсалар, бир киши қўлида ёй била ўқи, тез-тез ўқ отиб турубдур.

Агар киши анга ёвуқ борса, ўқ теккай. Одамлардин ҳеч киши құрқуб бормадилар. Амир Соҳибқирон құшунларнин ичида бир кишида миқнотисе тоши бор эрди. Үл киши дарҳол миқнотисени қўйнидид олиб, қўреатиб ул ўқ отган кимарсага бора берди. Анга ёвуқ борғондин сўнг, аният ўқи хатога кетти, ўнг ва сўлга қарамай югурди, ўқ келиб ул кишига тегди, ўлмади. Курсалар, аният қўксидаги миқнотисе тошига келиб илинибдур. Уа кимарсанни курсалар, сурат турур. Амир айдилар, ҳукамо бу суратни бу ерга беко қўйғон эмасдур, албатта, мунида бир воқеа бор, деб. Қуб тараффуд қилиб, ахтариб дарё ёқосига чиқиб қолдилар. Ҳикматдин ҳеч нимареа тобмадилар. Аида иешин вақти эрди. Пешин намозин ўқумоқга азои айтти. Муаззин «оллоҳ акбар» деса, ул тогдин, «оллоҳ акбар» товуши келур. Амир айдилар: «тог ичра бирор бордур?!» Одамлар айдилар, төғлар расми, нима деса шундай садо чиқадур. Амир бовар қилмай, одам товуши дедилар. Аида муаззин: «ашхаду аина Мухаммад ар росувту-лаҳ»га етгач, тогдин товуш келдики: «қаррата айна бика ё расула олло» сўнгидин яна ушбу каби товуш келди. Барчалари Амир донолигига офарин қилдилар. Аида барчалари азои жавобин тамом эшиттилар. Барчалари ҳайрат дарёсига гарқ бўлуб, йигладилар, гўё кичик қиёмат бўлди. Лекин ҳеч киши қўрмадилар. Баъзилари бу шайтондин бўлғондур дедилар. Амир қабул қилмадилар ва айдилар: бу шайтон товуши эмас, зероки, шайтон азои жавобин бермас, дедилар. Аида Соҳибқирон, ушибу кимарсанни ҳақиқатин билмасам бу ердин кетмасман, деб аида таваққуф қилдилар. Аида сўнг, ярим кеча бўлмай, дарё юзида машъала била чирог қўриди. Аида кема ичидан бир отлиғ, бир ниёда чиқтилар. Иккоби тог узр чиқиб, қичқируб айдики: «Туроб, бери кеаги». Тогдин товуш келдики, «золим, мени қўйги!». Ул отлиғ киши яроғиқ эрди. Аида тогдин бир горни эшикин тошиб, ўша ниёда мулозимига буюрдики. «кеатур» деб. Үл мулозим гор ичра кириб, бир шайхи фоний кишини соқолидин ушлаб, олиб чиқти. Ул киши ҳарчанд мулойимлиқ қиласа ҳам, ман маъмурдурман, деб анга асло жавоб бермай, ул киши даҳшат қилиб айди, сани улдурурман. Қари киши айди: «ҳануз ўлмаесман». Ул отаик қиличини қинидин чиқори ўлдумроқ ҳаракатин қилғонда, Амир айдилар: «мен бориб шағ бўлурман». Йўлдошлиари Амрии юбормадилар. Ул киши қари кишини қилич била урди. Ул қари одамии калласи хандалак кабюмаланиб ерга тути. Амир қуб қайгуда бўлуб, йўлдошлиари айдилар: «мен анга бориб ҳимоят бўлур эрдим», деб ўнка қизди. Ногоҳ курсаларким, гойибдин қўл келиб қари одамии бопини танаасига улаб эрди, дарҳол ул оқсоқол киши уриидин тирилуб турди. Амир бу инга таажжубда эридалар, ул сино қари одамд сўрди: нечук тирилтурсан, ул кимни қўлидур, деди. Қари одам асто гапурмади. Яна қилич солди, иккинчи гойибдин қўл келиб, ҳайт қиади. Бу сифатда тоиг отқунча ул сино шайхни етмиш мартаба улдуруди, гойибдин қўз келиб, калласини танаасига қўйсан.

¹ Сен қўзимиз қорачигисан, лә, олмонинг пайгамбари.

дархол тирилур эрди. Муну күруб барчалари тафаккур бармоқин
тишлаб, тахайюр дарёсига гарып булдилар. Амирни тоқати тоқ
булуб, айдилар: мен бориб, ошиг йүлини олурман. Анда Үмаршаш
тұра мен борурман деб тұруб, отасидин ижозат олиб, анга борди.
Қары үзини бир тарафта оади. Үл сино келиб, тұрага айди:
сизларни мен била нима шипингиз бор? Тұра ҳайрон бұлды.
Соҳибқирон машъалии ёргугиң зиёда қылдурдилар. Үл отлиқ сино
нече одамни ярадор қылди. Қары айди: эй қавм, Амирларингизни
мени тарағымға юборинг, деди. Анда Қилич Арслон келиб, Амир
Соҳибқиронни үл қары одамни қошиға олиб борди. Үл шайхи
фоний Амирдин сұрді: отинг нимадур?. Соҳибқирон айди: «отим
Темур». Қары одам айди: кимни наслидурсаң? Амир айди: Ефас
бин Нуҳ алайхис салом наслидурман. Қары одам айди: киғтингда
холинг борму? Амир айди, оре. Қары айди: бу мөгора ичра киргил.
ярим наиза бордур, олиб чиқыб бу кишини үлдурғыл. Амир дархол
гор ичра кириб күрдикі, яримта наиза фұлоддин, мөгора шифида
турур. Амир уч маротаба анга зұр қылди, оғолмади. Чиқыб, күчим
етмади, дедилар. Қары айди: азоң айтіб оласаң бұлур. Амир азон
айтилар. «Ашқаду аниға Мұхаммадар расуват-ллох» га етгач, наиза
ериңдин құзғолди. Амир наизаны олиб чиқты. Үл сино, бу яримта
наизаны менға бергіл, тамоноң қылсаң курай, деди. Үл қары айди:
бермай, үзини ургил. Дархол Амир ани құксига андог урдикі,
тепиб орқасидин чиқыб, адам сарига юз қүйді. Амир айди: эй бобо.
сен қандай кишисан, менға баён қыласаң? Үл оқеоқол киши айди:
«Эй Амир Темур, мени отим Зоъиб. Ҳазрат алайҳа найғамбар
замонларидин бу вақтгача тирикдурман. Исо алайхис салом күқдин
иозил бўлғонларича тирик бўлурман. Исо найғамбар бу наиза била
Дажжолни үлдургайлар. Амир Темур, сен ул кишини үлдурдунг,
ани оти Хон Оталиқ Ҳаким фарангы эрди. Мени Иниклида үқуб
күруб, яна мени бу ердин ахтариб тобти. Нече мартаба менға келиб.
омонатларингни бергіл, деди. Қабул қылмадим. Яна қиёмат
осоридин хабар бергіл, деди. Мен сўзламадим. Сунгра қаҳру ҳашам
бирада мени үлдурди. Гойибдин қўа келиб, мени тиргузди. Исо
найғамбар қўлларидур. Тўртичи осмондин келиб, мени тир-
гузгайлар. Ҳарчанд мени ҳар ким үлдурса ҳам тирилгумдур. Амир
Соҳибқирон шайхи Зоъиб фонийдин сурдилар: эй бобо, қиёмат
осоридин менға хабар бергіл. Анда қары неча калималарни қиёмат
осоридин ва охир замон бўлуридин сўзлади. Айди: «Эй Амир
Темур, эшитгия, ҳазрат Исо алайхис салом иозуидин изгари неча
шаҳрлар хароб бўлгай, аммо Бухори шарифини хұтук хароб қылагай.
Бухоро ҳалқи хожа Ҳбондии ўтуб, Магрибга боргайлар. Алар
Магрибга боргунча кўб шаҳрларни хароб қылгай. Яна Самарқанди
Сув хароб қылгай Бадахшонни зилзила хароб қылгай, Балхни шамол
хароб қылгай, Исфаҳонни илон хароб қылгай. Зероки отамиз Одам
алайхис саломни тутамларидин илон Исафаҳонга тушуб эрди.
Хиндустонни борсот хароб қылгай, тогларни яшии хароб қылагай,
Русини совуқ хароб қылгай, ҳабаш эли келиб Маккани олгайлар.
Араблар Румга келурлар. Үл вақтларда Қаъба ҳам хароб бўлур. Үл
вақтда олимлар илмига амал қилмаслар, эру хотун бир мақлиседа

үлтуруб, шароб ва чагир ичарлар. Майда болаларни ота опаси үкүголи қўймас, дунё ишига солурлар. Аксар савдо сотуции хотунлар қилурлар. Рибо ва ижара кўб бўлур, юрти ёмон халқи бой бўлур, ота ўгулдин, она қизди рози бўлмас. Юрти султон ва қози ва муфтилари риё бирла арз сўнг. Мадраса ва масжидни зулм бирла қилгайлар. Уруг ва қариндан ва қўшиларни ҳакига жавр қилурлар. Шайхлар муридига дунёдии сўзлар, ёлғончи кўб бўлур. Зоти бузуклар хожа ва сайдлик дазъвосини қилур, улумни ёд қилимаслар. Бу аломатлар бўлғондин сўнг, Маккада имом Маҳдий ўн тўрт ёнда бўлгайлар. Андин сўнг, ўн йиа Шом ва Рўм ва арабда салтанат сургайлар, барча халқ байят қилурлар. Андин сўнг, Дажжол лаъини Манриқ тарафдин эшак минуб, юзи қора, кўзи кўр, манглайида ёзилгои, «Ал кофиру биоллоҳ», деб. Девларни үзига тасхир қилиб, карнай, сурнай, дўнбира чолиб келтай. Оламда ёмонлар барчаси анга тобеъ булагай. Ўнг тарафида ўчмоқ, сул ёнида томук, ашколини кўрсатиб, ул шум худолик даъво қиласигай. Кўб шаҳрларни олгай. Анда имом Маҳдий ҳазратлари энитуб, Дажжол шўридин омон қиласигил, деб тангри иззи жалга сигинуб, муноккот қиласигайлар. Ўшаал замон жумоъ куни Исо алайхис салом кўкдин ерга тушгайлар. Андин, тонгласи Маҳдий била Исо ҳазратлари Хайбарга келиб Дажжол лаъинни топуб, унибу пайза бирла ҳазрат Исо ургайлар. Маҳдий қиалич била чобқайлар. Андин кейин Дажжолини лашкарларини ўлдургайлар. Андин кейин мусулмонлар тинчиликда булуб, шаъриат обод бўлур вассалом».

Алқисса, Амир Соҳибқирон ул шайхи фоний била видолашиб, андин Москов сарига юзландилар. Бир неча кундин сўнг, Московга келиб, анда таҳтга Нуриддин қарор бериб, барча ўзбак қўшунларни олиб, Самарқандга келдилар. Анда баъзи жатталарга буюрдики, Гилон мавзеъи қумда қолибдур, они обод қилинглар, деб. Ишо маъни қилиб, айди: булар анга лозим эмас. Амир қабул қиласиди, юбордилар. Қунлардан бир кун Амир Соҳибқирон Мирониоҳ тўрани закот одмоқ учун олатларга юбордилар. Тўра элатга чиқиб, икки-уч элдин закот олдилар. Андин кейин қатагон элига келдилар. Аларни беги Фўладхон эрди, оти Агаబек эрди. Ул ҳам тўразодадин эрди. Мирониоҳ тўрани кўб иззат қилди, ҳар қанча закотги бўлса шариат ҳукми била берди. Қатагон ичра бир йигитни яхини оти бор эрди, анга тўрани қўзи тушуб, бу отин менга закотга ҳисоб қилиб бергил, деди. Ул йигит айди: муни ўринига бўлак берайин, деди. Тўра қабул қиласиди. Бора-бора ишлари жантга муқайийд бўлди. Тўра мулозимларини барчасини қатагон эли ўлдурдилар. Тўрани тутуб, неча кун бир ҳужра ичра сақладилар. Агаబек анда мен ҳам хонзода бўлурман деб Гилон ҳам даъвойи подиоҳлик қилди. Муни элати била ёбу элати ани итоатин қабул қилдилар. Ёбу элатининг улугини оти Қутулмишбек эрди. Анга Агаబекни Севаркуз деган қизини бермакга муқаррар қилди. Ул Соҳибқирон била жаш қилимоқга мутасадди бўлди, зероки, ани элатлари кўб эрди. Иттифоқо, бир кун Севаркуз олтун била мурассасъ қиласигай

¹ Оллоғга коғир бўлған.

дүнбураңи қулиға олиб, чертуб, тұраны турған ҳужрасыға келиб қолди. Бу газални үқиди.

Газал:

Дүнбура чөртәр мани тирногим,
Борди-келди мақомин келиштурғон бармогим,
Тилим зикринг сұзлаюб, кіңгелгүм фикринг үйлаюб,
Сұзлағанда тебранур, ~~ок~~ тамогим.

Тұра анга пазар қылсақим, Севарқұздур. Құрган кишилар анға жонеуздур, құзлари мисоли кийик жавалоң қылур, бүйі ниҳоди буюқ ва ларzonдур, юзи қүёшқа, бадаплари күмүшқа үхшар әрди. Тиши дурдек, узи хурдек әрди. Лаб очиб, тилядин шакар сочиб, тұрадин сурди: «сени гунохинг нимадур?» Тұра айди: мен Амир Темур үгли бұлурман, бу ерга закот учун чиқиб әрдім, мени бу ерга болғаб қўйдилар. Севарқұз айди: мен отамға насиҳат қылиб әрдім, бовар қымлади, әмди бир хат ёзиб, Амир Темур отанға юборсам Тұра айди: қасидинг борму? Үл айди: «Әй тұра, менде бир кийик бор, ани бүйнінга хат болғаб қайға амр қылсан, борғай», деди.

Алқисса, үшул кийикни көлтүруб, бүйнінга хатни осиб, Табриз жонибиға юбордилар. Андин кейин бир күн Севарқұзни Қутулмишибек га никоҳ қылиб бердилар. Үл замонда аларни расми күёв бирла көзинни әлдин үзөгрек қўёр әрдилар. Анда Севарқұз тұлғунчани беркитти. Қутулмишибек күб ҳаракат қиади, бұлмади. Аммо қиз қўнгли Тийугбекда әрди. Зероки, мунни Тийугбекга айтқузилғон әрди. Андин кейин ҳийла қиашиб, Қутулмишибек га айди: Ҳар қаочон Амир Темур бошини көлтурсаң, бу тилемімот очылур, деди.

ЭМДИ СОХИБҚИРОНДИН СҰЗ ЭШІТМАК КЕРАК

Бир күн Амир Соҳибқирон ов овлаб юрур әрдилар. Севарқұзни кийиги Амирға дуч келди. Соҳибқирон набирааси Султон Мұхаммад тұрага буюрдилар, ушбу кийикни тирик кеатур, деб. Тұра форсий Ақимға минуб, кийикта қараб юғурди, анға әллик йигит ҳамроҳ әрдилар, барчалари етолмай қолиб, тұра құвлаб етти. Тұра үқ ва ёсинаң қулиға олиб, нишонага көлтүруб ҳоҳласақим, кийикта захмат берса. Үшул ҳолда бир тарафдии чаиг ва тұзон чиқа келди. Құрса, Қутулмишибек құшун била келур. Қутулмишибек анда Севарқұзни кийикни тануди. Дархол тұраны ўйлана олди. Тұра икки кишини үқ била урди. Қутулмишибек тұраны құлага тушурмоқни ҳаракатини қылди. Тұра күрдікі, иш құлдан кетти. Анда бир хат қылиб, бир шигоч узра осиб қўйди. Қелиб тұраны құланин бояладилар. Қутулмишибек айди: «мен Амир Темурға мұддай бұлурман, Амир Гемур қайдадур?» Султон Мұхаммад тұра: «мен Амир Темур ғұлурман», деди. Анда Қутулмишибек тұраны Севарқұз қошиға, мана Амир Темур, деб кеатурди. Іқиз айди: «бул әмас, борғил, Амир Темур қары кишидур?»

Қутулмиш яна құшунларини олиб, Амир Темурни йүлини олурман, деб кетти. Севаркұз тұрадын сұрди: «әй үигит рост айғыл, ким бұлурсан?» Тұра аңға воқеани бир-бир баён қилды. Андин кейин Мироншоқ амакисини қошига келтурди. Иккови мұнда бир ҳужра ичра болғып тұрсын. Эмди сұзни Амир Сохібқирондин әшитмак керак.

Амир ҳануз ҳам сайд узра юрур әрдилар. Қиз ул кийикни дахшат қилиб яна юборди. Амир кийикни күруб, етти мартаба шунқор солдилар, кийик етти шунқорни ҳалок қилди, зероки кийикка куб таълим берилгап әрди. Амир мұни күруб газабда бұлуб, бир аргумоқ отға минуб, кийиктә қараб югурдилар. Бир ерга келса, жангни асари бор, баъзи ерларға қон тұқылғон. Анда бир үйгоч узра хатни күрдилар. Хатни үқұб күрсалар, набиралари: «мендин хабар олинг», дебдур. Андин кейин, кийик келиб Севаркұз қодириға етти. Амир ҳам кийикни қорасини олиб, бир булог ёқосига туштилар. Ул қыз құлида таъом, қодирдин чиқуб, Амирға келтуруб берди, айди: «қандық киши дүрсиз?» Амир айдилар: қатагон сиполари дин Юртол бұлурман, Хұжанды борурман. Шул вақт узра Қутулмишбек била ёбу эли келдилар. Сохібқирон сиполари сайд узра юрур әрди. Аларға Қутулмиш мұқобил бұлуб, бир нечасин үлдурууб, бирини Амир Темур деб, калласини лұнгига үраб, байроқға осиб келур. Қутулмиш Сохібқиронға: «Ким бұлурсан?», деди. Амир: «үзінг ким бұлурсан?», деди. Анда ул отим Қутулмиш, ёбу элини бекі бұлурман, деди, бориб, Амир Темурни боши әрди, деди. Сохібқирон айдилар: күреатты мен Амир Темур бошини тонурман, деб ул лұнгидин олди. Амир Темур боши эмас, дедилар. Бу сұзни қыз антилади. Сұнгра бошни Севаркұзни қошига келтурди. Қиз қабул қилмади, айди: ул сув ёқосидаги қары киши қатагон элидин әмиш, андин бу бошини ҳақиқатин сұрагил, деди. Қутулмишбек Сохібқирон қошига келди, сұзлагуңча бұлмай, аниг құлини ушлаб, андак қойирдилар. Андин кейин ранғы бұзарыб, күзи қизарыб, қайгуда бұлуб, Севаркұз қодириға ёни келди. Зероки, күёвлиқ жиҳатидин ҳеч нима демади, қыз бу ишін завқ қилды. Ярим кечага яқын бир киши нола ва зори қилиб йиглар Амир күрсалар, бир үйгит, үл тарафдады теваға минуб келиб, у-булоқ ёқосига тушти. Сохібқирон ул үйгитдин сұрдилар: ним сабабдин йигларсан? Ул үйгит айди: «Мени отим Тийуг бекдур! Амир Темур бошини келтурсам деб бориб, тополмай келурман, зероки амаким Ағалбек қызига ошиқ әрдим, менға айтқузилғен қызни амаким ёбу эли Қутулмишбекға берибдур, мен анти чидоёлмай Амир Темур бошини келтуруб, қызни үз ахдимға олсан деб әрдим. Бу ишни мавжуд қиломай, йигламоқымға сабаб бу әрүр». Анда Амир Сохібқирон аңға раҳм қилиб, айдилар, әртада Амир Темур фалон жойда құмзор ичра ухлаб ётқай, бориб андин Амир Темурни бошини келтурғил. Сұнгра андин бурун Амир үзлары ул ерга бордилар. Андин Амир қүёши құқ майдонида жили күргузди. Ул үйгит құмзорға борди. Күрса бир кипи юзига партағып, ухлаб ётур. Үйгит секин-секин бориб, нарданы құтарып

күрдикى, мунга хабар берган булоқ ёқосидаги кинидур. Үл йигит таажжүб бармоқин тинилаб, ҳайрат дарёсига гарىк бўяди. Амирни уйқудин уйғотиб эрди, ўндуз замон Чигатой, лашкари стиб келдилар. Бу тарафдин ёбу эли қўзгоядилар. Анда Чигатой йигитлари андог қирғин солдики, буларнинг қилғон урушларини газал била адо қизлур.

Н а з м:

Бир йўла барча қўйғиларким от,
Икки ёндин солиштилар, ҳайҳот!
Эр йигитларни гайрати қайнаб,
Турмади даги отлари ўйнаб.
Бўлди андог урушлари қаттиг,
Найзалар синди куб ушомиб тиг.
Кўк уза чиқти куб тузону гард,
Қўлига олиб қиличларин ҳар фард.
Марг далоли бўлди Чобук чуст,
Аҳдол байъини анда айлаб еусет.
Қизиқ үлди ӯзумни бозори,
Малик ул мавт ўлуб харидори.
Сув қаби эл қони тўқумаклиги,
Танларидин бошлари суккаламаклиги.
Ушлашиб, тишлашиб олишмоқдур.
Қаршу келса кими солишмоқдур.
Барчаси бир-бирин суруб ҳарен,
Баъзи жон ваҳмидин бўлауб ҳайрон.
Ким қочиб, ким қарорни билмаслар,
Жанг ила бир-бирин кўролмаслар.
Қиру сойда тўзон олиб кўзни,
Ким тонур анда ёв билга ұзни.
Ушлашиб бир-бирин қуучоқлашиб,
Гар қилич бўлмаса, ничоқлашиб,
Сой тошидек солиб кеевук боини.
Анда фарқ айламай қари ёшини.
Отлар ўз ҳолича юрур тишин чайнаб.
Кимсалар жон берур тишин чайнаб.
Кимсалар заҳмидин оқиб қони,
Қийналиб чиқмайин печа жони.

Алқисса, Чигатой эли голиб келиб, барчасини адам казармасига бордилар. Юз кинидин зиёда ёбу эзидин қолмади. Анда Нутулминибекни ҳам жон тұтыси жон қафасидин учти. Қолғон юз иши аҳд-паймон қилиб, онт ичтилар. Сунгра Севарқўзин Тийуг шкеға никоҳи шаръий қилиб бердилар. Тийугбек анда Севарқўзини миб ўртага солиб, хўққасин очиб, маржонларини сочиб, муродига ти.

Андин кейин, Амир Журжонга йўл солдилар. Неча кунда Журжонга еттилар. Амир Соҳибқиронни Журжон эли куб

мұлозамат қиидилар. Айдидин сұнг, алар Амирға арз қилиб, айдилар: бир йигит наідо бұлубдур, начанд масала ижтиход қилибдур, отини Мирсаййид Шариф дерлар. Масаласи шулки одам жоны сувдур, ҳамма мавжудот сув, дегай, бу оятың қиес қилур, зероки, қувла таоло: ва мина олманы күлл шаин хайий», иккінчи масала: олло таоло подшохдур, салтанати тахтиға ұлтурғандур, арш аниң тахти, фарипшаталар авони дерлар, алъөз билло, зероки, қувла таоло: аррахмону ала ал ариши истиво, учунчи масаласи Мұхаммаднинг набиiliгига Алини шерік дер. Мунга ҳам неча оятын дағыл қылғандур.

Алқисса, Амир Соқибқирон Мирсаййид Шарифин чорлаб, Сиз масала ижтиход қылдингизму, дедилар. Мирсаййид Шариф инкор қилди. Айди: «бу масаланы айтқан кишига барча аимма лаънатнома битеуилар, мен ҳам лаънатнома битгайман», деди. Билдиларки, бу сұз ахли хусуматдин бұлғон экан. Айда барча уламо лаънатнома ёздилар: мундин бүён ҳеч киши мундай ижтиход қымасуи, деб. Яна бир неча муноғиқлар құзғолиб аллома қосларида Мирсаййид сұзи деб шаҳодат бердилар. Аллома Тафтозоний ҳам мундай кишини үлғони яхши деб, аллома бошлиқ аиммалар ривоят қылдилар, бу кишини сандуқ ичра солиб, шұр дарёға ташламоқ лозим, деб. Охир, алар қанча таъомлар била сандуқ ичра солиб, шұр дарёға ташладилар. Дағә ичра сув сандуқни олиб бориб, бир тоғқа уруб, бұлак-бұлак қилди. Мирсаййид бир тахта узра қолиб, мащаққати тамом била үзини қуруқликга олди. Тог этакидиң бориб, қирқ кунда фараң мамлакатига етти. Айда дағे ёқосида бир йигитни күрди, ялангоч, атрофида кийиклар үтлаб юрур. Мирсаййид Шариф таажжуб бармоқин тишилаб туруб әрди, бир тарафдииң ҹанғ ва түзөн чиңа келди. Айда иккі мингга яқин фараң йигитлари барча бүйниларида чалиполари бу йигитдин айланы бердилар. Үш тиilliрида сұзлаб, ул йигитта сажда қилиб, барчаси йиглаб, ёндилар. Айдин сұнг, үн мингга яқин киши келдилар. Барчаси қорсоқол, аслаха-яроғлар тоқинуб, құлларида шароб либоң била келиб, бу йигитте саждай таҳийят келтурдилар. Бу аларни ҳеч қайсисига илтифот қымади. Яна бир жамоға келдилар, олдиларида този құлларида бози, аргумоқ отларга минуб. Алар ичида бир оқсоқо киши, бошида тоғ, шон-шавкат била келиб, тұбдин чиқиб, бу йигитни қучогига олиб, йиглай берди. Мирсаййид Шариф буларни тиили билмай, ҳайратда әрди. Алар ичра Ажамдин борғон би тоғык бор әрди. Мирсаййид айдин бу воқеани сұрди. Тоғык айди: «бу йигит бослиқни ўглидур. Алар тиилида бослиқ деб амир иодшохни айттурлар. Бу йигит Рұмға бориб әрди, айда Елдирим Боязид Қайсаар құлуга асир бұлубдур, Елдирим ҳукамога буюруб закарини ахлилиға ётқузуб куна сүйи құйубдур. Айдин бу йигит нақасланиб телба бұлуб, қолибдур». Айда Мирсаййид Шариф изҳори фазл қилиб, айди: «мен анга даво құлтурман». Сұнгра тоғын айда бослиқ қосыға келтуруб, таржимон бұлуб, ара қилди. Бослиқ ўглини ғамида күб қайғуда әрди, булар воқеани бағи қилди. Бослиқ қабул қилди. Айдин сұнг Мирсаййид даво қыммоқға муқайып бўлди. Шаҳзодани келтуруб, закарин ахлилиға олтун би-

кумушни эритуб, майда қилиб, анга қўйдилар. Олтун била кумуш куна сўйини ўзига жазб қилиб, тортиб эрди, шаҳзода саголди. Фаранг бослиқи анга кўн инъомлар берди. Андин сўнг Мирсайид Шариф фарангдин чиқиб, неча кунда Истанбулга келди. Бир кун кўрсаларким, муъофа узра бир киши ўлтургон, турфа шавкат била келур. Мирсайид: — Бу ким? — деб сўрди. Одамлар айдилар: бу кишини отлари Султон Валад, Мавлавий Рўмийни ўглизлари дур. Ёлдирим Боязидни бодига борур. Қайсар ҳам андадур. Ахли фузало барчалари апда бўлурлар, деб жавоб бердилар. Аммо ул бод денгиз ёқосида эрди. Ҳар кун Қайсар шуъраога анда курунуш қилур эрди. Андин сўнг, Мирсайид Шариф бир назм битиб, бир қамиш ичра солиб, икки тарафини мум ила беркитиб, андин кейин денгизга ташлади. Қамиш сув юзида оқиб, бод ёқинига борди. Анга Қайсарни кўзи тушти, кўреаким, бир қамиш, иккала оғзини мум бирла беркитулғон, оқиб борур. Маҳрамларига буюруб, ани олиб кўрсалар, бу байт ёзилгониким.

Назм:

Эй қамиш, арзимни еткур беклара,
Бўлмади жо ҳеч сўзум бир дафтара.

Қайсар буюрдики, бу қамиш эгасини тоңуб келинглар, деб. Анда маҳрамлар Мирсайид Шарифни олиб бордилар. Мирсайид барчаларидин юқори чиқиб ўлтурди. Султон Валад аччиғи келиб айди: эй мусофир, нега бизлардин илгари ўлтурдинг?! Мирсайид Шариф аларга жавоб берди: «Сайид бўлурман, яна шоирдурман». Султон Валад айди: шоир бўлсанг Муллон Румии бу байтига ҳеч ким маъни боролмабдур.

Вайт:

Илми ҳақ дар илми сўфи гум шуд,
Ин суханки, бовари мардум шуд.

Сен маъни айгил. Мирсайид бадиҳа била айди: «ал-сўфи ҳоолло таоло муназзаҳ¹ ва мукаддас турур». Қайсар, Мирсайид мулло лиғига аҳсан деди. Анда Қайсар шоирларга буюрдики, ҳар қайси шоир икки мисраъидин байт айтсунлар, деб. Анда соқийга қараб, Султон Валад айди.

Назм:

Ҳар субҳ кетур шароб менга,
Уйғот, отчо не хоб менга.

Яна шоир Низомий муни айди.

¹ Олдоғ учун сўфий бўлсан.

Н а з м:

Тиз букуб ўлтур, манга тутгил суроҗинги бу дам,
Жүръя пүш айлан, күтариғсун бошимдин дарду гам.

Яна шоир Мисрий бу байтни айди.

Н а з м:

Оёгчи, оёгинг дам ўтмай құябер,
Симурсам неча мен, ким айтмай, түйёбер.

Мирсайид Шариф айдилар.

Р у б о и й:

Юз узра бу күн сочларини ёр тарабдур,
Чүн бұлды тараб шод кима баҳт қарабдур.
Ул сочларини тебратура субұ шамоли,
Иси келадур ҳар қилидин түркү арабдур.

Шоирлар бу сүз узра таажжубда әрдилар. Қайсаρ қарамига ёнди. Қайсаρни хотуни Азизи Мисрийни қизи әрди. Ногоҳ қүёш қайсаρи шафак тұшакига жой олди, тун келини бошига зулмот чодирини солди.

Алқисса, Қайсаρ ул кеча хотуни била маишатда әрдилар, бир сүз сабаб бұлуб, Қайсаρ хотуннің қаҳр қилиб, сочларини кести. Сұнгра қайгуда бұлуб, тоңгласи ташқары чиқти. Ҳануз шоирлар суҳбат узра әрдилар. Анда Қайсаρ аларға «мендин ўтган воқеани рубоий била тамом қилинглар», деди. Дархол, Низомий тавозеъ била туруб, айди.

Н а з м:

Бог аро чун боғбонким, гулни үзді бу кеча,
Сұбхандамдин рашик этуб, сунбулни үзді бу кеча.
Қайғу бирла гүнчадек бағрида қон ё ушбу ким,
Түшти савдо бошиға, кокилни үзді бу кеча.

Яна Шоир Мисрий турууб айди.

Н а з м:

Боғбон ногоҳ күрүбдур боғини,
Гуллар атрофида түргөн зогини.
Зоглара қирғин солиб чун қарчигай,
Бог аро ҳам күб солибдур дөғини.

Яна Мирсайид Шариф турууб, бу рубоийни айдилар:

*Сочина илкин узатмай тароқ,
Тилма-тилма айласун жисмин яроқ.
Хиндларни мунча тарож айладынг,
Рұмдин андиша қилмай, эй қароқ.*

Бу сұз Қайсаға аンドог таъсир қылдикі, гүё үқдек бу тарафдин үтуб үл тарафидин чиқиб кетти. Қайсағ аччиғи келиб, газабда бұлуб. Мирсаййидни қатала буюрди. Султон Валад шафеъ бұлуб, мань қилди. Андин кейин Мирсаййидни зиндонға солдилар. Олти ойгача Саййид бечора зиндонда қолди. Бир күн вазир Қайсағардин «Мирсаййид гунохини үтуңг», деб тиляб олди. Мирсаййидни зиндондін чиқордилар, анда үз ҳәети ҳолига бу назмни айди.

Рұбои й:

*Бахт ёвар айласа, хашиш сандон синдурур,
Бахтсиз бұлса атала ичса, дандон синдурур.
Кимса мендек толеъи паст үлса ақволи аниң,
Ер тубида бикрин ким ранжу зиндон синдурур.*

Бу сұз мунда турсун, әмди сүзни Соҳибқирондин әшитмак керак.

БУ ДОСТОНДА ҲАКИМ НИЗОРИЙ, КҮХИСТОНДА ДАЪВАТИ ТАНОСУХИЙ ҚИЛҒОНИ, АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН АНИ ЭШИТУБ БОРГОНЛАРИНИ БАЁНИ

Аммо Соҳибқирон Мозандарон вилоятларин аксарин фатх айлаб әрдилар. Әшиттиларким, ҳаким Низорий таносухий динига ривож берібдур. Андин кейин Құхистонға мутаважжих бўлдилар.

Ровий дерким, асли ҳаким Низорий Носир Хисрав шогирдидин эрди, бўл аниң билан рафиқ эрди. Амир Соҳибқирон аларни бархам берган вақтида бул шум қочиб, Құхистонға боргон эрди. Ул вақтда Қора Усмон бекни шоҳ Шужөт Құхистонға ҳоким қилғон эрди. Аниң қариндоши Қора Юсуфбек Озарбайжонға ҳоким эрди. Булар асли туркман бегидин эрди. Ўгузхон вақтида оқ уйли бўлуб эрди. Ўгузхон Фаридунга замондош эрди. Табаристон, Озарбайжон ва неча вилоятлар аниң ҳукуматида эрди. Аниң авлодин шоҳ Шужөт амирлиқ маснадига үлтурғон эрди. Шоҳ Шужөт Қора Усмонбекни ва Қора Юсуфни ахли ҳукуматдин қилғонига пушаймонда эрди. Дерларким, Амир Соҳибқирондин сұнг, Қора Юсуфбек даъвойи подшоҳлиқ қилиб, Озарбайжонға, Форс ва Мозандаронға ҳукуматда эрди. Эллик иккى йилдин сұнг, аниң авлодидин шоҳ Исмоил мамлакатларни олди.

Алқисса, маакур сұзға келайлук. Әмди ҳаким Низор шуҳрат тониб, Қора Усмоннинг бир ўғлы бор эрди, ўн саккиз ёшар, оти Ҳасанбек эрди. Ул иллати жавъиға гирифтөр бўлуб, ҳар кечак-

күндүз непа пүт уини атала қынаб, оғзига қүйр әрдилар. Асло қутылмас эрди. Атибболар аниңг мудижаасыга чора тобмадилар, қорни қонардек бүлуб, шишган эрди. Ҳаким Низори чорлаб, аниңг қошиға келтурдилар. Ҳаким аниңг сабабин сүрди. Үл ўгул айди: «бир күн сахрого чиқиб, бир қирда ухлаб ушбу касалға мұбтало бұлдум», деди. Лекин, доим қорни ҳаракатда эрди. Гумон қылдикі, илон қорни ичра жой оғандаудур. Ҳар нима еса ул илон ютиб, яна таъом талаб бұлуб турғай. Бу ўгулни мөңдасыға ҳеч нимарса юбормас. Буюрдикі, лаът мунчоқин келтуринглар, деб. Лаъзни инға болграб, анга ютқиздилар. Яна иппи тортиб күрдилар, лаът йүктүр. Иккинчи зұмрад мунчоқини шыға үткүзуб, ютқуздилар. Яна тортиб күрдилар, зұмрад қайтиб чиқмади. Билдиларким, афьи бу ўгулни ичида жой олибдүр.

Дерларким, ҳазрат Али каромуллох важиҳа замонларида бир йигит ухлаб ётған вақтида оғзига илон кирди. Ҳазрат Али афандимиз күрүб, уйготиб, у ён бу ён югуртуб, ҳаракатта солдилар. Нихоятда чарчағондин сұнг анга сув беріб, қайд қылдурдилар, илон ерга түшти. Анда Қора Усмон бекге ҳаким айди: бу илон улгойибдур, муни қорни уя қилибдүр, муни иложи машаққатдур, деб буюрдикі, сут келтурунглар, деб. Анда неча чөлакда сут олиб келдилар. Барчасини ичти, соатидин сұнг қусти, сутни бори түшти, илон түшмади. Охир, ҳаким Қора Усмонға айди: эй бегим афандим, бу ўгул тавоидидн үтүнг, мен мудижаасини фикрини қылгайман. Бек «ұттим» деди. Ҳаким буюрди, шароб келтурдилар, анга ичурдилар. Даражол қорни ҳаракат қылди. Ҳаким анда айди: сутни афьи қайд қилиб, холи бұлды, шароб ичиб, маст бұлды. Эмди лозимкім, биқинидин ёриб, илонни олурман. Агар илон маст бұл маса, мунга зарап еткүрүр эрди.

Алқисса, биқинидин аждархони олиб, қызил ини янги била чокини тикиб, ўгулни тарбият қылдилар. Афъини күреаларким, сапочдек бұлубдур, неча күндін сұнгра бес бача шифо тобти. Қора Усмон бес ҳакимға мұттақиқ бұлды. Ҳаким күндін-күнга таносұхий динінг ривож бера берди. Бир күн ҳаким Низор дарё ичра кемада сайр қилиб юрур эрди, кемачи овоз қылдикі, ана катта балиғ кемага қасд қылур, деди. Ҳаким айди: құрқманлар, сизларға зиён-заҳмат йүктүр. Анда дарё мавжда келиб, яқин келди. Ҳаким балиқға қараб айди: Намуди эй дарё балиғи! Бу сұзни балиқ әшиитуб ёнди. Қема била одамлар омои тобтилар. Алар сүрди, нимани айдинг, ҳаким айди: худога сажда қылурсаң, дедим. Бу сұзни юони тиляда намуди дерлар. Бу балиқ мундин бурун одами зохид эрди, муни тасбехи намуди эрди. Ҳоло, тасбехи зеңига түшүб, ёнди. Қора Усмон айди: муни воқеасин менға баён қылғыл. Анда ҳаким мазҳаби танасұхийдин баён қылди. Қора Усмонбек фуқароси била Құхистон эли ушбу мазҳабға тобеъ бұлдилар. Мулла Абдул Раҳмон Ұтрут дерларким, аксар китоби таворихда күрдүм, етти киши Мұхаммад алайхис саломдин илгари мазҳаби танасұхийға даъвойи пайғамбарлық қилиб эрди.

Аммо Ҳаким Низорий ҳам даъвойи нағамбарлиқин ихфо қылди, лекин ошкора қымлади, үз қавмига сұфтой от қүйди. Айтүр

әрди, «ажаойи» олам қайта-қайта тараққий қилиб, истикмөл топарлар, нафас ва мижоз ҳам унсуридур, камолот тамом мүяссар бұлғай. Бу суратдин у суратга унсури муфорақт қылур, гүбекон бу жасад үлса, үзға жасад тошиб, тирилгай, она қорнида жой олиб, тугулуб, яна камолот ҳосил қылғай. Аввалғи суратда фавт бұлғон нимарсанни иккінчіда тобғай, учинчіңа үтгандин сүңг тараққий қылғай. Ҳар қолибда тараққий қылса, андин малоика қолибига дохил бұлуб, етти күкни чиқиб кезгай. Бу қавлни танасұхий дерлар. Агар одам аклеиз ва иамсиз үлса, ани жони қолибидин чиқғондииң сүңг, аньом суратига киргай, гүё айуқдии ва хұқуздин шунға үхшаш нимарсалардин таваллауд тобқай. Лекин түрт оёглиқ ҳайвон асли жони одамдин муфорақат қылғай. Яна одам одам суратига үтса ақли оз, үзи носоз, бұлуур. Лекин жисми инсонийға дохил бұлаберса, камолот ҳосил қылғай, андогким, юқорида мазкур бұлды, наузибіллох, мин залика. Бу сүзині қавли таносұхий дерлар. Агар бу даражотти тобмасалар, аньомға муфорақат қылур. Агар аларни ҳам тобмаса, набатотта киргай, гүё дараҳт ва үтлар бұлуб күкарғай. Ани ҳам тобмаса жамодотта қолғай, гүё тош ва темур ва туфрголарда қолғай, ала ҳазал-қиёс. Агар нафас потиқа даражасыға етса, булар барҳам егай. Ахли таносұхий дерким, мисеқ күнінде олло таоло Одам Ато била бир минг етти юз йигирма арвохни яратған, андин зиёда әмас. Бу рухларни Одам била авлодларига дохил қылди. Нече замондін сүңг, Рухи Одамни Нұх жасадига дохил қылди. Андин сүңг ул рухни Иброхим жасадига берди. Ұшбу дастур била Мұхаммад алайхис саломға ётиб, камолот ҳосил қилиб, андин фариншта бұлуб, осмонға чиқиб, келмади дегай, наузибіллох мин заликул мазкур. Зероки, алардин сүңг соҳиб шарныңт ва соҳиб тариқат келмагай.

Аммо бу шум ҳаким дедиким, мен етміш иккі мартаба дүнёға келдім, аввал келғонимда савдоғи әрдім, сүнгра келиб, қасеб бұлдым. Қүй қонини күб түккөнім учун, андин сүңг, жоним бүри суратига дохил бұлды. Бу күн далада Қора Үсемен бек била юруб, бир әсқи қашқырни сүнгакини тошиб, ани бекігі күрсатиб әрді: Мен бүри әрдім, мени сүнгакимдур, мени бүрилік вақтимда ҳазрат Яъқуб пайғамбар замонлары әрді. Анда мени Юсуфни единіг деб қариндошлары тұхмат қылдилар. Яна қашқырлықдин одам суратига дохил бұлдым. Нече маротаба оламға келиб, әмди соҳиб иршод бұлдым, мүндін сүңг малоика суратига киргайман. Үл бадбаҳт айди: әмди оламға келмагайман, сизлар түш күргайсиз, тох Туркистанда, тох Ҳиндустонда, тох Арабистонда юргайсиз. Тох Тошканд, тох Самарқандда бұлгайсиз, тох сойда, тох қирда тургайсиз. Аввалғи замонда оламға келғанларингизни рухніңгиз күргай ва сайр қылғай. Үл шум яна айди: «Хеч дин бизни мазхабмиздин илгари әмас». Үл вилоят одамлари они сүзини қабул қылдилар. Яна айди: Одамдин бурун инсон яратғандур, аларға олов тұғонини юбориб, барчаси күйуб, Одам била Ҳаво қолғондур. Абул Баширнинг оталари ва оналари бордур. Оталарини оти Салмон ва оналарини оти Моҳёрдур, деди. Андин сүңг Нұх алайхис саломға сув тұғонини юбориб, қавмлари ҳалок бұлды. Үzlари қолди. Тұғоннан кейінгі одам Нұх пайғамбар насладиндур. Оламға

түфөн келиб, барчани ҳалок қылса, бир киши-икки киши ҳийла била қолгай. Зурёд күб бүлуб, олам түлгай, дунё меники боқий деб инкор қилди. Наузи биллох, бир куни ул ҳакими шум мадраса ичра шогирдларига таносүхийдин дарс айтиб үлтүрүб эрди, бир эшак аниң дарсхонасасини эшикига келиб турди. Шогирдларига бу ҳайвонни қувланглар, деб буюрди. Ура-ура ҳайдаб юбордилар. Соатидин сүнг яна ул эшак қайтиб келди. Ҳакими маълун айди: бу эшак мендин илгари бу мадрасага мударрис эрди. Үлганидин сүнг, рухи бориб ҳүтүк булиб тугулди, деб ўриидин туруб, дархол эшакга қараб бу газални хитоб бирла айди:

Р у б о и й:

*Мударрис эрдинг, илминг нүүк бүлүбдүр,
Соқол, сочинг ёлу қүйрүк бүлүбдүр,
Ҳамма тирногларинг дүндү туега,
Сен эшак бүлмөкә бүйрүк бүлүбдүр.*

Яна айди: ҳар ким кишини ҳақини еса, үлгандин сүнг рухи девга муфорақат қылгайким, золим бўлса, ани рухи илон-чаён суратига киргай. Ҳар кишини ўз амъолига яраша бир ҳайвонға табдил бўлғай.

Алқисса, ҳамма одамларни ул шум ўз динига таклиф қилди. Қўб жамоға анга итоат қилдилар, баъзи эл муни кайфиятини Соҳибқиронга келиб арз қилдилар. Амир ани тарафига юриш қилдилар. Ул вактда Қора Усмон бек Табаристонга кетиб эрди. Ҳакими маълун Қўҳистонда эрди Амир келиб шаҳрни қамалга олдилар. Мирзо Сайфуддинга насиҳатнома ёздуруб, Қилич Арслонни элчи қилиб, дархол номани Қиличбек қўлига олиб, йўлбарсга минуб, шаҳар ичра кирди. Ҳакими уйга келиб, арслонни эшикига қўйуб, ўзи ҳаким қошига борди. Қўрса, савсардин пўстин кийиб үлтүрүбдур. Номани қўлига берди. Ҳамда ва наътдин сүнг, дебдур: «Эй ҳаким Низорий, шариъати расул акром саллогоҳу алайҳи васалламга амал қил, бу ботил мазҳабингдин қайтгил, Носир Хисравни курдунг, они ўғли Мансурни эшитдинг, нима бўлдилар. Алардин ибрат ол», деб нома тамом бўлубдур. Ҳакими шум жавоб берди: «Бизни мазҳабимиз ножийдур, бу мазҳаб ҳам Расул мазҳабидиндур». Қилич Арслонга айди: «Борғил, Амир Темурга айғил, биз тонгла майдонга бориб, чодир тикармиз, Амир Темур сўзга стук муллолардин бизга юборсун, аниң била мубоҳаса қилурмиз, кимни сўзин ҳақиқати маълум бўлур».

Андин Қиличбек ташқари чиқти. Ҳаким Низорий сўфтойлари айди: «Бу йўлбарсни бир чаккага олгил, бизлар ўтуб кетайлук. Қилич Арслон айди: «Сизлар била муни иши йўқтур». Бири анда ҳожатга үлтүрүбдур эрди, йўлбарс ани гарча тишлади. Муни қўруб, ҳақим айди: бу йўлбарс мундин бурун Ҳалокуҳон эрди, эмди йўлбарс бўлубдур, зеро Ҳалоку куб золим эрди. Бул ҳам кишини ва

махлукларни қонин түкувчидур». Қиличбекта айди: «Сени бобонгур, ани учун сени устига миндеру б келибдур». Яна ул шум айди: «Агар қабул қымасанғ, бул ерда бобонгни қабри бор, етти филиззотдин ясалгоң, ани қаиуси ҳам етти филиззотдин қилингандур. Ҳеч киши ани очмоқға кучи етмабдур. Бу йұлбарсни минуб, сен анга яқын боргил, қапуси сенга очилса, билгилки, бу йұлбарсда анинг рухи бурдур. Зероки, ўз рухига қапуси очилур». Айда ёзилған хат бор эрди, авлоди Ҳалоку келса, эшик очилгай, деб. Құлмаса, мінг киши бориб ҳам ани очолмас эрди. Қиличбек бу сұзни әшитуб, анга бориб, ишорат қилиб эрди, дархол қапуси очилди. Қиличбек бобосин қабрига кирди. Ҳожа Абу Наер анга тилем била ишлагон эрди. Зероки, одамлар Ҳалоку коғир деб қабрига үт қўймасун. Айда қабр уара бир қути била лавхға хат эрди: бу ерга ким келса, қадамин ужраси ушбу қутидур, деб. Үл қутини уч марта бўр қилди, очилмади. Остида очқуси бор эрди, очқуни олиб, қуфлга уруб уч марта бўр қилди, яна кучи етмади, нима қилурини билмай ҳайрон эрди. Ўшул замон ҳаким етиб борди. Қиличбекга айди: Ҳожа Абу наср ҳақи ва хурмати очилсун, дегил. Қилич Арслон айтиб эрди, дархол очилди, ичидин бир китоб чиқти. Ул «Аҳлоқи Носирий» эрди.

Алқисса, ани олиб Амир Соҳибқирон қошига келтурди. Амир айдилар, «киши бўлса, ҳаким Низорий била мубоҳаса қилса». Одамлар айдилар: Бир йигит бор, кўб илм ва қиссаларни билгай, неча йилдин бери ҳажга кетиб эрди, ушбу йил келибдур. Магора ичра ватан тутмиш, оти Ҳамза. Аниң ҳажга боргонини сабаби бу эрдики, Мавлоно Али шоир анинг била мұнақаша қилиб эрди. Линга бу газали айтиб эрди.

Рубоий:

*Арбоби ҳунар дафтарига ҳожа Алидур,
Недин сиза бу лутф, табиат азалидур,
Бу сўзни писанд айлангу, хоҳ айламангиз,
Билсун ҳаммаким, Ҳамза ҳам устод, валидур.*

Мавлоно Али аниң жавобига деб эрди:

Назм:

*Эй Ҳамза, билиб сўзлаки, ҳақ жои Алидур,
Юз Ҳамза фазилат ила ло лои Алидур.*

Ҳамза бу сўзни әшитуб, қисса ўқумакни ва шеър айтмакни тарк айлаб, ҳажга кетуб эрди.

Амир билдиларки, кўб сўзга етуқ, фозил кишидур. Дархол Иноқни анга юбордилар. Иноқтоз келиб кўрди, шайх Ҳамза пустун кийуб ўлтурубдурлар. Айди: «Эй Мавлоно афандим, сизни Амир чорлар». Шайх келмади. Амир бир ҳамён олтун бериб юбордилар, сунгра шайх келди. Амир айдилар: «Мен халифаи муслимин

бүлсам, киши юборсам келмадигиз, ахчага келдингиз». Шайх айди: «Уибу ҳадисга амал қилиб келдим: «қала алтайха ислому ал инсону ибайду ал ихсони»¹, амирға бу сұз маңыл бұлды. Сохидқирон мазҳаби таносұхийнің воқеасин анга айдилар, шайх Ҳамза мунозара қымоқни қабул қилдилар.

Алқисса, тонгла бүлсүн деб, мубоҳаса ва мунозарани бир ерга муқаррар қилдилар. Үл күн үтуб әртаси ҳаким Низорий улог узра минуб, ахли таносұхий ва сұфтойлари билан келиб, саф түздилар. Шайх ҳам иккى шогирдии олиб, муқобилиға бориб үлтүрдилар. Шайх ҳам ҳаким Низорийга айди: «Эй ҳаким, қайси мазҳабда тууресан?» Ҳаким айди: «Мазҳаби таносұхийдан дурман. Ҳар одам яхши амал қылса, жони малоика суратига боргай, агар ёмон амал қылса, ҳайвон суратига киргай. Андоғким күрмак, билмак барчаси руҳдин турур». Үл ҳаким маълүн яна айди: мен етминн иккى мартаба дүниға келдим, күб қолубда сайр қилдим, әмди ушбу қолиға ушбу суратта дохил бўлдум.

Шайх Ҳамза айди: «Лозим шүлким, барча нимарсанни илгари курдук, әмди, шу замонда ушбу жойға келдук. Үтгай нимарсалардан ҳеч нима құнглымизда йўқтур. Бу воқеанинг сирри на эрур? Яна шайх айди: «Шундот бўлурким, келадурғон нимарсаларни түш кургаймиз, учмоқ, томуг ё қиёмат ё Қажикол ё қатъи мумкин һимарсалар кўрунгай, бу нима бўлгай, пимага қолаб ё рух бу воқеани илгари кўрмабдур, холо уйқуда кўрганлари нимадур? Ҳаким Низорий жавоб тополмай, музтар бўлуб, ул шумни юзидин мурдор терлари оқа бошилади. Анда ҳаким маълүн айди: «Тонгла иккимиз таваккал қилиб ёнғон үтга киргаймиз, ҳақиқатимиз анда маълум бўлгай». Шайх қабул қилиб, иккени иккى тарафга ёндиilar. Амир Сохидқирон таваккални олло таолога қилиб, үтуи йигмоқга буюрдилар. Үл куни кеч бўлуб, қуёш Юнусин шафақ денгизин балиги ютти. Қундуз шунқорин тун қаргалари қувлаб беркитти. Амир кеча била туруб, шахидлар қабрига келдилар, зиёрат қилур эрдилар. Соғана орқасидин йиги товуши келди. Ногоҳ кўрсалар, иккى киши келибдур, қўлларида тобут, гўр ковлаб, тобут била ерга кўмуб, ёндиilar. Үшал замон Амир келиб, гўрдан олиб тобутни ташқари олдиilar. Кўрсалар, бир қиз, ўз қонига бўёлгон, андак жони бордур. Қўлин узотуб, айди: «Эй хожа, мени нима ёзуқим бор, менга тұхмат қилдинглар». Эси үзиға келғондин сұнг, Амир айдилар: «Сен қандай кишисан?» Үл айди: «Ҳаким Низорий чўрисидурман, бир қул менга тұхмати зино қилиб, бу ҳолатга еткүзди». Амир ани ўз чодирига келтурдилар. Айдилар: билурмусан, ҳаким қандай журъат била үтга үзини ургайлар? Чўри айди: «Ҳаким Низорийда бир шиша самандар ёғи бордур, менга айдики, бу ёгни мен баданимға суркаб, үтга үзимни ургайман. Амир айдилар: «Үл шиша турғон ерни билурмусан, қайдадур?» Чўри қайда эканин билолмасман, деб жавоб берди.

Аммо, деларким, Самандар жонивордур, ватани ўт ичра бўлур, анга ўт таъсир қилмас. Алқисса, тонгласи Амир Сохидқирон

¹ Инсон әжсан ҳилиш баңдасидур.

шайх била Иноқга сұзладилар. Үл куни Амир шайх била ҳакимни үтқа кирмоқин мань қылдилар. Амир Иноқга, борғил ҳаким уч күн сабр қылсун, зероки үт тоза аланга олсун, дедилар. Үчунчи күн бұлғондин сұнг, атрофу жавонибдин элу одамлар әшитуб қелавердилар. Үчунчи күн үтуб, тұртуunchи кечаси туи ярмida Иноқтоз қиморбоз айёрлиқ аебобини тоқунуб, Амирни үзінгі йұлдош қилиб, ҳаким үрдасига келдилар. Атрофидин айлануб, киарга жой тоғолмай, юрур әрдилар, тұсындин бир қора кийумлу йигіт үрда деворидин туشتі. Құрсалар, Иноқтоз үгли Хуморийдур. Буларга айди: таваккални таңгриға қилиб, сизлардин бурун бу үрдага келиб әрдим, неча-неча үйлар құфлини буауб ва неча сандукларни бузуб очиб, ушбу қути ичра самандар ёғини тобдим. Айда Хуморий самандар ёғини олиб, үрнінг ламфа ёғини қўйди. Дархол, Хуморий ани жойига әлтуб, тева күрдигімү, йўқ деб учовлари чодирларига келдилар. Амир шайхни талаб қилиб, ёғни бериб, айдилар: «Эй мавлоно афандим, мунни баданингизга суринг». Шайх айдилар: «Мен таңгриға таваккал қилурман». Ҳарчанд қылдилар, қабул бўлмади. Үл куни жумаъ әрди. Намози жумаъ ўқулғон сұнг, қоровуллар келиб Амирга таъзим қилиб, арз қылдилар ва айдилар: «Қора Усмонбек Табаристондин юз мингга яқин құшун кеңтурур ҳаким қўмакига». Айда одамлар анинг била жанг қылмоқин орзу қылдилар. Айда Амир айдилар: баҳодурлардин борму, анинг била жанг қылса?! Үл куни неча үзбак баҳодурлари бошларин яланғоч қилиб, Амирдин фотиҳа олдилар. Ӯнал вақтда бир киши келиб Иноқга айди: «Амирға қўреатмоқга хатим бор», деб. Иноқ Соҳибқирон хизматига келтурди. Амирға тиз буқуб, таъзим қилиб Соҳибқирон қўлларига хатни берди. Ани мутолаа қылуб кўруб ул кишига бош-оёғ шоҳона либос бердилар. Баҳодурларни сабр қилинг, деб жангга юбормадилар. Айдилар, бу күн кўрайилук, ҳаким била шайх үтга нечук кирғай. Үл күн бир-бирларидин хатни нима деб сўрап әрдилар. Амир Соҳибқирон салобатидин ҳеч қайсилари сўраётмай, анда барчалари Шоҳруҳ тұрага сиз сўранг, дедилар. Тұра, мени сўзимни албатта отам рад қымаслар, деб амирдин сўрдилар. Соҳибқирон «сўрамагил» деб сиёсат қылдилар. Бу сўздин тұраны зеҳни койиб, үз чодирига кириб үйқуга борди. Айда ҳаким била шайх үтга кирмоқға тайёр булюб, ҳаким ҳикматига эътимод қилиб, шайх Ҳамза олжо таолога таваккал қилиб, үл куни неча уламо, шайх, атрофида әрдилар, Шайх оқ түп кийуб, барчаларни зикр этиб, йиглаб келабердилар. Үл тарафдин ҳаким намоз үқуб, андин сұнг кўб шароб ичти, мастилик ҳолида ламфа ёғини билмай самандар ёғи деб аъзосига суркаб, қора түп кийуб, ахли таисеүхийлар била дўнбура, нокус, рубблар чолиб келабердилар. Ҳаким шум нағма әшитмакни савоб деб, бу байтни дер әрди.

Назм:

Ҳар кишиким, нағма овозин сұяр,
Ушбу товуш ила яратғанни топар.

Алқисса, шайх икки ракаат намоз үқудилар. Амир барча одамлар била шайхга мутобаат қилиб намоз үқудилар. Андин сұнг, Амир бопшлиғ бирдан шайхга фотиҳа бердилар. Ул тарафдин ҳаким келди. Икковлари бир-бири бирла құл унлашиб, шайх оят үқуб, үзига дам уруб, үт ичра югурууб кириб кеттилар. Шайхға үт совуқ-луқта айланди. Етти қадам борғондин сұнг, ниде келдикі, ё шайх, ҳаким құлғын тұтма, анда құлғын құйуб юбордилар. Ҳаким Низорий: «вой қуйдүм», деб шавқун қилди. Барча аининг товушин әпнитуб, билділарки, малъун ҳаким жасади үтга үртанди. Жони тоб келтуролмай, қочиб томуғ үтига ёнди. Соатидин сұнг, шайх Ҳамза үтдин саломат чиқиб әрдилар, барча күрүб, хурсанд бұлуб, суюнуб, олло таолога ҳамду сано айтиб, келиб шайхни тавоғ қилдилар. Андин сұнг шайх Озарий лақаб қуидилар. Андин сұнг, ҳакимнинг қавми сұфтойларни ұлдура бошладилар. Бир неchalари қочиб, шаҳр құрғонига қамалдилар. Қапуларин бузуб кириб үзбак баҳодурлари ул бадракларға андоғ қирғын солдиким, сұфтойлари қони құча ва үрамларда оқа бошлади, каллалари узулууб, таналяры чұзулууб, баъзилари ер қучиб, баъзилари чалқасича йиқилиб, тирикларин жони оғзига тиқилуб, баъзилари қобун-тарбуздек ёрилуб, баъзи оёғи, баъзи құли узулууб, жасадлари таррадек тириллаб, бодрингдек дириллаб, жонлари томуғ сари ғириллаб кета бердилар. Үзбак сиполари фириллаб, қиличлари шириллаб сұфтой бошларига ета берди. Ул куни бу сифатида жанг қилиб, йигирма минг кишини томуғ қазармасыға юбордилар. Баъдақл бидъят тамом бұлғондин сұнг, шайх Озарий Амирдин рухсат олиб, бир тарафға кеттилар саёхат қымлоқ учун.

Алқисса, Сохибқирон құлидаги хат ҳеч кимға маълум бўлмадики, нима бўлса. Амир Шоҳруҳ тұрадин койиб, аининг амалини Мироншоҳ тұрага олиб бердилар. Шоҳруҳ тұраға буюрдиларки, бориб әлатиялардин бож олғил деб. Бу ишға бўйун товлаб, уз олдига тұрт минг кишини құшундин олиб, Амирдин рухсатсиз Қора Усмон бекіга қараб юруш қилди. Бир ерга келсалар, лашкари азим дуч келди. Аңға қоровул юбориб әрдилар, ул келиб айди: «Қора Усмон таносұхий жанг қилғоли келур».

Дерларким, ұшул хатики Қора Усмонбекдин Амирга келғон эрди. Айтиб әрдікі, мен расул охир ул замондин назар топуб, таносұхий динидин қайтиб, ҳидоят йұлиға кирдим, иншооллоҳ, Амир қопларига бориб, хизматларыда бўлғайман, лекин кишиға изҳор қымасунлар, зероки, әлатларимни куби таносұхий динига кирғондур, фасод чиқормасунлар. Шул сабабдин Амир ҳеч кимға айтмаб әрдилар. Мундин тұра бехабар, Қора Усмон муқобилига чиқиб, карнай чолдурди. Мундин илгари Қора Усмонға Амир Сохибқирондин хилъят ва салоҳит номаси келиб эрди. Қора Усмон бек гам ва қайғуда эрди ва айди: «Ағесуски, Амир Темур мени алдамишдур», деб. Сиполарин жангдін манъ қилди. Бир кишини Амирға юборди: «Бу иш қандай иш мени фириб берурсиз, мусулмон эр киши бу ишни асло қымас».

Қосид келиб, номани Амирға берди. Амир ғазабда бўлуб дарҳол сўзни ҳақиқатин айтиб юбордилар. Бул ерда икки аскар жангға

ҳаракат қилиб туруб эрдилар. Қора Усмон бек номани күруб, жангдин құл ийғи. Үшул вақт тұра құлиға ёсини олиб, үқ отиб әрди, Қора Усмонбек құксига тегиб, шаҳид бўлди. Анда тұраға сўзни ҳақиқатин маълум қилдилар. Тұра афсус еб, қилғон ишиға пушаймон бўлди, фойда бермади.

Алқисса, тұра билдики, иш қўлдин кетти. Отасига маъзурнома юборди. Соҳибқирон Қора Усмон қатлинин эшитуб, узрини қабул қилмадилар. Жарчи қўйдиларким, ҳеч киши Шоҳруҳ тұра күмакига бормасун, деб. Ул кун Қора Усмон бек сипоҳлари Озарбайжонға йўл солдилар. Анинг қариндоши Қора Юсуф бек қошига бордилар. Амир сиёсатин эшитуб, тұраны аскари тарқалуб кеттилар. Тұра бечора уруп ичра етти ери яра бўлган әрди, ёлгуз ўзи тўқай ичра қолди. Аммо Амир ғалат эшилтиларким, тұраны туркмонлар ўлдурудилар, деб Соҳибқирон ўғлини фироқида бўлуб, ҳеч кимға гапурмади.

ЭМДИ ШОҲРУҲ ТҰРАДИН СЎЗ ЭШИТИНГ

Тұра тўқай ичра яраларин боғлаб, от узра зўрга минуб, тўқайдин чиқиб әрди, икки киши келиб тұра жиловидин ушлаб чангалистонга қараб юра берди. Қуввати йўқлиғидин аларга ҳеч нима демади, алар ҳам сўзламадилар. Тұра ўз кўнглида «мени бу чангалистон ичра бир ерга элтуб ўлдургай», дер әрди. Иттифоқо, Шоҳнуҳ тұраны бир қўргон дарвозасига келтурдилар. Қўргон ичра бир кишини қўрди, барчадин юқори ўлтурубдур. Тұрадин, «ким эрурсан», деб сўради. Тұра айди: «Мен табризлик бўлурман, шоҳ Мансурга хазиначи әрдим, ул барҳам тобгақ, қочиб келиб, Қора Усмон бекга навкар бўлдум, ул ҳам ӯди, мени жанг ичра ярадор бўлуб, қолиб әрдим бу иккovi тутуб, бул ерга келтурдилар».

Ул ийғит: «Эмди менга навкар бўлғил,— деди,— мен Зафарбек бўлурман, сulton Санжарбек авладидин эрурман. Ширвон шоҳи хизматида әрдим, ани қизига ошиқ бўлуб, ўзимни Мажнун сифат қилиб эски пустун кийиб, тиламчилик қилиб ани эшикиға бориб, қиз бирла сўзлашиб ани олиб қочиб келтурдум, ани ишқида бу газални ўқир әрди.

Р у б о и й:

Ҳами зулфи ароzi даврида магар ул қамарға
бу холадур,
Юрагимда шиiddат фурқати, ишим оҳ ила дард ила
ноладир.
Души узра сунibili тараф ҳам-у печ бирла
кулоладур,
Юзи гулшанида икки кўзи рам ваҳшийлиқда
ғизоладур.

Анинг учун мени лақабимни халойиқ Зафарбек Мажнун дерлар. Эмди неча муддатдин бери Ширвон шоҳига ёв бўлуб юрурман. Анин қавмидин икки минг киши менга тобеъ бўлдилар. Аксар вақт

бориб анииг қавмини тарож құлурман, деб тұра тарбиятига муқайяд бўлди. Аммо тұра согалиб, тандуруст бўлғондин сұнг, бир күн Зафарбекни қоровуллари келиб айдилар: «Мозандоронга карвоиллар борурлар, аларға қофилабоши Ширвон шоҳи гуломи туурур». Дарҳол Зафарбек беш юз қишини аларға талон қилинг, деб юборди. Яна орқасидин хат ёздурууб, тұрадын бериб юборди. Хатни тұра йўлда очиб, мутолаа қиласа, айтибдурким, молларин талосуи, яна ўзларин үлдурсун. Тұраның чўнгакида қалам-довоти бор эрди, дарҳол олиб, иккала «син» ҳарфини бопши узра «мим» ҳарфини қўйди: «таламасун ва үлдурмасун» бўлди. Ул беш юз қиши қофила барчасини асир қилиб, боғлаб эрди, тұра хатни аларға ва ионсадбошига кўреатти. Зафарбекдин қўрқуб, аларни ешуб, молларини ўзига тобишурдилар. Қофилабоши айди: «Эй йигит, мен Ширвон шоҳини муқаррабларидин бўлурман, шоҳимиа элчи қилиб, Амир Темур қошига юбориб эрди. Биз Амир Темур қотидин келурмиз. Тұра Сохибқирон ахволидин сұрады. Элчи айди: «Амир Темур Шоҳруҳ ўғлани мотамида кўб хафадур». Тұра анга секин айди: «Шоҳинг қошига борғонда мени бу қилғон яхшилигимни айғил, яна сўзим шулки, Зафарбек бу чангалистон ичра қўргон солиб, фалон мавзеъда, дегил». Кечи била уйқусида келиб, чангалистонга ўт қўйуб юборгайсиз, деб қофилабошин жўнатти. Ўзи беш юз қиши била Зафарбек қошига келди. Ул айди: «Қофила молин нима қилдингиз?» Тұра айди: «Эй бегим афандим, узингиз хат ичра, таломасун ва үлдурмасун, дебсиз, хатни ионсадбошига бериб эрдим, ионсадбоши хатни қўруб, сиздин қўрқуб аларни үлдурмади ва молларин ўзларига қайтуб берди». Зафарбекни аччиги келиб, газабда бўлуб, дарҳол мирзони чорлаб, нега мундай қилдинг, деди. Мирзо, мен сизни амрингиз буйинча ёзib эрдим, деса ҳам қабул қилмай, мирзони үлдурди. Аммо бул тарафда қофилалар Ширвон шоҳи қошига келиб бу воқеадин сўзлади. Шоҳ дарҳол отлануб қўшун била тұқай ичра келиб чангалистонга ўт қўйуб юборди, атрофии аскар олди. Булардин ким қочиб чиқса, асир қиздилар. Шоҳруҳ тұраны ҳам ушладилар. Тұра айди, эй шоҳим афандим, қофиларингизга најот берган йигит мен камина бўлурман, деди. Ширвон шоҳи тұрага қасам берди, айди, эй йигит чин сўзлагил: ким бўлурсан?

Тұра тұғри сўзламакдин бўлак иложи тобмади, воқеани бир-бир баён қилди. Андин сұнг, Шоҳруҳ тұраны Сохибқирон хизматига юборди. Амир Сохибқирон нури айнларин қўруб, хурсанд бўлуб, севиндилар.

Алқисса, Амир Сохибқирон Мозандарон. Табаристон ва Озарбайжон, барча мамлакатларни мусаххара қилиб, андин Самарқандга музaffer ва мансур бўлуб, шашба куни, сафар ойини биринчисида, баҳор аввалида пойтайхтларига келиб үлтурдилар. Топканддин ва Хўжанддин, атроф вилоятлардин хонзода ва бекзодалар келиб, алар: Тогайбўғабек, Шамсиддин Аббоебек ва Ғиёсиддин Бектурхон яна шайх Темур Баҳодур, Учкора баҳодур мубошар ва Аргун шоҳ, яна амир Шоҳ барлое, шайх Али Исмоил барчалари Амир хизматига жамъ бўлдилар. Яна аҳли фузалодин Ғулом Жўржоний,

Алламои Тафтозоний ва мулло Котибий ва хожам Баҳовуддин ва
Хожа Ҳофиз Шерозий ва неча валилар зикр айтиб ва хатми
Қаломуллоға машгул эрдилар. Барча Амир Соҳибқирон давлат
ва пурратин тангри иззи жағдии тилар эрдилар.

**БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН БАҒДОД
ШАРИФГА МУТАВАЖЖИХ БЎЛУБ,
ФАТҲ АЙЛАБ, ШОМ ШАРИФГАЧА БОРГОНЛАРИН БАЁНИ**

Аммо Ровий дерким, бир кун Амир Соҳибқирон Искандари
соний шон ва шавкат била таҳт узра ултуруб эрдилар, Мозандарон
хони била Ҳиндустон беги Ферузшоҳдин элчи келди деб эшииттилар.
Етти элчи Ҳиндустондии, етти элчи Мозандароидин элчихонага
келиб туштилар. Тоғласи қўрунуш хонага келиб, Амирға таъзим
ва тавозеъ била ара қилиб айдилар: «Шом вилоятида Язид
авлодидин Муовияни соний деган киши салтанат таҳтига ўлтурмиши
ва дермишким, вилояти Исфаҳон била Ҳиндустонни фатҳ айлаб,
андиң сўнг ҳуруж айлаб, Туркистон тарафига борурмиз деб.
Бениҳоят қўшунлар жамъ қилғон эмиш. Алар ҳуруж қилмасдин
илгари, Амир Соҳибқирон афандим саъӣ ва тараддуд қисуллар
деб, бекларимиз хизматингизга бизларни юборди», дедилар.

Амир Соҳибқиронга ғайрат пайдо бўлуб, атрофга от чоптуруб,
қирқ қунигача Туркистон мамлакатларидин турк ва тоҷик, сарт ва
қозоқ элатдин аскар жамъ қилиб, аларга олтун-кумунилардин
инъом ва эҳсон бериб, асоси салтанат, дабдаба била тўрт юз хон,
етти юз етмин бек, тўрт юз уламо ва имом, тўрт валиолло анда
ҳозир эрдилар. Тўрт сон аскар бир тарафдин, беш сон аскар бир
тарафдин, бир лак аскар бир тарафдир. Мунажжимлар қуръа
ташилаб, барча бирдан отландилар. Оқ, қора, қизил, ёшил, қўтоғ туг
ва яловлар санжоқ-санжоқ, тўб-тўб, дарё-дарё бўлуб, дала-
данитларни олиб, тог-томпларни босиб, йўлга туштилар. Ул куни
аскар қурт-қумуреска ва чугуртқадин ҳам зиёда эрди. Неча манзил
ва мароҳил тай қилиб, йўл кезиб, чўл кезиб, тог-роғдин ошуб, бир
неча кун ӯтуб, навоҳи Бағдодга бордилар. Анда бир тог узра
чиқтилар. Анда бир майдони васеъ бор эрди, ул мавзеъ Бағдодга
етти тошлиг йўл эрди. Қўшунлар ул ерга тушуб, фарогатда
бўлдилар. Аммо Бағдод шарифини амири Султон Аҳмад деган қўб
баҳодур, кучлик ва шижаотлик киши эрди. Бағдодга данг ва овоза
тунитиким, Амир Темур вилоятларни фатҳ айлаб, Бағдод
устига ҳуруж айлаб келурмии деб. Султон Аҳмад дарҳол етмин сон
қўшун йигиб, ўшул тогни остига келуб туштилар. Ул ерда аскарни
сафин тузуб, хирону, гул, жарагонгор, барагонгор, чаидовулларни
жой-жойига келтурдилар. Анда Бағдодни барча умаро ва фузалоси
бирла ул ерда кенгаш қилдилар. Алар айдилар: Эй Султон афандим,
иттифоқ шулким, Амир Темур Соҳибқирон била уруш қилмоқ
матьқул эмас, анга баъйат қилмоқ вожибдур, зороки, расул акром
саллоллоҳу алайҳи васалламни шаръи шарифларин юрутса, ҳазрат
Ином Аъзам раҳматуллоҳ алайҳанинг мазҳабларида бўлса, бизларга

аидин зарар бўлмаган. Анинг етти пири комил тарбиятида эрмиш. Анда Султон Аҳмад аччиғи келиб, газабда бўлуб айди: «Мени кучу қувватим Рустам достонча бордур, мени зурлигимдин Қоф тоги девлари ларзададурлар, шунча ҳукуматим била Амир Темур оқсоқға баъйат қилурманму?», деб манъ қилгоналардин етмиш кишини бошини кести. Уламолар сўзламоқға хавф қилдилар. Ул куни қуёш амири шафақ чодирига киргоч, мухолиф юлдузлари кўк майдонида жилва кўргузди. Аммо Султон Аҳмад ярим кечга била қўлиға вазни икки пут чўқморин олиб, ёлгуз ўзи Соҳибқирон қўшунларига бораберди. Йўлда бир оқсоқол қари киши учради, анга бир йўмруқ олтун берди. Яна қўлига бир хат берди, айди: «Эй бобо, мени ушбу хатимни Амир Темур чўлоқға бергил», деб юборди. Ул қари киши саҳар вақтида Амир Соҳибқирон чодирларига кириб келди. Аҳли ҳарамлар барчаси уйқуда эрди. Амирга қўлини алиф-лом қилиб, салом берди. Амир алик олиб, эй бобои қишлоқий, қайдин келурсан, дедилар. Бобо: «Султон Аҳмад ушбу хатни сизга бериб юборди», деб чиқориб берди. Амир хатни мутолаа қилсалар, дебдурларким, эй Амир Темур оқсоқ, билғил ва хабардор бўлғилким, мени султон Аҳмад Рустами соний атарлар, етти юз минг қўшун бирла бу ерга келиб туштум, эмди икки аскарга жароҳат солмайлук, сен ва биздин мусулмонларни ҳалок қилмоқ муносиб эмас, яхшиси шулки, иккимиз бир ерда курашайлук, деб. Дарҳол Амир отға минуб, бир ерга келиб, тонғ номозин ўтаб, кўрсалар бир ерда кумуш қозиқга от боғлиқ турур. Секин келиб кўрсалар, Султон Аҳмад ухлаб ётур. Соҳибқирон хаёл қилдики бошин олса, яна ўйлаб дедиларким, бу эрлиқдин эмас деб, бир соат ўлтурдилар, сўнгра уйгониб, сўрди: «Қандай кишисан, қайдин келдинг?» Амир айдилар: мендурман Амир Темур Соҳибқирон, отам амир Турагай баҳодур, онам Тегина бинти Садр аш шариъатдурлар дегач, икковлари дарҳол кураш ола бошладилар. Субҳдин то кечгача бир-бирларин йиқитолмадилар.

Алқисса, ғойибдин бир қўл келиб, шавқин солиб, иковин ҳавога кўтариб айди: «Эй густоҳлар, икки мусулмон на учун низоъи қилурсиз» деб. Султон Аҳмадни Амирға асир қилиб, ғойиб бўлди. Амир анга сиёsat қилиб, қилич кўтардилар, ул айди: «Аввал менга бир кося сув бергил, сўнгра ўлдургил». Соҳибқирон бир оёғда сув келтуруб бердилар. Ул сувни иммай, ерга тўқди. Амир қулуб, айдилар: «Қўнглунгда кудурат бор экан», деб bogлаб оти била олиб келдилар. Муни Багдод эли эшитуб, барча уламо ва фузалолар Соҳибқирон олдиларига чиқуб, ара айдилар: эмди, Имом Аъзам ҳақи ва ҳурмати учун Багдод шаҳрини Султон Аҳмад ўзига беринг, дедилар. Соҳибқирон муллоларни ҳурмат қилиб, Султон Аҳмадни қўл-оёғин ешуб, қучоглашиб кўрущуб яна Багдод шарифга амир қилдилар. Багдод шаҳрига кириб, етти кун юртға ош бериб, тўй қилдилар. Андин Имом Аъзам пиrimни қабри муборакларини зиёрат қилдилар. Андин сўнг, мўгул, ўзбакларини олиб Шомға юруш қиласилар. Соҳибқирон қўшун била Шомға бораберсунлар.

Эмди, сўзни Муовияни сонийдин эшитунг. Бир кун Муовияни

соний бир юртга бориб урушуб ёралиқ бұлуб эрди. Үл яраси носурға улонуб, асло яхши бўлмади. Кўб табиблар анга муолижа қиломадилар. Бир кечада мозористонга бориб тулади. Мозорлардин истиъонат тилади. Ярим кечада эрди, кўкдин ани қошига бир киши тушти. Айди: «Эй Муовияи соний, сени бу ярангга Исо набишининг марҳами керак. Андин шифо тобқайсан». Ани эшитуб Муовияни соний йиглаб айди: Исо пайгамбарни қайдин тонарман? Үл малъун: «Исо пайгамбар мен бўлурман», деб ярасига марҳам кўйди. Дарҳол шифо тобти. Андин сўнг шаҳар ичра таклиф қилди. Үл айди: «Холо, сен боргил, кеч вақтига кўкдин тушгаймен. Сен Шом муллолариға бу сўзни айтгил, фалон минора остига борсунлар», деб гойиб бўлди.

Алқисса, Муовияни соний согалуб бориб, таҳтига ултуруб, ул куни барча уламони чорлаб, бу сўзни изҳор қилди. Уламо қабул қилмадилар. Барча одамлар мазкур минора остига йиғилдилар, вақт завол эрдики, иттифоқо, қўлида наиза ва санҷқу, бир эшакга минуб, кўк соридин тушти. Муни кўруб, барча ҳайрат дарёсига гарк бўлуб, таажжуబ бармоқни тишладилар.

Дерларким, бу малъунини оти Салосий каззоб эрди, илми жафар урганиб, андин Қоф тоги орқасига бориб, дев ва парилар бирла юруб, кўб сеҳр ва жодуларни билиб эрди. Муллолар қошига келиб, мен Исо руҳолло бўлурман, осмондин олло таоло мени бу ерга индуруди, Амир Темурни Дажжол деди, ул ҳуруж қилиб, Багдодни олиб, бу ерга келур, мен ани ушбу наиза бирла үлдуурман, деди. Баъзи муллолар айдилар: ҳануз Исо алайҳие саломни нозул бўлур вақти бўлғон йўқ, муни сўзига инонмагил, деб Муовияни сонийни даражасига еткузди. Муовияни соний Салосий каззоб била Адан, Яман, Фархор, Магриб мамлакатларидин қўшун жамъ қилиб, Амир Соҳибқирон аскарларига қарши келди.

Алқисса, Амир Соҳибқирон эшитуб, Макканинг шайхи Аҳмад деган кишини анга элчи қилиб юбордилаар. Муни кўруб, Амир Темур дажжол бизга элчи юборибдур, деб каззоб Салосий Муовияни соний била машварат қилиб, номани ўқуб, элчини шаҳид қилдилар. Соҳибқирон шайх Аҳмадни шаҳид бўлғонин эшитуб, йигладилар. Андин сўнг, Амир гайратга минуб, анибё ва авлиёлар руҳидин мадад тилаб, етмиш қорабош қўтослиқ туг ва яловлар била тақбир айтиб, бирдан барча отға минуб, санжоқ-санжоқ қўшунлар карнай, сурнай, барабан чолиб, дарё ва денғиз каби мавж уруб, неча бек бачалар била икки минг баҳодур, етти минг мубориз, етмиш соп аскар, кўби оқ салла, оқ чафон, баъзи қўлида қилич, баъзида чўқмор, баъзида милтиқ, баъзида занбурак, тогу дашт тузонлари ўйнаб, сипоҳларни юраклари қайнаб, кўкда нужум, ерда қум каби човуртқадек сой ва қирни босиб борабердилар. Бу аскарни Муовияни соний кўруб, кўнглиға қўрқув тушуб қочмоқга майл қилди. Ўзбек аскари муқобил бўлғоч, шомийлар қоча бошлиди. Ўзбак аскарлари алар қонин тариқ каби соча бошлидилар, чўқморин кўтариб, аларни жасади келисиға уруб, сўнгакларин талқон қилар эрдилар. Шом әлини орқасидин қуввлаб, андоғ қирғин солдиларким, лопилар

чоплар булуб, от йўли боғланди. Таналари дўнг қабақдек ёрилуб, каллалари хандалакдек юмалануб, оёғлари тарракдек тириллаб, қуллари бодригдек дириллаб, булак-булак қолаберди. Қолгонлари, ал-омон-ал-омон Соҳибқирон, деб йигладилар. Аидин сўнг мўгул, узбак баҳодурлари жангдин қўл йигдилар. Муовияи соний била Салосий кazzоб қочиб бир ерга бориб, иккови кенгаш қилди. Ул куни Амир Соҳибқирон қўшунлари хориждин бениҳоят ўлдурдилар. Анда Муовияи соний Салосий кazzобга айди, Эй Исо пайгамбар, менга нима бўлди, аскарим қирилди, салтанатим бузулди, эмди не кенгаш кўреатурсан, деб йиглади. Ул шум айди, тоңгла Амир Темурга элчи юборайлук, ани муллолари била сўзлашиб, пайгамбарлигимни билдуруб, мулзам қилурман, андин сўнг, Амир Темур Дажжонни ўлдурурман, деб ул шум муболага сўзларни деди. Тоңгласи қуёш амири жилва кўргузгоч, хориж юлдузи қочиб тун кazzоби ўзин беркитти. Анда Салосий кazzобдин элчи нома келтурди. Номани кўргоч, Иноқ вазирни ўрупларига қўйуб, қирқ уламо бирла Салосий кazzоб қошига бордилар. Ул дам Салосий кazzоб қўлида яримта найза, бир оқ эшак минуб, булар муқобилига келди. Кўрсалар, қўзи қўк, бурни катта, қўш кўкраклик, ул шум башараси ёмон суратда эрди. Уламолар айдилар: «Эй кazzоб, бу кун не даъвойи қилурсан?» Ул айди: «Исо ибн Марям бўлурман». Булар айдилар: «Исо бўлсанг имом Маҳдий қайдадур?» Ул айди: «Имом Маҳдий эмди келур». Уламолар айдилар: «Имом Маҳдий Исо пайгамбар нозулидин ўтуз йил илгари вужудга келурлар. Имом Маҳдий ҳазрат Исони бошлиб Дажжолға келурлар, эмди сен кazzоб, кофир бўлдунг, дедилар. Ул малъун жавоб тополмай хайрон бўлди. Яна айдилар: «Эй кazzоб, сен нимага амал қилурсан?» Ул шум айди: «Инжилга амал қилурман». Уламолар айдилар: «Расул акром саллолюҳу алайҳи васаллам оламга келдилар. Ўзга китоблар мансух бўлди». Яна айдилар: «Эътиқодинг нечукдур?» Ул шум айди: «Одам Атони олло таоло яратқондур, бизни худойимиз Одам сафиоллодур». Уламолар айдилар: «Эй кazzоб, мушрук бўлдунг, барчани худои таоло яратгандур. Ҳолиқу кулли шайъин ва розиқу кулли хайъин»¹ ул турур». Яна айдилар: «Эмди Исо бўлсанг ўлукни тиргузурмусан? Исо алайҳис салом мўъжизалари ушбу эрди, барча ҳалойиқ кўрсунлар». Ул шум айди: «Бу кун сабр қилинг, тоңгла ўлукни тиргузурман, зероки, кеч бўлди, мўъжиза тобиш бермайдур», деди. Анда қуёш амири Магриб таҳтига борғоч, хориж юлдузлари тун майдонида жилвага кирдилар. Анда Салосий кazzоб илми жафар ўқуб, ярим кеча бўлмай учеб қочиб кетти. Эртаси субхи исломий зоҳир бўлғоч, билдиларки Салосий кazzоб қочиб кетибдур. Ул куни мусулмон узбак синоҳлари хорижларга андог қирғин солдиким, лопи устига лош бўлуб, лопилар йигилиб, чопи бўлуб, хорижлар сири фош бўлуб, Муовияи соний яна қочиб беркинди. Қолгоилари «ал-омон, ал-

¹ Ҳамма нарсанинг яратувчиси ва барча тирик жоннинг риақ берувчиси оллағдидир.

омон» деб Соҳибқиронга тобеъ бўлуб. Шом шариғга кириб, таҳт узра Амир жулус айладилар. Андин сунг, Муовини сонийни дараклаб, тошиб келдилар, ани ҳам ҳалок қилдилар. Анда мунофиқлар қайгуда бўлуб, мўминлар суюнуб, шодлиқда булдилар. Анда Шом ва Халаб ва Үқлонгача кўб вилоятларни мусаххара қилиб, ул вилоятларни ўзларига тобеъ қилиб, ҳар ерда хазина ва дафина бўлса олиб, мусулмонларга инъом ва эҳсон қилиб, андин ҳақ зиёратига келдилар. Тамом беклар ва аркони давлатлар била ҳуррами шариғга яқин этиб, мақоми Зулхалифада аҳром боғладилар. Бир неча бек ва хонлар мақоми Ьлмламдин аҳром боғладилар. Бир неча бек ва хонлар мақоми Зот гурфдин аҳром боғладилар. Анда Амир Соҳибқирон Қатъбани ўргулуб. Ҳажар ал асводга юзларин суртуб, Байт ул айлони зиёрат қилиб, андин сунг, Мадинаи мунавварага бориб, расул акром саллоллоҳу алайхи васаллам қабри муборакларин зиёрат қилиб, яратгонга кўб шукру сано айтуб, кўб инъом ва эҳсонлар қилдилар. Андин кейин, Соҳибқирон уламо ва фузалолар била Мовароунахрга юзландилар.

БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН ҚИЗ ШАҲРИГА ВОРИБ, АНДИН ҲАЗРАТ ОДАМ ОТАНИ ҚАБРЛАРИН ЗИЁРАТ ҚИЛГОНЛАРИН БАЁНИ

Аммо Соҳибқирон афандим узбак синоҳларин Мовароунахрга юбориб, ўзлари ҳазрат Одам сафиолло қабрларин зиёрат қилмоқ ишиқи қўнгулларига тушуб, вузаро ва аҳли фузалоларни йигуб, аларга кенгани қилдилар. Аҳли ҳикматлар Соҳибқиронга арз қилиб, айдилар: «Ўй Соҳибқирон Искандари соний, бу Сарандибни йўли кўб йироқ, кўб хатарлиқ ерлари бордур, ажаб эмас, нири комил дуоси била ул ерга борсангиз». Анда Амир соати сукутга кетуб, бошларин кутариб, Хисрав Деҳлавийни чорлаб, қошлирага келтуруб, бу сўзни ул кишига айдилар. Ҳожа Хисрав айдилар: бу йўя кўб хатарлиқ йўлдур, эмди, сиз шайх Шукрининг хонақохларига бориб, тарки ҳайвонот қилиб, қирқ кун риёзат чекинг, қирқ биринчи куни бир маст қаландар қошингизга келур, ул куни гусел қилиб, намози шукр ўқуб ўлтурунг. Андин ул қаландар олдига бориб, салом бериб, таъзим ва тавозеъ била тургайсиз, ул «нима ҳожатинг бор» деса, бу сирни анга баён қилгайсиз. Анда ул қаландар кўб ваҳният била сиёсат қилгай. Ҳарчанд сиёсат қилғон бирла ихлосни ёндуруманг. Ул куни кетиб, тонгласи янга келур. Ани этакини маҳкам ушлагайсиз. Етти кунгача ул қаландар қотидин ажраамагайсиз, албатта, бу ишни уҳдасидин ул кини чиқор. Андин ўзга уҳда қиломас. Ҳожа Хисрав сўзларини англаб, андин Амир Соҳибқирон шайх Фарид Шукр Гаижининг хонақохларига бориб, қирқ кун Иноқ била чиала ўлтуруб эрдилар. Қирқ кундии сунг бир қаландари жандайши, маству бехун хонақохга келди. Анда Амир бирла Иноқ иковлари ул мазкур ховузга гусел қилиб, андин қаландар қошига келуб, мароқбада бўлдилар. Андин сунг, Амир Соҳибқирон салом айлаб, арз қилдилар. Анда ул

қаландар күб сиёсатларни қилиб, үйига ёнди. Үртаси көлгөч, яна Сохибқирон арз қылдилар. Яна қаландар буруунгидин қаттиғроқ ваҳшат қилиб, чиқиб кетти. Учунчи күни яна келди. Сохибқирон арз қилиб, айдик: «Эй қаландар афандим, нима бұлодур, биз камина құлларнанғизни ҳожатыга етурсанғиз». Анда қаландарни аччиғи келиб, газаб үтіга ёниб. Амирни юзларига бир шафалоқ била андог урдиларки. Амирни әслар кетуб йиқілдилар.

Ровий дерким, ул зарбни асари неча вақтгача Амирни муборак юзларидан кетмади. Алқисса, Амир Сохибқирон етти күнғаша ушбу тартибда, ҳарчанд сүкеа ва үрса ҳам аниңг ихлосий этакидин әътиқоди құлған олмадилар. Қаландарни этикін маңкам туттилар. Етти күндии сүнг қаландар андак мұлойым бұлуб, сүзға келуб. Амир бирла Июқ иковиңгиз икала оғімінде минуб, құзларнанғизни юмуб, зинхор-зинхор «құзларнанғи оч» демагунча очмағайсиз, деди. Анда икови құзларнан юмуб, қаландарни оғінға миндилар. Соатидин сүнг «оч» дегач, очтилар. Құрсаларким, ҳайҳот, бир шахри азим әрүрким, барча одамлари қыздур. Анда әркак кишидин асар йүқтүр. Ул шаҳар үртасида шажари азим бордур, күб-күб бутоқ-яғроғлары ичра емишлари күбдур. Амир Сохибқирон била Июқтоз ул соз емишлардин еб, аларни тамошо қылдилар.

Аммо ахборларда көлтурубдурларким, ул вилюятни Қыз шаҳри дерлар. Аларни хон ва беклари ҳам қыздан бұлур. Ул улуг йиғочни Шажараи Мурод дерлар. Аниңг олдиде бир булоғ бордур. Ул қызлар барчаси эр хоҳласалар, ул шажарани құчоғлаб, ул сувға құмұлсалар дархол хомиша пайдо бұлуб, юклу бұлур әдилар. Үгүл тұғсалар, дард тегиб, үлар әди. Қыз тұғсалар нарварин қылур әрдилар. Үлмасдин, үлгайиб балогатта етар әрди. Аммо аларни таъмаси мазкур йиғочни емиши әрди. Ул шаҳрга әркак киши борса, уч күндии сүнг үлар әрди. Ул қыз шаҳрини Сарандиб навоҳисида дерлар.

Алқисса, ул күни қаландар Амир била Июқни олиб, Сарандиб тогиға еткүрди. Құрдиларким, атрофи бир күнлик йўл, баландлиғи минг газ келур, ҳайбатлик ва салобатлик ажойиб тог әрүр. Аниңг ёнида бир булоғ қайнаш чиқиб, оқиб борур. Қаландардин сұрдилар, бу қандай булоғ турур? Қаландар айди: «Эй оқеоқ Амир Темур, вой Июқтоз қиморбоз бу тог Сарандибдур. Одам Ато алайхис саломни қабришарифлари мүни устидадур. Мунга чиқиб, тантри таоло қудратин ажойиб ва гаройибини тамошо қилингиз. Андин Одам сафиоллони қабри муборакларни зиёрат қылуресиз», деб, қаландар қиблага мароқбада бұлуб ултурди. Аммо Амир Сохибқирон била Июқ иковалари меҳнат ва машаққат била ул тог узрасига чиқтилар. Құрсаларким, олтун гүнбазлар, иморатлари кумушидин. Ул иморати олийнинг эшикига ёшил ранг құфилар солингон. Сохибқирон эшикни очмоқ учун ул құфилга құлларин үзоттилар. Үшал замон сиёсат била бир киши ҳозир бұлды. Айди: «Эй беодоблар, бу не густохникдур, құлингни тортгил». Қурсалар бир киши ёшил пүстүн кийган, Амирға садом берди. Амир алик олдилар. Андин сүнг ул киши айди: мунда нима иш қилиб юрубесиз? Амир Сохибқирон айдилар: «Отамиз Одам сафиоллони қабри шарифла-

рии зиёрат қылсақ». Ул киши олти тарафга назар қилиб, бир тарафдин бир нимани құргил деб ишорат қилди. Айға Амир Соҳибқирон қарасалар, етти киши тош бұлуб ётурлар. Ул киши айди: «Булар ҳам зиёратга келиб, бу құфлға құл уруб, тош бұлдилар. Агар сени ҳам құлинг ул құфлға тегса, тош бұлур әрдінг. Бу сүз узра бир неча пүстүн кийган кишилар, хозир бұлдилар. Амир сұрдилар, сизлар қандай кишиидурсиз? Алар айдилар: «Хазрат Искандар құлларидин бұлурмиз, вақтики Зулқарнайн афандимиз Хиндустон вилюятларин фатх айлаб, хазрат Одам Атонинг зиёратларига келиб, Хиндустондін етті хазинаны келтурууб бу қабри шарифнинг атроғыға ахли ҳикматларға буюруб, тилемсімот бирла бу иморатни құлдурдилар, токи мухолифлардин зарап бұлмасун деб. Нече-нече ҳикмат ва тилемсімот бирла бу құфлни қапуга солғонлар. Шул сабабдин ушлагон киши дархол тош бұлур. Амир айдилар: бу қабри муборакни ичига кирмакни асло иложи борму? Алар айдилар: «Искандар ҳазратларидин бизларға бир мактуб қолғондур, ҳар ким ул мактубға амал қылса, Одам алайхис саломни қабрларига киргай». Амир алардин ул мактубни талаб құлдилар. Алар ул мактубни Соҳибқирон құлларига келтурууб бердилар. Амир мактубни очиб күрсалар, айтибдур: «Әй Амир Темур Соҳибқирон мен ким, Искандар Зулқарнайн. Мендин сенға құбдин-құб салом. Эй Соҳибқирон, бу иморати ҳикмат тилемсімоти бирла ясандур. Одам Атомиз муборак қабрларин зиёрат қилай десаңг, бу тогни жаңауб тарафида бир тошлиқ ерда бир құл бор. Айға бориб, ахшом вақти бұлғонда ул сувға боқиб мутаважжих бұлуб, тонг отқунча қоим бұлуб турғил. Субх бұлғоч, құлдин бир ҳұқыз чиқор, ани оғзида тасвир бордур, ани олғыл. Ҳұқуз сенға ҳамла қылса, құрқмай, ани ярог била үлдурғыл. Ани оғзидин ашқолни олиб, құфлға ургыл. Қапу очилиб, андин сүнг Абул Башар ҳазратларини қабри шарифларин зиёрат құлурсан». Бу сұзларни үқиғоч, Амир Соҳибқирон ул құлға бордилар. Намози шукр үқуб, ахшом бұлғондин сүнг, құлға, мутаважжих бұлуб, нирлардин иноят тиляб, субх вақтигача мунтазир бұлуб турдилар. Субх бұлғоч құлдин бир ҳұқуз, оғзида ашқоли, чиқиб келди. Амир ани оғзидағи шаклин олайин деб әрдилар, сакраб, ҳайқурууб, Амирға ҳамла қилди, гүё олам ларзага тұлди. Дархол Амир қилич бирла чоптилар. Ҳұқыз ҳалок бұлди. Оғзидин шаклин олиб келиб, мазкур құфлға урдулар. Анда әшпік очилди. Қурдилар, ҳазрат Одам Атомизни муборак бүйларини узуишлиқи саксон газ келур, муборак бошларыда ёшил тоңидин лавҳ турур. Айға араб лағзида бу хат ёзилибдүрким:..

هَذَا شُرْبَةُ أَبُو الْبَشِّرِ آدَمَ صَفَّيُ اللَّهِ
صَلَواتُ اللَّهِ عَلَيْهِ

Яна айтубдурким, эй ақа әгалари, бул ерга келсанглар, ҳүшиёр булагил, ибрат күзин очиб, одоб қадрин еткүрүб, билгил, Одам сафий аслимиздурлар. Мисли инбүй авалодлари нахр эрур. Аммо, отадин ўгуя ва қизга нима мерес бўлса, олур. Бизларга мерес ўлум турур. Яна ўзга лавҳда ёзилминиким:

إِنَّا أَبُو الْبَشَرِ خَلِيفَةُ اللَّهِ نَزَّلَ فِي شَاءٍ

қавли таоло:

إِنْ جَاعِلٌ فِي الْأَرْضِ خَلِيفَةً

яна олло таоло каломида дебдур:

وَلَقَدْ كُرِبَنَا بَنِي آدَمَ

тохкин бошимга қўиди, яна ҳукм қиадики, қавли таоло:

وَإِذْ قَلَنَا لِلنِّكَةِ اسْجَدُوا لِلْأَدَمَ

فَسَجَدُوا إِلَى إِبْرِيْسِ

андин сўит, саккиз учмоғдин ўрун бериб, малукона хилъат бериб, турлу-турлу неъмат бериб айдиким:

فَرَحْ وَرَيْحَانَ وَجْهَةَ تَعِيمٍ

яна барча илмни муссар айлаб, дедиким, қавли таоло:

وَعَلِمَ آدَمَ الْأَسْمَاءَ كُلُّهَا

яна Одамга Ҳавони завжга айлаб, айдиким, қавли таоло:

قَلَنَا يَا آدَمَ اسْكُنْ أَنْتَ وَزَوْجُكَ

الْجَنَّةَ وَكَلَامِنْهَا عَدَّ أَحِيثُ شِئْتَ

وَلَا تَقْرَبَا هَذِهِ الشَّجَرَةِ فَتَكُونُوا مِنَ
الظَّالِمِينَ

Оқибати Олам одам бирла Ҳонанахй этилгон нимарсадин еб, учмогдин қувлануб, йиглаб, дедиларким:

رَبَّنَا أَلْهَنَا إِنْفُسَنَا وَإِنْ لَمْ تَغْفِرْنَا
لَنَكُونَنَّ مِنَ الظَّالِمِينَ

Ахир, бу амрга маъмур бўлуб:

كُلُّ نَفْسٍ ذَائِقَةُ الْمَوْتِ

шарбатидин ичтук. Эй ўглум, агар олами жаҳонга султон бўлсанг, охир туфроқ ора яксон бўлурсан, билгилики, барчага бу ўлум ҳақдур:

كُلُّ شَيْءٍ هَالِكٌ إِلَّا وَجْهَهُ

Бир кун бўлур мўмин ва кофирға ҳукм андог бўлғайким:

يَفْعَلُ اللَّهُ مَا يَشَاءُ وَيَحِّكُمْ مَا يُرِيدُ

Яна бир лавҳда ёзибдурким:

أَبْجَدُ أَيْ أَبِي وَجِدَنِ الْمَعْصِيَةِ

яъни, Эй падар, мен Одам буд ёфта шуд, дар гуноҳ, яъни гуноҳи оз бу вуижуд омад. Таржима: Одами Атомиздин мастьият пайдо бўлди:

هَوَزَافَ أَتَبَعَ هَوَاهُ

яъни, пайрави кард Ҳавои нафсоний худро. Таржима: тобеъ булдилар Одам била Ҳаво нафса жанинатдин чиқтилар:

حُطِّي أَى حُطَّاذْبَه بِالْتَّوْبَةِ وَالْإِسْتِغْفَارِ

яъни, гум карда шуд гунохи ў тавба кардан ва истигфор. Таржимаси: йўқ бўлди Одамни ёзуқлари тавба қилмоқ била.

كَلَّنْ أَى تَكْلِمَ بِكَلِّهِ فَتَابَ عَلَيْهِ بِالْقَبْلِ وَالرَّحْمَةِ

яъни, муножот кард бакалима, пас, қабул шуд тавбай ў. Таржимаси: Одам истигфор айтиб, нола қилди, тангри қабул қилди.

**سَعْفَسْ أَى ضَاقَ عَلَيْهِ الدَّنَيَا
فَأَفِيقْ عَلَيْهِ**

яъни, танг шуд бар ў, пасрихта шуд бар ў. Таржимаси: дунё Одам Атога тор бўлди, тангри таоло, кенг қилди.

قَرَشَتْ أَى أَقْرَبَلَنْبَه فَشَرَفَ بِالْكَرَامَةِ

яъни, иқрор кард бегунохи хеш, пас бакорамат ёфт. Таржимаси: Одам ёзуқларига иқрор бўлдилар, Оллоҳ таоло беркитди.

تَخَدَّأَى أَخَدَمِنْ اللَّهِ قُوَّةً

яъни гирифт Одам аз ҳақ таоло қуваатро. Таржимаси: Одамга тангри таолодин қувват келди.

ضَطَّغْ أَى سَدَّعْنَه نَزَعَ الشَّيْطَانَ بِالْعَزِيمَتِ

яъни, банд шуд аз винзиъ шайтон багримат калом, яъни ба калом ҳақ ва тавҳид. Таржимаси: Одам алайхис салом шайтон алайҳа аллаъянинг беҳбодарлик қилдилар, яъни, зур бўлдилар, яъни маъниси: Абжад бошлади, ҳаввоз қўнгулди, ҳуттий воқиф бўлди, каламан сўзлади, сауфаст синолди, қарашат тартиб қилди. Саххоз сақлади. Зазаг тамом қилди, валлоҳи олам:

قَالَ النَّبِيُّ عَلَيْهِ السَّلَامُ مَنْ قَرَأَ الْإِبْرَاهِيمَ
 عَصَمَهُ اللَّهُ تَعَالَى مِنْ تِسْعَةِ أَفَاتٍ
 الْوَبَاءُ وَالْبَرْصُ وَالْجَنُونُ وَاحْرَاقُ الدَّارِ
 وَالْحَمْى وَالْعَيْقِ وَالْجَدِيدُ وَالْجِنُّ وَ
 الشَّيَاطِينُ

Яна ўзгөл лавҳда ёзилибдур, эй бу манзилга келгон азизим, Одам Атомиз қиссаларин әшитуб, ибрат олгил, деб, бу мазмунни ёзибдур.

Н а з м:

Бу қиссаны аңгла, Эй келан ким,
 Одамни яратмоқ үлди тангрим,
 Ҳақ амрила келди қабза рүх,
 Ер бағрини ёриб, этти мажрух.
 Бир қабза туроб олиб, ұшал он
 Одамни яратти, берди ҳақ жон.
 Одам ёвұқиға боран замони,
 Сүл ёнидин айлади Ҳавони.
 Үчмога кириб, бұлуб халифа,
 Неъматларидин беріб, вазиға.
 Бүгдой емишни айлади манъ,
 Ҳақ амриға бұлдылар иков қанъ.
 Иблис чақирыуб товус, илонни,
 Алдаб иковун, бұлуб ниҳони.
 Иблисни кетурдилар жинона,
 Бу ишға бұлуб алар баҳона.
 Одамға келиб у макр қилди,
 Ҳаво ани макриға үйқилди.
 Одамни иков ҳам алдадилар,
 Бүгдойни Абул Башар едилар.
 Одам таңидин тушурди хилъат,
 Түшти бошиға құр анча зиллат.
 Одам бұлубон у дам яланғоч,
 Жаннатни әли дер әрдилар, «қоч».
 Ішглаб югурди ҳар тарағға,
 Жо(й) бермадилар ұшал шарифға.

Одам борур әрди җар шажарга,
Яфрог талаб қилиб аларга.
Бүгдой йигочина борди Одам,
Яфрогингни менга бер үшбу дам.
Луч үлмогима бүлүб сабаб сан,
Исён денгизи ора қолиб ман.
Бүгдой деди: кошки менда яфрог,
Бүлса берүрим сиза үшбу чөг.
Андин борибон анор йигочи,
Холимга қилурму деб иложи.
Күрдикى пафис огоч эрмиш,
Таъзим ила бошини эвириши.
Гүёки келиндек үлдүрүбдүр,
Зийнат берибон үзига чун җур.
Йиглаб деди Одам анга, яфрог
Бермади жавоб анга үшак чөг.
Одамга хитоб келди ҳақдан,
Борма ани қошига, эрүр зан.
Одамга дам үрмоқа ўётти,
Олма йигочина анда етти.
Олмани күрар, юзи қизармиш,
Күз қони била юзи бүёлмиш.
Мажруғ кишидин давони сүрмай,
Нокни йигочина борди ул хай.
Күрди, бу йигоч үзилла машгул,
Яфрогини анда сүрмади бул.
Шафтолуча борди андин ул бас,
Яфроги ани үзига етмас.
Гам юкүрга қадду ҳам эгіб бош,
Үз ҳолига йиглабон түкәр ёш.
Мундин на дебон кийүм сүрарман,
Деб борди үзүм йигоча ул тан.
Күрди ани — турфа шевалигдүр,
Яфроглу, бутоглу мевалигдүр.
Яфроглар ила күб безанмиш,
Янгоқлар үзра сочин таранмиш.
Айш үзра бүлүб үзига мағрүр,
Одам яна андин үлдилар дүр.
Жийда йигочина бордилар зор,
Топмади мұрувват ул дилағфор.
Бодом сори борди андин ул то,
Мұттриб қаби үлтүрүр бу барно.
Танбурини құлларина олмиш,
Бармоқлари тирноқида чалмиш,
Яфроқ сүрамоқни күрмади айб,
Бу мұттриб эрүр, нечук бүлүр деб.
Анжир йигочина борди йиглаб,
Қаршу келиб Одамда деди габ.
Одам Атомизни билди ҳолин,
Раҳм айлаюб, берди мевасидин,

Одамни қилиб зиёфат анда,
Хизматлар этиб мисоли банда.
Ҳаво била Одама икки барг,
Келтурди одоб ила бўлуб аре.
Анжирдин ўлуб Абул Башар шод.
Ҳақ қилди ани қаломида ёд.

яъни, анижирни қилғон саҳовати ҳақ таолога хунн келди.

Қаломда:

طَلِيلٌ وَالْجَنُونُ

деб, аният била анда ёд этти. Анда Амир Соҳибқирон Одам Атомиз алайхис саловат ва ас-салом бу қайфиятда бўлуб, ер юзига гушганларин ва ажойиб-гаройиб сўзларин ўқуб куруб, андог йигладиларки, кўз ёшлари қизил қонга угрулди. Одам Атони қабри шуборакларига юз-кўзларин суруб, хатми қаломулло айлаб, зиёратни тамом қилиб, ҳазрат Одам руҳи шарифларидин мадад ва истинод тилаб, аидин чиқиб, ул шакл била эшикга қуфл уруб, маҳкур кўлга бориб, шаклини анга солиб, Иноқ била Сарандиб тогидин тушуб, ул қаландарни олдига келиб, салом бериб, таъзим ила турдилар. Қаландар аиди: «Эй Амир Темур, зиёратнинг қабул булесун, эмди иковинг иккала оёғимга минуб кўзларингни юмунглар» деб. Анда яна иковлари кўзларин юмуб, қаландарни оёғи ухра ўлтурдилар. Лаҳзада ўз жойларига келдилар. Амир Соҳибқирон қаландар отин ҳарчанг сўрдилар, айтмадилар. «Хожа Хисрав Дехлавийга мендин дуо еткургил», деб гойиб бўлдилар. Амир неча уламо ва беклар била ўз шаҳарлари Самарқандга келиб, шоён ва шавкат била таҳт узра қарор олдилар.

БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН ҚУДДУС
ШАРИФГА БОРИБ, ШАЙХ ОЗОРИЙ ҚАРОМАТИ БИЛА
ДАЖМАИ АНБИЕН АЛАЙХИС САЛОМНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИБ,
АЛАРНИНГ РУХИ ПЎРФУТУҲЛАРИДИН НАЗАР
ТОБҚОНЛАРИН БАЁНИ

Аммо кунлардан бир кун Амир Соҳибқирон аркони давлат била сайдгоҳга чиқиб, чўлга тушуб, кечи била хайма ва ҷодирларни тикиб, тоғласи кўб қулон ва паҳчирларни ов қилдилар. Анда Мирзо Шоҳруҳ тўранинг элчиси Амирга дуч келди. Амир элчидин номани куруб, ўзбак баҳодурларин олиб, Шоҳруҳ тўрани ахтариб келабердилар.

Аммо дерларким, Амир ўшул вақтда Чигатой ўзбакларин ҳар тарафга мухолифлар дафига юборгон эрдилар. Рустам Туга ва Шамсийдин Аббосябек ва Ғиёсиддин Бектурхон денигиздин ўтган эрдилар. Шайх Темур баҳодур, Учқора баҳодур, Аргунишоҳ

Хиндустанда әрдилар. Амир Едгор Шоҳ, шайх Али Исмоил барчос, булатни бошлиғи Мироншоҳ тўра әрди. Шом шарифни мусаххара қилиб, Магриб диёрига боргон әрди. Шоҳруҳ тўра Ироқни мусаххара қилиб, йўл узра ўттуз араби бадавийя қароқчилик қитур әрдилар. Бадавийларни улугини тутуб, келтуруб, ўзларига мутеъ қилиб, аларни бўйнига ҳирож қўйдилар. Андин неча шахрни мусаххара қилиб, Байтул муқаддасни қамалга олдилар. Қуддусга Елдирим сulton Боязид күёви Халил ота ҳоким әрди. Аида Халил ота бир нома битуб, ёйига қўйуб, ўқ била тўра аскариға қараб отти. Ани келтуруб, тўрага бердилар. Очиб кўрсалар, дебдур: «Эй мўгул беклари, эртага мени майдонимга ёлгуз-ёлгуз келинг, мен ҳам ёлгуз борурман». Ани жавобига тўра: «Эй жоним, менни қўнглимдаги сўзни дебсиз», деб нома битуб, ўқ бирла Халил отанин аркига қараб оттилар.

Алқисса, иномани кўруб, тевага минуб, келаберди. Ўшул замон Амир Соҳибқирон ўзбак беклари била Қуддусга яқин Шоҳруҳ тўра қўшуни узра етуб бордилар. Кўрсаларким, Халил ота майдон ичра ёлгуз туур. Амир нури айналари била мулоқий бўғондин сўнг, форс Ақимни минуб Халил отани келиб, йулин олдилар. Халил отанинг туғи майдон ичра турғузулғон әрди, келиб яловга юзин сургағб, айди: «бу ялов расулилло яловларидур». Амир айди: «бу нечук расулилло яловлари бўлур?» Халил ота айди: «мени ота-боболарим аlamбардори расулиллодурлар». Амир Соҳибқирон, менга баъйнат қилгил, дедилар. Халил ота қабул қилмади ва менга ушбу ялов нусрат бўлур, деди.

Алқисса, иковлари ҳарба солиниуб, Амир қилич била ани бошига яра солди. Ул тевани бошин қайтаруб шаҳр ичра кетти. Амир ўз қўнглида ушбу нусрат ялови менга қолди, деб вақти хуш бўлди. Дарҳол Қуддусдин ўшул тевани минуб бир араб чиқа келди. Кўрсалар, Халил ота сиҳҳат топиб келибдур. Амир сўради: «қандай согалдинг?» Ул «ишинг нима» деб айтмади. Яна ҳамла қилиштилар. Амир бошига яра солди, форс Ақим ўйун солиб, майдондии чиқти. Ўзбаклардин гурив чиқиб, Шоҳруҳ тўра майдонга келиб халил ота қўлидин қиличини тортиб олиб, бошига солиб эрди. дубулғадин ўтуб бўйни кести, лекин бўғзи омон эрди. Яна тевасига даб бериб, Қуддусга қараб кетти. Аммо бир қули била бошин тута жўнади.

Аммо бу тарафда ҳам Амирни яраларига марҳам қўйуб. фақирларға садақа бериб, олло таолога такъя қилиб турдилар. Ўзбаклар муқаррар қилдиларки, Халил ота ўлди, деб. Соатидин сўнг, Қуддус қануси очилди, яна Халил ота саломат, қилич қўлида келур. Барча кўруб, таажжуб бармоқин тишлаб, қандай шифо топадур, деб ҳайрон әрдилар. Келиб, Шоҳруҳ бошига бир солди. Дубулга тўра бошидин учуб кетти, яна уруб мажруҳ қилди. Ўзбакдин бир-бир баҳодур чиқиб, ҳарба қилишти. Буларни ўлдурди, баҳодурлардин ўн бир кишини ўлдуруб, етти кишини ярадор қилди. Ўзи етти мартаба мажруҳ бўлуб, шаҳр ичра кириб. соголиб чиқти. Кеч вақти бўлгоч, иккала тараф тугни олдилар. Халил ота Қуддус ичра кириб, қануни маҳкам қилди. Амир

ұз күнглида үйлаб, айтар әрди: «сабаб педурки, бу киши шаҳр ичра бориб, согалиб келур?» Замонидин сұнг, құрсалар яна иккى құнда иккى ялов, майдонга келиб, яловларни ерга тикиб, мубориз талаб қилди. Амир бовужуд мажрухлиги била құшунуларни үнг ва сұлии тартиб беріб туруб әрди, Султон Мұхаммад тұра келиб, йұлин олиб, қилич била солиб, Құддус ҳокимин құли кесилиб шахрга қараб қочти. Яна согалиб чиқиб, тұрага яра солди. Сұнгра Бойқаро баҳодур борди. Халил ота айди: Эй мұғул халқи, сизлар барчаларингизни қилич дамидин үтказурман, мени мажрух қилиб, үхда қылолмассиз». Бойқаро айди: «сен сохирмуссан?» Ул айди: «галат дерсан, сохир душімани худодур». Бойқаро баҳодур ҳоким обигига яра солди. Яна шахрга бориб, согалиб келди.

Алқисса, бу кайфиятда бұлуб қырқ күнгача Амир неча жосусларни шаҳр ичра киргизуб, хабар олдурдилар, бу сирдин воқиғ бұлолмадилар. Амир Иноқ вазирии чорлаб, айди: «мен Құддус ичра киргайман, Құддус ҳокими келса, Амир зафар талаб қилиб, уч күн атткоғға кирди, дегайсан, уч күндін сұнг чиқмасам, Султон Мұхаммад нағирам үрнумға үлтурсун», деб видөй қилиб кеттилар. Иноқ бу хабарни ҳеч кимға айтмади. Аммо, Амир соқолин бұяб, қора қилиб, қаландарона кийумлар кийуб, шаҳар ичра кириб, құча ва үрамларда сайр қилиб юруб, бир ерга келсалар, бир қарі киши йиглаб юрур. Амир сұрдилар: нега йигларсан? Анда ул айди: үглимни илон чақиб әрди, табиға борсам, тарёк буюрди. Халил отага бориб әрдим, тарёк бермади, деб. Амир чұнтағидан тарёк олиб берди. Ул киши хурсанд бұлуб үйига ёнди. Амир Халил ота үрдасига келиб андин Мағжиди Ақсо зиёратига келдилар, құрсаларким, әшиклари маҳкам. Амир одамлардин сұрди, айдилар: ҳеч ким Құддус ҳокимидин құрқиб бу қануни очмас. Амир тахайюр бармоқин тишлаб, бу сирға таажжубда әрдилар. Бу тарафда Құддус ҳокими чиқиб, үзбак аскарига муқобил бўлди. Иноқ сафдии чиқиб Амир атткоғға үлтурдилар, деб үзи келди. Анда Халил ота аиннег била ҳамла қилиши. Мажрух бұлуб, тевасин югуртуб, Мағжиди Ақсога борди. Амир мұнтаzip әрдилар, Халил ота чұнтақидин очқуни олиб, қашуни очиб, мағжид ичра кириб, дархол шифо тоғиб чиқти. Амир хоҳладики, бу сирдин сұргай. Иккى киши бир-бири бирла сұзлашиб айттур: ҳар ким бу воқеани сұрса, албатта мұғул жосусидин бұлур. Амир завқ қилиб, сұрмади. Ұз күнглида айди, «албатта, бу мени иқболимдур». Вақтики, Халил ота үзбак аскарига муқобил бўлгоч, Амир орқасидин келиб, шавқун солиб, айдики, эй мұғул үзбаклари, қочингиз Құддус ҳокимидин. Иноқ Амир товушин билib, яловларни йигиштуруб олди. Халил ота ҳарчанд мубориз талаб қилди, ҳеч киши майдонга келмади.

Саотидин сұнг Амир құрсалар, барча қочиб келур, орқасидин Халил ота ҳам қочиб келур. Амир бир кишидин сұрди, бу нима түфолант? Ул айди: Қайсадин күевига бир йұлбарс юборгилғон әрди, ул қафасдин чиқиб, барчани қувлаб келур. Амир дархол қассебин фичогин олиб, йұлбарс иккى бұлуб ташлади. Халил ота муни құруб, Амирии чорлаб, үрдасига олиб борди. Амир андин юқори чиқиб үлтурдилар. Ҳоким айди: «нечук мендин юқори

ұлтурдуң?» Амир айди: «авлоди саййид бұлурман». Халил ота Амир салобатидиң ҳеч нима демади. Соатидин сүнг «іш — пүш» деган шавқын келаберди. Сұрсалар, Амир Темурдин әлчи келур, дедилар. Амир Иноқта деб эрди: «хар вақт мен шаҳр ичра кирсам, үганингни әлчи қилиб юборғил». Кұрсалар, Иноқни үгли Хуморий келур, құлида қилич, боши яланг, бүйніда каған, иккі құли боғлиқ, беліда тоңдии камар, бир парча темур құйніда, лекин мактубномаси йүқ, Халил ота қошига келди. Ҳоким айди: «номанғ бұлса, күрсатғил». Элчи айди: бегимиз ҳар нимани буюрубдур, анынг амри била келибдурман, үзга иложим йүқ». Халил ота аркони давлат била бу ишорат фахмуга ожиз бұлдилар. Амир айдилар: агар ижозат бұлса. Амир Темурни бу муаммосин мен десам бұлурму? Ҳоким айди: дегил. Амир айди: яъни Амир Темур бу ишин сизларға андоза қилиб юборибдур: мени синохларим ва баҳодурааримға тириклиқдин үлмак ортуқ құрунур, бу тариқа үзларин үлумга тайёр қиаидурлар.

Сен ақида қылмагилки, Амир Темур синохларин ұлдуурман деб аларни қочмогида ҳам бир сирри бор. Ҳоким буюрдикі, әлчини құлини ештилар. Дархол Хуморий құйнідін темурни олиб, соати қүёшга қўйди, андин тошни темурга урди, жонгиллаб товуничиқти. Ҳоким айди: мунда нима маъни бор? Амир айдилар: яъни, Амир Темур айттурким, агар сен қүёш бұлсанг, мен темур, қүёш таъсири темурга бұлурму? Тошни темурга урди, яъни, темурга үзингни урма, ани амрига буйун қўй.

Андин сүнг, Халил ота элчига малукона кийумлар берди. Хуморий Амирға қараб, бу сирдин воқиғ бұлоамай, шаҳрдин чиқиб, отасин қошига келди. Бу муаммони ҳеч киши очолмади, лекин бир қаландар, сурати Амир Соҳибқиронга үхшаш, ул очти дегач, Иноқ айди: «одам одамга күб ерда үхшай берур».

Аммо Халил ота Амирға айди: мендин нима талаб құлурсан, дегил. Амир бир ох тортти айди: «Эй бегим мени талабимга етқузуреизму, йүқ?» Яна ҳоким айди: «нима талабинг бұлса, айғил, иншооллоҳ; муродингга етгайсан». Соҳибқирон айди: мен каминани бир құл бирла бир оғым чўлоқдур, нима бұладурки, сиз била Масжиди Ақсога бориб, сиз каби мен ҳам шифо тобсам. Ҳаким хайрон бұлди, соати тафаккурға кетуб, бошин күтариб, куб таъкид била сўзлаб, айди: «агар ул ерга борсанг, ҳар нима күрсанг, зинхор кининга айтмагил» деб очқуни чўптақидин олиб, Амир құлига берди. Амир ҳарна деса қабул қилиб Масжиди Ақсога бориб, қанусин очиб кирдилар. Кұрсалар, саңг муаллақ, ёнида бир киши сочлари фатила-фатила тоат қилиб, риёзат чекиб ұлтурубдур, асарни каромат ани маңглайидин ҳувайдодур. Амир билдики, Халил отани яраси бу кинини нафаси мубораки била соголур. Амир Соҳибқирон ул зоҳидга мутаважижих бұлуб, бу байтни үқудилар:

Рубой:

Эй азиазим, менга айланғиз назар,
Осийман, оламда юргон дарбадар.

*Беодоб, густоълиқдии үшбү күн
Үз-үзимга айтадурман: алхазар.*

Зоҳид Амирни жавобига айди.

Рубоний:

*Мұттақағ бұлдым Масжиди Ақсога,
Мағрам ұлтум мен жойи аъзога.
Зарра-зарра әттибор топиб.
Мис вұжудым уланди тиалога.*

Амир келиб, рўбарў бўлдилар. Кўрсаларким, шайх Озарий эрур. Воқеаси андог әрдикি, Соҳибқирон баргоҳида бир шоир шайхга мухолиф бўлуб әрди. Ани иши шайхга ёмон тегуб, андин ҳажга бориб, неча замон анда риёзат чекиб, валоят ҳосил қилиб, андин Масжиди Ақсога бориб, мұттақағ бұлуб, «Йавохир ал-асрор» китобин анда тасниф қиашиб әрдилар. Ҳабар бўлдикни, Амир Темур аскари келди, деб. Ул замонда Халил ота шайхга мурид мұттақид бўлуб әрди. Шайх валоятларин Амир Темургра билдурмок учун айдилар: «Боргил, Амир Темур оқсоқға ани синоҳларин шикаст бергил, агар мајкрух бўлеанг, мени қошимгә кел, мени кароматимни кургил», деб әрдилар. Ҳар ери яраланса дарҳол келиб, бу кишини дуолари бирла шифо топар әрди.

Амир туруб, шайх оёғига йиқилуб, кўб узрлар айтиб йигладилар, ҳарна беодоблиг бўласа, кечургайсиз, деб. Андин сўнг, Шайх Халил отани чақиритиб айдилар: бу кишини олло таоло азиз қилибдур, тез бўл, мунга итоат қиагил. Үл шайхни насиҳати била Соҳибқиронга тобеъ бўлди. Сўнгра шайх Амирга айдилар: агар хоҳдасанг, дуо қилурман, оёғ ва қўлунг сихҳат тобгай. Амир айди: «Ушбу оқсоқлигим қўнгли шикасталигимга далолат қилур, яна ҳеч ким мени манзур қилмас, ушбу ҳол била олло таоло мени аламга мансур ва музаффар қилибдур», деб қабул қилмадилар.

Алқисса, Қуддус шариф тобеъ бўлуб, Амир ўзбак синоҳларин барқарор қилиб қайтиб шайх Озарий хизматига келиб, даҳмани анбиёни саловатула алайхимменинг зиёратин орзу қилдилар. Дерларким, тоңгла маҳшар куни қиёмат ул ердин қўзғолур. Аммо ҳазрат Амир Темур Соҳибқирон Искандари соний авлиёни оллонинг қабри шарифларин тавоғ қилиб, шайх Озарий каромати била анбиёлар қабри муборакларин зиёрат қилмок бўлдилар. Анда Амир қошиға бир оқсоқол, нуроний киши ҳозир бўлуб, айдилар. «Бу қавмни улуги кимдур?» Барчалари Соҳибқиронни ишорат қилдилар. Ул кишига ота-бобосидан даҳмани анбиёнинг калидлари қолғон әрди. Ул киши айди: тоңгла бир одам бу ерга келур деб, руёй ичра расул акром саллолзоҳу алайҳи васаллам менга башпорат бердилар. Яна менга айдилар, тоңгла даҳмани қапусин очгили, ул умматим анбиё жамолларин куруб, мушарраф бўлсан.

Алқисса, Соҳибқирон аввал равзай мутаххараи ҳазрат Нух алайхис саломга кирдилар. Сагонага дохил бўлуб, қибла

тарафдин бел била андак туфроқ олдилар. Анда бир құфллик әшик маълум бұлди. Ани очқуси Абдулло отлиқ кишида әрди. Андин сұнг, мүшк ила ифор иси келди. Аңға уч киши кирдилар. Шайх Озарий ва Амир Соҳибқирон ва Иноқ вазир күрсалар тошдин тахт узра бир киши ухлаб ётгандек, узун ётур, ёшил шолдин узра тутуқлук. Очиб қарасалар, бир киши юзлари очуроқ, қош ва соқоллари қора, икки құллари құксиларида, бир лавх бошларыда турур. Аңға хати арабий ёзилгон. Ани шайх Озарий үқуб, тафсир қиодилар, шул мазмундаким:

Эй Мұхаммад уммати, бу сұзни жонимиз била қабул қылдуқким:

إِنَّا رَسُلُنَا تُوْحَدُ إِلَيْهِ الْقَوْمُ إِنَّا نَذِرٌ لِّقَوْمٍ
مِّنْ قَبْلِ أَنْ يَأْتِيَمُّ عَذَابُ إِلَيْهِمْ

Хүш құлоги била әшиттүк, бу ҳидоёт маъмур бұлуб, калимаи «Ло илоҳа иллаллоҳу»ни халқға айтдук. Ул қавми бебоклар бизларга күб иззаларни берди:

إِنَّهُمْ كَانُوا أَظَلَمُ وَأَطْغَى

Бу жолимга шақиддур. Андин қўлимни дуога кўтариб, юзимни меҳробға ўғуруб, муножот айладим:

اللَّهُمَّ إِهْدِ قَوْمِ فَإِنَّهُمْ لَا يَعْلَمُونَ

Алар тош била мени мажрух қылсалар ҳазрат Жалол ул ҳидоят карам баҳридин менга шифо багишлар әрди. Жаноб парвардиго-римға арзимни еткурдим:

رَبِّ إِنِّي دَعَوْتُ قَوْمِيْ لِيَلَوْ نَهَارًا فَلَمْ
يَزِدْهُمُ الْأَفْرَارًا

Ваҳий раббоний ва фармони субхоний бұлдикі, Эй Нуҳ, мен қалами тақдир билан лавҳи тасвирда рақами имонни бу күнгли қораларни отига ёзғоним йүқ. Андин сұнг бу хабар содиқға фойдалууб, дуо тийигин күнгүлдин чиқарыб айдим:

رَبِّي لَا تَذْرُ عَلَى الْأَرْضِ مِنَ الْكَافِرِينَ دِيَاراً

Дуо үкі нишонага етиб, амалга ғазаб ворд бұлиб, бизларға кема сабаб бұлди, хитоб бұлдики, кема ясогил деб. Қавлы таоло:

андин сүнг, олам гарқаби гирдоб бұлуб, ҳалок бұлдишар. Ҳазрат вохид ул қаҳхордин хитоб келдики:

وَاصْبَحَ الْفَلَكَ بِاعْيُنِنَا وَحِينَا
لَيْسَ مِنْ أَهْلِكَ إِنَّهُ عَلَّمَ عِنْدَ صَالِحٍ

Андии хитоб-итоб омизни әши тууб, павха қылуб, шигладимким.
Нұх деб лақаб құйулдым. Ва ушбунни дедим.

Н а з м:

Күзинг ибрат ила очиб, биэни күр,
Хамма иллатинға шиғош берур.
Оё, оқыл әгаси ва покиза дин,
Назар айла ибрат ила үшбу ҳин.
Топар жону құңглунг бу ердин җузур,
Күрарсан, бу дахма бори нур әрүр.
Ки мен Нұх әрүрман, расули халил,
Бу ерга келиб сен мунни англагил.
Назар қыл мени сийнаи риши ма,
Яна ғылғагон бу құзи ёши ма.
Ғарибона ғар су, назар қыл бу чог,
Жағони шишиди бұлуб барча дог.
Үлім шарбатидин ичиб бұлди маст,
Ажал илки еткач, буюқ бұлди паст.
Бори маст, майнои базм, шағвад,
Бори Махфилори боги вұжуд.
Бори андалиби риёз обод,
Бори гүлбини гүлистаны ағад.
Бори ҳамдам Жаброил ойин,
Бори ҳам сұханғұй рұхы илойин.
Бори рұхы Құддус эди, ҳамнағас,
Лағад ичра бұлди чү мурғи қағас.
Ажал илқидиндүр бұлуб тұда хок,
Етибмиз бу ерда бұлуб сиана чок.
Қаерда гариблар эси, қыл ризо,
Ки сандин ризодүр бори анбис.

Аммо, Амир Соҳибқирон кўб нола қилиб, йиглаб, ўзга дахмага кирдилар. Кўрсалар, бир зоти боборакот ёиларин туфроқ узра қўйгон, кафан белларида ўролгон, араб шакл, бошларида ёзилминиким:

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

Яна дебдурлар: Эй даҳмага келгон Мұхаммад умматлари, олло таоло менга саккиз шамол ато қилғон эрди, тўрти раҳмат ели ва тўрти азоб ели эрди. Оё, бу равзога келгон азизим, ибрат кўзин очиб, билғилки, охир бу дунёни ниҳол умрингни елга берур. Кўргил, оламда на анбиё ва на авлиё қолсун, деб бу мазманини дебдурлар.

Назм:

Ки мен Худ эруман, худога расул,
Эшият, ақл эгаси, сўзум, қилас қабул.
Бафармони ул қолдир зул-жалол,
Очиб даъвата мен лисони мақол.
Тилим олмади ҳеч у гумроҳлар,
Сўзим кўнгли тошларга қилмай асар.
Қалиб ҳалқа даъватки тўқсон ўил,
Залолат ора қилди яксон ўил.
Очилиди чу фарҳи нори жаҳанним.
Чиқоридаи оламги боси ақим.
Жаҳонни хароб этти түфон сени.
Ўшал қавми Нуздек түфон сели.
Оё, ушбу ерга келан одами.
Вафосиз жаҳонни тўладур ғами.
Кўруб, ибрат олғил бу равзат ора,
Ҳалум иккидин барча бағри яра.
Самуми ажалдин жаҳондур хароб,
Ҳалум ўтидин барча бағри кабоб.
Йўқ эрмиси омонлиг, бўлурсан фано,
Будур пандим, англа, сенга ва-ф дую.

Яна андин Соҳибқирон тазарруъ била йиглаб, ўзга дахмага кирдилар, Анда айтибдур:

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

яъни, дўсти субҳондур. Ул ерга қарасалар, Соҗ йигочидин тобут, очиб кўрдилар, ул зоти боборакот соқоллари оқ, қабрлари узра лавомиъ нур барқ уруб туур. Ҳазрат жалол хидоят дебдурким, бу нурни асло норга оғишта қилмагайман. Ул зотнинг икки қўллари кўкси узра қўйилғон, икки муборак лаблари табассумда эрди, юзларин гулзори гулдек очилғон, бошларида тошдин лавҳ ёзилғонким.

Назм:

Мени билгил, Ҳалилулло эрурман,
Худони сунъидин огоҳ эрурман.
Эшигил, эй азизим, қилмагил ҳазм,
Расул айлаб мени қилди ул ва-л аъзим.
Мени вақтимда машҳур эрди Намруд,
Менга душман эди ул габри мардуд.
Мениким анда солмоқға оловға,
Уруб ўйлдин, кириб шайтон жиловға.
Чу қилди мунҳайиқни анда тайёр,
Мени ташладилар кўб аҳли фужжор.
Мен ўтқа отибон аҳли Намруд,
Ўшул ўтни гулистон этти Маъбуд.
Ерим пеша чиқиб дўзахдин ул он,
Анингдек душманни қилди яксон.
Яна менга худойим қилди фармон,
Бу ўғлинг Исмоилни айла қурбон.
Дедим, ўғлумға мен: «Эй нуридида,
Менга фармон эрур ҳақдин расида.
Керак қилсам сени тангримға қурбон,
Нима дерсан, чиқар сендин азиз жон?»
Деди ўғлум: «Агар амр этса субҳон,
Фидо бўлсун ўйлида минг азиз жон».
Бўйн қўйидум тутуб мен ами ҳақни,
Чу ўғлум ҳалқумига қўйидум фичоқни.
Мени бу ҳимматимға анда жаббор
Юборди Жаброилдин ҳадя қўчкор.

Андин Соҳибқирон кўб ибратномаларни кўруб, ўзга дахмага кирдилар. Кўрсалар, анда дебдур:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Тобут ичра кўреалар, қулоқлари катта, кўзлари юмиқ, тишлари бир-бирига ёпушган, яна қиррабурун эрдилар. Ҳануз ул кофия солорнинг юзлари гулзорида соқолларин сунбули муаттар эрди, гуё соч ва соқолларин иси мушки айбар эди. Икки қўллари қовунитурулғон, гунча каби лаблари табассумда эрди. Лавҳ узра хатни

құрдиларки, мендурман Исоил ибн Иброҳим алайхис салом, эй бу ерга келгон. Мұхаммад охир замон уммати, билгил, мени волиди бузургворим ҳақ амрига бүйүн қўйуб, мени забҳ қилмоқга келтурдилар, мен ҳам баҳодурлиқ била жонимни жононимга нисор қилмоқ бўлуб, қўзимни юмдим. Надари бузургворим бўғзимга нишоқ қўйдилар. Тангри иззу жалдин хитоби пуритоб келдики, эй нишоқ, бу севуклу дўстума ҳаддинг борму, бўғзин кесарсан? Анда нишоқ яратганинг ҳаҳри итобидин қўрқуб, дами қайрилуб қолаберди, ўтмади. Отам яратганим амрига тоъжил ва тўхтамоқлик бўлдиму, деб сиёсат била нишоқни тошқа урдилар — тош икки бўлунди. Андин сўнг Жаброил амин парвардигор амри била қўчқорни мени забҳим ўрнига келтурди. Яна бу мазмун айтилубдур.

Н а з м:

Мени билғил, Забиҳулло эрўрман,
Худойим амрига оғоз эрўрман.
Мен эрўрман, бил, Иброҳим боласи,
Халилулло қўзин оқу қораси.
Мени забҳимга ҳақдин кеиди фармон,
Отам ҳақ иўлига қилмоқға қурбон
Мени боғлаб, олиб қўлға пичоқни,
Тилида зикр этибон ёди ҳақни,
Яратган амрига бўйнумни солдим,
Қўзим юмдим, очарға мен ўёлдим.
Бўйун сўндим ҳақ амрига мен зор,
Мени ўрнимга келди анда қўчкор.
Оё, бу ерга келгон ибн Одам,
Улуғ тутма ўзингким, тут ўзинг кам.

Андин Амир Соҳибқирон йиглаб, ўзга даҳмага кирдилар. Кўрсалар, бир зоти шариф хурмо йигочидин тобут ичра ётурлар. Юзлари оқ, бўйлари ўрта, муборак манглайлари кенг, сунбул соқол. Анда бошлари узра бу лавҳда ёзилмишким:

بَنَادَأْتُ بِسَعْيَقَبْنِ خَلِيلِ الْرَّزْقِ

Дўй ақл эгаси, бу ерга келиб, жасади анбиёга назар қиласанг, томуг ўтидин холос бўлурсан, деб бу мазмун айтилубдур:

Н а з м:

Бил, Исҳоқ машҳур отим бўлур,
Иброҳим Халилики, зотим бўлур.
Ки мендин бўлубон неча анбиё,
Яна бўлди андин неча авлиё.
Дей Ёқубу Юсуфким, Лайюб наби,
Сулаймону Довуд Мусо бори.
Йўшъи Зикриё бирла Яхъё расул,

Мисхоким эрди отасиз ўгул.
 Шайб, Жаржис ва Дониёлу азиз,
 Ҳаким эрди луқмон, ўшал Ботмиз.
 Алар барчаси зурриётим эрур,
 Алар то қиёмат саботим эрур.
 Бу ерга келанким, одоб бирла бўл,
 Топиб яхшидин не топиб яхши йўл.

Андин Амир Соҳибқирон ўзга даҳмага кирдилар. Кўрсалар бир зоти шариф кирич узра таки қилгон. Ул кишининг муборак манглайларидин гам ва қайгуни асари хувайдо бўлуб турур. Бошларида тошдин бу лавҳда ёзилмишким:

نَذَرَتْ يَعْقُوبُ بْنُ اسْحَاقَ عَلَيْهِ السَّلَامُ

Эй, бу жойга келгон азизим, мени билсанг, ўшал Еқуб пайгамбардурманким, Юсуф назониним ҳажру фироқида во Юсуфо, во фурқато, деб иона ва фарёд қилиб, йиглай-йиглай кўтар кўзим кўрмас бўлди. Мени навҳаларимга малоиклар зори ва тазору қиласар эрдилар, деб бу мазмунни дебдуллар:

Н а з м:

Юсуфо рўзу солинг кеттиму шоми фироқ,
 Кўргузур бу кетмокингдин таъсир айёми фироқ.
 Олам ҳуснунг губоридин хаёлим бийм этар,
 Гүйиё бўлди бу дам умму аъломи фироқ.
 Қайси ерлар ичра бўлдунг, зор этиб мен хастани,
 Қайси ўтдурким, менга сенсиз бўлон номи фироқ.
 Йигласам фурқат туни кўкда кавокиб раشك этар,
 Бўлмагай оҳ ар десам, хуршид айёми фироқ.
 Тингласанг кўблар фироқ ўтига қўйшиш даҳрда,
 Бу фалак авлоди Одамга сўннар жоми фироқ.

Эй, нури айиним, шул кайфиятда Юсуфим ғамида қирқ йил йигладим, дебдуллар.

Андин Амир ҳам йиглаб, ўзга даҳмага кирдилар. Кўрсаларким, ҳайҳот бу даҳмани турфа зийнат беридурким, тамом тоқчаларида лаълу инжу ва жавоҳирлар терилгон, тахти ож узра тобут пардан истбарқ ёнулғон бир зот юзлари узра тутуқлук ухлаган каби ётурлар. Амир Соҳибқирон кўб одоб била келиб, бу зоти шарифни кўрдиларким, гузаллиқда олам нозанинлари ул кишини курса ўзидин кетар эрди, жаннатни ҳуру ғилмонлари бу зотни гулзор жамолига раشك этар эрди. Қадду қоматларидин сарву шамшод шарманда ва зулфу сунбулларига жаҳон хўблари банди эрди. Кўзларни Хўтан кийиклари курсалар, ўзларни нарвона каби ураг эрди. Юзларин нурин ой ва қуёш кўрса, Магриб сарига қочиб,

беркинар эрди. Қоңларидин ҳилол бели әгилар эрди. Оғизларидин гүнчалар қонға тұлар эрди. Юзларин холидин лолалар бағри куяр эрди ва неча Зулайхө сифатлар ани ишқида жондин түёр эрди.

Сохибқирон күрүб ва тахайюр дарёсига гарк бұлуб, таажжұб бармоқин тишилади ажабо бу олам сұлтони қандай зоти шариф деб. Бонларыда биылурдии лавх курдилар, анга ёзилидур:

بِذَرْبَتِ يُوسُفٍ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ

Эй азизим, мендурман, Екүб пайғамбар сұлби саҳобидин Роҳиланы садағи раҳмінға қатраи томуб андин бозори жаҳонға келиб, дурри нұрбаҳо бұлуб, бу хусну жамоліға күзгуда назар қилиб, юзимни ой ва гунашдин нұктай холларимни қавокиби сайерадин бағландроқ күрүб, үзимға фахр қилиб эрдим, бу ишим тангри иззи жални даргохита хүш келмай, ул сабабдин оғаларим мени етти пулта тажкорға соттилар. Їй ақл әгалари, бу сұзин англагилким.

Назм:

Эшитғил, эй азизим, айлай оғоз,
Манам құргон жағболардин дейин боз.
Оғаларим мени элтиб, солиб өткіз,
Келубон карвони анда ногоғ.
Чиқориб олдилар үл дам құдукдан,
Мени құрдилар анда бир неча тан.
Оғаларим бұлуб үл ерда ұзозир,
Сотиб Маликға үл жамъи акобир.
Мени келтурди Мисриға үл Молик.
Манам құл бұлмоққа бердім ризолик,
Яна Молик Азизи Мисра сотти,
Зулайхө құрдиким, ақлин иүқотти.
Құлуб кайд үл мени зиндонға солди,
Зулайхө бу иша охир үелди.
Чиқиб зиндони меңнатдин құтулдым,
Бил охир, таҳт үзра сұлтон бұлдым.

Алқисса, Амир йиглай-йиглай бу даҳмадин яна ўзға даҳмага кирдилар. Құрсаларким, шамшиод тобут ичра бир кини ухлаган каби ётур. Лавх үзра ёзилмишким:

بِذَرْبَتِ دَوْدٍ عَلَيْهِ السَّلَامُ

Дүй Мұхаммад уммати, билгилким, бу рубъи матъмурни қасри, мени отимға ёзилғондур, мени шағнимға көлибдурким:

قُوْنِي تَعْلِي يَا دَادُ اُنْجَعَلَنَّا كَخَلِيفَةً فِي الْأَرْضِ

Бүстөн тийнатимни файзи баҳори нубувватдин мунаввар қилибдур ва райхон чаманимни анфоси номуси акбар бирла муаттар қылғондур. Ашжори мамлакатим вахийи раббоний бирла илхоми субҳоний бирла чечаклар очилиб, емишлар бўлғондур. Кўнглум сандуқи ҳикмати инжу ва лўълўлар ила тулғондур, эй аржумандим мени нағманин садосини қушлар эшитса ҳаводин тушар эрди, денгизлар эшитса тошар эрди. Ҳар нима ва ҳар кима таъсир этиб, жон қулогига етар эрди. Масти лоақл бўлуб ўздин кетар эрди. Аҳли ишқга шавқу завқ ҳосил бўлуб, файзи футух тонар эрди. Яна бу газал ёзилмиш.

Назм:

*Манам нағманардоz қонуни завқ,
Манам маҳфилорош ноғуси шавқ.
Менга берди олло тұла шашкани,
Яна қўнглим ичра тўла шавқини.
Берид нашаъ майдинини рўз аласт.
Топуб зарра завқи бўлиб мен чу маст;
Мени тушима тогу тош барчаси,
Қулуб нолау зор гирён басе.
Малакшар фалакда эшитса агар.
Ҳалин ерга ташлаб қилиб гирёлар,
Денгизда эшитса наҳанглар товуш,
Чиқиб сув юзига кетиб ақлу ҳуш.
Вуҳушу туюрлар эшитиб бари,
Юролмас, уммоқга бўлмас пари.
Эшитса үнимни замину замон,
Бари маst ўлурлар макину макон.
«Забур»ни ато қилди тангрим манга,
Азиизм эшиш, сўзни дедим санга.
Ажал нағмаи марқабини соз этиб,
Танамдин рӯҳим кетти парвоз этиб,
Қани натма бирла садоу наво,
Будур кори дунё ва-д дую.*

Амир бу сўзларға масти мустагриқ бўлуб йиглаб, яна ўзга даҳмага кирдилар. Бир зоти шарифни кўрдиларким, кийумлари гиламдин, муборак қўлларида асо, бошлари узра такя, асари шиддат, салобат манглайи муборакларидин ҳувайдо бўлубдур. Олдинда лавҳ узра ёзилмишким:

بَذَارِتْ مُوسَى الْكَلِيمُ اللَّهُ عَلَيْهِ السَّلَامُ

«Эй Мұхаммад алайқи саловат вассаломни умматлари, мендурман ҳарими жаборутда ва бисоти мулукотда Тури Сино узра таманной калом, саодат фаржом үлуб, Калимуллоҳ отим бирла сарафroz бўлдим. Андин кейин:

رَبِّنَا إِنْظُرْ أَلِيْكَ

деб орзу қилиб, Жалол ҳидоятга арзимни еткурдим: зажр била ҳо-ю ҳавасни гарданига андог урдиким, губори ҳижоб қўнглимдин кўтарилди. Минг-минг Тури Синоу Мусо назаримға қелдиким, ваҳдат хуми олинда соқийи боқий қўлиндин таманной ривоят қилурлар. Хитоби мустатоб рабб ул арбоб менға тўкулдиким, эй Мусо, жамоли бокамолимни ўшул матлубга кўрсатурманким, барчанинг хепни улдур. Бу ишорат бирла нақди жонимни жонимга бағишиладим. Қабз ул арвоҳ илкини жонимга урди. Тойири руҳ жасад қафасидин тайрон қилди.

Н а з м:

*Манам Мусо, эрур ҳақнинг қалими,
Тур узра топуб раҳмат шамими.
Тажаллини кўруб эмин шажарда,
Тегиб ишқ ўти таъсири жигарда.
Таманно ҳақға қилдим рабби арни,
Эшиттим лан таронидин хабарни.
У дам Тур узра тушти ламъаи нур,
Бўлубон пора-пора анда ул Тур,
Уланди тошларким тўтиёра,
Тутундек учтилар суйи самона.
Яди байзо менга берди асоий,
Гоҳи қўнпрук бўлуб, гоҳ аждаюи.
Мени голиб қилиб фиръавниларга,
Ўшул динсиз, ўшул беавниларга.
Биза ўйл бердиким, онларни ваҳдолб,
Ишорат Нилига қилди, бўлди гарқоб.
Эшият, эй ақл эгаси, аржумандим,
Будур ибрат сенга, олғил бу пандим.*

Яна Амир шавқ-завқ била ўзга даҳмага кирдилар. Бир зотни кўрдиларким бўйлари узун, соқоллари сийрак, қопларини учидаголлари бор, бошлари тарафда лавҳ ёзилмишким:

Эй азизим, мендурман, балиқ қорнида қирқ кун «ло илоҳа анута субҳонака инна кунту минал залимина»¹ зикрини ёд қилғон, тангри таоло зикри била балиғ кўксини обод қилғон.

¹ Оллоҳ сен бирсан ва поксан, мен ўзимга золимман.

Н а з м:

Эй ақл әгаси, покиза дин,
Мен Юнус әрүрман англа бу ҳин.
Ютти мениким нағанғги даре,
Қирқ күнча сүи ичра айладим жо.
Сажда узра бош құйдим анда,
Зикрини дедимки, жөн баданда.
Балиқ қололмади мени ұазм,
Боз ушбу жағонға айладим азм.
Андин яна бу нағанғ туфроқ
Ютти, ғаракатда үйқ менга чоқ.
Эй ақл әгаси, ботамизим,
Алданма жағонға, эй азизим.
Одоб ила бұл жағонда, эй ким,
Одоблу кишини сүйди тангрим.

Андин яна үзга дақмага кирдилар. Анда бир йигитни күрдиларким, соқолу мүйи лаблари әмди майса бұлуб, үзлари гулзорида хатты райхон каби муаттардур. Құзларининг инбуъидин ёш дурри маржон каби юзларини сағұасыга тишилишмин. Бонлары узра ёзилмишким:

بِذَرْبَتْ يَحْسَى ابْنُ ذِكْرِيَا عَلَيْهَا السَّلَامُ

Эй ақл әгалари, мендурман, тангри иззу жалдин құрқиб, доимо құзларим ёши жорий әрди, кеча-кундуз тинмай тоғларға чиқиб, тошларға бошим құйуб, йиглар әрдим.

خَدُوْهُ فَخَلُوْهُ مُحَمَّدُ الْجَيْمُونَهُ

Тонгла маңшари акбарда бұлғон хитоблар ёдимга түшса, мени тоб-тоқатим қолмагай. Вой, бир мушт туфроқни ҳоли на бұлгай, деб үргалаюман. Эй азизим, бу газални әшитгил.

Н а з м:

Оё ақл әгаси, сүзим әшиет,
Тавозеъда Яхъё әрүрман йигит.
Қиёматни хавфида тарсандаман,
Нечук хавфин айтмай, басе, бандаман.
Жазо куни үйғылса ғамма ҳашр аро,
Бори үз гуноҳи-ла мотамсаро.
Неча саф бұлуб турсалар ҳар сари,
Келуб нома анда саросар бари.
Бирор үнг тараффин, бирор сұл тараф,

*Сүнгидур газабдин ўнгидур шараб.
Бирөв жаннатидур, бирөв дұзахий,
Каломида берди хабар, эй охий,
Илоҳо, ўзинг сақла ислом элин,
Баҳаққи набилар ҳамма мұрсалин.*

Алқисса, Амир Темур Соҳибқирон барча анбиёларни равзаи мутахҳараларини зиёрат қылғондин кейин, аларни рухи нұрфұтухларига ош ва таъом қилиб, хатми Қадом шариф қылдурубы, савобини оналарига бағишиладылар, валлоҳи олам, биссанов.

**БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОНҒА РУМ
ПОДШОХИДИН ТОБУТИ САКИНА БИРЛА НОМА
КЕЛҒОНИ, АНИ ОЧИБ, КҮБ ҲИҚМАТНИ ҚҰРГОНЛАРИНИ
БАӘНИ**

Ровийлар андог ривоят қилурларким, Миср шаҳрини ўзларига тобеъ қилиб, айшу камронлиғда әрдилар. Ўшал вақт Олатог йўлинда қанча Амирни аскарларидин қоровул бор әрди. Аларни қўзига узодгин аскар муъайяна бўлди. Қоровуллардин бири келиб, Иноқ вазирга хабар бердилар. Иноқ сўрди: тахминан қушунни адади қанча келур? Қоровуллар айди: беш юзга яқин келур. Андин кейин Иноқ айди: сабр қилинглар, мабодо, элчи бўлмасун деб. Ўзи Амир Соҳибқиронни қошларига борди. Ўшула вақтда Амир Соҳибқиронни таҳтлари Нил денгизини ёқасида әрди. Минг таноб ерни ўраб, чодир хаймаларни қуруб, яшил ва сариг чодирлар барчаси атлас, кимхофдин әрди. Таҳти атрофида олтун панжара, аниг атрофида кумуш панжара, кумуш панжара ичра Мироншоҳ тўра ва Мирзо Шоҳруҳ тўра ва Мирзо Умаршайх тўра ва Султон Муҳаммад тўра барча тўразодалар турар әрди. Аниг атрофида етти юз хўжасаролар бор әрди. Аларни узуги Ҳинд хожа әрди. Иноқтоз айёр келиб, Ҳинд хожага айди, андин кейин Ҳинд хожа олтун паникарага келиб, Амирга айди: Иноқтоз хизмат бўсагангизга келибдур, жанобингизга арази бор эмиш. Амир буюрдилар: келсун деб. Андин кейин Иноқтоз Амирни қошига келди. Иноқтоз тиз букиб, арз қилиб, айди: «Эй Амир афандим, Олатог узра қоровулларингизга чўлистой тарафдин андак ёвдин асар бўлубдур». Бу сўзни Амир Иноқтоз кал, қиморбоз айёрдин эшишиб, дарҳол мирзо Шоҳруҳ тўрага буюрдилар. Филҳол, тўра гайрат ўтига ёниб, барлос бекларини олиб, отға миниб, икки минг аскарни жамъ қилиб, эллик баҳодур йигитни ўзига йўлдош қилиб, қўшундин илгари бордилар. Тўра ёвга яқин бориб, қўшунларини жамъ қилиб, карнай, барабан чолдурди. Аскарлар денгиз каби мавж урар әрдилар. Ногоҳ, кўрсалар, бир йигитчай позанинким, қошлиари мисоли ҳилол, тобон, бўйлари мисоли ниҳоли ларzon, қўзлари чулфондек, лаблари ақиқ маржондек, тишлари дур, баданлари кумуш каби барқ урар әрди. Остида бўз оти, қора кўз, бошида тож, бўйнида ридои Қуръон, хамойил қилич белинда,

тасбех құлида, табассум бирла оғзини очиб, гүё оғзидин шакар сочиб, тұраға турк тилида сұзладиким, мен сизларға Қайсардин әлчи бұлуб келдим, мубориз әмасманким, жангу жадалға келғон.

Тұра билдиким, асари асолат ва наждобат ани юзи ва назаридин хувайдо бұлуб турур. Тұра сүрди: «отинг нима, ким әурсан?» — деб. Ул йигит айди: Эй мұғулларни бекбачаси, мени сұрсанғ, Елдирим султон Боязидни үғли бұлурман, отим султон Шабли, отам мени неча савгот ва тұхфалар бирла Амир Темурға әлчи қилиб юборди. Султон Боязид айтадурларким, үзгани әлчи қилиб юбормадим, бориб билгилким, мұғул хонини мақсуди нима әэрү?

Мирзо Шохрух тұра әлчининг жулус айвонлиғин, асвол кайвонлигин билиб, филгол, отдин тушуб, қайсарзода бирла қучоглашиб құруштилар ва навозишлар қылдилар. Тұра айди: «мен сизларни ёв хаёл қылдум», деб узр айтти. Шул замон Амирға, қайсарзода келубдур, деб хабар бердилар. Андин кейин умаролар қайсарзодапи әлчиҳонаға келтурдилар. Андин кейин Амир Соҳибқирон ҳар күн турлик-турлик таъомлар бирла әлчиларни зиёфат қылдилар. Андин кейин султон Шабли Амир Соҳибқиронға құринушни ҳаракатини қылди. Амир құринушни бир үйлі құйдилар. Охир, Шохрух тұрғаны воситаси бирла олти ойға келтурдилар. Аммо, күкілам вактида рабби ул аввалнинг үн бешинчисида саврнинг саккизинчисида чаҳоршанба күни эрдиким, давлати Чингизхондин қолғон тұқуз юз сиругни келтуруб, зебзийнатлар бериб, либос налослар солиб, жамъи үзбак беклари, ҳар қайсилари үз үрунларида қарор олдилар. Икки тарафда ясовул, баковуллар ва нақиблар ва амалдор, уламо ва фузуло ва ҳукамолардин әрди. Юқори-қүйи барчалари тартиб бирла үлтурдилар. Андин кейин султон Шабли яшил түн кийиб, бүйніда ридо, қўйнида каломуллоҳ, қўлида тасбех, неча-нече совғалар ва қанча тұғифиқ өтлар ва қанча шунқор бирла ва қанча теваларда матоъи нағонс бирла келтуруб Амирға құринуш қымлоқ учун яна бир сандуқ келтурубдурким, тобутға үхшаш, узунлиги беш газ, энлиги бүр газ. Ани умаро ва беклар үртасига давлатхонага қўйди. Ул мавзеъида йигирма танобга яқин жойни икки тарафиға яшил зумурад чодирдин қанот қуруб қўйдилар. Соати(дин) кейин, «пұшт-пұшт» овози келаберди. Қўрсалар, гуломбачалар ҳўжа саролар түн-түн, қилич белзарида, тафонгча қўлларида барчалари таъзим ила келиб турдилар.

Андин кейин асъаса, дабдаба ва шон-шавкат бирла Амир Соҳибқирон келиб, давлати таҳт узра қарор олдилар. Андин кейин ясовуллар султон Шаблиға қараб ишорат қылдилар. Султон Шабли, Филхол, тортуқларни ва тұхфаларни Амир Соҳибқиронни қошлиридин үтқузди. Андин кейин овози баланд бирла айди: «Эй үзбакларни хони, вэй мұғулларни ҳоқони, хизмати шарифингизга бу тұхфаларни Қайсари Рум юборди». Андин кейин барчалари сандуқни қуруб, айдилар, бу сандуқни ичидә жавоғир ва гавхар бордур, деб гумон қылдилар. Андин кейин султон Шабли номани келтуруб, тиз букиб, Амирни қўлларига одоб тариқи бирла берди. Яна туруб, үз жойига үлтурди. Амир сүрди: «Эй Қайсар бача, бизни

қардошимиз Елдирим султон Боязид қандай ва нечукдур?» Яна үрнидин туруб султон Шабли құлини алиф-лом қилиб айди: «Ісайсары Рұм сезни субхі шом, балки ал-ад-давом давлати дуоларингизга мұқайийддур», деб одоб бирла үз жойига үлтурди. Аңдог(ки) Шараф Яздый устозимиз аният гүзәллигига ва одобиға бу мазмунда ғазал айдиларким.

Назм:

*Базм аро ғулранғ қадағ даврида лаълу ноби вор,
Зулфини ҳар ғалқасида неча печу тоби вор.
Иш қажрида құнғил мөжиятин сайд' этгали.
Юзда мушкун сунбулини неча юз құллоби вор.
Қоши ё соchlари каманди бирла кирпик үқидин,
Бенаво ошиқларин ұлдурғали асбоби вор.
Чанғдек ошиқлари ағғон құлурму кечалар,
Риштаи жон бирла то бу созни мизроби вор.
Әйки құрсатмииш мұнажжимдек кавокиб ҳайъатин,
Тирдин енгоқ үзра мирот үстүрлоби вор.
Доғлар құнғил ора құрганда зағм этма гүмөн,
Бул ғавасдур, құнтағида дарғами қаллоби вор.
Тиз буқуб, таъзим этиб, илкін алиф-лом айлади,
Мұнча зеболиғда ғам онча аният одоби вор.*

Алқисса, номани Иноқ вазирга берди. Ул вазири аъзамға, яғни Мирзо Сайфиддинга берди. Мирзо Сайфиддин номани печатларини очиб, курси үзра овозини чиқориб үқуди. Номада ёзилибдурким:

Назм:

*Хамдо сонсиз худойи оламға,
Фағму идрок берди одамға.*

Бидъату дуруд номаъдуд Мұхаммад Мустафо саллалоҳу алайҳи васссаломға ва яна дуойи дуруд аният асҳобларига ул тұрт вазири аъзим афандимизкім — Абу Бакр Сиддик әулетінен үшінші жағдайда — ва Умарул Фарруқ әулетінен үшінші жағдайда — ва Усмон Зулнурин әулетінен үшінші жағдайда — ва Муртазо Али әулетінен үшінші жағдайда — жағдайда — таоло алайҳи ажмаъян, алар тұрт арқон айвони нұбуввийдурлар. Ул тұрт ёр мұстставфийдурлар ва ало олий ва асҳоба ажмаъян парвардигорға ситойиш ва кирдикорға пұрситойиш айтүрмизкім, гули гилда ва меҳри дилда қарор беріб, гул ила оройиши бұстон ва меҳр ила осойиши дүстон үлур ва ҳадди қиёсдин фузун худованд нечун ва қадр күн-фаяқунни ҳамду саносидин кейин сұзимиз мұғуллар хонига ва Туров хоқонига. Эшиттимкім, худуди Хитой ва Хұтандин ва Тотор ва Ҳиндустон иқлими ва шахри била Шом шариф Мисри азизгача таҳти фармонига келтурубдур. Эмди инони азиматни бул жонибга қылғон эмиш. Бу васвасаю гурурлиқ димогдин күтарилсунким, мени аскарларим фарангдур ва Магриб-дин отлапиб келсалар, ул мұғул ила тоторни туфроқ ичра аралаш қилиб чанг-тұзонларини ҳавоға үрнатгайлар.

Сўз ушбу ерга келғонда Амир Соҳибқирон алҳамдулилло, оллога шуқр дедилар. Султон Шабли: мунинг боиси нимадур деди. Амир айдилар: Қайсари Рум аскарига эътимод қилибдур, мен олло таолони ўзиға эътимод қилиб, шуқр айттим, нечукким, мен тангри изиз жални ўзиға сиғинган қулидурман.

Яна номада ёзилмишким: ўшул сандуқни сизларни хизматингизга юбордим, ани Тобути Сакина атарлар, ул Одам сафиолло отамиздин мерос қолиб Искандар Зулқарнайн замонида очилиб, андин кейин ҳазрат Умар разоллоҳи унаҳга Йайсари Румким, Ҳар қўл замондош эрди, анинг баргоҳида бу сандуқ очилғондур. Эмди анга саккиз юз йил бўлубдур, ҳарчанд муни умуд ва қилич бирла уруб очолмоқни имконини тополмадук. Андин кейин сизга юбордук, очиб кўргайсиз, мунинг ичидаги нима бор, билгайсиз, бидъа нома тамом, вассалом.

Андин кейин ҳаммалари тобутни келтуруб тавоғ қилдилар. Андин кейин тобути сакинани очмоқга неча-неча хийла-тадбиrlар қилдилар, бўлмади. Амир Соҳибқирон айдилар: ҳар ким ушбу тобути сакинани очолса, ҳар нима талаб қилса, мандин олсун. Аида мавлоно Шараф Яэдий ўрниларидин туруб, мадҳи санодин кейин, иншооллоҳи таоло, муни мен фақир очгайман, дедилар. Мавлоно Шараф Яэдий афандимиз кўрдиларким, сандуқни тўрут оёги бор, иккиси забаржад ва иккиси ёқутдин эрди, ёнида қуёш шакли, анинг қутисида шакли ҳилол ва шакли ситора қилинғон эрди. Анга миқнотис тошини фариш қилғон эрди. Ани кўтариб эрдилар, андин секин-секин мили зоҳир бўлди. Ани бураб эрдилар, эшики очилди. Андин кейин бир гуломбача сурати қўлида китоби била пайдо бўлди. Муни илмини Шараф Яэдийдин одамлар сўрдилар. Ул киши сандуқни ёнидаги олтундин ёзилғон хатни кўрсатти. Аммо сандуқ ичидаги китобат кийик терисида эрди. Мавлоно Шараф Яэдий китобатни олиб, Амир Соҳибқиронга бердилар. Ани ўқумоқга барчалари ожиз бўлдилар. Шараф Яэдийга таслим қилдилар. Мавлоно Шараф Яэдий мутолаа қилиб, мазмунини тафсир қилдилар: мен ким малик Искандар Зулқарнайн бўлурман ҳукамо, менга хабар берибдурларким, бир минг олти юз йилдин кейин ёфас ибн Нуҳ алайҳи салом авлодидин мўгул жамоъасидин бир кипи ҳуруж қилур, ул Искандари соний бўлур, дедилар. Эй Амир Соҳибқирон, ушбу тобути сакинани очсанг, ҳазрат Одам Атони ридолари ва ҳазрат Мусони асолари ва ҳазрат Юсуфни жомлари ва ҳазрат Иброҳимни кўйлаклари, Шиша алайҳис саломни саллалари, Идрис алайҳис саломни кафшлари, Нуҳ алайҳис саломни тешалари муни ичидаги нишона қўйубдурмиз, сенга учун. Билғилким, ҳар нағи замонида бир султон ўтубдур. Ул салотин ва ҳоқонилар Араб, Ажамда ўтубдурлар. Аларни сурати барчаси мундадур, бу воқеаларни кўргил, эшитгил, оғаринилар қилгил, барча илму ҳунар ва ҳикматларни мундин ўрганигил.

Рубоий:

Ўтубдур барча мурсол ҳам салотин,
Аларни вақти мактуб ичра таъйин.

*Ина бир-бирига бүлгөн замондош,
Эшиг, эй ақл әгаси, сұзни бу җин.*

Омди, бу суратларни күрмак хоҳласаң, миңни ўнг тарафға бурагил, бу гуломбача сурати ўзга суратни құтариб чиққай, ани қүйүб бұлакни құтариб чиққай, ала ҳазал қиес мунда құбсанъятылар бордур.

Алқисса, миңни ўнгта бурадилар, гулом бача сурати ичкари кириб, бир яшил ҳарир пораны құтариб чиқти. Очиб күрдилар, анга бир кишини суратини нақш қилибдур, бүйін узун, юзи оқ, қошлари очиқ, соқоллари сийрак, чаккасида холи бор. Анга ёзилмешким, бу султон Жамшииддур, ҳазрат Солиҳ пайғамбар алайхис саломни умматларидин бұлур. Аидин кейин дунё вағосизлигидин хат ёзилибдурким, «мендурман Жамшиид, илми ҳикмат бирла жом ясотиб аруси дунёга зеб-зийнат беріб, ҳар йил күкламни аввалида жашни Жамшиид ороста қылдым. Уч минг олти ёз таснифни ҳикмат ва фитрат махзанидин чиқордим», деб бу газалини айтибдур.

Назм:

*Манам шоҳ Жамшиид вола мақом,
Топуб фитрату ҳикматин субҳи шом.
Чиқиб салтанат узра Жамшиид ұлуб,
Фалак сағғасида чу хүршид ұлуб.
Менга тобеъ эрди ҳамма Шарқу Гарб,
Хусумат эти құлдилар менга зарб.
Қазо арасини қүйүб бошима,
Тарағұмлар этмай құзы ёшима.
Кани салтанатлар, тою җавас?
Бил, охир, жағонни шиидур абас.*

Аидин кейин яна мурватни чаб тарафға бураб эрдилар, мазкур гуломбача сурати кириб, бир қора ҳарирни олиб чиқти. Аида бир кишини сурати бор, қора юзлик, араб шакл, яғринида икки илон, оғзини очиб турур. Ани Заҳхок золим дебдурлар. Минг йиң умр күрган эрди. Одамларни миясими олиб, илонларға таъма-қылдар эрди. Охир умрида ул ҳам қорт-құмурекәгә таъма бұлды. Үл золим Ҳуд алайхис саломга замондош эрди. Аидин кейин ул гуломбача сурати кириб, қызил ҳарир олиб чиқти. Ани очиб күрдилар, анга бир кишини тасвири ёзилғон, оқ юзлик, үрта бүйлик, муни Фаридун Фаррұх дерлар. Қазо знаясаси туфроқ бешикига аңдог bogладиким, қимирламақға ҳаракати қолмади. Аидин кейин яна бир ҳарир дебойи рұмени олиб чиқти. Ани ҳам күрдилар, узун бүйлук, күкси узра соқоли оқ, қүй ҳайкал, қирра бурун, аида ёзилмешким, бу зоти покиза суврат, яхши сийратни Қайқубод атарлар, неча йиллар таҳти салтанат узра мутамаккин бұлуб, охир туфроқ түшокига ясонаидур. Бу кимарса ҳазрат Иброҳим алайхис саломни умматларидиндур.

Н а з м:

Каюмарсу, Жамшид, Каёний најод,
Фаридун Фаррух яна Кайқубод.

Андин кейин құлбача кириб, үзға суратни олиб чиқти, құрсаларким, яшил туелиқ, пақмок соқоллик, манглайи тор, ягрини кенг, құзи айланиб тушған. Хат ёзилмишким, бу кипини Кайковус атарлар. Доим тақаббурликда мутамаккин бұлуб, етти иқлимин илкимга олайин деб, охир үзи бир қиес түфроқ бұлди. Андин кейин яна гуломбача сурати бир ҳарирни олиб чиқти. Очиб құрсалар, узун бүйлүк, юзи гулдек очилғон, үрта соқол, бармоклари узун, бүйни ингичка, иккага қоши бир-бирига туташ, бу зот Кайхисрав валидурким, доим худони ибодатига машғул эрди. Охир умрида тахти давлатдин, салтанати мамлакатдин кечиб, бүрән қаноатни үзінга лозим күрди. Ҳазрат Исҳоқ алайхис саломни умматларидин эрди. Андин кейин яна гуломбача сурати кириб, бир шаклини олиб чиқти. Құрсаларким, тамом аъзоси оқ, ани башарасидин фитрат түйгүнлик найдо бұлуб турур, қарилигни асари ани юзидин ҳувайдо бұлуб турур. Анга хат ёзилмишким, бу кипи Зол иби Сомким, ақл-тадбир бирла душманларни жонини ҳийла тузоқига илинтурууб, охирда ажал илкига андоғ асир бұлдиким, ҳийла-тадбирини бирортасини амалға келтуролмади.

Дерларким, Зол Халил ар-Раҳмон замонларида вужудға келиб, Исҳоқ, Іқуб, Юсуф Довуд, Сулаймон, Айюб, Мусо алайхис саломга замондош бұлуб, Искандар Зулқарнайнин мұлозаматини тошиб, Исо рухилло замонларида оламдин иптиқол қылди. «Сижжат ул ахбар» китобида Золни умрини уч минг икки юзға яқин борган дебдурлар. Андин кейин мурватни бураб эрди, гуломбача киник терисига ёзилғон шаклини олиб чиқти. Бир кипини сурати тортилмишким, манглайи очук, қирра бурун, қурагай құз, юzlари кенг, қулоқлари катта, айру соқол, ягрини кенг, құллари узун, тирноқлари айланиб түшінген, бели қаттық, қошлари қиличдек тортилған, олтуи қафтонин кийиб, курси узра марбуъ үлтүрүр. Салобатидин олам ларзага келур. Ёзилмишким, бу кипи Рустам иби Достон баҳодур, пахлавон. Дунё түқайинда душманларга шерчайи, мухолиф тулкисига мисли арслон ё қоюлон деңгиздә нағанған ва ё аждар, пойгарон. Яна дебдур: Эй ақл әгалари, бу суратни мұшоҳада қылсанғ, мендур таҳамтандырып, баҳодур сурат, менға иқбол андоғ қозланиб эрдиким, мени даяғдагамдин Қоғ тоглары ларзага келур эрди. Мени довуншимни эшитса деву Ахрамапар қочар эрди. Мозандарон девлари тиг-яргомини алаңгидин жигарбагри кабоб, құзлари пүроб ахволлари хароб эрди. Афросиёбдек подшоги аъзим ул шон, шоҳ Туроннинг айонон-кайвонлари мени илкимда вайрои бұлди. Шунча куч ва құввату зүрлик бирла охиримда ажал илкимдин құтариб, шафалоқ бирла мени андоғ урдиким, ер бирла яксон қылди. Дермишким, ул Іқуб алайхис салом замонларида түгулуб, умри бир минг уч юз үн учға бориб, Мусо қадимулақ замонларида вафо бұлубдур. Дунё ғафосизлигидин бу газални дебдур.

Менманки тағамтан диловар,
 Қил, ақл әгаси, сұзимни бовар.
 Мен Рустам паҳлавон әрүрдим.
 Бу бешага арслон әрүрдим.
 Денгизда нағанғ, аждағодек,
 Евларга мисоли бир балодек.
 Номим әшитиб Афросиёби,
 Құздин тұқулурди доим оби.
 Илкимда бұлуб имуд, чұқмор,
 Тиклаб келолмадилар ағер.
 Тоб айламайин құранда жангим,
 Чиқай әдилар әшитиб донгим.
 Дерлар лақабимни эл Тағамтан,
 Тог ларза құлурди дағдагамдан.
 Девлар қочар әрди ҳар қаёна,
 Хайли била үйеглаюб фигона.
 Қорамни агар құранда ҳар ёв,
 Қоңқай әдилар үйеруб, манам тав.
 Олсам құла ханжару яроги,
 Дүшман әлина тушарди доги.
 Рахшим минибон, құлумда үқ ё,
 Қоғтапу совут, кийиб дұбулға.
 Токи кебон қазо баҳодур,
 Бир үрди мени, қилиб қора ер.
 Іліктүр ҳаракат, маҳол менда,
 Қувват қани менда, мажол менда?
 Қалқону совуту қани дұбулға.
 Қафтапу камару қиличларим ҳам,
 Рахшим қани, ёй қани, чұқмор?
 Ер ичра бұлуб манам сазовор.
 Дүнё иши барчаси адамдур,
 Сүзбат үшбұдурки, дам — бу дамдур.
 Эй ақл әгаси, будурким ибрат,
 Бу сұзлар әрүр сиза насиҳат.

Алқисса, мурватни бураб әрдилар, яна бир сурат чиқти. Құрсалар, маңглайи қаттиғ, яшил тусли. Әзилмишким, бу кимарса Афросиёбдур. Турон мамлакатларин үзіға мусаллам қилиб, иқлимга шұхрат-данқи кетиб, бир күн ажални үқи тегиб андоғ урдиким, қимирламоқға мажоли қолмади. Андин сүнгра яна бир сурат чиқти, юзи оқ, аizzatoси очуқ, күзгуси мусаффо, юзин сағқаси узра күзи чүлфондек барқ урап әрди. Әзилмишким, бу йигит Исфандиёр Рүйинтандур, ҳаразат Сулаймон алайхис саломға замондор әрди, юз йигирма үқни жасади Рустамга юборған әрди. Охир, бу йигитни ажал нағлавони савмағаи адамга юборибдур. Құлбача сурати яна бир нимарса келтурді. Құрсалар, аizzatoси оқ, икки юзи қора. Әзилмишким, бу киши Баҳман дебдур. Бармоғлари

узун, доим тириклигини айш-ишратда ўткарур эрди. Охир ажал тоши маънишат шишасин синдурууб, адам ёстуқига бош қўйди. **Ул** ҳазрат Луқмонга мұттақид эрди. Сүнгра мажусий динига ривож бериб, икки юзи қорайиб, кофир ўлди.

Аммо ул мазкур сурат гуломбача ишкални бир-бир олиб, кўрсатиб, яна бир-бир ҳарир дебои истибарқни келтурдиким, маҳобат бир зоти шариф, ўрта бўйлик, қора кийумлик, қирра бурун, лиbosлари нафис, манглайи мубораклари очиқ, бошлари жимжимасинда кумушдек икки шохи, юзлари қуёшдек барқ ураг бу киши етти иқлим хони ва ҳоқони, Магриб Машриқни султони, ер юзин ва кун кўзин жабулқо-жобулсогача илми ҳикмат ва илми фитрат била ўзига мусаххара қилғон эрди.

Рубоий:

*Скандар олди олам ҳулқ ҳушидин,
Муяссар этмайин олтун кумушдин.
Кириб Magrib-ла Mashriq барчани ул,
Олиб таълимким ойу гунаш дин.*

Охир, қуёш каби оламдин этак чекиб, бу эски работдин ҳою ҳавасни бас қилиб, юз ҳасрат, қайғу бирла жаҳондин ўтти. Гўё онадин тугулмагандек бўлди. Вақти рихлат айдиким, мени қўлимни тобутдин чиқориб қўйинглар, барча халойик кўрсуилар, ушбу қўлумни узотиб оламини тасарруфимга келтурууб, эмдиликда қўлумда хеч нимарса йўқтур. Эй Амир Соҳибқирон Искандари соний охир дунё ушбу турур. Беку қуллар, поҳу гадо барча кулли нафас зоиқат ул мавт оёгидин шароби поб ичмайин қолмас, барча ер бағриға кириб, туфроқ қариндошин қучмайин қолмас, бу газални дебдур.

Назм:

*Эй азизим, англа барча ўтти,
Қани Одам, қани Ҳаво, қани Ҳуд?
Қани Шиша, Идрису Солиҳ, қани Нуҳ.
Қани Жамшид бирла Зағҳоки Фузуҳ,
Ҳам Каюмарсу Фариудун Кайқубод,
Қани Исфандиёрким, Хисрав нажод?
Қани Ҳому Шому, Ефас барчаси,
Қани Золу Сому Наримонлар бас-э?
Қани Бахман, қани ул Афросиёб,
Қани Рустам бирла ул Сұхроб тоб?
Қани Иброҳим, Ҳалил қани Исҳоқ.
Қани Исмоил била Ёқуби бебоқ?
Қани Юсуфдек гўзал, Айюб қани.
Яна Ҷовуд, Сулаймон, бил ани?
Қани Зикриё ва Яҳъё ҳам Шаъниб.
Қани Мусо бирла Ҳорун, барча гойиб?*

Қани Фиръави, қани Ҳамон палид,
 Ўтти Қорун бу жаҳондин ноумид?
 Қани Ҳотам Той била Нӯшировон,
 Қани Искандари азиз ҳам Луқмон?
 Қани Аҳмаддур, Аҳаднинг дўстиким,
 Қани, бир-бира бўлди яқин ўргада имом?
 Қани Абу Бакр, Умар, Усмон, Али,
 Тўрт ёри ҳам вазири ул наби?
 Қани Зуҳро, қани ул икки имом,
 Қани асҳоби расул, барча тамом?
 Қани Ҳамза бирла Аббос покдин,
 Қани ўн икки имом ул муслимин?
 Қани Чингизхон, Ҳалоку ҳам Тулой.
 Қани Чигатойбеку хон Ярлуда бой?
 Қани тўрт мазҳаб эгаси тўрт имом?
 Англа бу сўз: барча ўтгай, вассалом.
 Тамом калом.

Алқисса, Амир Темур Соҳибқирон тобути сакинани курдилар, тамом улуғлардин башорат топиб, ани беркитиб эмди киши кўрмасун деб Нил денгизи ичра ташладилар. Андин сўнг султон Шабли турк тилида ёзилғон нома келтурди. Кўрсалар, номада Қайсарнинг тамоми ота-боболарин оти ёзилмишдур. Елдирим султон Боязид ибн Муродхон ибн Урхон ибн султон Усмон ибн хон Эртўгуз баҳодурхон Туркхон иби ёғаси ибни ёғаси Сижжат ул ахборда ёзилминш, истаган киши ани кўрсун.

Бир замонида салтанати Чингизхон Аштархон йўлиндин Румга бориб эрди. Анда бир мавзеъ бор эрди. Ҳар Ҳижоз қофиласига ошу таъом берар эрдилар. Мўгулдин бири сўрди: «Бу ахсан кимдиндур?» Алар айди: «Қайсардиндур». Ул вақт Қайсар ҳур қул наслидин эрди ул фаранг қўлида ҳалок бўлуб, анда фаранг Румни талон қилиб, Рум фарангга мусаллат бўлуб эрди. Аҳли Румга фаранг кўб жабру жафолар қилиб эрди. Андин сўнг Усмонхон ҳуруж қилиб, фарангни талон айлаб, чўқ-чўқ ұлдурди. Одамлар ани Румга султон айладилар, доим фаранг била жиход қилур эрди. Анга Усмон Гозий лақаб бўлди. Аммо Елдирим ҳам уз замонида ҳаддин зиёда иш кўрсатти. Тарих бир минг икки юз еттида (1792 й.) халифа султон Салимхон ибн Мустафохон ибн Аҳмадхон ибн Муҳаммадхон ибн Иброҳимхон ибн Аҳмадхон ибн Маҳмудхон ибн Муродхон ибн Салимхон ибн Сулаймон ибн Боязидхон ибн Муҳаммадхон ибн Муродхон ибн Муҳаммадхон ибн Елдиримхон султон Боязид эрди. Физзамонина ҳам ҳалифа бу мазкурлар авлоди эрур.

Эмди келдук сўз бошига. Аммо Амир Соҳибқирон нома мазмунидин мутолаа бўлуб, кўринишлари тугалди. Ҳар кун Султон Шаблини Амир меҳмон айлаб, нома жавоби ёзилғунча зиёфат қиласи эрдилар. Аммо султон Шаблини туруш ери Мироншоҳ қўшида эрди. Аммо Амир элатдин нома юбормоқга элчи талааб

қилдилар. Номани Иноқ вазирга бериб, кенгаш қилдилар, беклар Мирошоҳни талаб қилдилар. Амирдин жавоб бўлмади. Андин сўнг, Шоҳруҳ тўрани, Амир «бу доим жаиг талаб» дедилар. Сўнгра Умаршайхни ара қилдилар. Амир айди: мунга китоб ўқимоқдин ўзга иш бўлмас. Сўнгра Султон Муҳаммад тўрани айдилар. Амир: «бу шаробни яхши кўрар», деди. Барчалари айдилар: бу хизматни уҳдасидин Мирзо Улуғбекдин ўзга киши чиқолмас, чораки кичик бўлса ҳам, улкансифатдур, фитратлик, ҳар ишга етук, кўб туйгуцдур, бу ҳар ишга лойик, барча нимарсага боб, дедилар. Анда Мирзо Улуғбек, Магриб вилоятига ҳоким эрди, анга тезлик бирла келсун, деб ҳат ёзиб юбордилар. Андин сўнг Амир Соҳибқирон Миср узра ҳоким қўйуб, Олатоғ сарига келиб, Шоҳруҳ тўра отасин мулозаматида бўлди. Амир андин кўб хурсанд бўлдилар. Бу сўз мунда турсун, эмди икки қалима сўзни Қайсардин эшитмак керак.

Қайсар то ўғли боргунча бўлмай, бир юз етмиш кишини бошлиқ қилиб, аларга вазири аъзам Темуртошни амири аскар қилиб юбордилар. Турт сон киши денгиз каби ошиб-тошиб йигирма кунда Олатоғ бағрига етилар. Бу ғавғоларни дангқини Миср аҳли эшиттилар, филҳол, Миср ҳокимидин Амирға хабар келди. Амир Соҳибқирон тахту салтанат узра бекларга кўринушда эрдилар. Мисрдин бир киши келиб айди: «Эй узбак беклари, эй Самарқанд сипоҳлари, иш қилингларки, обрў қўлдин кетмасун. Бало ҳисоб ёв келибдур, бу вилоятни хароб қилмасун, ўз юртларинг қайда қолди, ўз маконларингга, уйларингни тобмоқга кўб гаплар бордур».

Амир Соҳибқирон анда айдилар: кимдур Темуртошга қўшун олиб бориб, муқобил бўлгай? Анда беклардин етти киши ўрнидин туруб, Амирдин фотиха талаб қилдилар. Аввал Суюргамиш бекким, Чингизхон насли эрди, иккинчи Ҳинд Ҳожа қушбеги, учунчи мирзо Саъдиддин Ваққос, туртунчи мирзо Муҳиддин, бешинчи Мирзо Инжил, олтинчи Олтмиш бек, еттинчи амир Баён Сулдуз, анда Амир Соҳибқирон айдилар: илғор боши Суюргамиш бўлсун, агар бу ҳалок бўлса, Мирзо Саъид Ваққос бўлсун, бу ҳалок бўлса, мирзо Муҳиддин, бу ҳалок бўлса Мирзо Инжил, бу ҳалок бўлса Олтмиш баходур, бу ҳалок бўлса Баён Сулдуз бўлсун, бу ҳалок бўлса Ҳинд Ҳожа илғор боши бўлсун.

Анда Суюргамиш бек айди: Эй қариндошлар, мен камина Соҳибқирон ҳазратларин кўб синағанман, бу киши валидур, илҳоми ғойибий бўлғондур. Бу мазкур кишилар бу урушда ўлгай, эмди мен маснадимни Муҳаммадхон ўғлумга бердим, хотунимни талоқ қилдим, молларимни муллоларга вақф қилдим. эй мусулмонлар, гувоҳ бўлунглар, деди. Амир мунинг қилган ишларин англаб, айдилар: «Нима учун мундог қилурсан?» Айди: «Кўнгилни дунёдин узуб, баҳузур жангға борай», дедим. Анда ўғлин ўрнига ўтқузди. Андин сўнг, йўлдошларига қараб айди: сизлар ҳам дунёдин кечиб, жаиг ичра кирсангизлар, нечукким, азизлар, дебдурлар жондин кечмай иш битмас. Анда барчалари ушбу қайфиятда дунёдин кечиб, мосуво бўлдилар. Анда яна барча иттифоқ бўлуб ҳар қайсилари ўзлариға лойик аскар олдилар.

Ўзбак баҳодурлари, отларига рокиб бўлуб, Темуртош аскарига қараб йўл солдилар.

Алқисса, Суюргамиши, етти киши қаинча қўшунларни олиб боргоиларин Темуртош англадиким, мўгул бекларидин етти киши кўб-кўб аскар олиб келурмиш деб. Бирдан карнай, сурнай табали жанг қоқтилар. Темуртош аскари андог куб эрдиким, етти юз туғ, байроқлари бор эрди. Бул тарафдин чашту тўзон кўрунуб, Амир Соҳибқирондин етти аскар бориб, саф тузаттилар. Нақора, борабанларни иккала аскар жойларига тортиб бериб, жангга муқайийид бўлдилар. Суюргамиши бек Амир Соҳибқиронни сўзига амал қилиб, бири ўлса, бирини ўринига ўзтурмоқ бўлуб, ул кун байроқларини кўтардилар.

Аммо ул тарафда тўрт минг туфангчи Темуртош жиловинда эрдилар. Бирдан юз етмиш карнай, барабан чоидилар. Филхол, иккала қўшун аралаш бўлуб, андог қиргин бўлдиким, бу ҳангомаларни Амир лашкарлари куруб, ўзга ўрунгга қоча бошлади. Қазо мешкоблари сув ўринига қизил қон соча бошлади. Бирор қўлинида чонқу, бирор қўлинида санчку, бирор қўлинида болта, бирор қўлинида наиза, бирор қўлинида киличи обдор; бирорини бели узилган, бирорини аъзоси чузилгон, бирорини ўорни ерилгон, бирорини қизил қонга қорилгон, бирорини суги синган, бирорини обги синган, бирорини багри тешилган, бирорини кўзи тешилган, бирор жон бермоқда, бирор қон тўқмакда, бирор от чопар гириллаб, бирор отдин йиқилур дириллаб, бирор қилич силтар шириллаб, бирор айланур гириллаб, бирор қоққай фириллаб, бирор йиқилур чолқайиб, бирор аганар қолқайиб, бирор қолур шалфайиб, бирор ётур ёлфайиб, бирор юрур оти ўйнаб, бирор ётур тилин чайнаб, бирорини юраги қайнаб, бирорини кўнгли айнаб. Ўзбак бирла Рум қони деңгиздек тониб, гавфо ҳаддидин ошиб, бир кеча-кундуз уруш бўлуб, Суюргамиши бек майдонда ёлгуз қолибдур. Румийлар келиб, бекни қўлини қалам қиадилар. Андин сўнг байроқни бу қўлига олди. Яна бу қўлини ҳам қалам қиадилар. Байроқ ерга тушти. Барча билдилар. Бекбача ўлди деб майдондин бошини олиб кеттилар. Анинг ўринига Мирзо Сатидиддин келди. Ани ҳам шаҳид қиадилар. Андин сўнг мирзо Мухиддин келди, ул ҳам шаҳодатга етти. Яна Баён Сулдуз келди, ул ҳам халек бўлуб, ўринига Нижил келди. Ул ўлуб, ўринига Олтмини Баходур келди. Анинг ўринига Хўжа қушбеги келди. Ул кун икки тарафдин баҳодур йигитлар ҳалок бўлдилар. Аммо Темуртошни бир ўғли бор эрди, оти Жаъфарбек эрди. Темуртошни жангга рухсат талаб қиади. Отаси рухсат бермади, беруҳсат бориб, мирзо Мухиддин қўлида ҳалок бўлуб эрди. Ани эшишиб, Темуртош вазир ўғанин фироқига чидаёманай, бул ҳам бориб ярадор бўлуб, йиқилиб эрди. Ани румийлар келтуруб, етти юз қалоқи олтунни Темуртош учун тасаддуқот қиадилар. Мўгул бекларини бошини румийлар наизаларга сончиб олди. Анда Хинд Xожа қушбегидин ўзга киши қолмаб эрди. Амир Соҳибқироннинг бир неча қўл ва гуломлари келиб, анинг атрофида бўлдилар. Аларни баъзиси «қочайлик» дедилар. Қушбеги айди: қариндошлар барчаси ўлубдур, бизларни қочмағларимиз яхши эмас, Амир Соҳибқиронига нима жавоб берурмиз??

Алқисса, румийлар бирдан «оллох акбар» деб от қүйдилар. Үзбакларга хатар, румийларга зафар бўлуб, үзбаклардин бир нечалари ўлуб, кўблари қочиб, майдонда қушбеги ёлгиз ўзи қолди. Муни кўруб. Темуртош мулизимларига бу баҳодурни тирик тутуб келтурунглар, андин сўз сўрайлук, деди. Ани румийлар тутуб олмоқга харакат қилиб эрдилар, ёлгуз ўзи майдонда жавлон кўргузиб, кўб-кўб румийларни ҳалокат рутбасига солди, ала ҳазал-қиёс, уруш тамоми ўн бир кун бўлди. Охирги куни отини милтиқ била уруб йиқиттилар, яёвлиқ ҳолида неча-печа кишиларни вужуд шахристонидин адам чўлистанига юборди. Охир, бўлмади. Боглаб олиб, вазири аъзам Темуртош қошига келтурдилар. Вазир айди: «сен қандог кишисан?» Қушбеги айди: «Соҳибқироним қули бўлурман». Яна вазир айди: нечук мунча ўзунгни ҳалокатга солурсан? Қушбеги айди: Амир Соҳибқирон хизматида тириклиқ-дин ўлмакни афзал билурмиз. Вазир айди: Амир Темурни сендин ўзга хизматчилари борму? Ҳинд Ҳожа айди: қулларин ичидаги ярамас, ақли пасти мендурман. Вазир аъзам ҳайрат бармоқин тишлаб айди: «бу атъфол сизларда бор, албатта. Рум ҳалқи сизларга тобеъ бўлса керак. Қушбеги айди: «тез бўлғил, мени ҳам ўлдургил, қардошлар фироқида юрак-бағрим кабоб бўлубдур. Вазир ҳарчанд насиҳатлар қилдики, сенга шоҳона хилъатлар бериб, Амир Темур олдига юборайин, деди, қабул қилмади. Айди: Эй вазири акбар, мени қўйуб юборсанг, бир кунда билгил, мен сени ҳалок қилурман. Анда Темуртош ноилож Ҳинд Ҳожани қатлга буюрди. Андин сўнг Рум сипоҳлари Сувайш мавзеъини ёқасига бордилар.

Эмди икки калима сўзни Амир Соҳибқиронидин эшитмак керак. Олатог бағрида эрдилар. Қанча киши ўзбаклар қочиб, Амир Соҳибқирон қўшунлари ичра кириб қўшулади. Қўрган-кечурганларин Амир Соҳибқиронга баён қилдилар. Анда ўзбак бекларин барчаси ҳозир эрди. Амир айдилар: иншооллох таоло, тонгла Темуртош қошига аскар юборурман. Сипоҳларим ичра яхшиси бордур, анинг эътиқоди ҳам барчадин яхшидур. Мен ҳам ани барчадин яхши кўрарман, албатта. Темуртошга зафар тобса керак деб ҳарамга дохил бўлдилар. Ул куни кечқурун жамъи тўралар келиб, Иноқ вазирига ҳар қайсилари айдилар: Темуртош қошига менга рухсат бўлса, борсам деб. Иноқтоz ул мард жонбозларга айди: мен билмадим, Амир Соҳибқирон ўз кўнглиға келгон ишини қилғай, тонгла кимға фотиха берса, ўзи билғай, деди. Эртаси чодир ва хаймаларни тикиб, кўринуш хонани тартиб бердилар. Анда Амир таҳт узра чиқуб ўлтуруб, уч кунғача хосу ом саломга келдилар. Беклар саллаларин бўйниларига солиб, Амирдин фотиха талаб қилдилар. Амир сукутда бўлуб, қўл кўтартмадилар. Ноилож, саллаларин ўраб, қайтилар. Андин сўнг, тўралар бир-бир келиб, фотиха талаб қилиб турдилар. Алар Шоҳруҳ тўра, Мироншоҳ, набираларидин ҳам бор эрди. Амир индамадилар, ноилож, алар ҳам саллаларин ўраб, ўз ўринларида қарор олдилар. Соатидин сўнг, Амир бошларин кўтариб Шоҳруҳ турага қарадилар. Тура бул хизмат менга бўлди, деб ўриидин туруб, таъзим қилди. Андин сўрдилар: Мирзо Улугбек тўра қайдадур. Шоҳруҳ тўра айди:

тумовдур. Келсун деб буюрдилар. Соатидин сүнг келиб, салом қилиб, қўлин алиф-лом қилиб, таъзим била турди. Амир айдилар: Эй Улуғбек болам, Темуртош бошига бормоқга қувватинг етарму? Улугбек тўра айди: Амри хумоюнингиз бўлса, синоҳларимни назарингиздин ўткурсан.

Соҳибқирон буюрдилар, келтур деб. Андин кейин, Амир қошлини тартиб бирла кўб-кўб жоматя кўруқ кўрсатмоқ учун жамъ бўади. Аммо ўзин аҳли ҳукуматларни ким, умаро ва вузаро ила кенгаш қилиб, ҳукамолари иш қўрсатиб, аскаридин тўрт сон кишини ажратиб, ҳар сон ўн мингдин бўлур, андин сўнг, қирқ минг кариай, нақора, барабан келтурдилар. Сайёдларта буюрдиким, тўрт сон аబобил келтуринглар деб. Ани турк тилида ёввойи қалдирғоч дерлар. Сайёдлар айдилар: қолдирғочни нима қилурсиз? Ул айди: керакдур. Андак фурсатда топиб келтурдилар. Анга яраша сандуқлар тортиб бериб, сув била таъомни қорлуғочларга муҳайё қилиб қўйдурурлар. Амир Соҳибқирон, эй болам, аскаринг ичра баҳодурларни менга кўрсатгил, (деди). Анда Улуғбек аскарларга Соҳибқирон назаридин ўтунглар, деди. Андин сўнг, тўрт сон киши синоҳгарликга ораста ва нироста бўлуб ўттилар. Аксарини оғизлари катта ва қўалари кичик ва баъзиси ўрта бўйлик ва баъзиси узун бўйлик, қизил юзлик ва баъзилари узун соқол баъзилари куса, қулоқлари катта, тўғри сўз эрдилар. Барча баҳодурларни икки кўзи отларин ёлида эрди. Булар ичра саиди Қурайшийким, тўрт ёри позанини авлодларидин ҳам бор эрди. Андин сўнг, тўрт минг ҳофизи хуш илҳомларни келтурдилар. Уруш кунида газал ўқумоқга тайёр эрдилар. Аларга тунукадин уй қилиб теваларга ортган эрди, вақти келиб, жанг ичра кирган вақтларинда нагмаи қилиб, танбурларин чолиб, имом Ҳасан ва имом Ҳусайн марсияларидин ўқур эрдилар. Аларни овозига аскарлар масти мустағриқ бўлуб, ўзларин жангга урар эрдилар. Яна тўрт минг кишини қўлида бели била келтурдилар. Ул кун барчасин жамъ қилиб турфа шавкат ва ҳашамат бирла отландилар. Амир ҳам бирга чиқиб, видоълашиб, сени яратганга тобшурдим, деб қайттилар. Бир неча кундин сўнг, Рум синоҳларига етилар, андин кейин бир кишини жосус қилиб, аларга юбориб, хабар олдилар. Аммо кечаси бирла қанча аскарга оқ кийумларни кийгузуб, бошларида оқ салла, пешларин узун қўйуб, аларни Темуртош қошига цилгари юбордилар. Анда тўрт минг киши келиб хандак қоздилар. Ул вақт Темуртош қушунлари ёв көлганидиин хабарлари йўқ, атрофга тарқалғон эрдилар. Ул кечада бирдан карпайчилар, нағорачилар навозишга келтурдилар. Рум синоҳлари шошиб қолиб, бирин бири ўлтура бошладилар. Оқ кийумли кишилар аларга деди: Эй Рум синоҳлари, огоҳ ва доно бўлунглар, бизлар рижол ул гойибдурмиз, Амир Темур мададига келиб эрдук. Вазир бу сўзга таажжубда эрди. Қўёш амири кўк майдонида жилва қўргузди, вазир ёвни кўрсаким, тўрт сонга яқин келур, атрофида хандак пайдо бўлубдур, бир кечада нечук тайёр, бўлубдур, деб барча ҳайратда эрди. Анда тўрт минг ҳофиз такбири ташриқ айдилар.

Алар таажжуб бармогин тишлаб, бири көлиб сүрди: «сизлар қандоғ кишиидурсизлар?» Булар айди: Рижол ул гойибдурмиз! Вазир айди: бизлардин нима иш содир бўлди, рижол ул гойиб мўғул мададига келур?! Булар айди: «Сиз халқи золим бўлурсиз, анинг учун биз ўзбаклар мададига келдук. Вазир буюрдиким, ўқ отинглар, деб. Рум синоҳлари бирдан ҳамлага турдилар. Улугбек ҳам карнай чолдириб, урушмакга муқайяд бўлдилар. Яна ҳофизлар марсия ўқимақга бошладилар. Аларни тунука уйи кирпитиконга ўхшаш сирти тикон эрди, уч кеча кундуз жанг бўлди, тўртунчи куни кўб танг бўлдилар. Рум аскари халқа каби атрофини олгон эрди. Филҳол, нома ёэдириб, бир баходур кишини топиб, кўб ваъда қилди, агар тирик келсанг, ҳар на мақеудингга еткузурман ва агар ўлсанг, авлодингни дунёдин мамнун қилурман, деб номани бериб юборди. Ул кини элчи бўлуб, хандақдин ўтуб, номани Темуртошни вазирига келтуруб берди. Вазир очиб кўрса, дебдурким: «Эй вазир, огоҳ бўлтил, бизлар рижол ул гойибдурмиз, Амир Темур ёрдамига келгандурмиз, анга байъат қилмасанг, тонгла бошингда кўрарсан, абобил аскарин юборумиз, гўё асхоб ул фил қиссасин эшитгандурсан». Вазир кулуб, элчини тўғри сўзла ростингни айғил, деб қийнамоқга бошлади. Элчи асло гапурмади, охир қийнай-қийнай ўлдурдилар.

Ул кечагина Улугбек синоҳлари зикри Жаҳрияни бошладилар. Аларни қилғон зикрига еру кўк зилзилага келди. Бу сўзни Румни халқига данки кетиб, кўнгилларига ваҳму қўрқунчи тушуб эрди. Кеч бўлуб, юадуз қорлугочлари кўк сахфасида тайрон қилиб, Рум кундузин юз минг найранг бирла муниҳазм қилдилар. Ул кечагина минг машъадлар ёқиди, тўрт тарафдин байроқларни жилвага келтуруб, такбир айтиб, ҳофизлар марсия ўқуб, румийларга қаршу бора бошлади. Улугбек қорлугоч муваккилларига айтиб эрди, жанг қизигон вақтида қорлугочларни майдон ичра қўйуб юборгил, деб эрди. Бирдан кечи бирла жангга муқайяд бўлдилар, соатидин сўнг, кечагина мубаддал бўлди. Темиртошни аскари бирла Улугбек аскарин мобайни кирқ қадам қолиб эрди, вазир қўрдиким, рижол ул гойиб даъво қилғанлар барчаси жангга муқаййид бўлубдурлар. Анида турууб, Темиртош синоҳларин чақириб, айди: Эй қавм, қўрқманглар, булар барча ёлгончидурлар. Бу сўздин сўнг, бирдан икки тарафдин от қўйуб, жанг-талотуб бўлуб, гавғо қўзголиб яроқ ва аслаҳалардин ўтлар чақилди, гўё жанг олови ёқилиб турган ҳолатда муваккиллар сандуқларни очиб, қорлуточларни қўйуб юбордилар. Рум халқи қўрдиларки аскари абобил осмон юзин ва қуёш қўзин чигуртка каби олибдур. Аммо ул замон қиши фасли эрди. Ани қўрмаганларига қўрсатиб, барчалари қоча бошладилар. Улугбек синоҳлари алар қонин соча бошладилар. Муни кўруб вазири аъзам тоқат қилолмай, бул ҳам қочиб, оти балчиқга ботиб қолди. Улугбек мулозимлари ани тутуб, асир қилдилар. Одамлар қўрқуб, Сивос шаҳри ичра бориб бир нечалари уйлари ичра кириб ёшуриндилар. Улугбек синоҳлари бирла алар орқасидин қувлаб, шаҳр ичра кириб, куб-кўб одамларни ўлдуруб, ўрдага яқин бордилар. Ул кун рўмийларни ақли шошиб, бир биридин аданиб, гавғо ҳаддидин

ошиб, қызил денгиз тошиб, андог қыргын булдиким, улуклари ханнот қофидек түб-түб бұлуб қолабердилар. Қазо вагончилари бу юкларни адам реълига солабердилар, бошлари чинни тарбуздек юмалануб, жасадлари дүңг қабақдек ёрилиб ётаберди. Ажал савдочиси бу молларни нақд-насия қарамай сота берди.

Аммо ровийлар андоғ дебдурларким. Темуртош қүшунлари қони-ла ва ёгина ерлар қорайиб, сүяклари етти юз жойға хирмон бұлубдур. Аммо ул күн Улугбек үрдага кириб, тахт узра қарор (олди). Барча билдиким, булар бошлиғи Улугбек экан, қошига Темуртош вазирии boglab келтурдилар. Филхол, вазирни бойлуқ-ларин ешуб, күб иззат ва ҳурматлар қилиб, фатхнома Ѽздуруб, аңға вазирни йўлдош қилиб, Олатоғ сарига, Соҳибқирон хизматларига юборди. Вазир келгандин сўнг, Амир айдилар: Эй Темуртош, билмадимким, Қайсар қўнглига нима ишларни йўл берур, аммо мени аскарларимни кўрмабдур, деб. Амир буюрдилар, тахтни тогни устига олиб чиқтилар. Мулозимлар чодир-чанбатларни тикиб, фаррошлар ерларни супуруб, ороста ва пироста қилдилар. Соҳибқирон вазир била ул ерга чиқиб, атрофга хабар юбордилар. Эрон, Турон, Туркистон, Ҳиндустон, ӯзбак, қипчоқ қирғиз, қозоқ ӯрус, қалмоқ барчасига хабар еткуруб, неча кеча ва неча кундуз барчалари Соҳибқирон хизматларига етиб келабердилар. Амир Соҳибқирон қанча беклар бирла мунтазир эрдилар, ногоҳ, бир бұлак зохир бұлди йигирма минг кишига яқин, аскарлари ўқ-ёларин ёnlарига бойлағон, аларни бошлиғи бир йигит, чавкар отға минган, қизил либос кийган, ани тўрт ўғли атрофида, етмиш муғаний созларин чалиб елурлар. Бу газални айтурларким,

Б а й т:

*Илоҳо, давлатингни ҳақ мұяссар айласун, жоним,
Мадад ҳолингга доим авлиёлар айласун, жоним.
Құзим құзгусыза көлтурдиким чүн акси зебосин,
Тамошои гүлістон бу манзар, айласун, жоним.*

Аммо ул йигит отдин тушуб, Амирга салом қилиб, таъзимлар ила қўлин алиф-лом қилиб, ҳазрат Соҳибқирон мадҳига бу газални ўқуди.

Рубоий:

*Султони жаҳон паноҳи иқлими жаҳон,
Искандари соний, вэй ҳоқони замон.
Хизмат камарин белга тутуб боғлабмиз,
Не ишни қулуру, айсанггиҳ ёармон.*

Анга Амир иңөм ва эхсонларни күб қилдилар. Темуртош вазир Иноқтоздин: «бу март жонбоз каби йигит ким?» — деб сүрди. Иноқ асвули кайвонлигин, жулуси айвонлигин айди: Бу Мироншоқим, Соҳибқиронға ўғул бўлур, Ироқ шаҳрига хон ўлмиш, Макка Мадинадин араблар анга тобеъ эрди. Икки сон араб саф-саф бўлуб.

теваларга минуб ўттилар. Яна бир жамоъа ҳозир бўлди. Йора байроқлар била бир сон, икки минг йигит барчаси қафтанин эгниларига кийган, қулоқларинда булоқилари, қўлларинда қиличлари яланг, алар олдинда бир йигит қизил созлик, соқоли узун. Йигит баҳодурлари саф-саф бўлуб, турфа-турфа ўйинлар била келур. Филхол, отдин тушуб, Амирга салом қилиб, таъзим била қўлин алиф-лом қилиб, Амирга қараб бу байтии ўқуди.

Б а й т:

*Эй валиди азизим, бошим узра тож,
Арзирму сиза жонимни қилсан-да хирож?!
Қул даргоҳингга Миср азизи Чин ҳоҳони,
Давлат сенгаким, давлатингга бўлди ривож.*

Амир яна анга куб инъомлар бериб, хурсанд қилдилар. Вазир сўрди: «бу йигит кимдур?» Иноқтоз: «Бу мард жонбоз Шоҳруҳ тўра», деб асвули кайвонлигин, жулуси айвонлигин билдуруди. Ногоҳ яна бир йигит навқирон пайдо бўлди. Фили устида тахт узра мураббъя ўлтурган, атрофида бир минг етти юз баҳодур ҳалқа олиб, филларга сувара бўлуб келурлар, уч юз занбуракни аробага ортиб, уч ҳўкузни анга қўшуб, уч минг ҳинд аларни жиловин ушилаб келур эрдилар. Турфа шон-шавкат ила йигит фил устида ўриидин Амирга таъзим-тавозеълар била салом қилиб, қўлин алиф-лом қилиб, дуода бўлуб, бу газални ўқудилар.

Р у б о и й:

*Эй бобо, давлат сиза бўлсун давом,
Шоҳлар хизматда бўлсун чун гулом.
Ҳеч ким йўқтур мухолиф бўлмоқа
Сизгадур дўстлар дуода субҳи шом.*

Мунга таажжуб бармогин тишлаб, вазир: бу кимдур? — деди. Иноқ вазир айди: «Бу йигит мард жонбоз Ҳиндустонга валий оти Султон Маҳмуд тўра, Соҳибқирон набираси», деб асвули кайвонлигин, жулуси айвонлигин анга таъйин қилди. Андин сўнг, яна бир йигит ҳозир бўлди. Либоси оқ, тўрт минг гуломуғузало атрофида мисли Ҳожа Абу Лайс Самарқандий ва Мавлоно Али Қушчи ва Мир Сайид Журжоний ва Мавлоно Шараф Яздий. Ул йигит салом қилиб, отдин тушуб қўлин алиф-лом қилиб Амир мадхига бу газални ўқуди.

Р у б о и й

*Сийнанг ичра баҳровар аҳли улум.
Толеъингга тарбият айлар нужум.
Хизматингда қул эрур беклар бори,
Ким бўлди сенга, бўлди ким.*

Амир анга ҳам күб инъомлар бериб хурсандлар қилди. Иноқ сұзлагунча бұлмай, вазир муни хұб билурман, Улугбек тұрадур, деди. Яна сұнгра бир жамоға пайдо бұлдилар. Аларда қилич била санчку, андің үзға ярғ үйүк эрди. Аларға бопшық иккі гұзала: бирлари Рустамбек, бирлари Искандарбек, иковлари Умаршайх үгли эрди. Таъзим бирла булар ҳам үттилар. Яна бир бұлук пайдо бұлды, алар олдинда қора тұруқ бир йигит Амирға дуо қилиб үтти. Иноқ айди: «бу йигитни оти Бойқаро тұра Умаршайх үглидур. Мозандаронға ҳоким әрмиш». Яна қавми зохир бұлды, булар бопшлиги амир Мутраб иби амир Чоку барлос. Булар доим қилични яланғ қилиб олиб юрарлар, барлос маңыниси қилични қинга солмаганин айтурлар. Яна бир тұб пайдо бұлды, отларин үйнатиб келур әрдилар. Буларни бошлиғи амир Боязид Жалойир эрди. Яна үзға қавм зохир бұлдилар, бошлиғи амир Едгоршоқ орлот эрди. Булар ҳам турфа тажаммұл бирла үттилар. Андин кейин яна бир жомаға етиб келдилар, барчаларини милтиқлари құлларида, тұрт сон юки ортган тевалари бор. Яна бир сон, иккі минг қызыл юнглик тева, яна уч юз сандуқни филларга ортган. Иноқ кал вазир айди: булар Амир Темур Сохибқирон әлати құрагонийлардиндур, булар Амирға хазиначидурлар. Үл вақтда яна бир тоифа зохир бұлды, барчаларини бошларида соchlари бор, қүй сурат, кийумлари қора, милтиқлари яғринларинда, Амирни дуо қилиб үтабердилар. Иноқ айёр айди: булар сиёхпуш коғирлар, Ҳиндистондин Сохибқиронни ийнатига келгандур. Буларни орқаларидин яна бир жомаға әл пайдо бұлдилар. Аларни туслари сарығ, бошларида соchlари сарығ, кийумлари қисқа, бошларинда шафка, буйниларida чалино, ёnlаринда пұталарига милтиқ осқон, мүйлаблари оғзин ёбқон, байроқларинда сурат нақш қилинғон. Анда Иноқ айёр айди: «булар үрус бұлур», деди.

Ала қазал-қиес сарту қозоқ, турку тожик барчалари Сохибқирон хизматига жамъ бұлдилар. Ер юзин ва кун күзин балоҳисоб құшун олди.

Алқисса, Амир Сохибқирон айдилар: күрунг баходурларимизпи, сипоқ ва аскарларимизни. Эмди құрган-кечурғанларингни Қайсарға бориб айғил, деб малукона хилъатлар бериб, Румга юбордилар. Бу кийумларни вазир умрида құргони үйүк эрди. Аммо Темуртоғ вазир неча күпдін сұнг Қайсар қошига келиб. Сохибқиронни андолг таъриф қилдиким, Қайсарни сұзламакға асло мажоли қилиб бұлмади. Охир Қайсарни аччиғи келиб, газаб үтиға ёниб, вазири аъзамни зиндонға солдурдиди. Андин кейин неча ишни үйлаб, урушмакға ҳаракат қилиб, аскар йиғмакға буюрди.

Эмди иккі калима сұзни Амир Сохибқирондин әшитмак керак. Алқисса, Амир Сохибқирон Сивос фатх үлғондин сұнг, шаҳри Ангурийяга қараб қозланди.

БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН ҚАЙСАРКИМ, ЕЛДИРИМ СУЛТОН БОЯЗИД БИЛА ЖАНГ ҚИЛҒОНИНИ БАӘНИ

Аммо таворих арбоблари андоғ ривоят қилурларким, Елдирим Боязид бир кун Рум аҳлини тамом бекларин чорлади. Аларга машварат қилиб, кенгаш эттилар. Фузалодин бир киши Қайсарга айди: Эй султон афандим, Амир Темур ҳам Сиз каби халифаи мусалимин эрмини, «ас-сулҳ ҳайрун»¹ деган ҳадиси шарифга амал қиласанг, деб насиҳатлар қилиб, бу газални ўқуғонлари.

Байт:

Дүст изларсан, ғами ағёрни сен ўйлагил,
Құл узатсанғ, вирда захми хорни сен ўйлагил.
Нолан мазлумлар золимни құнсиян чок этар,
Құй ситамии, ҳар дили ағфорни сен ўйлагил.
Кимга бордур жабр иши, зулми ситам қилмоқ анга,
Әлга құб ачығни құй, қағжорни сен ўйлагил.
Эй бегим, яқбора ҳар иш сори сен майл айлама,
Ким жағбожұ үл күңгіл озорни сен ўйлагил.
Зол дүнёдин құб кишин қылды расвои жағон,
Вилки маҳлиқидур бари; бу корни сен ўйлагил.

Аммо бу сұз Қайсарни құлогига кирмай, балқи аччиги зиёда бұлуб, газаби келиб, жаңғы аъзим қилмоқға муқайийд бұлди. Хизматида умаро ва вузаро ҳозир эрди. Елдирим султон фарангдин құб шаҳарларни тобеъ қилғон эрди, мисли Құнийя ва Қустонтания ва Құқот ва Истанбул ва Мадмалия ва Оқсарай ва Арзал. Булардин ҳам хуруш майдонида яксар, үзбакда құб баҳодур майдонда эрди ҳозир. Ким күрди, ақл қочар бұлғақи, яна титрап. Рум эрди құб хинармад бир-биридин неча чаңд, үзбакни қилмоққа банд, эрди синоҳи жарожар. Иковда түрк боласи, иковни мәжароси, гүёни-огаси ворислигии талашар.

Андии кейин Амир Соҳибқирон оқ кийуб ва оқ саллалар ўраб, фешларин мобин кифтларига ташлаб, мисвокларин саллалари узра санчиб, Каломуллоҳи ҳумойил қилиб, фұталарига исфаҳоний қилич осиб, ғул сафиға қарор эрдилар. Олдиларида султон Маҳмуд била Шохрух тұра иковлари мустаиди жаңг бұлуб туруб эрдилар. Үл тарафдии Қайсар балобеҳисоб аскар била муқобил келаберди. Құрсалар Қайсар либоси кора фил узра мураббаъ ўлтурубдур, атрофида беклар ва синоҳларини кийумлари қорадур. Аркони давлат била келиб, Амирға қаршу турди. Андоғким аниң шоңшавкатига Ҳожа Абдулла Хотиғий бу газални ўқудилар.

Байт:

Ұшал Қайсарким, оти Елдириим,
Ани шавкати чун Каюмарс жим.

¹ Султ ҳайрлиодир.

*Яна аскари мисли дарёи Нил,
Ошарди, тошарди чунон эрди сел.*

*Фалакка етарди ғалогуллари,
Юрмакда, турмакда бирдек бари.*

*Чолиб карнайу барабон нағмалар,
Вуҳушу таюр эрди довушиға кар.*

*Кўрунг икки аскар муқобил бўлуб,
Руму ўзбака ушбу майдон, тўлуб.*

Икки наслида Ефасийдин ўгул.

Икков бир-бирини талаашлар қилур,

*Икков бир-бирини талаашлар қилур,
Талошмоқни ҳар кунда бошлар қилур.*

Алқисса, Қайсар фил узра устида ўлтуур тахт ичига байроқ бор, қўлида санчқу била майдон ўртасига кириб, мубориз талаб қилди. Амир Иноқ айёрга ишорат қилди. Иноқ, филҳол, отларин эгарлаб, Амирга келтуруб тутти. Амир бориб Қайсарни йулин олди. Қайсар аиди: Эй барлос, қандоғ кишисан? Амир анга ўзларин аён ва баён қилдилар. Қайсар найза ҳавола қилди. Амир отға қамчин уруб анга қараб югурди. От ҳуркиб бормади. Амир сакраб отдин тушуб, филни остиға кириб, Қайсар била филни кўтариб, беш юз қадам бостилар.

Румийлар (бошқа бир неча шаҳарлар анга тобеъ эрди) Амир Темурга нома ёзгил деб мирзога буюрди. Филҳол, мирзо Қартос майдонига мадад Ҳиндистондин аскар келиб яъни аскар олдуруб, тартиб бериб Амирга юборди. Соҳибқиронга хабар келдиким, Қайсардин Элчи келур, деб Амир тахт узра ўлтуурб эрдилар, номани келтуруб берди. Айтибдурки, эй Амир Темур ҳануз ўзунгни Соҳибқирон олурсан, одамларни ўзингга тобеъ қилибсан, тонгла кўргил, бизларни майдонда масоф қиласайлик ва мардоналикни бир-биримизга кўрсатайлик, ўзгаларни ташвишга солмагаймиз. Амир бу сўзни эшитиб, суюнуб, хурсанд бўлуб, элчига айдилар: Қайсар қай дастурга масоф қилғай? Элчи айдилар: Оқ фили бордур, Ҳабаш хонидин келгандур, жанг куни ани миниб, масоф қилгай. Андин сўнг элчиларга жавоб бериб, Боязид Жалойирни анга йўлдош қилиб, нома жавобин қайтардилар. Нома бу эрдиким, «Эй Қайсар, бизни мунажжимлар қирқ кун муҳлат тилайдур, андин сўнг, иншооллоҳ, майдонга кириб, масоф қилурмиз?» деб номасини тамом қилибдур. Қайсар кулууб аиди: Амир Темур энди қўрқубдур. Аммо бул тарафда Амир Соҳибқирон. филҳол, чаноқчиларга балчиқдин фил суратин қилдуруб, қирқ кунгача бошлариға кўтариб, машқ қилиб, андак лой қўшуб фили аъзим бўлди. Ани кўтариб, минг газлик ери үч мартаба айлантуруб қўёр эрдилар. Қирқинчи кунида жанг учун нақора чалинди. Карнай ва нақорачиларнинг адади бир минг етти юз

эрдилар. Елдирим султон Боязид айди: бу қандог садо ва гавго туур? Анга: «Амир Темур аскари келмишдүр», дедилар. Аммо, ул күн ўтуб амир қүёши қүк сахфаси узра памоён бўлгоч, мухолиф юлдузлари фаришон бўлди. Анда, иккала синоҳ ўз ишларин фикрида бўлуб майдонга зийнатлар бериб, сафларни тартибга келтуруб, табал, жанг барабанларни жойига қарор бердилар. Иккала аскарни таъриф қилиб, Хожа Абдулла Ҳотифий бу газални ўқудилар.

Байт:

Ул саф фарангу румий,
Бу сафда ўзбакийлар.
Тартиб ила ярогин айлаб ўзалга,
Денгиздек урса жўш, кетгайким ақли хуший.

Бирдан олам тўлуб гирув кўтарилиди. Қайсар қўрқуб ўзин Филни устидин ташлаб, сафиға қараб қочти. Амир Филни ерга андог урдиким, суюклари майдада-майда бўлди. Анда иккала аскар тўсиндин бир-биirlарига от қўйдилар. Амир отларига миниб жангга қарамай Ҳалаж денигизига қараб йўл солдилар. Майдон ичра икки аскар бир-бирига андог жанг қилинтиларким, Хожа Абдулла анинг шаънига бу газални ўқудилар:

Байт:

Урушлар бўлди ул күн ҳаддидин ошиб,
Урадди бир-бирин янчиб, талошиб.
Бузарди бир-бирини сафларини,
Лағв айлаб неча ажуфларини.
Урадди бир-бирин дунболисига,
Кетар эрди «она» деб ҳоласига.
Қилиб бир-биirlарини пора-пора,
Йиқилиб калладин неча минора.
Келиб бир-бирига анда ёношиб,
Урадди бир-бирини ақли шошиб:
Қилиб бир-биirlарига анда қўшун,
Оқарди қон бўлуб монанди Жайҳун.
Ўлуклар бўлди анда даста-даста.
Чу хирмон бўлдилар юқори, пастда

Алқисса, Қайсар баланд ерга чиқиб курдиким, синоҳлари тарқалибдур, гайратига чидолмай, отин миниб, байроқларин жилвага келтуруб, ўзбакларга яқин келди. Аммо бул тарафда Амир Соҳибқирон байроқлариндин жилва кўрсатиб, андог жанг бўлдиким, сўзлаган била шархини баёнга келтуруб бўлмас. Ул күн оҳшомгача жангут талотуб бўлди. Ўзбаклар голиб келиб, румийлар қочмоқга юз қўйдилар.

Үзбаклар қиргони ҳаддидин ошиб,
Тоб беролмай румийлар ақли шошиб.
Қочмоқға юз қўйдилар ул турклар,
Барчасидин кетти обрӯ, кўрклар.
Кўрди Қайсар чўқ баҳодур ўзбакин,
Тулкига арслон ўрнини урмакин.
Еки қоплон бўрига ургай ўзиш,
Анда Қайсар қочмоқа қўйди юзин.
Бу жаҳон расми: бирорвга гар зафар,
Берса бергай ул бирорвга ҳам хатар.

Аммо Қайсар шикаст топиб, Ангурийядин қочиб, Истанбулга борди, байроқи, била тожи тушуб, қолиб эрди. Байроқин Шоҳруҳ тўра, тожини Бойқаро тўра олдилар. Ул кечи била шаҳрга от қўйуб, Ангурийини фатҳ айладилар.

ЭМДИ СЎЗНИ СОҲИБҚИРОНДИН ЭШИТМАК КЕРАК

Қазора оқшом вақтида Ҳалаж денгизин ёқосига бир маҳрам бирла келиб эрдилар.

Маҳрамдин ўзга киши йўқ эрди. Амир андин сув талаб қилдилар. Маҳрам бир оёғда сув тўлгузуб келур эрди. Амирни отлари ҳуркиб, тисланиб, денгизга тойиб, Амир от устидин юмаланиб сувга туштилар. Маҳрам ҳарчанд қилди, Амирни сувдин ололмади. Аммо бу ишдин хеч кимни хабари йўқ эрди. Маҳрам келиб бу сўзни Иноқ қулогига секин айди. Иноқ вазирни ҳуши бошидин учти, бу сўзни синоҳларға билдурмай, таҳт узра Султон Муҳаммад тўра иби Мирзо Жаҳонгир тўрани қарор бердилар. Ўшул вақт бир қаландари жонбоз Иноқтоз вазир қайдадур, деб келди. Иноқтоз вазирга қаландарни кўрсаттилар. Ул қаландар бир китобатни берди. Уз китобат Ҳожам Баҳовуддинни хатлари эрди: «Иноқтоз, қўрқмагил, Амир Темур сог-саломат, ишиооллох, келур» дебдурлар. Матъум бўлдики, Нақшбанд нишимни кароматлари бирла Амир Темур тириқдур. Андин кейин қаландарга кўб олтун назр бердилар. Андин кейин Ангурийини фатҳ бўлғонини атрофжавонибга хабар бердилар. Мунинг шукронасиға Амир Соҳибқиронни чилла ўлтурдилар, деб ҳалқға изҳор қилидилар.

ЭМДИ СЎЗНИ АМИР СОҲИБҚИРОННИ ВОҚЕАСИДИН ЭШИТМАК КЕРАК

Алқисса, Амир Соҳибқирон денгиз юзида гута уруб, соатидин кейин минг машаққат бирла ер юзиға чиқтилар. Атрофга ҳарчанд қулоқ солиб, хеч қаердин одамини овози келмади, чарчаб ҳориб эрдилар. Соати истироҳат қилиб, денгиз ёқосида ухлаб ёттилар.

Истанбулдин уч киши (Қайсаар синохларидин) келиб курса, бир киши ухлаб ётур. Алар сўрди: Кимсан, қандай кинисан? Амир айдилар: Рум синохларидин бўлурман, ҳамроҳларимдин ажралиб қолибдурман, эмди Истанбулга борарман. Улар қабул қилмай Амрини боғлаб, Истанбулга олиб келдилар. Ул кун кечаси бирла Соҳибқирон иола-у зори қилиб, йигълаб шоҳ Нақибанд пирларидин мадад тилаб, бу газални айдилар.

Назм:

Е Баҳовуддин, мадад бергил бу тун.
Йўл адошқонларға бўлгил раҳнамун.
Е пирим, бу йўл оро бўлдим гариб,
Қўл-оёғ боғлу, ётибман саргариб.
Е пирим, ҳолим мени бўлди қийин,
Бир назар айланг менга сиз ушбу ҳин.
Ҳар хатойим бўлса кечгил, ё илоҳ.
Мен гарибни ҳолин этма табоҳ.
Е илоҳо, дўстларингни ҳурмати,
Зарра бергил менга сен ҳиммати.

Ул кеча тушида Ҳожам Баҳовуддин келиб, айдилар: Эй Амир Темур оқсоқ, ҳуншёр бўлуб яратганга боқгил, бошинг узра андак машаққат бор, сабр қил. Ул замон уйғониб, курсаларким, оёғ-қўллари ешилибдур. Уч киши яна боғламокга ҳаракат қилдилар. Амир лоилож учовини ўлдуруб, шаҳр ичра бориб кирдилар. Қўрсалар турфа шаҳрким, кўча ва ўрамларини мармар тоши бирла ишлагон, ҳар бир иморати олийлар бино қилгон, тамомо қилиб юрсалар девор ва эшикларига Амрини суратини нақш қилғондур. Андин кейин Лёзни масжидига келдилар. Анинг таърифини деган бирла адо қилиб бўлмас. Эшикини тефасига ёзилмишдур: «Ҳар ким мунда келмамиш, гўё жаҳон кўрмамиш». Истанбулни бир тарафи денгиз, ўзга тарафига етти тог бор эрди. Бир одам Амир Соҳибқиронга айди: Эй бобо, сени суратинг Амир Темурға ўхшар экан. Бу сўзни Амир эшитиб, саройга бориб, саройбондин ҳужра талаб қилдилар. Саройбон хўб деб Амрига ҳужра берди. Амрини ҳужра ичра солмоқга бу соатида хеч нимарсаси йўқ эрди. Ташқори чиқсанлар, батъзилар Амир Темурга ўхшарсан, дер эрдилар. Лоилож, ҳужра ичра кириб кечи бирла истихорада эрдилар. Тушларида Ҳожам Баҳовуддин келиб айдилар: эй Темур, тингла, Ҳожа Мухаммад Нурсоҳ ҳақдии келтайлар, сени танумаслар, ушбу асони анга бергил, Ҳожа сенга албатта бир нимарса бергайлар, лекин бир неча кунлар меҳнат чекарсан, олло таолони ўзига эътимод қилиб, танингни тақдири ҳақга бергил. Нечукки бошингдин қазои муаллақ кўтарилғай, ўзингга ҳозир булгил, деб гойиб бўлдилар. Тонгласи саройни эшикига бир киши соқоли мони биринч бўлғон, келиб турур. Амрини кўруб танумади, нечукким, Амир маъхул киши эрди. Амир Соҳибқирон Ҳожам берган асони кўреатиб бошларига тегуруб эрдилар, филҳол.

отдин түшнуб, Амирға узр айтиб, бир ҳамён олтуң бердилар. Амирға айдилар: бу кечә ҳазрат Баҳовуддин пириңгизни тушумда құрдим, келинг, мен сизни олиб кетай. Амир айдилар: мен ҳам құрдим, менга сенинг бошингда меңнат құб дедилар. Сиз бу ерда турманг, мени зиёном сизға ҳам тегмасун. Ҳожа лоилож қайттилар. Амирни асосини саройбон құруб, аиди: бу таёқда хосият бор экан, савдогар бошига урса, олтуң берар экан, деб асони ўғурлаб олди. Үл күн савдогарларни чорлаб, уйига зиёрат қылда. Андин кейин аларни бошларига таёқ бирла урди. Савдогарлар саройбондин раңжиб, Қайсарға бориб арз қылдилар. Қайсар саройбонни келтуруб хитоб қылды. Саройбон Қайсарға воқеани баён қылды. Андин кейин Қайсар бир неча چүргенни саройға юборди. Алар келесаки, Амир намоз үкүб турур. Намоз үкүб бұлғондин кейин айдилар: сени Қайсар талаб қылур, дедилар. Амир лоилож бордилар. Қайсар құрган замон тануб, аиди: сен Амир Темур эмасмусан? Амир инкор қылдилар, охир ондға келтурди. Лоилож, ўтган ишларни барчасини баён қылдилар. Қайсар, филхол, Амирни боғлататуб қўйди. Қайсар аиди: «Эй Амир Темур оқсоқ, ул күн мени фил бирла олиб қочиб эрдинг, бул күн нечук талош қылмадинг?» Амир айдилар: бу меңнатларни менга пирлар маълум қилиб эрдилар. Анинг учун худони тақдирига бўйун қўйубдурман. Қайсар ўлдумоқға ҳукм қылди. Яна аиди: сабр қиласай, аввал мунинг синоҳларини бир навъи қилиб, шикаст берай, албатта алар бошлиқларидин айрилиб, саросима бўлғондур, деб Амирни муборак баданларига беш юз қамчин урди, яна ҳўқиз терисига солди. Амир Соҳибқирон андоғ мажруҳ бўлдиларким, қимирламоқға мажоллари қолмади, лекин Айюб пайғамбар сифат сабр қилиб шукрни тилдин қўймадилар. Қайсар қанча аскарлар бирла Амирни муҳофазотда сақлади. Ўзини бу ишдин кўнгли тинч бўлуб, хурсандлиқ бирла ўлтурди. Андин сўнг Қайсарға хабар келдиким, Армани хонидин саккиз минг қўшун бирла Қайсарни ёрдами учун борурман деб.

Таворихда дерларким, Арман асли Ҳуд қавмидин эрди. Булар ичра Арман отлиг киши пайғамбарлиқ даъвосини қилғон эрди. Шул жиҳатдин ул ҳалқни армани дерлар.

Алқисса, ул күн арманлар Қайсарни баргоҳига етиб келдилар. Қайсар алар бирла Ангурийяга отландилар. Жосуслар Қайсарни қилғон ишларини Амир Соҳибқиронни қўлга тушириб, ҳўқиз терисига солғонини Амир Соҳибқиронни синоҳларига келиб хабар еткуздилар. Иноқтоз, ул мард жонбоз эшитиб, аиди: «бу ишни тадбирига мен борсам». Мени Султон Муҳаммад тўра ҳалок қилмасун, деб қўрқар эрди, чунки Иноқтозни айёрлигини тўра ёмон кўтар эрди. Иноқтоз айёр ўзбакни бекларини барчасига арз қилиб аиди: Мен ўглум Хуморий бирла бу ишни фикрида бўлгумиздур, фотиҳа беринглар, деди. Барча bekлар қабул қылдилар, илло Султон Муҳаммад тўра қабул қилмай, аиди: юборманглар, бу иккала айёр хийла бирла ўзи бир тарафға қочиб кетгай. Үл бечора Иноқтоз мард жонбозға мол-амволдин ҳеч нимарса бермадилар. Лоилож ота-бала йиглай-йиглай яёвлик ҳолда Истанбулға йўл солдилар, иншооллоҳ таоло, Амирға најот

бергумиздур, деб Истанбулага келиб, кўб кун оч қолдилар. Иноқтоз кўрдиким, арманилар бозорни қул сотиб олурлар. Хуморийга айди: Эй ўглум мени бу бозорга сотгиш, бир ишини фикрида бўлай, яна сен овқат қиласигил. Ўгли айди: эй ота, мени сиз сотиб овқат қилинг, Отаси қабул қиласиди. Лоилож, Хуморий отасини арманиларга сотти. Армани қулларини олиб подиҳоҳларини қопига олиб кеади. Подиҳоҳини оти Кўёнус эрди. Аларни расми қул олигонда қирқ қул олиб, бирини озод қиласур эрди. Подиҳоҳ қулларини ҳар бирини хунарини сўрди. Иноқга нафбат келғонда айёриқ бирла тилин дол қилиб, сұзламади. Кўёнус муни нега келтурдинг, деди. Вазир айди, муни шули оздур ва яна муни озод қиласоқ учун олдим, деди. Подиҳоҳ Иноқни озод қиласидар. Иноқ испорат бирла Кўёнусга айди: «Мен қариб қолгон одамман, ўзга ерга бориб қандай овқат қилурман, сизни хизматингизда бўлсан», деди. Кўёнус айди: «бу қариб қолгон киши экан, ўзга ерга юборманглар», деди.

Аммо Қайсар Ангурийяга юзланиб, отга сувора булюб, Амирни жиловида олиб юрур эрди. Амирни ҳолини Иноқ жонбоз кўруб, секин-секин йиглаб эрди. Гоҳ-гоҳ Хуморий отасидин хабар олиб турар эрди. Иноқтоз арманиларни синоҳларига юруб, сув берар эрди. Қайсар кечаси бўлса Амирни эҳтиёт қилиб, икки минг кишини пособиликда қўёр эрди. Шул кайфиятда Ангурийя дарвозасига етиб келиб, қамалга олдилар. Ўзбакларни синоҳлари урушмоқга қўрқуб, шаҳардии чиқмадилар, нечунким, бошлиқ киши йўқ эрди. Шул жихатдин ҳазрат Сўфи Озлоёрдин табаррук сўз борким.

Байт:

Ўшал ҳунборики ҳарб олотин осор,
Агар босар йўруса ёвуни босар.

Аммо Қайсар Ангурийяни ҳалқа каби ўраб олган эрди. Бир кеча Иноқ айёриқ бирла уйқудин туруб, тилга келиб айди: одамлар,вой ҳалойиқлар, мен қари қул пайгамбари худони тушумда қўрдим, тилсиз эрдим, мусулмон бўлуб, гўё бўлдим. Лекин Иноқтоз арманиларга андог хизмат қиласур эрдиким, барчаси ани хизмати тўгрисидин яхши кўтар эрди. Кўёнус ҳайрон булюб, Иноқни Қайсарни қошига келтурди. Иноқ узини суратини армани суратида қиласон эрди. Қайсарни қошида имон арзи қилди. Яна аввалги сўзни айди. Андин кейин Кўёнус агар бу қулни сўзи чин бўлса, мен ҳам имон арзи қилиб, мусулмон булурман, деди. Румни уламолари йигилиб, барчалари мунинг сўзи чин дедилар, нечунким, шайтон алайҳил лайна пайгамбар суратида бўлолмас, андин кейин, кўб-кўб арманилар мусулмон бўлуб, Иноқтоз кал қиморбозга малукона хилъатлар бердилар. Қайсар Иноқга кўб эътиқод қилиб, ўзидин жудо қиласигас бўлди. Бир кун Иноқтоз айёриқ ишини соз айлаб, Қайсарга айди: мен бир сир билдим, жанобингизга малол келмаса, айтайнин, деди. Қайсар «айғил», деди. Андин кейин Иноқтоз айди: «мен эшиттимки, Кўёнусга Амир Темурнинг синоҳлари сўз

берибдур, сизни қатлингизга қасд қилмиш, тонгла ёқасиз совут кийиб келур эрмиш, сиз ҳам ишингизга ҳозир булинг, сизнинг феъл-авторингизни билдим, барча ишингиз адл ила бўлуб, шариъати нубуввий бирла амал қилурсиз. Қуёнус холо мусулмон бўлса ҳам асли кофирдур, Амир Темур бўлса золимдур, сизга дўстлиғимдин бу сўзни айтурман», деди. Қайсар айёрни сузини чин билиб, ҳуши бошидин учти. Соатидин кейин Иноқтоз фурсат топиб, Қуёнусни қопига келиб, айди: ҳозир бўлғил, Қайсар сендин бадгумондур, тонгла ёқосиз совут кийиб, албатта сени улдургайлар. Бу сўзни кишига айтмагил, нечукким, мен сени тузунгни кўб едим, мени кўб тарбият қилдинг, бу сўзни дўстлиқдин айтурман. Яна дини ҳақға дохил бўлуб, мусулмон бўлдинг.

Қуёнусни мунга кўб ихлоси бор эрди, Иноқ айёрни сўзини чин билиб урушмоқга ҳаракат қилиб, баҳодурлар аслаҳа ва ярогларни тоқунуб, бирдан Қайсарга юзландилар. Қайсар ҳам буладдин хавотирда бўлуб, синоҳларини тайёр қилиб туруб эрди, булатни кўрдиким, жанг қилмоқга келурлар. Филҳол, Қайсари рум аскарларға «от қўй» деб буюрди. Қайсарни аскарлари бирдан от қўйуб келиб. Қуёнусни калласини танасидин жудо қилдилар. Ёроғларни тарақа-турук овози оламга тўлуб бир-бирини улдира бошладилар. Иноқтоз айёрлиқни соз айлаб, арманларға бориб, овоз қилиб айди: Эй арманилар, хонлариңизни румийлар улдурди, синоҳларингизни улдурурлар, сизлар қандай ором қилурсиз?!

Қуёнусни ўғлини оти Қалмус эрди, отасини ўлганини эшишиб, карнай тортиб, аскарини жамъ қилиб, бирдан жангга ўзларини урдилар. Румийлар бирла арманилар андоғ жанг қилдиларким, чангу тўзон ҳавоға ўрнади, Амирга қўйғон пособонларгача урушта кирдилар. Иноқтоз айёр вақтии соз топтиким, фурсат ганиматдур, ул ерда ўғли Хуморий ҳам ҳозир бўлуб, айёрлиқ бирла Қайсарни уч отини оғулдин келтуруб, филҳол, Амир Соҳибқиронни бойлуқларини ешиб, отга миндуруб учовлари отқа сувора бўлуб, ўртага Амирни олиб, шаҳарни дарвозасига қараб боравердилар. Иноқ бирла ўғли ёвни ичидаганин ўзбак бекларини асло хабари йўқ эрди. Дарвозага келиб, дарвозабонга айдилар: Мен Иноқ булурман, мана Амир Соҳибқиронни олиб келдук, деб чақирди. Андин кейин дарвозабон билиб, дарвозани очтилар. Беклар ва тўралар келиб, қадами Амир Соҳибқиронга ўзларини ташладилар. Беадад ва бехисоб тасаддуққот қилдилар. Ўзбак баҳодурлари тўхтосиз Қайсарга қараб от қўйдилар. Ул тарафдин арманилар, бу тарафдин ўзбаклар бўлуб румийларни ўлдурба бошладилар. Қайсарга хабари еттиким, Амир Темур најжот топибдур, деб. Қайсар бу сўзни эшишиб, саросима бўлуб, қочмоқга юз қўйди. Румийлар фароканда бўлғондин кейин Қалмус аскарини олиб ўз манзилига ёнди. Ул куни Амир Соҳибқиронни ҳаммомга келтуруб, муборак баданларини ювуб, ҳўқиз терисидин олиб, нафоис энгилларни кийгуздилар. Андин кейин, Ангурийяни ўз аҳлига бериб, уч кундип кейин келиб Истанбулни фатҳ айладилар. Андин кейин Румни олмокни ҳаракатига туштилар.

БУ ДОСТОНДА МИРЗО ХАЛИЛ ТҮРА ҚАЛМОҚ БИРЛА
ЖАНГ ҚИЛИБ, ҚҰБ МУСУЛМОНЛАР ШАХИД БҮЛГОНИ,
АМИР ТЕМУР СОХИБҚИРОН ҚАЛМОҚ КЕЛГОНИНИ
ЭШИТИБ ҚЕЛИБ, ШОХИЗИНДАНИ УСТИФА ГУНБАЗ
ҚИЛГОНИНИ БАЁНИ

Әмди, Амир Темур Соҳибқиронни Истанбулға құйуб, Мироншох тұрғаны үгли Мирзо Халил тұрадын сұз әшиитмак керак. Вақти келиб, Амир Соҳибқирон набираларини Самарқандға таҳт узра құйуб кетиб әрдилар. Бир күн Самарқандға хабар келдиким, қалмоқдин ёв келиб, Тошкандны талон қилибдур, деб. Мирзо Халил тұра әшиитиб, аскарларни жамъ қилды. Андин кейин мирзо Халил тұра құшунларини олиб, Сир денгизиға етиб келдилар. Аскарларни баъзилари денгиздин үтмайлук, деди. Аммо аксар қабул қилмай, үттилар. Вақти келиб, қалмоқлар бирдан етиб қолди, барчаси отларини жиловини елкаларига солиб, ҳийла қилиб, яёв келур әрди. Мусулмон сипоҳлар ҳам яёв бұлуб, отларини мирохурларға бердилар. Муни күрүб қалмоқлар, филхол, отлариға миниб, бирдан мусулмонларға қараб югурдилар. Мусулмонлар ҳам отларини минмоқға ҳаракат қылса, мирохурлар бу ғавғони қуруб, «әби-әби» деб қочиб кетаверди. Андин кейин ул коғирлар аксар мусулмонларни устидин от чопиб, үтуб, барча мусулмонларни шаҳодат даражасига еткурдилар. Тұра бирла Ҳожа Исламтулло денгиздин үтуб, минг машақат бирла пиёда қочиб келиб, Самарқанд ичра кириб қамалдилар. Қалмоқлар беадад ва беҳисоб аскар бирла Самарқандны атрофини халқа каби олди, ҳеч киши Самарқанддин ташқари чиқолмади.

Ровийлар андоғ ривоят қилурларким, қалмоқлар ичра бир қари киши бор әрди, құб сүзға етук әрди. Шаҳр ичра әлчи киргузуб, бу шаҳр ичра масалага етук мулло бұлса чиқиб, мени бир неча сүзим бордур, келиб жавоб берсун, деб юборди. Барчалари Ҳожа Исламтуллони муқаррар қилиб, қалмоқни олдиға чиқордилар. Үл қари киши Ҳожага айди: «чүнтакинғда огу борму?» Ҳожа айди: «бордур», Қари одам айди: «неге олиб юрурсан?» Ҳожа айди: «мен шайхи фоний, яъни қариб қолғон кишидурман, мабодо қалмоқлар озор берса, оғу еб үлайин дерман». Анда қари киши бирла Ҳожани үрталаридә құб раддубадал сүзлар үтти. Қари киши айди: Эй-Ҳожа, билғил ва огоҳ бұлғил, шул вақт Амир ул муслимин, яъни мусулмонларни хони барча мамлакатларни олиб, үзига мусаххара қилюбдур. Аниң үлемиге не хабар берурман? Аңга уч аломат бордур. Аввалғи аломат шулким, бу вилоятларда оққуш зохир бұлуб, архайл деб уч мартаба сайрагай. Иккінчи аломат: бир үғул онадин туғулуб уч мартаба «олло» дегай, барча ани билуб, әшиитгай. Үчунчі аломат: қүёш тутулғай, юлдузлар отилгай. Бу сүзларни сенға айдим, албатта, хотирингдә сақлагил.

Андин кейин Ҳожа шаҳрни ичига кирдилар. Аммо Самарқанд одамларини қалмоқ құб зиқлиқга олди. Үл вақт ҳазрат Шоҳизиндани устилари ва Чұпон отани муборак қабрларини қалмоқлар олиб, Шоҳизиндани құдуқларини ичиға құб пажосатларини ташлаб

эрдилар. Бир кече қалмоқларга түсіндін гавғо тушиб, тоқат қылолмай, ул ердин қочтилар. Самарқандиклар күрдиким, қалмоқлар ул ердин күчубдур. Бир нечалари шишиб ўлуб ётурлар, күрсәларким, юз минг-минг илон ул мавзеъдаги тефада юрурлар. Аммо мусулмонларга дохия қиамас эрди. Бир қалмоқни тошиб, бу ишни сирридин сұрдилар. Үл айди: «Бу қудук ичра насожат ташлаб әрдүк, бу илонлар мундин чиқиб бизларга қаед қилди». Аммо ҳеч киши ул қудукни сиррини билмадилар. Яна қалмоқлар Самарқандға қаед қилдилар. Мусулмонлар құрқувда әрдилар. Ногох, субх вактида бир оқкүш келиб, овоз қилип, «архайл, архайл архайл» деб фарёд қилиб әрдиким, ул күн қалмоқларға құрқув пайдо бұлуб, бирорта қолмай қочиб кеттилар. Хожаниянг құнглиға қарі киши айғон сұзы келди. Үл қүшин кейинидін бир лак қүш келиб, барчаси сұкутда бұлуб, андин кейин ул қүшлар илонларни түмшүглари бирла териб олиб, қудукни ичига ташладилар. Үзлари ҳам қудукни ичига кириб гойиб бұлдилар. Үл топт өткіздегі қүш яна «архайл, архайл, архайл» деб құздин гойиб бұлди. Аммо Амир Темур Сохибқирон Румниң ҳам үзларига табеъ қилиб, қалмоқлар Самарқандға келиб, қамалға олғоннан әшитиб, тезлик бирла Мовароуниаҳ ва Туркистонға келиб әрдилар. Самарқандиклар әннитиб истиқболыға чыктилар. Амир Сохибқирон астыасау дабда баю шон-шавкат бирла Самарқанд ичра кириб, уз тахтларига жулус айладилар. Ҳазрат Амир Темур Сохибқироннан олдиларида қудукни воқеасини билған күрганларини баён қилдилар. Андин кейин Амир: «Қудукни сиррини ҳеч ким билгайму?» деб сұрдилар. Мунинг воқеасини хабар бергувчи киши тошилмади. Атрофға жарчи қўйдилар. Үл замонда оти Ҳидо деган бир йигит бор әрдиким, ҳар илмдин хабардор эрди, узи ҳам наҳлавон, ҳар ишга баҳодур эрди. Үл Амир Сохибқироннан хизматларига келиб, салом қилиб қўлини алиф-лом қилиб, айди: «Эй Амир Сохибқирон, вэй Искандари Соний, мен фақириңгиз, «Тарихи Таборий»да күрууб әрдим, саҳобалардин Қусам ибн Аббоес отлиғ киши коғирлар бирла жаш қила-қила, бул горға кириб гойиб бўлғондур, ҳали ҳам тирик эрмиш дерлар». Амир Сохибқирон анга айдилар: Эй йигит, бу гор ичра үзүнг кириб, бизларга бору ўйқини маълум қилғил. Үл йигит қабул қиласади. Амир анга кўб олатуилар ваъда қилиб, илтижо қилдилар. Яна айдилар, бу мавзеъни зиёратгоҳ қиссақ, мундай оёғости бўлмас. Сўнгра Ҳидо лоилож қабул қилди, ани қудукни бошига келтуруб, белини арқон бирла боғлаб тушурдилар. Етмиш газлиқ ерга борғонда арқон бўйнолди. Билдиларки, Ҳидо қудукни остига етти. Ҳидо кўзини юмуб, соатидин кейин очиб қараса, бир тарафдин гордин андак йўл бордур, андин кейин баҳодурлиқ бирла юруб бир ерга равшан ва ёргулиқка келди. Анда энник очук турур. кўрсаким, ҳайҳот боги атъзим жилва берди. Турлу-турлу емишлар нишгай, андин кейин тамошо қилиб, гүё Боги Эрамга ўхшар, бир ерга келса, икки арслон бир йигочта бойлук турур. Андин кейин бօт ичра яшил кийумлиқ икки кишини курди, табақда таъом келтуруб. иккала арслонни олдига қўйдилар. Арслонлар таъомга машгул бўлдилар. Алардин баҳодурлиқ бирла утуб, бир ерда ҳовзузи

күрдиким, тұла сут турур. Аммо ҳовузни атрофидаги да-рахтларнинг узвида минг-минг илонлар ўролиб ётур. Илонлар келиб, сутдин ичиб турурлар. Ул мавзеъдин ұтуб, бир ерга келса, одамни овози келур. Анинг қошига келиб сүз сүрди. Ул айди: «Кечаси қоронгуда юруб, билмай құдуқни ичиға ийқилиб тушиб қолдим, андин кейин бул ерга келдим, бул йиғоч белимдин ушлаб қолди». Құрсаки, дарвөкөң үйғоч белидин қисиб қолибдур. Ҳоҳласаки, бу сирни анга сұзласа. Ногоҳ ҳаводин яшин келиб, ани куйдуруб юборди. Ҳидо муни күрүб, құнглиға құрқув тушиб, секин-секин үзға тарағға юрди. Бир ерга келса, гүнбаз құрунди. Анга борса Қуръон тиловат қилиб овози келур. Ул ерда Ҳидо баҳри ҳайратда бұлуб турур эрди. Соатидин кейин юз-юз етмиш киши, барчалари оқ кийумлиқ, етиб келдилар. Гүнбаз ичидин бир йигит чиқти, қора соқол, ёнида яна бир киши полос келтуруб солди. Фузалолари полосни устига үлтүрдилар. Андин кейин яна етти киши келдилар, барчалари яшил кийумлиқ, соати үтуб, пүш-пүш овози келаверди. Ҳидо құрсаки, қирқ бир киши ҳозир бұлдилар. Аларни ичидә бир йигит қора отға сувора үлуб келур. Олдида нуроний кишилар зикр айтиб келурлар. Барчалари ул йигитни жиловидадурлар. Отдин тушуриб, барчадин юқори үткүздилар. Ҳар тарафдин сұзлашиб үлтүрдилар. Ул йигит айди: «Дунёдин ҳеч хабарларнанғыз бұлдыму?» Айдилар: «Бул ерга бир йигит келубдур». «Бери олиб келинглар». Бориб олиб келдилар. Ҳидо ул зоти боборакотта салом қилиб, таъзим бирла құлини алиф-лом қилиб турди. Ул зот айдилар: қандай одамсан, бул ерга нима учун келдинг? Ҳидо тавозеъ бирла айди: «Әй тақсир афандим, Амир Темур Сохибқирон сұлтонимиз амри бирла бул ерга туштим». Ул азиз айдилар: дунёдин нима сүз келтүрдінг? Бул айди: Ер юзида Амир Темур Сохибқирон барча мамлакатларни үзіға мусаххара қилубдур. Эмди сизни маълумингизни билмоқта ул мени бул ерга тушурудур. Ул зот айдилар: «Әй йигит, билғил, мени Шоҳижавон дерлар, отим Қусам ибн Аббосдур, ҳаэрлат Исо пайғамбарни нозулларигача тирик бұлурман. Буларни құрдинг: барчалари рижол ул гойиб, яъни гойиб эронлардурлар. Ҳар жамоға охшом бизни зиёрат қылмоқ учун келурлар. Буларни бошлиқлари Қатабдурлар. Эмди сендин бир неча сұаларни дунё важқидин сұргайман: «Халойиқ намоз үқурму?»

Ҳидо айди: «үқурлар». Яна айди: «Масжид ичра жамоат бұлурму?» Ҳидо айди: «оре». Яна айди: «Рұза тутарму?» Ҳидо айди: «бир ой рамазон шәрифда рұза тутарлар». Ул зоти шариф яна айдилар: «алхол, нозулу Исо хуружи Дажжол йирокдур». Яна айдилар: «Әй Ҳидо, бул ерга нимага келдинг, бу билған сиррингни сақламасаң, куйуб күл бұлгайсан, эмди мундин чиқсанг, бу сирни ҳеч кишиға айтмағил». Ҳидо туруб анда фарёд қилиб айди: «Әй тақсир афандим, агар бу сұзни айтмасам, Амир Темур мени пора-пора қылғай, нима илож қилурман», деб зори қилиб йиглайверди. Анда Шоҳижавон айдилар: «Әй Ҳидо, Амир Темурдин күб ҳусуллик» ер талаб килгил авлод-авлодингға қолгудек, лекин бу сирни айдинг, аъзонгга нұқсон бұлгай, яъни күр бўлурсан, яна

сендин түгүлгөн авлодларингача күр бүлурлар, қиёматгача бу иши боций қолур, бул ишинг, Амир Темурдин дүнё таъма қилдинг, холисонлилло қилмадинг, нуқсанликинг андиндур. Яна Ҳидо йиглайберди, яна айдилар: «Ҳашр кунида барчадин илгари олло таолони жамоли бокамолини күргайсан». Ҳидо бу ишоратни эшитиб, йиглемоқдин андак таскин тоptи. Ҳидони құлига бир қути бердилар, «муни Амир Темурға бергил», деб. Бу йигитни олиб бориб қўй, деб бир сўфига буюрдилар. Ул қудуқни остига бир дамда келтуруб қўйди. Арқони белига боғлаб эрди, арқон ҳаракатга келгандин кейин қудуқни бошида турган кишилар тортиб олдилар. Андин кейин Ҳидони Амир Соҳибқиронни олдилариға олиб келдилар, барча одамлар тамошога келдилар. Амир Ҳидодин савол қилдилар: «нима сир кўрдинг?» Ҳидо айди: «қудуқни ичига кираб, ушбу қутини тоptим, ўзга ҳеч нимарсани билмадим», деди. Амир Соҳибқирон яна ўз ихтиёрига қўймай, яна сўрдилар, лоилож айди: «менга кўб-кўб дунё керак, нечукким, мен сўқур бўлгаймен, яна авлод-авлодларим инқизози оламгача сўқур бўлгайлар». Амир Соҳибқирон айдилар: «мэндин нима талабинг бор, тилагил». Ҳидо айди: «кўб ер бўлса, барчаси ҳусуллик бўлса». Амир буюрдилар, бир яхши югурук от келтуруб бердилар. Амир айдилар: бу отга мингил, қай ерни хоҳласанг, кўргил, чарчаб ҳорғунча қанча бўлса, аниг барини сенга бердим, деб марҳамат қилдилар. Ҳидо дархол отга миниб, хоҳлағанича ерни қўруб келди. Амир Соҳибқирон аниг авлодига вақф қилиб, хат муҳрлаб бердилар. Андин кейин Ҳидо кўрган-кечургандарини, ҳазрат Шоҳижавонни айгон сўзларини Амирға бошдин баён қилди. Ўшул замон қўзидин дурра ёш тўкулуб кўрмас бўлди. Сўнгра Амир қутини келтуруб очиб кўрсалар, бир қитъа қоғоз ичига бир алиф, бир зол, бир жим ҳарфи ёзилмиш. Андин ўзга нимарса йўқтур. Барчалари тахайийир бармоқин тишлаб, ҳар ким ўз хаёлларига келган сўзни айдилар: аларни сўзи Амир Соҳибқиронга маъқул бўлмади.

Умаро физзамонага маъқул бўлса, фақир муаллиф ҳам бир сўз айтиб ўтгай. Маълум бўлсунким, алиф ҳарфи бирдур, зол ҳарфи етти юздур, жим ҳарфи уч турур. Амир Темур оламдин ўтгандин кейин, етти юз уч ё тўрт йилдин кейин бир аломат зоҳир бўлса керак. Яна алиф маъниси ҳар ким бу дунёга келди, зол маъниси шитоб ила кетмак, жим маъниси ҳар мўмин-мусулмон киши мустаъидул мавт бўлмоқ керак. Алқисса, андин кейин ул қудуқни беркитиб иморати олий қилиб, гунбас кўтариб, айвони кайвон қилдуруб, қирқ зина бирла кўтариб, зиёратгоҳ қилиб, анга мунаққаш гиламларни тўшаб қўйдилар. Ҳожатмандлар бориб зиёрат қилурлар. Ўшул вақт Амир Соҳибқиронга хабар келдиким. Хитойдин элчи келур, деб. Ул Хитойдин келган элчининг оти Мавлоно Бурундуқ эрди, ул киши мусулмон эрдилар. Амир Соҳибқирон они Шахрисабзга таъян қилдилар. Кўрунушни анда қилурман, деб. Ул кун Амир Хитой юртига бормоқни кенгаш қилдилар. Бекларға маъқул бўлмади. Кеч бўлғоч Иноқ вазир ва неча маҳрамлар бирла ариғ ёқосига бордилар. Андин кейин сувга тушиб ғусл қилиб чиқиб эрдилар, бир маҳрам шиша ичра гулоб

келтуруб Амирни бошларига қўймогда эрди, шиша қўлидин тошини устига тушти, синмади. Иноқ вазир айди: «Эй Амир афандим, Хитой юртига бормоқни қўнгилдииң кўтариңг, иқболингизни баландлигини қўринг, шиша тошига тушса ҳам синмади. Бу Иқболни идборга келтурманг. Амир айдилар: ҳар нима худони хоҳлаши бирла бўлур.

**БУ ДОСТОНДА АМИР ТЕМУР СОҲИБҚИРОН ЮРТИ
УЛУҒЛАРИҒА ТЎЙ ҚИЛИВ БЕРИВ, АНДИН КЕЙИН
ЎТРОР МАВЗЕЬИҒА БОРИВ, АМИР ПАРВАРДИГОР
БИРЛА ВАФОТ ТОВҚОНЛАРИНИ БАЕНИ**

Аммо ровийлар андог ривоят қўйлурларким, Амир Соҳибқирон юртларни улугларини жамъ қилмоқга минг-минг тўй асбоб ва олотларни омада ва тайёр қилиб, хайма ва чодирларни қўруқ Қонигил мавзезъига келтурдилар. Шахр ҳалқи уламо ва фузало, ёшу қарн барчасини ул ерга таклиф қилиб, чорладилар. Тўб-тўб, гуж-гуж, гурух-гурух бўлуб келавердилар. Ҳар қайсларига алоҳида, ўз жинслари бирла ўлтурмоқ учун жой ораста қилдилар. Қирқ кечак ва қундуз тўй-томоша қилдиларким, бу тўйни Жамшид кўрса тахайюр бармоқин тишлаб, рашик ўтига ўзини урар эрди. Қирқ қунгача барча турлук-турлук таъомдин маминун бўлдилар. Ҳеч киши бирор нимарсага муҳтож бўлмадилар, барча нимарса муҳайё эрди. Гарibu гурабо, мусоғир ва мусоқинлар кўб-кўб оши ва таъомга тўлдилар. Аммо етти иқлимни амирзодаларидин етти юз тўқсан олти кишига малуқано хилъатлар бердилар. Хитойдин келган элчини олдида тўйни тамом қилдилар. Элчига ҳануз кўриниш, қилғонлари йўқ эрди. Қонигилни бир тарафи Чўпон отага яқин тефа эрди, они машриқ тарафи катта йўл эрди. Анга чодирларни тикиб, элчини анга туширдилар. Анда элчини турлутурлу таъомлар бирла зиёфат қилдилар. Аммо элчи Хитой ҳоқони Чиндин келтурган совғот тухфаларни Амирга берди. Амир ҳар мақулаи ахбор ва атвори Хитой мочиндин сўрдилар. Андин кейин Хитой элчисига молуқона хилъатлар бериб жўнаттилар. Андин кейин Амир Темур Соҳибқирон Самарқанддин аркони давлат бирла ўтрор мавзеъига бордилар Ул вақт ўтрор мавзеъи кўб катта шаҳар эрди. Шаҳри Сайруомнинг ўнг ёнидаги Арас суйи анга бориб тасарруф бўлур эрди. Амир Соҳибқирон пойтахтини ул мавзезъга бино қилдилар. Анда тарихнинг саккиз юз еттисида (1405 й.) эрди. Ул вақтда Мирзо Шоҳруҳ тўра Хиротга ҳоким эрди. Мироншоҳ тўра Багдодга сulton эрди. Султон Муҳаммад набиралари Қандаҳорга валилаҳд эрди. Ўзга авлодлари бирла Сарой Мулк хоним Самарқандда эрдилар. Амир Соҳибқирон Искандари соний Чигатой ўзбак беклари бирла ўтрорда таҳти салтанат узра эрдилар. Ул вақт етти иқлимдин Амир Соҳибқиронни хизматида етти юз тўқсан олти мўътабар бекзодалар бор эрди. Истанбулдин Мир-Сайид Шариф ҳам бирга келган эрдилар. Мавлоно аллома Тафтозоний ва Ҳожам Баҳовуддин начанд уламо ва фузалолар

Амир Соҳибқиронни олдида эрдилар. Самарқанд ва Тошканд ва Туркистон вилоятлари андоқ обод эрдиким, етти иқлим барчаси Амир Соҳибқиронга тобеъ эрди. Ҳаттоки, Машриқдин Магрибгача ҳукмлари юарар эрди. Аҳали ҳикмату ҳунармандлар Ҳиндистону Фараангистон, Рум (дии) келган эрди. Үттиз йилдин бери Салотин ва ҳавоқинлардин келтурған олтун-кумушларни хазинага жамъ қилдилар. Амир Соҳибқирон ҳазрат Султон орифин Туркистон ичра қабри шарифларига марқад кутариб, иморат олий қилиб, қанча ерларни вақф қилиб, андин кейин яна ҳазрат шайх Зайниддин кўйи орифонига Кайковус суйидин нахри азим чиқориб, қул, чўри бирла назр этиб, қабрлари узра гунбаз кутариб, андин кейин Занги отани муборак қабрларини бино қилиб, демишларким, ҳазрат Султон ул орифин ҳазрат Занги отага холовачча эрдилар, ваъда қилиб эрдиларким, бир олий ҳиммат киши чиқиб, бизни қабримиз узра таъмир бино қилса, аввал сизга таъмир қилгай деб эрдилар. Вақти келиб, ҳазрат Султон ул орифинни қабри шарифларини биносига уриндилар. Андин кейин, бир жонувор кечаси бўлғоч бузуб, кетаверди, Амир Соҳибқирон ҳайрон бўлуб, бу сирдин воқиф бўлди. Андин кейин, Тошкандга келдилар, ахтариб муборак жасадларини қайда эканини билмадилар. Тошканддин узоқ бир тош ерда Амир Соҳибқиронни отлари юрмай, тұхтаб қолди. Қўрсаларким, ул ердин бир қўл чиқиб, отларини оёғини ушлаб туурур. Дарҳол ул ерга таъмири олий бино қилдилар. Андин кейин ҳазрат Султон у орифинни қабри шарифларига гунбаз кутардилар, ҳар қайсилари таворихда маълумдур. Қўб авлиёларни қабри шарифларини ҳазрат Амир Темур бино қилғон эрдилар. Яна кўб-кўб жойларга масжид ва мадрасалар бино қилғон эрдилар, барчаси таворихда маълумдур.

Кунлардин бир кун Кошгар шаҳридин әлчи келиб, дедиким: «Эй Амир Соҳибқирон афандим, қалмоқлар хуруж қилиб бизни шаҳримизга келур», деди. Андин кейин Амир Темур Соҳибқирон уч ойгача аскарларга кўруқ кўрсаттилар. Сипоҳларға амр қилдилар, қалмоқлар жангига отланинглар, деб. Бу сўзни беклар манъ қилдилар. Нечукум, ул вақт қишини тўқсони эрди, кун кўб қаттиғ совуқ эрди. Амир гайратлариға чидолмай ўрдадин ташқариға чиқтилар. Вақтиким, шаъбон ойини еттиси сешанба куни ўрдани равоқида ўлтурууб, соchlарини олдурууб ўлтурууб эрдилар, ўшул замон Амирга бир боди мухолиф келуб тегди. Аҳволлари ўзларига маълум бўлуб, Мирзони чақириб ушбу рубойини ёздурудилар:

Назм:

Чу бир соат, чу бир лаҳза, чу бир дам,
Бўлак ҳол ўзгарур аҳволи олам.
Бугун Соҳибқирон жони амири
Жасаднинг кишваридин тобса барҳам.

Алқисса, соати ўтмай ранг ва туслари тагайюр топиб, андак вақтдин кейин рух тутиси тан қафасидин учмоқ bogчаларига

тайрон қилди. Муборак жасадларини Сарой Мулк ойим булгор ичра олдуруб, Самарқандга олиб келиб, жаноза ўқуб дахмага дафи айладилар. Мотамларида барча уламоу фузалолар йиглаб уч кунгача умаро, беклар ёш ўрнига қон йигладилар. Хожа Исматулло бу марсияни айтиб, тұралар бирла ахийлар йиглар эрди.

Ғазал:

*Бұз қодириңг фалакким, сұлтон ұлди ғойиб,
Түн ичра әрди ҹүн мөхи тобон бұлди ғойиб.
Ерүк жағон қүёши, ислом әлини боши,
Дин әрди құб талоши, дайын ұлди ғойиб.
Оlamни қилди дарбар, Соҳибқирон Скандал
Соний демиши әронлар, ёрон ұлди ғойиб.
Дин әрди жустужұси, шарғын әрди гүфтүгүси,
Миллатни обрүси, бурғон ұлди ғойиб.
Нұширвондек одил, ҳам олим әрди, фозил,
Хар ишға ақли комил, фарзон ұлди ғойиб.
Давлатда ким Сулаймон, фитратда ҹүн Фалотун,
Ҳикматда әрди ғүё Луқмон ұлди ғойиб.
Әхсонда мисли Ҳотам, шавкатда әрди ҹүн Жам,
Зұрлықда ҳам чу Рустам, пағлавон ұлди ғойиб.
Ғайратда мисли арслон, даشت ичра ёқи қоплон,
Бағра нағанг-у саъбон, шүжөөбон ұлди ғойиб.
Фарзанди ақли нұён, Турағай баҳодур ұғли,
Сайиид Амир Темурхон Құрагон ұлди ғойиб.*

Аммо Хоним бу ғазални айтиб йиглар әрдилар.

Рубой:

*Илоҳи, қорайсун фалакни юзи,
Тұқулсун күзум ёшидек юлдүзи.
Күйуб Ой, тутулсун қүёши анинг.
Бу мотамга зулмот ұлуб күндүзи.*

Алқисса, қорилар начанд күн хатми Қаломуллоқ қилиб, фақиры мискинларға ошу таъом беріб, савобини рухи шурфутуг Амир Соҳибқиронға бағынладилар. Андин кейин умаро ва беклар машварат қилиб, кенгаш бирла миран Ҳалил тұрани ҳазрат Амир Темур Соҳибқиронни ўрниларига тахт узра қарор бердилар. Амир Соҳибқирондин кейин барча фароканда бўлуб ҳар шаҳрда ўз олдича подшоҳ құтариб, ўзларини отларига сикка уруб, хутба үқутдилар, валлоҳу олам, биссавоб фақир.

Эмди, эй ақл әгалари, азиз қардошлар, бу ўтқунчи дунёға фақир муаллифдин бу «Темурнома» китоби ёдгорлик қолиб, мунин ўқусанғиа мен фақириңи ота-онасини дуои хайр бирла ёд

қилғайсиз, яна сизларни ота-она, ўтгандарнаның раҳмат қилиб, тирикларнаны имон бирла саломат сақлагай.

Фақир муаллиф ҳазрат Амир Темур раҳматуллоҳ алайҳа достонларини күб мұтабар нусхалардин неча мәннат ва машақ-қатлар чекиб, форсий тилидін түрк тилиға таржима қилдім. Илохи, ҳаммага маҳбуб ва марғуб қылғыл, омин.

Бу ўзга жаңғ китобларидек әмас, чунки мунда ақлға далолат қыладиган ҳикмат сұзлар күбдур. Мурғ йилини аввалидін бошлаб, бир йили комилдин кейин, тарихнинг 1328 (1908 й) санасыда, рабби ул охирни еттінчисіда итмолига етти, алхамд ул ліллөхі раббіл оламийн.

Андін кейин ушбу китобни фатонат маоб маҳорат ул китоб Мирзо Ахмад, қориға тобшурдим.

Тарих:

*Бағри мидода чүмді бөглаб белін бу хома,
Күб қылди жустужұлар айлаб «Темурнома».
Тангримға шукр беңад бу сұз топубдур анжом,
Минг уч юзу йигирма саққизда¹ ҳам тамома.*

¹ 1908 йил.

«ТЕМУРНОМА»ДА УЧРАЙДИГАН НОТАНИШ СҮЗЛАР УЧУН ЛУФАТ

А

Абас — беҳуда, фойдасиз

Аббосиён — Аббосийлар. Ҷөш аср (750—1258) хүкм сурган араб халифалари сулоласи

Абёт — байтлар

Абжад — араб алифбосида сонларни ифодаловчи саккиз сүз

Аврат — шарм аъзолар; вёл, хотин

Авсан — бут, санам

Авқоф — вақф мулки (масжид, хайрия даромади)

Адад — сон, ҳисоб

Адам — йўқлик

Адувия — душманлар, ёвлар

Ажам — Эрон мамлакати ва ҳалқи

Аждод — ота-боболар

Ажзо — бўлаклар, қисмлар

Ажр — мукофот, эваз

АЗРАҚ — кўк тусли, яшил

Аимма — имомлар, дин нешволари, олимлар, мазҳаб бошлиқлари

Аймоқиййа — аймоқлар, мӯғул жамоаси

Акобир — энг улуғлар, энг катталар

Акнун — ҳозир, энди, шу дам

Алаїҳи — унга

Алаїҳис-салом — унга салом

Алам — байроқ, туг, белги, аломат

Алжол — энди, ҳозир, шу пайт

Амир-ун-нос — эл амири

Амрад — ўспирин, соқоли чиқмаган йигитча

Анбиё — набилар, пайғамбарлар

Анвар — энг нурли, энг равшан

Анвоъ — нағълар, ҳар хил, рангба-ранг

Ангиз — қасд, қўзғатиш, теэлаш, бошлиш

Андоз — ташловчи, отувчи, улоқтириш

Андоза — ўлчов, қолиц, нусха

Анодил — булбуллар

Аном — кишилар, ҳалқ

Ансоб — насл-насад, насллар

Анқаріб — яқын кунда, тез орада, яқинда
Арбоби таърих — тарих эгалари, тарих билимдошлари
Арг — ҳожат чиқармоқ
Арожиф — беҳуда сұзлар, миши-мишлар
Арса — майдон, сағи
Арүс — келин, келинчак
Арш — осмоншың зияреттері, зияреттегі жой
Арганұн — орган, чолту аебоби
Аргин — уруг номи
Асас — миришаб, тунги соқчи
Асвол — саволлар, суроқлар
Асном — кишилар, халқ
Асолат — асил зотлилік, аслздода
Асолит — иемлар, номлар
Асотир — афсоналар
Асрор — сирлар, яшириң нарасалар
Асрори гойіб — гойіб сирлари
Асфар — сариқ, сап-сариқ
Асфиә — пок, тоза, танланган
Асфал — эңг паст, эңг қуи, тубан
Асфил — настлик, тубанлар
Асъаса — дабдаба
Асұбулғил — сұхбатдошлар
Атбөй — тобе қилиш
Атвор — юриш-турниш, хулқ, феъл, қилиқ, одат
Атиббо — табиблар, хакамлар
Атрок — түрклар
Афлок — фалак, осмон
Афрод — зотлар, кимсалар
Афroz — баланд жой, юксалтириш, күтариш
Афсар — тож жигаси, бирор нарасаның учи
Афсор — иұхта, жилов, тизгин
Афсарий — жигали
Афсурда — рұхсиз, музлаган, сұлғин
Афтода — заиф, түшкүн
Афъол — қылиқлар, хатти-харакатлар
Афъи — катта захарлы илон
Ахбор — хабарлар
Ашканән — ашканийлар
Ашраф — эң шарафли, эътиборлы кишилар
Ашқол, ашгол — машгулот, ишлар
Аъзам — эңг буюқ, эңг катта
Ақвөл — сұзлар
Ақд — bogлаш, никохланы
Ақолим — икlimлар
Ақрабо — эңг яқын кишилар, қариндошлар
Ақжум (Ақим) — елдек учувчи
Ахли суннат — сунний мазхабидаги кишилар
Ахлоллоғ — диндорлар

Ағшо — ички аъзолар (юрак, буйрак сингари)

Ағқар — ҳақир, камтарин

Ағқарулаабад — абадий ҳақир, камтарин кимса

Б

Барс — йұлбарс

Бадал — эваз, айрибош

Байн — оралиқ, ўрта, ора

Бада — бошланыш, ибтидо

Байъ — олди-сотти, баҳолашув

Байъат — ахду паймон, қарор, ватда, эътироф этмоқ

Баковул — хон дастурхончиси, ошпазлар бошлиги

Барас — пес, тери оқарыш касаллиги

Барағна — ялангоч, ҳамма ёғи очиқ

Барбат — өлтүр асбоби, ўрдак шаклли

Баргузіда — танланган, мұмтоз

Баргустон — бостириқ, ўқ ўтmas ёнқи

Барканда — құнориған, сугирилған

Барлос — ўзбек уругларидан бири

Барқ — чақмоқ, яшин, ўт, олов

Барқут — уруг номи

Батнан баъда батнин — насл кетидан янги насл келиши

Базр — денгиз, уммон

Бекас — кимсасиз, ҳеч кими йўқ

Беҳбуд — яхшилик, пажот

Борсot — қоплонлар

Ботин — ички томон, ич, құнгил

Бузург — улуг, ҳурматли

Буламуқ — овқат (ун, тухум, ёғ, асал аралашмасидан тайёрланади)

Булғавас — ҳавас құлувчи, беҳуда нарсаларни истовчи, бекарор

Бурж — илми нужумда қүёшнинг йиллик ҳаракат доирасидаги ўн икки нүктанинг ҳар бири (мас., буржи ҳамал, буржи савр)

Бурё — бўйра, кигиз остидан тўшаладиган қамиш тўқимаси

Бурк — эркаклар бош кийими

Буронгор — лашқарнинг ўнг қаноти

Бухл — бахил, хасис

Бухтуннаср — золим подшоҳнинг номи

В

Важҳи тасмия — от қўйиш, атап сабаби

Вазъ — тузилиш, яратилиш

Вазиъ — паст, қўйи, оддий киши

Вази — ўлчов

Валиаҳд — тожу тахт вориси, ўринбосар

Валий — авлиё, азиз, эга, соҳиб

Валлоҳу аълам — худо билувчандир

Варз — зироат

Ваҳий — илоҳий хабар
Вилоят — катта маъмурӣ қисем, область, ўлка
Вирд — дуо
Вожиб — бажарилиши муқаддас бўлган ишлар
Восил — эришувчи, етишувчи
Воқиф — билувчи, огоҳ, хабардор
Вужуд — мавжудлик, борлиқ, гавда
Вузаро — вазирлар
Вуқуб — билишлик, хабардорлик
Вуқуъ — воқеъ бўлиш, юз бериш, пайдо бўлиш
Вуҳуш — ваҳний ҳайвоnlар, ваҳнийлик

Г

Газ — узуилик ўлчови (70 см)
Гардун — фалак, осмон
Гириҳ — тугун, чигал
Гузин — сайлангани, ташлангани
Гуногун — рафт-баранг, хилма-хил
Густоҳ — адабеиз, андешасиз
Гуҳар — гавҳар
Гӯша — бурчак, хилват, чет жой
Гӯянда — баҳши, ҳикоя қилиувчи

Д

Дажжол — энг ярамас, энг ваҳний, инсоният душмани
Дайн — қара, бурч
Далв — илми шукумда кўқдаги ўн икки бурждан бири
Далир — юракли, дадил, жасур, шинкоатли
Даргоҳбор — энник, остона, улуг кишилар турагер жойи
Дарж — киритиш, қайд этиш, ўралган хат
Даст — қўл, карра, марта
Дастовиз — кичик, арзимас тухфа
Дашти қинчоқ — қинчоқ дашти
Дафъ — қайтарни, рад этиш
Дағма — сағана
Дағр — дунё, олам, замон, давр
Дағриё — дунёвий
Диловар — юракли, ботир, қаҳрамон
Доддоҳ — адолат талаб қилиувчи, ҳақгўй, адолатиаравар
Дорулбаҳо — абадийлик ўйи, у дунё
Дорулфано — бу дунё, ўткинчи олам
Дурбин — узоқни яқин этиб кўрсатувчи асбоб
Дуруд — мақтоз, дуо, салом, яхнизлик тилаш, ибодат
Ду сипар — икки кат қалиқон
Дубулга — зирхли бош кийим

Ебон — ёвои, чүл, дашт, даала

Евүк — яқин

Езық — гунох, айб

Ең (Е) — камон, ҳарф номи

Енмоқ — қайтмоқ, ёниш, күйиш

Ермоқ — таңга, ақча

Ергөг — теридаң тикилған халтача

Етугон — чолгу асбоби

Еглиғ — рұмол, дурра

Ж

Жабобир — зулм, жабр-ситамда бўлиш

Жадӣ — илми шужумда кўкдаги ўи икки бурждан бири (кийик шаклида тасавур этилган)

Жаён — газабли, қаҳрли, қўрқинчли, даҳнатли

Жазаба — сўфийликда зикр чоги ўзини билмаслик даражасига этиш, эктаз

Жайҳун — Амударёнинг қадимий номи

Жалис — ҳамеуҳбат, мажлисодон

Жангжӯй — урушқоқ, жанговор

Жаридা — дафтар, якка, ташо

Жарожар — жар устига жар солиш

Жаҳонгир — дунёни олувчи, жаҳонни бўйсундирувчи

Жаҳоннома — ойнаи жаҳон (тасвирининг ойнада акс этиши)

Жидди жаҳз — зур бериб инкор этиш, тиришиш

Жиҳод — дин йўлидаги уруш, газовот

Жола — ёш

Жониб — тараф, томон

Жувонгор — лашкарнинг чан қаноти

Жуд — инъом, эҳсон, саҳиийлик, қўли очиқлик

Жузъя — гайридинлик солиги

Жулус — ўлтириш, мажлис

Жусту жӯ — қидириш, ахтарин

Жуҳдол — жоҳиллар, нодонлар

З

Забун — оқиз, бечора, маглуб

Завжса — хотин

Зажр — қийнаш, азоблаш, зўрлаш

Завлона — бўғов, кишин

Закот — диний солиқ, даромаднинг қирқдан бир қисми

Зан — аёл

Занаҳ — бақбақа, сақоқ, беҳуда гаплар

Занаҳ задан — лоф урмоқ

Занб — гуноҳ айб

Занбурак — замбарак, түн
Зер — ост, бирор нарсанынг таги, наст
Зибақ — симоб
Зикр — ёдга олиш, хотирлаш, сұзлаш
Зовия — чекиниш жойи
Зойур — зиёрат
Зомин — кафиллик, бирөвга кафил бұлиш
Зохир — ошкора, юздаги, күрениб турған
Зұлумот — зулматлар, қоронгиликлар
Зұлқарнайн — Искандарнинг лақаби, иккі шохли маңысіда
Зұхал — Сатури сайдераси
Зұхд — дунёдан воз кечган тақводор
Зұрхона — ҳарбий машық биносы

И

Ибтидо — бошлаш
Идбор — баҳтсизлик
Ижмол — хулоса қилиш
Ижлос — мажлис, үтириш
Ижтиҳод — гайрат
Издихом — тұпланыш
Измол — хор қилиш, тұғри йүлдан адаштириш
Ийд — ҳайит, байрам
Илоҳ — худо, оллоҳ
Имдод — мадад, күмак, ёрдам
Инжил — христианларнинг илохий китоби
Интиқол — күчиш, үтиш, үлем
Интихоб — сайлаш, танлаш
Инқиёд — бүйсүниш, берилеш
Ирфон — билиш
Иршод — тұғри йүл күрсатыш
Илтисом — фармонга итоат қилиш
Ислом — мусулмонлар дини
Истиво — бараварлик, түш пайти, тенглик
Истикмол — комил бұлған, ихоясига етган
Истифо — ҳақини олмоқ, сайлаб қўймоқ
Истифода — фойдаланиш, илм олиш, ўқин-ұрганиш
Истиъонот — мадад сұрамоқ
Истигфор — гунохни сұрамоқ, тавба қымоқ
Итлоғ — йўқ қилиш
Ифтиъол — ҳийлагар, сохтакор, бўхтон қилиш
Ишкол — мушкул, банд
Иштибоқ — шубха гумон
Ихроj — ҳайдаш, сургун қилиш
Ихтилоф — келишмовчилик
Ихтиroz — сакланиш, эҳтиёт бўлмоқ
Иқтидор — қодир бўлиш, бирор ишни қила олиш қудрати

И

Йигоч — дараҳт, ёғоч, уауыллик ўлчови

Йитмак — ўуколмоқ

Йиңүр — бұзуг, вайрон

Йүргүн — ямок, парча

К

Кабир — катта, улуг, зұр

Кавкаб — юлдаз

Кави — борлық, дүнё, мавжудлик, тириклик

Кавнайн — иккى олам, у дунёю бу дунё

Каённиён — Эрден шохлари сулоласи

Кажава — ёңік арапа

Казарма — ҳарбийлар тұтар жойи

Калима — сұза, нұтқ

Каломуллоқ — оллонинг сұзи, Қуръон

Камоғый — айтаң, худди үшандай, үз ҳолида, тұлғы мөхияти, тәг-түги билан

Каноб — ўсымлик, каноп, бағтдана

Карк — каркидон

Каркас — узоқ умр құрувчи улимтиқхур қүш

Кели — ичи үйилған ёғоч асбоб

Кент — катта қышилқ

Килк — қамиш қалам

Кирдор — қилик, иш

Кисват — кийим, уст-боң

Китобат — мактублар, хатлар

Кишвар — мамлакат, юрт

Комгар — баҳтли, құдратли

Кубаро — катталар, улуглар

Күнят — «Абу, иби, умм, бинт» қабі сұзлар билан боцланған иемлар: Абұлмухсан,

· Иби Сино, Үмми Зарифа

Күфр — исломни тапимаслик, кофирилик, гайри динлик

Күффор — кофирлар

Күшод — очик, очилған, бүшатылған

Күшиш — харакат, саъй, интилиш

Комил, комила — стук, мұкаммал, камчилекіз

Л

Лавғ — ёзув таҳтаси

Лайлу нағор — туну тоңғ

Лак — юз мине

Ламжа — лахза, дам

Ламжот — дамлар, лаҳзалар

Лапка — дүкон

Лаъин — лаънати, лаънатланған

Лаъла — қимматбаҳо қизия рашын тоң

Лаъли ноб — тоза, соф лаъл
Лаън — лаънат
Лаҳим — ер ости йўлаги
Лисон — тил
Лоаъқл — аклсиз
Лоилож — иложисиз
Лоҳик — қўшимча, кейин қўшилган
Лўълӯ — марварид, гавхар

М

Мабдаъ — бошланиш жойи, ибтидоси
Мавзиъ — жой, ўрин, ер
Мавлуд — тугилган, тугилиш замони
Мад — қўзилиш, узайиш
Мадид — қўзилган, узоққа тортилган
Мадоро — келишув, юзаки муомала
Мадҳ — мақташ, улуглаш
Мадҳуш — хушдан кетиш, ҳайратга туниш
Мажмӯъ — йигинди, тўплаш, ҳамма, жамъ
Мазаллат — хўрлик, хорлик
Мазаммат — ёмонлик, тубанлик, хўрлаш
Мазҳаб — таълимот, маслак, диний оқим
Майгун — май рангли, қизил рангли
Маййит — ўлик, ўлган киши
Майлон — майл-ҳоҳиш, ҳавас, рагбат
Макнун — яширилган, махфий
Макруҳ — жирканч, ҳаром, нафрят қўзғовчи
Мало — тўлалик, хилватнинг зидди, очик ер, тўда, тўпланиш
Малойик — фаришталар
Малоҳида (мулҳид) — даҳрий, бедин
Мамнуъ — манъ этилган, қатоғон
Мамнуъат — манъ этилган нарсалар, қатағонлар
Мансух — бекор қилинган, рад этилган, истеъмолдан чиққан
Манжур — ёйилган, тарқалган, ёрлиқ, фармон
Манқул — нақл этилган, бирор айтгани асосида
Манҳус — иши олдинга юрмаган, наҳса қолган
Маоб — ҳикмат эгаси, файласуф
Маоний — маънолар
Марғ — ажал, йўқ бўлиш, ўлим
Мардум — одамлар, қорачиг
Марқаб — улов, (от, туя, эшак, каби)
Мароғил — манзиллар, дунё
Марқад — гўр, қабр
Маснад — суюнчик, таҳт, юксак ўрин, ҳукмдорлик маҳоми
Масожид — масжидлар
Масоил — масалалар
Масоний — бир неча марталар, неча карралар
Масоф — жанг майдони, уруш, жанг

Масъуд — баҳтли
Махзан — ҳазина
Машварат — кенгаш, маслаҳат
Машраъ — йўл
Машриқ — Шарқ, кунчиқар
Машшоқ — чолгучи
Маъбар — ўтиладиган жой
Маъбуд — оллоҳ
Маъжун — қайф берувчи аралашма дори
Маъин — равон
Мақрун — иқин, ёндеш
Магмум — гамли, гамлик
Магора — гор, тоддаги гор
Магриб — Ғарб, кунботар
Магфур — кечирилган, гуноҳи авғ этилган
Маҳв — ўқолиш, туғаш, орадан кӯтарилиш
Маҳз — холис, соғ, нуқул, фақат, ёлгиз
Маҳзал — қулги, масхара бўлиш
Маҳфил — дўстлар жамъ бўлиши, дўстлар базми
Меҳроб — Масжидда имом саждага бош қўядиган маҳсус жой
Меш — ҷармдан тикилган сув идиш
Меъроҳ — кўкка кӯтарилиш
Мидод — сиёҳ, қоралик
Мазроб — нохун, зарб, чертиш
Мийл — бонг
Милён — миллион
Мисвок — тиш тозалагич
Мисоқ — аҳду паймон
Мисқол — оғирлик ўлчови — (4,1 гр.)
Миқнотис — магнит, оҳанрабо
Моғазар — бирор нарсанинг ҳозир бўлиши, тайёр туришлик
Муаллақ — оралиқда қолган, осилган
Муалло — юксак, аъло
Муаллиф — ёзувчи, асар соҳиби
Мубориз — яккама-якка олишувчи, пахлавон, жангчи
Мубоғаса — баҳс қилмоқ, фикрлар иаҳори
Мубоғот — фахрланиш, мақтаниш
Муваккил — вакил, бирор ишга тайин этилган
Мударрис — дарс берувчи
Муддайӣ — рақиб, даъвогар
Мужиб — сабабчи, боис, туфайли
Музматаҳил — маҳв бўлиб, йўқ бўлиш
Музояқа — танглик зулм
Музоғир — ёрдамчи, қўлловчи
Мукно (Мукнат) — кувват, қудрат
Мулозимат — бирга бўлишлик, хизмат қилишлик
Мулоқий — учрашувчи, кўришувчи, сўзлашувчи
Мулҳам — илҳомланган
Мулҳим — илҳом берувчи, кўнгилга солувчи

Мұмсик — хасис, баҳил
Мұнағжім — юлдузшынос
Мұназақ — нок, соф, равиан
Мұндариже — бир парса таркибига, ичига кирган
Мұножот — ялини, ёлворин
Мұнозат — иизолашув, жапжал, тортишув
Мұнташир — ёйилған, ҳаммага мәтілүм бұлған
Мұноқаша — жапжал, тортишув
Мұнқатын — ақралған, кесилған, бир қилем
Мұндалым — бузилған, түм-тарақай бұлған, тарқалған
Мұолажа — даволаш, дори-дармон қилиш
Мүрид — талаб этувчи, әргашувчи, құл берувчи
Муроқаба — мүшіншада, худо ва дүнө ҳақида фикр юритин
Мұртасим — сурат солувчи, нақші бөгловчи, расмға кири туви
Мұсаллам — инкор ва қарипилексиз мәтіқулланған, таслим бұлишплик
Мұсаллат — аұравонлик, голиб келишплик
Мұсаллағ — яроқлы, аслахадор
Мұсаннағ — китоб қилинған, ёзилған
Мұсанниғ — китоб түзувлі, ёзувлі, муаллиф
Мұсахар — затт этиш, бүйсундіріні
Мұстажоб үд дағыға — дуоси қабул бұлған
Мұстағий — етарлы бұлиш, ҳисебдор
Мұстагоб — ёқимли, юқори даражалы
Мұстагий — тортишувчи, әхтиёжесіз
Мұстаким — тұғри, поэт, бир жойда түрувчи
Мұтабаррүк — күтлуг, мұқаддас, шарафли
Мұтабақ — қаватма-қават, қилемларға бұлинған
Мұтавотир — оғиздан-оғизга құчған хабар, ёйилиш
Мұгаоқид — ахдалшыған, ахд bogлашыған
Мұтагайыннір — ўзгарған, ўзгарувчи
Мұтроғ — юз нарда, ҳикоб
Мұфаттин — фитиначи, фитина солувчи
Мұтобаат — тобеълик, итоат қилиш
Мұфорақат — айрилиш, ақралыш
Мұхайяр — ихтиєрли, әркі үзида бұлиш
Мұхомиғ — тесиари, қарама-қарни, душман
Мұшавиаш — ташвиши, наришон, бесаранжом
Мұшк — қора рангли хүш бүй модда
Мұчюба — әниқ арапа
Мұттақиқид — жытықод қылувчи, ихлоғы
Мұқаддима — оддинда борувчи, асарда кириң сүз, сұзбоны
Мұқайд — bogлашыған, улаңған, банд этилған
Мұқобиғ — қарни турувчи, зид
Мұғаний — анылачи, созаңда
Мұжлик — ҳалок қылувчи, ўлдирувчи, йүқ этувчи
Мұхрақ — күйдирувчи, ёндирувчи, қури туви
Мұхтади — тұғри йұлға түніған, тұғри йұл күрсатувчи
Мұхтарық — күйтған, ёған
Мұхтасиб — ихтисоб қылувчи, шариат ишларини, тош-тарозини назорат этувчи

Н

Набий — пайгамбар, худонинг элчиси
Наботот — ўсимликлар
Навозиш — яхшилик қилиш, сийлаш, меҳрибончилик, эркалани
Нажжод — насл, наасаб, келиб чиқиш
Нажжор — дурадгор
Назм — тузум, тартиб, тузиш, шеър
Насиб — олий нажот, нажот берувчи
Насоро — Исо динидаги одам, христиан
Натож — ивтижалар
Наузибильлоҳ — худо сақласин
Нафсонийят — ўз шахсига берилиш, ўзини куриш
Нахчир — охуга ўхшаш ов ҳайвони, ов, нажир
Нағоис — нағислик
Нағс — шахс, вужуд, майл
Наъл — нағал
Наът — пайгамбар мақтоби, мадх
Нақиз — қарши, зид, тескари
Нақиб — бирор жамоанинг етакчиси, эътиборли киши
Нағий (нағу) — нечун, нета, қандай
Нағанг — акула, катта балиқ
Нисён — унутиш
Нозил — тушиган, осмондан интан
Нотиқ — нутқ, сўзловчи
Ноқис — шукронли, камчилиги бор
Нубувват — пайгамбарлик, элчилик
Нужум — юлдузлар
Нурулайн (нури айн) — кӯз нуридай суюкли, азиз фарзаанд
Нусрат — ёрдам, мадад, зафар, галаба
Нутфа — маний, шаҳват

О

Обо — оталтар
Овон — вақтлар, замонлар
Ойин — расм, одат, тартиб, ўхшашлик
Ол — оила, хонадон, қариндош-уруг
Олот — асбоблар, яроқлар
Олуд — арзалаш маъносида
Омода — тайёр, тайёрланган
Оре, орий — түгри, рост, шубҳасиз
Орлот — урүг номи
Осий — гуноҳкор
Осор — нишоналар, асарлар
Оталиқ — ҳомий, бек
Офият — созлиқ, тинчлик, покизалик
Ошуб — газго, тўноплон, кўриқув
Оғоз — боғланиш, ибтидо
Оған — темир
Оғангар — темирчи

Наём — хабар, дарак
Найрав — эргашувчи, изидан борувчи
Найкон — камон ўқининг учи
Нартав — ёруглиқ, нур, шуъла, порлоқлик
Нешодиён — пешодийлар, қадимий Эрон шоҳлари сулоласи
Нироста — безалган, зийнатланган
Нироя — безак, зийнат
Нолон — теридан тикиладиган буюм
Норсо — сақланувчи, ёмон ишлардан ўзини тийувчи
Пўта (фўта) — ишак ўрама белбог
Пурнур — порлоқ, нурли
Пурфутуҳ — тўла очилиш

Р

Рабиул-аввал — ҳижрий йилнинг учинчи ойи
Рабиул-охир — ҳижрий йилнинг тўртиччи ойи
Работ — йўловчилар манаилгоҳи
Равза — бог, жанинат
Ражо — умид, оразу
Ражъат — қайтиш
Разм — уриши, гавро
Ракаат (ракъат) — иомоз ракаатлардан иборат бўлади
Ракик — сует, заиф
Рам — сажда, чўчиш, қўркини
Рама — гала, сурув, тўда
Раммола — фол очувчи (қум, пукта, чизиқлар орқали каромат қилиши)
Расул — элчи, пайгамбар
Расуолллоҳ — оллоҳнинг элчиси, Мухаммад пайгамбар
Раста — қатор
Рафиқ — дўст, ҳамдам, ҳамроҳ
Рафоқат — дўстлар, ҳамсuxбатлар
Рахт — кийим-кечак, сафар юки
Регистон — қум тўшалган майдон, саҳни
Рибо — судхўрлик, таъмагирлик
Рижол — эрлар, эркаклар
Рижол ул гойиб — назардан гойиб мұқаддас, улуг одамлар (руҳ)
Ризвон — розилик, мамнунлик, жапнат
Рихлат — кўчиш, ўлиш
Ровий — ҳикоячи, қисса айтuvчи, маълумот берувчи
Рокиб — сувора, отлиқ, миниб юрувчи
Рофизий — шиъя мазҳабидаги киши
Рубъи маскун — Ернинг қуруқлик кисми
Руҳи қудс — мұқаддас, пок рух

Сабад — сават
 Сабий — ёш бола
 Сабъ — етти
 Сабъ ул масоний — етти карра
 Сабха (сүбхә) — тасбәх
 Савқ — табиат, хиләт, құдрат
 Сад — түсік, баланд девор
 Садр — уруг, мансаб
 Садр аш шарият — исломда улуг мартаба
 Садрнишин — улуглар биләп үлтирувчи, мартабали
 Сажда — номоз расуми, әғилиш
 Сайд — ов, шикор, илинтироқ
 Сайқал — жило бериш, пардоzlаш
 Сайха — ҳайқириқ, қичқириқ
 Сакбон — итбоқар
 Сакина — ором, осудалик
 Сакта — турғынлик
 Салжүкіән — салжүкійлар
 Салоқ — яхшилик
 Самадийят — абадият, павқиронлик
 Самар — мева, ҳосил, фойда
 Сандувоч — қалдирғоч
 Сано — мақтов, мадхия
 Саноч — чарм тұрва, меш
 Сарбадор — Хуросонда XIV аср үрталарида вужудга келған халқ ҳаракати
 иширокчиси (дорға осилинидан құрқмайдыған, боши дорға тикилған, деган
 маңындарда)

Сарыъ — тез, суръатли
 Сарық — очиқ, равишан, аник, ойдин
 Сарафroz — улугтвор, юксак
 Сафро — сариг, ўт, зақра
 Сафха — саҳифа, варак, бет
 Саъй — ҳаракат, интилиш
 Сақлу (сақлов) — чегара, юрт чегараси
 Сақо — сув беруучи, сув сенүвчи, мешкоб
 Сағбо — қызил май
 Сағиқ — хатосиз, тұгри
 Саҳоб — булут
 Саҳойиғ — вараклар, бетлар, саҳифалар
 Сел — шапалоқ
 Сиёдат — сайидлик, улуглик, пайгамбар авлодига мансублик
 Сикка — нүл зарб қилиш, тамга урылған ақча
 Сила — инъом, баҳшиш, мукофот
 Силсила — занжир, тизма, тартиб
 Сипар — қалқон
 Сипоқ — аскар, құнин
 Сирот — күнрик, йўл, дўзах устидан жанинатта ўтиладиган қилқўирик
 Ситойиниши — мақтов, мақтап

Сифла — паст, тубан, хасис
Содот — саййидлар,
Совғат — совғалар, тұхфалар
Соңа — савол қылувчи, истовчи, гадо, тиленчи
Соңым — рұза тутувчи
Сойир — сайр этувчи, сайдж
Сол — йил
Солотин — сүлтонлар
Сомең — эшитувчи, тингловчи
Сомонийён — сомонийлар, IX асрда Бухорода ҳокимиятни араблардан олган супола
Софий — софлик, тозалик, тиниқлик
Соғиб — эга, тасарруф этувчи
Соғибқирион — яқынлашиш, бирлашиш сохиби, икки сайдернинг бир буржда яқин келини пайтида туғилған киши
Соғир — сәхргар, ажайып санъаткор
Сувар — сурат
Сулук — йўл тутиш, яхши йўлга кириш, худога яқынлашиш йўли
Суҳан — сўз, путь, ифода
Сўқиш — жанг, уруш

Т

Тааммул — чуқур ўйлаш, мuloҳаза қилиш
Табал(табл) — катта ногора, довул
Табақа — гурух, қатлам, даражасы
Табдил — ўзgartириб юборип, бошқача қилиш
Таборак — худонинг исмларидан бири
Табоғ — хароб, бузук, вайрон
Таббоғ — ошина, овқат пиширувчи
Таважжұх — юзланиш, хайрихолик, бир сарига азм этмоқ
Таваллуд — туғилиш
Тавағұм — вахимага тушиш, құрқинч
Тавозуъ — адаблилек, ўзни паст олиш, ўта камтарлик
Таворих — тарихлар
Тавағұф — тұхташ, тек туриш
Таврот — яхудийларнинг диний китоби
Тавғид — худонинг бирлигига ишениш, худога етишув
Тадриж — аста-секинлик
Тазарруғ — ялининш, ёлвориши
Тазвир — алдаш, хийла, фириб
Тайрон — учинц, парноң
Такбир — худони улуглаб «оллоху акбар» иборасини айтиш
Такрим — хүрмәт, иззат, әхтиром
Такя — суюнчик, ястик, дарвешхона
Талбис — хийла, макр
Тамасхур — масхара қилиш
Тановул — зиммага олиш, емоқ, ичмоқ

Тарағұм — раҳм қилиш, марҳамат
Тарек — қора дори
Тарсо — христиан
Тарсидан — хавф құлмок, журъат этолмаслик
Тасалсул — ҳалқа-ҳалқа, кетма-кет уланиш, тизма
Тасхир — ром қилиш, забт этиш, құлға олиш
Таъбия — тузиш, тартибға солиш, сафлаш
Таъмир — қуриш, обод этиш, созлаш, умрни узайтиш
Тақаддым — илгарилаш, олдинда бұлиш
Тақвият — ёрдам беріш, қувватлаш
Тагайор — үзгариш, бошқа тусга кириш
Тагайр — үзгартыш
Тағаммұл — тоқат, сабр, чидам
Тийнат — хүлә, равиши, феъл, табиат, яратилиш
Тиловат — «Қуръон»ни кироат билан үқиш
Тоат — ибодат, сигиниш, оллоҳдан күмак сұраш
Тоифа — қабила, қавм, гурух, әрқаклар тұдаси
Тойиб — тавба қилувчи
Тұлуғ — чиқиши, қуриниш, болқиши
Тұманот — үн мингликлар
Тұғбардор — байроқ күтәрудүчі яловбардор
Тұгро — давлат рамзи, нишони, фармон, ёрлиқлар тенасидаги махсус безакли
белги
Тұғанғ — жанг қуороли
Тұша — озиқ-овқат, йұл озиги

У

Убур — үтиш, юриб үтиш
Уә — өлгө асбоби
Уәв — аъзо, гавда қисмлари
Уәма — аъзам, катта
Уламо — олим
Улус — әл, ҳалқ
Умаро — амирлар
Умда — асос, дастак, таянч
Умә — құрлық
Уммат — бир тилда сүзлашувчи ипсонлар, бир пайғамбарға тобеъ кишилар
Уңсұр — асос, таркиб
Усманиән — усманийлар
Умоқ — жаннат
Ухуеват — биродарлик, қардошлик, aka-укалик
Үқоб — бургут

Ф

Фавт — йұқолиши, үлим
Фазиғат — расволик, разолат

Фалак — осмон, күк
Фано — йүқ булиш, улиш
Фаранг — Франция, француз
Фард — якка, ёлгиз
Фарангистон — Европа
Фарра — шукук, шавкат
Фаррон — равон, тез, сидирга
Фаройиз — исломдаги беш мажбурият (рӯза, намоз, ҳаж сингари)
Фасоғат — сўзнинг равон, ёқимли, қоидага мувофиқлиги, гӯзал услугуб
Фасҳ — бузиш, бекор қилиш
Фатонат — ўткир зеҳн, зийраклик, хушфаҳмлик
Фитрат — яратилиш, табиат, тугма табиат
Фатҳ — очиш, ечилиш, забт этиш, галаба
Фақиҳ — диний ҳуқуқ билимдони
Филизот — маъданлар қоришмаси (темир, пӯлат, олтин каби етти маъдан)
Фива — пиво
Филҳол — шу ҳолда, шу пайтда, дарҳол
Фихраст — мундарижা
Фирот — денгиз номи
Фирқа — инсон гурухи, жамоат, тӯда, мазхаб
Фиқҳ — диний ҳуқуқ илми
Фосид — бузук
Фузыҳ — расволик, разиллик
Футуҳ — очилиш, ечилиш
Фӯта (пӯта) — ипак ӯрама белбог
Фӯш — от ёли

X

Хабари арожиғ — беҳуда, ёлғон хабар, атай тарқатилган миш-миш
Хабир — билувчи, хабар берувчи
Хабис — ёмон, ярамас, бадбӯй
Хавотин — вёллар
Хавоқин — ҳоқонлар
Хаданг — ўқ, камон ўқи
Хазз — ипакли мато
Хайд — гурух, тӯда, от-улов тӯдаси
Хайма — чодир
Хайрот — яшиликлар, хайр-саҳоват
Халаф — ўринбосар
Халлоқ — яратувчи
Хамр — май, шароб, бода
Харвон — оғирлик ўлчови, бир эшак юки
Хасм — душман, рақиб
Хашм — ачиқ, газаб
Хилоф — қарши, тескари, зид
Хильъат — ҳашаматли кийим, сарпо
Хиргоҳ — чодир
Хирқа — жанда, руҳонийлар уст кийими

Хожа — эга, бошлиқ, уй эгаси, оила бошлиги
Хойиғ — құрқувчи, құрқок
Холиқ — халқ құлувчи, яратувчи (худонинг сифати)
Хонақоғ — масжид
Хома — қалам
Хориқ — фавқулодда, одатдан ташқари
Хотам ус салтанат — салтанат мұхри, подшоҳ үнвони
Хубс — баднинт, палид
Хутба — жума қунлари ва ҳайитларда ұқыладиган намоз (унга давлат бошлиги исми құшиб ұқылган)

Ч

Чалипо — бут, құшув аломатига үхшаш нишон
Чаноқчи — ҳайкалтарош
Чарх — айланиш, осмон, фалак, тақдир, толеъ
Чашн — таштанали йигилиш, базм
Черик — құшин, аскар
Чивиртка — чигиртка
Чин — Хитой
Чингловул — құшиннинг орқасидан юрадиган соқчилар тұдаси
Чобук — чакқон, теа, илдам, савандоз
Чокар — хизматкор
Чогир — май, ичкилик, шароб
Чуғз — бойқуш, бойғуғли
Чұгул(чұғол) — чақимчи, гийбатчи, игвогар

III

Шабихун — тунги ұхжум
Шайх ул аттам — доно устоз, муридлар етакчиси, исломдаги олий мартаба
Шамим — хүш ис, хүш бүй
Шамс — қүёш
Шамсия — қүёш йиғи ҳисоби
Шанбалид — гул
Шарис — ёмон, ярамас, бузуқи
Шарғи вұқайи — воқеа-ходисаларни изохловчи, шархловчи
Шағиғ — воситачи, ҳимоячи
Шаъбон — ҳижрий йилнинг саккизинчи ойи
Шаҳристон — мустақкам қалъаси бұлған катта шаҳар
Шиква — шикоят, гиналаш
Шикоф — ёриқ, дарә, тешік
Шиъя (шиа) — гурух, тарафдор, исломдаги асосий йұналишлардан бири
Шотир — жиловдор, подшоҳ жиловдори
Шүжөз — шижаатли, ботир
Шүкқа — байроқнинг учига болғанадиган мато
Шүхид — күз билан күриш, мушоҳада

Элогия — күчманчи ўзбеклар, данит қавмлари
Эрод — баён, сўзлаш, нақл, зикр қилиш
Эътидол — мўътадил, ўрта даражада
Эътилол — хасталаниш, касалликка чалиниш
Эътимод — эътиқод, эътибор
Эътино — гамхўрлик, диққат
Эътисом — ўз гуноҳларидан қайтиш, гуноҳ қилмаслик
Эҳдос — бино қилиши, кашфиёт, ижод этиш

Ю

Юмкин — мумкин, эҳтимол, шоянд
Юсун — маросим, одоб

Я

Ябоб — хароб
Явм — кундуз, вақт
Яд — қўл
Яъжуҷ: яъжуҷ-маъжуҷ — афсонага кўра хунук тоифа, баҳайбат, ҳамма нарсани
 еб тутатувчи, одамхўр маҳлуқлар
Яздан — худо, оллоҳ
Яйлоқ — яйлов, ўтлок жой
Яксар — танҳо, якка,
Ялов — байроқ
Ялавоч — хабар етказувчи, хабар берувчи
Ям — дарё, денгиз
Ярлиғ — подшоҳ фармони
Яроғ — қурол, аслаҳа, ҳозирлик
Ясавул — интиозам сақловчи кичик амалдор
Яғмо — талон-тарож, горат қилиши

Ү

Үкта — беҳуда, кераксиз
Ўланг — ўлан, ўт, гиёҳ
Ўпчин — совут, зирҳ
Ўр — баландлик, қия жой
Ўтру — қарни, рӯнара

Қ

Қабеҳ — ёмон, ярамас, нописанд
Қабо — эркакларнинг узун уст кийими
Қавий — кучли, қувватли
Қавий жўша — куч-қувватга тўлган, кучи қайнаган
Қавл — сўя, ган

Қавм — бир маҳалла, қишлоқ кишилари, бир уруг вакиллари
Қазоқ қадр — худо юборган ўлим, ажал
Қайса — подшоҳ, Рум ва Юнон подиохларининг қадимий лақаби
Қалам құлмоқ — қирмоқ, бопшың кесмоқ
Қаловуз — раҳбар, лашкар йўл бошловчиси
Қалада — итнинг бўйин тасмаси
Қамария ҳисоби — ҳижрий ой иили ҳисоби
Қанора — қассоб кундаси, гўшит осиладиган чангаклар
Қантара — кўпприк
Қарқара — тожга тақиладиган товус нати
Қатли ом — қирғин, ёншасига ўлдириш
Қаҳад (қаҳт) — очарчилик, йўқчилик, қахатчилик
Қирон — икки сайдеранинг бир буржга яқин келини
Қовга — қудуқдан сув олишда ишлатиладиган чарм идиш
Қозиқолғожат — ҳожатбарор, худога ишора
Қорий — Қуръонин ёд билувчи, оҳанг билан ўқувчи киши
Қофила — карвои, сафарга чиққан йўлчилар тўдаси
Қубба — гумбаз
Қудс — муқаддаслик, поклик, тозалик
Қулзум — Қизил денгиз, умуман денгиз
Қуллоб — чангак, қармоқ
Қусур — камчилик, пуксон, қасрлар, саройлар
Қутб — замона пешвоси, йўл қурсатувчи авлиё
Қуқу — хуш бўй
Қўқур — кўр, сўқур

F

Ғабин — зарар ва зиён
Ғабро — замин, ер, туфроқ
Ғаввос — сув тагига шўнгувчи
Ғавр — бирор нарсанинг туби, ҳақиқат, моҳият
Ғавий — гумроҳ
Ғаданг — жоҳил, подон, абллаҳ
Ғаддор — хиёнатчи, бевафо, алдамчи
Ғадр — аҳдни бузган, хиёнатчи
Ғазовот (Ғазв) — жанг, ҳарб, юриш
Ғазо — юриш, жанг
Ғайб — куага кўринмаслик, сир, яширинлик
Ғани — бой, бадавлат
Ғаним — душман, қарши томон
Ғарв — най, қалам исалади
Ғарик — ботгац, чўмган, гарқ бўлган
Ғарча (ғалча) — абллаҳ, аҳмоқ, подон, калтафаҳм
Ғизо — овқат, таом
Ғизола — оху
Ғино — нағма, оҳанг, қуй
Ғирев — дод-фарёд, шўриш, бақириқ
Ғоб — ўрмоилар

Гүрфа — болохона

Гүсл — чүмилиш

Гұта — сувга шүнгіб чиқиш, шүнгіш

X

Хабаш — қора тусли

Хабба (*ҳабобат*) — дон, дона, галла

Хавл — құрқинч, қудрат

Хаволи — теварак-атроф

Хавон — хорлик, тубанлик

Хавр — газабға миниш, қизиниш

Хадағ — пишоп, йұналиш нүктаси

Хадид — темир

Хадис — пайғамбар сұзлари, ибратли сұзлар

Хажар үл асвад — Қаъбадаги табарруқ қора тош

Хажжом — табиб, томирдан кон олувчи, жаррох

Хаз — баҳра, насиба, шодлик, лаззат

Хазм — хүшөрлик, әхтиёткорлик

Хазан — ғұсса, ғам, андух

Хазор — минг

Хайвон сүйи — тириклик суви (ағсананий сув)

Хамоил — шамшир богичи

Хамул — ўша, ул, ҳам

Ханнот — галлағуруш, деңқон

Харба — жанг асбоби, қалта наиза

Харис — куювчи, ёндирувчи

Харос — құрқув, дахшат

Ҳасаб — қадр, андоза, миқдор, шараф, шұхрат

Ҳашам — хизматкорлар, навкарлар, подшох чокарлари

Ҳашар — гурух, тұда, айжуман

Ҳашр — жамлаш, мақлис, қиёмат

Ҳақип — тубан, наст, хор, қадрсиз

Ҳақиқ — сазовор, лойик

Ҳибр (*Ҳабр*) — ақыллы, доининман, олим, доно

Ҳиддат — теэзлик, шиддат, газаб

Ҳидоят — тұғри йұл күрсатиш, тұғри йұлға кириш

Ҳижоб — парда

Ҳижрий — мусулмон йил ҳисоби, Мұхаммад пайғамбарнинг ҳижрати — 622 йыл

16 июлдеги күчишидан бойланади

Ҳизб — гурух, фирқа

Ҳимом — ният, бирор ишга киришиш

Ҳин — вақт, пайт, огох бұл, әхтиёт қыл

Ҳиросат — зироат, деңқончилик

Ҳисн — құргон, панохгоҳ, қалъя, истеҳком

Ҳисор — истеҳком, құргон, қалъя

Ҳоди — тұғри йұл күрсатувчи, йұл бошловчи

Ҳомил — күтарувчи, тасарруф этувчи

Ҳомун — кенг, текис дала, сахро

Хорис — экинчи, пособи
Хорун — пособи, кузатувчи, Мусо пайтамбар акасининг исем
Хорут — ерга ҳайдалган икки фариштанинг (Морут) бири
Хотиф — гойибдан овоз берувчи, иидо қилувчи
Хафи — ёмонликдан сақланувчи, камбагал, оёқяланг
Хубобот — доилар, ғаллалар
Худо — тўғри йўл, рост йўл, ҳидоит, ҳаққа бошловчи дин, яъни ислом
Хузн — гам, гусса, қайгу, ҳасрат
Хулав — ширин, лазиз, тотли
Хулла — безакли, инак мато
Хумоюн — қутлуг, муборак, қувватли, хуш
Хусом — қилич, шамшир, шоп
Хурт — балиқ, ўн икки бурждан бирининг номи
Хуққа — жавохир қутичаси
Хуққабоз — фирибгар, қаллоб

МУНДАРИЖА

«Темурнома» хақида сұз.....	5
Темурнома.....	31
«Темурнома»да учрайдиган нотаниш сұзлар учун лугат.....	329

Литературно-художественное издание

САЛОХИДДИН ТОНКАНДИЙ

ТЕМУРНАМЕ

На узбекском языке

Мусавири Т. Иброримов
Расмлар мухаррири О. Муйинов
Техник мухаррир Е. Толочко
Мусаххих Равшан Файз

ИБ № 0309

Боемахонага берилди 10.07.90. Босимнига 20.11.90. руҳсат этилди йашчими
60×90¹/16. Офсет көзгали. Янги оддиги гарнитура. Офсет бояма усулида
бисизди 22,0. Шартли боема тобок. Шартли бўёкли боемада пашт
хамми 22,25. Напириёт тобок хисоби 24,24. 2000000 минг ичукада 37,90.
Шартнома 443 буюртма. Баҳоси 8 сум.

«Чулион» нашириети. 700083. Ташкент шахри. ГСП. «Правда» тизасин
кучаси. 41.

Узбекистон ССР Давлат матбуот комитети Ташкент шахри иштаби ҳи
карни бирлашибиги. Ташкент шахри. Навоий бузиги. [3]

Т 39

«Темурнома»: Амир Темур Кўрагон жангномаси: /Адабий--
бадний нашр/Сўзбоши муаллифи ва лугатлар асосида нашр. тайёр-
ловчи П. Равшанов.— Т.: «Чўлпон» 1991—352 б.

«Темурнома» — улуг саркарда ва давлат арбоби Амир Темур Соҳибқирон иби
Турагай Баҳодирнинг ҳаёти ва жанг жадаллари ҳақида. Бу китоб на фақат
тарихий, балки қизиқ-қизиқ воқеалар ва ривоятларга, афсоналар ва ҳикматларга
бой бадний асар сифатида ҳам гоятда қадрлидир. Китобда боболаримизнинг
санъат, маданият ва меъморчиликка онд қарашлари ҳам мужассам этилган.

«Темурнаме»: (Литературно-художественное издание)

Сб 63.3(2У)